Юло Вооглайд

ВАТАНДОШЛИК ДАСТУРИ

ЭРКИН ФИКРЛАШНИ ИСТАГУВЧИЛАР
УЧУН ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

КБК 66.4(4Эст)
УЎК 327(474.2)
В 74

Юло Вооглайд Ватандошлик дастури [Матн]: илмий-оммабоп /
— Тошкент: “Azon kitoblari”, 2023. — 704 б.

Таржимон:
Ҳамид Содиқ

Ушбу китоб эстон олими Юло Вооглайд томонидан ёзилган бўлиб, унда инсоният олдида турган муҳим масалалар – инсон, ҳаёт, яшаш муҳити, жамият, маданият, меҳнат, раҳбарлик, ҳамкорлик... каби мавзулар асосида ўзига хос тарзда ёритилади. Асар эстон жамиятига йўналтирилган бўлса-да, унда Эстония жуда кам тилга олинади ва умумий маънода асарни, бутун пост совет жамиятлари учун ёзилган дейиш мумкин. Ушбу қўлланмани – ватандошга айланишни истайдиган, ватандош бўлиб қоладиган ва ўзини ватандошлардек тутадиган ватанпарвар инсонлар учун ёзилган десак айни ҳақиқат бўлади.

[ ] Мазкур белги остидаги изоҳлар таржимонга тегишли

ISBN 978-9943-8140-6-6

0. КИРИШ

0.1. МУАЛЛИФ СЎЗБОШИСИ

Ушбу китоб инсонлар ҳақида. У ўз давлатини асраш ва такомиллаштиришда фаол иштирок этиш заруратини ҳис этганлар ва ҳақиқий ватандош бўлишни истаганлар учун ёзилган. Ҳаммамиз давлатнинг қайси соҳалари яхши йўлга қўйилганлиги ва қайси унсурлари эҳтиёт қилиниши лозимлиги, шунингдек нималари ҳимояга мухтож эканлиги борасида жуда синчков бўлишимиз зарур. Шунингдек носозлиги мавжуд, такомиллаштириш лозим бўлган жиҳатларини аниқ билишимиз, айни дамда мамлакат ҳаётига қандай янгиликлар киритиш ва нимадан воз кечиш кераклигини ҳам диққатимиз марказида ушлаб туришимиз зарур. На қишлоқ, ва на шаҳар бўлсин - дунё ўзгармоқда, энди биз ҳаётимиз яхшиланишига ҳизмат қилаётган, шу билан бирга уни қийинлаштираётган нарсалар ҳақида жиддий ўйлашни бошлашимиз лозим.

Эстон маданияти ва миллатининг асрлар давомида сақланиб қолишини таъмишлаш Эстон Республикасининг вазифасидир. Демак, ўз мус-

тақиллиги учун шарт-шароитларини яратадиган ва уни ҳимоя қиладиган давлатнигина муносиб давлат деб ҳисоблаш мумкин. Шубҳасиз, бунинг учун давлат ва жамиятни, шахс ҳамда оилани қатъийлигу изчиллик билан мустаҳкамлашга қаратилган комил ишонч ва кучли истак бўлиши, шу билан бирга ватандошлик фаоллигини шакллантирадиган шарт-шароитларни вужудга келтириш ва сақлаш талаб қилинади.

Ҳеч қайси ҳукумат — жамият ёки маданиятни сақлаб қола олмайди; буни фақат халқнинг ўзи амалга ошириши мумкин. Шарти шуки, ҳукумат ва парламент унга ёрдам берсин (тўсқинлик қилмасин ва зиён етказмасин).

Давлатимиз 1918 йил 24 февралда ташкил этилган бўлиб, у эркинлик, адолат ва ҳуқуқ тамойиллари устига қурилган. Эстонияда ёлғон, қаллоблик, адолатсизлик, ва зулмга нисбатан кескин қаршилик кўрсатилиш керак. Айнан шунинг учун ҳам ҳокимиятга келганидан сўнг ўзларининг сайлов ваъдаларига тескари ишни қиладиган партияларни қўллаб-қувватлаш ноўриндир. Сиёсий қаллоблик ва халқ иродасини менсимасликка нисбатан мутлақ тоқатсизлик намоён қилиниши лозим.

Конституцияга кўра, Эстония ўзини-ўзи мустақил идора қила оладиган демократик давлат бўлиб, ундаги олий ҳокимият — халққа тегишлидир. Давлат, халқ, олий ҳокимият ва уни амалга ошириш ҳамда ҳокимият масъулияти каби сиё-

сий тушунчалар — бўш ва маъносиз сўзлар эмас, балки улар ҳар бир ватандош учун муҳим тушунчалардир. Афсуски, бу тушунчалар маъносини ва уларнинг ўзаро алоқаларини чуқур англаш имкониятлари жуда чекланиб қолган.

Давлатга таъсир кўрсатиш ва маданий ҳаётни юргизиш учун ватандош чуқур ва аниқ маънога эга бўлган таърифлардан фойдаланмоғи лозим. Агар бу атамалар ҳамда улар ўртасидаги алоқаларни ҳар ким ўзича талқин қилаверса, тушунмовчиликлар чиқиб, мулоҳазали бахс юритиш имконсиз бўлиб қолади. Уларни ўрганиш, ўргатиш ва англаш учун моделлар яратилиши зарурдир.

Тиббиёт, биология ва ҳуқуқшуносликда аниқликни сақлаш учун лотин тилидаги истилоҳларни билишингиз керак. Диплом олиш мақсадида муайян соҳага оид бўлган барча тушунчалару улар ўртасидаги алоқалар яхлит тизим ўлароқ ўзлаштирилганини исботлаш учун кўплаб имтиҳонлардан ўтишга мажбурсиз. Социал мавзуларни муҳокама қилишда эса бу каби шартлар қўйилмайди; қаллоблик йўли билан ҳокимиятга эришган шахслар бирор нарсани ўрганиш ҳақида эшитишни ҳам хоҳлашмайди. Ушбу китобда нима учун уй ва Ватанни, одамлар ўртасидаги муносабатларни, мулоқотнию ҳаёт муҳитини ўрганишга эътибор бериш керак эканини тушунтирамиз.

Олдинга силжиш — ўқиб-ўрганиш билан эмас, балки одамларнинг мулоҳаза қилишлари,

тиришқоқлиги, қатъияти, тизимли фикрлаши ҳамда меҳнатлари орқали бўлади.

Шу билан бирга, ҳар бир ватандош ва бутун халқ ўз келажаги борасидаги умидлариую режаларини фақат ташқи ёрдамга боғламаслиги керак. Жамият учун ўз эркини мустаҳкамлашга ҳисса қўшадиган муносабатларгина мақбулдир. Агар ҳамкорликка “кўмак”тўни кийдирилса, у хавфли ва чуқурлашиб борадиган тобелик ҳамда ундан ҳам хатарлиси, бефарқлик шаклланишига олиб келиши мумкин. Ташқи ёрдам ҳисобига яшашга ўрганган одамларга кўмак ҳар қандай ҳолатда ҳам келаверадигандек, яъни ўз боши билан фикрлашда ҳеч қандай маъно йўқдек кўриниб қолади.

Қашшоқликнинг асосий сабабларидан бири, хоҳ ўзимизда, хоҳ Африкада бўлсин, ташқаридан келадиган “кўмак”лардир. Қарамликка одатланиш ожизликка, унинг энг жиддий оқибати эса давлат суверенитетини йўқотишгача элтиши мумкин.

Ўзини ва атроф воқеликларини борича идрок этишни истаган ва бунга тайёр бўлганларнинг бойлиги ортади, бунёдкорликка қодир, мустақил ва бошқалар билан ҳамкорликда яшай олади, етарлича талабчан ҳамда (барча маънода) саховатли бўлишга, шу билан бирга умри давомида билим орттиришга имкон топади.

Шу билан бирга унутмаслик керак: ҳар қандай тизимсиз таълим фақат таассурот ҳосил қилиши мумкин, холос. Фикрлаш, таҳлил қилиш,

умумлаштириш, моделлар тузиш, экстраполяция қилиш қобилиятини мунтазам ва самарали ҳамкорлик шароитида бера оладиган таълимгина мустақил шахсни шакллантириши мумкин.

Таълим — ақл ривожи олд шартларининг айримларинигина шакллантира олишини назардан қочирмаслик керак: буларга биринчи навбатда тушунчалар (тафаккур материали), тафаккур конструкциялари (назариялар), фаолият тамойиллари (услубият — методология), фаолиятнинг иш асбоблари (усуллар), ахлоқий тушунчалар (ахлоқ ёки этикага тааллуқли фалсафий таълимотлар), идеаллар ва юксак ғоялар, фазилатлару дунёқарашлар, шунингдек, ахлоқ *[этика]* ва дид *[эстетика]* маъноларидаги гўзаллик ҳамда чиркинликни идрок қилиш тушунчалари киради.

Таълим жараёни натижасида фикр юритилади ва маънолар англанади бу эса билимлар тўпланишига сабаб бўлади. Лекин оқил инсон бўлиб етишиш учун етарли даражада танқидий, аниқ ва изчил фикрлаш шунингдек мустақил ва эркин бўлиш талаб этилади. Агар биз Эстониянинг *[Ўзбекистоннинг]* доимо мавжуд бўлишини истасак, шундай фикрлаш қобилиятининг ҳосил бўлишига эришишимиз керакки, унинг воситасида мамлакатимизнинг ҳар бир яшовчиси биз учун нима асослию нима зарурий ҳамда нима бефойдаю нима хавфли эканини фарқлай олсин. Бунда ким кимлигини, нима нималигини ажрата билиш маҳорати мавжуд бўлиши керак.

Сайловнинг қандай турида иштирок этишингиздан қатъи назар, шуни ёдда тутишингиз керак. Овозингизни қадрланг, уни дуч келганга бераверманг. Сиз фақат — ҳалол, адолатли, муносиб, малакали ва ўз халқига содиқ бўлган киши учунгина овоз берганингиз маъқул.

Мулоҳазаларимизни масъулият тушунчасидан, аниқроқ қилиб айтганда, ватандошлик масъулиятидан бошлаймиз. Масъулият ҳисси мустақил қарор бериш воситасида шаклланади. Ушбу китобда сиз, қайси шарт-шароитлар вужудга келганда қарорларни шакллантириш жараёнида чиндан иштирок этиш мумкину, қайси вазиятларда қарорлар “қарор бериш ўйини” билан алмашиб қолиши ва бу жараёнга нималар эргашиб келиши ҳақида фикр юритиш учун озуқа топасиз. Бундай ўйинларда иштирок этиш, жамиятда узоқлашув ва бегоналашувга сабаб бўлиши мумкин, бу эса ўз навбатида роллар тўқнашувини юзага чиқаради, баъзилар энди бу ролларда эскича яшашни истамай қолсалар, баъзилар эса, эски ролларда яшаш қобилиятларини йўқотадилар.

Қўлингиздаги китоб жамиятга камида тизим сифатида қарай олиш учун қўлланма бўлиб хизмат қилади. Асар аниқ ечимларни таклиф этмайди ва ҳеч қандай тарзда мутлақ тўғриликка даъво қилмайди. Унда келтирилган тушунчалар *[концепциялар]*[1]* ўзингиз ва атроф олам ҳақида

[1] [ ] Мазкур белги остидаги изоҳлар таржимонга тегишли

тасаввурларни кенгайтириш учун ёрдам бериши мумкин. Глобал фикрлаш учун бутунни кўра билиш зарур. Кенг фикрлай оладиган одамгина етарли даражада аниқ ва самарали ҳаракат қилишга қодир.

Ҳар бир инсоннинг мустақил фикрлай олиши ва ўзига мос ечимларни топиши муҳим бўлиб, бу ишлар жамият ҳисобидан эмас, балки муҳит қўллови туфайли амалга оширилаётганини, шу билан бирга олдинга илдамлашда ҳамкорликнинг аҳамиятини англаш лозимдир. Айнан шу йўл билангина яшовчилар жамоасидан — олий ҳокимиятни тута олишга муносиб, ўз давлатига меҳрибон бўлган ватандошлик жамиятини шакллантириш мумкин.

0.2. КИТОБНИНГ ТУЗИЛИШИ ҲАҚИДА

Ушбу китоб 13 бобдан иборат.

Асарнинг биринчи боби "Инсон" деб номланган бўлиб, унда инсонийлик хусусиятлари ва уни (аввало ўзимизни) ўрганиш учун зарурий бўлган нуқтаи назарлар ҳақида қисқача маълумот берилади. Инсонга — индивид, шахс, субъект ва роллар мажмуи сифатида назар ташланади. Ватандош нима учун ўз компетентлигини ошириши ва инсонпарвар бўлиши кераклиги тушунтирилади. Инсон ватандош бўлиб туғилмаслиги, балки ва-

тандошлик таълим, ўз-ўзини тарбиялаш жараёнида шаклланиши ҳақидаги қараш асосланади.

Иккинчиси — “Ҳаёт” боби бўлиб, унда шахс — жамоатчилик алоқаларининг ажралмас қисми сифатида кўриб чиқилади. Инсон ҳаёти биологик маънода, туғилиш ва ўлим оралиғидаги давр бўлса, ижтимоий маънода эса, инсон бир неча ҳаётни параллел равишда яшаши, ҳатто бир ҳаётни тугатиб, янги ҳаётни бошлаши мумкинлиги айтилади. Турмуш тарзи ва андозаси, ритми ва зўриқишлари, ҳаёт сифати кабилар ҳақида фикр юритилади.

Учинчи — “Яшаш муҳити” деб номланган бобда ўқувчига яшаш муҳити, унинг тузилиши ва аҳамияти ҳақида умумий маълумотлар берилади, шунингдек, у табиийлик компонентидан ташқари, қандай унсурлардан таркиб топганлигини муҳокама қилиш таклиф қилинади. Ижтимоий муҳитга — ташвиш ва қувончларнинг йирик манбаи сифатида алоҳида эътибор қаратилади. Четлашиш ва бегоналашиш каби тушунчалар ҳамда унга таъсир кўрсатувчи омиллар кўриб чиқилади; руҳий муҳитни вазият сифатида талқин қилишга ҳаракат қилинади.

Тўртинчи — “Жамият”, **бешинчи —** “Маданият” деб номланган бобларда шахс ижтимоий-маданий алоқалар доирасида кўриб чиқилади. Биз айни вақтда ҳам жамият аъзолари, ҳам маданият намояндалари, шунингдек, жамоалар вакили ҳамда оила аъзоларимиз.

Олтинчиси бўлган “Мулоқот” бобида аҳамиятли рамзлар, белгилар ва ҳаракатлар ёрдамида шаклланган шахслараро муносабатлар, шунингдек, алоқалар ҳақида сўз боради. Мулоқот ва ўзаро таъсирланиш бирлиги, олд шартлари, ҳамда оқибатлари кўриб чиқилади.

Еттинчи бобда “Фаолият тизими”, **саккизинчисида эса** “Билиш тизими” тафаккур моделлари (назариялари), шунингдек, билиш тамойиллари, воситалари ҳамда бошқа ҳаракатлар (методология ва методлар) шаклланиши ҳақида умумий маълумот берилади. Илмий англамалар ҳақида батафсилроқ фикр юритилади.

Тўққизинчиси — “Таълим” боби бўлиб, унда билим, кўникма ва англашнинг ягоналиги, маълумотлилик, информацияланганлик ҳамда тажрибанинг бирлиги, шунингдек, таълим тизими турли нуқтаи назардан кўриб чиқилади. Тарбиянинг устуворлиги, шунингдек, субъектни (шахсни) тараққий топтириш ўқув жараёнининг эмас, балки ижодкорликнинг функцияси экани таъкидланади. Барча жамоатчилик институтлари, шу жумладан, мактаб (таълим муассасаларининг бутун тармоғи) ҳам таълимий аҳамиятга эгалиги урғуланади.

Ўнинчиси бўлган “Меҳнат” бобида самарали фаолият юритишнинг зарурий шартлари, асослари ҳақида умумий маълумот берилган. Меҳнатнинг шакли, мазмуни, бунинг учун зарур бўлган ресурслару шароитлар ҳақида сўз юри-

тилади. Меҳнатнинг мазмуни, аҳамияти билан бир қаторда унинг интенсивлиги, ритми, меҳнат муносабатлари, меҳнат маданияти, шунингдек, меҳнат натижалари, иш ҳақи ва бошқа мукофотлар ўртасидаги боғлиқлик кўриб чиқилади.

Ўн биринчиси — “Раҳбарлик” боби бўлиб, унда қарорлар, ўзини-ўзи тартибга солишнинг зарурий шартлари, қарор сифати, уни қабул қилиш, ижро этиш ҳамда натижаларни баҳолаш масалалари муҳокама қилинган. Жараёнга раҳбарликнинг объекти сифатида баҳо берилади. Ўзак жараённи аниқлаб олиш ва нима учун ўзак жараённинг ривожланишига ҳисса қўшадиган ёрдамчи, қўшимча, ҳамроҳ ва мажбурий жараёнларни қўллаб-қувватлаш жуда муҳимлиги кўргазмали тушунтирилади. Раҳбарнинг шахси ҳамда фаолиятидаги муаллимлик сифатини очиб беришга ҳаракат қилинади.

Ўн иккинчиси — “Ҳамкорлик” боби бўлиб, унда ўзаро фаолият жараёнида шаклланадиган меҳнат тақсимоти, унга боғлиқ бўлган профессионаллашув ва синергия пайдо бўлишининг зарурий шартлари кўриб чиқилади. Ҳамкорликка тўсқинлик қилаётган ҳамда таназзулга олиб келиши мумкин бўлган бюрократия ва демагогия мавзуси янада батафсил очиб берилади.

Ўн учинчиси — “Ташвишлар” боби бўлиб, унда Эстония жамиятида кўп муҳокама қилинадиган ҳаётий жараёнлар, биринчи навбатда қашшоқлик ҳамда туғуруқ масалалари муҳокама қилинган.

0.3. АСОСИЙ ТАЛҚИНЛАР

Қандайдир предмет ёки ҳодиса, шахс ёхуд инсонлар гуруҳи, жараён ё унинг бирор бир қисми (хатти-ҳаракат) ҳақида илм ҳосил қилиш учун, аввало у нима эканини билиш мақсадга мувофиқ. Объектни кўриш учун жуда кўп нуқтаи назарларни топиш лозим. Бир нуқтадан (қайси бири бўлишидан қатъи назар) бутунни кўриб бўлмасликка яхши мисол бу — беш нуқтадан қараладиган пирамидадир. (*0.3.1. — чизмага қаранг.*) Биринчи мисолда, қараш юқоридан, иккинчисида ён томондан, учинчисида пастдан, тўртинчи ва бешинчисида — турли бурчаклар ва қарама-қарши томонлардан йўналтирилади. Барча расмлар битта объектни тасвирласа-да, улар бир-биридан фарқланади ва шу билан бирга ҳеч бири нотўғри эмас.



0.3.1. — чизма. Бешта нуқтаи назар таъсиридаги пирамида.

Худди шундай, инсон — оила, ташкилот, атроф-муҳит ва бошқаларни таҳлил қилиш учун

етарлича нуқтаи назарларни топиши мақсадга мувофиқдир. Ягона ва мутлақ тўғри бўлган нуқтаи назар ёки қараш мавжуд эмас! Бирор ягона нуқтадан кузатув натижаларига асосланиб бир бутун ҳақида қарор чиқариб бўлмайди.

Шундан [*турли нуқталардан кузатув хулосалари олингандан*] кейингина объект таркибини, унинг тузилиш тизимини (қисмлар, элементлар ва қуйи тизимлар бир-бирига нисбатан қандай жойлашганини), унинг генезиси ва динамикасини (*мазкур объект қандай шаклланган, қандай ишлайди, ўзгаради ва ривожланади — албатта, агар у ривожланаётган бўлса*) кўриш мумкин. Кейинги қадам эса объектни нима тавсифлаши, нимага боғланганлиги ва ўз навбатида унга нима боғлиқлигини кўриш бўлади.

Шундай қилиб, биз катта эҳтимол билан, босқичма-босқич тушунишга эришамиз. Юқоридаги шарҳнинг мантиғини қуйида тасвирланган чизма ёрдамида ўрганиш мумкин (0.3.2. — *чизмага қаранг*).

0.3.2. — чизма. Талқин мантиғи

Ушбу китобдан хулоса чиқариш учун — умумий, махсус ва яккалик, объективлик ва субъективлик, билим ва фикр, мотив, мотивация ҳамда мотивациялаш, ўтмиш, бугун ва келажак, йўналиш, мақсад ва воситалар, тамойиллару мезонлар, хабар ва ахборотлар, алоқаю боғланганлик, сабаб ва оқибатлар каби тушунчаларни фарқлай билиш ҳамда улар ўртасидаги боғлиқликни топа олиш керак. Таърифлаш, ўлчаш, баҳолаш ва ҳисоблашни бир-биридан фарқлаш, шунингдек, қандай шароитларда ишончли маълумотлар олишни, индексларни қандай тузиш, моделлаштириш ва экстраполяцияни кузата олиш лозим.

Баъзи ўқувчилар ушбу китобдан тайёр рецепт ёки семантик моделлар топишни кўзлаши, бошқалари эса бундай моделларни яратиш учун қўзғалиш нуқтасини кўриш истагида бўлиши мумкин. Қўрқаманки, инсонлар ва жамият ҳақида — барчага тушунарли, зарур ва қизиқарли, ҳамма жойда бирдек қўллаш мумкин бўлган матнни яратиш имконсиздир. Биз ўз олдимизга бундай вазифани қўйганимиз ҳам йўқ. Ушбу китобда сиз, умидлар ва юксак ғояларни — шахсий ҳамда атрофдагиларнинг тажрибасига боғлаб кўриб чиқиш, муҳокама қилиш, тўлдириш, чуқурлаштириш ва кенгайтиришга хизмат қиладиган нарсаларни топасиз, улар асосида кейинги фикр-мулоҳазаларни парваришлашингиз,

башорат қилишингиз, шунингдек, "пушти"дан "қора"га қадар — турли рангдаги сценарийларни яратишингиз мумкин.

МУАММОГА ҚАНДАЙ ЁНДАШИШ КЕРАК?

Мамлакат кишисидан ватандошни шакллантириш жараёни — ҳаётнинг барча соҳаларида, тартиботнинг турли даражаларида жамият ва маданият муаммоларини аниқлашни ўрганиш (7.2.1. — *чизмага қаранг*), шунингдек, муаммоларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва улар ўртасидаги боғлиқликни топишга ҳар доим тайёр бўлиш билан кечиши лозим.

Баъзан, ечими топилмаган қийинчиликни ёки жавоби ахтарилаётган саволни муаммо деб аташади. Бизнинг китобимизда эса — аввало англанган, ундан кейин маъно берилган мавжуд *[реал]* ва истакдаги ҳолат ўртасидаги қарама-қаршиликка муаммо сифатида қаралади.

Англанган қарама-қаршилик фақат инсонлар онгида вужудга келиши мумкин. Объектлар, ҳодисалар, жараёнлар, матнлар, соғлиқ ва ҳоказоларда муаммо йўқ.

Тартибот ва бошқарувнинг барча даражаларида, жумладан, оила ва жамоада ҳам, ҳар бир муаммо ўзига хос таркиб, мазмун ҳамда таъсирга эга. Маълум бир даража ёки маданият учун хос бўлган муаммо, бошқа даражалару маданиятлар учун умуман хос бўлмаслиги мумкин.

Муаммони англаш ҳамда юзага чиқариш учун камида учта нарса талаб қилинади:

• вужудга келган ҳолат, шарт-шароитлару вазиятни билиш (вазиятнинг ибтидоси ҳақида қайдли тасаввурга эга бўлиш);

• истакдаги ҳолат, шартлар ва вазият ҳақида тасаввур (у қандай бўлиши кераклигини тушуниш);

• воқеликда ва таққослаш жараёнида аниқланган зиддиятга фаол муносабатда бўлиш (бефарқ бўлмаслик).



0.3.3. — чизма. Статикада муаммони қандай аниқлаш керак?



0.3.4. — чизма. Динамикадаги муаммо

Предметли дунёда, шунчаки ашёлар жойини алмаштириш орқали мавжуд ҳолатни ўзгартириш мумкин, аммо жамиятда ўзгаришларни бу йўсинда амалга ошириб бўлмайди. Ўзгаришларга эришиш учун сиз воқелик омилларини ўзгартиришингиз ва шу билан бирга муҳофаза ва ҳимояни талаб қиладиган нарсаларнинг ўзгармаслигини диққат билан кузатиб боришингиз зарур.

Муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлмайди. Муаммони — шаклланиш, мавжуд бўлиш, кенгайиш ёки чуқурлашиш сабабларини камайтириш (имкони борича бартараф этиш), шунингдек, ечимга қаратилган зарурий ва кучли элементларни қўшиш ҳамда мустаҳкамлаш орқали ҳал қилиш мумкин.

Жамият ва маданиятда юзага келган қарама-қаршилик сабабларини (*казуал, қонуниятли ва функционал (акс таъсирли), оммавий ва яширин, глобал ва локал — алоқалар ва қарамликнинг бутун тизимини!*) юзага чиқариш, шакллантириш, тизимлаштириш ва очиб бериш керак. Акс ҳолда, талқин дилетантлар (ҳаваскор) даражасида қолиб кетади.

Ёмонлик сабабларини аниқлаш ҳамда шаклга келтириш қобилияти ва эълон қилиш жасорати бўлмаса, ёмон одатлардан халос бўлишнинг истиқболи йўқлигини римликлар бундан икки минг йил муқаддам тушунишган.

Қадимги Римда қўлланилган “3 + 5” қоидасига кўра (13.4 — *чизмага қаранг*) зарурий ўзгаришларга эришиш учун ҳеч бўлмаганда баҳолашнинг — таркиби, тузилиши, мақсадлари, ишлаш тамойиллари ва асослари (меъзонлари) ўзгартирилиши керак эди. Буларнинг барчаси ҳақида ушбу китобда фикр юритилади.

Муаммони — хавфлилиги, диапазони, тизимлашганлик даражаси ва бошқарилиши кабиларга кўра таснифлаш мумкин. Китобда муаммони аниқлаш ва шаклга келтириш қобилияти мустақил фаолиятнинг зарурий шарти экани таъкидланган.

ТЎРТТА МУҲИМ ҚЎЗҒАЛИШ НУҚТАСИ

Ҳар қандай мавзу, ҳодиса ёки жараённи кўриб чиқишда тўрт жиҳатга эътибор бериш керак.

Биринчидан — муҳофаза ва ҳимояни талаб қиладиган барча яхши нарсаларни юзага чиқариш ва шаклга келтириш.

Иккинчидан — нима ёмонлигини аниқлаш ва шакл бериш лозим. Шу билан бирга, жамият ва маданиятда (номоддий дунёда) камчиликларни ўзгартириш мумкин эмаслигини унутмаслик

керак. Фақат қониқарсиз вазиятнинг сабаблари (вазият, ҳодиса) ва уларнинг алоқадорлигига таъсир қилиш, шунингдек, етишмаётган омилларни қўшиш ҳамда кучайтириш чораларини кўриш мумкин.

Учинчидан — нима етишмаётганини аниқлаш, нафақат аниқлаш, балки етишмаётган нарсани қўшиш.

Тўртинчидан — исталмаган нарсаларни аниқлаш ва улардан халос бўлиш.

ВАТАНДОШ УЧУН МУҲИМ БЎЛГАН УЧТА ФАН

Инсонларнинг хулқ-атвори, муносабатлари, ўзаро мулоқоти ва мурожаатларини тушуниш учун ҳар бир ватандош (фаолият соҳаси, тартиб-бот ҳамда раҳбарлик даражасидан қатъи назар) психика, ҳаёт ва яшаш муҳити ҳақидаги билимларга эга бўлиши керак.



0.3.5. — чизма. Одамларни ва уларнинг

хулқ-атвор моделини тушуниш учун психикани, шунингдек, микро ва макромуҳитни билиш керак.

Психик жараёнлар, ҳолатлар ва ҳодисалар Психологиянинг ўрганиш мавзуларидир; шахсни микромуҳит контекстида — ижтимоий психология, макромуҳит доирасида эса — социология ўрганади. Қадрият бу — ушбу фанларнинг тарқоқ эмас, балки бирликда шакллантирган билимидир. Қолаверса, улардан бири бўлмаса, қолган иккитасининг амалий самараси кам бўлади.

0.4. ҚЎШИМЧА ИЗОҲЛАР

Ушбу китобда сиз “мажбур”, “зарур”, “мумкин эмас” каби сўзларни учратасиз. Муаллиф ҳеч кимга буйруқ бермоқчи ёки ниманидир тақиқламоқчи эмас. Бу ерда ҳеч қандай қолиплар йўқ. Аксинча! Биз ўқувчини изланиш ва кашф этишга, умумий, индивидуал ва махсусдан ташқари янги нуқтаи назарларни қидиришга, статика ва динамикада моделларни яратишга, шунингдек, такрорланмас, ноёб, ўзига хос ва аниқ чегараларини топишга чорлаймиз.

Бошқа томондан, шуни эътироф этиш керакки, Эстония жамияти билимга асосланади. (моҳиятан шундай бўлиши керак!) Ҳар бир кишининг маънавий бурчи — қарорларни муҳокама қилиш ва шакллантиришда иштирок этишга ирода кўрсатадиган қобилиятли ватандош бўлишга (ёки бу

мақомни сақлаб қолишга) интилиш, шунингдек, давлатда, ҳукумат органларининг қуйи тизимларида содир бўлаётган воқеалар учун масъулиятни тубдан баҳам кўришнинг ягона йўли ҳам "иштирок" эканини тушунишдадир. Шундай қилиб, бу "мажбур" ва "зарур" каби англанмаларнинг барчаси маълум маънода, ватандошлик бурчини урғулайди.

Тез орада ўқувчи англаб олиши умид қилинган қўшимча мақсадлардан бири бу — тилнинг аҳамиятини таъкидлашдир. Афсуски, Эстонияда ***[Ўзбекистонда ҳам]*** баъзи тушунчалар деярли бир хиллашиб кетган, масалан: маълумот, алоқа ва муносабатлар, йўналиш, мақсад, тўғри ва тескари алоқа, тизимлилигу комплекслилик, мустақил қарорлар қабул қилиш ҳамда бошқа инсонларнинг қарорларини ижро учун қабул қилиш ва бошқалар. Айтиш мумкинки, ўзини талабчан ватандошдек тутишни истаган (зарур деб ҳисоблаган)лар муҳокамалар давомида қўлланиладиган муҳим тушунчаларнинг тўғри ўзлаштирилишини таъминлаши керак — бу барча иштирокчилар учун кейинги муҳокамаларда умумий терминологик ва концептуал асос яратади. Агар тил (атамалар) чалкаш бўлса, суҳбатдошлар бир-бирини тушунмайди ва инсон сифатида ҳаракатлана олишмайди.

Эстонияда чала тушуниш ҳар қадамда учрайди. Агар илмий изланишлар бўлмаса, "фикр" илм деб қабул қилинади ва тадқиқотларга фойдасиз

иш сифатида қарала бошланади. Агар алоқалар тизимсиз ва маълумот ишончлилиги муҳим бўлмаса, таълим ҳам ўз аҳамиятини йўқотади, боғчаю мактабда болаларга тиқиштирилаётган сохталикни ёки уларга “тақдим этилган нарсани” таълим сифатида эътироф этиш бошланади. Авлодлар ўртасидаги заиф алоқалар эса маданий жарликни вужудга келтириши мумкин.

Нима қилиш керак? Худди ҳеч қандай даҳшатли нарса юз бермаётгандай, бошқа жойларда вазият бундан-да ёмонроқ эканини тушунтириб, худди шу тартибда давом этиш лозимлигини айтиш керакми? Ёки она тилига бу қадар эътиборсизлик қилинса, у маданий тиллар қаторига киришдан тўхташи ва мустақил ривожланиш қобилияти ҳам барҳам топишини англаб етиш лозимми? Балки, олий ўқув юртлари, муассасалару бошқа жойларда турли баҳоналар билан тилга қилинган ҳар қандай ҳужумларни тўхтатиш учун қатъий чоралар кўриш зарурдир.

Келинг, нима учун Эстониядаги *[Ўзбекистондаги]* мулоқот сусайгани ва жонли изланишга қайтиш учун ҳар биримиз нима қилишимиз мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрайлик.

1-БОБ. ИНСОН

ИНСОН

Инсон — нафақат ресурс. Инсон ва унинг фаровонлиги — алъфа ва омэга, ибтидо ва интиҳо, мақсадлар асоси ва қарорлар мақсади, асосий тамойил ҳамда баҳолашнинг асосий меъзони ҳамдир.

1.0. **УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР**

Ўзингиз ҳамда бошқаларни кўра билиш учун жуда кўп нуқтаи назарларни топишингиз керак. Биз — индивид ва шахсият, шахс ҳамда субъект, шунингдек, манипуляция объекти, қўйингки, жуда кўп мақомдамиз.

Инсон бу — нафақат ресурсдир!

Концепция негизида — ўз Ватани, давлати ва халқи учун қайғурувчи ватандошга айланишни истайдиган, ватандош бўлиб қоладиган ва ўзини ватандошлардек тутадиган элпарвар инсон ётади. Ўзини комил ватандош сифатида тутиш учун инсон жуда кўп нарсани англаши, тушуниши ва кўра билиши, шунингдек, кимнинг ким эканини *[ўзида нимани акс эттираётганини]* таний билиш имкониятига эга бўлиши керак. Жамият ҳамда маданиятда — етарлича ва аниқ кўзловга *[ориентацияга]* эга бўлган тақдирдагина, шахсда

ўз ва ўзгалар қарорларини мустақил ҳал қилиш ва ижро этиш учун жасорат шаклланади.

Заккий ватандош фикр билдиришдан олдин, ҳар қандай ташқи ёрдамсиз ҳам фикрини обдан пишитиш, якуний қарордан олдин, ниятдаги *[режалаштирилаётган]* иш оқилона ва зарур эканига ишонч ҳосил қилиш лозимлигини тушунади. Ватандошни — барча инсоний фазилатлар тавсифлайди. Хулқ-атвор тартиботида муваффақиятга эришиш мотиви билан бир қаторда, муваффақиятсизликнинг олдини олиш мотиви ҳам мавжудлигини эсда тутиш лозим.

Шахсни қуйидаги сифатларда кўриб чиқиш мумкин:

- **индивид ва шахс сифатида;**
- **манипуляция субъекти ёки объекти сифатида;**
- **жамият аъзоси ва маданият намояндаси сифатида;**
- **оиланинг ҳосиласи, сабабчиси ва ҳомийси сифатида;**
- **роллар ва мақомлар мажмуйи сифатида;**
- **зарурий шарт ва тўсқинлик сифатида;**
- **мақсад ва восита сифатида;**
- **ресурс, талаб, тамойил ва мезон сифатида;**
- **барча нарсанинг ўлчови ва қиймати сифатида;**
- **тизим сифатида ва ҳоказо...**

Оқил инсон ўзи ҳақида бошқаларнинг нима билишию ўйлашига бефарқ қарамайди. Ақлли инсон ҳам, эътибор ва эътирофга муҳтож, у йўл қўйилган аҳмоқлик оқибатида келиши мумкин бўлган ижтимоий дашномдан, шунингдек, бажарилиши имконли бўлган муҳим ишни қилмасликдан қўрқади (*нафақат бошқаларнинг умидлари ёки истаклари шуни талаб қилганлиги, ёхуд расмий мавқе ва мақоми тақозоси билан, балки бунга ижтимоий масъул бўлганлиги сабабидан ҳам*).

Инсоннинг хулқ-атвори, диспозиция тизими, идеаллар ва юксак ғоялар билан тартибга солинади. Олий вазифа, дунёқараш, бурч ва масъулият ҳисси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хулқ-атворни тартибга солишнинг кўп қисмини маданий алоқалар таъсирида шаклланадиган қўрқув ва уят, шунингдек, ижтимоий алоқаларда шаклланадиган айбдорлик ҳисси банд қилади.

АХЛОҚИЙ, ИЖТИМОИЙ ВА МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ

Инсонни ҳаракатлантирувчи кўплаб кучлар мавжуд. Айрим кишиларни ўз қизиқишлари, бошқасини — бурчлилик ҳисси, яна бирини — масъулият ҳисси, бошқа бирини эса — эҳтиёж, фаолликка ундайди. Баъзилар уй (оила) туйғусидан илҳомланади, шундай инсонлар борки, улар аввало ватандошлик туйғулари билан олдинга интилади.

Кимдир журналистлардан, кимлардир эса ёнғиндан, ўғридан, полициядан, қамоқхонадан ёки Худодан, жамоа ёхуд ҳамкасбларнинг қоралашидан, турмуш ўртоғидан... қўрқади. Агар инсон ахлоқ ва ахлоқсизлик ўртасидаги фарқни тушуниш даражасидаги ҳушёр ақлга эга бўлмаса ёхуд уят ҳиссини йўқотса, унга ҳеч нарса ёрдам бермайди, у ҳозироқ ушбу китобни ўқишни тўхтатиши мумкин — вақтни беҳуда сарфлашдан наф йўқ. Агар чўчқа каби яшаш уятли бўлмаса ёки керакли иш қилинмаётган бўлса — бу ахлоқ тарозисининг бузилганлигини англатади. Тизимни ўрганган, тушунган ахлоқсиз инсон ўз муҳити ва жамияти учун хавфли бўлиб, мисли кўрилмаган даражада аҳмоқона ишларни қилиш қобилиятини шакллантира олади.

Жамиятни тартибга солишнинг асосий механизми — бу ахлоқдир. Маълумотларга кўра, инсон хатти-ҳаракатларининг 60 фоизи ахлоқий меъёрларга боғлиқ.

Ахлоқий ва ғайриахлоқий хулқ ўртасидаги чегарани кўрсатишнинг енгил мисоли — тақиқланса-да, далага заҳарли моддаларни (пестицидларни) сепиб, асаларикларнинг ўлимига сабаб бўлган деҳқон ҳаракатларида кўриш мумкин. Юридик нуқтаи назардан, бу ҳаракатни хоҳлаганча талқин қилиш мумкин, аммо уят ҳисси бўлмаса, унда ҳеч қандай қонун ёрдам

бермайди. Қонунлар ахлоқий қадриятлар тизимининг ўрнини боса олмайди.

Инсоннинг хулқ-атвори ва ижтимоий ҳаёти асосан ахлоқ билан тартибга солинади. Маълумотларга кўра, инсонларнинг 60 фоиз хулқ-атвори — виждонга, билимга ва ахлоқий меъёрларни ҳурмат қилишга боғлиқ. Ахлоқни ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Агар ахлоқ ишламаса, жамиятдаги барча институтлар — ташкилотлар, муассасалар, жамоалар, оилалару бошқа ҳамма нарса зулматга юз тутади.

Одамлар ҳар хил бўлади, улар ўз:

- **нуқтаи назари, эътиқоди, дунёни англаши ва дунёқарашига;**
- **туғма мойиллиги, темпераменти ва характерига;**
- **қатъияти ва позициясига;**
- **тахмин ва баҳоларига;**
- **йўналиш ва мақсадларига;**
- **манфаатлари ва иродасига;**
- **қадрият ва нормаларига;**
- **афсона ва ясоқларига;**
- **ишонч, умид ва муҳаббатига;**
- **орзу, васваса ва фазилатларига;**
- **шубҳа, иккиланиш, қарамлик ва қўрқувларига эга.**

Ижтимоий назорат инсонлар ўртасидаги хатти-ҳаракатларнинг тахминан учдан бир қисми-

ни тартибга солади, аммо бу назорат инсонлар бир-бирларини билса, ҳурмат қилса ва ўзаро ҳисоблашсагина ишлайди. Инсонлар ўзлари ҳақида ижобий фикр шаклланишини афзал кўрадилар ва ўзбаҳолаш бошқа кишилар призмасига асосан шаклланганлиги сабабли, инсонда ўзгаларнинг умидларига мос келиш истаги пайдо бўлади. Агар инсонлар бир-бирини билмаса ва ҳурмат қилмаса, ижтимоий назорат ҳам ишламайди. Агар жамоат назорати ижтимоий ёки маданий меъёрларга зид бўлса, тартиббузарликнинг нормага айланиш таҳдиди вужудга келади.

Маъмурий чоралар — яъни қонунлар, қарорлар, турли тақиқлар, буйруқлар ва жарималар, уларни ким қабул қилишидан қатъи назар, у полициячи, инспектор ёки бошқа турдаги мансабдор шахс ёки идора бўладими — инсон хатти-ҳаракатларининг ўндан бир қисминигина тартибга солади холос.

Ҳар бир инсоннинг фаолияти бир вақтнинг ўзида:

- ҳам расмий, ҳам норасмий тизимларда;
- ҳам маданий, ҳам жамоатчилик алоқалари орасида;
- ҳам жамоавий, ҳам оилавий алоқалар ўртасида кечади.

Маъмурий назорат норматив (тартибли ва ижобий) хулқ-атворни кафолатламайди. Ахлоқий тушунчалар тизими ва ижтимоий

назорат жорий қилинмас экан, ҳар бир бурчак ва бутанинг орқасига милиция ходими қўйиб чиқилса ҳам, йўлларда ҳаракатланиш маданиятини яхшилашни умид қилмаса ҳам бўлади. Катта эҳтимол билан, "тезликсевар" ҳайдовчилар ҳажми ҳам, маст ҳолда машина бошқараётганлар сони ҳам камаймайди.

ИНДИВИД, ШАХС, СУБЪЕКТ

Индивидни тавсифлаш нисбатан осон. Бунинг учун сиз демографик деб аталадиган ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатларга киритилган барча хусусиятларни — жинси, ёши, шахсий идентификация рақами ва бошқаларни ҳисобга олишингиз керак. Инсоннинг бўйи, вазни, мактабда ўқиган йиллари, оилавий аҳволи, мақоми, ижтимоий меҳнат тақсимотидаги мавқейи ҳам индивидлик белгиларидир.

Индивид — вақт чегараларида фаоллик ва маърифат даражаси (интеллект сифати ва руҳий етуклилиги) билан фарқланувчи тирик тизим, индивидуалликдир.

Шахсни тасвсифлаш эса анча қийин. Шахс — бу инсон (индивид)нинг ижтимоий сифатланишидир. Шахсият ўзининг моҳиятига кўра фазо ёки коинот каби табиатан улкан, мураккаб тадқиқот объектидир.

Субъект — фаол бошланиш — ҳис қилиш,

фикрлаш, ҳаракат қилиш, шунингдек, бир овоздан (кўпроқ ёки камроқ) жавобгарликни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ҳар бир шахс ёки ўзаро етарлича жипслашган инсонлар тўплами бўлиши мумкин. Субъект бурч ва масъулият туйғусига таяниб, самарали ва маҳсулдор ҳаракат қила олиши учун у тегишли тизимга ва унинг метатизимларига мослашиши ва муаммоларни шакллантириши (0.3.3. — *чизмага қаранг*), уларнинг сабабларини топиши ва чора-тадбирлар тизимини моделлаштириши, қарорларни шакллантириши (11.2. — *чизмага қаранг*), ижро этишию алоқаларни топиши, яшаш муҳитини тартибга сола билиши, ижрочиларнинг ҳаракатлари ва кўрсаткичларини баҳолаши, лозим бўлганда эса тузатишлар кирита олиши, шунингдек, бажарилган ва бажарилмаган ишлар учун масъулиятни зиммасига ола билиши лозим.

Бир томондан, инсоннинг нима билан шуғулланаётганлиги муҳим бўлса, бошқа тарафдан айнан шу фаолият инсоннинг ўзини ҳам маълум шаклга келтираётгани — ундан-да муҳимдир. Ҳар қандай фаолият туфайли инсон янада малакали ва қобилиятли ёхуд бепарво, қўйингки, ундан-да ёмонроқ бўлиши мумкин — ҳар бир фаолият ўз-ўзини ривожлантириш омили ҳамдир.

Ўқув ва тарбия тизимининг марказида ўқув дастурида кўзда тутилган барча билим ва кўникмаларни эгаллашга мажбур бўлган индивид туради. Агар ўқиш мақсадли амалга оширилса, тарбия маълум бир йўналишда собит бўлса,

натижада, катта эҳтимол билан шахсиятларни тарбиялаймиз. Аммо ўқиш жараёнидаги укувчи индивид — бу ривожланишнинг индивидуал траекториясига эга бўлган маълум ёшдаги ўғил ёки қиз эканлигини эсда тутиш керак.

Таълим босқичидан сўнг, ишга киришда ёки маълум бир лавозимга тайинланишда инсонлар индивид сифатида ишга олинади. Шу билан бирга, келажакда лавозимни кўтариш ёки ишдан бўшатиш ҳақида гап кетса, бу ходимнинг ўзини шахс сифатида кўрсатганлиги билан боғлиқ бўлади. Ҳамма нарса содир бўлиши мумкин ва бу уларда касбий билим ҳамда кўникмаларнинг бор ёки йўқлиги билан боғлиқ эмас.

Ҳаётни олдинга силжитадиган ижодий жараёнлар ҳамда ривожланишга туртки ёки тўсиқ бўладиган алоқаларда шахс ўзини субъект (фаол бошланиш) сифатида намоён қилади.

Агар биз замонавий мактаб муаммоларини санаб, аҳамияти бўйича тартибга келтирсак, кўп мактабларда болаларга ҳали ҳам фаол субъект сифатида эмас, балки манипуляция объекти сифатида қаралаётгани аён бўлади. Афсуски, болалар кўпинча мактабдан ташқарида, шу жумладан, оилада ҳам айнан шундай [*манипуляцион*] вазиятга тушиб қолишган.

Инсон ёшлигидан мустақил қарор ва масъулиятни одат қилмаса, кейинчалик иродасизлиги ёки иродаси билан мустақил карордан ва унинг масъулиятидан қочишга ҳаракат қилади.

Манипуляция объекти сифатида ўсиб-улға-

йиб (тарбияланиб), бошқа инсонларнинг буйруқ ва кўрсатмаларини тинимсиз бажаришга ва фақат айтилган ишни қилишга мажбур бўлган инсон фикрлашга одатланмагандир; у мустақил ёки бошқалар билан биргаликда фикр юритишга қодир эмас, бунга журъати ҳам етмайди, бу вазиятда бирор нарсани тадқиқ қилиш, кашфиётлар этиш ҳамда ижодкорлик ҳақида гапиришнинг ўзи ҳам бемаъни.

Тажриба шуни кўрсатадики, агар инсон болалигиданоқ қарор қабул қилишга ва масъулиятни ўз зиммасига олишга одатланмаса, кейинчалик у ўз хоҳишига кўра қарорлару унга ҳамроҳ бўлган масъулиятдан қочишга ҳаракат қилади. Бундай тарбия натижасида ишчи кучи шаклланади, мактабда узоқ вақт ўқиб, жуда кўп нарсани билади, шу билан бирга у кам қобилиятли ҳолга келиб, жамиятда нима содир бўлаётганини тушунмайди. Ушбу ишчи кучининг бир қисмига келажакда “мутахассислар” деб ном берилади.

Жамиятни ижрочилар эмас, балки воқеъликни тўлиқ идрок этиб, ўзини субъект сифатида тута оладиган ва жамият манфаатлари йўлида миллий элита бўлиб хизмат қилишни ҳоҳлайдиган ижодкор инсонлар тараққиётга етаклайди (бу китобда биз бундай инсонларни генералистлар деб атаймиз) (1.7. — *чизмага қаранг*).

ИНОЯТ — ҲАР БИР ХАЛҚНИНГ УЛКАН БОЙЛИГИ СИФАТИДА

Инсоннинг энг катта бойлиги унинг истеъдоди, туғма мойиллигидир. Халқнинг энг катта бойлиги кўмир, газ ёки нефт эмас, балки унга берилган иноятдир. Истеъдодни барвақт юзага чиқариш, унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, қолаверса, истеъдодни сўндирмайдиган тизим яратиш лозим — буларнинг барчаси ҳар бир халқнинг келажагини шакллантириш масалаларидир.

Ота-оналар, шунингдек, болалар билан алоқага киришадиган бошқа инсонлар иноятни кўз қорачиғидек асрашлари, унга меҳр билан қарашлари керак, чунки Яратган кўпинча қандайдир тарзда сахийлик ва қайсидир маънода тежамкорликни кўрсатади. Масалан, инсон зўр хотирага, фантазияга, умумлаштириш қобилиятига эга бўлиши, лекин айни пайтда заиф иродали бўлиши ҳам мумкинки, у ҳеч нарсани якунлай олмайди, энг оддий масалаларни ҳал қила олмайди ва тизимли равишда ҳаракат ҳам эта олмайди; бундай инсон учун ҳатто эрталаб ётоқдан туриш ҳам қийин. Бундайларга ёрдам бериш учун икки йўналишда ҳаракат қилиш мумкин: табиий мойилликларни ҳимоя қилиш ҳамда заиф томонларини тиргаклаш. Мақсадли ҳаракатлар орқали ҳеч бўлмаганда заиф томонларни ҳалокатли кўриниш ҳосил қилмайди-

ган даражада тартибга келтириш мумкин. Бунда, табиий мойилликларни ҳимояловчи, қўллаб-қувватлайдиган, заиф томонларга елка тутадиган, шунингдек, муҳофазага йўналтирилган — тарбиявий муҳит катта рол ўйнайди.

Ўзингиз ва бошқаларни кўра билиш учун:

- нимага ва қандай тартибда назар ташлашни билиш;
- етарлича нуқтаи назарларни топа олиш;
- турли нуқтадан кўрилган нарсага маъно бера билиш;
- аҳамиятли нарсани ўтказиб юбормаслик учун етарлича талабчан бўлиш;
- инсоннинг хоҳишию қизиқиши борлигини, шу билан бирга, инсон ўзгарувчан эканлигини ҳисобга олиш;
- томонлар етарли даражада ўхшаш бўлса, мулоқот қилиш мумкинлигини ҳамда томонлар бир-биридан етарлича фарқли бўлса, мулоқот мазмун касб этишини билиш;
- ҳар бир инсоннинг — ўзига хос, ноёб ва ҳайратга сазовор эканини ҳис қилиш ҳуқуқи борлигини тушуниш керак бўлади.

Муваффақиятга эришиш учун қандайдир битта омил етарли эмас. Шу билан бирга, ҳар қандай заиф омил ҳам муваффақиятсизликка олиб келиши мумкин. Инсонлар кўп нарсага қодир, лекин ҳамма эмас ва ҳамма нарсага ҳам эмас.

Шуни таъкидлаш керакки, барча болалар истеъдодли. Буни тушуниш — ватандошликнинг асосий позицияларидан биридир. Ҳар бир инсон маълум бир соҳада бошқалардан кўпроқ нарсага қобилиятли бўлиши мумкин ва Яратгувчи сизга саховат кўрсатган йўналишда ҳаёт йўлингизни қуриш тавсия этилади.

Ҳаёт босқичларида субъектнинг ривожланиб бориши — ўқишга эмас, энг аввало ижодкорликка боғлиқ. Ижодкорликка қанча кўп вақт, макон ва ҳуқуқлар берилса, фаолиятнинг ҳар қандай соҳасида ривожланиш ва муваффақиятга умид шунчалик катта бўлади.

ҲАЁТИЙ МУЖДАЛАР ВА ҲАЁТ ЙЎЛИ

Инсон ҳар бир лаҳзани, кунни, ҳафтани, йилни ва бутун ҳаётини бир бутун сифатида кўра олиши ҳамда воқеалар, умр босқичларию ҳаёт муждаларини сезиши жуда муҳимдир. Шунинг учун шахсий ҳаёт йўлини тузиш (ҳаёт йўлингизни тасвирлаб бериш) шу билан бирга уни таҳлил қилиш алоҳида маъно касб этади. Ҳар бир инсоннинг ҳаёти туғилиш, юксалиш ва камолот даврига эга, насиб қилган бўлса кексалик босқичи ҳам бор. Ҳаёт йўлини чизиш жараёнида сиз аллақачон босиб ўтилган ҳамда яқин ёки узоқ келажакда босиб ўтишингиз лозим бўлган босқичлар ҳақида фикр юритишингиз мумкин.

NB! *Ҳаётнинг ҳар бир даври ўз имкониятлари ва хавф-хатарлари, ижобий ва салбий томонларига эга.*

Ҳамма нарсани олдиндан режалаштириш ва ўзингизни ҳаёт босқичларига тайёрлаш муҳимдир. Бошланиб бўлган босқичларга тайёргарлик қилишнинг имкони йўқ. Таълим — умрбод давом этувчи жараён, шунингдек, тайёргарликни шакллантириш воситаси ҳамдир.

Ҳар лаҳзада нафақат навбатдаги, балки ундан кейинги босқичларга ҳам тайёргарлик кўриш керак. Босқичларнинг ҳар бирида барча объектив қонунлар — табиат қонунлари, жамият ва тафаккур қонунлари ўз ролини ўйнайди. Улар қонуният сифатида намоён бўлади. Қониқарли ҳаёт учун мазкур қонуниятларни тушуниш ва ҳисобга олиш керак (2.8. - *чизмага қаранг*).

Агар биз ҳаёт йўлининг маълум бир босқичида ўзига хос қонуниятларни инкор этсак, унинг оқибатлари навбатдаги эмас, балки ундан-да узоқроқ босқичда, шунингдек, биз учун мутлақо кутилмаган онда ўзини кўрсатиши мумкин.

Кўпчилик, эҳтимол, фарзандининг мактабгача бўлган даврида чизиш учун чексиз истаги борлигини пайқаши мумкин. Бундай пайтда болага — қоғоз, нон каби муҳимдир. Шунда улар ўз ҳис-туйғуларини чизгилар кўринишида ифодалашлари мумкин. Агар боланинг ўзини ифода этишга бўлган ҳиссий истаги устун бўлган ушбу ҳаётий босқичда, унинг соф истакларига қарамай, чет-

дан таъсир кўрсатиб рационал ва йўналтирилган фаолият — ўқиш, ёзиш ва ҳисоблаш билан шуғуллантирилса, биз, албатта, мактабга яхши тайёргарлик кўрган, бошланғич синфларда аъло ўқийдиган ўқувчини шакллантирамиз. Бироқ тўртинчи ёки бешинчи синфда, мактабгача ёшдаги даврда юзага келган ҳиссий ривожланишнинг кечикиши натижасида: ҳулқ-атворидаги кескин оғишлар (агрессия, апатия), мулоқотга киришишнинг бузилиши (тенгдошлар ва катталар билан мулоқот қилишда қийинчиликлар) ва ўқиш-ўрганишдан ҳазар қилиш бошланади. Агар уларга бу хатти-ҳаракатлар учун жазо қўлланилса, юзага келган оғишувлар кучая боради. Тарбияда бир марта йўл қўйилган хатонинг оқибатлари инсонга бутун умр ҳамроҳ бўлиши мумкин.

КЎРА БИЛИШ ВА ЭШИТА ОЛИШ ҚОБИЛИЯТИ, ФИКРЛАШ МОДЕЛЛАРИ

Юқорида, ўзингиз ва бошқаларни қандай фарқлаш ҳақида гаплашдик. Келинг, энди атрофимиздаги нарсалар, содир бўлаётган ҳодисалару жараёнларни қандай билиб олишни кўриб чиқайлик.

Кўзларимиз ва қулоқларимиз ҳам бутунни, ҳам яккаликни, ҳам қуйи тизимларни, ҳам элементларни, ҳам сокинлик ҳолатини, ҳам ҳаракатларни пайқашга мослашган бўлса, кўриш ва тинглаш шунча маънога эга бўлади. Кўргану

эшитган нарсаларни маданий контекстга мувофиқ талқин қилишни билиш учун инсон онгида фикрлаш моделлари мавжуд бўлиши лозим (7.3. — *бандга қаранг*).

Шуни эътироф этиш керакки, назар солиш қобилияти фақат кўз билан эмас, балки ақлий қобилиятларга, фикрлаш қобилиятига, шу жумладан конкрет ва обстракт (умумлаштириб) фикрлашга боғлиқ. Кўз билан кўриш — тизимлар ва уларнинг аҳамиятини кўришга нисбатан элементардир. Бутунни, унинг қисмларини, қуйи тизимлар ва элементларини кўриш; хавфларни, имкониятларни, тўсиқларни ҳамда муқобилларни олдиндан билиш мумкин.

Тўғри ва нотўғрини, фирибгарлик схемаларини, муросага эришиш қобилиятини; адолатли ва ҳурматга лойиқ бўлганларни, шунингдек, ёлғончилар, ўз фойдасини кўзлайдиган очкўз ўйинчиларни таниб олиш ва тавсифлаш мумкин. Бутунликни, шунингдек, алоқалару боғлиқликларни кўриш учун маҳкам тутилиши лозим бўлган тегишли фикрлаш моделлари (назариялари) ҳамда принциплар тизими (методологиялари) керак (7.3. *ва* 8.3. — *бандларга қаранг*). Шунингдек, методлар (*юнонча — усул, йўл; йўлда собит бўлишга, мақсадларга эришишга, мажбуриятлар ва вазифаларни бажаришга ҳисса қўшадиган синовдан ўтган ишончли йўл*) ва тажриба, тинглаш ва жимлик, юзаки эмас, балки узоқ вақт ва турли шароитларда бир неча бор кўриб чиқиш қобилияти бўлиши керак.

Назар солиш қобилияти — кўзга эмас, балки ақлий қобилиятларга, фикрлаш, турли хил жараёнлар ва ҳодисаларнинг ортида нима борлигини аниқлаш қобилиятига боғлиқ.

Агар кузатувчи нимани кузатаётгани, кузатиш маълумотларини қандай қайд этишни олдиндан ўйлаб кўрган ва қарор қилган бўлса, кузатиш методи орқали ишончли маълумотларни тўплаши мумкин. Худди шундай, двигателнинг ўт олган ҳолатидаги кўринишини ва принципиал жиҳатдан двигатель билан нима содир бўлиши мумкинлигини билсангизгина, автомобил капотини очиш мантиқан тўғри бўлади.

ҲАРАКАТЛАР ВА АНГЛАШ ТИЗИМИ

Инсон ҳаракатлари тизими (*7-бандга қаранг*) мураккаб тузилишга эга. Катта ёшдагилар ҳар бир вақт кесимида маълум бир ролда яшайди ҳамда шароит, ҳолат ва вазият имкон берган ёки буюргандек ўзини тутади. Вазият тушунчаси ҳам мустақил тузилма ҳамда хусусиятларга эга (3.2. — *бандга қаранг*). Ҳамкорлик шароитида муроса ва ўзаро ёрдам учун имкониятлар изланади, зиддиятли вазиятда инсонлар бир-бирига қарама-қарши бўлади. Тўғри ечим излаш ўрнига, душман томонлар рақибни йўқ қилиш, бутунлай ва доимий, ё бўлмаса узоқ вақт давомида ўзидан узоқлаштириш орқали ғалаба қозонишга ҳаракат қилишади. Муаммоли вазиятга тушиб қолган инсон, тўсиқ бў-

либ турган қарама-қаршиликни бартараф этишнинг бир қанча имкониятлари борлигига амин бўлади — дастлаб эса оптимал ечимни топишнинг иложи йўқдай кўринаётган бўлса-да.

- **Шароит — бу аниқ вақт чекловларига эга бўлмаган умумий ва институционал имкониятлардир.**
- **Ҳолат — бу кўп ўлчамли кенгликда аниқ бир онда қайд этилган кўринишдир.**
- **Вазият — бу мавжуд шарт-шароитда инсоннинг ўзини қайси ҳолатда топганидир.**

Муаммоли вазиятда инсон турли-туман изланишларга очиқ бўлади, у ўқийди, изланади, баҳслашади ва маслаҳатлашади. Агар инсон, қониқарли чиқиш йўлини топмаса, имконли бўлган барча йўллар яроқсиздек туюлса, демак, у абсурд (бемаъни) вазиятда ҳисобланади. Абсурд ҳолатидаги инсон апатияга (бефарқликка) тушиши (3.3. — *бандга қаранг*), ёки атрофдагиларга, шунингдек, ўзига ҳам агрессив (тажовузкор) бўлиб қолиши мумкин.

Ҳақиқий вазиятдаги (воқеликдаги) ва ўйин вазиятига тушиб қолган инсонлар ўзини турлича тутади. Ўйин вазиятидаги инсонлар мавжуд бўлиш ўрнига, мавжудга ўхшаб кўринишга ҳаракат қилади.

NB! *Ўйин* (7.1. — *бандга қаранг*) — *бу алоҳида ғайратни талаб қиладиган жиддий фаолият бў-*

либ, унда ўйин тугагунгача ўзини ўрнатилган қоидаларга имкон қадар риоя қилган ҳолда тутиш талаб қилинади. Айнан *ўйин ҳолатида инсон жиннилик қилади, нотўғри таассурот қолдиришга, бошқа иштирокчиларнинг бурнидан ип ўтказишга уринади.*

Инсон вақт етишмовчилиги шароитида кўп хатоларга йўл қўйиши, юзакилик қилиши ва тез чарчаши олдиндан маълум. Шу кунга келиб биламизки, вақти ортиқчалик қилаётган инсоннинг хулқи [*вақти тақчил бўлган инсонга нисбатан*] янада ёмонроқ бўлади. Тўғри, бу вақт етишмаслиги ҳолатидан кўра бироз бошқача намоён бўлади.

Мажбурийликда танлов эркинлиги йўқ ва бундай вазиятда ҳеч нарсани ҳал қилиб [*қарор бериб*] бўлмайди. Инсон ўзини танлов (3.2. - *бандга қаранг*) вазиятида ҳис қилгандагина қарор бериши (ниманидир ҳал қилиши) мумкин (11.2. - *бандга қаранг*). Қарор қабул қилиш, қарорни рад этиш, ёки уни кечиктириш — жавобгарликни (масъулиятни) эргаштириб келишини инсон ҳақиқий, (соф) танлов ҳолатидагина тушунади. Бу ҳақда инсонлар бир-бирига муҳим вазиятларда доимо эслатиб туришлари керак!

Танлов имконияти бўлган вазиятдагина қарор қабул қилиш мумкин.

Идрок тизимининг шаклланиши (8-*бандга қаранг*) инсон туғилишидан олдин бошланади. “мен”, “биз”, “мумкин эмас” ва “керак” каби энг муҳим тушунчалар уч ёшга келиб мустаҳкам-

ланади ва кейинчалик уларни ўзгартириш жуда қийин. "Мен" тушунчасининг адекват шаклланиши "биз" (оила, жамоа) тушунчаси парваришининг зарурий шартидир. Ўз навбатида, "биз" тушунчаси лояллик ва ўзига хосликни (гуруҳга, миллатга ва бошқаларга мансублик ҳиссини) шакллантиришнинг зарурий шарти бўлиб хизмат қилади (5.1.1. - *чизмага қаранг*).

Вақт қайта тикланмайдиган ва орқага қайтмайдиган ресурс, шу билан бирга турли хил бошқа ресурслардан фойдаланиш шартидир. Шунинг учун вақтни муҳофаза этиш орқали қадрлаш керак. Ўз ва ўзгалар вақтини ўғирлаш жиноят ҳисобланади. Вақтни мазмунсиз мажлислар билан беҳуда ўтказиш, маъносиз топшириқлар бериб исроф қилиш, ҳар хил бемаънилик билан вақтни булғаш, шунингдек, қарор беришни чўзиш — олди олинмаса ҳаётни вайрон қилиш манбайига айланади. Ҳатто ўйин-кулги асосий мақсад бўлиб қолса, инсон ҳаётига ҳалокатли таъсир ўтказиши мумкин.

ҲУҚУҚЛАР, МАЖБУРИЯТЛАР ВА МАСЪУЛИЯТ

Ҳуқуқ, мажбурият ва масъулият биргаликда иш беради ҳамда улар ўзаро боғлиқдир. Агар ушбу босқичлардан бири бўлмаса ёки ноаниқ ифодаланса, ҳар қандай тизимда пасайиш муқаррар равишда бошланади ёки давом этади.

Қарор бериш жараёнида шахсан иштирок этиш учун ҳақиқий имконият берилгандагина инсонда жавобгарлик ҳисси шаклланиши мумкин. Ҳаётнинг барча жабҳалари ва тартибот даражалари шундай тузилишга эга (7.2. - *бандга қаранг*).

- **Масъулият ҳисси ва фаоллик — мустақил қарорларни биргаликда [*жамоада*] ва бир вақтнинг ўзида қабул қилиш жараёнида шаклланади.**
- **Қарор қабул қилишнинг ўйин вариантида иштирок этиш эътиборсизликни келтириб чиқаради ва бегоналашувга олиб келади (3.3. — *бандга қаранг*) ёки онгда номувофиқлик ҳиссини пайдо қилади (когнитив диссонанс, 2.5. — *бандга қаранг*).**
- **Кўпчилик эркинликдан қўрқади, чунки эрк — қарор қабул қилиш ҳуқуқи ва жавобгарлик масъулияти билан бирга келади.**
- **Эркинлик ўзи билан бирга адо этилиши зарур ишларни, шунингдек, адо этилмагани учун жавобгарлик масъулиятини ҳам эргаштириб келади.**

Ушбу билимларга асосланиб, нима учун инсонларнинг баъзилари пассив, бефарқ, масъулиятсиз ёки аксинча, тажовузкор ва бепарво эканини тушуниш мушкул эмас.

МАСЪУЛИЯТЛИ ҲАРАКАТЛАР

Масъулият билан ҳаракат қилиш учун ватандошга қуйидагилар керак:

- хабардорлик талаб қилинадиган нарсалар ҳақида етарлича маълумотга эга бўлиш;
- ҳам яхши, ҳам зарур, шу билан бирга зарарли ҳамда хавфли нарсаларни олдиндан кўра билиш ва англаш учун етарлича тажрибага эга бўлиш;
- қайси соҳада етарли маълумот, тажриба ва илмга эга эканини тушунадиган даражада билимли бўлиш;
- жавобгарликни зиммага олишга имкон берадиган аниқ тўхтамлар ва альтернатив дастаклар тўғрисида билимлар йўқлигида қарор бериш процедураларида иштирок этишдан ўзини тийиш учун етарлича ҳалол ва иродали бўлиш;
- фикрлари, орзулари, хомхаёлларини ҳақиқий билим ва маҳорат сифатида тақдим қилмаслик (2.8. - *бандга қаранг*).

Инсонлар масъулият ва жавобгарликдан қочиш учун:

- мустақил қарор беришга сабаб бўладиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлмаслик позициясида бўлишга интиладилар.
- қарор қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотлардан ўзларини атайлаб “маҳрум” қилишади, муҳокамаларда қатнашишга ва ўз фикрларини билдиришга шошилмайдилар, кейин-

чалик эса — “мен ҳеч нарсани билмайман, ҳеч нарсани кўрмаганман ва эшитмаганман” позициясини эгаллайдилар.

Фаолият учун қуйидагилар ҳам талаб қилинади:

- кўплаб маънавий ҳамда расмий ҳуқуқлар ва мазкур ҳуқуқлардан адолатли фойдаланишга дастак бўлувчи тоза виждон;
- кўплаб маънавий ҳамда расмий мажбуриятлар ва мазкур мажбуриятларни пухталик билан бажаришга ундайдиган қарздорлик ҳисси;
- ўз мажбуриятларини унутмаслик ёки уларни қўл учида бажармаслик учун ўзининг расмий ва маънавий жавобгарлигини етарлича аниқ тушуниш;
- ҳақиқати ноаниқ бўлган (шубҳали) соҳаларда мутахассис сифатида кўриниш бермаслик ғурури;
- Яратганга, ўзига, шунингдек, атрофидагилар ва ўз қобилиятига, муваффақиятга ва келажакка ишониш;
- бепарволик, шу билан бирга қўрқоқликни қоралаш учун ирода, қатъият, изчиллик ва жасорат, шунингдек, эҳтиёткорликка эга бўлиш;
- самимийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, ғамхўрлик, саховат, очиқлик, ишонч, ҳурмат ҳамда муҳаббатга асосланган яхши муносабатларни юзага келтириш.

Бундан ташқари, жамоатчилик ва маданий алоқаларнинг бирлиги натижасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

• тўғри ва нотўғри йўналишлар ва мақсадлар;

• мос ва номақбул воситалар;

• ахлоқий ва ахлоқсиз тамойиллар ҳамда баҳолаш мезонлари.

Шунингдек, қуйидагилар ҳам зарурийдир:

• олийжаноб ва камситувчи, муносиб ва нолойиқ, ғамхўр ва лоқайд ҳаракатлару ҳолатларни ажрата билиш имконияти;

• тўғри ва қайта алоқани таъминлаш орқали ўзининг ва атрофидагиларнинг фаолиятини тушуна билиш (6.2. — *бандга қаранг*);

• шу қадар изчил ва қатъиятли бўлиш керакки, қийинчиликларга қарамай, бошланган ишни охирига етказиш лозим.

Ушбу фаолият мақсадга мувофиқ, етарлича самарали ҳамда интенсив бўлиши керак. Бундай фаолиятни, — табиат ва маданият ҳисобидан *[зиён етказиш орқали]* амалга оширилмаслиги шарти билан оқлаш мумкин.

МАСЪУЛИЯТ ТУРЛАРИ:

• Инсон воқелиги билан чегараланган умуминсоний масъулият.

• Маданиятда мустаҳкамланган қадриятлар, меъёрлар, фазилатлар, афсоналару ясоқлар билан асослантирилган маданий масъулият.

- Мутахассислик, касб, лавозим, роль ва мақом билан боғлиқ масъулият.
- Амалда бўлган ҳуқуқий нормаларга риоя қилиш билан боғлиқ юридик масъулият.

Яна бир бор таъкидлаймизки, масъулият туйғуси қарорларни мустақил қабул қилиш жараёнида шаклланади, шу билан бирга, уят ҳисси — қарор беришдан қочишда ва қарорнинг моҳиятини етарли даражада билмасдан иштирок этиш жараёнида вужудга келади.

Ҳақиқий ватандош бирор (раҳбарлик) лавозимни эгаллаш, таълим бериш, ўзгаларга баҳо бериш ҳамда дастуру лойиҳалар ёзишдан олдин ҳеч бўлмаганда нимани тадқиқ қилиш, ўрганиш, синаб кўриш ва машқ қилиш кераклигини тушунадиган даражада кўп соҳалар тўғрисида (1.7. - *бандга қаранг*) маълумотли бўлишга ҳаракат қилади.

Барча инсонда ўзига хослик борлигини, уларнинг ҳаммаси ҳайрат ва эътиборга лойиқлигини инобатга олган ҳолда, ҳар ким ўзига танқидий қарашни шакллантириши ҳамда доимий равишда такомиллашиб бориши керак.

Бахтли яшаш учун сиз — юракдан жой олган, ҳурмату муҳофазага лойиқ муносабатлар ўрнатилган, лекин айни пайтда эркин бўлиб қолишга етарлича имкон берадиган ижтимоий алоқа доирасига эга бўлишингиз керак. Маҳбус ҳам нималардир қилади, лекин у буюрилган нарсани, маълум маконда, вақтда, айтилгандек бажариши

керак (мажбур). У бундай вазиятда фаолиятининг натижалари ва оқибатлари учун жавобгар бўла олмайди. Маҳбус озодликка, қул эса қулдорликка интилади. Фақат бефарқликкина — қуллик тафаккуридан ҳам ёмонроқ бўлиши мумкин.

ҲЕЧ КИМНИ БАХТЛИ ҚИЛА ОЛМАЙСИЗ

Инсон ўзини бахтли ҳис қилиши учун қуйидагиларга муҳтож:

- соғлом бўлиш ва бошқаларнинг соғлиғига ғамхўрлик қила олишга;
- бошқа инсонларга, шу жумладан, устозлару раҳбарларга ишона олишга;
- бугун ва ўтмиш ҳақидаги маълумотларга;
- келажак ҳақидаги тасаввурга;
- нима учун бирор нарса ҳақида гапирилади, лекин айрим масалаларда сукут сақланади, шунингдек, нимага айрим тадбирлар амалга оширилади, айримлари эса қоғозларда қолиб кетишини англашга;
- ўзгартиришу рад этишнинг натижалари ҳамда оқибатларини олдиндан кўра билиш имкониятига;
- ишонч ҳосил қилгунча муҳокамада қатнашиш, фикр билдириш, саволлар бериш ва шубҳаланиш, аниқлаштириш ҳамда тўлдириш учун (қодир, ҳуқуқли ва журъатли) имконли бўлишига;
- ўзининг керакли эканини ҳис қила олишга;

• ўз меҳнати учун муносиб ҳақ олишга;
• ҳар хил фирибгарлар ва бошқа ёмон ниятлилардан ҳимояланишга;
• яхшилигу ёмонликнинг сабабларини ажрата олишга;
• ўз фарзандлари, ота-онаси ва турмуш ўртоғига ғамхўрлик қилиш, ҳимоялаш, севиш ҳамда айни вақтда ўзини ҳимояланган, ардоқланган, севимли эканини ҳис қилишга.

• Ҳеч кимни бахтли қила олмайсиз; сиз ҳаётни ҳамма бахтли бўладиган шаклда қуришга ҳаракат қилишингиз мумкин, холос.
• Бахтсиз инсонлар қуршовида ҳеч ким бахтли бўла олмайди!

ҲЕЧ КИМНИ АҚЛЛИ ҚИЛОЛМАЙСИЗ

Уч соҳанинг омухтаси сифатида (умумий маконда) инсоннинг онгида шаклланадиган билиш, энг катта қадрият ҳисобланиб, булар: инсон психикаси, шунингдек, инсоннинг микро ва макро алоқаларидир. Бу умумийликни бировнинг миясига қуйиб қўйиш имконсиз, тақдим ёки совға қилишнинг ҳам иложи йўқ, лекин бу билимлар, психология, ижтимоий психология, шунингдек, социология асосларини ўзлаштира оладиган кишилар онгида парваришланиши мумкин (0,3. - *бандга қаранг*). Ақлий жараёнлар, ҳолатлар, ҳодисалар, шунингдек, микро ва

макро муҳитдаги инсоний муносабатлар ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини алоҳида таърифлаш мумкин, аммо жамият ва маданиятдаги жараёнларни англаш учун ушбу учта илмий соҳанинг умумий макондаги симбиозини тушуниш керак. (0.3.5. — *чизмага қаранг*).

Ўз ва ўзгалар ҳаёти натижаси ҳамда шароитлари таҳлилини осонлаштириш учун моделлар (7.3. ва 9.3.1; 11.1.11. - *бандларга қаранг*) қўл келади. Бинобарин, ушбу моделларга асосланиб тушуниш жараёни дастлаб қийин кечиши мумкин — амалиёт шуни кўрсатадики, у аста-секинлик билан яхшиланади.

NB! *Назариялар — фақат илғор кўникмалар ва яхлит фикрлаш моделларига эга бўлган инсонлар томонидангина қадрланади. Назария — методология ва методика билан бирга ўзлаштирилсагина амалиёт учун фойдали бўлади* (8.3. - *бандга қаранг*). *У ёки бу ерда, узуқ-юлуқ тўпланган фрагментар билимлар асосида эркин фикр юритиш имконсиздир ҳамда фаолият учун қулай, аниқ ва ишончли қарашлар ҳам шаклланмайди.*

Инсонлари диққатни жамлаш ва ягона мақсад сари ҳаракатланиш (ориентация) учун зарурий тайёргарликдан маҳрум (этилган) бўлган жамиятда (олий ҳокимият эгаси бўлган) халқ масъулиятли бўлиш у ёқда турсин, ҳатто ватандошлик ҳуқуқларидан фойдалана билмайди ҳамда ватандошлик бурчларини бажара олмайди.

Инсоннинг онгида (қалбида ҳам!) ёруғлик, мўъжиза пайдо бўлганда ва мазкур мўъжиза ибтидоси сабаблари тушуниб етилганда, ўз ҳаракатларимизга таяниб билимли бўлишимиз мумкин.

Матн ўрганилади. Таълим жараёнида эса билим тўпланади. Билим, маҳорат ва тушуниш бирлиги зарур [*мана шу уч тушунча бирлиги асосида билим қадриятга айланади*]. Кўникма — машқлар ва эксперементлар орқали шаклланади, тушуниш — мулоҳаза ва маъно бериш орқали юзага келади. Бирор нарсани бошқаларга таълим бериш ва аниқлик киритиш орқали мустаҳкам тушунишга эришиш мумкин. Айниқса, ўз билимининг яхлитлиги, фанни пухта ўзлаштирганини устозига исботлаш бахтига муяссар бўлган инсонлар ютуққа эришадилар. Агар билим инсон онгида тартибга солинмаса, тизимлаштирилмаса ва маънолантирилмаса, имтиҳонда берилган аъло жавоб ёки бошқаларга берилган таълим ҳеч қандай аҳамиятли ўзгаришларга олиб келмайди. Агар олинган билиму кўникмаларни кейинги босқичдаги тизимларда қўллаш мумкин бўлса, унда билимнинг муҳимлигию аҳамиятини англаш учун имконият очилади (9.1.5. — *чизмага қаранг*).

Инсоннинг онгида (ва қалбида!) ёруғлик, мўъжиза пайдо бўлганда ва у бундай мўъжизанинг пайдо бўлиш сабабларини тушуниб етганда, фақат ўз ҳаркатларига таяниб билимли бўлиши мумкин.

Нимага, эмпирик илмий тадқиқотлар олиб борганларгина университетда (таълим бериладиган илмий муассасаларда) дарс беришга ҳақли эканини ўйлаб кўриш керак. Чунки улар муаммони шакллантирдилар ва муаммо билан алоқадор ишончли фактларни аниқладилар, шу муносабат билан ўз илмий изланишларини (диссертацияларини) бекаму кўст таърифлаб, жамоатчилик муҳокамасида ҳимоя қилдилар (8.2. — *бандга қаранг*).

Сиз ўрганиш предметингизни адабиётлар ва кузатишлар ёрдамида ўзлаштиришингиз мумкин, аммо университетда билимларни керакли даражада етказиш учун, илмий тадқиқотнинг барча босқичларини ўзингиз босиб ўтишингиз, яъни қандай қилиб ўз тажрибангиз асосида эмпирик фактлардан статистик фактларни олиш ҳамда улардан илмий фактлар чиқаришни билишингиз керак. Илмий изланишлар натижасида атроф-муҳит ва унинг функцияланиши, инсон ҳамда, инсонлар жамоасининг фаолияти ҳамда жамият, табиат, тафаккур ёки мантиқ қонуниятлари зарурати ва аҳамияти ҳақида тасаввур пайдо бўлади. Бу йўлни муваффақиятли босиб ўтган ҳар бир устозда, талабалар бир зумда илғаб оладиган салоҳият пайдо бўлади. Бундай инсонда (1.7. — *бандга қаранг*) профессионал услуб, фикрлашнинг махсус тартиби ривожланади.

Адекват профессионал киши бошқа профессионалларга алоҳида ҳурмат билан муносабатда

бўлади, уларга нисбатан ўзини талабчан, қўлловчи ва илҳомлантирувчи тарзда тутади. Профессионал киши ишончлидир ва ўз атрофида қатъият ҳиссини яратади. Шуни эсда тутиш керакки, профессионал мулоқот фақат бир хил савиядаги инсонлар орасида вужудга келиши мумкин; малакасизлар билан предметли суҳбат имконсиздир — профессионал киши малакасизлар билан фақат мавҳум, олди-қочди мавзуларда гаплаша олади.

КОМПЕТЕНТЛИК ВА СИФАТЛИ ЕЧИМАЛАР

Қарор қабул қилиш ҳуқуқи ва жавобгарлик мажбуриятини назарда тутувчи ҳар қандай даражадаги раҳбарга берилган мансаб имтиёз эмас, балки бошқа инсонларга, Ватанига ва халқига хизмат қилиш имкониятидир.

Бу вазиятда шифокорлик — яхши мисол. Шифокор бўлиш учун таълим жараёнини анатомия-физиология ва гистологияни (2.4. — *бандга қаранг*) ўзлаштиришдан бошлаган ҳолда, университетни тугатиш арафасида соғлом инсон моҳияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш нормал ҳолат ҳисобланади. Ҳеч ким шифокордан инсоннинг маълум бир тана аъзосининг вазифаси ва қаерда жойлашганини сўрамайди. У буларнинг барчасини аниқ билиши, барча мумкин бўлган хатоларни истисно қилиш учун ҳамкасбларига малакали лотин тилида маълумот етказа олиши керак.

Ўнлаб йиллик ўқишдан сўнг мустақил равишда шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган шифокорларга келсак, ҳар бир киши бир овоздан бу вақтга қадар улар малакали бўлиши кундек равшан деган умумий қарорга келишади. Кўпгина соҳаларда қарор қабул қилувчилардан малака талаб қилиш мақсадга мувофиқ эмас деган қараш мавжуд. Тегишли тайёргарликсиз ҳам, сифатли қарорларни шакллантириш мумкин деган фикр ҳам юради. Айрим секторларда раҳбар танлашда ҳаттоки, инсон маълум бир соҳада билими қанчалик кам бўлса, шунча яхши *[содиқ бўлса бас]* деган мезонга ҳам етиб борилди. Қобилиятсиз раҳбар бўйсунувидаги инсонлар, ўзини худди скалпелни *[жарроҳ пичоғини]* фақат расмда кўрган “шифокор”нинг жарроҳлик столидаги бемор каби ҳис қилишади.

АСОСЛАНТИРИЛМАГАН АВТОРИТЕТ

Маъмурий лавозим — инсонлар ҳаётига таъсир қилувчи қарорлар (*рухсат-тақиқ-буйруқ, рағбат-ҳайфсан ва жазолаш, ишга қабул қилиш ҳамда лавозимга тайинлаш, кўтариш ва ишдан бўшатиш*) қабул қилиш ҳуқуқи билан бирга келади. Ҳокимиятга асоссиз равишда келган барча инсонлар (11.1. — *бандга қаранг*) ўзларини деярли бир хил тутишади. Улар шахсияти ва фаолиятининг натижаларини дарҳол яшириш ҳаракатига тушади. Бу қанчалик яхши амалга оширилса, бюрократия шунчалик интенсив равишда тарқала

бошлайди (12.3. — *бандга қаранг*): мутахассислар ё қисқартирилади, ёки жим юришга мажбур қилинади, генералистлар (1.7. — *бандга қаранг*) масхара қилинади, ҳамкасбларга эса манипуляция объекти сифатида қаралади. Фаолиятининг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлиги тўғрисида бирор нарса сўрашга журъат этганларга истеҳзоли тиржайиш билан: "Бунинг сенга нима алоқаси бор? Ўз ишинг билан шуғуллан" қабилида жавоб қайтарилади. Натижадорлик ҳақида эса: "Ким билиши керак бўлса, улар билади ва баҳо беришга қодир", дейишади.

Ёлғончилик ҳамда воқеликни ясантириш нормага айланади. Раҳбариятнинг хатти-ҳаракатларини оқлаш, фактларни яшириш ва ватандошларнинг мурожаатларига "жавоб" ёзиш учун "жамоатчилик билан алоқалар" деб номланган махсус лавозимларга "мутахассислар" тайинланади. Самарали иш юритиш ва аргументланган тушунтиришлар бериш ўрнига "ошириш", "кучайтириш", "кенгайтириш", "чуқурлаштириш", "тезлаштириш", "такомиллаштириш", "қўллаб қувватлаш" ва "чора-тадбирлар белгилаш" каби ташвиқот мағзавалари ёғдирилади.

Давлатдаги ватандошлар, корхона ёки ташкилотдаги ходимлар ахборот олиш имкониятидан маҳрум бўлса, бегоналашув кучаяда (3.3. — *бандга қаранг*) ва бу процесс инсонларнинг билимли ва тажрибали бўлиш жараёнидан анча кучли кечади.

Бюрократия жамият учун инсон организмидаги саратон кабидир. (12.3. — *бандга қаранг*) Саратон чангалидан фақат радикал усуллар билан қутулиш мумкин бўлганидек, ватандошлар ҳам, бюрократияга қатъий қаршилик кўрсатиб, мазкур ижтимоий касалликнинг пайдо бўлиш сабабларини бартараф этиш орқалигина ундан қутулиш имкониятига эга бўлиши мумкин.

• Тартибга солиш ва бошқарувнинг барча даражаларида компетентлик тамойилига амал қилингандагина жамият қониқарли ривожланиши мумкин.

• Иқтидордаги асослантирилмаган авторитетлар ҳам моддий, ҳам маънавий қашшоқлик манбаи ҳисобланади.

Асослантирилмаган авторитет эгалари, гумашталари ёрдами ва ёлғон асосида бир-бирининг йўлини тозалаб, шунингдек, ўз ва ўзгалар сирини сақлаб [*компромат йиғиб*] иқтидорга келади ва ҳокимиятга кавшарланади.

Мана “танлов” оқибатларига бир мисол: масъулиятли фаолият юритиш сифатига эга бўлмаган, лекин қарорларни шакллантирувчи кенгашларга ўғринча кириб қолган шахслар, ўз савиясига монанд мансабдорларни танлайди, улар эса ўз навбатида ҳудди шундай маслаҳатчиларни топади ва ҳоказо.

Иккита чиқиш йўли бор:

• ёки бюрократия давлатни йўқ қилади, халқ эса қўл силтаб (“ҳеч нарса менга боғлиқ эмас, чиранишдан ҳам фойда йўқ, чунки таёғинг бўлмаса, ноғара фойда бермайди” деб) қолаверади.

• ёки ватандошлар йиғилиб, қўрқмасдан, нолийвермасдан бюрократияни енгади. Ҳалол, профессионал, беғараз ва изчил бўлиш талаб қилинади. Бунга фақат Ватанини севадиган ва ҳурмат қиладиган ватандош қодир.

ЖАМИЯТ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР

Жамиятда инсон ўзини моддий муҳитдагидек тутиши мумкин эмас. Моддий муҳитда предметларни қайта тартиблаш, кесиш, майдалаш, бурғулаш, арралаш, майдалаш ва текислаш мумкин. Инсонлар ва жамиятга нисбатан ўзингизни бундай тута олмайсиз. Инсоний муносабатлар ва дунёқараш бевосита ёки билвосита комиллик орқали шаклланиб, баҳолаш, хулоса қилиш, мотивация ва кўзлов шаклида намоён бўлади.

Бирор киши ёки инсонлар жамининг хатти-ҳаракатларида қандайдир ўзгаришлар ҳосил қилиш учун қуйидагиларни қўллаш мумкин:

• маъмурий чораларни (буйруқлар, тақиқлар, жазолар ва куч ишлатишнинг бошқа шакллари) қўллаш; шуни эсда тутиш керакки, шарафсиз воситалар билан шарафли натижага эришиб бўлмайди;

- қизиқиш уйғотиш ва заруратни ҳис қилиш, мотивацияни ошириш, муносабатлар ҳамда тузилмани ўзгартириш (бир-бирига нисбатан ҳолатни), истак, ишонч, умид ва муҳаббатни кучайтириш;
- кейинги босқичда янгиланишларни вужудга келтириш учун зарурий вақт оралиғида фаолият омилларини ўзгартириш.

NB! *Жамият ва унинг таркибий қисмлари — қуйи тизимларда ўзгартиришларни амалга ошириш учун, аввало, нимани ўзгартириш мумкин эмаслигини, яъни муҳофаза ва ҳимоя қилиниши керак бўлган нарсалар англаб етилиши лозим.*

Хулоса шундайки: турли дастурларни тузаётганда, йўналиш ва мақсадларни белгилашда, авваламбор, нимани сақлаб қолиш кераклигини ва бу муҳофаза қандай таъминланишини ёзма равишда аниқ шакллантириш ҳамда эълон қилиш керак. Шундан кейингина ўзгартириш талаб қилинадиган нарсаларга аниқлик киритилиши мумкин; ўзгаришларни етарлича тез амалга ошириш ва илдиз оттириш учун қандай ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ; натижалар ва оқибатлар учун ким масъулиятни ўз зиммасига олади ва (қачон ва қаерда!) ким жамоатчилик олдида ҳисоб беради, каби саволларни қўйиш ўта муҳимдир.

Ватандошнинг давлат ёки муниципал (маҳаллий) муассаса раҳбари сифатида қониқарли фаолият юритиши учун — молия (ёки иқтисод),

ҳуқуқ, сиёсат ва мафкура соҳаларига ихтисослашишнинг ўзи етарли эмас!

Шунингдек, қуйидагилар ҳам зарур:

• ижтимоий, маданий, оилавий ва жамоавий алоқаларда инсон ва одамлар мажмуининг ўзига хосликларини билиш ва тушуниш;

• мақсадга йўналтирилган тизимлар ҳақида билимга эга бўлиш;

• раҳбарлик, ижро этиш ҳамда ўз-ўзини бошқаришнинг зарур шартларини тушуниш;

• қарорлар масъулият билан бирга келишини тушуниш;

• ёлғон гапириш ва қулсифатлик хунук эканини ҳисобга олиш.

ЯНГИЛИК ЯРАТИШ — ЖАСОРАТДИР

Янгилик яратиш ҳар доим — жасоратдир. Новатор — ё эскини инкор этиши, ёки бутунлай янги нарса ихтиросини даъво қилиши, ё бўлмаса бирор нарсага мутлақо янгича қарашни вужудга келтириши лозим (*2.8.1.— чизмага қаранг*). Янгиликларнинг аксарияти, мазкур соҳада олдиндан иштирок этаётганларнинг билдиришларидир. Ҳар қандай соҳанинг талқинини бир бутун сифатида ўзгартириш айниқса қийин (баъзан имконсиз) — бундай ҳолларда биз парадигма (моҳият тузилмасини) ўзгаришига дуч келамиз. Масалан, режали иқтисодиёт битта, бозор иқтисодиёти эса бутунлай бошқа парадигмадир.

Бирор нарсани яратишда барча факторларни ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олиш керак. Муваффақиятга олиб келадиган омилларнинг ҳеч бири якка ўзи кучли бўлиши мумкин эмас. Шу билан бирга, ҳар бир омил шунчалик кучлики, унга эътибор бермаслик (инкор қилиш) муваффақиятсизликка олиб келиши мумкин. Яхши ишлаётган тизимни йўқ қилиш учун бир нечта, ҳатто битта омилни йўқ қилиш кифоя. Бундан фарқли ўлароқ, яратиш анча мураккаб жараёндир.

Муҳандислар, кимёгарлар ва физиклар учун (“оддий” ақлли инсонлардан фарқли ўлароқ) моддий дунёда амал қиладиган қонунлар ҳар доим ҳам жамият ва ижтимоий соҳаларда ишламаслигини тушуниш қийин бўлиши мумкин. Масалан, буйруқ ва шиорлар билан туғилишни кўпайтириш ёки эмиграцияни камайтириш мумкин эмас. Аҳоли билан боғлиқ жараёнларга фақат уларнинг омилларини ўзгартириш орқали таъсир қилиш мумкин.

Эмиграция жараёнларини тартибга солиш учун нима сабабдан инсонлар, қийинчиликларга қарамай, ўз ватанларида яшашни афзал кўришини ва шу билан бирга бошқа минтақаларга кўчиб ўтишга қарор қилишнинг сабаби нимада эканлигини билиш (тахмин қилиш ёки ўйлаш эмас, балки билиш!) керак.

Нима сабабдан аҳолининг бир қисми учун болалар энг катта қувонч эканлигини, баъзи инсонлар эса лайлак ташрифини истамаслигини

тушуниш учун ҳаёт ва яшаш муҳити, мулоқот ва унинг таъсирини, шунингдек, нима учун ёлғон ва бўхтон, лоқайдлик ва пасткашлик ҳамма учун бир хил даражада номақбул эканлигини билиш зарур.

Битта факторни аниқлаш етарли эмас! Сиз факторлар тизимини билишингиз керак. Инсонларнинг дадиллик ҳисси, эътиқоди ва ишончи қандай. Кулгили маош ва турмуш даражасининг яхшиланиши кутилмайдиган вазиятда ўнгланиб олишига қандай умидлари борлигини ўйлаб кўриш керак.

Ҳатто узоқ аждодларимиз ҳам бочка тахталарининг ҳеч бири бошқасидан муҳимроқ бўлмаслигини билишган — агар битта тахта йўқолган ёки синган бўлса, бошқа тахталарнинг сифат даражаси муҳим эмас: бочка йўқ ҳисоб. Бочка ёки лангар занжири қонуни универсалдир ва ҳаётнинг исталган соҳасида ва раҳбарликнинг барча даражаларида фойдаланиш учун яроқли (7.2. — *бандга қаранг*). Худди шундай, ижтимоий тартиботнинг алоҳида муҳим бўлган элементи ҳақида гапиришнинг маъноси йўқ — уларнинг барчаси бирдек муҳим.

Бочка ёки лангар занжири қонуни:

• бочка тахталарининг ҳеч бири иккинчисидан муҳимроқ бўлиши мумкин эмас — агар битта тахта йўқолган ёки синган бўлса, бочка мавжуд эмас;

• лангар занжирининг барча бўғинлари бир хил даражада муҳим — бўғинлардан биттаси-

нинг едирилиши бутун занжирни яроқсиз ҳолга келтиради.

Тизим ҳақида гапиришдан кўра қўлга қалам олиб, тизимни ҳодиса ва жараён сифатида қоғозга чизиш лозим. Кейин, мавжуд ва истакдаги ҳолатни аниқлаштириш, улар орасидаги қарама-қаршилик сабабларини очиб бериш ҳамда бу сабаблар билан нима қилиш мумкинлигини ўйлаб топиш мумкин бўлади.

1.1. АХЛОҚ

Ижтимоий ва маданий тартиботда, раҳбарлик, бошқарув, ва маъмуриятчиликда, шунингдек, ҳар қандай йўналтирилган ҳамда мақсадли фаолиятда қоида тариқасида муваффақиятга иккита усулда:

• инсон, табиат ва маданият ҳисобидан *[зараркунандалик қилиб]*.

• инсон, табиат ва маданият, шу билан бирга ахлоқий тушунчалар тизими ёрдами билан эришиш мумкин.

Ахлоқ — маънавий хулқ-атворнинг асоси сифатида асрлар давомида авлодлар алмашинуви туфайли шаклланган ва инсоний тўхтамлар, муносабатлар, ўзаро алоқалар, фикр ва хатти-ҳаракатларини тартибга солувчи маданият функциясидир (5.3.1. — *чизмага қаранг*).

Ахлоқ меъёрларига ва қадриятларга уйғун келадиган, узоқ вақт давомида шаклланган қадриятлар — ахлоқий ҳисобланади.

Ахлоқий меъёрлар, қадриятлар ва фазилатларга зиддиятда бўлган ҳар қандай нарса ғайриахлоқий (аморал) ҳисобланади.

Ахлоқий масалалар инкор қилиниб, масхара даражасига олиб чиқилган муносабатлар (иммо-рал) ахлоқни инкор этиш деб аталади.

Марказида ахлоқ ётадиган фалсафа соҳаси ёки таълимот этика деб аталади. Маданий ришталар қуршовида ўсиб-улғайган инсоннинг ахлоқий танловни амалга ошириши учун интуициянинг ўзи кифоя. Шунга қарамай, ҳаракат қилишни бошлашдан олдин тўхтаб, ҳар ким ўз ишлари учун эртами-кечми маъмурий ёки маънавий маънода, эҳтимол, иккаласида ҳам — шу ерда ва ҳозир ёхуд кечроқ жавобгар бўлишини англаши керак. Инсон, табиат ва маданиятга таъсир кўрсатадиган ҳаракатни бошлаётган шахс, ҳеч бўлмаганда ўзи учун бу ҳаракатларни асослантириши ва у ҳақда етарлича яхлит ва ишончли тасаввур мавжудлигига амин бўлиши керак. Агар сизни виждон ҳаракатга келтирса, тўғри йўлни бошқаларнинг ёрдамисиз ҳам топа оласиз.

УМУМИНСОНИЙ, МИЛЛИЙ, МАҲАЛЛИЙ

Ҳар бир маданиятда умуминсоний, миллий ва маҳаллий ахлоқ нормаларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Ушбу уч компонент бир-бирига мос келмаса ёки бир маконда яшовчи инсонлар тубдан фарқ қиладиган ахлоқий меъёрлар, қад-

риятлар, афсона ва ясоқларга эга бўлса қийинчиликлар юзага келади. Умуминсоний ахлоқ барқарор, миллий ҳамда маҳаллий ахлоқ эса кўпроқ ўзгарувчан (беқарор)дир.

Ҳар бир ватандош учун ахлоқ нормаларига риоя қилиш табиий ва ўз-ўзидан равшандир. Ахлоқий хулқ-атвор меъёрларини ҳурмат қилмайдиган инсон, аслида, бошқа кимсаларни, шунингдек, ўз маданиятию жамиятини ҳурмат қилмайди. Ахлоқсизлик, мажруҳлик белгисидир.

Жамият — маданиятсиз (*ахлоқ*, *урф-одатлар*, *маросимлар*, *тил ва муносабат*, *эътиқод*, *ор-номус ва ҳурмат*, *қадр-қиммат ва уят туйғуси бўлмаса*) узоқ вақт давомида мавжуд бўла олмайди. Маданиятни (миллат пойдеворини) ташкил этувчи ҳар бир нарса айни вақтда маданиятни асрашга ҳам ёрдам беради, уларнинг барчаси ўз навбатида сақланиши, авайланиши, шунингдек, ҳимоя ҳам қилиниши керак. Агар бирор бир ҳаракат маданиятга зарар етказиши мумкин бўлса (унга салбий таъсир кўрсатса), уни имкон қадар тезроқ тўхтатиш лозим. Ҳеч кимнинг маданиятга зарар етказишга маънавий ҳуқуқи йўқ.

Ижтимоий ҳаётнинг бошқа ҳодисаларига нисбатан ахлоқнинг ўзига хос хусусияти, унинг ҳамма муносбатларга сизиб кириш қобилиятида кўзга ташланади. Ахлоқ инсоннинг барча ҳаракатларидан, барча соҳалар, тартибга солиш ва раҳбарликнинг барча даражаларидан сизиб ўтади (7.2.1. — *чизмага қаранг*).

Ахлоқ – фалсафанинг энг инқилобий таркибий қисми бўлган ҳолда, ўрнатилган тартиботни мустаҳкамлайди. Ахлоқ шахс эркинлигини мустаҳкамлайди ёки маълум доирада ушлаб туради. Ахлоқ инсонларни бирлаштириши, келажагига маъно бериши, ҳаёт ва борлиқ мазмунини кашф этиши, қайта тикланишга чорлаши, емирилишдан қутқариши, ўзининг ҳақлилигига ишонтириши ёки аксинча, шафқатсиз айбдорлик ҳисси таъсирида юқорида назарда тутилганларни йўқ қилиши мумкин.

Ахлоққа оид тушунчалар:

- Ахлоқийлик — ахлоқ тамойиллари ва қоидаларига ҳурмат, шаклланган меъёр ва қадриятларни тан олишдир.
- Аmoраллик — қабул қилинган ахлоқий қоидалар ва тамойилларга эътибор бермаслик, уларга зид бўлган тамойилларга амал қилишдир.
- Иммораллик — ахлоқни тан олмаслик, ахлоқий нормаларни масхара қилишдир.
- Этика — ахлоқ ҳақидаги фан, қадриятлар ва меъёрлар, афсоналар, ясоқлар ҳамда фазилатларни ўрганувчи фалсафа соҳаси.
- Ахлоқий хулқ-атвор — этикавий тамойилларга мувофиқ келадиган хулқ-атвор; маълум бир жойда ё маълум бир вақтда шаклланган, бошқа инсонлар билан мулоқот ва муомала қилишда қадриятлару меъёрларга риоя қилишдир.
- Этика функциялари — этика тамойилла-

рини (инсонпарварлик, ишонч туйғуси, севги, эътиқод, садоқат, жасорат, мўтадиллик кабиларни) ҳурмат қилишга объектив ҳамроҳ бўладиган ҳодиса ва жараёнлардир.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ АСОСЛАРИ

Ахлоқий масалаларни долзарблаштиришнинг дастлабки асоси инсоннинг кундалик хатти-ҳаракати, мулоқот ва муносабатларида ётади. Улар инсоний ҳамда ғайриинсоний, бағрикенг ёки душман, ҳурматли ёхуд камситувчи, ирода эркинлигини тан олишга қаратилган ёхуд мажбурловчи; самимий, қадрлашга йўналтирилган ё бўлмаса яқинлашишга бўлган уринишларини эътиборсиз қолдириши (рад этиши) мумкин. Ахлоқнинг долзарб муаммолари қаторида, шахснинг худбин манфаатларига интилиши масаласи ҳам мавжуд. Шахсий фойдага интилиш, шу билан бирга шахсий манфаатларнинг устуворлиги эртами-кечми шундай ички ёки ташқи кескинликка олиб келадики, самарали фаолият шунчаки имконсиз бўлиб қолади.

Когнитив диссонанс (*2.5. — бандга қаранг*) туфайли эътиборга олинмайдиган ва етарли реакция билдирилмаган кичик ёлғонлар, майда ўғирликлар каттароқ суиистеъмолликларни келтириб чиқаради ҳамда бир неча йилдан сўнг, алдов ва ўғирлик фирибгарнинг таъбири билан айтганда “тадбиркорлик” деб аталадиган турмуш тарзига айланади.

Ўғирлик ва алдов нафақат ашё ва пулга, балки вақту маконга, энергияю билимга, эътибор ва ҳуқуқларга, шунингдек, имтиёзларга нисбатан ҳам содир этилади. Бундай фаолиятни оқлайдиган ҳар қандай қараш ғайриахлоқий (аморал)дир.

Асосида ахлоқ ётадиган ўз-ўзини тартибга солиш, яъни инсон виждони, севгиси, ғамхўрлиги кабилар бирламчидир — буйруқ ва фармойишлар эмас.

Ахлоқий меъёрларни бузганлик учун камдан-кам ҳолларда жарима ёки бошқа жазолар берилади, ишдан бўшатилади ёки қамоққа олинади. Ахлоқий таназзулга учраган инсонлар билан мулоқот тўхтатиб қўйилади, холос. Ажримлар ҳам учраб туради. Сиқилишдан халос бўлишнинг ягона йўли — айбни чин дилдан тан олиш ва кечирим сўрашдир. Айбдор ўз қилмишининг номақбул эканини аниқ тушуниши керак. У келажакда бундай қилмасликка ваъда бериши лозим. Агар кечирим ва ваъда самимий бўлса, уни кечириш оқилона бўлади.

Агар кечирим сўралмаса, хато қилган инсон ҳақиқатни кейинчалик ҳам гапирмаслиги ва қилган ишини тан олмаслиги эҳтимоли катта. Шунингдек, ҳар бир кейинги муваффақиятсизлик инсонни янада кўпроқ бузади, чунки кейинги мавжудлик (қалб мувозанатини тиклаш) учун ахлоқсиз ҳаракат қилган инсон ўзини ва бошқаларни ҳеч бир айбли иш қилмаганига ҳамда у қилган ҳамма нарса тўғри эка-

нига ишонтириши керак бўлади. Шу билан бир қаторда, у воқеликдан қочишга ҳаракат қилиши, ўзини бошқа юмушлар уюми остига “дафн” этиши мумкин.

1.2. ИНСОН ИНДИВИД СИФАТИДА

Индивид ёки шахс — бу бошқалардан фарқ қиладиган, шу билан бирга ифодалаб бўлмайдиган даражада ўзгаларга мураккаб боғланган тирик тизимдир. Бу ўзига хослик одатда индивидуаллик деб аталади. Ҳар бир инсон ўз замони ва маконида, аниқроғи, ўзининг фазо-замон (континуум) узлуксизлигида, ўз алоқалари ва боғлиқлик тизимида яшайди. Ҳаёт натижаси қандай бўлиши, унда қандай из қолиши ва ҳаёт йўли қандай кечиши маърифат, соғлиқ, характер ва темпераментга, шунингдек, ўзига хос интеллектуал ва ҳиссий, жисмоний ва маънавий, ижтимоий ва ахлоқий таркибли ривожланиш босқичларига боғлиқ.

Ҳар бир инсон бошқа одамлар билан алоқага киришиш индивидуал хусусиятига эга. Индивиднинг аҳамияти ва қадри кейинги даражадаги тизимлар контекстида шаклланади. Индивиднинг турли хил метатизимларда шаклланадиган ва қаерда (қайси метатизимларда) фаолият юритишига қараб бўй кўрсатадиган кўплаб маънолари бор. Ҳаётнинг айнан бир воқеаси ёки босқичи турли хил тавсифланиши ва у тав-

сифлар ранг-баранг, бир-бирига қарама-қарши баҳолар асосида шакллантирилиши, шу билан бирга уларнинг ҳаммаси тўғри бўлиши ҳам мумкин. Буларнинг барчаси индивид фаолиятини қайси контекстда ва қандай ниятда шарҳлашга ҳаракат қилинаётганига боғлиқ.



1.2.1. — чизма. Инсонни талқин қилишнинг марказида вақт, макон ва маърифат бирлиги ётади

Индивидни қуйидаги хусусиятлар характерлайди:

- Анкета маълумотлари: ёши, жинси, вазни, бўйи, оилавий аҳволи ва бошқалар.
- Индивидуаллик: бетакрорлик, ўзига хослик, ибтидолик; бошқалардан фарқлайдиган, ажратиб турадиган, диққатни тортадиган нарса. Индивидуаллик – характер, ҳаётий кайфият, комплекслар, фобиялар, ҳиссий алоқалар, одатлар, урфлар ва бошқалар орқали намоён бўлади.

Индивидуал хусусиятлар туғма ёки вақт ўтиши билан шаклланган бўлиши мумкин. Шахс маълум бир миллатга мансублиги унинг жинсий хусусиятларида, масалан, эркаклик ёки аёллик ориентациялари кабиларда фарқланиши мумкин. Шунингдек, у гуруҳга мансублик, муносабатлар, роллар ва ҳар бир ролдаги мақом билан тавсифланади. Стратификация индекси (ҳаёт сифати, ижтимоий ва маданий тартиботдаги мавқейи) билан тавсифланадиган индивиднинг ижтимоий иерархиядаги ўрни, 2.6. — *бандга қаранг*) интеграциялашган кўрсаткич сифатида хизмат қилиши мумкин.

1.3. ШАХС — ЖАМИЯТ АЪЗОСИ ВА МАДАНИЯТ НАМОЯНДАСИ

Шахсият, юқорида айтиб ўтилганидек, инсоннинг ижтимоий сифати. Шахсий хусусиятлар — бу, масалан, масъулият ва бурч ҳисси, меҳнатсеварлик, қонунларга ҳурмат ва адолат туйғуси ҳисобланади, шунингдек, қуйидагиларни аниқлаштириб олиш ҳам муҳим:

• Ўз кучига ишониш даражаси — мустақиллик (нимага нисбатан ва ниманинг ҳисобига), шунингдек, тартиб-интизом нимани билдиради ва улар нима учун керак; нимани ва қандай қилиб ўзингизга мослаб, созлаб олишингиз мумкин ва нима сабабдан ёки кимга мослашишингиз керак; нима учун тўла мустақил бўлиш мумкин эмас ва имконсиздир.

• Эркинлик даражаси — бирор нарсадан ва бирор нарса учун эркинлик, шунингдек, улар орасидаги чегара қаерда ва ўлчов ҳажмини қандай тушуниш керак; чегара чизиқларига яқинлашганда ҳамда ўлчов ўз маъносини йўқотганда нима содир бўлади, нима учун чегара ва ўлчовдан озод бўлиш мумкин эмас ёки имконсиз.

Инсон ўзини шахс каби тутиши — мустақил фикрлаши, гапириши ва ҳаракат қилиши учун у етарли даражада эркин бўлиши ҳамда субъект сифатида ўзининг танлов ҳолатида эканини ҳис қилиши керак.

Ватандош эканини тушунган инсонлар учун, жамиятнинг бошқа аъзолари ҳам тенг ҳуқуқлилигини англаб етиш қийин эмас. Бошқа инсонларнинг ҳуқуқларини ва яшаш муҳитини (мазкур сўзнинг ҳар қандай маъносида) бузмайдиган даражада барча ҳуқуқлардан фойдаланиш мумкин.

Масъулиятни зиммага ола билиш мустақилликни — бошқа инсонларга қарамликнинг мавжуд эмаслигини англатади. Шу билан бирга, катта муваффақиятларга фақат ҳамкорликда эришиш мумкин ва инсонлар, моҳиятан бирбирига боғлиқдир. Гап шундаки, бу боғлиқлик қай даражада қўллаб-қувватловчи, ишонтирувчи ва илҳомбахш маънога эгами ёки камситув ёхуд зулмга асосланганми; эпизодик ёки доимийми; моҳиятан бутун бўлса-да, у фақат май-

да тафсилотлардами ёки ҳамма нарсада намоён бўладими; очиқми ёки яширин ва ҳоказо.

Озодлик — бу идеал, юксак ғоя ва орзу бўлиб, у кураш, жонфидолик ва бардошни талаб қилади. Шу билан бирга, инсонларни эркинликдай қўрқувга соладиган манбани топиш ҳам қийин. Эркинликка қарор бериш ҳуқуқи, қарорларга эса жавобгарлик масъулияти эш келади. Агар инсонга масъулият жуда оғир юк бўлиб кўринса, у қарор бериш ҳуқуқига эга бўлмаслик, содир бўлаётган жараёнларга шунчаки кузатувчи бўлиш учун қўлидан келган ҳамма нарсани қилишга интилади. Бу ҳақиқий парадоксдир.

- **Парадокс — бу ёлғон кўринишидаги ҳақиқатдир.**
- **Демагогия — бу ҳақиқат кўринишидаги ёлғондир.**

Эркинлик ва мустақиллик нимага боғлиқ? Гап нафақат жисмоний панжаралар, балки энг аввало, интеллектуал, ҳиссий ва ахлоқий тушунчалар ҳақида кетмоқда. Мустақил фикрлаш учун етарли даражада билимга, маълумотга ва тажрибага эга бўлган инсонгина эркин бўлиши мумкин. Масалан, таълим учун сарфланган маблағ келажак эркинлиги учун тўловдир — таълим олиб мустақил кўзлов *[ориентация]* га, фикрлашга, қарор беришга, уларни ижро этишга ва баҳолашга тайёр бўлиш; ўз фикрингиз

билан яшаш ҳамда бошқаларнинг муваффақиятига шароит яратиш учун қобилиятли бўлишга эришиш мумкин. Яъни таълим эркин ҳаёт учун шароит яратади.

Инсон шахс сифатида жамият аъзоси ва маданият вакилидир. У тегишли ваколатга эга бўлса, ўзини жамият вакилидек тута олади. Инсон ҳамма жойда, хоҳ Ватанда, хоҳ бегона юртда, ҳаётнинг ҳар лаҳзасида — маданий алоқалар намояндасидир. Эркин бўлиш ва қарорларни шакллантиришда иштирок этиш учун ҳам расмий, ҳам маънавий ҳуқуқларга эга бўлиш керак.

БИЛИМЛИ, МАЪРИФАТЛИ ВА ТАЖРИБАЛИ БЎЛИШ МУҲИМ

Ватандош унга берилган ҳар қандай ҳуқуқ — мажбурият ва масъулиятни эргаштириб келишини тушунади ва ҳисобга олади. Бу симбиоз фундаменталдир. Мисол учун, агар кимдир парламентга ёки бошқа маслаҳат органининг аъзоси этиб сайланган бўлса (ёки кимдир сайлов воситасида ўтган бўлса), бу тегишли кенгаш фаолиятида иштирок этишнинг расмий ҳуқуқи билан бирга келади. Бироқ нима қилиш ва нимага интилиши ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаганларнинг овоз бериш тугмачасини босишга маънавий ҳуқуқи йўқ. Бу ҳар қандай ҳукуматга, ҳар қандай лавозимга, ҳатто оилавий ҳаётига ҳам тегишлидир. Бюджетни муҳокама

қилишда уни яхлит кўра олиш, бюджет нисбати ва устуворликлари айнан шундай тасдиқланса, жамиятда қандай ўзгаришлар юз беришини олдиндан кўра билиш муҳимдир.

Шуни эсда тутиш керакки, парламент ёки кенгашлар эмас, балки инсонлар ҳаракат қилади. Бошқарув органи эмас, балки бошқарув аъзолари қарор қилади. Ҳукумат эмас, балки вазирлар, бош вазир билан биргаликда қарор қилади. Ҳукумат томонидан маъқулланган ва қабул қилинган қарорларда дастлабки берилган таклифларнинг фақат бир қисми ўз аксини топишини ҳисобга олсак, ушбу столда деярли ҳамма рози бўлиши керак бўлган ягона тўхтам — бу *[компромисс]* муросадир.

Қонун ҳеч нарсани бажармайди ва ҳеч нарса учун жавобгар эмас. Ушбу қонунни ишлаб чиққан ва маъқуллаган шахсларгина ваколатли ва жавобгардир. Завод ишламайди, бу заводда фаолият кўрсатаётган ишчилар ишлайди ва ҳоказо. Бу ва шунга ўхшаш бошқа тушунтиришлар аҳамиятсиз бўлиб туюлиши мумкин, аммо чуқурроқ ўрганиш билан сиз — масъулият механизмини яшириш бу демагогиянинг (*12.3. — бандга қаранг*) пойдевори эканини сезасиз. Кимдир бироз нотўғри гапирса, муаммо йўқдек туюлиши мумкин. Асосийси, ҳамма тушуняпти-ку ахир. Мисолларга келсак, гап шундаки, лойқаланган ибора билан айтилган гапни тўғри англаб бўлмайди, чунки масъул шахс “шундай таклиф бўлаяпти” *[бу таклифни ким бераётгани аниқ*

эмас] тарзидаги юмалоқ иборалар ортида яширинган. Агар сиз тўғри ўйлаётган бўлсангиз, унда нима учун нотўғри ифода этяпсиз? Агар фаолият натижаси давлат ва халқ ҳаётига бевосита таъсир кўрсатса, унда бекорчи гапларга ҳожат йўқ. Нотўғри тушуниш вужудга келмаслиги учун етарлича аниқ гапириш керак.

МАСЪУЛИЯТЛИ БЎЛИШ ЗАРУРАТИ

Юқорида айтиб ўтилганидек, масъулият ҳисси ва фаоллик фақат мустақил қарорлар қабул қилиш жараёнида шаклланади ва фақат танлов шароитидагина қарор бериш мумкин.

Инсон танлов ўрнига, мажбурлик вазиятига тушиб қолса, қарор беришга уринишнинг ҳар қандай тури ўйин ёки бемаъниликка айланади. Бундай ҳолларда инсонлар катта муаммога дуч келмаслик учун ўзларини нима бўлаётганини тушунмаётгандек тутишади. Улар бу саҳна кўринишининг асосий қоидаларидан бири – чинакам самимийлик ва жиддийликни ўйнаб бериш эканини яхши билишади. Агар раҳбарда ишни тўлақонли, ахлоқий ва тўғри олиб бориш учун етарли шароит бўлмаса ва у арсеналидаги куч, мажбурлаш, бемаънилик, ўйин ва демагогиядан фойдаланса, унда бу ҳолат ахлоққа зид *[аморал]* деб ҳисобланиши керак.

АХЛОҚ ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШ ЗАРУРАТИ

Маданиятсизлик, маданий меъёрлар, қадриятлар, ясоқларга беэътиборлик, муқаррар равишда ахлоқни инкор ва мазах қилиш *[иммо-рал]* ҳамда ахлоққа зид *[аморал]* хатти-ҳаракатлар билан бирга келади.

Шунингдек, бошлиқларнинг қўл остидагиларни директив усуллар билан юқори ахлоқли (интизомли) хулқ-атворини таъминлашга бўлган умиди ҳам маданиятсизликка эргашган тафаккур маҳсулидир. Маданиятсизлик негизида ҳуқуқий нормаларни бузганлик учун қанчалик қаттиқ тартиб жорий қилинса, жазо қанчалик оғир бўлса, қонунбузарликлар шунчалик кам, жамият эса маънавиятли бўлади, деган иллюзия ҳам кучайиб боради.



1.3.1. — чизма. Шахс ва яшаш муҳитининг ахлоқий таърифи билан боғлиқ хулқ-атвор турлари

Агар ахлоқсиз — паразит, ўғри ёки айрим масалаларда атрофидагиларга беҳурмат

муносабатда бўладиган инсон ўзини барқарор қадриятларга эга, маънавий жиҳатдан қулай муҳитда топса, унда бундай кишидан — инкор этилган дайди, люмпен пайдо бўлади (С). Ахлоқсиз муҳитдаги ахлоқли шахс (Б) бошқаларнинг нима қилаётгани ва уларнинг фаолияти натижалари қандай бўлиши билан қизиқмайдиган мавжудотга [*маргиналга*] айланиши мумкин. Шунингдек, у ўзининг ва бошқаларнинг яшаш муҳитида ахлоқ ва ахлоқийликнинг ахлоқсизликка қарши турадиган қадрият сифатида тан олиниши учун фаол кураш олиб борадиган, уни ахлоқий, яъни ҳозирги ва келажак авлодлар учун яшашга яроқли муҳитга айлантириш умидида диссидентга айланиши ҳам мумкин (А). Ахлоқсиз муҳитдаги ахлоқсиз инсон ўзини қисқа вақт ичида ғолибдек ҳис қилиши мумкин, аммо бу симбиоз жамиятни еб битиради (Д).

Ўз авторитетининг ёлғонга алоқаси йўқлигига ишонадиган аморал ёки имморал раҳбарга яхши жавоб қайтариш мумкин: қанчалик қийин бўлмасин, лавозимдан кетсин ва ҳеч ким танимайдиган ҳамда ҳеч бир таниши унга боғлиқ бўлмаган худди шундай ишга жойлашсин. Агар ўз ўрнида қолса, фақат самимий пушаймонлик ва кечирим сўраш билан ниманидир тузатиш мумкин, холос.

1.4. ИНСОН СУБЪЕКТ СИФАТИДА

Фаол ҳаракатларнинг боши ҳисобланадиган инсон ёки одамлар тўплами субъект ҳисобланиши мумкин. Социология ва ижтимоий психологияда маълум бир мақсадли фаолият йўналишига риоя қилиш учун ташаббус кўрсатувчи, ижрочи, боғловчи ва масъулиятлилар — субъект сифатида қаралади.

Агар субъектнинг диққат марказида истеъмол қийматли натижаларини яратишга қаратилган (яратиши лозим бўлган), атроф-муҳитни тартибга солиш ёки хизматлар кўрсатишга йўналтирилган жараёнлар ётса, унда биз раҳбарлик ва ижро (иш) ҳақида фикр юритяпмиз.

Тартибга эришиш ҳамда интизомни ҳурмат қилиш (бўйсуниш) моҳияти билан ўзлигини англайдиган ва шу асосда ҳаракат қиладиган субъектнинг фаолияти бошқарув (ҳукмронлик) деб аталади. Тарбияни ҳам баъзан бошқарув деб ҳисоблашга ҳаракат қилинади. Ҳар ҳолда, такрор айтамизки, ушбу китобда келтирилган талқинларга кўра, тарбия бу инсоннинг камол топиши ва ривожланиши учун қулай муҳитни яратиш ҳамда уни сақлашдир (2.2, 2.8. — *бандларга қаранг*).

1.4.1. — чизма. Субъектни шакллантирадиган фаолият учун шарт-шароитлар

Субъектни нима тавсифлайди? (1.4.1. — *чизмага қаранг*)

Идрок. Ўзлик идроки, гуруҳий идрок, ижтимоий идрок, маданий идрокларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Онг. Идрокка мувофиқ шаклланган ўзликни англаш (“мен”ни — ҳис қилиш) ўзликни идрок қилишга мувофиқ шаклланади; гуруҳий идрокка мувофиқ гуруҳий онг шаклланади (“биз”ни — ҳис қилиш); жамоавий онг ёки ватандошлик туйғуси мос равишда жамоавий идрок билан шаклланади, маданий идрок орқали эса маданий онг ёки ўзликни англаш шаклланади.

Уларнинг ҳеч бирини куч ишлатиш билан шакллантириб бўлмайди. Фақат уларнинг шаклланиши учун шарт-шароитларни яратиш ва та-

комиллашиш учун қулай муҳитни (идрок тизимининг зарурий факторлари) яратиш мумкин. Ўзликни идрок қилиш, шунингдек, гуруҳий, ижтимоий ва маданий идрок, шу билан бирга уларга мос келадиган онг, ватандош ва унинг ҳаётини тарбиялашнинг асосидир.

Тайёргарлик. Йўналтириш, қарорлар қабул қилиш, қарорларни ижро этиш ва ижрочилар ўртасида алоқа ўрнатиш, фаолият ва унинг натижаларини баҳолаш ҳамда зарурат бўлганда тузатишлар киритишга имконли бўлиш учун тегишли тайёргарлик талаб қилинади. Ўқиш, тарбия ва тажриба — инсонни ўз ватанига, халқига фаол хизмат қилишга интиладиган ватанпарвар шахсият сифатида шакллантириш имкониятини бериши зарур.

Конституцияда билим олиш ҳуқуқи ҳақида гапирилади, лекин информацияли бўлиш ҳуқуқи хусусида сўзланмайди. Тижорий эшиттиришлар билан бир қаторда миллий теле-радио эшиттиришлар ҳам мавжуд, аммо уларнинг раҳбарияти негадир ижтимоий-маданий ҳаётда иштирок этиш истагидаги ватандошнинг билиши лозим бўлган ахборотлардан аҳолини хабардор қилишни эмас, балки кўнгилочар дастурларни эфирга узатишни ўзининг бурчи деб ҳисоблайди.

1.4.2. — чизма. Субъект ва тизимлар бирлиги

Айрим ҳолларда информацияланган инсон ҳам ўзини алданган ёки рад этилган ҳис қилади.

Адекватлик ва воқеъликка мослик, идрок ҳамда онг нуқтаи назаридан марказий масаладир. Агар бирор киши ўзи ва бошқаларни қийшиқ ойнада кўрса, заиф, тизимсиз таълим туфайли миясида чалкашлик юзага келса ва у бутуннинг фақат баъзи қисмларини бир-бирига боғланмаган ва хира тарзда кўрса, бундай вазиятда адекват “биз” — концепциясини амалда шакллантириш деярли мумкин эмас.

1.5. РОЛЛАР ВА СТАТУС

Ҳар бир инсон ўзида роллар тўпламини жамлайди — инсоннинг ҳаёт йўли маълум бир роллар билан ўтади ва ҳар биримизни ушбу ролларнинг омихтаси деб ҳисоблашимиз мумкин. Инсон қанчалик кўп рол бажарса [*айнан бажарса, ўйнаса эмас!*] ва у атрофидагилар ролининг аҳамиятини қанчалик яхши англаса, ҳаётда муваффақиятга эришиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. Ролларни машқ қилиш ва улғайишига қараб роллар ўрнини ўзгартириш эрта болаликдан бошланади, ўйин давомида бола, поезд ҳайдовчиси, ёки йўловчи, кейин чиптачи, ундан кейин станция бошлиғи ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Бахт калити:

Инсон ўз ролида бахтли бўлиши учун, қаршисидаги инсонга ҳам ўз ролида қолиш имконини бериши лозим.

Ролларни адекват тушуниш, турли алоқалар ва вазиятлар орасидаги ўз ўрнини англаш фақат маданият контекстида, бевосита ва билвосита тажриба орқали шаклланиши мумкин.

Тил мулоқот учун зарурдир, лекин у ўз-ўзидан инсоннинг маданий маконида тўлақонли мулоқот қилиш қобилияти учун етарли эмас — тил мулоқот қилмайди. Қадрият, тил ва мослашиш бирлигидир. Маданият асоси сифатида роллару хулқ-

атвор стереотипларини ўзлаштириш, сингдириш ва қабул қилиш (интериоризация) керак.

Ролларни англаб етмаган ва стереотипларни тушунмайдиган инсонлар учун мулоқотга киришиш жуда қийин кечади.

Ҳар қандай ролда қуйидагиларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ:

• **Аниқлик.** Ролни ўзлаштириш, яъни қуйидаги: “Қаерга тушиб қолдим?”, “Бу ерда нима бўляпти?”, “Бу ерда ўзини қандай тутиш одат тусига кирган?” каби саволларга жавоб олиш — ижтимоийлашув жараёнининг муҳим қисмидир (2.2. — *бандга қаранг*). Фақат қайсидир роль кенглигида ўзингизни маълум образда кўрсатишингиз мумкин.

• **Маданият стереотиплари.** Чет элда муваффақиятга эришиш учун локал маданий контекстни яхши тушунишингиз ва ўзингизни унга мос тутишингиз керак. “Ўз низоминг билан ўзгалар монастирига бориб бўлмайди”.

• **Мақом.** Муайян ролда бўлган инсон бошқалар кўз ўнгида маълум бир мақомга эга. Уқувсизлик, ёлғон, алдаш, хиёнат, нолойиқ хатти-ҳаракатлар мақомни обрўсизлантиради. Кутилганига мос ёки кутилганидан юқори бўлган хулқ-атвор, мақомни юксалтиради.

• **Авторитет** — бу мақомлар йиғиндисидир.

• **Ролларни тез ва осон алмаштириш керак.**

Қайсидир ролга ёпишиб қолган инсон зерикарлидир. Масалан, ўқитувчи ролида қотиб қолган инсон уйда, ишда, дўстлар орасида ҳам ўқитувчи бўлиб қолишини бир тасаввур қилиб кўринг.

• **Ҳар ким ўз (!) ролини бажариши лозим.** Ўзгалар ролида бўлишга интиладиган кимса низоли зиддиятларни келтириб чиқариши мумкин. Қачон ва қандай ролларда яшашни ҳамда қайси роллардан қочиш кераклигини ўйлаб кўриш муҳимдир — хоҳ уйда, хоҳ ишда ёки бошқа жойда бўлсин.

• Қарама-қарши ролда кимдир бўлган тақдирдагина муайян роль чегараларида қолиш (ўзини тутиш) мумкин. Қарама-қарши ролни билиш керак, чунки қарама-қарши ролдаги инсонлар учун барча шароитларни яратган кишигина ўз ролида бахтли бўлиши мумкин. Ҳар қандай раҳбар, ҳамкасбларининг ролини тушунсагина, ўз ролида қолиши мумкин. Қарама-қарши ролларга мисоллар: ўқитувчи ва талаба, сотувчи ва харидор, шифокор ва бемор; оилада эр ва хотин, болалар ва ота-оналар.



1.5.1. — чизма. Роллар ва мақомларнинг ўзаро алоқаси

Аниқ ташкиллаштирилган рационал дезинтегратор бўлгандагина эмоционал интегратор (А) ўз функциларини бажариши ва ўзини керакли ҳис қилиши мумкин. Агар кимдир эмоционал дезинтегратор ролида бўлсагина рационал интегратор (Б) ролини бажариш мантиқан тўғри бўлади. Эмоционал дезинтегратор (Д) ва рационал дезинтегратор (С) ҳам бирдек талаб қилинади. Эстония маданиятида оиладаги бу роллар кўпинча қуйидагича тақсимланади: А — она, С — ота, Д — қайнона, Б — қайнота. Е — бу фарзандлар бўлиб, улар рационал ва ҳиссий даражада интеграциялаштириши ёки дезинтеграциялаштириши мумкин.

Ҳаётда ҳар қандай инсон қарор қабул қилувчи ва унинг ижрочиси ролини ўйнайди. Қарор қабул қилишда ҳам, уни амалга оширишда ҳам ўз ролингизни тушуниш ва қарама-қарши томон учун зарур шарт-шароитларни яратиш муҳимдир. Бахт қуршовида бўлган инсонгина бахтлидир. Ҳар бир инсон, бошқаларнинг бахтга эришиш учун яратган шарт-шароитлари даражасида ўз бахтининг меъморидир.

1.6. ИНСОН ВАТАНДОШ СИФАТИДА

Юридик маънода мамлакатда яшовчи ва ватандошлик ҳужжатига эга бўлган барча инсонлар ватандошдирлар. Эстонияда яшовчи, лекин Эстония ватандошлигига эга бўлмаганларнинг катта қисми бошқа давлатлар ватандошлари-

дир. Ватандошлигидан қатъи назар, ҳамма тенг инсоний ҳуқуқларга эга. Билимга асосланган жамиятда ҳамма инсонлар қарор қабул қилишда иштирок этишни хоҳлайди; ҳар бир инсон ижтимоий ва маданий муносабатлар шароитида ўзини виждонли ва масъулиятли тутадиган даражада содиқ, ҳалол ва профессионал экани таъкидланади. Аслида эса бундай эмас.

Ватандош бўлиш, олинган билимларга мувофиқ, ижтимоий ва маданий ҳаётда ўзини виждонли, масъулиятли тутиш учун етарлича шартлар жамлаш лозим. Бу шартлар ўз-ўзидан, тасодифан шаклланмайди. Демократик жамиятда бу шарт-шароитларни яратиш, муҳофаза қилиш ва ҳисоблашиш талаб этилади.

КИМ ЎЗИНИ ВАТАНДОШ ДЕБ ҲИСОБЛАШИ МУМКИН?

Қуйидаги хусусиятларга эга шахс ўзини ватандош деб ҳисоблаши мумкин:

• нима, қандай қилинишини ёки бажарилмай чала қолганини билади;

• нима учун айрим нарсалар бажарилади, айримлари эса бажарилмай қолишини, бажарилган ва бажарилмаган ишларга нима боғлиқ ва ўз навбатида, фаолиятли инсонлар, уларнинг фаолиятига, шунингдек, унинг натижаларию оқибатларига нима боғлиқлигини билишни истайди;

• ҳуқуқлар, мажбурият ва масъулиятлар

ўртасидаги сўзсиз ва тизимли боғлиқлик ҳақида ғамхўрлик қилади;

• муҳокамада қатнашиш, қарор қабул қилиш, шунингдек, қарорлар ижросини назорат қилишда иштирок этишдан қўрқмайди (чунки жавобгарлик масъулияти айнан шундай шаклланишини ҳисобга олади);

• ўзига ва бошқаларга нисбатан доимий равишда талабчан бўлишни билади;

• ўқиб-ўрганади, шунингдек, бутун умри давомида ўқув жараёнида иштирок этишни хоҳлайди;

• тегишли малака ва шахсий тайёргарликка эга бўлган тақдирдагина депутатликка, мансабга ёки маслаҳатчиликка ўз номзодини кўрсатишга рози бўлади;

• ижтимоий ва маданий ҳаёт йўналишларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳаракатлар тизимини, идрок тизимини, шунингдек, коммуникатив, молиявий, энергетик, транспорт ва бошқа тизимларни тушунади (4.0.3. — *чизмага қаранг*);

• воқеликни муаммолар мажмуаси сифатида кўриб чиқишни билади (0,3. — *бандга қаранг*);

• тизимларни аниқлаш ва чегаралашни, таҳлил ва умумлаштиришни, алоқалару боғлиқликларни ажратишни, тизимлаштириш ҳамда таснифлашни билади;

• ошкораликни, шу жумладан, қарорларнинг оммавий асосланишини талаб қилади;

• сирлиликдан, ҳар қандай ёлғону мажбурлашга асосланган схемалардан нафратланади;

• Конституцияга ёки маданий маконда ўрнатилган эзгу анъаналарга (соф ният ва ахлоққа) зид бўлган процедураларда иштирок этмайди;

• конституциявий тузумни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш учун барча имкониятларини ишга солади.

Бурч туйғуси тарбия жараёнида, масъулият ҳисси эса мустақил қарор бериш жараёнида шаклланади

Ижтимоий ва маданий ҳаётнинг асосий фактори бу қарорлардир, яъни аҳоли турли тоифаларининг жамият ва маданиятда содир бўлаётган воқеалар учун ҳақиқатан ҳам жиддийлик билан масъулликни ўз зиммасига олишга тайёрлигидадир. Конституцияда назарда тутилган инсон ҳуқуқлари барча ватандошларга тенг татбиқ этилади, аммо бу ҳуқуқлардан амалда фойдаланиш қобилиятини сақлаш масъулиятини ҳеч ким ўз зиммасига олмаса, улар фикция бўлиб қолаверади. СССРнинг сталинча Конституцияси, айниқса, дабдабали ва ҳайратланарли бўлган. Ҳатто унинг кучга кирган кунини умумхалқ байрами сифатида нишонлаш белгиланган эди. Шу билан бирга, Конституцияда қайд этилган инсон ҳуқуқларига шама қилишнинг ўзи диссидент ҳисобланишингизга етарли бўларди.

Ким диққат билан қарашга журъат этса, ҳозирги кунда, қарор бериш ҳуқуқига эга бўлган

шахслар кўпинча, қандай шароитлар вужудга келганда халқ ўзини ижтимоий бошқарув субъекти сифатида намоён эта олиши ҳақида тасаввурга ҳам эга эмаслигини сезади. Конституцияга кўра, олий ҳокимият эгаси халқдир (бўлиши керак!). Аслида эса, халқ мамлакатда содир бўлаётган воқеаларга таъсир ўтказишга, яъни қарор қабул қилишда иштирок этишга имконли эмас, шунингдек, депутатлар ва мансабдор шахслардан ушбу ўз қарорларини ҳисобга олишни талаб қилишга ёки ҳеч бўлмаганда, натижаси ижро учун мажбурий бўлган референдум ташкил этишга ҳам ҳуқуқли эмас.

Ватандош сифатида фаолият юритиш учун зарур шарт-шароитларсиз қолдирилган инсонлар Конституцияда белгиланган (ватандошлик) ҳуқуқларидан фойдалана олмайдилар.

ВАТАНДОШЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ШАРТЛАРИ

Жамият, ватандошлик жамиятига айланиши учун аҳолининг барча тоифаларига (шаҳар ва қишлоқда, ҳаётнинг ҳар бир соҳасида, барча идораларда ва тартибга солишнинг барча даражасидаги ҳар бир кишига) шундай шарт-шароитларни яратиш керакки, улар қуйидагиларга имконли бўлсин:

- нима ҳақида маълумот олиш кераклигини тушуниш учун етарли даражада билимга эга бўлиш;

• маконда-вақтда, вазиятларда, ҳолатларда ва шаклланган жараёнларда мувозанатни сақлаш учун етарли даражада маълумотга эга бўлиш;

• юзага келиши мумкин бўлган ўзгаришларни ёки натижалари ва ўзгаришлари яққол кўзга ташланмайдиган оқибатларни олдиндан кўриш ва билиш, шунингдек, уларга ўз вақтида жавоб бериш учун етарлича тажрибага эга бўлиш.

Қарорларни қабул қилишда иштирок этиш, ўз ва бошқалар фаолиятининг мумкин бўлган натижаларини, оқибатларини, шу жумладан қарорлару уларнинг ижросини, муваффақият ва муваффақиятсизлик сабабларини, шунингдек, бошқа алоқаларни олдиндан кўриш қобилиятини талаб қилади.

ВАТАНДОШЛИК ТУЙҒУСИ АМАЛИЁТДА ШАКЛЛАНАДИ

“Демократия” тушунчаси бир зумда бўш ва шалвираган иборага айланиб қолиши мумкинлигини қайта-қайта таъкидлаш зиён қилмайди. Озодлик ва мустақилликни асраш учун ҳар бир инсон огоҳ бўлиб куч сарфлаши зарур! Бюрократия тарвақайлаб кетса, ватандошларга осон бўлмайди. Бундай ҳолда, аксарият ватандошлар учун эркинлик ташқи кўринишга айланади.

1.6.1. — чизма. Ватандош қуйидагиларни билади ва ўз хулқини шакллантиришда инобатга олади

Юксак ғоялар сифатида, эрк ва мустақиллик тушунчалари жарангдор янграйди. Идеаллар муҳофазасини ўзгаларга ишониб топшириш мумкин эмаслигини тушуниш мушкул, аслида. Баъзида шундай бўладики, идеалга эришиш йўлида инсонлар ҳар қандай қийинчиликларни бошдан кечиришга, ҳатто ўзлигидан воз кечишга тайёр, аммо идеалга эришилганда, уни сақлаб қолиш учун куч ва вақт қолмайди. Озодлигу истиқлол йўлида доимий ва мақсадли меҳнат қилиш кераклигини ҳамма билади гўё, аммо эркин ва мустақил давлатни асраб-авайлаш учун ўйлаш, ўрганиш ва муттасил такомиллашиб бориш, билимли ва талабчан бўлиш зарурлиги ўртага чиқса, инсонлар кўзидаги ёниш йўқолганига гувоҳ бўласиз.

Давлат – ватандошга юк бўлмаслиги керак! Ватандош субъект бўлишни истайдиган инсондир, чунки у нафақат яхши ва ёмон, балки ушбу тушунчалар ортидаги омиллар кўзлови билан ҳам ўлчамларини олади. Бу ватандошга қарорлар қабул қилиш ва заруратга қараб уларни тузатиш, алоқаларни боғлаш ва ижрода иштирок этиш имконини беради. Шундай қилиб, иштирок этиш — хавотирланиш ва руҳий оғриқни пайдо қилади, чунки қарорлар ҳамда уларнинг ижросига ҳақиқий дахлдорлик (ўйин ёки қуруқ гап эмас), якуний натижа масъулияти ва келажакда шахснинг ўзи, Ватани ва давлатини кутиб турган реаллик учун жавобгарлик ҳисси ватандошга босим ўтказади. Ватандошлик туйғуси — амалиётда шаклланади.

ХАЛҚ ВАТАНДОШЛАР МАЖМУЙИ СИФАТИДА

Халқ — ўз-ўзини англаш, гуруҳий, ижтимоий ва маданий онгга, шунингдек, давлатий, миллий ва маҳаллий ўзига хосликка эга бўлсагина ватандошлар мажмуйи кўринишидаги субъект (соғлом фаол бошланиш) сифатида ҳаракат қилиши мумкин.

Инсонлар ўзини субъект сифатида тутиши учун қуйидаги ҳолатлар зарур:

• муҳокамалар, қарорлар ва натижаларни баҳолашда қатнашиши, онгли равишда иштирок

этиши учун инсонлар етарли даражада билимли, маълумотли ҳамда тажрибали бўлиш имкониятига эга бўлиши;

• раҳбарият шу қадар ҳалол, адолатли ва эътиборлики, халқнинг хоҳиш-истакларига пешвоз чиқади;

• оммавий ахборот тизими фақат ишончли ва тизимли ахборотни тарқатади, ОАВлари эса оммавий коммуникацияни шакллантиради;

• сайловлар Конституцияда белгиланган талабларга жавоб беради, тасодифий шахслар парламентга, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига ёки қарорлар қабул қилиш учун масъул бўлган бошқа мажлисларга кириш имконига эга эмас;

• таълим тизими ижтимоий ва маданий ҳаётда ҳам, жамият ва оилада ҳам ўз-ўзини йўналтириш учун қониқарли тайёргарликни таъминлайди;

• тартибга солишнинг барча даражасидаги ҳукумат қарорлари тўғри ва қайта алоқага эга.

Давлатдаги вазият қониқарли бўлиши ва қониқарли бўлиб қолиши учун унинг аҳолиси ўзини ватандошдек тутиши керак!

1.7. ПРОФЕССИОНАЛ

Маиший онг даражасида ҳар бир киши ўзи хоҳлаганча фикр юритиши мумкин. Натижалари ва оқибатлари бошқа инсонларга катта таъсир кўрсатмайдиган кичик қарорлар ўз ихти-

ёрингиз билан қабул қилиниши мумкин. Агар расмий сайланган ва ваколатли шахслар бундай қарорларни муҳокама қилиш ҳамда тайёрлашни бошласа, уларнинг ижроси кўплаб инсонлар ҳаёти, турмуш шароити, табиати ва яшаш муҳитини ўзгартириши мумкин бўлса, унда вазият сифат жиҳатидан бошқача маъно касб этади.

Ижро этилиши юқори сифатли босқичлар билан кечадиган жиддий ва муҳим қарорларни тайёрлаш жараёнида профессионал ва ахлоқли бўлишга ҳаракат қилиш керак.

• **Профан.** Ҳаётнинг кўп соҳаларида биз ҳаммамиз профанмиз, чунки мазкур соҳаларда ҳеч нарсани тушунмаймиз ва қўлимиздан ҳеч нарса келмайди.

• **Дилетант.** Кўп соҳаларда биз дилетантлармиз — бизда ноаниқ тушунча, юзаки қобилиятлар мавжуд.

• **Мутахассис.** Биз баъзи соҳаларда мутахассисмиз. Мутахассис баъзи тор соҳада пухта ва аниқ йўналтирилган билиму кўникмаларга эга бўлади. Ўз заиф томонларини биладиган ва тушунмаган масалалари бўйича ўз фикрини билдиришга шошилмайдиган мутахассис ишончга лойиқдир.

• **Генералист.** Генералист ҳар қандай соҳада мутахассис бўлиб, бутунни — метатизимлар тизимини қамраб олиш қобилиятига эга. Генералист йирик қарорларнинг ташаббускори бўлиб, уларни яратиш, ижро этиш ва баҳолашда жуда кўп сонли мутахассисларни жалб қила олади.

Қуйидагилар:

• инсоний фазилатлар билан хулқланадиган;

• адекват ҳаракат қиладиган;

• атрофдаги дунё тез ўзгараётганига қарамай, профессионал (маълумотли, билимли ва тажрибали) бўлишни хоҳлайдиган;

• ҳушёр фикрлайдиган ва тараққиётнинг авангардида бўлишни истайдиган;

• профессионаллик инсонийликка зид бўлмаса — муваффақият, буюклик ва ютуқларга эришишнинг шарти эканлигига ишонадиган;

• ҳеч бир предметни батамом ўрганиб бўлмаслигини тушунадиган ва ҳар бир лаҳзада ўзини такомиллаштириш, мулоҳаза қилиш, фикр юритиш, энг яхши ечимларни излаш ва кашф қилиш учун фойдаланишга ҳаракат қиладиганлар муносиб инсонлардир.

Профессионал тафаккур образи ва концептуал фикрлаш тарзи дилетант ёки профан фикрларидан қандай фарқ қилади? Жавоб қисқа бўлиши мумкин эди. Ушбу китобнинг тамойилларига амал қилган ҳолда, сизга ушбу тушунча (профессионал) бўйича иложи борича кўпроқ нуқтаи назарларни тақдим этишга ҳаракат қиламиз. Уларнинг баъзилари эса кейинги бобларда батафсилроқ очиб берилади.

Профессионал:

• сўзларни аниқ ва белгиланган маънода қўллайди;

• муҳокама объектини кўриб чиқиш учун кўплаб нуқтаи назарларни топади;

• ҳар бир нуқтаи назар уникал эканини ва унинг берган манзарасини бошқа нуқтадан кўришнинг имкони йўқлигини ҳисобга олади ва бир нуқтадан бутунни (кузатувчи учун абстракт бўлган тизимни, ақлий умумлашмани) кўра олмаслигингизни билади;

• ҳар қандай объект, ҳодиса ёки жараённи кўриб чиқишда ушбу объект, ҳодиса ёки жараёнга баҳо бериш мумкин эмаслигини билади; кўриб чиқилаётган объект тизим учун кириш маълумоти сифатида қанчалик мос келишини кўргандагина баҳолаш учун асослар мавжуд бўлади;

• диққат марказидаги объектларини статикада ҳам (предмет ёки ҳодиса сифатида) динамикада ҳам (жараён сифатида — даврий кетма-кетлик ва мантиқий алоқадаги ҳодисаларнинг узлуксиз занжири кўринишида) кўриб чиқади;

• яшаш муҳитига нисбатан мўлжал олади; жисмоний ва маънавий, табиий ва предметли муҳитни яшаш муҳитининг қисмлари сифатида кўради;

• маърифатли бўлиш талаб қилинадиган ҳолатни тушуниш ва йўналтириш учун (психик, ижтимоий, виртуал каби муҳитларнинг ўзаро таъсири жараёнида шаклланган) яшаш муҳитини бир бутун сифатида кўриб чиқади;

• ҳис қилиш, ўйлаш, қарор қабул қилиш ҳамда ҳаракатланиш — нарсалар, матнлар, муассасалар кабиларга эмас, инсонга хослигини тушунади. Инсон йўналиш ва мақсадларни белгилайди, воситаларни танлайди, тамойилларни киритади, баҳо беради, хулосалар чиқаради, тадқиқ қилади ва яратади, қарор қабул қилади ҳамда бу ҳолатда жавобгарликни ўз зиммасига олади;

• тартибот ҳамда раҳбарлик даражаларини фарқлай ва боғлай олади;

• тартибот ва раҳбарлик даражаларидаги ҳар бир муаммонинг ўз (бошқалардан фарқли) мазмуни борлигини тушунади;

• ҳар бир факт бир неча контекстда, жумладан, статика ва динамикада кўриб чиқилиши мумкинлиги ва лозимлигини англайди ва ҳисобга олади;

• инсонлар, предметлар, матнлар, ҳодисалар кабиларнинг аҳамияти, уларга берилган баҳолар, улар юзасидан қилинган хулосалар контекстга қараб шаклланишини тушунади;

• фақат ишончга лойиқ баҳоларни жиддий қабул қилади;

• умумий, махсус ва яккалик ўртасидаги алоқаларни топади ва ажрата олади;

• яхлитликни (метатизимлар тизимини) асос қилиб олишга ва уни иложи борича комплекс (ҳар томондан) кўриб чиқишга интилади;

• муаммони онгли қарама-қаршиликлар йиғиндиси сифатида шакллантиришни билади ҳамда бу қарама-қаршиликларнинг пайдо бўлиши (мавжудлиги — чуқурлашиши — кенгайи-

ши) сабабларини, уларнинг функционал (ўзаро боғлиқ) ва казуал (сабаб-оқибат) алоқаларини аниқлаш ва шакллантиришга ҳаракат қилади;

• муаммони моҳиятан ҳал қилиб бўлмаслиги ҳақида ўзига ҳисоб бера олади;

• муаммо сифатида англанган қарама-қаршилик сабабларини камайтириш (ва баъзан йўқ қилиш) мумкинлигини тушунади;

• тартибот ва раҳбарликнинг ҳар бир даражасидаги ҳар қандай қарор бир-биридан фарқли маънога эга эканини билади.

• қуйидагиларни фарқлай олади (чалкаштирмайди):

— йўналиш ва мақсад нима, шунингдек, воситалар нима; бирор нарса фақат йўналиш ва мақсадга нисбатан восита бўлиши мумкинлигини, воситасиз йўналишни давом эттириш — мақсадга эришиш мумкин эмаслигини тушунади;

— ресурс нимаю шарт нима; ҳар қандай ресурснинг мавжудлиги бошқа ресурслардан фойдаланишни (қўллашни) шартга айлантиришини тушунади;

— сабаб нима, натижа ва оқибат нима; ҳар қандай натижага эришилгандан кейин оқибатлар ҳар доим шаклланиши мумкинлигини (ва катта эҳтимол билан шаклланишини) тушунади. Оқибатлар — бу ўйланганига зид бўлган нарса. Ёндош натижалар — ҳеч ким кутмаган, лекин умумий ўйланганига мос келадиган нарсалар;

— нима объектив ва нима субъектив;

— моҳият нима ва ташқи кўриниш нима;

— мазмун нима ва шакл нима;

— тавсиф, ўлчаш, баҳолаш ва ҳисоблаш нима;

— маълумотлар нима ва нимани эмпирик, статистик ҳамда илмий факт деб ҳисоблаш мумкин;

— алоқа нима, бевосита алоқа, тескари алоқа нима;

— ҳуқуқ, мажбурият ва жавобгарлик нима, бурч ҳамда масъулият ҳисси нима (қандай шаклланади);

— мулоқот нима ва мурожаат нима (кимдир ёки бирор нарса билан); фақат бир-бирини тан оладиган ва ҳурмат қиладиган, бир-бирига ишонадиган ва ҳисоблашадиган субъектлар, яъни индивидлар ёки гуруҳлар мулоқот қилиши мумкинлигини тушунади;

— раҳбарлик, бошқариш, хўжалик юритиш, эгалик қилиш, қамраб олиш, алоқаларни вужудга келтириш ва ўрнатиш нима; санаб ўтилган фаолият қандай шароитларда мумкин; мансабдорларнинг фаолияти натижа ва оқибатларини баҳолаш учун нима қилиш ва нимага асосланиш керак;

— имконият нима, ходиса ва муқаррарлик нима;

— мотив, мотивация ва мотивациялаш нима;

— тема, рема, матн ва контекст, остматн, кодлар, оствазифа ва олий фазифа нима.

— билим нима, фикр, эътиқод, орзу кабилар нима;

– парадокс нима ва демагогия нима;

• таснифлар *[классификациялар]* билан асослантиради;

• кўриб чиқилаётган нарсаларга, илгари таъсир кўрсатишига ҳеч қандай шароит бўлмаган бошқа нарсалар ҳам қўшимча бўлиши мумкинлигини билади.

• қуйидагиларни тушунади:

— ҳар бир объектни янада тизимли кўриб чиқиш мумкин;

— ўлчаш мумкин бўлган ҳамма нарсани янада аниқроқ ўлчаш мумкин.

– баҳоланиши мумкин бўлган ҳамма нарсани янада аниқроқ баҳолаш мумкин;

• профессионаллар билан мулоқот қилади;

• **тушунадики:**

— ижтимоий, маънавий ва руҳий муҳитни шу ерда ва ҳозир ўзгартириб бўлмайди;

— номоддий воқеликни ўзгартириш учун унинг омилларини, омиллар тизимини (ва кўпинча омиллар тизими омилларини), ўзгартириш лозимлигини, шунингдек, сабрли бўлиш кераклигини;

— табиатда, жамиятда, маданиятда ва бошқа жойларда ҳам ўзгаришга бўлган маънавий ҳуқуқ (ёки ўзгариш истаги) субъектнинг ўз фаолиятининг натижалари ва оқибатларини олдиндан кўриш ва тан олиш қобилиятига, шу билан бирга ўзгартириш мумкин бўлмаган барча нарсани сақлаб қолишга тайёрлигига қараб шаклланади;

— эргашиб келувчи фаолият, шунингдек, бевосита ва билвосита оқибатлар учун ҳам жавобгар бўлиш зарур;

— мақсад ва воситалар тизимдир;

— йўналиш ва мақсадни шундай белгилаш

мантиқан тўғри бўладики, йўналишни давом эттириш ва мақсадга эришиш учун зарур воситаларга қўл узатса етсин (уларни таъминлаш истаги ва имконияти мавжуд бўлсин);

— восита ўзида тизимни акс эттиради, тизимнинг йўналишда қолиш ёки мақсадларга эришиш қобилиятини таъминламайдиган унинг бирор-бир элементини етарлича кучли деб аташ мумкин эмас; шу билан бирга, ҳар қандай элемент шунчалик кучлики, унинг йўқлиги (ёки заифлиги), жараённи тўхтатиб қўяди, яъни йўналишга риоя қилиш имконсиз бўлиб қолади, мақсадларга эришилмайди;

— режалаштирилган жараённинг содир бўлиш эҳтимоли элементлар матрицаси билан тавсифланади, бу ерда мақсад ва воситалар тизим сифатида тақдим этилади;

— пул ва бошқа эквивалентлар мотивацияни оширади, аммо инсонлар ўртасида ҳасад ва жанжалларни, фитна ва бошқаларни келтириб чиқариши ҳам мумкин;

— натижаларга одамлар эришадилар; пул маблағлари фаолият давомида қилинган харажатларнинг бир қисмини қоплайди;

— ҳуқуқлар адолат тамойилига мувофиқ амалга оширилгандагина мазмунли бўлади.

Келажакка интилиш, қарор шакллантириш ва мақсадли фаолият учун нафақат билим, балки билим, кўникма ва тушунчалар бирлиги керак.

Профессионал инсон ташқи ёрдамсиз эришилган ҳар қандай натижа фақат кейинги

ҳаракатлар учун зарурий шарт (ва бошқа ҳеч нарса эмас!) эканини ва бошқалар кўмаги бўлмаса "якуний бекат" деб аталадиган манзилга етиш мумкин эмаслигини тушунади. У бошқа профессионалларни таний олади ва қўшма изланишларда мамнуният билан қатнашади. Профессионал тушунадики, фақат сахий бўлганларгина бадавлат бўлиши мумкин.

Қайсидир соҳанинг профессионали бошқа инсонлар каби аксарият соҳаларда ўзи ҳам профан эканини ҳисобга олади. Баъзи соҳаларда кўпчилик дилетант-ҳаваскордир, қайсидир бошқа соҳаларда эса мутахассис. Кўпчиликнинг юрагида генералист бўлиш истаги пайдо бўлгани яхши.

Ҳар қандай соҳадаги профессионаллар ўзларининг махсус, профессионал мансаб мунозараларида максимал аниқ таркибли, тузилишга ва маънога эга бўлган тушунчалардан фойдаланадилар. Профессионал ўз (ва бошқалар) фаолияти ва натижалари оқибатлари учун жавобгарлик талаб қилинадиган соҳаларда қониқарли аниқлигу равшанликка эришиш учун моделларни, баъзи соҳаларда эса лотинни қўллайди.

1.8. МИЛЛИЙ ЭЛИТА

Ҳаёт соҳаларида баъзи инсонлар ўзларининг чидамлилиги, қатъияти, қобилияти ва изчиллиги билан ажралиб туради. Бундай инсонлар санъат, спорт, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларнинг элитасини ташкил қилади.

1.8.1. - чизма. Миллий элита белгилари

Ўзини жамият манфаатларига хизмат қилишга бағишлаган инсонлар билан миллий элита шаклланади. Қадимги Юнонистонда элитага мансублик юксак ғоя ҳисобланган. Ўрта асрларда қиролни, давлатни, ўзини ва ватандошларни душманлардан ҳимоя қиладиган, шунингдек, шаъни ва қадр-қимматини, ўзлигида қолиш ҳуқуқини муҳофазалайдиган рицарлар ва зодагонлар элитани ташкил этган. Зодагонларнинг ахлоқий тамойиллари аниқ, тушунарли бўлиши ва уларга қатъий риоя қилинишини назарда тутар эди. Ўз мажбуриятларини аниқ ва сўзсиз бажариш ахлоқлилик мезони эди. Шараф ва уят ҳақида жуда аниқ қарашлар шаклланганди. Ўша даврларда бошқа инсонларни ҳақорат қилиш мутлақо йўл қўйиб бўлмас ҳодиса бўлган.

2-БОБ. ҲАЁТ

2-БОБ. ҲАЁТ

Биологик маънода ҳаёт — бу туғилиш ва ўлим ўртасидаги ҳолатдир.

Ижтимоий маънода эса параллел равишда бир нечта ҳаётда яшаш ёки бирини тугатиб иккинчисини бошлаш мумкин.

2.0. УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

Биологик маънода ҳаёт — бу туғилиш ва ўлим ўртасидаги ҳолатдир. Мазкур талқиннинг марказида соғлик туради. Ижтимоий маънода параллел равишда бир нечта ҳаёт кечириш ёки бирини тугатиб иккинчисини бошлаш мумкин. Айтишимиз жоизки, ижтимоий нуқтаи назардан ҳаёт — бу инсоний муносабатлар тизими ва уларнинг бир-биридан таъсирланишидир. Яна шуни таъкидлаш мумкинки, ҳаёт — вақт кетма-кетлигида жойлашган босқичлар занжири ва бу босқичларни тўлдирадиган ҳодисалардир.

Маънавий ёш — бу етуклик даражасидир.

Ижтимоий ёш — бу ижтимоийлашув даражасидир.

Агар кишининг ҳаётиий воқеалар тебраниши *[частотаси]* юқори, шу билан бирга индивидуаллик дақиқалари қанчалик қисқа бўлса, унинг вақти тезроқ ўтади ва умри шунчалик узоқ бўлади. Воқеалари сийрак, кунлари эса бир-бирига сув томчиларидек ўхшаса, вақт тўхтайди ва узоқ яшаганига қарамай, умри қисқа бўлиб қолаверади. Баъзи инсонлар ёшлигидан қаридир, бошқалари эса кўп йиллар яшаса-да навқирондир.

Улғайиш ёки қариш — бу иккита алоҳида тушунчалардир. Қариган инсонлар ўзи ва атрофдагиларга қизиқишни йўқотиши мумкин. Улғайганлар эса бутунни бора-бора ёрқинроқ кўра бошлайдилар, шу билан бирга тажриба жуда қимматли топилма эканини англайдилар. Бундай ҳолатда механик хотира, фактлар ва тафсилотларни сезиш қобилияти заифлашиши муҳим эмас. Муҳими, алоқа ва боғлиқликларни тушуниш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, олдиндан кўра билиш ва тан олиш қобилияти то инсон қарий бошлагунча аста-секин ўсиб боради. Етукликка улғайиш орқали эришилади, қариш — бу муқаррарликдир.

Таълим — ҳаёт давомида тайёр туришни *[шайликни]* шакллантирадиган занжирдир ва бу ерда тажриба муҳим рол ўйнайди. Ёш инсонда тажриба кўп бўлмаслиги мумкин, лекин олдиндан кўра билиш, англаш ва таниб олиш қобилиятини ривожлантириш учун тажриба жараён сифатида муҳимдир.

ҲАЁТ — ИЖТИМОИЙ ҲОДИСА ВА ЖАРАЁН СИФАТИДА

Ҳаётни ижтимоий ҳодиса сифатида кўриб чиқишда унинг хусусиятларини: мазмуни, шакли, йўли, услуби, муҳимлиги ва маъноси кабиларни ҳисобга олиш керак. Ҳаёт — жараён сифатида, даврий кетма-кетликда жойлашган узлуксиз ҳодисалар (босқичлар) занжири, яъни давомий ҳодисадир. Ҳаёт ижтимоий жараён сифатида: вақт (давомийлик), жой, ритм, кескинлик, йўналиш, мақсад, воситалар, тамойил, меъзонлар, мазмунли алоқа, тўғри ва тескари алоқа каби ҳусусиятларга эга.

Мақом ва муносабатлар — барча муҳим ролларда ва тартиботнинг барча даражаларида аҳамият касб этади. Ҳаётнинг ҳар қандай соҳасидаги фаолият учун инсон саломатлиги, жисмоний ва маънавий қобилиятлари, туғма белгилари, таълими, тажрибаси, маданий ва ижтимоий алоқалари, жамоавий ҳамда оилавий алоқалари, дунёни англаши, дунёқараши, шахсият ва субъект сифатида тан олиниши муҳимдир.

- **Саломатлик — бу жисмоний, руҳий ва ижтимоий фаровонлик бирлигидир.**
- **Ҳаётнинг зарурий шарти — бу соғлик, муносабатлар, тартиботнинг барча даражасидаги мулоқотдир.**

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) таърифига кўра, соғлик — бу касаллик

ва жисмоний нуқсонларнинг йўқлиги эмас, балки жисмоний, руҳий ва ижтимоий фаровонлик ҳолатидир. Мазкур қадриятни сингдириш осон эмас, лекин бу ўта зарур.

Ҳаётнинг ҳар бир соҳасида, такомиллашиши ёки дарз кетиши мумкин бўлган диспозициялар тизими мавжуд (бошланғич нуқталар, (5.3.3. — *чизмага қаранг*) ўрнатмалар, муносабатлар, қадриятлар, меъёрлар, афсоналар, ясоқлар, идеаллар ва юксак ғоялар). Инсоннинг ҳаётий кучи, қарор бериши, натижани юзага чиқариши, тадқиқ қилиши, яратиши, ишлаши, ўйин қилиши, диққатни жамлаши ва тушуниши, ўзини бирор нарсага бағишлаши диспозиция тизимининг элементларига боғлиқ.

Олдинги бобда айтилганидек, ҳеч кимни бахтли қила олмайсиз, лекин сиз ҳаётни инсонлар бахтли бўладиган тарзда ташкил этишингиз мумкин.

Ҳаёт сифатини қандай баҳолаш мумкин?

Ҳаёт ва натижалар ўртасидаги мувофиқлик асоси сифатида қуйидагилар олиниши мумкин:

• умидлар ва эҳтиёжлар;

• жамият ва маданиятда шаклланган стереотиплар;

• амалдаги (белгиланган) стандартлар;

• идеаллар ва юксак ғоялар;

• келажакда шаклланадиган имкониятлар ва эҳтиёжлар.

Агар юқоридагилардан бирортаси ҳисобга олинмаса, баҳолаш юзаки ва адаштирувчи бўлади.

ҚОНИҚИШ ҲАР ДОИМ ҲАМ МАВЖУД ҲОЛАТ БИЛАН БЕЛГИЛАНМАЙДИ

Бир қарашда бундай эмасдек туюлса-да, лекин кўп ҳолларда инсоннинг қониқиши эгалик қилаётган нарсаларига боғлиқ эмас, балки у нимани зарур деб ҳисоблагани, нимани исташи ва етишмаётган нарсаларига боғлиқ. Бу умумга тегишли бўлиб, уй-жой, транспорт, муносабатлар, пул кабиларни қамраб олади. Масала ашёда эмас. Асосийси — бу қалбий мувозанат, шахслараро муносабатлардаги ҳолат, шунингдек, ўзига, ўзгаларга ҳамда келажакка ишончдир. Кундалик ҳаётда кўпинча инновациялар, тараққиёт режалари ва инновацион моделлар ҳақида гапирилади. Аммо ҳар ким аста-секинлик билан асосийси бу ўзгартиш эмас, балки асраб қолиш эканини тушуниб етади. Ўзгартиш иккинчи даражали, сақлаб қолиш эса биринчи даражали фундаментал муҳим ҳисобланади. Инсон учун — саломатлик, ҳаёт, ор-номус, қадр-қиммат, озодалик, тартиб-интизом, она тили, маданий қадриятлар, эркинлик, шу билан бирга ўзгалар билан муносабатларни қандай сақлаб қолиш кераклиги ҳақидаги саволлар ҳал қилувчи хусусиятга эга.

Буларнинг барчасини нафақат билиш, балки тушуниш учун ҳам ҳаётий жараёнларнинг ўлчамини ола билишга, иштирок этиш ва уддалашга тайёр бўлиш керак.

2.1. ҲАЁТ ВА УНГА ТАЙЁРЛАНГАНЛИК

Кўпинча ватандош ва жамият ўртасидаги муносабатлар ишончли, барқарор, адолатли, ҳаёт эса таъминланган, тушунарли, хавфсиз экани урғуланади. Аммо бунинг акси бўлиши ҳам мумкин.

Жамият қадриятларининг ўлчов бирлиги — бу инсонга бўлган муносабатдир. Энг муҳим қадрият — бу манипуляция объекти, муваффақият воситаси ёхуд манбаси бўлиб хизмат қилмайдиган, моҳиятига кўра ҳам мақсад, ҳам субъект бўла оладиган инсондир.

Иқтисодиёт ёки бошқа соҳа бўлсин, барча тизимлар инсонга хизмат қилиши керак, аксинча эмас. Мақсад — инсоннинг (ҳар бир ватандошнинг!) ҳаётидир ва уни ўраб турган ҳамма нарса бу мақсадга эришиш учун восита бўлиб хизмат қилиши лозим.

Агар мақсад ва воситаларнинг ўрни алмашиб, чалкашиб кетса, зўриқиш пайдо бўлади. Бу зўриқишни дастлаб ҳаспўшлаш, турли мурожаатлар ёрдамида текислаш ва суррогатлардан фойдаланиш орқали ҳал қилиш мумкиндир. Аммо бунда руҳий тушкунлик, апатия, бегоналашиш ва тажовуз, шу жумладан, ўзагрессия бошланиши фақат вақт масаласи бўлиб қолади (3.3. — *бандга қаранг*).

• **Агар мақсад ҳокимият, иқтисод ёки пул бўлса, инсонлар фақат восита сифатида ҳизмат қилади.**

• Мақсад инсон ва унинг ҳаёти бўлса, ҳокимият, иқтисод ва пул воситага айланади.

Ҳаёт ижтимоий ҳодиса (феномен) сифатида юқорида тилга олинган хусусиятлар, шунингдек, равшанлик, мустақил ҳаракатланиш қобилияти, мустақил ва бошқалар билан ҳамкорликда қарор бериш, татбиқ этиш, қарорлар, ҳаракатлар ҳамда тизим ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш каби омиллар билан тавсифланади.

Жамиятда ўрнингизни топиш учун ўлчамларни ола билишингиз кифоя. Жиддий қарорларни шакллантиришда иштирок этиш, уларни амалга оширишга кўмаклашиш жуда кўп шартларни тақозо қилади. Тараққиётда иштирок этишни истаган ҳар бир киши илгари мавжуд бўлмаган нарсани яратиши, сифатли ўтишларни *[ҳаётнинг сифат жиҳатидан янги босқичига ўтиш назарда тутилмоқда]* амалга оширишга имкон берадиган тизимлиликка эришиши керак.

ҲАЁТ БОСҚИЧЛАРИ ВА КЕЧУВЛАРИ

Ҳаёт босқичлардан иборат, лекин энг қийини бир босқичдан иккинчисига ўтиш давридир. Кўпинча инсонлар бу ўтувни инқироз сифатида ҳис қилади. Биринчи ўтиш даври бу — туғилишдир. Она қорнини тарк этиш, эҳтимол, инсон ҳаётидаги энг хавфли ўтувдир.

Кейинги ўтиш босқичи, чақалоқлик даврининг тугаши, яъни уч-тўрт ёш атрофида содир бўлади. Бу ўтиш, шунингдек, негативизм ёки рад этиш даври деб ҳам аталади. Бу вақтгача яхши бўлган бола бирдан қўпол нарсаларни гапира бошлайди ва дунёдаги ҳамма нарсага қаршилик кўрсатади. Агар унга ухлаш вақти келди, дейилса, жавоб: “Ўзинг ухла!” Агар тушлик вақти бўлди десангиз, жавоб “Мен емайман!” оҳангида янграши мумкин.

Болалар боғчаси ва мактабнинг биринчи кунлари, ўсмирлик, синф ўзгариши ва таълим муассасаларини битириш ҳам ўтиш босқичлари ҳисобланади. Қиз ва ўғил болаларда бу жараён турли хил кечади. Вояга етганлар учун бу ўтувлар никоҳ, ишни ўзгартириш, менотанаффус, пенсия кабилар ҳисобланади. Ўтиш — қийин давр. Вояга етган киши бу даврга онгли равишда кириб келади, лекин шунга қарамай, у ички тарангликка эга, сабаби, ўтмишдан воз кечиб, янгисини қабул қилиш осон эмас. Иккита бир хил лаҳзалар орасида шундай бир вақт қирқими мавжуд бўлиб, инсон на эски, на янги даврга тегишли бўлади; у ҳаддан ташқари беҳаловат, ўзига ишончсиз ва атрофидагиларнинг фикрича ўзини ғалати тутади. Бу ҳолат маргиналлик деб аталади. Ҳаётнинг ҳар бир босқичи ўзига хос қийинчиликларга эга, ҳар бир босқичда кейингиси учун олд шартлар вужудга келади. Шуни тушуниш керакки, маълум босқичда бажарилган (эришилган) нарса кейинги босқичда асқатади, шу билан бирга,

ярим-чала қилинган ва бой берилган ишлар катта эҳтимол билан бир босқичдан кейин бўй кўрсатади. Унинг қандай ва қайси вақтда кўриниш беришини олдиндан айтиб бўлмайди.

Ҳар доим, инсонга хос қирраларни билиш ва инобатга олиш лозим!

ЖАМИЯТ АЪЗОЛАРИ ВА МАДАНИЯТ НАМОЯНДАЛАРИ

Барча инсонлар, жамият аъзолари ҳамда маданият намояндаларидир, шу билан бирга жамоа субъектлари ва оила вакилларидир. Ҳар бир инсон ҳаётининг исталган лаҳзасида, хоҳ ватанида, хоҳ чет элда бўлсин маданият, оила ва жамоа вакили бўлиб қолишига эътибор қаратиш муҳим. Жамият, ташкилот ёки институциянинг номидан ҳаракат қилиш учун тегишли ваколатларга эга бўлиши керак.

- **Эркин юртдаги озод инсон қалби буюрган нарсани қилишга ҳақли.**
- **У бошқа инсонларнинг ҳуқуқларини бузмайдиган, ўзи ва бошқаларнинг соғлиғига, табиатга ва маданиятга зарар етказмайдиган ҳамма нарсани қилишга ҳадди сиғади.**

Жамият (*социум, 4-бандга қаранг*) институционал тизим сифатида дискрет тузилишга эга бўлиб, асосан ёзма қонунларга кўра фаолият

кўрсатади, ўзгаради ва ривожланади, маданият эса ёзилмаган қонунларга кўра мавжуд бўлади. Фаровон ҳаёт учун иккаласини ҳам ҳисобга олиш зарур. Аммо ўзини-ўзи тартибга солиш ҳаётда биринчи ўринда туради!

Жамият ҳаётида иштирок этиш учун фақат у ёки бу институция ҳақида маълумотга эга бўлишнинг ўзи етарли эмас (4.3. — *бандга қаранг*), чунки ҳар бир институция, бутун бошли жамиятда шу билан бирга барча институциялар, ташкилотлар ва бошқа тузилмавий бирликларда ўз ролига эга. Агар бирор-бир институция ташландиқ ҳолатга келса, бутун жамият самарадорлигини йўқотади. Вужудга келган камчиликни бирмунча вақт компенсация қилиш мумкин, аммо буни доимий ва узоқ муддат амалга ошириб бўлмайди.

Маҳорат — раҳбарлик, бошқарув ва хўжалик юритишда эмас, балки ўзтартибни вужудга келтириш ва сақлаш учун шароитлар яратишда қўл келади.

Маданият (5.0. — *бандга қаранг*) ва у ўз ичига олган барча нарсалар голографик тузилишга эга (*кўринадиган нарса турли нуқтадан турлича кузатилади*). Жамоатчилик алоқаларида ўзгаришлар, маданий алоқаларда эса сақлаб қолиш биринчи ўринда туради. Дарҳақиқат, инсонларни бир ёки бошқа нарсанинг яккаликдаги эмас, балки уларнинг динамик мувозанатдаги бирлиги

қаноатлантиради. Ҳар бир маданият ўзига хос хусусиятларга эга, унга кўра қайсидир босқичда ўзини маълум бир образда тутишга тайёрлиги шаклланади. Масалан, мактабга қандай ва қачон бориш керак, қайси пайт турмуш қуриш, уй бино қилиш ва фарзанд кўриш керак. Ўз маданиятингда яшаб қолиш — ижтимоийлашув деб аталади (2.2. — *бандга қаранг*). Шахснинг маданий алоқалари жаҳон, миллий ва маҳаллий маданият риштапарига бўлинади. Улардан қай бири муҳимроқ аҳамиятга эгалигини айтиш мумкин эмас. Учта турнинг барчаси етарлича кучли бўлиши муҳим.

ҚАРОРИМИЗ ҚАНДАЙ, ИЖРОМИЗ ҲАМ ШУНДАЙ

Инсонлар ҳаётининг ҳар бир босқичида жараёнларга раҳбарлик қилиши, инсонларни бошқариши ва ҳукмронлик қилиши, шу билан бирга бўйсунувчи ва ижро этувчи бўлиши ҳам мумкин. Биринчи навбатда, биз ўзимизни ўнглаб олишга ҳаракат қиламиз (ҳаётимизни ташкил этиш ва қуриш билан), иккинчидан — раҳбарлик қилиш, тартибни сақлаш, алоқаларни ўрнатиш ва ҳамма нарсани бир бутунга боғлаш жараёни орқали бошқа инсонлар билан ўзаро муносабатда бўламиз. Ҳар бир санаб ўтилган вазиятда инсонлар ўзларининг заиф томонларини кўрсатиб, ортиқча одамга айланмаслиги жуда муҳимдир.

Ижрочилар қарорларни қабул қилишда мазмунли, тўлиқ англанган, виждонан ва масъулият билан иштирок этиш учун барча имкониятларини ишга солсалар, ўзларини ватандошлар каби тутди дейиш мумкин. Раҳбарлар ҳам, ижрочилар ҳам, ижро жараёнига тайёргарлик кўришлари керак, чунки ҳамма, шу жумладан, президент ва бош вазир ҳам биринчи навбатда ижрочидир ва шундан кейингина ўзгаларга йўналтирилган қарорларни шакллантирадиган инсонлардир.

Баъзи бошлиқлар, менинг ишим қарор бериш, бошқалари эса бу қарорларни ижро этиш керак деб ўйлашлари мумкин, аммо бундай ҳолларда дастлаб паришонлик, кейин сусткашлик, бефарқлик ва бемеҳрлик пайдо бўлади ва, натижада, паст меҳнат самарадорлиги юзага келади. Қулдор қулларининг юқори меҳнат унумдорлигини таъминлай олмайди, чунки қўрқитиш билан севги, ишонч, ҳайрат, жонфидоликка эришиб бўлмайди, ижодий ёндашувни гапирмаса-да бўлади.

КАРЬЕРА — ЯХШИ ИЖРОЧИЛАРНИНГ МАРРАСИ

Ўзини яхши раҳбар сифатида кўрсатганлар лавозимда кўтарилади деган тасаввур пайдо бўлиши мумкин. Аслида, инсонлар раҳбарлиги учун эмас, балки ижро интизоми учун, бошқаргани эмас, балки итоат қилгани учун карьера қилади

ва эътирофга (ҳаётнинг қайси соҳасида бўлишидан қатъи назар, ҳамма жойнинг ўзига хосликлари бор) эришадилар. Одатда, ишончли, ҳалол, содиқ, фаросатли, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчан, шунингдек, бошқа масъулиятли лавозимларда ўзини кўрсатишга тайёр бўлган яхши ижрочилар номзод сифатида илгари сурилади.

Карьера ёки мансаб пиллапояларида кўтарилиш инсонларнинг кутилгандан аъло ҳаракат қила олиши, профессионал ва дўстона, киришимли ва талабчан бўлиш қобилиятига боғлиқ (биринчи навбатда ўзига нисбатан). Ақлли раҳбарлар мустақил фикрлайдиган, комилликка интиладиган, кашф эта оладиган ва бошқа инсонларни янги марраларга эришиш учун яратувчанликка илҳомлантира оладиган номзодларни лавозимга кўтаради, шу билан бирга олдин ўрнатилган қадриятлар, тартиб, анъаналарни сақлайди ва ҳимоя қилади. Карьера мақсадга айланса, мартаба пиллапояларидан кўтарилиш ўз асосига эга бўлмаса, бу жуда ёмон. Бундай ҳолда, инсон сирли бўлиб, махфийликка ўралишни бошлайди ёки қўпол ва бефарқ бўлиб қолади.

Карьеранинг ўз қонуниятлари бор. Демократик ҳуқуқий давлатда мансаб зинапоясидан асоссиз кўтарилиш жамият учун энг катта таҳдидлардан бири эканини ҳар бир ватандош билиши керак. (12.3. — *бандга қаранг*) Кўпчилик, нодон инсон раҳбарлик лавозимига ўтирса нима бўлишини ўз шахсий тажрибасидан билади.

Бунда бюрократик иш юритиш катта роль ўйнайди. Мазмунли ва зарурий фаолиятнинг формал фаолият билан алмаштирилиши ва натижа ўрнига ташқи кўринишига эътибор қаратилиши туфайли оғир оқибатлар юзага келади. Лаганбардорлик гуллаб-яшнай бошлайди.

• Комплексларга эга шахслар — хавфлидир.

• Айниқса, бошқаларга зарар етказишни, азоб беришни, босим ўтказишни, зарурий нарсалардан тўсишни, жазолашни, камситишни ва гижгижлашни ёқтирадиган психопатлар янада хавфлидир.

• Лавозими кўтарилган психопатлар кейинчалик социопатга айланади.

Агар ёлғончи ва ақлсиз, шунингдек, камситилганлик комплексига эга шахслар, тақиқ, буйруқ ва қарор мустақиллигини талаб қиладиган лавозимларга ўтириб қолсалар, жамият, ташкилот ёки институция пастга энишни бошлайди ёки турғунлик йўлини тутади. Бюрократия гуллаб-яшнашининг дақиқлиги шундаки, ҳақиқий бюрократ қарор беришдан қочади. У қарорларни номаълум муддатга қолдиради, бу унга нотўғри қарор ёки хато қилмасликни кафолатлайди. Амалиёт шуни кўрсатадики, кўпинча мустақил қарор қилиб, баъзида хато қилганлар эмас, балки хато қилмаганлар [*яъни қарор қилмаганлар*] лавозимда кўтариладилар.

ПРОФЕССИОНАЛЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ

Профессионаллик ва шахсий масъулият — жамият тамойиллари бўлиб, уларнинг муқобили йўқ — бўлиши ҳам мумкин эмас. Асосий масала — раҳбарият ишни шундай ташкил қилиш керакки — профессионал, ҳалол, адолатли, ғамхўр, ҳамкорликка очиқ инсонлар диққат марказида бўлсин ва юмшоқ қилиб айтганда, билим ва кўникмалари чекланган инсонлар мартабада кўтарилишидан эҳтиёт бўлсин. Буни тўғридан-тўғри амалга ошириш мумкин эмас, лекин маълум даражада ошкоралик ва ахлоқийликка эришиш мумкин, бунинг натижасида эса жамоатчилик назорати амалга оширилади. Ошкоралик — бу катта куч!

Маъмурий усуллар билан ҳокимият авторитетларининг мустаҳкам тузилмасини шакллантириш мумкин эмас (*11.1. — бандга қаранг*). Нормал амалиётда ҳар бир мансабдор шахс, энг яхши тарзда ёки ҳеч бўлмаганда қониқарли даражада ўз Ватанига ва халқига хизмат қилишга яроқлилиги ва тайёрлигини оммавий исботлаш мажбурияти бўлиши лозим. Партиялар зарур тайёргарлик ва малакага эга бўлмаган, шунингдек, шахсий фазилатлари ҳурматга эмас, нафратга сабаб бўладиган шахсларни бирор-бир лавозимга тайинлаш (кўтариш) ҳуқуқига эга бўлмаслиги керак.

Етарлича ўткир қараш ва тинглаш қобилиятига эга бўлган ватандошлар давлатнинг та-

раққиёт йўлида ҳаракатланишини кузатишга қодир.

Ҳар бир мансабдор шахснинг ўз Ватани ва халқига энг яхши тарзда хизмат қилишга лойиқлиги ҳамда тайёрлигини омма олдида исботлаш мажбурияти бўлиши шарт.

Агар қарор бериш жараёнида тасодифий инсонлар иштирокига йўл қўйилса ва компетентлик сариқ чақага олинмаса, умумий яшаш муҳити кулгили, кейин эса назорат қилиб бўлмайдиган даражага тушади, сўнгра инсонларнинг бефарқ бўлиб қолганига, эътиқод ва қизиқиши йўқолганига, ғайриижтимоий *[асоциаль]* ва фикрсизлик хулқ-атворига эга инсонларнинг нисбати ошганига ажабланмаса ҳам бўлади.

Агар инсонлар қўл силтаб, депутат ва амалдорлар қилаётган ишларига эътибор бермай қўйсалар, лавозим шалвираши авжига чиқади. Агар бунга қўшимча равишда жамоатчилик назорати ҳам фалажланса, амалиёт шуни кўрсатадики, бу асослантирилмаган авторитет тизимининг гуллаб-яшнашига олиб келади. Бир нарсани айтиш, лекин бошқасини қилиш, ёки умуман ҳеч нарса қилмаслик янги нормага айланади.

Раҳбарият сўзларига ишонч йўқолгандан кейин вазият ёмонлаша бошлайди. Бундай ҳолатда мулоқот узилиб қолиши мумкин. Ҳамкорлик ўрнини “халқ кенгаши услубидаги ҳам-

корлик ўйини эгаллагани аён бўлса, мулоқотга киришишдан маъно йўқ.

Қарама-қарши интилишлар билан диолог ўрнига, триалог бошлаш ўзини оқлайди. Масалан, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) фақат иш берувчи ва ишчилар вакиллари билан учрашувлар ташкил этмайди — музокаралар столига ҳукумат вакилларини ҳам таклиф қилади.

Давлатда яхши қарорларга нисбатан талаб борлигини ҳамма билади. Афсуски, қайси қарорларни ҳаётни ижобий томонга ўзгартириб, хавфлар сонини камайтирадиган даражада яхши деб ҳисобаш унчалик аниқ эмас.

Компетентлик муҳим, аммо бу тўғри қарорлар қабул қилишнинг ягона шарти эмас. Бундан ташқари, қуйидагилар ҳам талаб қилинади:

• ўзаро ишонч;

• томонлар дайди фикрларини эмас, тизимли ва ўйланган сўзларни айтаётганини билиш;

• эришилган келишувлар ғижимланиб, ярим-чала қолиб кетмасдан жиддийлик билан амалга оширилишига ишонч.

Қуйидагиларга ишонч ҳосил қилиниши керак:

• белгиланган йўналиш миллий ғоялар, манфаатлар ва эҳтиёжлар билан ҳамоҳанг эканига;

• мақсад — фаолиятнинг ўзи эмас, балки чинакам зарурий натижалар эканлигига;

• харажатлар қиймати ва қурбон берилган нарсалар баҳоси натижанинг қиймати билан тўғридан-тўғри ҳамоҳанг эканлигига;

• натижаларга эргашиб келиши мумкин бўлган оқибатларни бартараф этиш имкониятининг мавжудлигига;

• раҳбарият ёлғон гапириб, ўғирлик қилмаётганлигига;

• натижанинг дастлаб назарда тутилган манзил ва мақсадига мос келишига;

• ҳеч нарса ана-мана дегунча синиб кетадиган даражада заиф ва ўзгарувчан ҳаётий шароитларга мослаша олмайдиган даражада мўрт эмаслигига.

Тўғри қарор қабул қилиш учун бундай қарорларни қабул қилишга қодир бўлган инсонлар, яъни — истиқболни кўра оладиган, ўтмиш ва атрофга назар ташлашни ҳам унутмайдиган ватандошлар талаб этилади; тизимли фикрлашга, ҳамма нарсани ҳаракатда *[динамикада]* ҳам, сокинлик ҳолатида *[статикада]* ҳам кўриб чиқишга, мақсад ва воситаларни, алоқалару боғлиқликни, манфаатлару эҳтиёжларни, сабаблар ва мумкин бўлган оқибатларни ажрата олишга тайёр ватандошлар зарур. Хавфни ҳам, имкониятларни ҳам олдиндан билиш қобилияти талаб қилинади.

Натижаларидан дарҳол фойдаланиш мумкин бўлган фаолиятлар дунёда жуда кам. Асосан, кейинги жараёнларни амалга оширишга имкон берадиган, натижалари келажакда асқатадиган нарсалар яратилади.

ЮКСАК АХЛОҚ ПОЙДЕВОРИ БОЛАЛИКДА ҚЎЙИЛАДИ

Қайта таъкидлаш жоизки, ҳаётнинг асосий тартибга солувчиси ахлоқдир — у тарбия ва тажриба ёрдамида эрта болаликдан шаклланадиган ахлоқий тушунчалар тизимидир (*1.1. — бандга қаранг*). Бунда, нима гўзал ва нима хунук, нима мавридлиию нима бемаврид экани ҳақидаги тушунчалар вужудга келади. Ҳурмат, мулойимлик, ғамхўрлик, севги туйғулари шаклланиб, уят нима эканлиги ҳақида тушунчалар пайдо бўлади. Агар инсонда уят ҳисси бўлмаса, унга ҳеч қандай ижтимоий тартибот ёрдам бермайди.

Инсон онгида хулқнинг тўғри эканини англаш қандай шаклланишини тушиниш муҳимдир. Ҳатто Аристотель даврида ҳам ҳар қандай қадрият муҳокама мавзуси бўлиши мумкинлигини билишган: нима муҳимроқ ва аҳамиятли эканлигини аниқлаш, эркаклар ва аёллар, ёшлар ва кексалар учун нима қадрли эканлигини аниқлайдиган маълум бир миқёсни яратиш ва ўзгартириш мумкин; аммо қадриятлар ҳақидаги ғоялар марказида ҳар доим фазилат тушунчаси ётади, уни ўлчаб бўлмайди, лекин у инсон қалбида, ўз ботинимизда қолади (5.3.4. - *чизмага қаранг*).

Инсонлар эзгу фазилатларга мувофиқ ҳаёт кечиради, мавжуд бўлади, ҳаракат қилади, қувонади, қайғуради. Чинакам жиддий мақсадларга фақат — диққатини жамлаб ўзини ишга бағишлай ола-

диган, чалғитувчи ҳамма нарсадан воз кечиб, вақт ва кучни беҳуда сарфламайдиган киши эришади. Олий фазилатлар умиди асосидагина инсон бутун вужуди билан ишга шўнғиши мумкин.

Фазилатлар умрбод давом этадиган танлов шароитида тарози паллаларини ҳаракатга келтиради. Эр-хотин, дўстлар ва ҳамкасбларни танлашда фазилатлар муҳим рол ўйнайди.

Ҳар қандай соҳадаги билим ва кўникмаларни маълум вақт ичида ўзлаштириш мумкин. Фазилатли инсон нима қилиш керагу нимадан қочиш лозимлигини, шунингдек, қандай эришиш, яратиш, ихтиро қилиш кераклигини тезда тушунади. Агар инсон қалбан чўчқасифат, ёвуз, бевафо, айёр, ёлғончи, ўғри ва фирибгар бўлса, унинг ҳар қандай лавозимга сайланиши хато бўлади. Бундай кишиларнинг шаклланиши ахлоқсиз тарбия оқибатидан бошқа нарса эмас.

Ҳамкасбларни танлашда ҳал қилувчи ролни малака эмас, балки шахсий фазилатлар, ундан келиб чиқадиган ориентация, мотивация, аффилиация, улар билан биргаликдаги интуиция, ҳақиқий муносабатлар ва мулоқот, ишонч ва ҳурмат белгилаб беради (9.3.-*бандга қаранг*). Квалификация муҳим, лекин у иккинчи даражали, шахсий фазилатлар бирламчи, яъни жамиятда ва маданиятда шаклланган барча яхши ва тўғри нарсаларни сақлаб қолишга интилиш, шу билан бирга ахлоқсиз бўлган барча нарсаларга ишончли қаршилик кўрсатиш талабларига риоя қилиш асосий масаладир.

Ватандош, ватандошлар орасида шаклланади. Айнан шундай ҳоллардагина: "Ҳаётнинг ўзи ўргатади", дейиш тўғри бўлади.

Шахсий намуна сўздан кўра кучлироқ таъсирга эга; қўрқоқ гапдонлар эмас, ўз Ватанига муҳаббат ва ғурур туйғуси билан тўлиб-тошган инсонлар таъсир кучига эга. Соф *[қоришиқ эмас!]* миллий элитани бунга мисол сифатида келтириш мумкин.

ЎЗ ВА ЎЗГАЛАР ҲАЁТИНИНГ СИФАТИ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

Инсон ҳаётини қандай ташкил қилиши бир масала, инсоннинг ўзгалар учун яратган шарт-шароилари эса бошқа бир масала. У атрофидагиларнинг ҳисобидан *[зараркунандалик билан]* яшашга ҳаракат қиладими, унинг атрофидагилар ўзини бахтсиз, имкониятлардан маҳрум, бурчакка тиқилган ва алданган ҳис қилмайдими. Сахий, очиқ, самимий, ишончга лойиқ инсонларга ҳаётнинг ўзи кўмакчи бўлади. Яна такрорлаш керакки, ҳалол ва адолатли инсон бахтсизлар қуршовида бахтли бўлолмайди.

Давлатга хиёнат қилиш деганда нимани тушуниш керак?

• Давлатга хиёнат — бу давлат ва халқнинг келажагига зарар етказувчи ҳар қандай қасддан қилинган фаолиятдир.

• Давлат хоинлари — табиат, маданият ва она тилига, шунингдек, давлат мустақиллигига, [*ҳокимият мувозанатига*] бевосита зарар етказган ёки етишига қайсидир йўсинда йўл қўйиб берган шахслардир.

•Давлатга тузатиб бўлмас зарар етказиши мумкин бўлган фаолият билан шуғулланувчи ҳар бир шахс мамлакат зараркунандасидир.

Шундай бир тўхтамга келиш керакки, инсонлар билимини ошириш баробарида, умумий манфаатлар билан ҳисоблашишни, алоҳида шахс ёки ташкилот яккаликда эриша олмайдиган жиддий мақсадларга етиш йўлида бирлашишга қодир профессионалларни ишга жалб эта оладиган генералист бўлиб шаклланишни юрагига тугсин. Жамоат ва умуммиллий манфаатларга хизмат қиладиган, фаолияти эса тўғри ва қайта алоқанинг мавжудлиги, унга зарурий тузатишлар кирита олиши билан характерланадиган миллий элитага (1.8.1. - *бандга қаранг*) мансуб генералистлар туфайли ҳаёт ва жамият ривожланади.

ҲАЁТ ЎЗГАРУВЧАНДИР

Ҳаёт ўзгармокда. Инсонларнинг тасаввурлари, муҳити, имкониятлари ва хавф-хатарлари ҳам ўзгаради. Типирчилаш — мақсадсиз безовталик улкан ақл белгиси эмас.

Режалар ва прогнозлар муҳим, аммо янги ғоя, йўналиш муждаларини пайқашга тайёр бўлиш янада муҳим. Уларга кўра, курсни ҳам ўзгартириш керак (чинакамига, номига эмас). Ҳаёт доимо ўзгариб туради, мазкур ҳақиқат билан ҳисоблашиш лозим, аммо бу ҳаётни мақсадлар ва танланган йўналишга мувофиқ режалаштирмаслик керак дегани эмас. Курсни (мақсадга мувофиқ йўналишни) танлаш мақсадни белгилашдан ҳам муҳимроқдир.

Мақсадларни шакллантиришдан олдин йўналишларни аниқлаб олинг!

Ватандош — ўз ва ўзгалар ҳаёти сифатини баҳолай олса, шунингдек, ҳаёт омилларини адекват тушунса, унинг умрини маъноли деб ҳисоблаш мумкин.

2.2. ИЖТИМОИЙЛАШУВ

Ижтимоийлашув [*социализация*] — бу муайян маданият, жамиятда яшаб қолиш жараёни, стереотиплар тизимини ўзлаштиришдир. Болалар, шунингдек, иммигрантлар ҳам ижтимоийлашади. Ҳар қандай муҳожирнинг энг катта муаммоси — бу ўзга маданият, жамият контекстида ижтимоийлашишидир. Янги тилни ўрганиш — шу мамлакат ва халқнинг кайфиятини ҳис қилиш, унинг туб жавҳарлари, ички маъноларини билишдан кўра анча осон кечади.

• Адаптация — бу жисмоний мослашувдир.

• Социализация — бу ижтимоий мослашувдир.

• Интеграция — бу олдинги маданий алоқаларини сақлаб қолган ҳолда янги маданий жараёнларга кириб боришдир.

• Ассимиляция — бу олдинги маданий алоқаларни рад этган ҳолда янги маданий жараёнларга кириб бориш ва янгича урф-одатлар, маросимлар, анъаналарни қабул қилишдир.

Болалар — уйда, дўконда, боғчада, спорт залларию театр каби жамоат жойларида ўзгалар хулқини кузатадилар ва атрофдагилар ҳаракатида нима оқилонаю нима меъёр, нима маззаматга ва яна нима олқишга сазоворлигини имкониятлари даражасида эслаб қоладилар.

Турли вазият, шароит ва ҳолатлар инсонда аста-секинлик билан хулқ-атвор қоидалари ҳақида стереотип ёки тасаввурларни пайдо қилади. Босқичма-босқич, инсон айни дамда қандай вазиятда эканини тушуна бошлайди — танлов ёки имконсизлик, муаммоли ёки абсурд, ҳақиқий ёки ўйин, зиддиятли ёки дўстона, экстремал ёки сокин, стабил ёки лабил вазиятда эканини англашга киришади (3.2. — *бандга қаранг*).

Агар инсон қаерга келиб қолганини, айни дамда ва яқин келажакда қандай қоидаларга риоя қилиш кераклигини англамаса, шу халқнинг тилини биладими ёки йўқ, у мулоқотга киришиш имкониятини йўқотади.

• Она тили ёхуд чет тилларидан ташқари ҳам мулоқот тиллари мавжуд.

• Барча турдаги символ ва белгилар тизими — тана тили, йўл белгилари, компьютер кодлари кабиларни ҳам мулоқот тили деб ҳисоблаш мумкин.

• Мулоқот самарадорлиги ва суҳбатдошлар бир-бирини тушуна олишига барча “тиллар” таъсир кўрсатади.

Агар стереотиплар тизими мавҳум бўлиб қолса, социализация имконсиздир, ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар бир-бирига ёпишмайди, чунки инсон атрофида нима содир бўлаётганини шунчаки тушунмайди. У нима учун қадр топганини ёки дакки эшитганини, қайси вазиятларда ҳамкорлик қилиш имконияти борлигини, қандай шароитларда масофа сақлаш кераклигини билмайди (гарчи бу ҳақда оммавий айтилмаса-да).

Асослантирилмаган сабаблар таъсирида хўжайин бўлган инсон, стереотиплар тизими шаклланмагани сабабли, мутахассислар ва шериклари билан хулқ-атворини қандай мослаштиришни билмайди, ўзини (асосли равишда) ишончсиз ҳис қилади, чунки у, аслида, ҳеч қандай авторитетга эга эмас эди.

Стереотиплар эрта болаликдаги биринчи тажрибалар асосида шакллана бошлайди. Муҳими, болаларга нима гапирилаётгани эмас, балки улар нимага гувоҳ бўлиб, нимани ҳис қилишларидадир. Болалар ҳамма нарсани жуда

диққат билан кузатиб борадилар, ҳамма нарсани аниқлик билан эслайдилар ва бирга-бир тақлид қиладилар. Инсон ёши улғайган сари, тўплаган тажриба тўрваси шунчалик катта бўладики у ҳодиса ва жараёнларнинг тубини шу қадар тиниқ кўриб, ҳодисаларнинг сабаб ва оқибатларини англай бошлайди, яъни ҳаётни яхшироқ тушунади.

ЖАМИЯТДА ҲАЁТИЙ ҚУВВАТ ҲАМДА ВАҚТ

Юқорида биз вақт ва индивидуал дақиқа ҳақида гапирган эдик, лекин оила ва жамоа дақиқаси, ташкилот ва жамият дақиқасига ҳам эътибор бериш муҳимдир. Уларда ҳам ҳодисалараро вақт оралиғи мавжуд.

Барчага таниш бўлган яшаш ҳуқуқи нафақат биологик, балки ижтимоий маънода ҳам мавжуд.



2.2.1. - чизма. Инсон ва улғайиш муҳити

2.2.2. — чизма. Тарбия функцияси

Ҳаётнинг ҳар қандай талқини, умр қачон бошланиб, қачон тугашини тушуниш билан маънога эга бўлади. Жисмоний маънода ҳаёт уруғланиш билан бошланиб, ўлим билан тугайди. Бу вақт давомида ҳаётга таҳдидли аралашишнинг ҳар қандай тури жиноят ҳисобланади. Жамиятда бундай талабчанликка эришиш учун ватандошлар ҳали ҳам ўз устиларида қаттиқ ишлашлари керак.

Ҳаётийлик қуввати нафақат индивидда, балки жамият, миллат ва оилада ҳам мавжуд. Миллатнинг ҳаётий қувватини йўқ қилиш геноцид дейилади. Ҳаётийлик қувватини сақлаб қолиш учун унинг нимага боғланганини билиш, шунингдек, мазкур қувват омилларини озиқлантирадиган пухта ва тизимли дастур яратиш керак. Ҳаётийлик қувватининг битта факторига ёпишиб олиш тамоман пропагандистик аҳамиятига эга.

NB! *Ўз-ўзига ташлаб қўйилган ҳар қандай тизим сўнади. Ҳаётни сақлаб қолиш учун мақсадли ва изчил ҳаракатланиш, ўзни, оилани, жамоани ва жамиятни — ҳаётга боғлиқ ҳамма нарсани ҳимоя қилиш керак.*

КЕЛАЖАККА УЗЛУКСИЗ ТАЙЁРГАРЛИК

Кўпгина халқларда: "Ўтмишини унутган халқнинг — келажаги йўқ" мазмунида янграйдиган ҳикмат бор. Инсон воқеъликни англаши, ўтмишни билиши, шу билан бирга келажакка ҳам назар ташлай олиши зарур. Табиатни ифлос ва исроф қилиб [*зўриқтириб*], келажак ҳисобидан яшаб қолишга уриниш ахлоқсизликдир. Ҳаёт муҳити аждодлардан қандай мерос қолган бўлса, келажак авлодга ҳам камида шундай топширишимиз лозим (3.0. — *бандга қаранг*).

Биз олдиндан кўриш мумкин бўлган ёки аниқ биладиган, шу билан бирга башорат қилишнинг иложи бўлмаган воқеалар ривожига доимий равишда тайёргарлик кўриб боришимиз зарур. Афсуски, дунё шундай яратилганки, сиз қандай тайёргарлик кўришингиздан қатъи назар, кўп нарсалар барибир кутилмаганда содир бўлади.

Келажакда инсониятнинг эҳтиёж ва манфаатлари бутунлай янгича кўриниш ҳосил қилиши баробарида, хавф-хатарлар ҳам ўзгача шаклланиши мумкин. Ахборотлашган жамиятда ишончли фактлар билан бир қаторда мақсадли ёлғонлар

ва инфошовқин ҳам тарқатилади. Шунинг учун маълумотларнинг тизимли ва ишончлилигини аниқлашда айниқса эҳтиёткор бўлиш даркор.

Ақлли ватандош бугуни, шу билан бирга яқин ва узоқ келажаги ҳақида ҳам фикр юритади. Келажак билан шартланган ҳамда истиқболдаги вазиятлар йўриғидаги хулқ-атворни шакллантириш — тайёр туришга *[шайликка]* боғлиқ. Агар ўзингизни ҳимоя қилишга тайёр бўлмасангиз, ҳалок бўлишингиз мумкин. Турмуш қуришга тайёр бўлмасангиз биргаликдаги ҳаёт азобга айланади. Агар меҳнат қилишга тайёр бўлмасангиз ишдан бўйин товлаш эҳтимолингиз катта ва амал-тақал қилиб ишга жойлашсангиз ҳам мажбуриятлар жуда қийин бўлиб туюлаверади.

Яхши ниятлар асосида ҳамкорлик қилишга қодир бўлмаганлар ёлғиз қолади ва рад этилади. Ўта эркалатиб юборилган болаларнинг кўпчилиги четга чиқариб ташланади. Тоқатсизлар жамияти мулоқот қила олмайди. Бундай инсонлар кўпинча ҳафсаласи пир, қайсар бўлади, чунки улар бошқалар иштирокида бирор махсус иш билан шуғуллана олмайди. Ёлғиз ўсган, рад этилган кўпчилик инсонларнинг қалбида тикони бор. Имкони бўлди дегунча, улар бошқалар устидан ҳукмронликни назарда тутадиган позицияни эгаллашга ҳаракат қилишади. Улардан баъзилари ўз хулқларига кўра буйруқ беришга мойил бўладилар. Бошқалари эса қўлга киритилган ҳокимиятини суиистеъмол қила бошлайди.

Ҳамкорликка мойил бўлган лидерлар одатда маълум бир соҳа мутахассисларидир. Улар бир бутунни тўлиқ тушуна олади ва бирга фаолият юритаётганларнинг барчасини қадрлайди, илҳомлантиради ва ҳимоя қилади.

ТАЪЛИМ ОЛИШ ВА УЗЛУКСИЗ ЎРГАНИБ БОРИШ ҲАЁТ УЧУН ЗАРУР

Умумий таълим — узлуксиз ўрганиб боришда иштирок этишга тайёргарликдир. Инсон ўз касбий, махсус ва профессионал тайёргарлигига асосланиб самарали фаолиятини бошлаши мумкин (9.2. — *бандга қаранг*). Мутахассисликни ўргатиш осон, лекин мутахассислик ўз-ўзини амалда татбиқ эта олмайди! Ўз ва ижтимоий назоратнинг (1.4. -*бандга қаранг*) субъекти сифатида шахс фақат ўзини амалда татбиқ этиши мумкин. Ҳаётнинг ҳар бир соҳасида, қарор қилинган нарсани ҳал қилиш ва бажариш керак, эски усулларда давом эттириш мумкин бўлмаган ишлар натижаларини олдин баҳолаш ва ундан кейин тузатишлар киритиш лозим.

Мутахассисликни ўрганиш ёки ўргатиш мумкин, лекин ўзингизни ҳаётга татбиқ этиш учун сизга ҳам профессионал, ҳам касбий тайёргарлик керак бўлади. Акс ҳолда, ҳатто университет битирувчиси ҳам фақат энг юқори даражадаги ёрдамчи ишчи бўлади, холос.

Тафаккур ва ижодкорлик каби соҳалардаги тайёргарлик ҳам ҳаёт учун жуда зарур (9.3. — *бандга қаранг*).

Ривожланиш даражаси, самарадорлик кўрсаткичи, шунингдек, тараққий этишнинг зарурий шарти — бу вақтдан унумли фойдаланишдир. Инсон учун вақт ва макон бир хил қийматга эга бўлиб, фаолият учун унга макон-вақт [*континиуми*] узлуксизлиги, яъни вақт ва макон бирлиги керак. Буларнинг барчаси фақат ёруғлик [*зиё*] — англанган таркибли ва маънога эга бўлган ҳодиса содир бўлса мазмун касб этади.

2.3. ИДЕНТИТЕТ

Жамиятнинг ҳаёт фактори — бу жамият аъзоларининг идентитети (ўзига хослиги), яъни жинси, ёши, миллати, оилавий аҳволи, муносабатлари, Ватанни англаши, дунёқараши ва бошқа кўп нарсаларга асосланган тасаввуротларидир. Деярли барча инсонлар ўзларини бошқа ватандошлар, ягона маданият вакиллари, яъни ўз жамиятининг бошқа аъзоларига қиёсан ўзлигини англайдилар [*идентификация қилади*]. Оилавий идентитет ўз оиласи ва ота-боболарининг камида икки ёки уч авлод тарихини биладиган инсонларда шаклланиши мумкин. Тарих, биринчи навбатда, инсонларнинг ҳаёти ҳақидаги ҳикояларни тақдим қилади, фақат ҳукмдорлар ва ҳукуматлар, урушлар ёки бошқа силкинишларни эмас.

Тарихий илдизларини англамаган инсон шамолга ўхшайди. Аниқ ва равшан миллий, маҳаллий маданий ва оилавий идентитетга эга бўлган инсон аввалари одамлар қандай, нима учун

ва нимага асосланиб яшагани, нимага интилиб, нимага эришганини, аждодлари ер юзида қандай из қолдирганини билади. Бундай инсонлар аждодларининг ҳоки қаерда эканини билишади. Авлодлар давомийлиги жамиятнинг муҳим хусусиятидир. Ҳар бир ватандош уни асраб-авайлаш учун тинимсиз ғамхўрлик қилиши керак.

Авлодлар давомийлиги жамият ҳамда Ватан равнақи учун жуда муҳим, уни юксак қадрлаш керак.

Ролли идентитет ҳақида бироз фикр юритамиз. Олдинги бобда таъкидланганидек (1.5. — *бандга қаранг*), инсон доимо маълум бир ролни ижро этади. Рол доирасида қолиш учун инсон ўзининг, шунингдек, қарама-қарши ролни ҳам билиши керак. Инсон ўзини айнан шу ролни бажараётган бошқаларнинг *[яъни ролдошларнинг]* фонида ҳам, қарама-қарши ролни бажараётганлар фонида ҳам идентификациялаши мумкин.

Идентификациялашнинг *[танилма]* шарти кодлардир — маданий, диний, ижтимоий кодлар. Кодлар ҳақида сўз кетганда, ўзни қандай танишни (масалан, эстониялик [ёки Ўзбекистонлик), турли диний тизимлар қандай шаклланганини ва улар ўртасидаги алоқаларни тушуниш учун маданият тарихини билиш муҳимдир. Абадий алоқалар, коинот, бошқа инсонлар орасидаги ўрнингизни англаш аҳамиятлидир.

• Кодлар — маълум аҳамиятга эга бўлган белгилар ёки символлар тизимидир.

• Маданий кодлар — илдизлари маданиятга бориб тақаладиган белгилар ёки символлар, уларни билиш, бир қарашда оддий кўринган ҳаракат ёки матнларда яширинган ҳодисаларни кўра олишга, шу билан бирга мураккаб матн ёки ҳодисани тушунишга ҳам ёрдам беради.

• Жамоатчилик кодлари — маданий кодлар тушунчаси билан бир хил бўлиб, фақат жамоатчилик кодларини ижтимоий кодлар контекстида англаш талаб этилади.

Инсонлар жамият аъзолари ва маданият намояндаларидир. Барча ҳодиса ва матнлар — ижтимоий, шунингдек, маданий алоқалар нуқтаи назаридан маъно, аҳамият ва таъсирга эга. Бошқаларнинг ҳаракатларини тушуниш, уларга муносабат билдириш ва иштирок этиш — кодларни билишга боғлиқ.

Идентитет тасодифий шаклланиб ёки вужудга келиб қолмайди. Унинг вужудга келиши учун кўп меҳнат қилиш, шу билан бирга танилма дарз кетмаслиги учун унга ғамхўрлик қилиш керак.

Агар инсон ўз танилмасини [*ўз идентификациясини*] англамаса, ўзини бошқалардан четга олади. Инсоннинг ўзи, шунингдек, бошқалар ҳам тоқат қилиши қийин бўлган маргинал ҳолат пайдо бўлади. Маргинал ҳолатда бўлган инсон жуда беқарор [*лабил*] бўлиб, у осонгина бефарқ

[апатик] ёки тажовузкор *[агрессив]* бўлиб қолиши, шунингдек, турли суррогатлар ва номақбул хулқ-атворли нусхаларнинг қурбони бўлиши мумкин (3.3. — *бандга қаранг*).

2.4. САЛОМАТЛИК

Жамиятнинг муҳим хусусияти, ривожланиш даражасининг кўрсаткичи ва фаровонлигининг асосий шарти инсон саломатлигидир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) саломатликни жисмоний, руҳий ва ижтимоий фаровонлик йиғиндиси деб таърифлаганини китобхон аллақачон билади. Яна бир бор таъкидлаймизки: жисмоний, руҳий ва ижтимоий **фаровонлик** ҳақида гапиришимиз мумкин, аммо жисмоний, руҳий ёки ижтимоий **саломатлик** ҳақида сўзлаш бефойда.

Инсонларнинг жисмоний ҳолати профессионалларнинг диққат марказида бўлиб, тиббиёт муассасалари давлат бюджетидан борган сари катта маблағларни олмоқда. Бу жуда асосли, аммо заррача шубҳа йўқки, давлат бюджетидан хусусий (фойда олишга йўналтирилган) муассасалар (шифохона ва ҳоказолар) учун ажратилган маблағлар миқдоридан қатъи назар, мазкур соҳа учун йўналтирилаётган маблағлар камлигича қолаверади *[чунки бу муассасаларнинг асосий мақсади фойда олиш, саломатлик эмас]*.

Агар барча таълим муассасалари "хусусийлаштирилса", таълим соҳасида ҳам худди шун-

дай вазият юзага келган бўларди. Бундай қарашни янада ривожлантириш мумкин. Таълим ва тарбия, тиббиёт ва маданият муассасаларини, бир сўз билан айтганда, бутун ижтимоий инфратузилмани (булар қаторига аҳолига хизмат кўрсатиш, алоқа, транспорт, энергетикани ҳам киритиш мумкин) хусусий секторга ўтказиш мумкин. Бунинг учун, иш билан таъминлаш ва бошқарув сифати инсонларга ўз меҳнати ва бошқа самарали фаолияти учун шундай даромад олиш имконини бериши керакки, асосий эҳтиёжларини қондиргандан сўнг ўз устида ишлаш, болаларни ўқитиш, саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш, ҳордиқ чиқариш, дунёқарашини кенгайтириш учун етарли маблағлари қолсин, шу билан бирга, бироз жамғарма ҳам ҳосил қилсин. Бироқ ҳозирда бу имконсиздир — Эстония маош қопқонига тушиб қолган давлатлардан бири ҳисобланади.

Руҳий ва ижтимоий фаровонликка келсак, бу ердаги вазиятни қониқарли деб аташ қийин. Инсон руҳияти ҳарир тузилишга эга. Психологлар соғлом инсоннинг [*кўпинча улар психикасида муаммоси борларга асосий эътиборини қаратадилар*] психикасини — психик жараёнларини, психик ҳодисаларини ва ҳолатларини тушунишга интилсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Афсуски, уларда инсон, ҳаёт ва яшаш муҳити ҳақида умумий тушунча берадиган тайёргарлик етишмайди.

• Анатомия — соғлом инсоннинг тузилиши, унинг қисмлари ва тизими ҳақидаги фан.

• Физиология — соғлом инсон организми ва унинг қуйи тизимларининг фаолияти, ўзгариши ва ривожланиши ҳақидаги фан.

• Гистология — соғлом инсон танасининг тўқималари ва элементлари ҳақидаги фан.

Психиатрлар психик оғишларни ҳамкасблари учун тушунарли шаклда таърифлашни, ташхис қўйишни ва (асосан, медикаментоз) даволовга буюришни билишади. Касалликнинг сабабларини аниқлаш учун психологлар ҳам, психиатрлар ҳам ижтимоий психология ва социология мавзулари билан танишиб чиқишлари керак. (0.3.5. — *чизмага қаранг*).

• Анатомия, физиология ва гистологияни ўрганиш тиббиёт таълимининг асоси бўлганидек, психология, ижтимоий психология ва социология каби фанлар, ўқитувчилар (инсонлар билан муносабатда бўладиган мутахассислар) учун асос қилиб олиниши керак.

• ақлий ва хулқ-атвордаги оғишлар ҳақидаги, шунингдек, уларнинг мумкин бўлган сабабларини пайқаш қобилиятини шакллантирувчи билимлар ҳар бир инсонга асқатган бўлар эди.

Замонавий информацион жамиятда ҳар бир ватандош инсоний муносабатларда, бир-би-

ри билан мулоқот ва мурожаатга, шунингдек, инсонлар ўртасидаги муносабатларга кўзлов қилиши керак (6.1. — *бандга қаранг*). Албатта, фалсафа ва маданият бўйича қисқа курс ҳажмида ўқитиш, шунингдек, доимий қўшимча машғулотларда иштирок этиш кўпчиликка қўл келган бўлар эди.

Аҳолининг қарийб учдан бир қисми миясида тартибсизлик вужудга келган, мактабда ўқувчи ва ўқитувчилар онгини заҳарлаш кундалик ҳолатга айланган, ёш жиноий тўдалар бутун туманни қўрқувда ушлаб турган, сархуш қилувчи моддалар истеъмоли доимий равишда ошиб бораётган бир шароитда, ниҳоят, соғлиқни сақлаш тизими туб ўзгаришларга муҳтожлигини тушуниш ва ҳисобга олиш керак.

Йўл-йўлакай ён эслатма сифатида стресс ва депрессия симптомларининг қисқача рўйхатини келтириб ўтамиз.

Стресс белгилари:

• ёлғизлик, жамиятга аралашиш ва мулоқот қилишни истамаслик;

• диққатни жамлай олмаслик, чалғиш;

• хотиранинг заифлашиши: энг оддий фактларни эсга келтиришга қийналиш, нарсаларни йўқотиб қўйиш;

• таклифларга жавоб бермаслик, телефон қўнғироқларини эътиборсиз қолдириш;

• ишга кўмилиш;

• уйқусизлик;

• сабрсизлик;

• тўсатдан агрессив хуружларнинг пайдо бўлиши;

• эйфориядан кўз ёшларигача — кайфиятнинг тез ўзгариши;

• муқимсизлик, бошланган ишни охирига етказа олмаслик, диққатни жамлай олмаслик;

• ишга шўнғиш, инсон ўз зиммасига олган мажбуриятни анчадан бери уддалай олмаётган бўлса-да, янада кўпроқ иш юкини олавериши;

• инсоннинг ўзига мажбурий юклама бериши;

• овқат истеъмолига қизиқишнинг йўқолиши;

• сукунатдан қўрқиш пайдо бўлгани учун, инсон ўз атрофида шовқин фонини яратиши;

• асосий эътибор ўз ва ўзгалар ташқи кўринишига қаратилиши;

• ташқи кўриниш энг муҳим нарса сифатида талқин қилиниши.

Стресс ёки депрессияни сезиш учун шифокор бўлиш шарт эмас. Адекват инсон бу оғишларнинг белгиларини билади ва нима бўлганини дарҳол тушунади.

Ҳаддан ташқари зўриқиш содир бўлганда, фаолият приоритетлари ва тузилишини қайта кўриб чиқиш, шунингдек, унинг шакли ва мазмунини ўзгартириш керак. Стрессни ва унга ҳамроҳ бўлган депрессия сабабларини таниб олиш, уларни англаш, шаклга келтириш, маъно бериш, боғлаш ва кейинги ҳаракатлар режасини тузиш керак. Қатъий ишонч ҳосил қилиш керакки,

стресс ҳаётнинг табиий қисми эмас ва ҳеч нарса бизни стрессда яшашга мажбур қила олмайди.

Спиртли ичимликлар ва бошқа суррогатлар ёрдамида стрессни фақат вақтинчалик бартараф этиш мумкин. Эҳтимол, таътил олиб, уни бошқа жойда, турли шароитларда, бошқа инсонлар орасида ўтказиш керакдир.

Монякал (биполяр) депрессия одатий ҳолга айланиб бормоқда. Инфотехнологияларнинг ғалабали юриши муносабати билан инсонга берилаётган юклама камайиш ўрнига ортиб бораётганини тан олишимиз керак. Бойлик ва бахт бир-бирига боғлиқ эмаслиги тобора аён бўлиб бормоқда.

Қобилиятсизликка *[бекомпетентликка]* — сурункали вақт етишмаслиги, ўзаро ишончсизлик, асоссиз буйруқбозлик, қаттиқ назорат ҳамда маслаҳат берилмайдиган ва маслаҳат сўралмайдиган мажлисбозликлар эргашиб юради.

Бевосита муносабатларда юзага келадиган кескинликлар локал хусусиятга эга. Глобал кескинликлар социологиянинг объекти ҳисобланади (3.3. — *бандга қаранг*).

2.5. РУҲИЙ МУВОЗАНАТ ВА КОГНИТИВ ДИССОНАНС ҲАҚИДА

Руҳий мувозанат ҳолати гомеостаз дейилса, идрокдаги номувофиқлик ёки мувозанат йўқотилиш ҳолатини эса — когнитив диссонанс деб аталади[2].

Руҳий мувозанат инсон ва турли жамоалар ҳаётининг муҳим шартидир. Афсуски, инсон руҳияти динамик бўлиб, вақти-вақти билан мувозанатни йўқотади — баъзан камроқ, баъзан эса каттароқ даражада. Баъзи ҳолларда психика бутунлай назоратдан чиқиб кетиши ҳам мумкин. Бунда инсон ўзини ёмон ҳис қилади. Нотўғри ўйланган иш ёки мажбурий фаолият, васвасалар, очкўзлик, заифлик, бепарволик ёки адашиш мувозанатни бузиши мумкин.

• Когнитив диссонанс ҳолатида яшаш қийин.

• Ундан чиқишнинг йўлларидан бири — тан олиш, пушаймонлик изҳор қилиш, кечирим сўраш ва бундай нарса бошқа такрорланмаслигига ваъда беришдир.

• Агар бирор киши кечирим сўраса, уни кечириш керак, акс ҳолда у ёлғон гапиради, сир сақлайди ва ичига қамалиб олади.

• Агар атрофдагиларнинг кечиримига бирон бир умид бўлмаса, инсон янада ёмонроқ бўлиб боради.

2 Когнитив диссонанс масалаларига қизиқувчилар учун Леон Фестингер асарларини ўқишни тавсия қиламиз.

• Кечирим қабул қилинса-да, мувозанат фақат сўзида самимий бўлганларгагина қайтади.

Когнитив диссонанс икки ёки ундан ортиқ билим, ёхуд ҳис-туйғулар тўқнашганда юзага келадиган психик кескинлик сифатида сезилади. Пайдо бўлган дискомфортни енгиллаштириш учун субъект чиқиш йўлини топиши керак. Акс ҳолда, ҳалокатли оқибатларга олиб келадиган ҳодисалар юз бериши мумкин. Диссонанс таъсири — тутумларни, ишончу муносабатларни ўзгартириш ёки воқеликдан қочиш орқали камайтирилиши мумкин. Баъзида эса шунчаки ёлғон гапириш (иштирок этганингизни рад қилиш), билиму тажрибага зид бўлган бирор нарсани айтиш (ўзингиз ва бошқаларни содир бўлган воқеа ҳақиқатга мутлақо мос келмаслигига ишонтириш), содир этилган ҳаракатни оқлаш, бошқаларни айблаш кабилар кифоядай туюлиши мумкин.

Инсон табиатан ўз менлигига зарар етказиши мумкин бўлган одамлар таъсиридан ва суҳбатидан қочади. Инсонлар англанмаган ҳимоя механизмларига эга, агар бирор ҳодиса ёки унинг тавсифи — инсон инонмаси, қарашлари, тутумлари, афсоналарию ясоқларини ўзгартиришга уринса, мазкур ҳимоя механизмлари табиий ҳаракатга келади.

Агар кимдир унинг фикрига кўра нолойиқ бўлган бирор ишни қилишга мажбурланса

ёки васвасага солинса, бу унинг гомеостазини *[руҳий мувозанатини]* бузади. Бундай ҳолда, руҳий хотиржамликни тиклаш учун нимадир қилиш зарур. Мувозанатни бузган хатти-ҳаракат шунчалик салбий бўлиши мумкинки, инсон бу юк билан яшашни давом эттира олмайди, лекин ундан қочиб қутулиб ҳам бўлмайди, шу билан бирга кечирим сўрашга ҳам қодир эмас. Мазкур ҳолат депрессия, тажовузкор хатти-ҳаракатлар, ўзагрессия ва бошқа ақлсизликлар билан бирга кечиши мумкин.

Иккита иллюстрация:

• Сайловга борган (овоз берган) киши, аслида, ҳеч кимни ёки ҳеч нарсани сайлай олмаганини жуда яхши тушунади. Нега бундайлиги алоҳида масала, лекин қисқа тушунтирадиган бўлсак, у партияларнинг моҳияти ва депутатлар, аслида, ким эканлигини билиш имкониятидан маҳрум эди. Улар илгари нима ҳақида гапиргани, нимадир қилгани, ёки маълум ютуққа эришганини ҳеч ким эслолмайди. Аммо бўлар иш бўлди ва қалбда ғашлик қолди. Оғриқни енгиллаштириш учун атрофдагиларга (ва биринчи навбатда ўзингиз учун!) қалбда содир бўлаётганига мутлақо тескари нарсаларни тушунтиришни бошлашингиз керак. Аввало, бу ягона тўғри танлов эди деган инонма сингдирилади ва бошқаларга ҳам шуни тавсия қилиш бошланади. Бундан ташқари, сар-

хуш қилувчи моддалардан унутиш учун фойдаланиш ёки уялишга вақт топа олмаслик учун шунчалик ишга шўнғиш мумкинки, ёруғликни кўрмайдиган даражада қандайдир фаолиятга кўмилиш бошланади. Бироқ содир бўлган воқеа келажакда такрорланмаслиги учун бу ишнинг нолойиқлигини тан олиш, кечирим сўраш ва мамлакатда содир бўлаётган воқеаларни ўрганишни бошлашга ваъда бериш билан нажот топиш мумкин.

• Баъзан инсонлар ҳаётий ривожланишни таъминлайдиган ўзгаришларни исташади — сифат жиҳатидан янги, янада мукаммал ҳолатга ўтиш билан боғлиқ ўзгаришларни мақсад қилишади. Бироқ аксарият ҳолларда инсонларда юқори сифат босқичига кўтарилишга қандайдир ички қаршилик борлигини кўриш мумкин, чунки қулайлик зонасини тарк этган инсон келажакда яшаб қолиши учун алоқа ва боғланишларнинг янги тизимини яратиши керак. Бу узоқ муддатли, бутун бошли синов бўлиб, мазкур синовни ҳамма ҳам енгиб ўта олмайди. “Пушти кўзойнаклар”да яшаш анча осон, чунки кимдир бирор янги нарса таклифи билан чиқса, дарров ҳимоя механизмлари ишлаб кетади ва янгиликлар кўриш майдонидан четга улоқтирилади, қарабсизки ҳеч нарса бўлмагандай юраверамиз, вақт эса ўтаверади...

2.6. ЖАМИЯТНИНГ ҚАТЛАМЛАШУВИ ВА СТРАТИФИКАЦИОН ИНДЕКС

Ижтимоий стратификацион индекс ёки турли ижтимоий қатламларга (стратага) мансублик жамиятни статикада тавсифлайди. Страталарга мансублик бир қатор омиллар билан белгиланади, индексни тузиш жараёнида баҳолаш ва унинг баллари йиғиндисини тегишли шкала бўйича киритилиши талаб этилади.

Стратификацион индексини тузишда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

• Моддий истеъмол ҳажми ва структурасининг бирлиги.

• Номоддий истеъмол ҳажми ва структурасининг бирлиги.

• Информацияга эга бўлиш имконияти.

• Қарорларни шакллантиришда иштирок этиш имконияти.

• Бир жойдан иккинчи жойга ҳаракатланиш имконияти.

• Хавфсизлик, ҳимояланганлик даражаси.

• Турар жой сифати.

• Оммавий ишчанлик муҳитидаги мақоми.

Одатий ҳолатда жамиятнинг стратификацияси Гаусс эгри чизиғига мос бўлса нормал тақсимотга эга ҳисобланади.

Эстония аҳолисининг страталар бўйича структураси ҳозиргача тузиб чиқилмаган. Масала,

қандай қилиб қайта тақсимлаш орқали ҳаммани бир текис камбағал қилишда эмас. Масала шундаки, ҳамма инсонлар ўзларини муносиб намоён эта олиши ва ҳаёт мушкулотларини мустақил енгиш имкониятига эга бўладиган даражага етишини таъминлашдадир. Болалар ва қариялар учун ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлмасликнинг ўзи катта ютуқ, аммо бошқа қатлам инсонлари учун бу етарли эмас — улар маҳсулдор ҳаёт тарзини юритишлари, ўрганишлари, кашфиёт ва меҳнат қилишлари керак.

Қашшоқликни батамом тугатишнинг имкони йўқ. Ҳаёт кўпинча шафқатсиз, аммо иложи борича камбағаллик чизиғида ва қашшоқликда яшовчи инсонлар сонини минимал даражада ушлаб туришга ҳаракат қилиш керак (*3.1.-бандга қаранг*).

Муаммо шундаки, қашшоқлик — қашшоқликни етаклайди, бойлик эса янада кўпроқ бойиш учун олд шартларни вужудга келтиради. Ижтимоий табақаланиш даражасини акс эттирувчи Джинни коеффициентига кўра, Эстония бу масалада Европа Иттифоқининг “пешқадам” давлатларидан бири эканлигида ижобий ва ажабланарли нарса йўқ.

Агар Эстония маданий халқлар сафида қолишни ва муносиб турмуш даражасига эга давлатлар қаторига киришни истаса, страталарга мансублик омилларини аниқлаши, шакллантириши ва оммага ошкор қилиши зарур. Шундан кейин социомаданий тартибга солишни асос сифатида олиб, аҳоли турмуш даражасини ўзгартириш

учун зарур олд шартларни яратиш керак. Нормал стратификацион структурани яратишда таълим ва коммуникация тизими, ижтимоий ҳамда маъмурий назорат катта рол ўйнайди. Шуни яна бир бор таъкидлаш керакки, қашшоқликдан маъмурий методлар билан қутулиб бўлмайди. Бойлар бойиб, камбағаллар эса қашшоқлашиб борадиган тизимни ўзгартириш керак.

Сифатли таълимнинг этишмаслиги туфайли аҳолининг салмоқли қисми қарорларни шакллантириш жараёнида иштирок эта олмайди, шунингдек, ўз ва ўзгалар қарорлари оқибатларини олдиндан кўра олмайди. Қарорларнинг сифати — битирилган таълим муассасалари ёки курслар сонига қараб эмас, балки ахборотлашганлик ва тушунишни исташ, мустақил ўйлаш, самарали ҳамкорликда иштирок этиш, имкониятлар ва хавфларни тан олиш, яқин ва узоқ келажакни башорат қилиш истаги билан белгиланади.

2.7. ФУНКЦИОНАЛ САВОДХОНЛИК

Инсоннинг функционал саводхонлиги ҳаёт қандай тузилганини ва жамият қандай фаолият кўрсатишини тушуниш қобилияти билан белгиланади. Жамиятда ҳар бир тизим ўзига хос хусусиятга эга. Тартибот ва раҳбарликнинг барча даражаларининг ҳам ўзига хосликлари бор (7.2.1. — *чизмага қаранг*). Агар диққат билан қаралса, қарама-қаршилик юзага келган ва муаммонинг ўзи шакллантирилган жойда муаммонинг сабаблари, бошқа омиллари борлигини кўришингиз мумкин. Ҳар бир ватандош молия, алоқа, суғурта, савдо ва транспорт тизими, энергия тизими, сув таъминоти, уй-жой коммунал хўжалиги ва коммуникациялар тизими ҳақида камида умумий тушунчага эга бўлиши керак. Шунингдек, полиция, нотариус ва судда қандай иш юритилиши ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлиш мақсадга мувофиқ. Қандайдир мафкуравий тузилмаларнинг тузоғига тушиб қолмаслик яъни буғдойни сомондан мустақил равишда ажратиш қобилиятига эга бўлиш учун — сиёсат, сиёсатчилар ва албатта, демагогия (12.3. — *бандга қаранг*) ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш керак.

Функционал саводхонлик ватандошлик жамиятини шакллантиришнинг муҳим олд шартидир. Инсон нафақат ахборотли бўлиши керак, балки мавжуд ҳолатни, қандай факторлар нимага таъсир қилишини ва қўллаш мумкин бўлган

чоралар қанчалик самарали эканини тушуниши лозим. Агар тушунча бўлмаса, унда ахборотли бўлиш мумкин эмас, боиси ишлов берилмаган маълумот инсон онгида ўз-ўзидан информация деб ҳисоблаш мумкин бўлган равшанликни вужудга келтирмайди.

БУТУН УМР ТАЪЛИМ ОЛАМИЗ

Инсон саводхонлик асосларини бошланғич мактабда ўзлаштиради, функционал саводхонликни эса ҳаётининг охиригача такомиллаштириб бориши лозим. Дунё борган сари тез ўзгармоқда, демак, биз орқада қолмаслик учун ҳаётнинг ҳар бир дақиқасидан фойдаланишимиз керак. Худди шу нарса бутун жамият учун ҳам тааллуқлидир. Афсуски, бошқа танловимиз йўқ. Мумтоз сўзлар ўз аҳамиятини йўқотмаган: таълим ҳаёт ёки мамот, нажот ёки фалокатдир!

• Таълим жараёнида нафақат болалар, балки бутун аҳоли иштирок этади.

• Таълим ўсмирлик даври билан чекланмайди, у бутун умр давом этади.

• Нафақат таълим муассасалари, балки барча ижтимоий институтлар таълимий аҳамиятга эга.

Мустақил таълим — бу биринчи навбатда, зарур ва яхлит тафаккур конструкцияларини яратишга

қодир бўлган инсонларнинг қўллаб-қувватлови билан ҳаракатга келадиган ўзини-ўзи тарбиялаш тизимидир. Қўшимча машғулотлардан мақсад инсоннинг яқин ва узоқ келажакда синовларига шахсий тайёргарлиги ва бошқаларнинг ҳам тайёр бўлиши учун зарур олдшартларни яратишидир. Мустақил таълим бундай тайёрликни шакллантиришнинг узлуксиз занжири деб қаралётган бўлса, кўнгилни тўқ қилиш мумкин.

Шу жойда она қишлоғим Коҳиладаги аҳволни тасвирлаш учун кичик бир чекиниш қилишга ижозат беринг. Бу ерда бешта болалар боғчаси, иккита мактаб (муниципал гимназия ва хусусий мактаб), шунингдек, мусиқа, рақс, тасвирий санъат, театр, мода дизайни, кулолчилик, тўқимачилик кабиларга қизиқувчи барча ёшдаги инсонлар учун ўқув маркази мавжуд. Маъруза зали ва мунозара клуби ишлаб турибди. Маҳаллий волейбол жамоаси йиллар давомида мамлакатнинг энг яхшилари қаторидан жой олиб келмоқда. “Кохила” стадионида ҳар йили футбол ўйинлари ва енгил атлетика мусобақалари ўтказилади. Айнан бизнинг қишлоқда ихтирочилар ва ҳунармандлар танловининг ғолиблари яшайди. Волост усталари ҳақида маълумотлар акс эттирилган китоб ва улар фаолиятининг низомини тузиш ишлари қизғин давом этмоқда. Унга кўра кексалар волост маъмурияти кўмагида мутахассислар ёрдамидан фойдаланишлари мумкин. Маълум бўлишича, бизда турли касбларни эгаллаган усталар бор. Қишлоқ маъмурияти барча

муҳим масалаларда халқ билан маслаҳатлашади. Ахир буни Эстониянинг ҳамма жойида тадбиқ қилиш мумкин-ку!

Мустақил таълимнинг асосини — мунозараларда, ечим излашда, қарорларни шакллантиришда, ижро этишда, шунингдек, унинг натижаларини баҳолаш жараёнида иштирок этишга бўлган реал эҳтиёж ва имкониятлар ташкил этади.

Инсонда бундай реал имкониятнинг йўқлиги пассивлик ва бефарқликни (*бегоналашув*, 3.3. — *бандга қаранг*) келтириб чиқаради. Бегоналашув ҳолатидаги инсонлар қайғу билан қаергадир бориб, ниманидир тинглашлари ва нимадир қилишлари мумкин, лекин улар бирор нарсани ўрганишлари даргумон, чунки бирор нарсани чуқурроқ ўрганиш учун ҳеч қандай маъно топмайдилар.

Функционал саводхонлик ҳаётнинг барча соҳаларида ва тартибга солишнинг ҳар бир даражасида шаклланади (7.2. — *бандга қаранг*).

ДУНЁҚАРАШ МАСАЛАСИ

Функционал саводхонликни касбийдан кўра кўпроқ ахлоқий ва дунёқарашга оид муаммо дейиш мумкин. Агар халқ бепарво, лоқайд, ўқимаган бўлса, ўзини алдашга йўл қўйса, қаддини тик тутиш учун жасоратию ақл-заковати етишмаса — қулашни тўхтатиб бўлмайди.

Эстония миллий епоси “Калевипоэг”да, манзилга биринчи ва охирги борадиганлар билан нима содир бўлиши кўрсатилади — ўртада қолганлар уйларига эсон-омон қайтишади. Эҳтиёткорлик ҳамиша ҳам қўрқоқлик эмас, бу ақл белгиси бўлиши ҳам мумкин ва буни эсда сақлаш ортиқчалик қилмайди. Ишонч билан айтишимиз мумкинки, бекорчилик ва дангасаликдан нажот кутмаслик лозим.

2.8. ҲАЁТ ВА ТАЪЛИМЛИЛИК

Таълим инсонга адекват бўлишга имкон беради. Ҳар қандай фаолиятда адекватлик муҳим аҳамиятга эга. Адекватлик — бу шахс ва инсонлар жамоасини баҳолаш меъзонидир. Таълимлилик — бу кўпчилик учун бутун умри давомида ҳаракат йўли вазифасини бажарадиган ҳолат ва интилишдир.

Инсон нафақат таълим олиш орқали, балки тарбия ва тажриба бирлиги воситасида камол топади.

“ИЖТИМОИЙ” СЎЗИНИ ТУШУНИШДАГИ ЧАЛКАШЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

“Ижтимоий” ва “иқтисодий” сўзларини бир маънода тушуниш Совет тузуми давридаёқ урф бўлган эди. Ўша даврда “ижтимоий” сўзи фақат

кундалик ҳаётдаги — хонадонлар, болалар боғчалари, мактаблар, спорт иншоотлари, дам олиш масканлари мавжудлигини англатарди. Ўша кезларда ижтимоий кескинлик ёки норозилик ҳақида чурқ этиш ҳам мумкин эмас эди. Бугунги кунда ҳеч қандай тақиқ йўқ, лекин ҳеч ким узоқлашиш, бегоналашув ва абсурд жараёнлари сабаблари ва оқибатларини, шунингдек, танлов, бемаънилик ва мажбурлаш ҳолатларини тадқиқ қилиш ва олдини олиш билан шуғулланмаяпти (*3.2. — бандга қаранг*). Ижтимоий ишлар вазирлиги "ижтимоий" тушунчаси остида ҳаётда қайсидир сабаблар билан ўз муаммоларини ўзи ҳал қила олмайдиган инсонлар — болалар, нафақахўрлар, ногиронлар кабиларнинг муаммосини ҳал қилиш билан боғлиқ масалаларни тушунади.

Ижтимоийлик, руҳият ва психика — номоддий ҳодисалар (феноменлар) бўлиб, улар нафақат ёрдамга муҳтож инсонларга, балки барчага тааллуқлидир. Ижтимоий ёрдам, ижтимоий суғурта, ижтимоий иш ўринлари, ижтимоий уйлар ва ўз-ўзига хизмат кўрсата олмайдиганларни қўллаб-қувватлаш, уларга кўрсатилаётган ёрдам ва ғамхўрлик жамият учун зарурдир. Бироқ бу оддийгина ҳаракат билан ижтимоий кескинлик ва унинг сабабларини ҳисобга олишни четлаб ўтолмайди.

Фақат иқтисодиёт билан шуғулланиб иқтисодий муваффақиятга эришиш мумкин эмас. Иқтисодий муваффақиятга боғланган бар-

ча нарсалар билан шуғулланиш керак. Иқтисодий ва ижтимоий таркибий қисмлар бирлигини қамраш ва ҳисобга олиш лозим. Агар фаолият етарлича тизимли бўлмаса, у фақат таассурот қолдириш учун яроқли бўлади, холос. Натижада, турғунлик ёки пасайиш вужудга келади.

ҚИЙМАТ ЖИПСЛИКДА ШАКЛЛАНАДИ

Таълим — бу шахснинг мустақил қарор қабул қилиш қобилиятининг асосий шартларидан биридир. Билим, кўникма, тажриба, хабардорлик, олдиндан кўра билиш ва таний олиш қобилияти бўлмаса, тўғри қарор қабул қилиш мумкин эмас.

НАРСА / ХОДИСА / ЖАРАЁН ФАОЛИЯТ	ЭСКИ	ЯНГИ
ЭСКИСИ БЎЙИЧА	A	B
ЯНГИСИ БЎЙИЧА	C	D

2.8.1. — чизма. Хатти-ҳаракатларнинг йўналишини аниқлаш модуси

Ҳар бир қарорни схемага асосан А, Б, С ёки Д деб таснифлаш мумкин. Ҳар қандай қарор унинг муаллифи билими, услуби ва малакасини тавсифлайди. Агар асосий энергия эскиликни эски усулда бажаришга (А қарорлар) сарфланса, унда ҳеч нарса яхши томонга ўзгармайди. А қарорлар

ечимларнинг энг примитив даражасини кўрсатади. Янгиликни янги усулда қилиш (Д қарорлар) — бу қийин эришиладиган, ўта узоқни кўра билиш ва профессионалликни талаб этади.

Маълумот ва информацияларни бир-биридан фарқлаш ва боғлай олиш қобилияти бўлмаса, вазият мураккаблашиши мумкин — заиф таълим инсонларга тизимни тушунишга имкон бермайди ёки уларга маълумотлар жуда кам етказилади. Инсонларнинг тажрибаси кам бўлиб, қабул қилган қарорларига нима билан йўлдош бўлишини тушунмаса, худди шундай мураккаб вазият юзага келиши мумкин. Ёки улар яхшини ёмондан фарқлай олмайдилар.

Комиллик муҳитининг асосий масаласи — бу ҳар бир киши ўзи ҳақида ғамхўрлик қилиши ва шу билан бирга атрофдагиларнинг муваффақияти учун зарур шарт-шароитларни яратиши кераклигини тушунишдир. Комиллик муҳитида шахснинг мустақил фикрлаш ва сўзлаш жасоратига эга бўлиши, таҳлил қилиш, қарор бериш ҳамда умумлаштириш қобилиятига эга бўлиши учун шароит яратиш зарур. Таълим бизга бошқа каналлар орқали олиш мушкул бўлган нарсани беради. Шуни эсда тутиш керакки, ўқув жараёнида ўзлаштирилган нарса такрорланмаса ва хотирада янгилаб турилмаса унутилиши мумкин. Бироқ энг яхши эсда қоладигани — бу инсоннинг ўзи англаб етганлари, ички ёруғликка сабаб бўлган нарсалардир.

БИЛИШ ВА ТУШУНИШ

Билим — бу таълимнинг натижасидир. (9.1.3. — *чизмага қаранг*). Давлат таълим дастурида ўзлаштирилиши керак бўлган билим юкламаси назарда тутилади. Шундай бўлса-да, таълим дастурида тушуниш масаласи ҳеч қандай тарзда таъминланмаган.

Агар билим саранжом қилинмаса, ундан керакли вақтда фойдаланиб бўлмайди. Тартиб — уйда, иш столида, ҳовлида, гаражда, муносабатларда, ҳаётнинг турли соҳаларида ва албатта, мияда бўлиши керак. Инсон онгини тартибга келтириш миядаги билим миқдорини оширишдан кўра анча мураккаб вазифадир.

Мажозий маънода айтилганда, агар мавжуд майдонга кўчатлар палапартиш экилиб, бегона ўтлар ўсиб ётган бўлса, дала майдонини кенгайтиришдан маъно қолмайди. Билим — табиат, жамият ва маданият контексти билан боғланган ва тизимли бўлиши керак. Тартибни вужудга келтириш ва сақлаш билимнинг ўзига хос тури, тарбиянинг муҳим таркибий қисмидир.

• Инсон билимларининг катта қисмини тасодифий тажриба орқали орттиради.

• Киши билимнинг салмоқли қисмини ўқиш, ижодкорлик ва изланиш билангина олади.

• Машқ-синовлар жараёнида моҳирлик шаклланади.

• Фикр юритиш ва мулоҳаза қилиш жараёнида тушуниш шаклланади.

• Олдиндан кўра билиш ва таниб олиш қобилияти бир неча контекстларда, тартибга солиш ва раҳбарликнинг турли даражаларида содир бўлган воқеаларни мулоҳаза қилиш ҳамда тажриба орқали шаклланади.

Инсон кўпгина алоқалару боғланганликни, хавф-хатар ва имкониятларни ўзи ва ўзгалар тажрибаси орқали очади. Қонун ҳамда қонуниятларга келсак, уларни кашф қилиш, шакллантириш ва ўрганиш керак.

Билиш ва тушуниш керак бўлган учта фундаментал қонун мавжуд: табиат қонунлари, жамият қонунлари ва тафаккур, яъни мантиқ қонунлари. Умум илмий фактлар фундаментал қонунлар ҳисобланади. Бундай қонунлар ҳар бир аниқ ҳолатда билиниши ва тушунилиши керак бўлган қонуниятлар сифатида намоён бўлади. Қонуниятлар контекстдан маъно олади — нуқтаи назарлар ҳолатидан келиб чиқиб маъно ҳам сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин.

• Жамият қонунлари, табиат қонунлари ва тафаккур қонунлари объектив бўлиб, қонуният сифатида намоён бўлади. Уларни билиш ва ҳисоблашиш керак.

• Инсонлар ўрнатган қонунларни билиш ва уларга риоя қилиш лозим.

• Ҳар қандай қарорда объектив қонунлар ва

қонуниятлар, шунингдек, инсонлар ўрнатган юридик нормалар ҳам ҳисобга олиниши керак.

Қонунлар ва қонуниятларни билиш (турли соҳаларда улар турлича намоён бўлади) фақат ҳодиса ва жараёнларнинг туб сабабларига етиб бориш, шунингдек, ушбу билимларни амалиётда қўллаш истаги мавжуд бўлганда амалий қийматга эга.

Илмий нуқтаи назардан, казуал ва функционал (сабабий ва эргашувчи) алоқалар тизими ҳақида сўз кетмоқда.

Инсонлар фақат катта қизиқиш, кучли босим ёки жиддий эҳтиёж бўлсагина бирор нарсани ўзлаштириш ва билимларни қўллаш учун ҳаракат қиладилар. Босим ташқи ва ички бўлиши ва у турли шаклларда юзага чиқиши мумкин — белги беришдан тортиб жисмоний куч ишлатилишигача. Қонун ва қонуниятларни билмаган инсон кўп нарсани билиши ва кўп ишга қодир бўлиши мумкин, лекин муайян ҳодиса ва жараёнларнинг, ҳолатлари ҳамда боғлиқликларнинг юзага келиш сабабларини тушуна олмайди. Натижада, бундай инсонлар ташқи ёрдамисиз мўлжал ола билмайди ва мустақил қарор қабул қила олмайди.

Агар жамият сифатли ва замонавий билимга эга бўлишни истаса, аввало билим нима эканини аниқлаб олиши зарур (9.1.5. — *чизмага қаранг*). Кейин билимнинг бугунги аҳволи қандай ҳолатда эканини ва ҳаётни ташкил этувчи барча соҳаларда керакли билимлар — мутахассис-

лик, касб ва лавозимга монанд шаклланиши учун ўқитиш қандай ташкил этилиши кераклигини кўриб чиқиш лозим.

Аввало билим, кейин — бу билимдан фойдаланиш қобилияти ва ниҳоят — ўзини енгишга мажбур қиладиган истак, жасорат, куч ва ишонч бўлиши зарур. Буларнинг барчаси замирида идеаллар, юксак ғоялар ётади.

Билим моделларига ўхшаб, кўникмалар ва тушуниш моделларини ҳам яратиш керак. Қадрият — бу билим, кўникма ва тушунишнинг бирлигидир.

БИЛИМ, ФИКР, ИНОНИШ...

Билим — бу бевосита ойдинлашув, мантиқий хулосалар, тадқиқот ва эксперт хулосалари натижасида шаклланган, асосан инонмалар, тахмин ёки фараз ўрнини босувчи тафаккурли тузилмадир; ҳар қандай кўриб чиқилаётган объект — шахс ёки инсонлар жамоаси, объект ёхуд уларнинг умумийлиги, ҳодиса ё бўлмаса жараён ёки уларнинг сифатлари, алоқалари ё маъноларига тегишли адекват тавсиф, баҳолаш ё хулосадир.

Тавсиф тадқиқотдан олдин келади. Тадқиқот объекти муаммо бўлиб, тадқиқот орқали муаммонинг казуал ва функционал алоқалар тизими (унинг пайдо бўлиши, мавжудлиги, чуқурлашиши ва кенгайиши) аниқланиши керак. Ҳаққоний фактларни ишончли (пухта) маълумотлар асоси-

да аниқлаш мумкин. Ҳақиқат ҳар доим воқеликка мос келади ва ҳақиқий ҳолат ҳамда ҳаракатнинг сабабларини акс эттиради.

Фикр — бу қисман маълумотга эга инсонлар томонидан тақдим этилган талқин ёхуд қарашдир (Фақат қисман таълим олган, заиф маълумотга эга ва тажрибасиз инсонлар учун ягона фикрнинг ўзи кифоядир). Билимсизлик ҳолатида ёки илмий ҳақиқатларни очиқлаш учун жасорат топилмаганда фикрлар етарли деб ҳисобланади. Аргументлар тақчиллигида, саводсизлик ёки манипулиятив вазиятларда, фикрлар — демогогия дастаги сифатида, шунингдек, фикр эгасининг содиқлигини тасдиқловчи асос ўрнида ишлатиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Фикр раҳбари — эрудицияси, билими, маълумоти, онглилиги, тажрибаси, ижтимоий ва маданий алоқалари, ахлоқий тутумлари ва мавқейига кўра содир бўлаётган ёки юқори эҳтимолга кўра юз бериши мумкин бўлган воқеалар ва уларнинг сабаблари тўғрисида ишончли маълумот манбаи деб ҳисоблаш имконини берадиган инсон ёки инсонлар гуруҳи ҳисобланади.

Инонганлик — имконли нарса ҳақида тасаввур; имконли нарса деб — у ҳақида ҳеч қандай билим бўлмаган, лекин шу билан бирга, атрофдаги инсонларнинг фикрлари, инонмалари ва ўзга ғояларидан қатъи назар имконсиз деб ҳисоблаш учун ҳам ҳеч қандай сабаб топилмаган нарсалардир.

Орзу — бу имкон ва имконсизлик чегарасида жойлашган, яқин ёки узоқ келажакка йўналтирилган, исталган тасаввурдир. Бу хоҳиш шунчалик буюк ва олисдаки, уни сир тутиш ва қачондир, қайсидир йўл билан мазкур тасаввурни рўёбга чиқариш имконини топиш бахтига умид қилиш оқилона ишдир. Орзу, унга интилиш ҳаёт мазмунини ташкил қиладиган идеал бўлиши ҳам мумкин, гарчи дастлаб унга эришиш учун на ресурс ва на шароит мавжуд бўлса-да. Орзу ўз ортида супер вазифани яшираётган бўлиши ҳам мумкин (*2.12. — бандга қаранг*).

Эътиқод — бу бирор нарсанинг тўғри ёки нотўғрилигида қатъий туриш билан боғлиқ чуқур туйғу, бирор ҳодисанинг бошқача эмас, айнан шундай содир бўлганига, бошқаларнинг нима деб ҳисоблашлари, билишлари ёки айтишлари, ёхуд нимага эътиқод қилишларидан қатъи назар иониш. Ишонч — нотўғри факт, фикр, баҳо ва хулоса кабиларни инкор этиш орқали инонишга айланади.

Ишонч — когнитив диссонансни енгиб ўтиш натижасида, шунингдек, ҳақиқатлар маданиятида, яхлит тафаккурий тузилмаларда (диний тизимлар, мафкуравий таълимотлар) вужудга келган ахлоқ таъсирида шаклланиши мумкин.

2.9. СУБЪЕКТ ВА ОБЪЕКТ

Агар инсон субъект, фаол бошланиш (1.4. — *бандга қаранг*) бўлса, унинг фаол диққати йўналтирилган нарса объект ҳисобланади. Жараёнлар объект бўлган вазиятда ва аниқ натижаларга эришиш талаб этилганда раҳбарлик керак бўлади. Агар эътибор марказида инсонлар бўлса ва асосий мақсад тартиб ўрнатиш, интизомни таъминлашга қаратилса, бошқарув зарур.

Раҳбарлик ва бошқарув билан шуғулланаётганда, биринчи навбатда, асос солувчи жараёнларни (2.12. — *бандга қаранг*), яъни у ёки бу тузилма қандай вазифа учун яратилганини аниқлаб олиш керак. Масалан, мактабда асосий жараён фақат ўқитиш эмас, балки болани ривожлантиришга қаратилган таълим-тарбия ва тажрибанинг симбиози бўлиши керак. Асосий жараёнга тўсқинлик қиладиган ёки қийинлаштирадиган ҳар қандай ёрдамчи, параллел, қўшимча ёки мажбурий жараёнларга вақт ҳам, жой ҳам бўлмаслиги керак.

Раҳбарликнинг объекти (2.9.1. — *чизмага қаранг*) — жараён ҳисобланади; шунингдек, бунда раҳбарлик ва ижронинг бирлиги ҳам талаб этилади. Раҳбарликнинг олд шарти — бу ижро, ижронинг олд шарти эса — раҳбарликдир. Ижросиз раҳбарлик, раҳбарликсиз ижро каби бемаънидир.

Бошқарувнинг объекти — инсон ҳисобланади; бунда, бошқарув ва бўйсунишнинг бирлиги

зарур. Бу қоида хоҳ ўзини-ўзи бошқаришга қаратилган, хоҳ ўзгани бошқаришга йўналтирилган бўлсин, давлат ва халқ бошқаруви учун умумийдир. Тартибга бошқариш ва бўйсунув орқали эришилиши керак. Тартибга зўравонлик ва мажбурлаш йўли билан эмас, балки тушуниш, иродавий ҳаракатлар ва ҳурмат орқали эришилиши зарур (бу таъкид ҳар қандай даражада адолатли — биз ўз миямиз, иш жойимиз, корхонамиз ёки ҳукуматимиздаги тартиб ҳақида фикр юритаётган бўлсак-да).



2.9.1-РАСМ. Субъект диққатидаги объектлар.

2.9.1. — чизма. Субъектнинг диққати йўналтирилган объектлар

Фикрлар, ишлар, хулқ-атвор ва принциплардаги тартибсизлик қашшоқликнинг сабабларидан биридир. Тартиб — бошқарув ва бўйсунувнинг функциясидир (объектив ўзаро боғлиқлик). Жараёнлар хулқ-атвори тартибга бўйсундирил-

ган инсонлар томонидан амалга оширилади. Инсон (ва жамият) бу инструкцияга мувофиқ қайта ишланиши, рандаланиши ёки бир жойдан бошқасига кўчирилиши мумкин бўлган ёғоч бўлаги каби предмет эмас. Инсон — бу тирик мавжудот бўлиб, унинг хулқ-атвори стохастика (эҳтимолий) сифатида тавсифланиши мумкин. Бошқарув соҳасида психология, ижтимоий психология, социология, психиатрия билимлари, шунингдек, ушбу фанлар билан ҳисоблашишга бўлган ирода муҳим аҳамиятга эга.

Хўжалик юритишнинг объекти — моддий қадриятлар бўлиб, бунда хўжалик юритиш ва хизмат кўрсатишнинг бирлиги зарур. Хўжалик юритишдан мақсад — оқилона фойдаланиш, хизмат кўрсатишдан мақсади эса соз ҳолда сақлашдир. Хизмат кўрсатиш билан таъминланмаган хўжалик юритишдан маъно йўқ, хўжалик юритувсиз хизмат кўрсатиш имконсиздир. Моддий бойликлар ва уларнинг созлиги жараён натижаларига эришишга ёрдам беради.

Эгалик объекти номоддий қадриятлардир. Бунда эгалик ва фойдаланишнинг бирлиги зарур. Юриспруденцияда эгалик қилиш, мулк сифатида — ҳуқуқларга эгалик, шунингдек, патент ва товар белгиси маъноларида қўлланилади. Психология, ижтимоий психология ва социологияда эгалик интеллектуал ҳолат — тилларга, билимларга, автомашинага интеллектуал эга бўлиш (масалан, пойгачи бутун борлиғи ва танаси билан автомобилга эгалик қилади — у кўради, эшитади, тебра-

ниш ва тўхтаб туришни ҳис қилади). Тилга эгалик қилиш бошқа, унда сўзлаш, яъни тил имкониятларидан фойдаланиш бошқа нарса. Билимни тизимли равишда олиш керак. Амалиёт шуни кўрсатадики, билимсиз ҳам раҳбарлик қилиш мумкин, аммо бу ҳолда хато ва муваффақиятсизликка учрашнинг эҳтимоли катта, бу эса кўпинча исталмаган ва умидсиз натижаларга олиб келади.

Алоқаларни шакллантириш объекти тизим ҳисобланади; бунда алоқалар ва ҳамкорликни шакллантиришнинг бирлиги зарур. Жамиятда мавжуд бўлган, ўзини-ўзи тартибга солувчи ҳамда тартибга солинувчи тизимлар ҳақида гап кетмоқда. Алоқаларни, ҳамкорлик шаклланишини таъминлаш кўпчилик раҳбарларнинг асосий вазифаси (ижодкорлиги) ҳисобланади. Улар турли тизимларни бирлаштириши керак, шунда уларнинг ўзаро таъсири индивидуал компонентликка қараганда кўпроқ потенциал яратиши мумкин.

Қўшиб олишнинг (қўлга киритиш) объекти ресурслардир; бунда қўшиб олиш ва фойдаланиш бирлиги зарур. Масалан, фойдали қазилмалар, ҳудудлар, бозорлар. Шароит яратилса, ресурслардан фойдаланиш мумкин. Ресурслар ва улардан фойдаланиш жараёнларнинг ҳаракатга келиши ҳамда натижаларга эришиш учун зарурдир.

Ўлчов объекти – миқдорий хусусиятлар ҳисобланади (узунлик, кенглик, оғирлик, чуқурлик ва бошқалар).

Баҳолаш объекти – тизимлар ва уларнинг сифат кўрсаткичлари (ранг, сифат, тезлик, аниқлик, янгилик ва бошқалар).

Ҳисоб объекти — бирликлар ҳисобланади (респондентлар, ходимлар, хатолар сони).

Тадқиқот объекти — муаммолар, яъни мавжуд ва исталган ҳолат ўртасидаги англанган қарама-қаршиликлар ҳисобланади (0.3. — *бандга қаранг*). Воқеъликни тасвирлаш, муаммони эса фақат тадқиқ қилиш мумкин. Ҳар бир муаммо тартибга солиш ва раҳбарликнинг барча даражаларида ўзига хос таркибга, аҳамиятга ва таъсирга эга. Муайян даражада, маълум бир маданиятга мос бўлган нарса бошқа даражаларда ва ўзга маданиятларга мос келмаслиги мумкин.

Тавсиф объекти — предметлар, ҳодисалар, жараёнлар ёки уларнинг йиғиндисидир. Қониқарли тавсиф учун етарли миқдордаги нуқтаи назарларни топиш керак. Тавсиф тадқиқотдан олдин келиши мумкин, аммо бу тадқиқот эмас. Масалан, сўров давомида тўпланган маълумотларга асосланиб, респондентлар структурасини аниқлаш мумкин, аммо сўров предмети ҳақида ҳеч нарса билиш мумкин эмас. Сўровнома предметини билиш учун сўров экспертлар ўртасида ўтказилган бўлиши керак[3].

Таърифлашнинг машҳур усулларидан бири бу CWOT таҳлили бўлиб, у ривожланиш даражаси паст бўлган давлатлар ва халқларни фаоллаштириш (тетиклаштириш ва уйғотиш) учун БМТнинг қўллаб-қувватлаш дастури сифатида яратилган. CWOT таҳлил методи таклифларни тақдим этиш ва маълумотларни йиғиш учун мос келмайди.

[3] Агар қизиқсангиз, Делъфи эксперт баҳолаш усули билан танишиб чиқишингизни тавсия қиламиз.

Ўқишнинг объекти — ёзма, оғзаки, видео ёки аудио форматдаги матнлар ҳисобланади.

2.10. МАҚСАД ВА ЙЎНАЛИШГА МУВОФИҚ ФАОЛИЯТ

Эътибор қаратилиши лозим бўлган барча объектлар учун аниқ йўналиш ва мақсадга эга бўлган фаолият зарур Масалан, тарбия жараёни танланган курсга, ўқув жараёни эса мақсадга мувофиқ амалга оширилади. Жамиятда (шунингдек, ишлаб чиқаришда ва ҳаётнинг бошқа барча соҳаларида) фаолиятнинг муҳим қисми маълум бир курсга амал қилади, фаолиятнинг сезиларли қисми мақсадга йўналтирилган.

ТАНЛАНГАН ЙЎНАЛИШДА МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИЛАДИ

Курс ва мақсадни бир-биридан фарқлаш (чалкаштирмаслик), шу билан бирга уларни биргаликда кўриб чиқа олиш (боғлай олиш) зарур. Нимагадир нисбатан бир-биридан аниқ фарқланган нарсаларнигина боғлаш мумкин.

- **Курс — бу қатъийлик билан тутилиши керак бўлган рационал йўналишдир.**
- **Мақсад — келажак учун қайд этилган ҳолат ёки вазият бўлиб, унга субъектнинг иродавий фаолияти ёрдамида маълум бир санага қадар эришиш керак.**

• Мақсадга эришиш учун субъектга [*мақсад эгасига*] ресурс керак. Акс ҳолда, фикр фақат орзу ҳақида кетаётган бўлади.

Курсга риоя қилиш ва мақсадларга эришиш учун субъект зарур воситаларга (барча зарур ресурслар ва улардан фойдаланиш учун шарт-шароитларга) эга бўлиши керак. Бирор нарса фақат мақсад ва курсга нисбатан восита вазифасини ўташи мумкин. Мақсадларга эришиш учун бошқарув объектига айланадиган тегишли жараёнларни ҳаракатга келтириш керак. Бошқарув даражаси қанчалик сифатли бўлса, бошқарувчининг оператив аралашувисиз ҳам жараёнлар ўзини-ўзи тартибга солади.

САҚЛАБ ҚОЛИШ ЎЗГАРТИРИШДАН КЎРА АҲАМИЯТЛИДИР

Амалий, самарали ва қизғин фаолиятлар фонида, биринчи навбатда, ўзгаришларга дучор этиб бўлмайдиган, аксинча, ҳимоя қилиниши ва мустаҳкамланиши керак бўлган ҳамма нарсани сақлаб қолиш керак. Масалан, корхона учун энг муҳим нарса бу ўз функциясини амалга оширишдир. Ўзгаришлар онгли равишда ва фақат шундай миқдорда амалга оширилиши мумкинки, ривожланиш юзага келсин, лекин функционал фаолият бузилмасин.

Бунинг учун фаолият принциплари тизимини, шунингдек, фаолиятни ҳам, унинг иштирокчиларини, натижаларини, оқибатларини, атроф-муҳитни ва бошқа муҳим омилларни баҳолаш мезонлари тизими яратилиши керак. Алоқалар, шунингдек, тўғри ва қайта алоқа раҳбарлик ва ўзбошқаришнинг зарур олд шартидир (6.2. — *бандга қаранг*).

ҚЎЗҒАЛИШ НУҚТАСИ ВА МАҚСАД ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУР

Мақсадга йўналтирилган ёки маълум бир курс йўриғидаги жараён - бошланғич нуқтани аниқлаш [*фиксация қилиш*], моҳият манзилини топиш ёки экзистенциал маррани тасаввур қилишдан бошланади.

Мақсад бу - тизимдир, аммо мақсадлар сифат жиҳатидан бир биридан жуда катта тафоввут билан фарқланади.

Мақсадлар айрим ҳолларда - эҳтиёткорлик, харажат ёки тежамкорлик каби элементар кўринишда бўлиши ҳам мумкин; Айрим вазиятларда эса фаолият - мақсад сифатида хато кўриб чиқилаётганига гувоҳ бўламиз. Бунда маълум бир тадбир – мақсад, уни ўтказиш эса мақсадга эришиш деб ҳисобланади. Ушбу тадбир натижасида эришилган нарсалар [*инсон капитали*] эса эътибор доирасидан ташқарида қолаверади.

Мақсадни қўйишдан олдин, курсни — мақсадга мувофиқ йўналишни аниқлаштириш мантиқлидир. Тўғри курсни топиш кўпинча мақсадларни белгилашдан кўра қийинроқ ва муҳимроқдир.

Мақсаднинг даражалари ва талқини (2.10.1. — *чизмага қаранг*):

Харжлаш, тежаш ёки бўйин товлаш мақсадга айланса, — бу маънавий ва моддий ҳолдан той-ишга олиб келади.

Агар мақсад (вақт, пул ва бошқа ресурсларни) сарфлаш бўлса, бундай фаолият исрофгарчилик деб аталади. Агар мақсад тежаш бўлса, бундай ҳаракат хасисликка олиб келади.

Агар мақсад бўйин товлаш бўлса, бундай фаолият қўрқув деб аталади. Бу йўл билан масъ-улиятдан қочиш мумкин, деган фикр юради, лекин баъзи лавозимларда қарорлардан қочиш ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам олиб келиши мумкин.

Фаолиятга мақсад сифатида қараш, фаоли-ятни — фаолият учун ташкил этишни англата-ди. Натижа қандай бўлиши муҳим эмас. Мақсад сифатидаги фаолият — жуда паст даражадаги ташкилийлик белгисидир.



2.10.1. — чизма. Мақсад даражалари

Натижага мақсад деб қараш — бу миқдорий, сифат ва даврий (бажариш муддати) параметрларнинг бирлигига эга бўлган аниқ бир фаолиятнинг баҳоланган натижасидир. Агар параметрлардан бири етишмаётган бўлса, натижа ўз қийматини йўқотади.

Жараёнга мақсад деб қараш — бу даврий кетма-кетлик ва мантиқий боғлиқликдаги узлуксиз ҳодисалар занжири бўлиб, бунда ҳар бир олдинги ҳаракат ёки босқичнинг натижаси (“чиқиш”) кейинги босқич ёки босқичлар учун кирим қиймати (“кириш”) сифатида мос бўлиши керак.

• Ҳар бир ҳаракатни бошлашдан олдин, нимани сақлаб қолиш ва ҳимоя қилиш кераклигини, нимани такомиллаштириш ва ўзгартириш мумкинлигини ўйлаб кўриш лозим.

• **Шундан кейингина ҳаракатга киришиш мумкин.**

Ҳолат ҳамда вазиятга мақсад сифатида қараш — бу интилиш керак бўлган мақом ва унга эришиш бўлиб, олдинги даражаларда айтиб ўтилган барча жараёнлар ва ҳаракатларни ўз ичига олади. Қўзғалиш нуқтаси сифатида жорий *[мавжуд]* (А) ҳолатни **Н** ўлчовли фазодаги характеристикалар билан боғлаш, мақсад сифатида эса истакдаги (Б) ҳолатни юқорида назарда тутилган *[кўп ўлчамли]* фазодаги хусусиятлар (ўқувчига маълум бўлган муаммони талқин қилиш, 0.3.3. — *чизма*) билан боғлаш керак.



2.10.2. — чизма. Ҳар бир натижани баҳолашда миқдор, сифат ва муддатларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ

А ҳолатдан Б ҳолатга етакловчи жараёнларни бошлаш учун самарали ҳаракат қилиш керак. Самарали фаолиятнинг шарти — ресурсларни оқилона сарфлаш ва қайғули оқибатларнинг олдини олиш. Ҳар бир ҳаракатни бошлашдан олдин, нимани сақлаб қолиш ва ҳимоя қилиш кераклигини, нимани такомиллаштириш ва ўзгартириш мумкинлигини ўйлаб кўриш керак. Шундан кейингина ҳаракатни бошлаш мумкин.

НИМАГА ЭРИШИШ ВА НИМАДАН ҚОЧИШ КЕРАК?

Натижа — фаолиятдан кўра муҳимроқ дейилади одатда, аммо биз иезуитларнинг — "мақсад — воситани оқлайди" шиори чексиз азоб-уқубатларга олиб келишини таъкидлашни зарур деб ҳисоблаймиз. Биз нафақат эришишимиз керак бўлган мақсадни, балки нимадан узоқда бўлишимиз лозимлигини — яъни бутун жараённи жуда эҳтиёткорлик билан ўйлашимиз керак.

Шарафсиз воситалар ёрдамида — шарафли натижаларга эришиш мумкин эмас.

Агар бирор кишига бажарилиши керак бўлган конкрет вазифалар қатъий буюрилган бўлса, ундан натижа талаб қилиш мумкин эмас. Аммо шунчаки қандай натижа талаб қилиниши айтилса, ижрочи қандай ҳаракатлар қилишини ўзи қарор қилиши керак. Агар қобилиятли ходим ҳақида гап кетаётган бўлса, ундан (янги

миқдорий ҳолат, *H* ўлчовли фазо) янги мақомга эришиш талаб қилиш мумкин, оддий ижрочи эса қандай ҳаракат ва жараёнлардан фойдаланишини мустақил равишда ҳал қила олиши зарур. Зотан, мустақил қарорлар қабул қилиш жараёнида — масъулият ҳисси ва фаоллик шаклланганиси сабабли, ижрочига ўзи қарор қилиши учун кўпроқ имконият бериш мақсадга мувофиқ бўлади (11.2. — *бандга қаранг*).

Натижага аниқ фаолият орқали эришилади. Маълум бир мақомга ҳодисалар кетма-кетлигида намоён бўлувчи жараёнлар воситасида эришилади. Мақсадга йўналтирилган жараён — бу мавжуд ҳолатдан истакдаги ҳолатга ўтиш учун амалга оширилган ҳаракатлар занжиридир. Эришилган ҳолат кейинги жараён ёки қарор учун “кириш” сифатида мос бўлиши керак (тўғри алоқага эга тизим).

НАТИЖАЛАР ВА ОҚИБАТЛАР

Натижа — бу биз истаган, башорат қилинган ва эришган нарсадир. У билан бирга, одатда, ёндош натижалар (асосий натижага мос келадиган) ва оқибатлар (асосий натижага мос келмайдиган) ҳам вужудга келади. Ҳар қандай жараёнда оқибатларини минималлаштириш ва компенсациялаш чораларини кўриш керак. Бирор нарсага эришишга интилаётганда, аввало, нима сақланиши кераклигини аниқлаб олиш ва оқибатлари

ҳалокатли эмаслигига, уларни деб уятга қолмаслик ва кимгадир оғриқ етказмасликка ишонч ҳосил қилиш керак.

• Натижа бу — исталган, башорат қилинган ва эришилган нарсадир.

• Қўшимча сифатида, ёндош (эргашувчи) таъсирлар ҳам вужудга келиши мумкин.

• Оқибатлар бу — исталмаган ёндош натижалардир.

• Оқибатлар билан ҳисоблаша олиш керак.

Жараённи — кутилмаларнинг натижага мувофиқлиги билан баҳолаш мумкин. Мезон — бу эришилган натижа кейинги жараёнлар учун “кириш” сифатида мос келишидир. Тўғри алоқа барча жараёнлар ва қарорларнинг калитидир (6.2. —*бандга қаранг*). Агар бу эътиборга олинмаса, унда исрофгарчилик, вайронагарчилик, бошбошдоқлик ва қулаш содир бўлади.

ТАМОЙИЛЛАР ТИЗИМИ ИЖТИМОИЙ КЕЛИШУВ СИФАТИДА

Хатти-ҳаракатлар принциплар тизимига бўйсуниши керак. Принциплар — бу ижтимоий келишув сифатида шакллантирилган (умум қабул қилинган) ва эълон қилинган қоидалардир. Принциплар ҳақида гап кетганда, ўзларининг энг яхши тасаввурларига кўра асраш, ҳимоя

қилиш, ишлаш, имон ва ҳақиқат билан хизмат қилиш учун қўлимиздан келган барча нарсани қилишга қаратилган ваъдалар берилади, қасамёдлар қилинади, қасамлар ичилади. Ҳар қандай мақсадга йўналтирилган фаолиятда қайси тамойиллар ҳамма томонидан қабул қилиниши ва йўл-йўриқ сифатида баҳоланиши, шунингдек, қандай қоидабузарликлар жазо, танбеҳ ёки етказилган зарарни қоплаш ёки ишдан бўшатиш билан бирга келишини аниқлаштириш, шакллантириш, ёзма равишда қайд этиш керак. Принципларнинг бузилиши меҳнат муносабатларини тугатиш учун етарли сабабдир. Агар принциплар бўлмаса, унда малака ҳам ўз маъносини йўқотади. Принциплар тизими бузилса, институция ҳам функциясини бажара олмайди, тартибсизлик ва таназзул юзага келади.

Принциплар тизими ҳар қандай даражадаги (инсон, оила, корхона, давлат, ўз ўзини бошқариш) фаолият учун ижтимоий шартнома сифатида белгиланиши керак. Масалан, болалар тарбиясида қуйидаги тамойиллар амал қилади: поклик, изчиллик, аниқлик, хавфсизлик, ҳалоллик, тартиб, субъект-субъект муносабатлари. Агар принциплар бўйича келишув бўлмаса ёки кимдир уларни инкор этса, ҳамкорликдан яхшилик кутиб бўлмайди.

КЕЛАЖАК ПРОГНОЗЛАРИ ВА СЦЕНАРИЛАРИ

Фаолият башорат қилинган бўлсагина ўз йўналиши ва мақсадига эга бўлиши мумкин. Прогнозларга асосланиб ривожланиши мумкин бўлган сценарий вариантлари тузилади.

Одатда, оптимистик, нейтрал ва пессимистик (пушти, яшил ва қора) сценарийлар тузилади. Пушти сценарийга кўра, ишлар ҳозиргидан анча яхши бўлади. (агар ҳамма нарса яхши бўлса, нима қилиш керак?) Қора сценарийга кўра, вазият сезиларли даражада ёмонлашади. (даҳшатли ҳодисалар юз берса нима қилиш керак?) Яшил сценарийга кўра, ҳамма нарса тахминан ҳозиргидек давом этади (11.3. — *бандга қаранг*).

УСТУВОРЛИКЛАР ВА МАТРИЦАЛИ АНАЛИЗ

Агар сиз биринчи, иккинчи, учинчисини қилишингиз керак бўлса, лекин буни бирданига эплаш қийинчилик туғдирса, нимадан бошлашни танлашингиз керак? Майиший даражада бошланиш навбати унчалик муҳим эмас, лекин йирик ташкилотларда ва институционал даражада айни вақтда муваффақиятга эришишнинг энг муҳим шарти ёки энг жиддий хавф ёхуд тўсиқ нима эканини аниқ тушуниш керак.

Эътибор энг муҳимига қаратилса, бутун тизим эътибордан четда қолиши хавфи мавжуд.

Яна бир таҳдид, асосий эътибор факторлар тизимига эмас, фақат икки ёки уч омилга қаратилишидадир.

Ҳар қандай соҳада устуворликларни аниқлаш учун матрица усулидан фойдаланиш мумкин (матрица — ўзида жадвалнинг махсус шаклини акс эттиради). Матрицали таҳлил мавзуси раҳбарлик ҳақида фикр кетганда батафсил ёритилади (*11.1. ва 11.1.11. — чизмаларга қаранг*).

ВОСИТА ҲАМ, МАҚСАД ҲАМ МУҲИМЛИКДА БИР ХИЛДИР

Кўпинча мақсад ва воситаларни бир-бири билан чалкаштиришади. Шундай мақсадлар қўйиладики, уларга эришиш учун воситаларни ҳеч қаердан олишнинг имкони йўқ.

NB! *Бирор нарса фақат мақсадга нисбатан восита бўлиши мумкин.*

Аввало муносиб ва амалий мақсадларни шакллантиришга ҳаракат қилиш, кейин эса уларга эришиш учун зарур воситаларни яратиш керак. Муҳитни, улардан фойдаланиш учун мос ресурслар ва шарт-шароитларни, фаолият тамойилларию унинг иштирокчиларини, шунингдек, натижаларию оқибатларини баҳолаш мезонларини режалаштириш лозим. Агар юқорида айтилганларнинг барчаси бажарилмаса, мақсадга эришиш эҳтимоли жуда кам.

Воситалар иқтисодий, маъмурий, ташкилий, ҳуқуқий, маданий, сиёсий ва бошқалар бўлиши

мумкин. Воситанинг мазмуни матрицада реализация қилинади, бу ерда ресурс сифатида элементнинг ўқи бир кўрсаткич, восита сифатидаги элементнинг ўқи эса бошқа бир кўрсаткич сифатида хизмат қилади.

ТАЛҚИН ҚИЛИШ ТИЗИМИ

Етарлича тизимли талқинни сақлаган ҳолда, кўриб чиқишнинг ҳар бир лаҳзасида эътиборингизни (энг муҳими сифатида) нимага қаратиш кераклигини тушуниш осон эмас. Буни амалга оширган киши ўз корхонаси ёки ташкилотининг (оила, жамоа, жамиятнинг) гуллаб-яшнашига эришади, кимнинг қўлидан келмаса, ўз муваффақиятсизлиги учун баҳона излай бошлайди.

Ҳар дақиқада энг муҳимига диққатни жамлаб, тизимли талқин талабларини етарли даражада ёдда тутиш керак.

Кўпинча хато, мақсадлар қўйилган, лекин курс муҳокама қилинмагани билан изоҳланади; ёки мақсадларни белгилашда воситалар ҳақида фикр юритилмайди; ё ресурслар йўқ, ёки ресурслар бўлса-да, улардан фойдаланиш учун етарли шароитлар мавжуд эмас.

NB! *Ҳар бир ресурс бир вақтнинг ўзида бошқа ресурслардан фойдаланиш шарти ҳамдир. Масалан, пул ёки вақт, билим, соғлик кабилар ўзлаштирилган ва сақланган бўлса — улар ре-*

сурслардир. Уларнинг мавжудлиги бошқа ресурслардан фойдаланиш учун шарт саналади.

2.11. ТИЗИМЛИЛИК

Кичкина бола объектни бир томондан кўради ва айнан кўрган манзарасини тасвирлайди. Тез орада у объектнинг яхлитлигини тушуна бошлайди, гарчи у предметни тўлиқ кўрмаса ҳам. Предметнинг нариги томонида, ичида, тепасида ва остида нима борлигини ҳис қилади — миясида бутунлик ҳақидаги тасаввур уйғона бошлайди.

Инсон миясида тизимли тафаккур моделининг шаклланиши мўъжизадир, унга фикр юритиш учун мос шароитларни яратиш орқали эришиш керак.

РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНСИЗДИР — РИВОЖЛАНИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИШ МУМКИН, ХОЛОС

Тизимлар тартибга солинадиган ва ўзини-ўзи тартибга солувчи турларга бўлинади. Уларнинг барчаси ўз функциясини бажаради, ўзгаради, эскиради ва инқирозга учрайди (ва ҳоказо), лекин фақат ўзини-ўзи тартибга солувчи тизимларгина ривожланишга қодир.

Бирортамиз ҳеч қаерда ва ҳеч қачон бирор нарсани “ривожлантира олмаймиз”. Фақатгина ўз функциясини бажариши, ўзгариши ва ривож-

ланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишимиз мумкин.

Мактабда болани “ривожлантириш” имконсиздир. Аммо таълим ва улғайиш муҳитини боланинг ривожланишига ҳисса қўшадиган тарзда ташкил қилиш мумкин. Нафақат мактабда, балки уйда, шунингдек, уй ва мактабдан ташқарида — ҳамма жойда ривожланишга ҳисса қўшиши мумкин бўлган нарсаларни топиш ва асраш, шу билан бирга зарар ва хавфга тўла нарсалардан узоқ туришни ҳам билиш керак.

Бирортамиз ҳеч қайерда ва ҳеч қачон бирор нарсани “ривожлантира” олмаймиз.

Функционал фаолият, ўзгариш ва ривожланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мумкин, холос.

Масалан, турли ёшдаги ўғил-қизларнинг эҳтиёжлари, қизиқишлари, қобилиятлари, кутилмалари, баҳолашлари ҳар хил бўлади. Ривожланишни рағбатлантирадиган ва ўғил болалар учун қайсидир ёшда қизиқарли бўлган фаолият, ўша ёшдаги қизлар учун умуман қизиқ бўлмаслиги мумкин. Қизлар афзал кўрган фаолият ўғил болаларни ўзига тортмайди. Улар фақат БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси дефиницисига кўра бир хил ёшдаги бир хил болалардир, лекин улар ўғил-қизлар, навқирон шахсиятлар ва субъектлардир.

ТИЗИМНИ КЎРИШ ОСОН ЭМАС

Ҳар қандай предмет ва ҳодисаларнинг аҳамиятию салобати — контекстда намоён бўлади. Контекстда биз кўриб чиқадиган кейинги даражадаги тизимлар — метатизимлар дейилса, метатизимлар тизими эса — супертизимлар деб аталади.

Тизимлиликда қўшимча равишда, комплекслиликни ҳам ҳисобга олиш керак — тизимни тизимли ва комплексли кўриб чиқиш учун тизимни қандай очишни билиш керак.

• Тизимлилик: тизим ёки бутун қисмлар, қуйи тизимлар ва элементлардан иборат. Тизимнинг тузилиши, функцияси ва сифатини тушуниш муҳимдир.

• Комплекслик — бу тизимни кўриб чиқишдир, у тизимни барча нуқтаи назардан, шунингдек, диалектик ҳамда триалектик алоқаларда текширишдир.

Қарорларни тайёрлашда, тизимнинг фақат алоҳида элементлари ва қисмларига ёки қуйи тизимларига таъсир қилиш мумкинлигини, шу билан бирга уларнинг таъсири бутун тизимда намоён бўлиши (таъсир қилиши) мумкинлигини ҳар доим ёдда тутиш керак.

Тизимни кўриш учун жиддий ҳаракат қилиш керак. Фақат тизим нима экани ҳақида эмас, балки у қандай шаклланганини, турли сифатдаги тизимлар бир-бири билан қандай боғланганини, тизимнинг

ишлаши, ўзгариши ва ривожланишига ёрдам берадиган ёки тўсқинлик қиладиган ҳолатлар қандай пайдо бўлиши ҳақида ҳам ўйлаш керак.

• Автомобил бошқариладиган тизимдир.

• Инсон танаси ўзини-ўзи тартибга солувчи тизим бўлиб, муайян вазиятларда уни ташқаридан тартибга солиш мумкин. Баъзан бундай тартибга солиш — даволаш, баъзида эса таълим, бадантарбия ёки овқатланиш... деб ҳам аталади.

Тизим қисмлари ўзида механик равишда бўлинадиган фрагментларни намоён қилади. Нимага йўл қўйиб бўлиши ва йўл қўйиб бўлмаслигини тушуниш учун қисмларнинг таъсир механизмларини яхшилаб билиб олиш керак. Мисол учун, агар биз инсон танасини тизим сифатида оладиган бўлсак, унда тирноқларни кесиш мумкин ва керак, аммо бармоқларга келсак, бу асло мумкин бўлмаган ишдир.



2.11.1. — чизма. Метатизимлар тизимидаги тизим

Ўзини-ўзи тартибга солувчи тизимлар [*туғилади*] пайдо бўлади ва ўсади. Инсон қўли билан яратилган ҳамма нарса тартибга солинадиган тизимлардир. Масалан, барча транспорт воситалари тартибга солинадиган тизимлар ҳисобланади. Инсон танаси ўзини-ўзи тартибга солувчи тизимдир.

Раҳбарларнинг компетентлиги улар бошчилик қилаётган ташкилотларининг – ўзини-ўзи бошқариш даражаси, ўз функциясини бажариши ва ташкилотнинг ўзгаришларга тайёрлиги билан намоён бўлади. Ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва жавобгарликнинг ўзаро боғланиши қанчалик яхши бўлса, ҳар бир киши ўзига юкланган вазифаларни бажаришни хоҳлайди ва вақт топади (бу билан бошқа ходимларнинг ўз вазифаларини бажаришлари учун шароит яратади), бу эса келажакни режалаштиришга қаратилган фаолият учун кўпроқ вақт ажратилишига сабаб бўлади.

Тизимлар бошқа тизимларни (метатизимларни) ташкил қилади ва улар ҳам ўз навбатида тизимларни (супертизимларни) ташкил этади. Тизимли талқинда нафақат нуқтаи назарларнинг кўплиги, балки уларни кўриб чиқиш усули ҳам муҳимдир.

2.11.2. — чизма. Айрим триалектик англамалар

ФИКРИЙ МОДЕЛЛАРДА БИРДАМЛИК КАТЕГОРИЯСИ

Маъно моделига бирлик категориясини қўшиш мажбурийдир (7.3. — *чизмага қаранг*). У ёки бу компонент алоҳида аҳамиятга эга эмас — бир вақтнинг ўзида бир нечта компонентларни ҳисобга олиш керак. Бир ёки бошқа модел ҳақида гапиришингиз мумкин, лекин маъно модели сифатида мияда икки ўлчамли (диалектик) ёки уч ўлчовли (триалектик) модел шаклланиши керак.

• Диалектик талқинда икки ўлчамли [*икки зиддиятни жамлаш*], триалектикада эса кўп ўлчамли [*фазовий*] тасаввур ҳақида гап кетади.

• Кўп ўлчамли [*фазовий*] фикр юритиш қобилияти — генералистлик белгисидир.

Фазовий (ҳеч бўлмаганда уч ўлчамли моделлар орқали) фикрлаш — генералистлик белгисидир.

Масалан, учрашувни тайинлаш учун сиз вақт ва жойни келишиб олишингиз зарур. Воқеликда эса инсонлар вақти ва жойи маълум бўлгани учун эмас, балки учрашув мазмуни боис кўришадилар. Шундай қилиб — вақт, макон ва зиё (маъно) бирлиги қадрият ҳисобланади.

Мақсад элементларининг структураси, тизим сифатида —воситалар элементларининг структурасига инвариантдир (тенгдир). Мақсадга йўналтирилган жараённи талқин этиш мақсадлар ва воситалар элементлари матрицаси ёрдамидагина мумкин (*11.1.11. — чизмага қаранг*).

Худди шу тасниф ресурслар ва шарт-шароитлар матрицаси тавсифи учун ҳам мос келади. Аҳамиятли қарорларни тайёрлашда мақсадни тизим сифатида очиб бериш ва унга воситаларни тизим сифатида бириктириш керак. Оддий қилиб айтганда, ресурслар тизимлари ва улардан фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни бирлаштириш керак. Шу тарзда ҳаракат қилиб, аҳамиятли қарорларни қабул қилиш мумкин.

2.12. АСОСИЙ ЖАРАЁН ВА УСТУВОР ВАЗИФА

Аксарият ҳолларда асосий жараён нима эканини (нима бўлиши кераклигини) ва асосий жараённинг силлиқ ўтиши учун қандай ёрдамчи, параллел, қўшимча, мажбурий ва ҳоказо жараёнлар борлигини аниқлаш ва шакллантириш жуда қийин кечади.

Асосий жараён — бу мақсадга эришиш учун яратилган тизимнинг натижадорлигини таъминлашга қаратилган жараёндир. Бизнинг китобимизда келтирилган мисол бунга мос келади: мактабда асосий жараён боланинг ривожланиши бўлиб, бу ривожланишга ҳисса қўшадиган ҳамма нарса мамнуният билан қабул қилинади. Мактабда боланинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган ёки зарар етказадиган омиллар учун вақт ва макон бўлмаслиги керак.

• Инсон ўз борлиғи ва интилишларига мазмун бағишлаш, интеллектуал ва маънавий пок инсонлар даврасига кириш учун ўз олдига устувор вазифани қўя олади.

• Оствазифа бу шундай вазифаки, унинг ечими устувор вазифани амалга ошириш ёки ҳал қилиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлайди.

Ҳар ким ўзига устувор вазифани ўзи қўяди. Устувор вазифа ёрдамида инсон ўз борлиғи ва

фаолиятини маъно билан тўлдиради. Устувор вазифани бажариш йўлида — енгиб бўлмайдиган тўсиқлар йўқ. Одатда, устувор вазифа қалбда олиб юрилади, шу билан бирга қоида тарқасида улар ҳақида гапирилмайди.

3-БОБ: ЯШАШ МУҲИТИ

3-БОБ: ЯШАШ МУҲИТИ

Яшаш муҳити – бу инсонни ўраб турган, у учун аҳамият касб этиб, маъногa эга бўлган ҳамма нарсадир. Табиий муҳит эса – яшаш муҳитининг фақат бир қисмидир холос.

3.0. УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

Яшаш муҳити – бу инсонни ўраб турган, у учун аҳамият касб этган ва маънога эга бўлган ҳамма нарсадир.

Табиий муҳит – яшаш муҳитининг фақат бир қисми, бутун муҳит эмас.

Бир неча сабабларга кўра яшаш муҳитини билиш керак. Биринчидан – инсон ва унинг фаолияти яшаш муҳитга боғлиқ. Иккинчидан – яшаш муҳити инсоннинг ҳар қандай фаолиятига, шунингдек, муносабалари ва тутумларига боғлиқ.

Яшаш муҳитини кўриб чиқиш учун кўплаб нуқтаи назарларни топиш керак.

Яшаш муҳити (3.0.1. – *чизмага қаранг*) учта асосий гуруҳга бўлинади: моддий (предметли), номоддий ва виртуал.



3.0.1. — чизма. Яшаш муҳити структураси

Табиий муҳит — бу ўсимликлар, ҳашаротлар, қушлар, ҳайвонлар, иқлим, ҳаво ва бошқалардан иборат бутун табиатдир.

Шахслар муҳити бир-бири учун яшаш муҳитини яратадиган ва бир-бирининг қуршовида бўладиган инсонлардан иборат.

Сунъий муҳит — бу инсон қўли билан яратилган, ишлаб чиқарилган ёки йўқ қилинган барча нарсалардан иборат предметли дунё.

Маънавий муҳитни қадриятлар, меъёрлар, афсоналар, ясоқлар, фазилатлар, идеаллару юксак ғоялар, тутумлар ҳамда муносабатлар — ахлоқий хулқ-атвор асослари ташкил этади.

Психик муҳит ёки вазият иккита таркибий тузилишга эга — булар объективлаштирилган ва субъективлаштирилган муҳитлардир (3.2. — *бандга қаранг*).

Ижтимоий муҳит инсоний муносабатлар ва уларнинг олд шартлари, натижалари ҳамда оқибатларидан иборат.

Виртуал муҳитда белгилар ва символларнинг маънолантирилган тизимлари жойлашган. Виртуал муҳитни учта кичик турга ажратиш мумкин:

• оғзаки — бевосита шахслараро мулоқот;

• предметли — сопол лавҳалар, йўл белгилари, китоблар, расмлар, пластинкалар ва шу каби бошқа моддий маълумотлар ташувчилар орқали алоқа;

• электрон — ҳар хил турдаги электрон қурилмалар орқали алоқа.

Электрон муҳит туфайли инсонларнинг мулоқот майдони таниб бўлмас даражада ўзгарди. Энди алоқа ҳар доим имконли, бу энди манзилларга боғлиқ эмас.

Яшаш муҳитининг ҳеч бир қисми алоҳида ҳолатда қониқарли алоқани таъминлай олмайди, улардан бирортасининг йўқлиги ўзаро умумий таъсирни фалаж қилиши мумкин.

Табиий муҳит учун — тозалик, хилма-хиллик, ўзини-ўзи қайта тиклай олиш муҳим аҳамият касб этади. Ўйланмаган ёки эътиборсизларча олиб борилган фаолият натижасида табиий муҳит бутунлигича ёки унинг айрим қисмлари ифлосланиши, ҳатто тамоман йўқ қилиниши мумкин. Табиатни ҳимоя қилиб, инсон, аслида, ўзини ҳимоя қилади. Урушлар, ишғоллар, қашшоқлик ва умумий вайронагарчиликларга қарамай аждодларимиздан бизгача етиб келган табиатни келажак авлодлар учун ёмонроқ аҳволда қолдиришимиз мумкин эмас.

Яшаш муҳити муҳофазаси — бу:

- **мақсадга йўналтирилган фаолият объекти;**
- **турмуш маданиятининг кўрсаткичи;**
- **инсоннинг оқилоналик кўрсаткичи;**
- **руҳий бирликнинг намоён бўлиши;**
- **тамойиллар;**
- **ҳаёт тузилмасининг функцияси ва ривожланиш даражасидир.**

Юқоридагилар моддий ва номоддий ҳамда виртуал муҳит учун ҳам амал қилади. Яшаш муҳитини муҳофаза қилиш, яратиш, ҳимоялаш ва ундан фойдаланиш учун билим, кўникма ва тушунча зарур, аммо ахлоқий кредо ва ижтимоий назорат ҳал қилувчи омил бўлиб қолаверади.

Яшаш муҳитини қуйидагича талқин қилиш қониқарли деб ҳисобланиши мумкин: у шахснинг олдиндан кўра билиш, таниб олиш ва мустақил фикрлаш қобилиятини кенгайтириши, шунингдек, яшаш муҳитининг янада мукаммаллиги йўлида қарор қабул қилиш ва уни ижро этишга имкон бериши лизим. Ушбу ечим туфайли яшаш муҳити янада бой, кенг, мусаффо ва ранг-баранг бўлиб, инсонларни бахтли қилади.

Яшаш муҳитини фақат маъмурий чора-тадбирлар ёрдамида ҳимоя қилиш моҳиятан имконсиздир. Фақат инсонлар хоҳлагандагина ва атроф-муҳитни ифлос қилиш (бепарво муносабат) ахлоқсиз ҳаракат сифатида талқин этилса,

қонунбузарлар жамоатчилик томонидан изза қилинса, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва тиклаш мумкин бўлади.

Яшаш муҳити ўзгаради ва уни ўзгартириш мумкин, лекин шу билан бирга бу ўзгаришлар муҳитнинг ўзини-ўзи қайта тиклаш имкониятлари чегарасидан чиқмаслиги керак. Яшаш муҳитини муҳофаза қилиш ўзаро тушуниш ва авлодлар давомийлигини сақлашга ҳам ёрдам беради.

3.1. ЯШАШ МУҲИТИНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК ДОИРАСИДАГИ АҲАМИЯТИ

Инсоннинг бевосита яшаш муҳити бу унинг уйи, қариндошлари, дўстлари ва танишлари, спорт ҳамроҳлари, клуб ҳамкорлари, шунингдек, иш, таълим ва ижодий муҳит кабилардир.

Оилани яшаш муҳити сифатида муҳофаза қилиш учун барча оила аъзолари, ва улар ўртасидаги муносабатлари ва бу муносабатларнинг ўзаро таъсири бир хил даражада муҳимдир. Бошқа ҳар қандай номоддий муҳитдаги ҳаёт ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Ҳамма жойда инсоннинг ўзига хос фаоллигини, масъулият ҳиссини, мустақиллик ва сезгирлигини сақлаб қолиш муҳимдир.

Яшаш муҳити:

• фаолиятнинг зарурий шарти, натижаси ва оқибатидир;

• ресурс, шу билан бирга турли ресурслардан фойдаланишнинг шарти ҳамдир;

• муаммо бўлиши ҳам мумкин;

• курс, мақсад, шунингдек, курсни ушлаб туриш ва қандайдир мақсадларга эришиш воситаси ҳисобланади (ҳисобланиши мумкин);

• раҳбарлик, бошқарув, хўжалик юритув, алоқаларни ўрнатиш ва ўзаро таъсир қилишнинг объекти ва омили ҳисобланади.

Афсуски, узоқлашиш ва бегоналашиш, маргиналлик ва депривация, конформизм ва эскапизм, индолентлик ва лоқайдлик, аномия, роллар зиддияти, зўравонлик ва диссидентлик каби бошқа ҳолатлар жуда кенг тарқалган (3.3. — *бандга қаранг*).

Ҳар бир фаолият ўзига мос бир муҳитга муҳтож. Шунингдек, яшаш муҳити бир бутундир, унинг бирор таркибий қисмга эътибор бермаслик ёки қайсидир қисмини энг муҳим ёхуд қайсисинидир аҳамиятсиз деб ҳисоблаш соғлом ақлдан эмас. Эътиборсиз қолдирилган қисм тез орада компенсацияга муҳтож бўлади, бундай компенсациялар *[тиргаклар]* эса қимматга тушиши, кўп вақт талаб қилиши ёки самарасиз бўлиши мумкин.

Электрон муҳит алоҳида эътибор талаб қилади. Афсуски, бу муҳит инсонларни, айниқса, болаларни салбий томонга ўзгартирди. Смартфонлар ва бошқа электрон қурилмалар уларнинг диққатини жамлашига тўсқинлик қилиб, дои-

мий равишда мессенжер хабарлари билан чалғитиш одатини келтириб чиқаради. Натижада, хулқ-атворда юзакилик шаклланади, чунки маълумотларнинг кучли оқими туфайли, ҳамма нарсадан хабардорман, деган алдамчи туйғу пайдо бўлади. Ўрганишнинг маъноси йўқдек туюлади, чунки интернетда ҳар доим керакли маълумотларни топиш имконияти мавжуддек гўё. Аниқки, барқарор билим бу тарзда шаклланмайди.

• Табиатдан фойдаланаётган инсон, унга зарар етказишга ҳаққи йўқлигини ҳисобга олиши керак.

• Табиатдан фойдаланиш чегараси, унинг ўзини-ўзи тиклай билиш қобилиятини сақлаб қола олиш даражасигачадир.

• Яшаш муҳитига, жамият ва маданиятга, шунингдек, барча тенг фойдаланадиган ҳуқуқларга зарар етказиш мумкин эмаслигини ёдда тутиш керак.

Диплом ва аттестат эгалари орасида дефинициялашга ақли етмайдиган ва чегаралар ўтказа олмайдиганлар, тизимлаштириш ва классификациялашга қурби етмайдиганлар кам эмас — моделлаштириш, анализ, умумлаштириш ва экстраполяция ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Инсонга таълим бериш барча ҳаракатларни ўз ичига олади (*фаолият тизими*, 7.0. — *бандга қаранг*) ва у рационал, руҳий ҳамда эмоционал

бирлик оқимида давом этади. Маълумки, марказида электрон қурилмалардан фойдаланиш бўлган ўқув жараёни бутун таълим ва тарбиялаш тизимини тубдан ўзгартирди. Бу ўзгаришлар қандай натижалару оқибатларга олиб келиши ҳозирча маълум эмас. Электрон қурилмалар кучли ўрганиш воситаси бўлиб, улардан келиши мумкин бўлган таъсирни қанча кам башорат қилиб ҳисобга олсак, улар шунчалик хавфли бўлади. Хавфларни навбатма-навбат санаб ўтиш мумкин, лекин уларнинг барчаси биргаликда, бир вақтнинг ўзида ва бир-бирини озиқлантириш орқали шаклланишини англаш лозим. Инсонлар виртуал муҳитда хулқ-атвор масаласида, жумладан, ушбу янги воқеликда шахсий ва атрофдагилар хавфсизлигини таъминлаш масалалари юзасидан билимга эга бўлиши керак.

3.2. СИТУАЦИЯ

Ҳар бир конкрет онда инсон қайсидир шароитда, қандайдир ҳолатда ва маълум бир ситуацияда бўлади. Ушбу уч компонентнинг барини кўриш қобилияти, шунингдек, уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олиш, жамиятда инсон ўз функциасини бажаришининг асосий масалаларидан биридир. Нима қилмоқчи бўлишимиздан қатъи назар, объективлаштирилган ва субъективлаштирилган нуқтаи назардан шароит ва ҳолатни, шунингдек, вазиятни *[ситуа-*

цияни] ҳам ҳисобга олишимиз керак. Акс ҳолда, имкониятлар ва хавф-хатарларни фарқлаш, муносабатлар, ниятлар ҳамда баҳолашни тушуниш қийин бўлади.

ОБЪЕКТИВЛАШТИРИЛГАН ВАЗИЯТ *[СИТУАЦИЯ]*

Объективлаштирилган вазият — маданиятдаги маълум ҳодисаларда қайд этилган хулқ-атвор ҳақидаги тушунчалар стереотипларидан иборат (5.0. — *бандга қаранг*). Инсон бошқа кимсаларнинг нигоҳи остида ўзига баҳо беради, шунинг учун улар, ўзини ўзгалар умидларига мос равишда тутишга, шу билан бирга жамият ва маданиятда мустаҳкамланган қарашлар қолипларидан чиқмасликка ҳаракат қилишади. Бунинг учун — нима тўғрию нима нотўғри, нима ўринлию нима ноўрин, нима гўзалу нима хунук, нима муносибу нима номуносиб эканини тушуниш керак.

Стереотиплар — бу маданиятда илдиз отган хулқ-атвор моделларининг яхлит ифодасидир.

Стереотиплар маданиятда (ва субмаданиятда) илдиз отган хулқ-атвор моделларининг яхлит ифодасидир.

Ижтимоийлашиш (2.2. — *бандга қаранг*) стереотиплар тизимини ўзлаштиришда намоён бўлади.

Олдинги бобда айтиб ўтилганидек, болаларда — дарсда, танаффусда, имтиҳонда, саёҳатда, контцертда, черковда [*масжидда*], тўйда, дафн маросимида, автобусда, дўконда ва ҳоказоларда ўзини қандай тутиш кераклиги ҳақида айрим тасаввурлар ҳатто мактабгача бўлган даврдан ҳосил бўла бошлайди. Биз ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасида қандайдир объективлаштирилган вазиятда бўламиз ва авлоддан-авлодга ўтиб келган, ёзилмаган қонунларга мувофиқ ҳаракат қилсак, бизни оқил инсон деб ҳисоблашади.

Ҳар бир маданиятда ёки маълум маданият доирасидаги турли жамоаларда хулқ-атвор қоидалари вазиятга қараб ўзига хос хусусиятларни намоён қилади. Бу қоидалар ўз навбатида — умуминсоний ва табиий, шунингдек, миллий ва маҳаллий хусусиятларни ўз ичига олади. Баъзи стереотиплар метиндай қаттиқ бўлиб, шафқатсиз таъсир ўтказади, бошқалари эса эгилувчан ва локалдир. Ҳар бир инсон вазиятга қараб уларни мустақил равишда фарқлай олиши керак.

• **Яшаш муҳити — бу шароит, ҳолат ҳамда вазият бирлигидир.**

• **Муайян ролни бажараётган киши, шароит ва ҳолатни, шу билан бирга вазиятни ҳам билиши ва ҳисобга олиши керак.**

Стереотиплар қачон, қандай ва нима учун пайдо бўлганини ҳеч ким аниқ айта олмайди,

лекин уларнинг мавжудлигини ҳамма билади. Агар кимдир белгиланган қоидаларга бепарво бўлса ва объективлаштирилган вазиятга нисбатан мўлжал олмаса, унга бегона сифатида қаралиши ёки тушунмовчиликка дуч келиши мумкин.

СУБЪЕКТИВЛАШТИРИЛГАН ВАЗИЯТ

Шароит, ҳолат ва стереотиплар (объективлаштирилган вазият) субъективлаштирилган вазиятни юзага келтиради. Шундай қилиб сиз, инсонлар иш билан банд бўлган бинога кириб, мавжуд вазият — ҳақиқий ёки ўйин, муаммоли ёхуд абсурд, сокин ё экстремал, конфликтли ё бўлмаса дўстона, стабил ёки лабил, мажбурловчи ёки эркин ... эканини имкон қадар тезроқ аниқлашингиз керак. Агар ташриф буюрувчи вазиятни англай олмаса, у осонгина ўзини йўқотиб қўйиши мумкин.

Аввал таъкидланганидек, инсон ҳаётининг ҳар бир дақиқасида у ёки бу ролда (1.5. — *бандга қаранг*) бўлади. Инсоннинг муайян ролда ўзини қандай тутиши бир қанча ҳолатларга боғлиқ. Бир томондан, у вазиятни қанчалик адекват идрок этиши, ўз маданияти ва жамиятида ҳам, уни қизиқтирадиган бошқа маданият ва жамиятларда ҳам нима оқилона ва мақбул эканини қанчалик яхши тушуниши муҳим. Бошқа томондан эса у ўз ролига қанчалик тўғри риоя қилиши, қарама-қарши вазифалардаги инсонларнинг хулқ-атворига муносабат билдириши ҳам зарурий аҳамият касб этади.



3.2.1. — чизма. Вазиятлар

Инсон ё ўзи вазиятни моделлаштиради, ёки бошқалар томонидан моделлаштирилган вазиятга мослашиши лозим. Агар киши ўзаро муносабатларда шароити, вазияти ва позициясини тўғри тушунса ва кўра олса, у ўзини адекват (яъни ўз ролига мувофиқ) тутади.

Инсон содир бўлаётган воқеанинг соф, аниқ, ишончли характерга эга эканини ва кўп нарса натижага боғлиқлигини ҳис қилганда ўзини **(воқеликда) ҳақиқий вазиятда** топа олади. Ҳақиқий (алдовсиз) содир бўлаётган воқеаларда иштирок этиш учун ҳар бир деталга, шу билан бирга, бутунга ҳам жиддий ёндашиш ва диққатни жамлаш талаб этилади.

Агар инсонлар бир нарсани ўйлаб, бошқасини айтиб, учинчисини қилаётган бўлса — яъни улар фақат таассурот қолдиришга интилаётганини кўриниб турса, инсон ўзини **ўйин вазиятида** топади. Бунда кимдир шифтга қараб бошини қашлаш билан худди фикр қилаётгандек таассурот қолдираётганини, гўё шундай, жиддийлик, ташвиш, иштирок этиш, тушуниш, севги, масъулият, қарорлар бериш каби ҳолатлар ўйналаётганини кўриш мумкин. Ўйин вазиятини — ўйин билан [масалан, футбол ўйини билан] аралаштириб юбормаслик керак (7.1. — *бандга қаранг*)!

Ақлли ватандош — инсонлар қачон иш билан ҳақиқатда банд бўлиб турганини ва қачон "иш-иш" ўйинини ўйнаётганини, қачон чин маънода маслаҳатлашув бўлаётганини ва қачон "йиғилиш-йиғилиш" ўйини ўйналаётганини кўра билиши ва тушуниши керак.

Инсон бирор нарса ҳақида қайғураётганда ўзини **муаммоли вазиятда** ҳис қилади ва у ечим топишига ишончи комил бўлади, у биладики, муаммо ечими учун оптимал йўлни топиш дастлаб қийин кечади.

Ақлли устоз, ўқувчиларни аввало муаммоли вазиятга қўяди, ундан кейин эса шу муаммодан чиқишнинг энг яхши йўлини топишни вазифа қилиб беради. Агар устоз ўқувчида билим, кўникма ва тажрибага бўлган эҳтиёжни уйғота

олса, у болаларнинг муаммони ва ундан чиқишни қунт билан излаб ўрганаётганини, бу билан улар янада талабчан ҳамда ақллироқ бўлиб бораётганини мамнуният ила кузатиши мумкин.

- **Муаммо — бу англанган қарама-қаршиликдир.**
- **Мавжуд воқеликни тушуниб етадиган ва истакдаги ҳолатни тасаввур қила оладиган кимса муаммони шакллантириши мумкин.**

Муаммоли вазият билан бир қаторда, муаммонинг ўзини ҳам тушуниш керак. Юқорида айтиб ўтилганидек, афсуски, бу сўзнинг маъносини тушунишда чалкашликлар мавжуд. “Муаммо” сўзи тез-тез ишлатилади, лекин кўп ҳолларда —қийинчилик ёки тўсиқинлик, етишмовчилик ё бўлмаса чалкашликка муаммо (0.3.3. — *бандга қаранг*) деб қаралади.

Инсонга қониқарли чиқиш йўли йўқдек туюлса, у ўзини **абсурд вазиятда** ҳис қилади. Сиз хоҳлаган ишингизни истаганча қилинг ёки ҳеч нарса қилманг — барибир вазият фақат ёмон томонга кетаётганини ва қониқарли ечим топиш имконсиз бўлиб бораётганини ҳис қиласиз. Агар бирор киши чиқиш йўлининг мавжудлигига ишонмаса, у ўзига ва дунёга нисбатан бефарқ бўлиб қолиши, ҳатто ҳамма нарсага қўл силтаб қочиб қолиш истаги пайдо бўлиши ҳам мумкин.

Афсуски, абсурд (умидсиз) вазиятга тушган инсон агрессив бўлиб қолиши мумкин. Оиладаги зўравонлик ва ўзагрессиянинг аксарияти айнан абсурд вазиятда содир бўлади. Психиатрлар бундай хулқ-атворнинг сабабини депрессия, психологлар апатия, социологлар эса бунинг орқасида узоқлашиш, ҳатто бегоналашув бор, деган хулосага келиши мумкин. Даволаш сифатида эса улар ... таблеткаларни буюрадилар!

Ўзини абсурд вазиятда ҳис қилган инсонга муаммоли вазиятга қайтишга ёрдам бериш керак. Бу ҳолатга қайтаришдан мақсад — унда ўзига нисбатан ишонч, интилиш ва ишона олишга асосланган муносабатлар ҳиссини тиклашдир. Шундай бир вазиятни вужудга келтириш кераккки, унда инсон муаммони кўрсин ва шакллантирсин, ундан кейин эса муаммонинг сабабларини топа олсин. Кейин уларнинг ҳар бири айни вақтнинг ўзида кейинги изланишлар ва топилмалар учун зарурий шарт эканини тушуниб, янги имкониятларни қидириб топиш мумкин бўлган босқичга етиб бориш осон кечади. Стагнация ва дегенерация омиллари аниқланиб, йўқ қилиниши шарти билан ҳаёт олдинга силжиши мумкин.

- **Фақат танлов вазиятидагина қарор қабул қилиш мумкин.**
- **Қарор қабул қилиш жараёнида масъулият ва фаоллик ҳисси шаклланади. Айнан шунинг учун танлов вазияти — асос солувчи аҳамиятга эга.**

Ушбу китобда танлов вазиятининг қарорларни шакллантириш жараёнига боғлиқлиги муҳокама қилинган эди.

Инсон ўзини танлов ҳолатида ҳис қилади, агар:

• унинг муқобили мавжуд, яъни икки ёки уч, кўп ёки кам — тенг қийматли имкониятлари бор, бу муқобил вариантларнинг ҳар бири ўзининг плюс ва минусларига эга бўлса.

• у ўзи тўғри деб ҳисоблаган нарсани фикрлаши, ҳис қилиши, шу билан бирга гапириши учун етарлича эркин эканига ишонса;

• шахсий фикрини айтгани учун — ҳозир ҳам, кейин ҳам ҳеч ким унга ёки яқинларига шу ерда ёки бошқа жойда тазйиқ ўтказмаслигига ишончи комил бўлса;

• мавжуд фикрлар орасида муносиб таклиф йўқ деб ҳисоблаган тақдирда муқобил таклифларни қўшиш имкони бўлса;

• Инсон бу жуда муҳим эканига, масалада хато қилиш хавфли бўлиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилса ва шунинг учун диққатни жамлаш, чуқурлашиш, нафақат муқобил вариантлар, балки унинг афзал ечимига олиб келадиган натижалар ва оқибатлари ҳақида ҳам жиддийлик билан ўйлай олса.

Мажбурланиш шароитида инсон ўзини танлов эркинлиги йўқ ҳолатда топади; агар унга ёзиб қўйилганлар ичидан фақат буюрилган нарсани, белгиланган вақтда бажариши кераклиги аниқ бўлса, мажбурланиш ҳолатидаги инсон қа-

рорни мустақил ҳал қила олмайди — яъни бунда жавобгарликни ўз зиммасига олиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Натижада, савол туғилади: таълим олиш ва фикрлаш, оптимал ечимларни излаш ва топиш нега керак?

Мажбурлаш ҳолатида муносабатлар совуқлашади ва иккиюзламачиликка айланади ҳамда лаганбардорлар, чақимчилар, дангасалар мансаб ва лавозимда кўтарилади. Ахлоқий мезонлар ўзининг тартибга солиш таъсирини йўқотиши мумкин.

Барқарор вазиятда инсон ҳамма нарса ҳар доимгидек содир бўлаётганини ҳис қилади. Шароит, ҳолат ёки вазият қандай ўзгариши мумкинлиги ҳақида ташвишланишга ҳожати йўқ бўлади. Инсонлар ўзини хотиржам тутади, узоқ муддатли режалар тузади, уй ва оила қуришга қарор қилади, насл ҳақида ўйлайди.

Барқарор вазият — стагнация эмас; бу — содир бўлаётган ўзгаришлар ҳаммага тушунарли эканини англатади.

Лабил вазиятда инсонлар асабий кутиш ҳолатида бўлиб, узоқ муддатли режалар тузишмайди.

Сокинлик вазиятида инсонлар ўзларини ҳамма нарса урф-одатлар, маросимлар ва анъаналарга монанд кетаётганини ва ортиқча ташвишлар учун ҳеч қандай сабаб йўқлигини ҳис қилганда топадилар.

Экстремал — яъни ёнғин, бахтсиз ҳодиса, бўрон, уруш вазиятида — инсонлар ўзини тинч ва

барқарор вазиятга қараганда бутунлай бошқача тутишади. Бу ҳолда буйруқлару фармойишлар қатъий, директив характерига эга бўлиб, дарҳол ижро этилиши талаб этилади. Буйруқ берувчи ўзини тўғри тушунишганига ишонч ҳосил қилиши керак. Шунинг учун жамоалар экстремал вазиятларни машқ қилишлари ва уларнинг натижалари ҳақида ҳисобот беришлари керак.

Вазиятни тез ва тўғри баҳолай оладиган киши — ўзини белгиланган тартибда тутиш ҳамда вазиятга мос равишда муносабат билдириш қобилиятига ҳам эга бўлади. Бир вазиятдан иккинчисига ўтиш жараёни айниқса муҳимдир. Инсоннинг роли ва мақоми шунга қараб ўзгаради. Ролли ўйинларга киришиш орқали болалар, ҳаётга йўналтирилган машқни амалга оширадилар, турли роллар ва вазиятларга тушиб кўришни ўрганадилар.

3.3. ИЖТИМОИЙ ЗЎРИҚИШ

Инсонлар кўп жиҳатдан ижтимоий мақоми, ижтимоий муҳити, ички дунёси ҳамда атрофидаги ижтимоий зўриқишларга боғланган бўлади. Ижтимоий зўриқишни тушуниш, улар билан ҳисоблашиш керак. Афсуски, уларнинг ҳеч бирини тўғридан-тўғри таъсир қилиш орқали йўқ қилиш ёки камайтириш мумкин эмас. Биз зўриқишнинг сабаби нимада эканини билсак, қайсидир маънода уни камайтиришимиз мумкин.

• Ижтимоий зўриқиш ва уларнинг омилларини тушуниш, улар бузғунчи кучга айланмаслиги учун барча имкониятларни ишга солиш керак.

• Бунинг учун ҳар бир куч қарама-қарши кучга, ҳар бир ҳодиса — қарама-қарши ҳодисага, ҳар бир жараён — қарама-қарши жараёнга мувозанатланиши керак. Акс ҳолда, баъзиларда эскича яшай олмаслик, бошқаларда эса эскича яшашни истамаслик вазияти юзага келади.

Шуни ҳисобга олиш кераккి, биз бу зўриқишларни ўрганиш ва муҳокама қилиш учунгина алоҳида ажратишимиз мумкин, аммо ҳаётда улар ўзаро таъсирли синдром (белгилар жами) сифатида намоён бўлади. Бу шуни англатадики, зўриқишлар бир-бирини кучайтириши ёки мувозанатда ушлаб туриши мумкин.

Қуйида ижтимоий зўриқишлар муҳокама қилинади. Бундай кескинликлар юзага келмаслиги учун ҳамма нарсани қилиш керак: уларнинг ўрнида бир-бирини мувозанатлаштирувчи қарама-қарши ҳодисалар ва жараёнлар бўлиши лозим. Зўриқиш омилларини тавсифлашнинг мақсади бир хил: асосий эътибор зўриқишдан қочишга йўналтирилган бўлиши керак. Ҳаддан ташқари зўриқиш пайдо бўлган ҳолларда, унинг сабабларини топиш, шунингдек, ушбу сабаблардан халос бўлиш ҳамда қарама-қарши жараёнлару ҳодисаларни келтириб чиқарадиган чораларни кўриш керак.

БЕГОНАЛАШУВ

Бирор фаолият натижаси ижрочига қарши қўйилиб, унинг ўзи учун ёвга айлантирилса — бегоналашув вужудга келади. Иш, маъмурият, ижод, спектакль, ҳукумат, шериклар, фарзанд кабилар бегонага айланиши мумкин. Инсон қайсидир сабаблар билан ўз фаолияти натижасига боғлиқликни йўқотгани ва фаолиятининг натижасига таъсир қила олмаслиги сабабли бегоналашув юз беради.

Масалан, ходим ўз меҳнати натижасининг мазлумига айланса, иш ходим учун бегоналашади. Раҳбарият ёки ҳукумат халқ учун бегона бўлиб қолади [*Агар сиёсий фаолият натижаси халққа қарши қаратилган бўлса*]. Бегоналашиш жараёнида инсонлар мутаносиблик ва ҳад ҳиссини йўқотиб, ақлдан озишлари ҳеч гап эмас. Қарама-қаршилик туфайли юзага келган бегоналашиш даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бегоналашишга чап бериш мумкин, аммо бу жараённи тўхтатиш ва ортга қайтариш деярли имконсиз. Агар адекват чоралар кўрилмаса, фалокат фақат вақт масаласи бўлиб қолади. Бундай жараёнларга сабабчи бўлган инсонлар, қоида тариқасида, ўз ролларини яхши тушунишмайди.

Бегоналашув сабабчиси бўлган инсонлар, катта эҳтимол билан, энди вазиятни тўғрилай олиш-

майди; бундай инсонлар фойдали бўлиши мумкиндир, лекин бу ерда эмас (“3 + 5” қонуни 13.4. — *бандга қаранг*). Бегоналашиш инқирозни келтириб чиқаради, инқироз эса ўз навбатида тизимнинг қулаши билан бирга кечиши мумкин. Аслида, тизимни сақлаш имконияти мавжуд, аммо соғлом ҳолатда эмас. Инқирознинг сабабларини бартараф этиш эҳтимоли ҳам мавжуд ва айнан шу туфайли тикланиш ёки сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилиш бошланади.

УЗОҚЛАШИШ

Узоқлашиш — бу муносабатлар узилиши, четлашиш, бурчакка тиқилиш, бирор нарсага нисбатан фаолиятсизликдир. Сиз — ишдан, ўқишдан, уйдан, турмуш ўртоғингиздан, дўстларингиздан, ижодингиздан, оилангизу ва ҳоказолардан узоқлашишингиз мумкин.

Узоқлашишнинг сабаблари кўп. Ҳар бир ватандош (моҳиятан) нима инсонларни узоқлашишга мажбур қилишини билиши керак. Агар қуйидаги саволларни бера олсак, буни тушунишимиз осонроқ кечади:

• Инсонлар етарли даражада ахборот билан таъминланганми (уларнинг ахборот олиш учун етарли имконияти борми?) Мавжуд каналлар ахборотни тўсиқсиз олиш учун имконият берадими? Ахборотнинг фақат бир қисмини бериш (тўлақонли манзарани яшириш) — бу ёлғондан бошқа нарса эмаслигини ҳисобга олиш керак.

Агар бирор киши ахборотнинг фақат маълум бир қисмини олаётганини шу билан бирга ўзининг доимий равишда алданаётганини аниқласа, у ҳолда ишончини йўқотиб, қўл силтаб, бошқа ишни қилишга киришиши вақт масаласи бўлиб қолади.

• Инсон нима бўлаётганини тушуняптими? Масалан, у матнларни, ҳаракатларни, инсонларнинг хоҳиш-истакларини, алоқаларини, қарорларини, тамойилларини, чекловларини тушунадими.

• Муҳокамада ким иштирок этиши мумкин? Агар йиғилишда кимдир кимнидир қораласа, бир-бирига қарши қилиб қўйилса, бурчакка тиқилса, у ҳолда инсоннинг кейинги учрашувларда фаол иштирок этишининг эҳтимоли жуда кам. Масалан, демагогия, махфийлик, киноя, ёрлиқ ёпиштириш, хўрлаш, асослантирилмаган авторитет учун оддий дастаклардир. Бундай дастаклардан фойдаланиш натижасида узоқлашиш юзага келиши мумкин.

• Қарорларни шакллантиришда ким иштирок этиши мумкин? Масъулият ва фаоллик ҳисси фақат қарор қабул қилиш жараёнида пайдо бўлади. Агар узоқ муҳокамалар якунида кимдир “фалон қарор қабул қилинди, келаси ҳафта йиғилишни давом эттирамиз”, деб эълон қилса, лекин эълон қилинган қарор муҳокама мазмунига сингдирилмаган бўлса, унда юқори эҳтимол билан кейинги йиғилишда иштирокчилар сони камаяди — кимдир касал бўлади, яна кимдир

таътилга чиқади, бошқа бири эса “шошилинч” вазифалар билан банд бўлади.

Шарафсиз воситалар ёрдамида шарафли натижаларга эришиб бўлмайди.

Аслида, ҳеч ким кейинги йиғилишда қатнашишни хоҳламайди, чунки бундан маъно йўқ. Зотан, қарор қабул қилишда ҳеч ким аргументларни ҳисобга олмайди. Ўйин вазияти юзага келади. Бунда “Нега мулоқот тўхтаб қолди?” деган савол ўринли бўлади. Лекин бунинг сабаби, ҳокимият эгаларининг қарши томон аргументларига қулоқ тутмаслигидадир.

• Ҳимоя таъминланганми? Агар кимдир бирор-бир сабабсиз бошқага зарар бериш, керакли нарсаларини олиб қўйиш ёки исталмаган нарсага мажбурлаш имкониятига эга бўлса, бу — ҳимоя мавжуд эмаслигини англатади. У муносабатларни узиши, миш-миш тарқатиши, қўрқитиши ва таҳдид қилишга ўтиши мумкин. Агар мактабда маънавий заҳарлаш юз бераётган бўлса, у ҳолда бола мактабга боришни хоҳламайди ва бунга важ қидиришга ҳаракат қилади — ё ошқозони, оёғи ёки боши оғриб қолади.

• Ижтимоий — дейилганда биз жамоавий муносабатлар ва ўзаро таъсирга қараб шаклланадиган номоддий макромуҳитни тушунишимиз керак.

• Ижтимоий зўриқишлар — субъектнинг ўзи ва идеали ўртасидаги тафовут ёки реал ҳолат ва бошқалар унда кўришни истаган меъёрлар ўртасида сезиларли фарқ вужудга келса шаклланади.

• Элементар ҳолатларда танлов ҳуқуқимиз борми? Агар кимдир ўзини ташқи кўриниш, кийиниш, ҳамроҳ танлаш ёки қаерда ўтириши ҳақида кўрсатма беришга ҳақли деб ҳисобласа, бу билан бошқа инсонларни энг оддий нарсалар ва ҳаётий ҳуқуқларидан маҳрум қилса, бунинг оқибатида узоқлашиш юзага келиши мумкин.

• Мақсад қўйиш учун имконият борми? Мақсадлар муносибми? Мақсадлар шарафсиз, маъносиз, аҳамиятсиз бўлса, ўзини ифлосланган ҳис қилган инсон узоқлашиш учун имконият излашни бошлайди.

• Воситалар оқилона ва муносибми? Воситани нотўғри танлаш ҳам узоқлашишни келтириб чиқариши мумкин.

• Танланган тамойиллар мос келадими? Улардан ҳеч бўлмаганда қуйидагилар қўлланилишини кўриб чиқиш, айниқса, муҳимдир: шахсий жавобгарлик принципи, ахлоқий тўғрилик принципи, тўғри ва қайта алоқа принципи, инсонпарварлик принципи, компетентлик принципи, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш принципи.

ЗЎРИҚИШЛАР ҚОЧИШГА МАЖБУР ҚИЛИШИ МУМКИН

Эскапизм — бу ижтимоий зўриқишнинг бир тури бўлиб, ундан чиқишнинг йўли сифатида бошқа манзилларга кетиб қолиш, спиртли ичимликлар ёхуд бошқа маст қилувчи моддалар, ё бўлмаса унинг ўрнини босувчи хатти-ҳаракатлар орқали ўз-ўзидан қочиш танланиши мумкин. Ўз жонига суиқасдни ҳам, қочиш сифатида баҳолаш мумкин.

Мавҳумликка, гўзалликка, ўтмишга қочиш мумкин. Шунингдек, ўрмонга йўл олиб, ўтмиш одатларига кўра яшашингиз мумкин.

Алтернативалар қувват беради, инсонни озод қилади ва бирор нарсага нисбатан тутумлару муносабатни шакллантиради. Инсонлар Ватанни, ўзга юртлар жуда яхши бўлгани учун эмас, балки Ватанига ишончию умиди йўқолгани боис тарк этишади. Фақат муқобил танловга эга бўлганларгина ўз позициясида мустаҳкам ва ишонч билан туриши мумкин.

- **Ижтимоий алоқаларга куч берувчи манбалардан бири бу альтернативлардир.**
- **Кимда альтернативлар мавжуд бўлмаса, амалда у ожиздир.**

ВУЖУДГА КЕЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН БОШҚА ИЖТИМОИЙ ЗЎРИҚИШЛАР

Аномия — бу жамиятда *[ҳуқуқий]* нормаларнинг йўқлиги *[ишламаслиги]* тасаввури билан шаклланиши мумкин бўлган ижтимоий зўриқишдир. Агар нормалар бўлмаса, ҳамкорлик ҳам, ҳамжиҳатлик ҳам қадрият даражасига кўтарилмайди. Инсонлар, жамиятда, жамоада ва оилада маълум бир нормалар борлигини ва уларни қўллаш қоидаларини билса-да, лекин бу нормаларга амал қилмаса, бундай жамиятларда — ҳуқуқийликни ҳам, адолатни ҳам топа олмайсиз.

Аномия, одатда, турли инқирозлар ва ўтиш даврларида, жамият ўз аъзоларининг бирлигини сақлаб қолиш қобилиятини аллақачон йўқотган пайтда содир бўлади. Инсонлар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги алоқа қанчалик заиф бўлса, зўравонлик, бефарқлик, ақлдан озиш, ҳалокат каби ҳодисалар билан бир оқимда келадиган аномия ҳам кучайиб бораверади.

Аномик зўриқиш, шунингдек, инсон қадриятларию меъёрлари бир-бирига зид келувчи ролларни *[Масалан, ишхонада золим ички ишлар ҳодими, уйда эса "меҳрибон" ота ролини]* бажаришга мажбур бўлганда ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бундан ташқари, агар инсон бир вақтнинг ўзида иккита лавозимда ишласа ва уларнинг ҳеч биридан воз кечишни истамаса, аномик зўриқиш пайдо бўлиши мумкин. У бир лавозимдаги ишига

қанчалик кўп шўнғиса, иккинчисига шунчалик кам вақт ва куч сарфлайди. Оғир аномия ҳолатида инсон келажакка мақсадсиз назар ташлаб, узоққа ялтироқ нигоҳ билан қараши мумкин.

Роллар уйғунлиги ва зиддияти. Одатда, инсонлар ўз роли доирасида ҳар кимнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва масъулияти борлигини тушунади. Кимдир қарама-қарши ролда бўлгандагина ўз ролингда барқарор бўлиш мумкинлигини тушуниш ҳам қийин эмас. Ролнинг аҳамияти қарама-қарши роль эгаси билан муносабатларда намоён бўлади. Ўз ролингизда сиз маданият ва жамиятда ҳукм сураётган тушунчалар [*тасаввурлар*] тизимига мувофиқ атрофдагилар кутган нарсани иложи борича яхшироқ қилишингиз керак. Кимдир ўқувчи ролига эга бўлсагина, кимдир ўқитувчи ролида бўлиши мумкин. Ўқув хонасида ўқитувчи ҳамкасб сифатида, кўчада йўл ҳаракати иштирокчиси сифатида, уйда турмуш ўртоқ ёки ота-она сифатида намоён бўлади. Ҳар бир инсон буни табиий деб билса, ҳаммаси яхши бўлади.

Шу билан бирга, ўзаро тушуниш ҳам муҳимдир. Ҳар бир инсон нафақат ўзини ва ўз ролларини, балки атрофдагиларнию уларнинг ролларини ҳам билиши керак, бу билан эса улар ўз ролларини мувозанатли бажаришлари мумкин бўлади. Ўзаро ролларни билиш ва тан олиш, шунингдек, бир-бирининг муваффақияти учун зарур шарт-шароитларни ўзаро яратиш ва қўл-

лаб-қувватлаш ҳаётдан қониқиш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Афсуски, қарама-қарши ролдаги инсон билан муносабатлар шунчалик ёмонлашиши мумкинки, эскича яшашни давом эттиришнинг иложи қолмайди ва ҳаётни янгилаш истаги ҳам, маҳорати ҳам бўлмайди. Шуни эсда тутиш керакки, антипатия ўзародир.

Жамиятдаги роллар тўқнашуви деярли ҳар доим инқилоб, оммавий қатағон ва қон тўкилишига олиб келган. Оиладаги роллар тўқнашуви ажралишни, корхонада иш ташлашни ва ҳоказоларни келтириб чиқариши мумкин.

Конформизм — мустақил бўлишга журъат қилмайдиган ва кўпчилик каби ўзини тутишни хоҳлайдиган, ажралиб турмасликка ҳаракат қиладиган инсонлар жамиятида кечадиган зўриқишдир. Баъзи "авторитетлар" хулқ-атвор стереотипларини намоён қиладилар, инсонлар эса ўз қарашларининг зиддига бўлса-да, ўзини "авторитет"нинг стериотипига мос равишда тутишади. Масалан, кимгадир ёқмоқ учун хулқ-атворни, кийинишни, нутқий хулқни, бирор нарсага тутум ва муносабатларга тақлид қилишни айтиш мумкин. Ўзларининг тегишлилигини кўрсатиш, шунингдек, тегишлилик туйғусини ошириш учун, улар тақлид қилмоқчи бўлган инсонлар ёки улар мансуб гуруҳга яқин юрмоқчи бўлган кишилардаги кийим-кечак ва бошқа кўкрак нишонларини тақиш одатий ҳолдир.

Фашистлар Германиясида свастика билан қизил боғич тақиш, саломлашиш учун эса қўлни олдинга ташлаб: “Ҳеил Гитлер!” дейиш керак бўлган. Совет Иттифоқида пионерлар қизил галстук тақиб, бир-бирларига: “Тайёр бўл! Доим тайёр!” деб салом беришлари лозим эди. Мансубликни урғулайдиган ҳар бир детал ва хатти-ҳаракат орқали суюкли доҳийларга чексиз ва фидокорона муҳаббатни кучайтириш назарда тутилган. Когнитив диссонанс (2.5. — *бандга қаранг*) таъсири остида биринчи марта ушбу психик муолажани бошидан ўтказган инсоннинг *[эгзистенциал уялиши]* иззаси кейинчалик фанатизмга айланди.

Агар инсон бундай ҳаракатларни ўйин деб талқин қила билса ва ўзини ўйин вазиятида ҳис эта олса, конформизмнинг салбий оқибатларидан қочиши мумкин.

Авторитар муҳитда — конформизм воситасида шахсни бузувчи куч шаклланади.

Индолентлик — инсон истаган ва *[давлат томонидан]* таъминланиши ваъда қилинган нарсалар реал ҳаётда имконсиз экани англаб етилганда пайдо бўладиган зўриқишдир. Ҳатто шундай руҳий ҳолат шаклланиши мумкинки: у, аслида, ҳеч нарсада иштирок этишни истамаётгани ҳамда бошқалар унга маслаҳат берган ёки тиқиштирган нарсани қилмаслиги кераклигини ўзига сингдиришни бошлайди.

Ўзига белгилаб қўйилган тақдир, шахсий орзулари амалга ошмаслигини сезган инсон ўзини алдангандек ҳис қилади. Унда ҳам апатия, ҳам депрессия, ҳам агрессивлик вужудга келиши мумкин. Устига-устак, бепарво шахс ўзига ва атрофидагиларга қалбида ҳали ҳам ҳис қилаётгани, умид қилаётгани ва хоҳлаётганининг аксини сингдира бошлайди. Бу позицияни, масалан, ҳеч бир қиз ҳатто кинога ҳам боришни истамайдиган йигитнинг келин излашини мисол қилиш мумкин. Агар бола вақти-вақти билан қизлар унга умуман қизиқмаслигини ва у қизларнинг ҳеч бири билан учрашмоқчи эмаслигини тушунтира бошласа, демак, биз индолентлик ҳақида гапиряпмиз. Индолентлик таъсирига тушиб қолган инсонлар сусткаш ва бефарқ бўлиб қолишади. Қочиш ёки эскапизм кўпинча индолентлик натижасидир.

И.А.Криловнинг тулки ва узум ҳақидаги афсонаси бор — бу индолентликнинг типик намунаси. Тулки узумни ололмагач, унинг етилмаганини ва узумни умуман хоҳламаслигини айтади (“Бир соат давом этган ҳаракатлари бекор кетгандан кейин у бориб, ғазаб билан деди: “Бир қараганда ширин кўринади-ю, лекин у яхши пишмаган: дарҳол тишларингни қамаштиради”). Йиллар давомида ёшлар учун барча эшиклар очиқлиги сингдирилган, лекин, аслида, ҳеч ким уларни кўзи тўрт бўлиб кутмаётганини аниқлаган университет битирувчилари индолентликнинг маълум бир босқичида бўладилар.

Расмий фаолият ва билим соҳаси бўйича етарли тайёргарлик кўрмасдан, жамият ва маданият соҳасига кириб келган профанларга [*савиясизларга*] масъулиятли лавозимни ишониб топшириш учун яна уч-тўрт йил керак бўлади.

Жиддий нарсаларни муҳокама қилиб, ечимлар ишлаб чиқиб, амалда татбиқ этадиган инсонлар қолмади деб ҳисоблайдиганлар ёлғизликка гирифтор бўлади. Ўтган фаолиятини маъносиз санаб, бир пайтлар янги деб қаралган нарсалар аллақачон эскирган, қувонч ёки қайғуга шерик бўладиган ҳеч ким йўқ ҳамда у учун муҳим бўлган нарсани эътиборли деб ҳисоблайдиган инсонни топа олмаганлар ўзини ёлғиз ҳис қилади. Бундай вазиятда тизимли ва комплекс ёндашув бўлмаса, у ҳақиқий ютуқларни кўзлаш ўрнига, фақат айрим деталларгаю ташқи муваффақиятларга эътибор бера бошлайди. Муҳим нарсаларни четга суриб, арзимас ишлар билан шуғулланади [*илм қилмайди – лекин диссертация ёқлайди, муаммони тадқиқ этмайди, лекин илмий мақола ёзади*].

Зўриқиш сифатидаги ёлғизликни бошдан кечирган инсон мулоқотдан қочади, бошқалардан четланади, у сўниши ёки шунчаки йўқолиб қолиши мумкин. Фикр, тушкунлик ҳолатидаги ёлғизлик ҳақида кетмоқда (юқори даражаларга кўтарилишдаги ёлғизлик ҳақида эмас). Ўз жонига қасд қилиш ҳам индолентлик оқибати бўлиши мумкин. Агар энди имон, ишонч ва севги бўлмаса,

кейинги мавжудликнинг маъносизлиги ҳақидаги фикрлар пайдо бўлади. Кўпчилик ёлғизликдан чиқиш йўлини Яратганга мурожаат этиш орқали топади. Агар бирор киши унга ғамхўрлик қилаётганини, ҳимоя этаётганини ҳис қилса, у ёлғизлик билан бирга келадиган руҳий тушкунликни енгиши мумкин.

Шу билан бирга, инсоннинг ўзига нисбатан кўрсатилаётган бу ғамхўрликни қандай ҳис қилиши муҳимдир.

Депривация — бу ўзи мансуб бўлган ёки шундай деб ҳисоблаган инсонлар жамоаси ундан юз ўгирганини ёки ғойиб бўлганини ҳазм қила олмаслик оқибатида юзага келадиган зўриқишдир. Масалан, ота-онаси томонидан биринчи марта болалар боғчасига олиб борилган кичкинтой ёки иш жойининг қисқараётгани тўғрисида хабар олган ходим шунчаки тинчлана олмайди. Натижада, пайдо бўлган зўриқиш бир умрлик из қолдириши мумкин.

Депривация натижасида олинган жароҳат оқибатида инсон ишончи ва эътиқодини бутунлай йўқотиши мумкин. Албатта, бошқаларни рад этиб, унинг ўзи ҳам рад этилади. Дўстлари ва ҳамфикрлари бўлмаган инсон масхара объектига айланиши мумкин. Унинг қалбида вақти келиб бошқаларга сочилиши мумкин бўлган сафро тўпланади. Депривация кимнидир хафа қилиш истагини ва афсуски, бошқаларнинг изтироблари, дарди ва қайғуларидан хурсанд бў-

лиш тенденциясини келтириб чиқаради. Шундай қилиб, инсондан психопат вужудга келиши ва у тегишли чораларни кўришга қодир бўлмаса ёки хоҳламаса, ҳокимиятга интиладиган ва халққа етказиладиган азоб-уқубатларга бефарқ бўлган социопатга айланиши мумкин.

Апатия — бу бефарқлик, атрофда содир бўлаётган жараёнларда иштирок этмасликдир.

• Антипатия — бу хуш кўрмаслик, ёқтирмаслик, жирканиш. Бу одатда, ўзаро жавоб туйғусидир.

• Симпатия — бу меҳрнинг юзага келиши, хуш ёқишдир.

• Эмпатия — бу инсоннинг ўзгалар ҳис-туйғуларини тушуниш қобилиятидир.

• Мимпатия — бу эмпатиянинг чуқур шакли. Мимпатия ҳам нафрат, ҳам муҳаббат кўринишида намоён бўлиши мумкин.

• Компатия — бу бошқаларнинг қайғу ва қувончларига шерик бўла олиш қобилиятидир. Чуқур ҳис-туйғуларни баҳам кўриш қобилияти, ижобий ҳис-туйғуларни кўпайтириш ва салбий ҳис-туйғуларни камайтириш воситасидир: қувонч ва бахтни бўлишиш уни бир неча баравар кўпайтирса, қайғу ва ғамни бўлишиш эса уни бир неча баробар камроқ қилади.

Маргиналлашув — бу инсон ўзлигини белгилай олмаётганда пайдо бўладиган ижтимоий

зўриқишдир: биладики, у энди аввалги инсон эмас, шу билан бирга ҳали янги менлигини ҳам топа олмаган. Инсон ҳаётининг ўтиш даврлари маргиналликни вужудга келтиради. Ҳаётнинг қайсидир даврида иммигрантлар-эмигрантларда, шунингдек, синфини ёки мактабини ўзгартирган болаларда, шунингдек, иш жойини алмаштирган катталарда маргиналлик пайдо бўлади. Мажозий маънода маргиналликни, гўёки икки стул бўш турса-да, ерда ўтириб ўзига мос стулни топишга қурби етмаётган икки босқич оралиғидаги боши қотган инсон ҳолатига қиёс қилиш мумкин. Бўш стуллар бўла туриб ерда ўтириш яхши эмас, айниқса, атрофдагилар стулда ўтирган бўлса.

Маргиналлашган инсонга уни ўраб олган мавжуд вазият адолатсизликдек туюлади, натижада, у ғамгин ва беқарор бўлиб қолади, арзимас нарсалардан безовталанади, саволларга кескинлик билан жавоб беради, салбий ўйлайди, кимга ва нима учун гапираётганини тушунмай бемаъни сўзлар айтади. Агар маргиналликни енгишнинг иложи бўлмаса, инсон ўз ичига қамалиб олиши, одамови ва умидсиз бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас.

Мисол учун, бирор киши ишга янги қабул қилинган бўлса, унга ҳамкасбларни таништириш жуда муҳим, (аксинча эмас!) Янги келган инсон хижолатчиликни тезда енгиб ўтиши, илиқлик ва ишонч ҳиссини қозониши учун норасмий учра-

шув ташкил этиш, янги жойда бегона эмаслигини ҳис қилишига кўмаклашиш лозим.

Фрустрация — бу инсон бажариши жуда қийин бўлган вазифаларни зиммасига олса ёки жуда кўп мажбуриятлар гарданига юкланса, ёхуд унинг вазифалари жуда ёқимсиз ёки уятли бўлганда шаклланадиган зўриқишдир. Нокомпетентлик ва беадекватлик ҳам фрустрация ҳолатини чақириши мумкин.

Жуда оғир иш юки инсоннинг зўриқишига, невротик ва тажовузкор бўлишига олиб келиши, шу жумладан, у ўзи ва яқинларига нисбатан ҳам тажовузкорликни юзага келтириши мумкин. Буларнинг барчаси эса кўпинча оиладаги зўравонликдан келиб чиқади. Фрустрацияни юмшатиш учун инсонлар сархуш қилувчи моддалардан фойдаланадилар, аммо гиёҳванд моддалар ёки спиртли ичимликлар таъсирида улар ўзларини бефарқ ва қўпол тута бошлайдилар.

Диссидентлик — бу яшаш муҳити ва унда содир бўладиган хатти-ҳаракатларнинг ҳаёт учун тубдан номақбул бўлган вазиятда инсонда пайдо бўладиган зўриқишдир. Диссидентлар амалдаги давлат тартибини тан олмайдиган, давлатда содир бўлаётган деярли ҳамма нарсага исёнли инсонлардир, чунки улар яроқсиз бўлиб қолган ахлоқсиз тизимнинг ички ислоҳотини қўллаб-қувватлашни ўзларига эп кўрмайдилар. Диссидент муаммодан чиқиш йўлини фақат туб ислоҳотларда *[ўйин қоидаларининг ўзгаришида]* кўради.

Муваффақиятга эришиш учун диссидентлар ахлоқсизликнинг, шунингдек, керакли [*мақбул, умумқулай*] вазиятнинг шаклланиши учун курашадилар. Ҳар икки йўналишдаги фаолиятни ҳам зарур деб ҳисоблаш мумкин. Диссидентларнинг ижтимоий фаолиятида уларнинг жасорати ва дадиллиги аҳамиятли олд шартлардандир, аммо муваффақиятга эришиш учун фақат дадилликнинг ўзи етарли эмас. Назарий, методологик ва услубий асосларсиз унча ақлли бўлмаган инсонлар гуруҳинигина сафарбар қилиш мумкин, аммо халқи яхши ва муносиб ҳаёт кечирадиган давлатни қуриш мумкин эмас.

4-БОБ. ЖАМИЯТ

4-БОБ. ЖАМИЯТ

Жамият бу — биргаликда, жамоа бўлиб яшашининг тарихан шаклланган кўриниши, ижтимоий муносабатлар ва институциялар мажмуидир.

Ватандош учун давлат — бу макро муҳитдир, у бир тарафдан, маданият билан асослантирилган ёзилмаган қоидалар, иккинчи тарафдан эса маъмурий органлар томонидан ижро этилиши назарда тутилган расмий қоидалар ва қонунлар билан тартибга солинади.

4.0. УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

Жамият — бу инсонлар биргаликда жам бўлиб яшашининг тарихан шаклланган кўриниши, шунингдек, унинг таркибида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар ва институциялар мажмуидир. Ҳар бир давлатда жамоатчилик алоқалари ҳам горизонтал, ҳам вертикал шаклда мустаҳкамланиб, маданий ва маъмурий субординацияга эришилади; агар ҳолат ижобий бўлса, тўғри ва қайта алоқа тизимлашади, шунингдек, ошкоралик ва унга эргашиб келадиган жамоат назорати ҳам мавжуд бўлади (2.7. — *бандга қаранг*).

Жамият — авлодлар давомийлиги, инсонларнинг меҳнат қобилияти, маънавияти, тиришқоқлиги, изчиллиги, профессионализмга ҳурмати, истеъдодга эҳтиёткорона муносабати, шунингдек, элементару функционал саводхонлиги билан тавсифланади.

Жамият характеристикаси: самарали фаолият билан шуғулланувчилар фоизи, умри давомида билим олишни хоҳловчилар фоизи, ижодий жараёнда иштирок этувчилар фоизи, ёзилмаган қонунларни [*маданий қонунларни*] ҳурмат қиладиганлар фоизи билан, шунингдек, фирибгарлар, жиноятчилар, паразитлик турмуш тарзини олиб борадиганлар, суррогатлар таъсирида бўлган қулсифатлар фоизи ва шуларга қўшимча равишда, турли хил — истлар [*расист, империалист, нацист*], ва фобларнинг [*исломофоб, поганафоб*] фоизи билан ҳам белгиланади (4.0.1. — *чизмага қаранг*).

4.0.1. — чизма. Халқнинг характеристикаси

Жамият ва унинг қуйи тизимлари — ҳамкорликка шайлик, табиатни асраш, тилга эътибор, болалар ва кексаларга ғамхўрлик қилиш кабилар билан характерланади (4.0.2. — *чизмага қаранг*).

Жамият — келажакка ишонч даражаси, бегоналашув ва узоқлашиш (3.3. — *бандга қаранг*) даражаси, эмиграция ва туғилиш даражаси (13.2. — *бандга қаранг*), шунингдек, оила институтининг барқарорлиги билан ҳам тавсифланади. Ўртача умр кўриш даражаси, шунингдек, соғлом ва оқилона яшаган йиллар ҳам — жамиятнинг сифат кўрсаткичларидандир.

Жамиятни турлича — институционал структура, жамият қатламлари асосида, мулкка, ёшга, таълимга ҳамда қадриятга оид структуралар ва бошқа хусусиятларни ҳисобга олиб тавсифлаш мумкин. Бир томондан, биз жамиятнинг турли белгилар билан шартланган кесимини кўришимиз мумкин, бошқа томондан эса инсонларнинг жамиятда ўзларини қандай ҳис қилишларини ва таъсир кўрсатиш имконли ва имконсиз бўлган омилларни, алоқаларнию сиёсатчи бўлиб шаклланишга қандай эришиш мумкинлигини кўриб чиқиш имкониятига эга бўламиз.

4.0.2. — чизма. Жамиятда ҳимояланганлик фактори

Демографияни кўпинча ижтимоий фанлар қаторига қўшишади. Бироқ демографлар аҳолини тавсифловчи кўплаб муҳим ҳодисаларни эътиборсиз ва таҳлилсиз қолдириб, фақат баъзи хусусиятларга эътибор қаратишади. Худди шундай, ижтимоий соҳа олимлари ҳам кўпинча илмий ишланма деб аташ мумкин бўлмаган тафсилотлар билан чекланади. Кўпинча жамиятни иқтисодиёт деб тушунишга асосланган хато ёндашувлар ҳам учраб туради.

Илмий тадқиқотни “Нима учун?” деган саволдан бошлаш, шунингдек, тадқиқотнинг объекти сифатидаги муаммони статика ва динамикада кўриб чиқиш лозимлигини эслатиб ўтишни муҳим деб биламиз.

ВАТАНДОШЛАР ВА ЖАМИЯТ

Юқорида айтиб ўтилганидек, барча инсонлар жамият аъзолари ва маданият вакилларидир. Ушбу китоб ўзини ватандошдек тутишни хоҳловчилар учун мўлжаллангани сабабли, бу бобда биз жамиятни, энг аввало, ватандошлик нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз. Баъзи бегона инсонлар мамлакатингизнинг истиқболи ва келажагини муҳокама қилиши мумкин, аммо бу келажак учун масъулият юқори лавозимлилар ва барча ватандошларнинг зиммасида ётаверади. Шуни эсда тутиш керакки, дунё тобора глобаллашиб бормоқда, шундай бўлса-да, йирик мамлакатларнинг эҳтиёжлари ҳеч камаймаяпти.

Қандай шартлар юзага келганда ҳар бир ватандош ўз мамлакати келажагини шакллантиришда иштирок этиши мумкин?

4.0.3. — чизма. Жамият тизимлар тизими сифатида

Давлат, халқ, табиат ва маданият, шу билан бирга барча маданий қадриятлар ҳимояга муҳтожлигини ким билмайди дейсиз?! Бироқ уларни кимдан ва нимадан ҳимоя қилиш кераклиги маълум эмас. Илгари хавфли ҳодисалар (“муаммоларни қўзғатмаслик учун”) ёки нарсаларни ўз номи билан аташ ясоқ ҳисобланган, лекин, негадир ҳозир ҳам жамиятдаги номақбул ҳодисалар ва девиант хулқ-атвор ҳақида суҳбатларда айлантирма иборалар ва сўз бирикмаларини ўйлаб топиш орқали салбий жараёнларнинг моҳиятини яшириш одатий ҳолга айланди.

Мустақиллик, миллий ўзлик, соғлиқни сақлаш, таълим тизими, шунингдек, алоқа, иқтисодиёт, маданият, қишлоқ хўжалиги ва фан каби тизимларга қандай вируслар таҳдид солаётганини билмаймиз. Жамиятнинг асосий қадриятларини ҳимоя қилиш самарали бўлиши учун, шунингдек, бундан бу ёғига чидаб туриш мумкин бўлмаган нарсаларни ўзгартириш учун жамиятни бутун бир тизим сифатида тассаввур қила олиш керак. Фақатгина мавжуд вазият ва ҳолатни эмас, балки ушбу вазият ва ҳолатлар нималарга боғлиқлигини, шунингдек, уларнинг ўзгариши ва сақланишининг омиллари нимадан иборат эканлигини билиш керак. Вазият ва ҳолатни баҳолаш мезони - бу инсонлар ўзларини чин ҳис қилаётган реалликдир (3.2. — *бандга қаранг*).

Шуни эсда тутиш кераккки, жамиятда сиз бирор-бир (ҳар қандай) омилни ўзгартиришга ҳаракат қилиб, узоқ вақт давомида “шовқин кўтаришингиз” мумкин, аммо бу катта аҳамият касб

этмайди, чунки ўзгаришларни вужудга келтириш учун тизимни ўзгартириш керак. Бизнинг давримизда тизимсиз фаолият уятли ва кулгилидир.

МУНАВВАРЛАР ЖАМИЯТИНИ НИМА ТАВСИФЛАЙДИ?

Муҳокамалар майдонида маърифатли жамият ҳақида гапириш ва ёзиш одат тусига кирган, аммо қайси жамиятни маърифатли деб ҳисоблаш мумкинлиги (у қандай белгиларга эга бўлиши кераклиги) ҳалигача ноаниқ. Ҳеч шубҳа йўқки, бундай жамият ўзининг баъзавий тушунчалари сифатида ҳақиқат ва адолатга таяниши лозим. Бундай жамиятда алдов ва фирибгарликка ўрин йўқ: ватандош, атрофдаги ҳар бир киши қалбидагини айтиб, айтганига амал қилаётганига амин бўлиши керак.

- **Толерантлик, муроса ёки ўзгаришга — мақсад сифатида қараш мумкин эмас!**
- **Мақсад — яшаш муҳитини сақлаб қолиш ёки ислоҳотлар орқали эришиладиган янги ва сифат жиҳатидан мукаммалроқ ҳаёт бўлиши мумкин.**

Жамиятимиз маърифатлими? Агар йўқ дейдиган бўлсак, жамиятни маърифатли деб ҳисоблаш учун у қандай бўлиши керак?

Ватандошлар маърифатли жамият сари ҳаракатга қандай ҳисса қўшиши мумкинлиги маълум эмас.

Жамият очиқ, бағрикенг ва доимо ўзгарувчан бўлиши кераклигини ҳаммамиз эшитганмиз ва ўқиганмиз. Аммо амалда бу жараён оддий кечишини кутманг!

Ким ва нимага нисбатан очиқ бўлиши ва кимнинг олдида етти қулф билан ёпилиб олиш масаласида ватандошлар жуда ҳушёр бўлишлари керак. Худди шу қоидалар толерантлик учун ҳам амал қилади. Маданий қадриятлар ва Конституцияда ифодаланган идеалларни акс эттирувчи расмий қонунлар билан уйғун бўлган барча ахлоқий нарсаларга толерантлик билан ёндашиш мумкин. Гўллик фазилат эмас! Ўзини ватандош деб билган инсон кимга бағрикенг ва ғамхўр, кимга нисбатан эса муросасиз муносабатда бўлиш кераклигини осон тушунади.

4.0.4. — чизма. Маънавиятли жамият

• билим, фикр, орзу, эътиқод каби тушунчалар фарқланади, (2.8. — *бандга қаранг*) ва уларни бир-бири билан чалкаштирмаслик учун эҳтиёткор бўлишади;

• персонални саралашда ёки лавозимга кўтаришда ушбу соҳадаги вазифаларни қониқарли бажариш учун зарур бўлган билим, хабардорлик [*информацияланганлик*] ва тажриба инобатга олинади;

• ҳар қандай лавозимга — депутатликка ёки маслаҳатчиликка даъвогарлар мансабга тайинлангунга қадар оммавий муҳокама [*танлов*] жараёнида исботланган бурч ва масъулият ҳиссига эга экани назоратдан ўтказилади;

• агар шахс жорий вазифаларини яхши уддалаётган бўлса ва янги иш жойида ўз вазифаларини бажаришга пухта тайёргарлик кўрса, шунингдек, ўзининг аввалги лавозимига муносиб мутахассис топа олган тақдирдагина янги лавозимга кўтаришга рухсат этилади. Янги мутахассис қуйидаги меъзонларга жавоб бериши керак: ижодкорлик, меҳнатсеварлик, талабчанлик, компетентлик, касбга содиқлик, ёрдам беришга тайёрлик ва бошқалар;

• Ҳар бир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат доирасидаги зиддиятли муаммога тўғри шакллантирилган тушунтиришлар берилади, ишончли таҳлил қилиниб, умумлаштирмалар ва хулосалар илова этилади.

ЧИН МУАММОЛИ ТАНЛОВ ВАЗИЯТИ

Нормал жамиятда инсонлар ўзларини чин муаммоли танлов вазиятида ҳис қилишади. Абсурд, ва мажбурлаш вазиятида кимнингдир узоқ муддатли режалар тузишига умид қилмаслик керак (3.2. — *чизмага қаранг*).

Инсон қуйидагиларга эга бўлганда ўзини чин муаммоли вазиятда ҳис қилади:

- реал вазият (ҳолатлар, ситуациялар) ва унинг омиллари ҳақида ишончли билимга эга бўлганда;
- нима бўлиши мумкинлиги ва нима бўлиши кераклиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлганда;
- мавжуд *[реал]* ва истакдаги ҳолат ўртасидаги зиддиятга фаол муносабат (яъни бефарқ бўлмаганда) билдира олганда (0.3.3. — *чизмага қаранг*).

• Нормал жамиятларда инсонлар ўзларини чин муаммоли танлов вазиятида ҳис қиладилар.

• Ёлғонга асосланган жамиятларда инсонлар ўзларини ўйин ёки абсурд, мажбурланган вазиятга тушиб қолгандай ҳис қилишади.

Юқоридаги шартларга асосланиб, маълум бир тайёргарликка эга бўлиш ва изчил ҳаракат қилиш:

• муаммони шакллантириш учун: чин вазият ва истакдаги воқелик ўртасидаги фарқ нимада эканини, статика ва динамикада зиддият ёки фарқлар нимадалигини аниқлаш имконини беради;

• ушбу муаммонинг юзага келиши, мавжудлиги, чуқурлашуви ҳамда кенгайишининг омилларини (сабабларини, баъзан эса сабаблар сабабини) топиш имконини беради;

NB! *Муаммо таркибидаги қарама-қаршилик омиллари — тартибга солиш ва раҳбарлик доирасининг (7.2. — бандга қаранг) бўй кўрсатган жойида эмас, балки ундан ташқарида бўлиши мумкин.*

• тўсиқларни камайтириш ёки бартараф этиш, шунингдек, зарур омилларни яратиш ва мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тизимини яратиш;

• синергия туғилишига имкон берадиган ишончли ҳамкорликни ташкил этиш;

• инновацион дастурларни ишлаб чиқиш, шу билан бирга улар ўртасидаги тўғри ва қайта алоқани йўлга қўйиш ҳақида ўйлаш (6.2. — *бандга қаранг*);

• алоқа ўрнатиш ва бошқаларни ўз ишларинг ҳақида, ўзингни эса бошқаларнинг ишларидан хабардор қилишга эришиш;

• доимо ўрганиш, изланиш ва яратувчанлик жараёнида бўлиш.

Синергия — бу ўзаро маънавий ва интеллектуал түйиниш процессининг натижаси сифатида шаклланадиган психик салоҳиятдир.

Ҳамма жойда нимадир нотўғри бўляпти. Ватанингиз учун жуда кўп яхшилик қилишдан қўрқманг. Катта ва кичик эътиборсизликларни зийраклик билан илғаш ва уларни муаммо сифатида шакллантиришни ўрганиш керак. Бошланишига ҳаётингиз, ишингиз ёки ўқиш муҳитингизни мазмунли таҳлил қилиш, унда яхшию ёмон нарсаларни ва уларнинг сабаблари билан бирга аниқлаш учун бевосита чуқурроқ кириб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу сабаблар англаб етилгандан кейингина чора-тадбирлар тизимини ярата бошлаш ўзини оқлайди.

- **Муаммолар фақат инсонларда — кишилар онгида бўлади. Бошқа ҳеч бир жойда ҳеч қандай муаммо йўқ.**
- **Муаммоларни ҳал қилиб бўлмайди — муаммоларни ҳал қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мумкин.**

NB! *Икки турдаги чора-тадбирлар талаб қилинади: 1) муаммоларнинг сабабларини камайтиришга қаратилган; 2) қониқарли вазиятни шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган.*

Шундан кейин содир бўладиган ҳар қандай нарсани муаммони ҳал қилиш деб аташ мумкин.

АЛДОВ (ЁЛҒОН) АСОСИГА ҚУРИЛГАН ЖАМИЯТНИ НИМА ТАВСИФЛАЙДИ?

Конституцияда кўплаб ҳуқуқлар кафолатланиб, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаси экани эълон қилинган бўлса-да, инсонларга бу ҳуқуқлардан фойдаланиш имконияти берилмаган жамият ёлғон асосига қурилган ҳисобланади.

Жамиятда ориентация олиш ва қарорларни шакллантиришда иштирок этиш учун етарли даражада билим, тажриба ва ахборотга эга бўлмаган (шу жумладан, унга бундай имконият берилмагани сабабли), лекин овоз беришга ёки бирор қарор қабул қилишга чақирилган инсон ўзини ўйин ёки абсурд мажбурланган вазиятда ҳис қилади (3.2. — *бандга қаранг*).

Иккала вазият ҳам шахсни ҳалокатга элтувчи хавфи ўткир методлардир.

Ёлғонга асосланган жамиятда:

• ўқув муассасаларида ўйлаб топилиб, таклиф этилаётган нарсаларга таълим дейилади;

• Маданият вазирлиги ва унга бўйсунувчи муассасалар иштирокчилигида яратилиб, инсонларга тиқиштирилаётган нарсаларга маданият дейилади;

• университетларда содир бўлаётган театрга илм дейилади;

• сайловлардаги овоз исрофига сайлов дейилади;

• ҳамтовоқларнинг қўшма йиғилиши ва спикерларнинг сўз олишига мажлис дейилади.

Фирибгарлик схемаларга аралашиб қолган инсонларни, асосан, апатия билан тавсифлаш мумкин. Апатия билан бирга тажовузкорлик, ақлдан озиш, табиат ва маданият неъматларини исроф қилиш, вақтни беҳуда сарфлаш, шунингдек, ҳаётни кўкка совуриш ҳам пайдо бўлиши мумкин. (3.3. — *бандга қаранг*). Давлатга бўлган ишончни йўқ қилишга уринаётган кимсалар қанчалик узоқни кўзлаганини олдиндан айтиш қийин. Бундай зарарли фаолиятни фақат олий ҳокимият ташувчиси бўлган халқ — сайловлар ва принципиал хулқ-атворни намойиш қилиш орқали тўхтатиши мумкин. Агар кишилар жамият ва давлатга нисбатан талабчанлик кўрсатишга тайёр эмас экан, улар (аслини олганда) норози бўлишга ҳақлари ҳам йўқ.

Ёлғонга асосланган жамиятнинг белгилари:

• Хуфёналик, мавҳумлик.

• Иккиюзламачилик — бир нарсани ўйлаш, бошқасини айтиш, учинчисини қилиш.

• Мустақил бўлмаган қарорлар қабул этиш — бошқалар томонидан, бошқа жойда қилинган қарорни ўзиники сифатида расмийлаштириш.

• Фаолият — бу восита. Мақсад эса фаолият-

дан кўзланган — натижадир. Ёлғонга асосланган жамиятларда эса фаолиятга мақсад сифатида қаралади. Шу билан бирга:

— ўқув муассасаларида ўйлаб топилиб, таклиф этилаётган нарсаларга таълим дейилади;

— Маданият вазирлиги ва унга бўйсунувчи муассасалар иштирокида яратилиб, инсонларга тиқиштирилаётган нарсаларга маданият дейилади;

— университетларда содир бўлаётган театрга илм дейилади;

— сайловлардаги овоз исрофига сайлаш дейилади;

— ҳамтавоқлар мажлислари ва спикерларнинг сўз олишига мажлис дейилади.

• Фаолият дейилганда мазмун эмас, балки шакл назарда тутилади.

• Маълумотларнинг ишончлилиги муҳокамага қўйилмайди.

• Объективлик ўрнига ўзбошимчалик ҳукм суради (ўзбошимча, тубдан асоссиз бўлган қарорларга "сиёсий қарорлар" деб ном берилади).

• Ахборот ўрнига инфо шовқин тарқатилади, сиёсий технологлар жамиятга "жаҳон тажрибаси инобатга олинганини" ва "сусанбилдан" хабарларни таклиф қилади.

• Жамиятни ўрганишга қаратилган илмий изланишлардан қочилади, тадқиқотлар ўрнига сўровлар ташкил этилиб, васф қилишга буюртмалар берилади. Ҳокимиятни эгаллаб олганлар муаммоларни шакллантириш ва уларнинг пайдо

бўлиш сабабларини (барқарорлашиши, чуқурлашиши, кенгайишини) кўриб чиқишдан қочиш учун қўлидан келган барча ишни қилишади.

• Ҳавоий қалъалар барпо этилади (“стратегиялар” ва “ривожланиш режалари” тузилади) ва бажарилиши учун зарур шартлар мавжуд бўлмаган ваъдалар берилади.

• Бажарилмаган ваъдалар учун жавобгарлик белгиланмайди ва кимнингдир олдида, қачондир ҳисоб бериш назарда тутилмайди.

Шундай қилиб, ёлғонга асосланган жамиятда:

• фикр ҳам, билим ҳам тарозининг бир палласига жойлаштирилади;

• курс, мақсад ва воситалар чалкаштириб ташланади (6.2. — *бандга қаранг*);

• фаолият принциплари шакллантирилмайди;

• баҳолаш ҳеч қандай меъзонлар тизимига асосланмасдан, ўзбошимчалик билан амалга оширилади;

• ваъдалар эса амалда бажариш учун эмас, балки сайловчилар кўнглини овлаш учун берилади.

4.1. ИНСОН МОБИЛЛИГИ

Инсон мобиллиги жамиятнинг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Бу ерда биз жисмоний (қишлоқдан шаҳарга, шимолдан жанубга, бир давлатдан иккинчисига ҳаракат-

ланишни), шунингдек, мансабга [*карьерага*] йўналтирилган вертикал ҳаракатчанликни ҳам назарда тутяпмиз. Инсон потенциал етилганда; бошқалар билан муносабатлари нафақат оқилона ва талабчан, балки ҳалоллик, хайрихоҳлик ва ишонч устига қурилганда; ўзаро ёрдам ва ҳурмат ҳукмрон бўлганда; хато, бахтсизлик ва жирканчликни фарқлаш қобилияти шаклланганда; мулоқот жараёнида синергия, илҳом ва ишонч туғилганда унинг янада масъулиятли фаолиятга киришиши учун юқори лавозимга (2.1. — *бандга қаранг*) кўтариш вақти келган бўлади.

Касбий билим, кўникма ва тажрибани ҳам ҳисобга олиш лозим, лекин лавозимда кўтарилиш учун бу етарли сабаб сифатида қабул қилинмаслиги керак. Кўтарилишнинг зарурий шарти — ўз позициясини аниқ айтиш зарур бўлганда, фитнакорона сукут сақлай олиш қобилияти ёки содиқлик бўлмаслиги керак.

Олдин айтилган фикрни яна такрорлаймиз: комплексга [*масалан, камситилганлик комплексига*] эга инсонларнинг лавозимини кўтаришда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Уларнинг аксарияти жуда фаол ва тилда тоғларни силжитишга тайёр бўлишади. Манипуляция (6.0.1. — *бандга қаранг*) объекти сифатида тарбияланган инсонлар бошқача яшашни билмайди ва истамайди, улар кимнингдир соясида бўлиб, бошқаларни манипуляция қилишни афзал кўрадилар. Улар, ўз онгида акс этган истагини ҳақиқат сифатида кўрсатишга одатланиб қолишган.

Мансабни кўтаришда, номзоднинг профессионаллиги билан бир қаторда ахлоқий тутумлари — маданий алоқалари, фазилатлари, Ватани ва табиатга эҳтиёткорона муносабати, ватанпарварлик туйғулари ҳам инобатга олинса яхши бўлади.

Тасодифан ёки нуфузли дўстларининг иродаси билан юқори мансабга ёхуд депутатликка келиб қолган инсонлар бундай кўтарилиш шармандали эканини тан олиб, ўқиб-ўрганишни ва ўз устиларида жиддий шуғулланишни бошлашлари, ёки аксинча, ҳамма нарса ўз ўрнида содир бўлгандай юраверишлари мумкин. Ўзини ҳурмат қилмайдиган инсон, одатда, бошқаларни ҳам ҳурмат қилмайди. Бу эртами-кечми ахлоқий инқироз кўринишида юзага чиқади.

Жамият ёки ташкилот аъзолари умумий қарашларга эга бўлган, бир-бирининг муваффақияти учун зарур шарт-шароитларни яратадиган (синергия ҳосил қиладиган, ғояларни қадрлайдиган) ва жамоавий меҳнатга иштиёқли мутахассислардан ташкил топса, бир неча баробар самаралироқ ва интенсивроқ меҳнат қилиши ва яшаши мумкин.

• Мобиллик — муваффақият натижасидир.
• Бир жойда депсиниб қолиш — кучсизлик оқибатидир.

Бир-бирини тушуниш истаги бор инсонлар концепция ва атамаларда ягона тўхтамга келишга ва келажакда бу тўхтамларда собит қолишга интиладилар. Агар умумий дунёқараш ва оламнинг

якдил манзараси шакллантирилган, шунингдек, бир-бирига ўхшаш йўналишлар *[курслар]* тутилган бўлса, умумий мақсадларни белгилаш ва уларга эришиш учун мос восита, тамойил ва баҳолаш мезонларини танлаб олиш қийин эмас.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЛАБЧАНЛИК

Фаолиятнинг таъсири, локал ёки глобал, оммавий ёхуд яширин, функционал ёки дисфункционал (даъволарга мувофиқ ё бўлмаса уларга зид), дарҳол ёки кейинчалик намоён бўлиши мумкин (9.5.1. — *бандга қаранг*).

Сиёсий партиялар, одатда, локал, оммавий ва тезкор таъсирни афзал кўрадилар, бу эса партия раҳбарияти таркибида тўғри инсонлар бор эканига ишониш имконини беради. Давлат ва бутун халққа таъсир кўрсатадиган глобал қарорлар қоида сифатида халқ учун ёқимли бўлмайди ва уларнинг ижобий натижалари йиллар ўтиб пайдо бўлиши мумкин. Айнан шу ҳолат ватандошларнинг бир қатор муҳим ижтимоий институцияларни (масалан, таълим, фан ва маданият кабиларни) партияларнинг сиёсий елвизакларидан (бир вақтлар мудофаа масалаларида қилингани каби) тўсиш мақсадга мувофиқлигини тарозига солиб кўриш муҳимлигини урғуловчи сабаблардан биридир (9.5.1. — *бандга қаранг*).

Глобал сифат ўзгаришларига эришиш учун тўрт йиллик сайлов циклидан кўра кўпроқ вақт керак бўлади. Сифатли ўзгаришлар бўйича кенг кўламли қарорлар пухта тайёргарликни талаб

қилади. Агар раҳбарият зарур шарт-шароитларни яратиб, уларни қўллаб-қувватласа, қарорлар халқ томонидан ижро этилади. Тизимсиз ёндашув эса ресурсларни исроф қилиш ва палапартишликка олиб келади.

Қабул қилинаётган аҳамиятли қарорларда [*юридик ҳужжатларда*], мақсадга эришиш учун зарур инфратузилмани барпо этиш режалаштирилган бўлса, мазкур ҳуқуқий нормаларни қониқарли деб ҳисоблаш мумкин. Амалиёт шуни кўрсатадики, ватандошлар бу борада, айниқса, ҳушёр бўлиши талаб этилади.

- **Аҳамиятли қарорлар, уларни амалга ошириш учун инфратузилма ҳам мавжуд бўлгандагина самарали бўлиши мумкин.**
- **Инфратузилма — бу жисмоний [*моддий*] ва ташкилий омиллар тизими бўлиб, улар орқали ижтимоий тизим ҳаракатга келади. Бир туман чегараларида: мактаб, дўкон, кутубхона, почта, халқ уйи, дорихона, касалхона, ўт ўчириш бўлими, милиция, уй-жойлар, электр тизими, интернет, йўл тармоқлари ва бошқалар ташкил этилган бўлиши керак.**

Эстонияда мантра сифатида такрорланадиган, “бутун давлат бўйлаб ягона солиқ тизими бўлиши керак” деган тамойил катта ҳудудларнинг ҳуввиллаб қолишига олиб келди. Чунки тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлиги инфратузилманинг функцияси эканлиги эътиборга олинмаган эди. Инфратузилмаси яхши

ривожланмаган ёки мавжуд бўлмаган ҳудуддаги тадбиркорлик самарадорлиги, қониқарли инфратузилмага эга ҳудудлардаги тадбиркорлик самарадорлиги билан рақобат қила олмайди.

Ҳар қандай минтақада, мактаб, черков [*масжид*], дўкон, кутубхона, почта бўлими, халқ уйи, дорихона, шифохона, ўт ўчириш бўлими, полиция, уй-жой ҳудудлари, электр тизими, интернет, йўл тармоғи, иситиш тизимлари, сув қувурлари, канализация ва маиший хизматларни ўз ичига олган инфратузилма бўлиши керак.

Инсонлар бурчли бўлган ишни бажаришдан кўра ўзлари ёқтирган [*енгил-елпи*] ишни афзал кўришади. Чуқурлашмаслик, юзаки бўлиш ва бутунликни ҳисобга олмасдан ҳаракат қилиш жуда қулай. Вайрон этиш ёки ҳеч нарса қилмаслик, яратиш ва муҳофаза этишдан кўра анча осон.

Қарорлар бошқалар томонидан юқоридан берилганда профессионал бўлишга эҳтиёж йўқ. Бунда, таниш-билишчилик ва лаганбардорлик аҳамият касб эта бошлайди. Секретарлар (сир сақловчилар, “secret” сўзидан олинган — нафақат рус тилида, балки, инглиз тилида ҳам: the secret, секретарь — the secretary бир хил маъно беради) [*Котибалар*] асосий планга чиқади. Оқибатда барча фаолиятлар бюрократлаштирилиб, меъзон ва тамойиллар четга улоқтирилади, сохта маълумотлар ёрдамида оммани манипуляция қилиш ва “ҳушхабарлар” ёғдириш бошланади.

4.2. ИНСОНЛАРНИНГ ҲИМОЯЛАНГАНЛИГИ

Ҳимояланганлик индекси жамият кўрсаткичларидан биридир. Ҳимояга доим тайёр туриш — мустақил қарор ва ҳар қандай ролда ишончли ҳаракат қилишга шай бўлишдан кам бўлмаган аҳамиятга эга. Ҳимояга шайлик — барча роллар ва вазиятларда мазмунли ҳаракат қилиш учун етарли шароит ярата олишга ишонч ҳисси билан бирга келади. Хавф остида қолиши мумкин бўлган барча нарсаларни ҳимоя қилиш керак.

Қуйидагилар ҳимоя қилиниши лозим:

• ҳаёт;

• она ва бола;

• ўзини-ўзи ҳимоя қилишга қодир бўлмаганлар;

• ўзининг ва бошқаларнинг шаъни ҳамда қадр-қиммати;

• ватандошлик ҳуқуқлари ва эркинликлари;

• инсон ҳуқуқлари;

• сўз ва фикр эркинлиги.

Қонун устуворлиги, ижод эркинлиги ва бошқа эркинликларга таҳдид солувчи деструктив кучларнинг тарқалишига йўл қўймаслик учун эътиборли бўлиш талаб этилади; эътиборсизлик, маданиятга таҳдид солувчи кучлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Ҳам формал ҳуқуқлар (қонунлар), ҳам норасмий ҳуқуқлар (ахлоқий меъёрлар, ижтимоий назорат) ҳимоя қилиниши лозим. Давлатни ва давлат инфратузилмасининг барча қисмларини ҳимоя қилиш керак.

Қадимги Рим ҳикмати:

Агар сиз бир овоздан ёқлаш ҳақидаги қарорнинг гувоҳи бўлсангиз, атрофингиздан деспот ёки фирибгарни излайверинг — улардан бири шундоқ ёнингизда!

Айниқса, ўзгача фикр эгаларини ҳимояга олиш, шунингдек, улар ўз қарашларини далиллар асосида исботлаши учун имкон яратиш ҳамда қўрқув остида яшамасликлари учун муҳофаза дастакларини шай қилиш керак. Агар мақсад ўз мотивларини яшириш ва қарор масъулиятини бошқалар елкасига юклаш эмас, балки мавжуд вазиятни яхшилаш бўлса, турли хил фикр ва далиллар билан ҳисоблашиш — сифатли ечимлар излашнинг энг фойдали усулидир. Айтилаётган фикрлар ва уларнинг асосларини ошкор қила олиш — хатога йўл қўймасликнинг методларидан биридир.

Жосуслик, чақимчилик ва турли хил донослар [*кимнингдир кўчма қулоғи бўлиш*] ёки шунга ўхшаш ишлар инсонларга жабрли ва фалажловчи таъсир кўрсатади.

Конституцияга кўра, ҳар бир инсон сўз эркинлигига эга. Ахлоқсиз хатти-ҳаракат тарафдорлари сўз эркинлигидан фойдаланиб ўзларига қарши фикр билдираётналарни тоқатсизликда айблашади. Бу демогогия — ёрлиқ ёпиштиришдир (12.3. — *бандга қаранг*). Бундай услуб улар ўйлагандай Европа қадрияти эмас ва Европа қадриятларини ҳимоя қилиш ҳам эмас.

Асос солувчи ҳимоя — бу ахлоқий тушунчалар тизими ва ижтимоий назорат асосида шаклланадиган ҳимоядир.

Ҳимояга (қўриқлашга) муҳтож бўлган кўплаб объектлар мавжуд. Табиатни муҳофаза қилиш, болаларни ҳимоя қилиш, истеъдодни ҳимоя қилиш, ҳаётни ҳимоя қилиш, шахсни ҳимоя қилиш, ватандошларни ҳимоя қилиш, мулкни ҳимоя қилиш, муаллифларни ҳимоя қилиш, ҳайвонларни ҳимоя қилиш, қадимий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, дипломатик дахлсизлик, ички ва ташқи хавфсизлик, ҳуқуқий ҳимоя, оилаларни ҳимоя қилиш, кексаларни ҳимоя қилиш муҳим (4.0.2. — *бандга қаранг*). Ҳар бир инсон ушбу рўйхатни тўлдириб, у ёки бу ҳимоя қанчалик самарали эканлигини кўриб чиқиши мумкин.

Агар ҳимоя маъмурий ва ахлоқий жиҳатдан таъминланса [*асослантирилса*], уни қониқарли деб аташ мумкин. Асосий ҳимоя - бу ахлоқий тушунчалар тизими ва инсонларнинг бир-бирига нисбатан амалга оширадиган ижтимоий назорати билан шаклланадиган ҳимоядир.

Ҳар бир оқил ватандош бошқалар билан тенг равишда сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга, лекин сайлов ҳуқуқини реал таъминлаш учун зарур шароитларни яратиш масъулиятини ҳеч ким ўз зиммасига олмаса, ҳатто бу ҳуқуқ ҳам фиктив бўлиб қолади. Ватандошлик ҳуқуқларидан фой-

даланиш учун инсон етарли даражада билимли, маълумотли ва тажрибали бўлиши керак. Бу эса инсонга ижтимоий ва маданий ҳаётда ўлчамларни тўғри олиш [*ориентация*] имконини беради. Сайловда иштирок этиш масаласига келсак, кимнинг кимлиги, депутатлар аслида нима ваъда қилаётгани ёки кимни айблаётганини тушуниб етиш керак.

• Истеъдод - бу туғма воқеликдир.

• Талант — бу [*меҳнат ва тиришқоқлик билан*] маълум юксакликка олиб чиқилган истеъдоддир.

Жамиятнинг асосий бойлиги — бу ушбу китобда эҳтиёткорона муносабатда бўлиш лозимлиги қайта-қайта таъкидланаётган ва жамиятимизда ҳали-ҳамон ҳимояси таъминланмаган истеъдоддир. Афсуски, истеъдод куртакларининг сезиларли қисми бола мактаб ёшига етмасдан сўниб қолади, мактабларда ҳам истеъдод эгаларига эҳтиёткорона муносабат приоритет даражасида эмас. Ҳар йили ўнлаб юқори истеъдодга эга бўлган ёшлар мамлакатдан чиқиб кетмоқда. Ўғирликнинг бу шаклини оқлаш ва асослаш учун шириндан-шакар нутқлар сўзланмоқда.

Ривожланган мамлакатларда ақл савдоси (инг. headhunting) тадбиркорликнинг энг даромадли тури саналади.

4.3. ДАВЛАТ

Давлат — бу бир томондан маданий алоқалар, бошқа томондан эса юридик қоидалар билан тартибга солинган макромуҳитдир. Давлат конституцияда назарда тутилган ҳокимият тақсимотига мос келадиган маъмурий тузилмага эга; давлатда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ҳам фаолият юритади.

Шу билан бирга, давлат бу фаолият юритадиган, ўзгариб турадиган, ривожланадиган ёки инқирозга учрайдиган институционал тизимдир; давлат халқининг манфаати учун хизмат қилади ёки халқнинг ҳисобидан [*заракунандалик билан*] мавжуд бўлади.

Давлатни кўриб чиқиш учун етарлича нуқтаи назарга эга бўлишингиз керак.

• Шуни ёдда тутиш керакки, давлат бу - нафақат ҳудуд, иқтисодий макон ва транзит йўлаги, балки маданий макон, коммуникациялар ва яшаш макони ҳамдир.

• Давлат - бу халқаро муносабатлар ва ҳамкорлик субъектидир.

• Давлат — бу ота юрт, она-Ватан, киндик қони тўкилган тупроқ, авлодларни боғловчи орзудир.

Давлатдаги барча конституцион институтлар ва уларга бўйсунувчи ташкилотлар қуйидаги

мақсадлар билан ташкил этилган (ташкил этилиши керак):

• халқни, маданиятни, маданий қадриятларни, табиат ва барча табиий бойликларни, инсонларни ва инсон ҳуқуқларини асраш ва ҳимоя қилиш мақсадида;

• адолатли миллий ва халқаро ҳамкорлик мақсадида;

• инсоний билиш тизимини сақлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида;

• интизом ва сиёсат, маданият ва мафкура, шунингдек, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа қоидаларни мувозанатлаш мақсадида.

Аксарият инсонлар табиатан умумий манфаатларга хизмат қилишни истайдилар ва жамият ривожланиши учун қўлларидан келган ҳамма нарсани қилишга интилишади. Нафақат ўзлари, балки бошқа инсонлар ҳам муносиб ҳаёт кечиришларини, яшаш муҳити сифатида табиат, маданият, табиий бойликлар ва маданий қадриятлар сақланиб қолишини исташади.

Яхши давом этаётган ижобий жараёнлар эҳтиёткорона муносабатни, салбий нарсалар эса ўзгартиришларни талаб қилади.

МАВЖУД ВА ИСТАКДАГИ ҲОЛАТ

Оммавий эътирофга кўра, Эстония демократик, суверен, ҳуқуқий давлатдир. Бироқ бу баёнот очиб берилмаган. Қандай шартлар юзага келганда давлатни ҳуқуқий, демократик ва

суверен деб аташ мумкинлигини билсак яхши бўлар эди.

Бу ерда биз давлатга муаммо сифатида (0.3.3. — *бандга қаранг*) қараймиз. Бунинг учун давлатни тавсифловчи (хусусиятларни) нарсаларни, давлат қандай бўлиши кераклиги ва у ҳозир қандай (нимага эришилган ва ҳали эришилмаганлигини) эканлигини аниқлаштириб олиш керак. Ушбу иккита образни солиштирганда биз давлатда нима яхши эканлигини ва нима ҳали унчалик яхши эмаслигини, нима етишмаётганини ва нима ортиқча эканлигини билиб оламиз.

Инсонларнинг давлатга берадиган баҳоси кўп жиҳатдан мавжуд ҳолатга эмас, балки мавжуд реалликнинг инсонлар кутилмалари, умидлари ва орзуларига қанчалик мос келаётганига қараб белгиланади.

Худди шу хусусиятларга асосланиб биз яқин ва узоқ келажак ҳақида тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин. Шундан сўнг тушунмовчиликларни камайтириш (ёки бартараф этиш) учун амалга оширилиши керак бўлган чора-тадбирлар тизимини яратишни (кучайтириш, мустаҳкамлаш) бошлаш мумкин.

4.3.1. — чизма. Давлатнинг белгилари

Худди шу мантиқ бошқа барча тартибга солиш даражаларига ҳам тегишли. Таърифланган тизимни профессионал тарзда тушуниш ва такомиллаштириш қобилияти ватандош бўлишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Давлат даражасида ўлчамларни олиш учун бу жуда зарур, аммо ватандош бўлиш учун етарли эмас; тартиботнинг бошқа даражаларида нима актуал эканлигини ўйлаб кўриш керак. Анализни енгиллаштириш учун 7.2.1. — чизмага қаранг.

Давлатни қуйидагилар тавсифлайди (4.3.1. — *чизмага қаранг*):

Ҳудуд. Давлатни жўн тушунишда, унга қуруқлик ва денгизлардан ташкил топган кенглик сифатида қаралади. Бунга табиий ресурслар,

сарҳадлар, чегарани ҳимоя қилиш ва ҳудудни муҳофаза қилишнинг бутун тизими қўшилади.

Аҳоли. Эстонияда халқ ва аҳоли ҳақида кенг қамровли маълумот йўқ. Статистика департаменти томонидан тўпланган маълумотлар, улар асосида демографлар тузган график ва жадваллар ёрдамида туғилишлар, ўлимлар, никоҳлар ва ажралишлар сони тўғрисида маълумот олиш мумкин, холос.

Ушбу маълумотларни экстраполяция қилишга (вақт кетма-кетлигининг келажакдаги қиймати ягона кўрсаткичлари асосида ҳисоблаш учун) ҳаракат қилинмоқда. Гўёки ижтимоий ҳаёт стихияли *[фаталь]* кечади, аҳолига эса ер усти ёки ер ости сувлари каби бир ресурс сифатида қаралади.

Ҳақиқатда эса, инсонларнинг ўз фикр ва ҳиссиётлари бор, инсонлар яратади, қарор қилади, тадқиқ этади, ўйлайди, мақсадлар қўяди, бу мақсадларга эришиш учун воситаларни танлайди, тамойилларни ўрнатади ва ахлоқсиз ҳаракатларга чек қўйиши ҳам мумкин. Инсонлар ўз хулқ-атворини ўзгартириши мумкин. Буларнинг барчаси экстраполяция ёрдамида инсонлар билан боғлиқ жараёнларни башорат қилиш мантиқий эмаслигини англатади.

Демография фан ҳисобланмайди. Фан, функционал ва сабабий боғлиқликлар тизими ва уларнинг таъсирланиши ҳақидаги саволни қўйишдан бошланади, сўнгра алоқаларни излаш асосида “нима учун?” деган саволга жавоб излаш мумкин бўлади.

Аҳолишунослик ҳақидаги фан кўплаб саволларга жавоб бериши керак. Демографлар “нима учун?” каби саволларга жавоб изламайди, улар фақат мавжуд ҳолатни тавсифлайди. Тавсиф фақат илмий тадқиқотнинг олд қисмидир. Тавсифлар муаммоларни шакллантириш учун керак *[ечим учун тавсифнинг ўзи етарли эмас]*.

Маъмурият *[Администрация]*, даражага қараб марказий ёки маҳаллий бўлиши мумкин. Маъмурият ўз-ўзини тартибга солиш тизими ишламайдиган ҳолларда, яъни: оммавий ҳокимиятни амалга ошириш, тартиб ўрнатиш ва сақлаш, меҳнат тақсимотини ташкил этиш, шунингдек, муассасалар, ташкилотлар ва шахсларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш, конституцияда назарда тутилган ҳокимиятларнинг бўлиниш принципини таъминлаш кабилар учун зарур.

Марказий маъмурият, яъни депортаментларни ўз ичига олган ташкилотлар давлатда вертикал тартиботни таъминлаши керак (юқоридан-пастга - давлат даражасидан шахсгача, ватандошлик даражасида — яна юқорига, шахсдан институция раҳбариятига қадар). Давлат ташкилотлари қуйи ташкилотларга (депортаментларга) давлатда содир бўлаётган жараёнлар, ҳодисалар ва моддий қадриятларга таъсир қилиш имкониятини яратиб бериши керак.

• Институтция - бу давлатга оид, иқтисодий, сиёсий, бадиий каби ижтимоий тартиб ёки анъаналардир. Тиббиёт, таълим ва умумий маънода оила ҳам институциялардир.

• Эстонияда: Рийгикогу, Президент, Ҳукумат, Эстония банки, Давлат назорати, Ҳуқуқ канцлери, Давлат суди кабилар конституциявий институтлар ҳисобланади.

Муҳими, давлат ташкилотлари фақат руҳсат берадиган, тақиқлайдиган ва буйруқ берадиган органга айланиб қолмаслигига эътиборли бўлиш керак. Халқ амалдорларга хизмат қилишга мажбур эмас, лекин амалдорнинг бурчи халққа хизмат қилишдир. Конституцияда халққа кўп ҳуқуқлар берилган, мансабдорларнинг бурчи эса барчага ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш учун тенг имкониятлар яратишдан иборат.

Горизонтал тартибга солиш турли даражаларни қамраб олади. Давлат даражасида, урушдан олдин *[иккинчи жахон уриши]* президент давлат оқсоқоли деб аталган; давлат уездлардан иборат бўлиб, уларга уезд оқсоқоллари раҳбарлик қилган. Уездлар эса волост ва шаҳарлардан ташкил топган. Волостга волост оқсоқоли, шаҳарга эса шаҳар мери бошчилик қилган. Шаҳарнинг ҳар бир қисмида ўз оқсоқоли, қишлокда ҳам қишлоқ оқсоқоли бор эди.

Оила ҳам тартибот даражаларидан бири бўлиб, оилада қилинган ёки қилинмаган барча ишлар учун оила бошлиғи жавобгардир. Ҳақиқатда, ижтимоий назарияда оила ва жамиятни тартибга солиш ҳали ҳеч қандай тарзда йўлга қўйилмаган (7.2. — *бандга қаранг*).

Халқаро муносабатлар субъекти. Бу ролда давлат субъект (фаол бошланиш) бўлиб, бошқа

давлатлар ва халқлар билан нормал муносабатларга эришиши, шунингдек, мустақиллик ва эркинликни таъминлаши керак. Давлат раҳбарлари ҳам давлат мустақиллигини асрашлари ҳамда ўз зиммаларига олган мажбуриятларни тўғри бажариш учун қўлидан келган барча ишни қилишлари керак. Афсуски, турли кўринишдаги иттифоқчилик давлат суверенитети ҳисобидан ён беришларга олиб келади. Яккаланиб суверенитетни сақлаб қолиш қийин (ва баъзан имконсиз), аммо ҳар қандай ҳарбийлаштирилган иттифоқларга қўшилиш қарамликка олиб келади. Афтидан, бу парадоксга кўникиш керак.

Коммуникация макони. Давлат коммуникация майдони (6.0. — *бандга қаранг*) сифатида турли информацион каналларига эга. Жумладан, радио, телевидение, газета, журнал ва бошқа босма оммавий ахборот воситалари, интернет, оғзаки мулоқот каналлари ва бошқалар.

• Конституцияга кўра, халқ кўп ҳуқуқларга эга.

• Мансабдорларнинг бурчи - ҳар бир инсонга ҳуқуқларидан фойдаланиш учун тенг имкониятлар яратишдир.

• Халқ мансабдор шахсларга хизмат қилишга мажбур эмас; мансабдор шахснинг вазифаси халққа хизмат қилишдир.

Коммуникация - бу ўзаро активликни назарда тутадиган алоқа, ўзаро активликсиз

коммуникация фақат информация етказишга айланиб қолади. Хабарлар чиқарилган бўлса-да, лекин бу хабарлар олинганми ёки йўқми, улар қандай қабул қилинганлиги, улар эътиборга олинганлиги, улар қанчалик тушунилганлиги ва ҳаракатларни режалаштиришда ҳисобга олинганлигини аниқлаш учун мониторинг ўтказилмаса, бу коммуникация эмас, оммавий ахборот ҳизмати ҳисобланади (6.0.2. — *чизмага қаранг*).

Бундай ҳолда хабар информацияга айланганми ёки йўқлиги ҳам маълум эмас. Коммуникация тизими давлат ривожланишининг зарурий шарти ва шу билан бирга, ривожланиш даражасининг кўрсаткичидир.

Иқтисодий макон. Ишлаб чиқариш, истеъмол, молия сектори (бюджет, солиқлар, имтиёзлар, молиявий инвестициялар), банклар, қурилиш, савдо, транспорт ва бошқалар, шунингдек, улар ўртасидаги алоқалар иқтисодий тартибот объектлари ҳисобланади. Иқтисодиёт - бу абстракция, нисбий рақамлар тизимидир. Иқтисодиёт ҳар қандай фаолиятнинг зарурий шарти бўлиб, ривожланиш даражасининг кўрсаткичларидан биридир.

Ўзини ватандошдек тутмоқчи бўлган инсон шундай даражага етиши керакки, у фақат иқтисодиёт билан шуғулланиб, айнан шу иқтисодиётни йўлга қўйиш ва ривожлантириш мумкин эмаслигини англай олиши лозим. Иқтисодий муваффақиятга эришиш учун иқтисодиёт боғлиқ бўл-

ган ҳамма нарса (!) билан шуғулланиш керак. Тизимсиз фаолият самарали бўлмайди. Жамиятда ҳеч бир омил якка ўзи иқтисодий ўсишни таъминлай оладиган даражада кучли бўла олмайди. Шу билан бирга, ҳар бир омил шунчалик кучлики, унинг йўқлиги қолган ҳамма нарсани маъносиз қилиши мумкин. Мисол учун, агар ишчиларга кулгили иш ҳақи тўланса, юқори самарадорликка эриша олмайсиз - инсонлар қўл учида ишлайди ёки тарқаб кетади. Аввало, профессионаллар кетишади, қолганлар эса самарали фаолиятга қодир бўлмайди.

Жамиятшунослик фанларининг таназзули (қисқартирилиши) билан тахминан бир вақтда профессионал ўқитиш фикцияга айланиб қолди. Бугунги кунда аниқ бўлиши керакки, ходимлар квалификациясини ошириш курслари ҳисобига пулни иқтисод қилиш охир-оқибат қайғули ҳолатга олиб келади (ҳаётийлик кучини йўқотишгача олиб келиши мумкин). Давлатдаги иқтисодий турғунлик, оммавий эмиграция ва туғилишнинг пасайишига сабаб бўлади (13 — *бандга қаранг*).

• Фақат иқтисод билан шуғулланиб, иқтисодиётни йўлга қўйиш ва ривожлантириш мумкин эмас.

• Иқтисодий муваффақиятга эришиш учун иқтисодиёт боғлиқ бўлган ҳамма нарса (!) билан шуғулланиш керак.

Маданий макон инсоннинг фикрлаш тарзи ва хулқ-атворини (5 — *бандга қаранг*), шу жумладан, муносабатлар ва ўзаро таъсирни (6.1. — *бандга қаранг*) тартибга солувчи қадриятлар, меъёрлар, афсоналар, ясоқлар, тутумлар ва муносабатлар орқали шаклланади. Миллий маданиятнинг марказида она тили жойлашган бўлиб, унинг атрофида ҳамма нарса гўзал ва ўзига хос, уйғун, завқли ва бир бутундир. Маданият ҳар бир қараш ва тегиниш, табассум ва хўрсиниш, ҳайрат ва қўрқувда кўринади. Маданий алоқа ўтмишни, бугунни ва келажакни тушуниш, хабардор бўлиш ва бир вақтнинг ўзида юқорида тилга олинган қадриятларни бир-бири билан ёнма-ён сақлаш имконини беради.

Ватан — бу биз дунёдаги энг яхши яшаш макони деб биладиган, муқим қолиш ва яшашни ҳоҳлайдиган, асраш ва ҳимоя қилишга интиладиган жой. Ватан муқаддасдир. Ватанга зарар етказилмайди, у ҳисоб-китоб манбаси бўлиши мумкин эмас! Мустақилликка эришиш йўлида бебаҳралик, азоб-уқубатли ҳаёт кечирилди, лекин бузуқлик ва аҳмоқлик ҳеч қачон йўлчи юлдузга айланмайди деган эътиқод ҳамиша сақланиб қолди.

Бошқа мамлакатлардаги турмуш даражасидан унчалик паст бўлмаган, ўртача иш ҳақи ва пенсия олувчиларнинг эҳтиёжларини қондирадиган ҳаёт сифатини мақбул деб ҳисоблаш мумкин. Бундай юртни фахр билан Ватан десангиз арзийди.



4.3.2. — чизма. Давлатнинг фаровонлик факторлари

Алоқа. Ҳар бир ватандош нималарга эришилгани ва раҳбарият томонидан нималар режалаштирилаётгани, турли соҳалар, ҳудудлар ва тармоқларда инсонлар ўз вазифаларини қандай уддалаётгани ҳақида маълумот олиш имкониятига эга бўлиши керак. Ҳар бир ватандош нафақат яхши кетаётган нарсалардан хабардор бўлишга, балки юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарлардан ҳам бохабарликка, шунингдек, ўз фаолиятининг натижаси ва оқибатлари ҳақида ҳам, ташқи кучлар таъсиридан ҳам хабардор бўлишга ҳаракат қилиши лозим. Ориентация олиш учун прогнозлар ва сценарийлар (тахминий келажак ҳақида тасаввурлар) керак бўлади.

Тўғри ва қайта алоқа. Инсоф даражасида, халқ манфаати учун қабул қилинган барча қарорлар ва уларнинг натижаси ва уни амалда татбиқ этиш учун бошланган ("чиқиш" деб аталувчи) жараён, кейинги жараёнлар учун "кириш" сифатида мос келадиган жараён ёки қарорлар тизимини шакллантиради. Бунинг учун жараёнлар ва қарорлар, тўғри ва қайта алоқага эга бўлиш керак. Акс ҳолда, курсни ушлаб қолиш қийин кечади ва мақсадга йўналтирилган фаолиятдан айтарли самара бўлмайди. Ўз-ўзини тартибга солиш ҳам қайта алоқасиз ишламайди. Тўғри алоқа бўлмаса – ўйланганлик, қайта алоқа бўлмаганда эса – бошқарувчанлик қобилияти йўқолади ва бутун жамият инқирозга юз тутиши мумкин (6.2. — *бандга қаранг*).

ТАРТИБОТНИ УЗИБ БЎЛМАЙДИ

Шуни ёдда тутиш керакки, агар давлатда тартибот даражаларидан бири бўлмаса, унда бўшлиқ вужудга келиши мумкин, бунинг натижасида давлат самарали бўла олмайди.

Маъмурий ислоҳот ҳақида гап кетганда, Эстонияда асосан бошқарув даражаси ва мансабдор шахслар сонининг камайиши ёки уларнинг бошқа лавозимга кўчирилиши, шунингдек, маъмурий бирликларнинг бирлаштирилиши-бўлиниши кабилар назарда тутилади. Аслини олганда, Эстонияда 2017 йил амалга оширил-

ган маъмурий-ҳудудий ислоҳотлар натижасида, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари тугатилди десак муболаға бўлмайди. Кўп жойларда маданий бўшлиқлар пайдо бўлди ва бу маҳаллий идентитетнинг йўқ бўлиб кетиш таҳдидини вужудга келтирмоқда.

Эстония Республикаси Конституцияси (154-модда):

• Маҳаллий ҳаёт ва уни ташкил этишнинг барча масалалари билан, қонунлар асосида ташкил этилиб, мустақил фаолият юритадиган маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари шуғулланади.

Конституцияга кўра маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизими мансабдор шахсларнинг манипуляция объекти эмас, балки мустақил субъект ҳисобланади. Эстонияда ўтказилган маъмурий ислоҳотлардан кейин бутун маъмурий тизим қасддан аралаштириб ташланганга ўхшайди. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари реформаси сифатида кўрилган Эстония маъмурий ислоҳотлари бутун дунёга: агар жоҳиллар миллий инновацияни амалга ошириш ҳуқуқини қўлга киритса нима бўлишини кўрсатиб берди. Шаҳарларда шаҳар йиғинлари, волостларда волост йиғинлари мавжуд, аммо уездлар даражасида ҳеч нарса йўқ. Бу бўшлиқ туфайли на нормал вертикал, ва на горизонтал тартибот ўз функциясини бажара олади.

Яшаш муҳити, горизонтал ва вертикал тартибга солишнинг бирлиги асосида шаклланади, фақат биттасининг таъсири остида эмас. Ислоҳотчилар уезд даражасидаги ўзини-ўзи бошқариш органи ўрнига суррогат яратишга ҳаракат қилишди, ўзгартиришлар киритилганидан бери бир йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, бу ташкилотнинг ҳуқуқ, мажбурият ва масъулияти ҳали аниқланмаган.

Агар бирор нарсани ўзгартириш бошланса, Эстония катта давлат эмаслигини ва биз катта давлатларга тақлид қилмаслигимиз кераклигини доимо ёдда тутишингиз керак. Бизда йирик давлатлардаги каби лавозимлар, элчихоналар, вазирликлар ва, умуман олганда, кичик давлатларда одатдагидан уч-тўрт баравар кўп мансабдор шахслар бўлмаслиги керак.

Афсуски, мансабдор шахсларга эҳтиёж ортиб бормоқда [*ҳудди гиёҳванд моддаларга қарамлик сингари*], чунки лавозимда ўтирганлар ўзларига юкланган вазифаларни бажара олмаяптилар. Жоҳилларни кўпайтириш билан вазиятни ўнглаб бўлармиди. Мансабдор шахслар ва маслаҳатчилар учун профессионал тайёргарлик имкониятларини яратиш керак. Аниқроғи, мансабдор шахслар ва маслаҳатчиларни мунтазам аттестациядан ўтказиш ҳамда давлат органлари ва идораларини аккредитация қилишни жорий этиш зарур. Канцлерлар мақомини зудлик билан қайта кўриб чиқиш зарур. Канцлерлар, вазирлар ва вице-канслерларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулияти ошкор этилиши керак.

ДАВЛАТ СТРУКТУРАСИ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

Эстонияда мансабдорлар ва депутатлар ўртасидаги муносабатлар ҳали ҳам барча даражаларда аниқлаштириб олинмаган. Конституцияга кўра, ҳокимиятлар бўлиниш принципи таъминланиши керак. Рийгикогу *[парламент]* қонун чиқарувчи институт сифатида нафақат ҳуқуқларга, балки барча конституциявий институтлар ва уларнинг жамият ва давлатга қандай таъсир қилиши устидан олий назоратни амалга ошириш мажбуриятига ҳам эга. Рийгикогу ушбу институцияларнинг раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва (агар керак бўлса) уларни чақириб олади.

Ижро этувчи ҳокимият қонун чиқарувчи ҳокимият олдида ҳисоб беради, аксинча эмас. Ҳукумат парламент олдида ҳисоб бериши лозим. Шаҳар ва волост ҳукуматлари ўз навбатида шаҳар ва волост йиғинлари олдида ҳисобдордир (аслида, шундай бўлиши керак). Аслини қарасак, кўпинча бунинг акси бўлиб чиқади. Нима учун ушбу ҳол содир бўлмоқда, ҳар ким ўзи учун ўйласин.

Эстония авторитар ижтимоий тузумга олиб борувчи йўлда бўлишини истамаган ҳар бир киши қуйидагиларни талаб қилиши керак:

• ватандошлик жамияти тамойилларига содиқликни;

• асос солувчи ватандошлик ҳуқуқларига, шу жумладан сўз ва фикр эркинлигига риоя қилишни.

Марказий ва маҳаллий мансабдор шахслар, қоида тариқасида, жуда катта тажрибага эга ва кўпинча турли курсларда малака оширишади, аммо бир пайдо бўлиб кейин йўқолиб қоладиган депутатлар фаолиятининг зарурий шартлари, нимани билишлари ва нима қилишлари кераклигини камдан-кам ҳолларда тасаввур қилишади. Республика ва муниципал даражада нимага эришиш кераклигини тушуниши ҳақида гапирмасак ҳам бўлади.

Агар раҳбарлик объектлари ва яшаш муҳити моделлаштирилмаган ҳамда муаммолар, ва уларни баҳолаш мезонлари шунингдек фаолият тамойиллари шакллантирилмаган бўлса, унда барча фаолият ихтиёрий-ноихтиёрий равишда дилетантлик даражасида бўлиб қолаверади ва унинг самарасизлигига ҳайрон бўлмаслик керак. Бундай ҳолларда фаолият мақсадга, инсонлар эса мақсадга эришиш учун воситага айланади. Расмийлар молиявий маблағларни тўплайди ва тақсимлайди, тақиқлар ўрнатади ва рухсат беради. Уларнинг кўпчилиги ҳеч нарса ваъда қила олмайди, лекин деярли барчаси қарорларни кечиктириши, шубҳаланиши, мувофиқлаштириш устига яна мувофиқлаштириши, ҳужжатларни бир қутидан иккинчисига ўтказиб шунчалик узоқ чўзиши мумкинки, мурожаат қилган инсоннинг сабри тугайди. Иш юритиш вақтини чўзишда суд органлари мутлақ рекордчилардир.

Ҳудудий даражада маълум бир тизимлар, функционал даражада эса бошқа тизимлар ишлайди, лекин уларнинг ҳаракатлари мувофиқлаштирилиши керак. Эстония авторитаризмга етаклайдиган йўлга тушиб олмаслиги учун ватандошлар зийрак туришлари зарур. Ватандошлик жамиятини мустаҳкамлаш учун бирор нарсани кўп ёки жуда яхши қилишидан қўрқишнинг ҳожати йўқ.

ВАТАНДОШЛИК АКТИВЛИГИНИНГ ШАРТЛАРИ

Халқ ижтимоий ва маданий ҳаётда иштирок этишни ҳоҳлаши табиийдир. Бироқ иштирок этиш - ташриф буюриш ва эшитувларда қатнашиш билан юзага келади. Муҳокамаларда чинакам (ҳазил эмас!) қатнашиш ва ўз нуқтаи назарингизни билдириш ҳамда ўзингизни ватандош сифатида ҳис қилиш учун маънавий ҳуқуқли бўлиш даражасида компетентликка — қулоқ солишга арзийдиган ва фикри билан ҳисоблашилиши керак бўлган субъектга айланишингиз керак.

NB! *Профессионаллик албатта зарур, лекин ҳалол, адолатли ва изчил бўлиш ҳам муҳим.*

• Ҳар бир инсон жамоатчилик ишлари соҳасида тайёргарликдан ўтиши керак!

• Акс ҳолда конституциявий ҳуқуқлардан, жумладан, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан фойдаланиш мумкин эмас.

Агар бирор киши ўзи билан бошқалар ҳисоблашишини истаса, биринчи навбатда, ҳеч бўлмаганда иштирок этишни ҳоҳлаган соҳасидан хабардор бўлиши ва билимини шакллантириш учун жиддий ҳаракат қилиши керак (1.7. — *бандга қаранг*).

Жамиятда ўлчамларни олиш ва содир бўлаётган воқеалар тўғрисида фикрлар, баҳолар, таклифу истакларни тасаввур қилиш учун ҳар бирининг камчиликлари ва афзалликларини ҳисобга олган ҳолда, мумкин бўлган энг майда вариантларни биргаликда ўйлаб кўриш керак. Шундан сўнг фойдасиз вариантларни рад этиш ва қолганлари орасидан энг яхшисини танлаш қийин эмас. Танланган вариант, албатта, имкон қадар тез, сабаб ва афзалликларини аргументлаб қисқа ва аниқ тавсифланиши лозим.

Аслида, бутун аҳоли ўзини ватандошлар каби тутиш ҳуқуқига эга, аммо қарорларни шакллантиришда иштирок этиш учун зарур тайёргарлик ва хабардорлик мавжуд эмас экан, бу ҳуқуқ фиктив бўлиб қолаверади.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ИШЛАМАЙДИ, АГАРДА . . .

Юқорида нима учун тўғри ва қайта алоқасиз давлат ўзини-ўзи тартибга солиб, назорат қила олмаслиги ҳақида гапирилди. Жамиятнинг бошқа қисмлари ва қуйи тизимлари ҳақида ҳам

шундай дейиш мумкин. Тўғри ва қайта алоқа йўлга қўйилмаган бўлса раҳбарлар йиғилишлар ўтказиш, маблағларни тақсимлаш, рухсат бериш ёки рад этиш, табрик сўзлари айтиш, янги қурилган қурилиш лойиҳаларини очиш, турли мусобақаларга бориш ва инсонлар нима билан банд эканини кўриши мумкин, холос. Буларнинг барчаси ташқи кўринишдир, моҳият эмас.

Депутат ва амалдорлар ҳар доим банд бўлиб, у ёки бу жойда ниманидир тузатишга ҳаракат қилаётгандай кўринишлари мумкин, шунингдек, уларнинг фикрича, чегарадан чиққан барча ҳуқуқбузарларга маърузалар ўқиш йўлга қўйилгандир. Лекин ушбу мансабдорларнинг ҳеч бири ҳеч нарсага масъул эмас. Улар малакасизлиги ва қобилиятсизлиги кўриниб қолишидан ташқари бошқа ҳеч нарсадан қўрқмайдилар.

Механик тизимлар (масалан, буғ машинаси) негатив қайта алоқа туфайли ўз-ўзини тартибга солиш билан ишлаши мумкин; ижтимоий тизимларда эса ҳам салбий, ҳам ижобий тескари алоқа муҳим: яхши ишлаётган нарса мустаҳкамланиши, муҳофазаланиши ва ҳимояланиши керак. Оқибатлари номақбул бўлган ҳаракатларни тўхтатиш ва тартибсизликлар тузатилиши керак - “қачондир ёки эҳтимол” эмас, балки дарҳол ва белгиланган тартибда! Ҳеч қандай ўз-ўзини тартибга солиш тизими қайта алоқасиз мавжуд бўлиши ва ривожланиши мумкин эмас.

• Яхши ишлаётган нарса мустаҳкамланиши, муҳофаза қилиниши ва ҳимояланиши керак.

• Номақбул оқибатларга олиб келадиган фаолият тўхтатилиши керак.

• Нимаики бетартиб бўлса тузатиш керак.

Раҳбарликнинг объекти жараёнлар бўлиши мумкин (2.9. — *бандга қаранг*). Давлатга (завод, шаҳар ёки ташкилотга ҳам) раҳбарлик қилиб бўлмайди. Давлатдаги (шаҳар, бўлим ва ташкилотлардаги) баъзи *жараёнларга* раҳбарлик қилиш мумкин.

Давлат шунчаки коммуникация, ҳуқуқий, маданий ва иқтисодий макон эмас, балки ўзига хос (барқарор) қонуниятлари асосида фаолият юритувчи, ўзгариб турадиган ва ривожланиб борувчи тизимдир. Барча қонунлар қонуниятлар билан намоён бўлади. Инсонлар жамиятда содир бўлаётган воқеаларга озгина (вақти-вақти билан жуда кучли) таъсир кўрсатиши, шу жумладан, бирор нарсага дастак бўлиши ёки тўсқинлик қилиши мумкин.

Давлат ички ва ташқи омилларга боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатиши, ўзгариши ва ривожланиши мумкин. Уларнинг баъзилари ошкора намоён бўлади, баъзилари яширин, баъзилари бевосита, баъзилари билвосита, маҳаллий ёки глобал миқёсда таъсир кўрсатади.

4.4. ХАЛҚ

Аҳоли — бу ер юзидаги ёки маълум бир ҳудудда - қитъада, мамлакатда, минтақада ёки қандайдир маъмурий-ҳудудий бўлинмадаги инсонлар популяцияси ёки йиғиндисидир. Аҳоли — миллий таркиби, ёши, жинсий, тиббий, маърифий, таълим ва бошқа структураси, шунингдек, меҳнатсеварлиги, криминогенлиги, образи, стил ва ритми, ҳаётий кучи, мобиллиги, интеграцияси, туғилиши, оқилликда яшаган йиллари, умиди, ўзига ва келажакка ишончи билан тавсифланади.

Халқ - бир ҳудудда (мамлакатда, минтақада) яшовчи инсонлардир. Тили, турмуш тарзи, дини бирлашган инсонларни ҳам халқ деб номлашади. Эстон халқининг аксарияти Эстонияда яшайди, аммо кўплаб эстонияликлар Финляндия, Россия, Швеция, Канада, АҚШ, Австралия ва бошқа давлатларда ҳаёт кечирадилар. Бирлаштирувчи хусусияти умумий тафаккур ва интилишлар бўлган жамоалар ҳақида, шунингдек, баъзи характерли белгилари билан ажралиб турадиган халқлар ҳақида гапириш мумкин: шимолий, ўрмон ёки тоғли халқлар, кўчманчи, шаҳар ёки қишлоқ, туб халқлар ва меҳнатсевар халқлар, қардош халқлар, насронийлар, мусулмонлар ва бошқа халқлар ҳақида гапириш мумкин.

Халқ - бу инсонлар жами:

- **қандайдир ҳудуднинг катта қисмини эгаллайди;**

• бир хил этник мансублик, тил, маданият ва дин вакилларидан иборат жамоа сифатида ўзларининг бирлиги ва ўзига хослигини англайдилар.

4.4.1. — чизма. Халқ

Миллат - инсонларнинг этник келиб чиқиши; идентитет — яъни шаклланишида тил, маданият, эътиқод, тарихий тажриба, анъаналар ва бошқалар роль ўйнайдиган умум танилмадир. Миллат, кўпчилик ўйлаганидек, биринчи навбатда қариндошлик ришталари билан белгиланмайди. Миллат - бу субъектнинг ўзини атрофидаги инсонлар билан боғлашга ҳизмат қиладиган (идентификация қиладиган) ўзтанилмасидир. Миллий ўзлик англанишини шакллантириш ва сақлашда - яшаш муҳити, шу жумладан, таълим ва тарбия, урф-одатлар, ахлоқ, анъаналар, қадриятлар, меъёрлар, афсона ва

табулар, шунингдек, фазилатлар ҳақидаги юксак ғоялар асосидаги тажрибалар шаклланадиган барча институциялар муҳим роль ўйнайди. Миллат ва миллатга дахлдорлик туйғусининг шаклланишида эътиқод ва эътиқод қилиш, рамзлар ва кодлар муҳим рол ўйнайди (2.3. — *бандга қаранг*).

Давлатда ўз ҳуқуқлари, бурчлари ва мажбуриятларига эга одамлар яшайди (4.3.1. — *чизмага қаранг*).

ОЛИЙ ҲОКИМИЯТ ЭГАСИ

Халқ - бу шунчаки солиқ тўловчи эмас. Олий ҳокимият эгаси сифатида халқ шу қадар билимли, маълумотли ва тажрибали бўлиши кераки, ватандош (ўз-ўзини ва жамиятни бошқариш субъекти) сифатида муҳокамаларда иштирок этиш, қарорларни шакллантириш ва ушбу қарорларни амалда татбиқ этишда қатнашганлигини (оммавий) оқилона деб аташ мумкин бўлсин, шунингдек, натижалар сифатини баҳолашда, фойдани тақсимлашда, янги инвестицияларни режалаштириш кабиларда иштирок этиш учун маънавий ҳаққи бўлсин. Айни пайтда аҳолининг кўпчилиги ҳақида айтишимиз мумкинки, улар ижтимоий-маданий масалаларни ҳал этишда худди ҳўкизнинг ўрнига чивиннинг дала ҳайдагани каби иштирок этмоқда.

Эстония Республикаси Конституцияси (1-модда):

• Эстония эркин, мустақил ва демократик республика бўлиб, давлатда олий ҳокимият эгаси халқ ҳисобланади.

Мазкур китобда, махфийлик, айланма “бирдамлик”, англанган эътирозлилик ва нопрофессионалликни келтириб чиқарадиган, ижтимоий хавфли ҳодиса сифатида - авторитетларнинг асослантирилмаган тузилмаси ҳақида бир неча бор фикр юритилди. 1980 йилларнинг охирида биз Эстонияни шундай бир давлат сифатида қура бошладикки, унда авторитетлар тузилмаси асослантирилиши ва ҳамма нарсада очиқлик ҳукм суриши лозим эди. Кейин нима бўлди? Ҳокимият тепасига партиялар келди. Партиялар шу кунгача рулда ва яқин келажакда ҳеч кетиш нияти йўқ. Агар жамоатчиликни аҳмоқ қилишга йўналтирилган кампания ўтказиш технологиясига эга бўлсанг, ҳокимиятда қолишнинг ҳеч қийин жойи йўқ, гарчи бу жуда қимматга тушса-да.

Агар партия мажлисларида фақат ҳақиқат айтилса ва сайловларда номзодини қаерга тавсия этаётганини тушунадиган инсонларгина қатнашса, сайлов кампанияси анча арзонга тушган бўларди. Шунда сайлов олдидан тез-тез телевизорда порлаб саҳнага чиқадиганлар, спортчи, актёр ва телебошловчи каби машҳур инсонларни излаш ва сайлов кампаниясига жалб қилишга эхтиёж қолмасди. Бундай усуллар

ёрдамида жамланган кадрлар билан тўлдирилган парламент, кўпинча ҳукумат кўрсатмаларига қулоқ тутадиган, резина муҳр вазифасини бажаради, холос. Бу муаммо ҳақида бир неча бор айтилган ва ёзилган. Афсуски, имтиёзларга ўрганиб қолган мансабдор шахсларнинг айланма бирдамлиги *[солидарлиги]* шунчалик кучли, ватандошларнинг онгли фаоллиги эса шу қадар заифки, оқибатда ҳаммаси ўзгаришсиз қолмоқда.

Қанчалик баландпарвоз туюлмасин, лекин ҳақиқатдан ҳам парламент, ҳукумат ва бошқа конституциявий институтларнинг муқаддас бурчи — бу халқига хизмат қилишдир, (аслида, шундай бўлиши керак!)

Ўзининг сўзамоллиги билан танилган Уинстон Черчилл: "Агар бирор нарса овоз беришга боғлиқ бўлганда, сайловлар аллақачон таъқиқланган бўлар эди", деган эди.

Ҳокимият имтиёз эмас, балки залварли юк эканлигини ва у жиддий масъулият билан бирга келишини тушунадиган, сайланишга ярокли инсонлар топилгандагина сайлов амалга оширилиши мумкин. Сайланган киши ўз ақли билан бутун давлатни, инсонларни ва кўп сонли жамоаларни, ҳаётни ва яшаш муҳитини қамраб олиш ва тушуниш имкониятига эга бўлиши керак. У ўз халқига садоқат, масъулият ва виждонан хизмат қилишга, уни асраб-авайлаш ва ҳимоя қилишга тайёр бўлиши лозим.

• Конституцион сайловлар бир хил бўлиши кераклиги ҳақидаги талаб, сайлов тартиботи ҳамма учун тенг татбиқ этилиши лозимлигини англатади.

• Сайловларни шаффоф ўтказиш орқали сиёсий фирибгарликнинг олдини олиш мумкин.

Агар ҳар бир шахс [*халқ*], сайлов ҳуқуқига давлат келажагини қамраб оладиган реал ва жиддий масъулият эргашиб келишини ҳис қилса ва Республика сайлов комиссияси Конституция асосида: сайлов, ўз вақтида (60-*моддага мувофиқ*) умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов принципи асосида, яширин овоз бериш йўли билан ўтказилаётганини англаб етса, сайловларни ўз мақсадига эришган деб ҳисоблаш мумкин.



4.4.2. — чизма. Сайловларни ўтказиш шартлари

НОМЗОДЛАР ҲАМ, САЙЛОВЧИЛАР ҲАМ МАСЪУЛИЯТЛИ БЎЛИШИ КЕРАК

“Ягона кўринишда” тушунчаси сайловда ҳар бир сайловчининг битта овозга эга эканлигини англатмайди [*бу билан, ҳар бир сайловчи бир овозга эгалиги инкор қилинмаяпти, мазкур тушунчанинг кенг эканлиги таъкидланмоқда*], лекин у барча сайловчилар ўзини бир хил тутиши кераклигини билдиради: сайлов участкасида шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиш, сайлов бюллетенини олиш, кабинада ўз хоҳишини белгилаш ва сайлов қутисига бюллетенни ташлаб қўйишдаги тенгликни англатади. Тамом. Беморлик ёки бошқа сабабларга кўра сайлов участкасига кела олмаганлар уйига сайлов қутиси олиб борилади. Уйда ўтказиладиган сайлов жараёни ҳам айнан Конституцияда кўрсатилганидек ўтиши керак. Бу ердаги “яширин” сўзи сайлов бюллетенини тўлдираётган сайловчининг овоз бериш вақтида у билан бир бинода бўлган бегоналарнинг таъсирига тушиб қолмаслик учун ёлғиз бўлиши кераклигини билдиради.

Агар бу талаблар амалда бажарилмаса (бажариш истаги бўлмаса), Конституцияга ўзгартиришлар киритиш ва очиқ сайловлар тамойилини жорий этиш зарур. Унга кўра сайловчиларда бир бирининг кимга овоз берганини кўриш имконияти пайдо бўлади. Ушбу чора, шунингдек, оммавий манипуляция ва фирибгарликнинг олдини олади.

Халқ ҳам журналистлар билан бирга талабчан бўлиши ва қандайдир ҳийла-найранглар билан овоз тўплаш ва ҳокимиятни (ноқонуний йўл билан) ўзлаштирмоқчи бўлган турли компанияларни партия сифатида кўрмаслиги керак. Барча депутатлар сайлов рўйхатига киритилиши учун уларнинг тайёргарлиги депутат иштирок этиши керак бўлган масалаларда мазмунли қатнашишга имкон беришини шаффофлик билан исботлаши керак.

Партия ҳокимиятни қўлга киритгач, сайловолди ташвиқоти вақтида эълон қилинган нарсага мутлақо тескари йўлни танлаган ҳолатларга ҳозиргидан кўра мутлақо бошқача муносабатда бўлинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Амалиёт шуни кўрсатадики, коррупционерлар (4.5. — *бандга қаранг*) учун - хоҳ депутат бўлсин, хоҳ мансабдор шахс бўлсин - аргументларнинг аҳамияти йўқ, чунки улар бошқа ишлар билан банд, қолганлари эса буларнинг барчаси уларнинг иши эмасдек кўрсатишга ўргатилган.

ҚАЕРГА ИНТИЛИШ КЕРАК?

Агар жамиятга, жамоаларга, сиёсий партияларга лоқайдлик, очкўзлик, фирибгарлик, ғийбат, бурун тиқиш, алдов, бадхулқлик, бўҳтон, ёлғон, номақбул ишларни яшириш, асослантирилмаган авторитетларга кўнгил қўйиш кабилар таҳдид солаётган бўлса, бу иллатларни бартараф

этишга киришиш керак. Аввало, паст ниятли инсонларнинг ҳеч бири яна қонунчилик органлари, давлат ва халқ вакиллигига суқилиб кирмаслигига ишонч ҳосил қилиш лозим.

Ватандошлик жамиятида аҳоли ўзини кирлардан тозалашга интилади ва тозаликни таъминлайди. Аниқлик, ҳалоллик, жасорат, қадр-қиммат, мўътадиллик, камтарлик ҳам худди шундай эътиборга лойиқдир.

Ушбу китобда биз, персонал масъулиятга - компетентликка эришиш ва уни сақлаб қолишнинг зарурий шарти сифатида қараймиз. Жамият ҳаётини ҳар бир вазиятда, тартибот, бошқарув ва раҳбарликнинг барча даражаларида персонал масъулият чиндан ҳам ҳисобга олинадиган тарзда ташкил қилиш тартиби аниқлаб олинган бўлмаса-да, ҳар сафар парламентнинг навбатдаги чақириғи депутатлари ўзидан олдинги депутатлардан кўра кўпроқ мамлакат келажаги ҳақида ўйлайди ва шу тамойилни жорий этади деб умид қилишдан бошқа чора йўқ.

Агар персонал масъулият тамойилига риоя қилинса, бирор нарсани ташкил этадиган, у ёки бу тарзда ҳаракат қилишни маслаҳат берадиган муайян шахснинг номи ва мақомидан жамоатчилик хабардор бўлиши керак. Агар унинг маслаҳати расман нормага айланган бўлса, лойиҳа муаллифи киритилган ўзгартириш билан бирга келадиган натижалар ва оқибатлар учун ҳам жавобгардир. Бу қонун лойиҳаларига - улар-

нинг муаллифларига ҳам, уларга ўзгартиришлар киритганларга ҳам тегишли. Умуман олганда, ҳар қандай дастур ва лойиҳалар учун ҳам юқорида назарда тутилган қоидалар тегишли бўлиши керак.

Агар ватандошлар ирода кўрсатишса, эгаси бўлмаган фаолиятни тўхтатиб қўйишлари мумкин!

Агар тартиботнинг ҳар бир даражасига персонал масъулият тамойили татбиқ этилса, натижада, компетентлик (билим — тажриба - информацияланганлик бирлиги) тамойили шаклланади — нотўғри қарор эгалари, жиддийлик билан ўқиш ва чуқур ўйлашга ёки истеъфо беришга мажбур бўлади; фаолият натижасида етказилган зарар учун эса ўз чўнтагидан товон пули тўлаши керак бўлади.

Персонал масъулият принципи ўрнатилмаган бўлса, компетентлик принципи ҳақида фикр юритиш маъносиздир.

Агар мамлакатда персонал масъулият ва унга эргашиб келувчи компетентлик тамойиллари жорий этилса, ўқитувчининг жамиятдаги мавқейи сезиларли даражада ошади, чунки янги, янада компетентли авлодга эҳтиёж пайдо бўлади. Шунингдек, таълим сифатига қўйиладиган талаблар ҳам ортади, чунки мактабга бориш ва ўқув дастурини ўзлаштирганлигини тасдиқлов-

чи ҳужжат ўз аҳамиятини йўқотади, мутахассис ва генералист бўлиш зарурати биринчи ўринга чиқади. Сифатли қарорларни шакллантириш ва уларни амалга оширишга ҳақиқий тайёрлик баҳоланади. Ҳеч нарсага боғланмаган курсларни ўташнинг ўзи етарли бўлмайди - профессионал ва лавозимга йўналтирилган тайёргарлик бирлигига, шунингдек, мутахассислик бўйича ўқитишга эҳтиёж пайдо бўлади.

Ўзини эркин ва мустақил, муҳофазаланган, севилган ва ҳимояланган ҳис қилган инсон, ўз навбатида, давлатини ҳимоя қилиш ва қўриқлашни, меҳнатсевар, ҳалол ва адолатли бўлишни ҳоҳлайди. Ахлоқий тутумларга тўғридан-тўғри эришиб бўлмайди. Агар бундай тутумларнинг пайдо бўлиши учун мос муҳит ва шароит яратилса, улар ўз-ўзидан пайдо бўлади.

Бундай ҳолда, ҳар бир институция ва ташкилот ривожланишининг муқаррар шарти бўлган ўзаро тўйинтириш тамойили ҳам қарор топиши мумкин. Ижтимоий ҳаёт анча тез ривожланади, агар инсонлар ва ташкилотлар муваффақиятга эришиш учун ўзаро манфаатли шарт-шароитларни ярата бошласа, самарали қарорларни тайёрлаш ва амалга ошириш, хатоларни топиш, уларнинг пайдо бўлишига олиб келган сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳам мумкин бўлади.

ФИКР ЮРИТИБ ВА ТАФАККУР ҚИЛИБ АҚЛЛИ БЎЛИШ МУМКИН

Рақобат эмас, ҳамкорлик олдинга ҳаракатлантиради (12 — *бандга қаранг*). Ҳамкорлик нафақат билим туфайли, балки билим, кўникма ва тушунишнинг бирлиги туфайли ривожланади (9.0. — *бандга қаранг*). Ўқигани учун эмас, фикр юритгани ва англагани учун доно бўлишади. Бундан ташқари, тажрибани англаш орқали ҳам доно бўлиш мумкин, бунга эса олдиндан кўра билиш ва таниб олиш қобилияти эргашиб келади.

Рақобат эмас, ҳамкорлик олдинга ҳаракатлантиради!

Шунингдек, биз хатолардан қочишимиз, уларнинг сабабларини кўришимиз ва мақсадга мувофиқ, мос суръатда ва етарлича самарали ҳаракат қилиш имконини берадиган нарсаларни излаш, ўйлаш ва кашф қилишимиз мумкин.

Қониқишни оширишнинг икки йўли мавжуд - эҳтиёжларни камайтириш ёки имкониятларни кенгайтириш. Яхшиси, бир вақтнинг ўзида иккита йўлни тутиш, лекин бировларнинг маслаҳатига асосланиб эмас, балки мияда шакллантирилган аниқ кўзлов билан ҳаракатланиш тавсия этилади.

Аҳолининг ватандошлик жамиятига айла-

нишини таъминлаш учун сезиларли даражада кўпроқ ҳаракат қилиш керак бўлади.

Ҳар бир инсон ўзини-ўзи бошқариш ва ижтимоий бошқарув субъекти бўлиши ва бўлишни ҳоҳлаши учун нима қилиш керак? - бу саволга ягона ва ҳамма учун мутлақо мос жавобни топиш қийин.

Бу ерда турли омиллар бор ва уларнинг ҳар бири ўз вазнига ҳамда турли инсонлар учун турли маънога эга.

Аҳолининг воқеликка мос аҳволи ва келажакда биз кўришни ҳоҳлайдиган хусусиятларини белгилашдан олдин, аҳолитарошлик жараёнларида иштирок этиш учун ҳар бир киши ўзи ва бошқалар нимага қодирлиги, нимани билиши, нима қўлидан келиши ва нимани ҳал қила олишини - якка ўзи мустақил ва барча биргаликда фаол қўзғалиш, [*субъект*] сифатида тушуниб етиши керак. Бугунги кунда Эстонияда келажакнинг бу идеали оёққа туриш босқичида.

ХАЛҚ НИМА ҚИЛА ОЛАДИ?

Агар давлат тўғрисида, шунингдек, давлат ва муниципал тартибот тўғрисида (қўшма муҳокамалардан ўтган ва тасдиқланган) тушунча [*кўзлов*] мавжуд бўлса, сиз қандай қилиб ва ниманинг эвазига кўзланган босқичга ўтиш мумкинлиги ҳақида ўйлашни бошлашингиз мумкин?

Қуйидагиларни ҳал қилиш керак:

• Қандай қилиб ватандошлик мактаби ва халқ таълим марказлари тармоғини яратиш керак?

• Компетентлик тамойилини қандай қилиб давлат даражасига чиқариш мумкин?

• Халқ ўқув марказларидаги таълимни юксак ғоялар, идеаллар, қадриятлар ва меъёрлар билан қандай боғлаш мумкин?

• Жамият муаммоларига жон куйдирмайдиганларни халқ ўқув марказларига қандай яқинлаштирмаслик мумкин?

• Халқ таълими марказлари кимлар ҳисобидан сақланиши керак?

• Халқ таълими маркази тармоқлари қачон тайёр бўлиши керак?

• Халқ таълими марказлари қандай ўқув дастурига амал қилиши керак?

• У ерда қандай ўқув қуроллари бўлиши керак?

• Давлатни умумқамровчи таълим инфотизимини қандай яратиш мумкин?

• Қандай қилиб инсонларда профанлик даражасидан ҳаваскорлар (дилетант, маълум бир соҳани бироз биладиган) даражасига кўтарилиш ва кейин билимдон (мутахассис ва генералист) бўлиш зарурлиги тушунчасини шакллантириш мумкин?

• Ва ҳоказо.

Бугунги кунда жамият ва маданиятда юз бераётган жараёнларни тушуниб етишга ёрдам

берадиган адабиётлар ҳам, ўқув дастурлари ҳам йўқ. Ўзини виждонли ватандош деб биладиган инсонлар бу ҳолатни нормал деб ҳисобламайди. Теран фикрлайдиган инсон тушунадики, нимани бошқариш кераклигини билмаган ва муайян жараёнларнинг бориши нимага боғлиқлигини тасаввур қилолмайдиган инсонлар ватандошлик жамияти учун фойдали бўла олмайди. Инфратузилма ва мақсад нима эканлигини, мақсад ва воситалар ўртасидаги боғлиқлик қандай пайдо бўлишини билмаган, жараёнларнинг ички мантиғини тушуниш салоҳиятига эга бўлмаган инсон тинимсиз ўрганиши ва фикрлаши керак. Акс ҳолда, бундай инсонлар фақат раҳбарликнинг жуда муҳимлиги ҳақидагина гап қилишлари мумкин, аммо ҳеч қандай мантиқий асослантирилган иш қилишга қодир бўла олмайдилар (*11-бандга қаранг*). Улар шунчаки бу нарсалардан жуда ва жуда узоқдадирлар.

Агар бошқарув, раҳбарлик ва жамият мавзусидаги ўқув матнлари бўлса, инсонлар уларни ҳеч бўлмаганда кутубхоналарда, клубларда, таълим муассасаларида ўқиш ва ўрганиш имкониятига эга бўлар эди. Халқ ўқув марказларида ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг қандай тузилганини: бизда қандай, қўшниларимизда-чи, нима сабабидан у ёки бу ерда ёмон ёки яхши, кўп ёки ортиқчалигини муҳокама қилиш мумкин бўлар эди. Шунда инсонлар ўз ҳаёти-борлиғига таъсир қилувчи омиллар тизими ҳақида ўйлай бошлашлари мумкин эди.

• Ватандош ижтимоий бошқарув субъекти сифатида ўсиши ва ривожланиши мумкин.

• Ватандош умр бўйи ватандош бўлишни ўрганади, акс ҳолда ватандошлик ҳуқуқлари фиктив бўлиб қолади.

Биз ўзимизни ақл ўргатувчи қилиб кўрсатмоқчи эмасмиз, фақат асосий нарсага эътиборни қаратиш ва инсонларни ватандош сифатида шакллантириш йўли ва омиллари ҳақида бутун давлат ва маҳаллий ҳокимият идоралари даражасида ҳам расмий ҳуқуқий, ҳам мазмун нуқтаи назаридан ўйлашга ундаш истаги бор, холос. Ватандошликни туғилиш билан олиш мумкин. Ватандошликни ўзида тарбиялаганларга ҳам бу мақом берилиши (ўзлаштирилиши) ва, агар улар бунга лойиқ эмаслиги аниқланса, олиб қўйилиши мумкин (1.6. — *бандга қаранг*).

ҒАЙРИАХЛОҚИЙ ХУЛҚДАН ҚУТУЛИБ ҚОЛИШ МУМКИН

Ёлғончи ўзини эркин ҳис қила олмайди — унинг юрагини оғриқ тарк этмайди ва эртами-кечми уялади. Ёлғон ўз тўрига тортаверади, ахлоқий қадриятлар ҳақидаги хотиралар - виждон азобига, ҳақиқатни фаолроқ яширишга ва ёлғонлар тўрига янада чувалашиб қолишга олиб келади. Ахлоқсиз инсон учун орномус, қадр-қиммат, фазилат каби тушунчалар

ишлатилмайдиган ва маъноси устидан киноя қилинадиган ёт сўзлардир. Маъмурий усуллар ёрдамида ёлғондан қутулиб бўлмайди.

• Маъмурий усулларни қўллаб ёлғондан қутулиш мумкин эмас.

• Ватандош ҳар бир нарсани ўз номи билан аташни ўрганиши зарур, акс ҳолда камчиликлардан халос бўлиш, ахлоқий хулқ-атвор асосларини мустаҳкамлаш имконсиздир.

Ёлғончини, нима бўлганда ҳам ёлғончи деб аташ керак, худди ўғрини ўғри, жирканчни жирканч дегандай. Ватандош ҳар бир нарсани ўз номи билан аташни ўрганиши керак, акс ҳолда камчиликлардан халос бўлиш, ахлоқий хулқ-атвор асосларини мустаҳкамлаш имконсиз бўлиб қолаверади. Ботир инсон ҳотиржам яшайди!

Ёлғон, ўғирлик ва алдов билан ҳисоблашилмайди. Чунки улар маданий одатлар эмас.

Ўз қоидаларини ва либерал деб аталмиш қадриятларни татбиқ этиш орқали баъзи “ғаразли кучлар” инсонларнинг оммавий муҳокамада қандай иштирок этишни, ўз фикрини айтишга журъат этмаслигини, ҳоҳламаслигини, билмаслигини таъминлашга умид қилган кўринади. Гарчи улар буни ва кимнинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётганини аллақачон тушунган бўлсалар ҳам.

Агар ватандошлар ўз мамлакатини демократик ҳуқуқий давлат сифатида сақлаб қолиш-

ни истасалар, ахлоққа зид хатти-ҳаракатлар оммага эълон қилинишига эришиши ва умумий саъй-ҳаракатлар билан ахлоқсиз ҳаракатларга чек қўйилиши керак.

Ҳокимиятни эгаллаб олишга ва ҳокимият тузилмаларини асоссиз равишда кенгайтиришга уринишларни ўз вақтида пайқаш учун ҳушёр туриш керак бўлади!

4.5. СИЁСАТ

Сиёсат — бу жамиятни тартибга солишнинг барча даражаларида мақсадга йўналтирилган фаолият тизимидир; шахслар ва гуруҳларнинг ўзликларини тасдиқлаш усули; мулк, ҳокимият ва ҳуқуқ ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш учун мўлжалланган тафаккурий тузилмадир. Ҳар бир маънода сиёсатнинг ўзига хос мазмуни, генезиси, динамикаси ва функциялари бор.

Сиёсат фақат партия фаолиятидан иборат эмас! Сиёсат ҳаётнинг ҳар бир соҳасида муҳим роль ўйнайди. Ички ва ташқи сиёсат, иқтисодий ва ижтимоий сиёсат, шунингдек, таълим, маданият, аҳоли соҳасидаги сиёсат ҳам эътиборни талаб қилади.

• Сиёсат деганда фақат партия фаолияти назарда тутилмайди!!! Сиёсат ҳаётнинг ҳар бир соҳасида муҳим рол ўйнайди.

• Қайсидир маънода ватандошлик позициясига эга бўлган, жамият, она ватани келажа-

гига бефарқ бўлмаган барча инсонлар сиёсат билан шуғулланади.

Қайсидир маънода, ватандошлик позициясига эга бўлган, ўз жамияти ва она юрти келажагига бефарқ бўлмаган барча инсонлар сиёсат билан шуғулланади. Ҳамма жойда ўзгартириш мумкин бўлмаган нарсаларни қандай сақлаб қолиш ва чидаб туриш мумкин бўлмаган нарсаларни қандай ўзгартириш ҳақида ўйлайди - бу тартиботнинг ҳар бир даражасида, ҳар бир ташкилотда, ҳар бир муассаса ва корхонада, шунингдек, оилада ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Сиёсат қуйидаги қонун нормалари ёки ҳужжатларида ўз аксини топади:

• қонунларда, низомларда, фармойишларда, қарорларда;

• шартномалар тузиш ва бекор қилишда;

• лавозимга тайинлаш ёки ишдан бўшатишда;

• ташкилотларни ташкил этиш ва тугатишда;

• дастурий аҳамиятга эга бўлган матнларни яратиш, ўзгартириш ва бекор қилишда;

• белгилар ва символларни тасдиқлаш ёки бекор қилишда.

Сиёсатга куч берадиган манба бу муқобилликдир. Сиёсий фаолият учун ишониш мумкин бўлган ва ишончли инсонлар; инсон ўзини бағишлаши мумкин бўлган идеаллар ва юксак ғоялар; Ватанга, она юртга эҳтиёткорона муносабатда бў-

лиш, шунингдек, халқнинг фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароит ва янада юксалиш дасталарини яхшилашга доир ғоялар; тизимли фикрлаш ва мулоқот қилиш асослари керак бўлади.

Сиёсат — халқнинг ишончи ва ишона олиши, сиёсий раҳбариятни қўллаб-қувватлаши ва уларга нисбатан ҳурмати билан ўлчанади.

Сиёсат нимага боғлиқ? Сиёсатда муваффақиятга эришиш учун тартибга солиш предмети сифатида қабул қилинган тизимлар (ҳодисалар ёки жараёнлар) боғлиқ бўлган ҳамма нарса билан шуғулланиш керак. Сиёсат бир нарса, сиёсий қарорларни амалга ошириш эса бошқа нарса. Сиёсий қарорларни амалга ошириш учун бутун жамиятни қамраб оладиган ва муваффақиятни таъминлайдиган ҳамма нарса билан шуғулланиш керак. Элементлари - ҳуқуқ, иқтисод, маданият, мафкура, таълим ва бошқалар бўлган тизим билан шуғулланиш керак.

Сиёсат хизматида - зарурий жозиба яратувчи ва аҳоли учун тушунарли ҳамда имконли категорияларда шакллантирилган, шунингдек, ватандошларнинг ўзлари ҳам ҳаракат қилса кутилган ва умид қилинган нарсалар амалга ошиши мумкинлигини англатишга ёрдам берадиган мафкура бўлиши керак.

СИЁСАТ ВА ҲОКИМИЯТ

Сиёсий кураш ҳокимиятга олиб келиши мумкин. Ҳалол ва қонуний йўл билан, ўз халқи ва давлатига хизмат қилиш учун олинган ҳокимият энг оғир юкдир. Бу юк жуда муҳим ва айни пайтда хавфли ҳамдир. Ҳокимият - компетентли, адолатли, қатъий, ҳамма нарсага ва ҳаммага эътиборли бўлишга мажбур қилади.

- **Ҳокимият — бу субъектнинг жамият ва маданиятдаги ўрни бўлиб, у бошқалар бажариши шарт бўлган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқини беради.**
- **Сиёсий қарорлар бошқа инсонларнинг ҳаёти ва яшаш муҳити учун жавобгар бўлиш масъулияти билан бирга келади.**

Агар бирор киши тасодифан (асослантирилмай) бирор бир лавозимга келиб қолса, у ҳокимият билан боғлиқ масъулиятни "унутиб қўйиши" ва ҳокимиятга тегишли имтиёзлар ва бошқа неъматларда роҳатланишни бошлаши мумкин. Ҳокимиятнинг инсонни такаббур, бефарқ, очкўз, манман, худбин, тажовузкор, юзаки қилиб қўйиш эҳтимоли катта.

Ҳокимият - бу бурч, ўзингни халқ хизматига бағишлаш учун шарафли имкониятдир.

Ўз-ўзини бошқариш ва ижтимоий бошқарув субъекти сифатида қараладиган ва

ўз мақсадларига эришишни истаган партия қуйидагиларга эга бўлиши керак:

• раҳбарлик, бошқарув, хўжалик юритиш ва алоқларни ўрнатиш бўйича етарли даражада яхши тайёргарлик;

• юқори малака;

• оқилона кўзлов;

• халққа ҳалол хизмат қилиш учун кучли мотивация;

• кенг эрудиция;

• ишончга арзийдиган интуиция;

• ҳурматга лойиқ, адолатли ва шаффоф услуб.

Сиёсий фаолият - билим, кўникма ва тажрибани назарда тутади. Ватандошлик жамиятида ҳар бир ватандош давлат қандай ишлашини билса, бу нормал ҳисобланади. Бу сиёсий фаолият ҳақида билимга эга бўлишни англатади.

Ижтимоий назорат кучсиз бўлса, ҳар қандай жамиятда сиёсатчиларнинг коррупциялашув хавфи мавжуд бўлади.

• Коррупция - бу порахўрлик, мансабдорларнинг нархланиши ҳамда мансабдорлик ҳуқуқлари ва мақомини суиистеъмол қилиш, ахлоқий таназзулдир.

• Коррупционер — бу ахлоқий меъёрларни инкор қиладиган, пора ботқоғига ботган шахсдир.

• Корпорация - бу “умумий манфаатларга” эга бўлган инсонлар жамоасидир.

Мақсади ҳокимият тепасига келиш ва ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳокимиятда қолишни истаган, ўзига хос корпоратив тўда бўлган партиянинг қуйидаги белгиларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

• ўзининг "муваффақият" сирларини ҳимоя қилишга интилиши;

• сайловолди ташвиқоти ҳомийлари учун фойдали бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишини тарғиб қилиш ва уларга зарар етказиши мумкин бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар тасдиқланишига йўл қўйилмаслигига ишонтириш;

• барча турдаги неъматлардан [*ресурслардан*] фойдаланиш учун имконли бўлиши;

• давлат тузилмалари раҳбариятига ва давлат корхона-ташкилотлари кенгашларига "ўз" инсонларини жойлаштирганлиги;

• ресурсларни тақсимлашдаги (давлат бюджетини тузишда, солиқ тизимини "такомиллаштириш"да ва ҳоказоларда "биринчи скрипка"ни ўйнаш) жонбозлиги;

• давлат кўчмас мулкидан ва давлат буюртмаларидан фойда чиқариш учун зарур бўлган барча нарсаларни ташкил этиши;

• дунё бўйлаб илдиз ("иштирок этиш") отиши;

• ўзига ва дўстларга "бахтли кексалик учун" шароитларни муҳайё қилиши.

5-БОБ. МАДАНИЯТ

5-БОБ. МАДАНИЯТ

Атрофимиздаги дунёнинг марказий масаласи — бу маданият ва унга таянадиган ўз-ўзини тартибга солишдир. Маданиятсиз жамият — бу нонсенс.

5.0. УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

Маданиятнинг кўплаб таърифлари мавжуд. Ҳар бир нуқтаи назар муҳим ва аҳамиятли жиҳатларни ўз ичига олади. Ушбу китобда биз, маданият - бу меъёрлар, фазилатлар, афсоналар, ясоқлар, тартибга йўналтирувчи позициялар ва муносабатлар, шунингдек, тафаккур ҳамда инсон хулқ-атворларини ўзида акс эттирувчи қадриятлар тўплами деган тушунчадан келиб чиқамиз.

Ижтимоий регуляция қатъий белгиланган нормалар асосида амалга оширилади, маданиятдан сизиб чиқадиган регуляция эса ёзилмаган қоидаларга асосланади. Ҳар бир маданиятнинг даврий шаклланган ўзига хос урф-одатлари, маросимлари ва анъаналари мавжуд (5.1. — *бандга қаранг*).

Маданият функциялари:

- **идентитет;**
- **интеграция;**
- **ижтимоий назорат;**
- **таълим;**
- **ижтимоийлашув;**
- **роллар структураси;**
- **мақом структураси.**

Умуминсоний, миллий ва маҳаллий маданият мавжуд — улар турли хил, аммо бир-бирига уйғундир.

ҲАР БИР ИНСОН МАДАНИЯТ НАМОЯНДАСИДИР

Ҳар биримиз жамият аъзоси ва маданиятга вакилмиз. Жамият вакили бўлиш учун тегишли ваколатларга (бош вазир, ташқи ишлар вазири, президентлик каби ваколатларига) эга бўлиш зарур, шу билан бирга, ҳар ким, ҳамиша ва ҳамма жойда — хоҳ Ватанда, хоҳ чет элда бўлсин маданият вакилларидир.

Эстония маданиятини намоён қилиш учун уни билиш керак. Агар Марди пяев (Мартинов куни), шунингдек, Яани пяев (Иванов куни) тадбирлари ва улар билан боғлиқ маросимлар нима эканлиги тушунилмаса, унда эстон маданиятини намоён қилиш қийин. Бу урф-одатларни эндигина эшитган киши, вакил сифатида [*Эсто-*

ниялик бўлса ҳам] қийин аҳволга тушиб қолади. Ушбу урф-одатлар, маросимлар ва анъаналарни ўзлаштирган шахс Эстония маданиятининг вакили бўлиши мумкин. Шундай қилиб, шахсий [*танилма*] тегишлилик қайд этилади.

Идентитет инқирози [*ювилиб кетиши*] (2.3. – *бандга қаранг*) маданиятнинг йўқ қилинишига олиб келади. Маданий алоқалар узилса, у ўз-ўзини тартибга солиш функциясини бажара олмайди ва инсонлар манипуляция объектига айланади. Муаммонинг илдизи айнан мана шу ерда, агар яширин мақсадли ҳалокатга етакловчи жараёнлар ҳақида гапирадиган бўлсак, глобалистларнинг орзулари амалга ошмоқда, чунки улар халққа хос ахлоқ нормаларини рад этишга ва миллий маданият асосларини бузишга муваффақ бўлишмоқда.

Инсонлар маданият намояндаси, бир вақтнинг ўзида жамоа ва оила вакиллари ҳамдир. Эътибор беринг, ҳар бир киши ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз оиласи ёки жамоасининг вакили ҳисобланади. Жамият даражасидаги вакиллик функциясини бажаришда юқоридагилардан фарқли ўлароқ, ваколатли бўлиш талаб этилади. Ваколатга, биринчи навбатда, шартнома тузмоқчи бўлган, ваъда бераётган ёки ҳаммага дахлдор бўлган мажбуриятларни ўз зиммасига олаётган ҳар бир киши эга бўлиши керак.

Шуни инобатга олиш керакки, вакиллик идоравий бўлиши ҳам мумкин. Полиция ходими ҳизмат кийимида бўлмаган вақтда ҳам полиция-

чидир. Офицер ҳар доим офицер бўлиб қолаверади. Маданий алоқаларда ҳизмат кийимининг [*форманинг*] мавжуд ёки йўқлиги аҳамиятли эмас, лекин бундай ҳизмат кийимлари ижтимоий алоқалар учун зарурдир.

Ўқитувчи ҳар доим ўқитувчи, ернинг тузи бўлиб қолаверади. Маданий алоқалар кутилмаларни уйғотади ва ўқитувчи қаерда бўлишидан қатъи назар - мактабда, черковда [*масжидда*] ёки ҳарбий тайёргарлик жараёни бўлсин, ундан ўқитувчи бўлиб қолиш талаб этилади. Эстония маданиятида ўқитувчи ҳар доим ўзига хос абсолют бўлган ва бўлади ҳам.

5.1. УРФ-ОДАТЛАР, МАРОСИМЛАР ВА АНЪАНАЛАР

Урф-одатлар - овқат пишириш ва идиш ювишдан тортиб, боғдорчиликка қадар, кундалик ҳаётда давомий акс этадиган тушунчадир. Илдиз отган урф-одатлар ҳаёт тарзини шакллантиради. Мисол учун, ўғил болалар учун кўк, қизлар учун эса пушти рангдаги адёл бўлиши керак дейилади ва ҳеч ким, аслида, кимга қайси мос келишини ўйламайди. Урф-одатга ўйхотирсиз амал қилинади. Аслини олганда, адёлнинг ранги муҳим эмас, лекин бундай ҳаракатлар маданий маконимизда қабул қилингандек амалга оширилади. Инсон урф-одатларга риоя қилган ҳолда, ўзининг маданий мансублигини (идентитет) урғулайди. Урф-одатларни бузган-

ларга ёв қараш қилиш одат тусига киради ва бу ҳам жамоатчилик назоратнинг бир тури ҳисобланади (*1.0. бандга қаранг*).

Маросимлар - муайян вазиятда ўзини қандай тутиш кераклиги ҳақидаги тасаввурлар, хулқ-атвор стереотипларидир. Масалан, таом олди маросимлари ва тўй маросимлари мавжуд... Маросимларни билиш ва уларга риоя қилиш орқали инсон ўзининг маданий алоқаларини, хушмуомалалик асосида муносабат ўрната олишини ва ўзаро тушуниш принципларини тан оладиган маърифатли инсонлар ҳалқасидан эканлигини кўрсатади. Маросимлар ижтимоий аҳамиятга эга (яъни, бошқа инсонларни ҳам қамраб олади). Маросим хулқ-атвори инсоннинг бошқа инсонларга нисбатан ҳурматини акс эттиради.

Саломлашиш ҳам ҳар бир маданиятда ўзига хос хусусиятларга эга бўлган маросимдир. Айрим жойларда қўл бериб кўришиш қабул қилинган, қаердадир ёноқдан ёки пешонадан ўпилади, яна қаердадир бурунларни ишқалаш лозим. Кўпгина маданиятларда саломлашишга “Ишлар яхшими?” деган савол ҳамроҳ бўлади. Бу саволга узоқ ва батафсил жавоб бериш аҳмоқлик белгисидир, чунки бундай жавоб маросим қоидаларида кўзда тутилмаган.

Қунт билан ҳаракат қилиш ва меҳнатсевар бўлиш барча маданиятларда одат тусига кирган — бу “Эрта турганга Худо беради” деган нақлда ўз

ифодасини топади. Кўпгина оилаларда бир-бирига ёрдам бериш одатдир. Баъзи жамиятларда, масалан, изғиринвозлик қилиш одат тусига кирган (кечқурун олов ёқмасдан, изғиринда, ўтган кунни муҳокама қилиш), шунингдек, овқатдан олдин дуо ўқиб ибодат этишни мисол қилиш мумкин. Кимдир овқатдан олдин, албатта, бир бокал пиво ичади. Айрим жамият ҳайдовчиларида, автоулов бошқариб телефонда гаплашиш ва тезликни ошириш одати бўлса, баъзи жамиятларда эса қонунни инкор қилиш ва доимо ёлғон гапириш одат тусига кирган.

• Урф-одатлар, маросимлар ва анъаналар йиғиндиси ўзида ёзилмаган қоидалар тизимини ифодалайди ва деталларда таърифлаб бўлмайдиган куч орқали инсон идентитетини собит қилади.

• Урф-одатларга ҳурмат ва анъаналарга содиқлик жамоавийлик (“биз”) туйғусининг шаклланиши ва сақланишига ёрдам беради.

• Инсонларда маданий алоқалар айнан шундай шаклланади.

Анъаналар - маълум бир сана шарафига, силсила қоидалари ва кутилмаларга мувофиқ мунтазам равишда ўтказиладиган тадбирлардир. Масалан, Иванова куни ва Мустақиллик кунини нишонлаш анъанага айланган. Анъана тадбирларидан нима кутилаётгани жуда аниқ тасаввур

қилинган тақдирда у давомий яшаб қолади, шу билан бирга, сюрпризлар учун ҳам жой бор, чунки ҳар сафар инсон анъаналардан янги ва ўзига хос нарса кутади. Бундай ҳолларда, анъана чарчатмайди ва зериктирмайди...

Мамлакатимизда, Иванова куни оқшомида инсонлар олов ёқиб рақсга тушишини ҳамма билади, лекин дастурнинг барча тафсилотлари олдиндан эълон қилинмайди. Эстониянинг ўзига хос миллий қўшиқчилик байрами анъанаси, турли вақтларда ҳокимият томонидан тиқиштирилган репертуарга қарамай, уйғониш давридан (XIX аср ўрталари) ҳозирги кунгача эстон маданий идентитетини шакллантириш ва сақлашга ёрдам берди.

Удумлар, маросимлар ва урф-одатлар йиғиндиси ўзида ёзилмаган қоидалар тизимини ифодалайди, улар ёрдамида инсон ўз идентитетини (кимлигини) собит қилади. Урф-одатларни ҳурмат қилиш ва анъаналарга риоя қилиш жамоавийлик (“биз”) туйғусини шакллантиради ва сақлашга ёрдам беради. Айнан шу тартибда инсонларда маданий алоқлар шаклланади.

Ҳар бир муассаса ва корхона, ҳар бир оила, шунингдек, давлат ва халқнинг ўзига хос урф-одатлари, маросим ва анъаналари бор.

5.1.1. — чизма. “Биз” ҳисси идентитет шаклланишининг муҳим омили

ИЖТИМОИЙЛАШИШ - МАДАНИЯТГА КИРИШ СИФАТИДА

Бошқа маданий муҳитга тушиб қолган инсонлар учун ижтимоийлашувни бошдан кечиришнинг бир нечта йўли мавжуд (2.2. - *бандга қаранг*). Интеграция йўлини танлаган инсон ўз урф-одатлари, маросим ва анъаналарини сақлаб қолган ҳолда янги урф-одат, маросим ва анъаналарни ўзлаштиради. Ассимиляция жараёнида эса инсонлар бошқа маданият тилини, тил билан бир қаторда хулқ-атвор стереотипларини ҳам қабул қиладилар [*ўзга маданиятга сингиб кетадилар*]. Ассимиляция ва интеграциялашув учун хоҳиш ёки шароитнинг йўқлиги инсонларни дисси-

дентга (3.3. - *бандга қаранг*) - ўзлари тушиб қолган маданий муҳит урф-одати, маросимларини инкор қиладиган, ўзини намойишкорона тутиб, нуқтаи назари ва тушунчаларини тажовузкор сингдирадиган инсонга айлантиради.

Ижтимоийлашиш ва тарбиянинг бутун жараёни, маданиятга кириш ҳисобланади. Инсон ўзини айни маданият урф-одатлари, анъана ва маросимларига мувофиқ тутса, кутилмаларга мос бўлса, унинг хулқ-атвори қониқарли ҳисобланади. Инсон ўзи ва бошқаларни, яшаш муҳити ҳамда ўзаро муносабатларни қандай қабул қилиши, шунингдек, хоҳишлари, ўйлари ва ҳислари маданият доирасида шаклланади.

5.2. МАДАНИЯТ ВА ТАРБИЯ

Урф-одатлар ва маросимлар асосида инсонларда кимнинг ким эканлиги ҳақидаги тушунчалар шаклланади. Масалан, "Бундай хулқ-атвор эркакка ярашмайди", "Аёллар бундай қилмайдилар", дейишса, бу таъкидлар, фақат бизнинг *[эстон]* маданиятда амал қилади. Эҳтимол, баъзи бошқа маданиятларда аёллар бизда қабул қилинмайдиган нарсаларни бажаришар. Бир маданият учун одатий бўлган нарса бошқаси учун номақбул ҳисобланиши мумкин.

Ота ва онанинг қандай ҳаракат қилиш ёки аксинча, ҳаракат қилмаслик ҳақидаги баёнотлари, биринчи навбатда, оилада ва жамиятда мавжуд

бўлган урф-одат ва маросимларга ишора қилади. Масалан, бола ўйинқароқлик билан гул юлмайди, чунки бу эстон маданий маконида қабул қилинмайди ("чунки она бундай қилмайди"). Биз ҳаётга, табиатга ва гўзалликка ҳурмат билан муносабатда бўламиз.

МАДАНИЯТГА КИРИШ ИЛК ЁШДАН БОШЛАНАДИ

Ота-оналар болаларга ўрнак бўлиш ва йўл-йўриқ кўрсатишда муҳим роль ўйнайди (*2.1. ва 2.2. - бандларга қаранг*). Боланинг тарбияси, туғруқдан олдин ота-онанинг у билан боғлаган мулоқотига, шунингдек, ҳар бир инсон ҳаётида ўз изини қолдирадиган туғуруқ тажрибасига ҳам боғлиқ.

- **Тарбиянинг барча турлари — бу маданиятга кириш жараёнидир.**
- **Боланинг вояга етиши ота-онанинг туғуруқдан олдин бола билан мулоқотига ҳам боғлиқ.**
- **Муҳаббат тарбиянинг зарурий олд шартидир. Муҳаббатнинг муқобили бўлмайди.**

Интуитив равишда биз туғуруқ олди тарбиясининг ҳар бир инсон шаклланишида жуда муҳим роль ўйнашини тушунамиз, аммо бу соҳада натижасининг ишончлилиги шубҳа уй-

ғотмайдиган академик тадқиқотлар жуда кам. Бизга маълумки, ҳаётнинг бу *[туғуруқ олди]* даврида муҳаббат туйғусининг пайдо бўлиши учун зарур бўлган ишонч, эътиқод, ҳурмат, назокат, меҳр ва ғамхўрлик, шунингдек, афтидан, мусиқийлик ва мувозанат куртаклари ҳам шаклланади.

Инсон ҳаётининг дастлабки уч йилини ўз ичига оладиган кейинги даврида, "Уя" деб аталмиш таълим шаклланади (эст. - ҳаридус пеьсаси). Ҳаётнинг учинчи ва тўртинчи йиллари чегарасида инсон ўз она тилини пухта эгаллаши, ўзини ва бошқаларни, яъни "мен" ва "биз"ни аниқ ажратиб кўрсатиши, ҳамда, ахлоқий тушунчаларнинг аниқ тизими ва бажарилиши ихтиёрий ва зарурий бўлган, шунингдек, тақиқланган тартиб-қоидалар рўйхатига эга бўлиши керак.

Бола, ман этилмаган ҳамма нарсага рухсат борлигини англаб етгач, ўзини эркин ҳис қилади ва босқичма-босқич ўз мияси билан фикрлайдиган, шахсий фазилатлари тобора аниқ чизгиларни кўрсатаётган инсон шакллана бошлайди. Тарбия муҳитига мос равишда — урф-одат, маросим ва анъаналарга — қизиқиш пайдо бўлади ва ўсади, ирода ва меҳнатсеварлик кучаяди, меҳр-оқибат, мулойимлик, нафислик ва муҳаббат намоён бўлади. Боланинг ҳис-туйғулари ва фикрлари, одоби ва хулқ-атвори, мулоқот ва фазилатлари образи - меҳнатсеварлик, аниқлик, хушмуомалалик, бирор нарсани қурбон қила

олиш қобилияти, шунингдек, ғалаба қозонган тақдирда ҳам, мағлубиятга учраган тақдирда ҳам ўзини оқилона тута олиш кўникмаси шаклланади.

• Бола “керак” ва “мумкин эмас” тушунчалари нимани англатишини саранжомлаб олган ва ман этилмаган ҳамма нарсага рухсат борлигини тушуниб етган пайтдан бошлаб ўзини эркин ҳис қила бошлайди.

• Агар бу тушунчалар ўзлаштирилмаган бўлса ва фақат рухсат этилган нарсаларни қилиш мумкин бўлса, у ҳолда ҳатто бола ҳам ўзини қул ёки маҳбусдек ҳис қилади.

Агар бола итоат қилмаса, тақиқларни ҳисобга олмаса, буйруққа риоя қилмаса, нарсаларни бузса, бошқаларни хафа қилса ва хавф остига қўйса, шунингдек, кимнингдир шикастланишидан қувонса ва бадхурсанд бўлса нима қилиш керак? Кимдир, эҳтимол, эътибор қилмасликни маслаҳат бериб болага индамаң, ўйнаб қолсин, аста-секинлик билан ўз-ўзидан ўтиб кетади дейиши мумкин. Балки, ўтиб кетмас! Ва одатда ўтиб кетмайди ҳам.

Тарбиядаги хато, “мумкин эмас” ва “керак” тушунчалари ўзлаштирилиши лозим бўлган бола ҳаётининг биринчи ва иккинчи йиллари чегарасида содир этилган деб тахмин қилиш мумкин. Сиз, албатта, сўрашингиз мумкин, ота-оналар ўша пай-

тда қаерда эдилар ва қандай қилиб бола шайтонлайди ва умуман бўйсунмайди? Кўпинча муаммо шундаки, ҳеч ким ўша "эътибор талаб қиладиган вақт" қачон бўлганини сеза олмаган ва ўша "эътибор талаб қиладиган вақт"да нима қилиш кераклиги ҳақида ҳали ҳам тасаввур йўқ. Бошқа ўқувчилар билан бирга таълим олиши хавфли бўлган болалар йил сайин кўпайиб бормоқда.

ЧЕГАРА ВА ЎЛЧАМЛАРНИ ҲИС ҚИЛИШ МУҲИМ

Эстония маданиятида хивчинга нисбатан қўрқувни йўқотган ва бўйсунишни қатъиян рад этган ва тинчланиш ҳақидаги сўзлар таъсир этмай қўйган болага хивчинни қўллаш тарихан одат бўлиб келган. Бу тарбиядаги хатолар туфайли боланинг хулқ-атвор меъёрларини ҳисобга олмаслиги, атрофдаги ҳамма нарсани бузиши, вайрон қилиши ва оғриқ келтириши билан боғлиқ қийин вазиятдан чиқиш йўлидир.

Психолог Тин Отснинг фикрича, бундай қўрқув бузиб ўтиш мумкин бўлмаган чегаралар борлигини тушунишга ёрдам беради.

• Чегарани бузиш енгил оғриқли ҳислар билан бирга кечиши керак, акс ҳолда кичик бола чегараларни бузиб ўтганини сезмайди ва уларни ҳис қилишни ўрганмайди. Агар у ўрганса, вақт ўтиши билан жоиз ва жоиз бўлмаган нарсалар ўртасидаги чегарани тушунади ва келажакда

бу тушунча виждонга, хулқ-атвор нормаларига, ахлоққа айланади. Агар кичкина бола ҳеч қачон печка қопқоғидаги иссиқликни сезмаган бўлса, унга олов қўрқуви номаълумдир. Агар у ҳеч қачон игна билан бармоғини шикастламаган бўлса, ҳар қандай ўткир нарса унинг учун потенциал хавфдир. Буларнинг барчаси, “уя” таълим давридан то уч-тўрт ёшгача хавфсиз концентрацияда сезиши керак бўлган эмоционал оғриқларга ҳам тегишли. Инсон онгида олтита асосий туйғу (ғазаб, қувонч, ажабланиш, қайғу, қўрқув, жирканиш) мавжуд бўлиб, уларнинг намоён бўлишини ақл билан тўхтатиб бўлмайди, лекин маълум бир маҳорат билан уни бостириш ва қисқартириш мумкин. Болага қувонч билан бирга, чидаб бўлмас эйфория, ажабланиш, қўрқув ва даҳшатни бошидан кечиришга имкон бериш керак. Агар бу ҳис-туйғулар боланинг ҳаётига унинг оиласи қуршовида бўлган даврида кирса, у яқинларининг кўмаги билан ўзини ҳис-туйғуларнинг назоратсиз тўлқинидан ҳимоя қилишни ўрганади.

• Хивичдан озгина қўрқиш тақиқ тушунчасининг шаклланишига ёрдам беради. Тақиқ болага мумкин бўлган жазо (оғриқ) ҳақида дастлабки сигнал бўлиши керак. Бола томонидан тақиқлар инкор этилганда, кичик жазо қўллаш таҳдиди тарбия жараёнига ёрдам беради. Шуни билиш кераккки, фақат тақиқ бузилгандагина жазолаш мумкин, лекин буйруққа бўйсунмаганлик учун эмас. Тақиққа итоат этилади, буйруққа бўйсунилади. Агар жазо тақиқнинг бузилишидан кейин

бўлса, у ҳолда бола белгиланган чегаралар кесиб ўтганлигини тушунади. Агар буйруққа бўйсунмагани учун жазоланса, у иродасининг бостирилгани ва бўғилганини ҳис қилади.

• Эстонияда болани тарбиялашда деярли стерил ва оғриқсиз ёндашув кенг тарқалмоқда.

• Бундай ёндашув, болада иммунитетнинг шаклланишига ва юзага келиши мумкин бўлган хавф ва қийин вазиятларни енгиш қобилиятининг ривожланишига тўсқинлик қилади.

• Эстонияда болани тарбиялашда деярли стерил ва оғриқсиз ёндашув кенг тарқалмоқда. Бундай ёндашув ҳаётий иммунитетнинг шаклланишига ва боланинг юзага келиши мумкин бўлган хавф ва бошқа қийин вазиятларни енгиш қобилияти ривожланишига тўсқинлик қилади. Агар бу қобилият бўлмаса, бола онгости тубидан сизиб чиқадиган “ўзини ҳимоя қилиш воситалари” ёрдамида оғриққа реакция беради, улар кўпинча тажовузкор-истерик, айрим ҳолларда эса летаргик (бепарволик, палапартишлик) ёки ҳатто инкор реакцияси билан кечиши мумкин.

ҲАР БИР МАДАНИЯТДА ЎЗГАЧА

Ҳар бир маданиятнинг ўзига хос урф-одатлари бор. Бир маданиятда қўпол кўринган нарса бошқа маданиятда эътибор кўрсатиш намунаси деб ҳисобланиши мумкин.

Масалан, Жанубий Кореяда қулоқсиз болаларнинг думбасига қиздирилган темир босиш кераклиги кўпчиликка маълум. Нима учун? Гап шундаки, маҳаллий маданиятда шундай одат бор. Итоатсиз болага шайтон кирган деб ишонилади ва ота-онанинг вазифаси уни ҳайдаб чиқаришдир. Қадим замонлардан бери жиннинг қиздирилган темир билан ҳайдаб чиқарилиши маълум. Одатда, бундай процедурани бажаришга эҳтиёж йўқ, лекин агар инсонга қиздирилган темир боссангиз, жин уни дарҳол ташлаб қочади деган тушунча мавжуд. Бу билим маданий асарларда яшайди ва уларнинг контекстидаги тарбия, ота-онанинг реал тарбиясидан кўра кўпроқ аҳамиятга эга.

Шимолий халқларда, болалар заиф қарияларни уйдан олиб кетишлари ва қор билан қопланган жарликка ташлашлари шарт. Мазкур маданий норма, болалар ота-оналарини ёрдамсиз ҳолда ташлаб қўймасликларини белгилайди, аслида.

Қадимги Мисрда, ривожланишида нуқсони бўлган ҳар қандай болани тубсизликка ташлаш одати (ота-она мажбурияти сифатидаги маданий меъёр) мавжуд эди.

5.3. МАДАНИЯТ ВА ЖАМИЯТ

Маданиятсиз жамият — нонсенсдир. Атрофимиздаги дунёнинг марказий муаммоси - бу маданият ва унга асосланган ўз-ўзини тартибга солишдир. Агар инсонлар бир-бирига ҳурматни сингдирмаса, бир-бири билан ҳисоблашмаса, ўлчамлари аниқ ва ҳалол бўлмаса, ўз-ўзини тартибга солиш ишламайди. Ўз-ўзини тартибга солиш эса маданият функциясидир.

Функциялар тизими ортида бирор нарсанинг моҳияти очилади.

Маъмурий усуллар воситасида жамият ва маданиятда содир бўлаётган турли жараёнларга аралашиш мумкин, аммо маъмуриятчилик билан ижтимоий, жамоавий, оилавий ҳаётни инсонларга қувонч ва қониқиш олиб келадиган тарзда тартибга солиш мумкин эмас. Жамият контекстидаги бошқарув, аввало унинг (жамиятнинг) ўзини-ўзи бошқариши, зарур шарт-шароитларни яратиш учун керак.

Мақсадли аралашув биринчиси, иккинчи ёки жуда борса учинчисини ҳаракатга келтириши мумкин, аммо ўзгаришлар маданиятга боғлансагина илдиз отади. Агар ўзгаришлар маданият томонидан қўллаб-қувватланмаса, унда мазмунли ва мақсадли тартиботнинг шаклланганлигини кутилган натижа эмас, кўпроқ мўъжиза [*мўъжизалар содир бўлмайди*] деб ҳисоблаш ўринли бўлади.

Маданият ҳаётнинг барча соҳаларига сизиб киради. Йўл ҳаракати маданияти, қурилиш ва савдо маданияти, раҳбарлик ва бошқарув маданияти, мактаб маданияти, парламент маданияти каби маданиятлар мавжуд. Масалан, йўл ҳаракати маданияти деганда нафақат инсонларнинг мавжуд қоидаларни билиши, ҳурмат қилиши, итоати ва уларга риоя этиши, балки йўллардаги бир-бирларига нисбатан ҳурмат туйғуси ҳам тушунилади. Мураккаб маневрни амалга оширишдан олдин, ҳайдовчилар нигоҳлари билан учрашадилар ва барча йўл ҳаракати қатнашчилари вазиятни тўғри баҳолаётганлигига ишонч ҳосил қиладилар. Инсонлар жамоатчилик назорати яхши йўлга қўйилган муҳитда қулай яшайдилар, унга кўра жамият аъзоси ўзини, ўзгаларнинг кутилмаларига мувофиқ тутишга ҳаракат қилади ва қоида бузишни шарафсизлик деб ҳисоблайди.

• Ижодкорлик - субъект ривожининг зарурий шартидир.

• Инсон ривожининг олд шарти эркинлик ва мустақилликдир.

• Эркинликдан фойдаланиш имкониятининг зарурий шарти - бу инсондаги ички тартиб ва ўзаро муносабатлардаги тартибга ҳурмат билан қараш, яъни маданиятлиликдир.

• Маънавият ва авлодлар давомийлиги - маданий алоқаларни шакллантиришнинг зарурий шартидир.

Эркинлик — бу тартиб функциясидир. Тартибсизлик шароитида эркинликдан фойдаланиш мумкин эмас. Интизом - бу тартибга нисбатан ҳурматнинг намоён бўлишидир. Интизом - ҳаётнинг ҳар қандай соҳаси ва тартиботнинг ҳар бир даражасида самарали фаолиятнинг зарурий шартидир.

Маданиятда шаклланган инсон, нафақат машинани бошқаришда, балки бошқа вазиятларда ҳам, жаримадан қўрққанидан эмас, балки муносиб ватандош бўлишни истагани учун ўзини тўғри тутади.

Агар кимдир тезликни ошириб юборса, бу унинг нима қилаётганини билмаганидан эмас. Тинмасдан йўлнинг бир қаторидан иккинчисига тизилиб олавերадиганлар ҳам бошқаларнинг ғашига тегаётганини яхши билишади. Ясама қаҳрамонлик ва қалтис ҳаракат, нафақат машина ролида, балки ҳамма жойда маданиятсизлик ҳисобланади.

МАДАНИЯТНИНГ БОСТИРИЛГАНЛИГИ ВА МАДАНИЙ КОНФЛИКТ

Маданий асослари бузилган ёки маданий пойдевори шаклланмаган инсон учун бошқаларнинг фикри қадрсиздир. Катта ижтимоий силжишлар ортида доимо маданий устунларни кутилмаганда қулатадиган ва ўзига жалб қиладиган катта ижтимоий қарама-қаршиликлар тура-

ди. Кўпинча бундай жараёнларнинг раҳбарлари бошқа ҳеч бир аҳамиятли нарсага интилмайдилар, чунки уларда бирор бир мафкура яратиш учун на маҳорат, на хоҳиш бор.

Хулқ-атворни тартибга солишда, психика (индивидуал хусусиятлар), шунингдек, макромуҳит таъсирида шаклланган гуруҳий алоқалар ва ижтимоий зўриқиш муҳим роль ўйнайди (3.3.-*бандга қаранг*).

Кўриниб турибдики, инсон "поезд"дан (маданий алоқалардан) ихтиёрий тушиб қолганми ёки улоқтирилганми, муҳим эмас - ҳар қандай ҳолатда руҳий тушкунлик сақланиб қолади. Кўпгина ҳолларда, руҳий тушкунлик ҳамма нарса яхши эканлигини ёки ҳеч бўлмаганда бошқалар ўйлаганидан бутунлай бошқача эканлигини кўрсатиш истаги билан келади. Бунинг учун инсон ўзини намойишкорона тутиши ва шу қадар жасур бўлиб кўриниши керакки, ҳатто бутун дунё билан курашиш - маданий қадриятлар, меъёрлар, афсоналар ва табуларга эътибор бермасликка тўғри келади.

Урф-одат, маросимлар ва анъаналарни билиш ва ҳурмат қилиш одатий барқарор вақтда табиий масала. Ўтиш даврида эса тартибга солиш тизими ва инсон хатти-ҳаракатлари ўзгаради.

• Вируслар организм учун қанчалик хавфли бўлса, мафкуралар ҳам жамият учун шунчалик хавф туғдириши мумкин.

• ОИТС каби баъзи ахлоқсиз мазмунга эга конструкциялар ҳам жамиятни емириб ташлайди.

Негадир маданий тушкунлик ва маданий низоларни бошидан кечирган инсонлар ҳамма жойда ўзларини деярли бир хил тутади. Масалан, баъзи минтақалар йўлларида ҳаракатланиш пайтида, ҳайдовчилар хулқ-атворидаги кемтиклар юзага сизиб чиқади. Аммо баъзи соҳаларда бундай *[агрессив ва нигилистик хулқ-атвор]* назарга илинмайди, чунки инсонлар апатик бўлиб қолади ва кўпчиликка аралашмайди, шунчаки фаолиятсизлик қиладилар.

Вируслар организм учун қанчалик хавфли бўлса, мафкуралар ҳам жамият учун шунчалик хавф туғдириши мумкин. Албатта, жамиятнинг ўзига хос ҳимоя механизмлари ва иммун тизими мавжуд, аммо улар йўқ қилиниши, жамиятда эса иммунитет танқислиги пайдо бўлиши мумкин. ОИТС каби жамиятни қандайдир ахлоқсиз мазмунли конструкциялар йўқ қила бошлайди. Агар бирор бир манипуляция орқали диспозиция тизими (*2.0. — банд ва 5.3.1. - чизмага қаранг*), шу жумладан, қадрият ва меъёр, урф-одат, маросим ва анъаналар тизими йўқ қилинган бўлса, бу ҳамма жойда - ишда, кўчада ва ётоқда ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

5.3.1. — чизма. Маданият функциялари

Маданиятнинг қиймати йўқ ва у айирбошланмайди — мазкур қоида бутун жамиятдан тортиб, ҳар бир ватандошгача тегишлидир. Маданият - тасвирий санъат, музейлар (ва бошқа ёдгорликлар), алоқа, таълим ва илмий муассасалар, шунингдек, оила ва жамиятнинг қўллаб-қувватловида бўлиши керак. Маданий алоқаларга эътиборсизлик қиладиган жамиятлар аянчли ҳаёт кечиришга маҳкумдир.

Агар умуминсоний, миллий ва маҳаллий маданиятлар ўзаро боғлиқлигини йўқотса ва биргаликда фаолият кўрсатмаса, тарбия тизими вайрон бўлади, кейинчалик эса таълим ҳеч қандай наф бермай қўяди. Тарбия ва тажрибадан айрилган - таълим, тажриба ва таълимдан айрилган - тар-

бия каби маъносиздир. Билимли ва қобилиятли, лекин ўз идеалларига эга бўлмаган, маданиятни, шу жумладан, инсоний ғамхўрлик ва муҳаббатни эътиборсиз қолдирадиган кўпгина инсонлар бор - бундай инсонлар шунчаки хавфлидир.

ТУШУНЧАЛАР МАДАНИЯТ КОНТЕКСТИДА ШАКЛЛАНАДИ

Маданий қадриятлар тизими марказида тил туради.

Маданиятни қўллаб-қувватловчи барча санъат намуналари (мусиқа ва шеъриятдан тортиб наср ва тасвирий санъатгача), бадиий ифоданинг барча турлари - гўзаллик, шакл, ритм, сукунат, бутунлик, абадийлик... инсоннинг қалбига таъсир қилади ва инсонларни бир-бирига боғлайди. Дин ва диний билимлар (*8.1. — бандга қаранг*), инсонларнинг муддатли ва муддатсиз, ҳозирги ва абадий, умумий ва конкретни ажратиб олишида роль ўйнайди, шунингдек, абадийлик ва коинот ўлчамларида ўзларининг аҳамиятсизлигини тушунишга ёрдам беради.

Ақл, теран фикр, меҳнатсеварлик, тиришқоқлик, вазминлик, ҳалоллик, адолатлилик, мулойимлик, камтарлик, мўътадиллик ва бошқалар маданиятнинг функциялари бўлиб, улар туфайли биз яшаётган маъно муҳити шаклланади.

5.3.2. — чизма. Маданият моҳиятини англаш йўли

Меъёрни, идеалларни, оптимал ечимни, мувозанатни ушлаш йўлини, гўзалликни ҳимоя қилиш усулларини тушуниш, шунингдек, чегарадан чиқмаслик ёки лозим топилганда ундан чиқиш қобилияти маданият контекстида шаклланади. Гўзал ва хунук, ахлоқий ва ахлоқсиз, тўғри ва нотўғри, ўринли ва номақбул - буларнинг барчасини инсон маданий алоқалари туфайли тушуна олади.

Поклик, аниқлик, ютуқларни тан олиш, муваффақият учун ўзаро шарт-шароитларни яратиш каби маданий феноменлар ташкилот-

нинг нормал фаолиятида катта аҳамият касб этади. Инсонларнинг бир-бирига муносабати, ўзаро ҳисоблашиши, бири иккинчисини тўлдириши, илҳомлантириш, рағбатлантириш каби масалалар буйруқ билан ҳаракатга келтириб бўлмайдиган маданият феноменларидир.

ҚАДРИЯТЛАР ВА ФАЗИЛАТЛАР

Қадриятларни тавсифлашда ҳеч бўлмаганда қуйидагиларни урғулаш керак:

• қадриятлар ҳақида гапирганда қайси қадриятлар назарда тутилганини аниқлаб олиш керак. Ахир фирибгарнинг ҳам ўзига хос қадриятлари бор;

• қадриятлар фақат нормалар билан биргаликда кучга эга;

• қадрият-нормаларга қўшимча равишда афсоналар ва ясоқлар, яъни юқори қийматлар ва юқори нормалар ҳам мавжуд. Афсоналар - бу муҳокама қилинмайдиган қадриятлар, ясоқлар эса муҳокама қилинмайдиган нормалардир.

• Афсоналар — бу баҳслашилмайдиган қадриятлардир.

• Ясоқлар ҳам баҳслашилмайдиган нормалардир.

Қадриятларни қиёсий муҳокама қилиш қулай, уларни аҳамиятлилигига қараб жойлаштириш мумкин, аммо бу тартиб ҳар кимда

турли хил бўлади. Хулқ-атвор диспозицияларнинг бутун тизимига боғлиқ. Қадриятлар ва нормалар билан бир қаторда афсона ва ясоқлар, тутумлар ва муносабатлар, идеаллар ва юксак ғоялар ҳам ҳисобга олиниши керак. Нима учун ва нима сабабдан инсон ўзини у ёки бу тарзда тутишини ҳеч ким ҳеч қачон аниқлай олмайди. Шахс ўйлайди, яратади, очиб беради ва инкор этади... Диспозициялар тизими элементларининг аҳамияти - роль, шароит, ҳолат, вазият, шунингдек, мақсадларга ва ҳоказоларга боғлиқ.

ДИСПОЗИЦИЯЛАР ТИЗИМИ



5.3.3. — чизма. Диспозициялар модели

Инсоннинг хулқ-атвори унинг маънавий фазилатлари билан белгиланади. Яхши тарбия кўрган инсон қалбан фазилатли бўлади. Фазилатлар тизими тарбиянинг асоси ва идеали бўлиши мумкин эди. Афлотун[4] давридан бери ақл, мўътадиллик, мардлик ва адолат асосий фазилатлар деб ҳисобланади. Эзгулик қарор топиши учун ёлғон, зўравонлик ва бемаъниликка қарши курашишга тайёр бўлиш ҳам фазилатдир.

ИНСОН ВА ТАФАККУР МАДАНИЯТИ

Ушбу китобда биз инсонни кўп ўлчамли субъект сифатида тақдим этамиз. Худди шу тарзда биз фаолият ва яшаш муҳитини ҳам кўриб чиқамиз, яъни кўп ўлчамли муҳитда кўп ўлчамли субъект категориялари асосида фикр юритишга ҳаракат қиламиз. Бу жуда мураккаб ва шунинг учун ҳам инсонлар соддалаштира бошлайдилар ва бу табиийдир. Афсуски, соддалаштиришга ҳаддан ташқари берилиб кетишади.

Шахсни унинг мулоқот маданияти, хулқ-атвор маданияти, билим маданияти, меҳнат маданияти, ишлаб чиқариш маданияти, бошқарув маданияти, тафаккур маданияти ва ҳоказолар тавсифлайди. Бу тушунчалар ҳали шаклланиш босқичида.

---

[4] Бу масала билан чуқурроқ танишишни хоҳловчилар Афлотун, Аристотель, қадимги юнон стоиклари ёки Александр Гавард асарларини ўқишлари мумкин.

Инсонлар бир вақтнинг ўзида бутунни ва деталларни (масалан, ўрмонда нафақат дарахтларни, балки қўзиқоринларни, мохларни, қушларни, ҳайвонларни, экологик тизим, элементлар ва қуйи тизимлар — барча қисмларни ҳам) кўришни зарур деб билишлари уларнинг маданий алоқаларига боғлиқ. Улар умумлаштира ва конкретлаштира оладими, ҳамма нарсани ҳаракатда ва статикада, яъни жараён сифатида кўриб чиқа оладими ва шу билан бирга, ҳодиса ёки нарса сифатида муҳимни аҳамиятсиздан, ҳақиқийни туюлганидан, сабабни оқибатлардан ажрата оладими? Булар тизимли фикрлашнинг зарурий шартларидир.

• Тушуниш, фикрлаш давомида келади.

• Ўзаро тушуниш мулоқот жараёнида шаклланади.

Фикрлаш маданиятини умум қўллаб қувватланадиган талабчанлик тавсифлайди, бу эса муҳим бўлган нарсаларга юзаки қарашга имкон бермайди. Ҳақиқий ватандош бугунги кунни талқин қилишда — ўтмишни англашга, келажакни оз бўлса-да кўра олишга ҳаракат қилади.

ФАЗИЛАТЛАР –
АХЛОҚАН ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ МУМКИН БЎЛГАН СИФАТЛАР

ТЎРТ АСОСИЙ ФАЗИЛАТ:

1. ДОНОЛИК (ФАЗИЛАТЛИ ТАФАККУР)
2. МЎТАДИЛЛИК (МАҚСАДЛИ ОЙДИНЛИК)
3. ОДИЛЛИК
4. ЖАСУРЛИК

КУЙДАГИЛАР ХАМ ФАЗИЛАТЛАРДИР:

- САДОҚАТ (СОДИҚЛИК)
- СОБИТ ТУРИШ (ЎЗГАРМАСЛИК)
- ЖОНФИДОЛИК
- ҒАМХЎРЛИК
- ФИДОКОРЛИК
- Х, У

МИЛЛИЙ ЭЛИТА- РУҲАН КУЧЛИ ВА ОЙДИН, ҚАЛБАН ҒАМХЎР ВА ИЛИҚ

5.3.4. — чизма. Фазилатлар

Тушуниш ўқиш орқали эмас, балки фикрлаш орқали келади. Ўзаро тушуниш эса мулоқот жараёнида шаклланади. Мулоқот дейилганда, субъект-субъект муносабатлари орқали вужудга келадиган маданий алоқалар назарда тутилади. Инсоннинг ўзи ҳамма нарсани оқилоналик асосида ўйлаб топишга қодир, лекин агар у тизимни ва унинг элементларининг бир-бирига боғлиқлигини тушуна олса, ўзининг ва бошқаларнинг тажрибасига таяниб, уни кўриш, эшитиш ва муҳрлаб қўйиш имкониятига эга бўлади. Ҳеч ким ўз-ўзидан ҳамма нарсани ўйлаб топишга қодир эмас. Шунинг учун аввал тўпланган билимларни қадрлаш ва танқидий таҳлил қилмасдан, ҳеч нарсани кўр-кўрона қабул қилишнинг фойдаси йўқлигини ҳисобга олиш керак.

6-БОБ. МУЛОҚОТ

6-БОБ. МУЛОҚОТ

Мулоқот — бу шундай жараёнлардан бирики, уларнинг аксарияти [спонтан] ўз-ўзидан кечади. Сиз фақат яшаш муҳити контекстидаги муносабатлар ва мулоқотнинг моҳиятини тушунишингиз мумкин.

6.0. УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

Олдинги бобда (5.3. — *бандга қаранг*) айтилганидек, маданий қадриятлар тизимининг марказида тил туради. Тил мулоқотнинг зарурий шартларидан биридир. Тил мулоқот қила олмайди, шахс мулоқот қилади. Агар қаршингиздаги инсон жуда катта фарқ билан ажралиб турса, маданий алоқа пайдо бўлмайди, у ҳолда коммуникациянинг ҳам иложи йўқ. Субъектлар етарли даражада ўхшашлик мавжуд бўлгандагина мулоқот қилишлари мумкин, лекин, шу билан бирга, мулоқот қанчалик кўп маъно ва мазмунга эга бўлса, суҳбатдошларнинг хусусиятлари ва фарқлари шунчалик кўп бўлади.

• Текст — бу муайян маънога эга бўлган белгилар ва символлар тўпламидир.

• Контекст — турли метатизимларда шаклланган сўз ёки ибораларнинг аҳамиятидир.

• Субматн — сатрлар орасига яширинган, интуитив тарзда тушуниладиган фикр.

• Матности - идеаллар ва юксак ғояларни урғулаш хусусияти.

• Чиқинди матн - миш-мишлар, демогогик баёнотларни ўз ичига олган матн. Чиқинди матннинг ҳимоя қўрғони — ёлғон маълумотлардир.

Китобнинг олдинги бобларида бир фикр айтилган эди. Тилларнинг аралашиб кетиши билан нима содир бўлиши маълум, бу ўзаро тушунишнинг йўқолишига олиб келди. Ватандош учун сўзларнинг аниқ маъносини билиш жуда муҳим, акс ҳолда у муҳокамаларда ва қарор танловида қатнаша олмайди. Тушунчалар мазмуний [*семантик*] моделларни (назарияларни) тартибга келтириш ва моҳиятни тушуниш учун ҳам зарурдир.

КОММУНИКАЦИЯ, МУЛОҚОТ, МУРОЖААТ

Фақат субъектларгина ўзаро мулоқот қилиши мумкин. Агар кимдир бошқани (ёки иккаласи бир-бирини) манипуляция объекти деб ҳисобласа, у ҳолда мулоқот ўрнини мурожаат (6.0.1. — *чизмага қаранг*) эгаллайди. Мулоқот қилиш учун кутилмаларга мос равишда топқирлик билан гапириш, ёзиш ва ҳаракат қилиш керак. Муносабатлар маданий алоқаларга асосланган бўлса, янада тушунарли бўлади.



6.0.1. — чизма. Мулоқот ва мурожаат

Коммуникация оғзаки ва ёзма, тўғридан-тўғри ва воситалар орқали бўлиши мумкин. Коммуникацияда тил ва мослашиш, тон ва темп, вақт ва макон, эътиқод ва ишонч, патик алоқада эса (ҳеч бўлмаганда симпатия, эмпатия, компатия. 3.3. — *бандга қаранг*), ҳиссиётлар ва ўйлар, қадриятлар ва меъёрлар, афсоналар ва ясоқлар муҳим аҳамият касб этади (5.3. — *бандга қаранг*).

6.0.2. — чизма. Коммуникация жараён сифатида

Субъектнинг бирор нарсани бошқаларга етказиш истаги коммуникация жараёни моделида тасвирланган тизимни шакллантиради. Коммуникация жараёнида ҳар қандай матн (ёзма хабар, оғзаки нутқ, йўл белгилари, девор ёзувлари ва бошқалар) яратувчиси коммуникатор, бу матн кимга йўналтирилган бўлса, адресат (реципиент) деб аталади. Субъект, устматн ва остматн, шу-

нингдек, контекст ва аҳамиятли бўлган матнлар яратади. Матнни яратиш, узатиш ва қабул қилиш воситачилик омилларига боғлиқ. Бундай омилларнинг камида тўрт тури мавжуд - семантик, техник, ижтимоий ва индивидуал. Коммуникатор матнни яратади, чунки у реципиентга ниманидир етказиши ва бир вақтнинг ўзида бирор нарсага эришиши керак. Фикр мазмуни рема, кўриб чиқилаётган нарса тема, эришмоқчи бўлган нарса эса мақсад деб аталади. Коммуникация жараёнининг аксарият омиллари 60.2 чизманинг чап томонида, эришиш ният қилинган нарсалар эса ўнг томонида тасвирланган.

Нутқнинг зарурий олд шарти - фикр ва ҳис-туйғуларнинг бирлиги, урғу, овоз, дикция, луғат бойлиги, фикрингизни ифодалаш учун тўғри вақт ва жой, шунингдек, айтилган фикрларнинг таъсирини олдиндан билиш ва таниб олиш учун етарлича саводхонлик талаб этилади.

Суҳбатнинг зарурий шарти шерикнинг фикрини тинглаш ва ҳисобга олиш қобилияти, фикрнинг равшанлиги ва аниқлиги, изчиллик (майда жиҳатларига эътибор қаратиб, эзмалик қилмаслик) ва баёнотларнинг асослилиги, тушунтириш ва боғлаш қобилияти, шунингдек, хушмуомалалик, диққатлилик, чегара ва ўлчовни сезиш ҳисси ҳисобланади.

- **Коммуникация ва интеракциянинг бирлиги — бу мулоқотдир.**
- **Маълумот бериш ва таъсир ўтказишнинг бирлиги - бу мурожаат.**

Коммуникация - бу субъектлар ўртасидаги муҳим белгилар ва символлар ёрдамида шаклланадиган алоқадир.

Интеракция - бу субъектларнинг хулқ-атвор асосидаги алоқаси.

Мулоқот - бу коммуникация ва интеракциянинг бирлигидир.

Инглиз тилида мулоқот ва коммуникация, бир сўз "communication" тушунчаси билан ифодаланади. Масалан, эстон тилида (рус тилида бўлгани каби) бу англамалар алоҳида-алоҳида "suhtlemine" ва "communicatioon" тушунчалари билан ифодаланади.

ФОРМАЛ ВА НОФОРМАЛ АЛОҚАЛАР

Инсоний муносабатлар турли (формал ва ноформал, ташқи ва ички) омиллар орқали шаклланади. Ташқи омиллар асосида яратилган жамоада ҳеч бўлмаганда илк онларда формал муносабатлар шаклланади. Масалан, ишчи гуруҳ, синф, бригадалар, баскетбол жамоаси, компания раҳбарияти формал муносабатларда жамланади.

Ноформал муносабатлар ўзаро меҳр-оқибат каби ички омиллар асосида, мулоқот қилиш, қадрлаш, ҳимоя қилиш ва бир-бирига ёрдам бериш истаги пайдо бўлганда шаклланади.

Формал ва ноформал муносабатлар орасидаги ўзига хос шакл бу никоҳдир — бунда ни-

коҳланувчилар ўртасида юзага келган ноформал муносабатлар асосида, тегишли ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва масъулиятлар билан бирга келадиган формал бирлашув рўйхатга олинади.



6.0.3. — чизма. Социограмма

Формал гуруҳлар ичида, қоида тариқасида, бир нечта ноформал жамоалар мавжуд бўлади. Катта (формал ёки ишчи) гуруҳларнинг хатти-ҳаракати асосан кичик гуруҳларда шаклланган тутум ва муносабатларга боғлиқ. Киши бир вақтнинг ўзида бир нечта формал ишчи гуруҳларнинг, шунингдек, бир нечта кичик ноформал гуруҳларнинг аъзоси бўлиши мумкин.

Гуруҳдаги ҳар бир аъзонинг мақомини аниқлаш мумкин ва бунинг учун турли усул-

лар мавжуд. Агар кимдир гуруҳ тузилиши ва гуруҳдаги инсонларнинг ўзаро муносабатлари билан қизиқса, ким лидер эканлигини, жамоа кимнинг фикри билан ҳисоблашиши кабиларни аниқлаш истаги бўлса, унда социограмма (6.0.3. — *чизмага қаранг*) тузиши мумкин. Социограммани тузиш учун ким қандай ва кимга нисбатан - социометрик тадқиқот ўтказиш кераклиги аниқланиши керак.



6.0.4. — чизма. Социоматрица

Социометрик тадқиқот жараёнида гуруҳнинг барча аъзоларидан маълум бир қийин вазифаларни ким билан бажаришни ҳоҳлашлари сўралади. Аниқланган истакларга асосланиб, ҳамма (ёки кўпчилик) маълум бир шахслар билан

ҳамкорликда фаолият юритишга тайёр эканлиги маълум бўлади ва сўровномада номлари кўп тилга олинган шахслар юқори мақомга эга эканлигини билиб олиш мумкин. Бундай сўров орқали гуруҳнинг нисбатан ёки бутунлай изоляцияланган аъзоларини ҳам аниқлаш имкони туғилади.

Социограмма асосида вертикал ва горизонтал равишда олинган кўрсаткичлар умумлаштириладиган социоматрицани (6.0.4. — *чизмага қаранг*) тузиш мумкин.

Фақат бутунлик кўриб чиқилгандагина уни тўлақонли деб ҳисоблаш мумкин. Бунда тизимли фикрлаш ёрдам беради. Тизимли фикрлаш - муносабатлар ва алоқаларни кўриб чиқишда ҳам методологик қўзғалиш нуқтасидир.

Мулоқот ва муносабатларни кўриб чиқишда - қайси омилларнинг (6.0.5. — *чизмага қаранг*) ўзаро бирлашуви уларга таъсир кўрсатишини ҳисобга олиш керак:



ЎЗ-ЎЗИНИ АНАЛИЗ ҚИЛИШНИНГ ИХТИЁРИЙ МИСОЛИНИ КЎРИБ ЧИҚАМИЗ:
1. ЮҚОРИДАГИ МЕЗОНЛАРГА КЎРА ЖОРИЙ ҲОЛАТИНГИЗНИ БАҲОЛАНГ
2. ИСТАГИНГИЗДАГИ ҲОЛАТ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАКЛИГИНИ БЕЛГИЛАНГ
3. ИСТАКДАГИ ҲОЛАТГА ЭРИШИШ УЧУН ЧОРА-ТАДБИРЛАР КЎРИНГ

6.0.5. — чизма. Ривожланиш даражасининг характеристикаси

Жисмоний *[физик]* - (куч, тезлик, чидамлилик, мувофиқлаштириш, *[координация]*) руҳий омиллар билан ўзаро таъсирда намоён бўлади.

Ижтимоий - (ижтимоий алоқалардан келиб чиқадиган) **ахлоқий** (маданий алоқалардан келиб чиқадиган) омиллар билан ўзаро таъсирда намоён бўлади.

Интеллектуал - (рационал, интеллект билан идрок этиладиган) **эмоционал** (ижодкорлик, санъат, ҳислар орқали идрок этилиши мумкин бўлган барча) омилларнинг ўзаро таъсирида намоён бўлади.

Шундай ҳолат вужудга келиши керакки, унда жисмоний-руҳий, ижтимоий-ахлоқий ва интеллектуал-эмоционал омилларнинг бирорта ҳам заиф компоненти бўлмаслиги лозим. Агар ҳатто битта компонент жуда заиф бўлса, унда муносабатлар ва мулоқот, тўхтаб қолиш даражасигача қадар имконсиз бўлиб қолиш мумкин.

Ҳар қандай ўзаро таъсирни жадвалда акс эттириш ва унинг ёрдамида (биринчи навбатда шахсий) хатти-ҳаракатларни ва муносабатларни таҳлил қилиш мумкин. Жисмоний ҳолатни тавсифловчи хусусиятларни ишлаб чиқиш ва уларни умумий баҳолаш устунлардан бири бўйлаб қўйиб чиқиш керак. Кейин руҳий ҳолатнинг хусусиятларини топиб, бошқа устунда уларнинг умумий қийматини (индексини) белгилаш керак.

Ижтимоий-ахлоқий ва интеллектуал-эмоционал омилларни таҳлил қилиш учун ҳам шунга ўхшаш жадвалларни тузиш мақсадга мувофиқдир.

Одатда инсонлар интуицага асосланиб вазиятга — ёқимли, тўғри келадиган, яроқли каби ҳар хил баҳоларни беради. Баҳолаш аниқлиги бўйича фарқланиши керак бўлган ҳолларда, баҳолаш жараёни бошланишидан олдин, нима ва қандай меъзонлар бўйича баҳолаш режалаштирилганлигини аниқ кўрсатиш, шунингдек, натижалар қайд этиладиган баҳолаш процедураси, шартлари ва эталонлари (баллар ёки бошқа бирликлар) бўйича келишиб олиш керак.

ИНДЕКСЛАРНИ ТУЗИШ

Ҳар қандай ўлчамга тушмайдиган тизимлар (нарсалар, ҳодисалар ёки жараёнлар) ва уларнинг элементлари ва қуйи тизимлари тўғрисида ишончли маълумот талаб қилинадиган ҳолларда индекслар тузилиши керак.

Индексларни тузишда биринчи навбатда бизни қизиқтирадиган нарсаларнинг хусусиятларини аниқлаш керак (масалан, оқилликни ўлчаш мумкин эмас. Сиз оқилликни тавсифловчи нарсани аниқлаб олишингиз ва тадқиқот объектида ушбу компонентларнинг мавжудлигини кузатишингиз мумкин). Кейин, мутахассисларнинг ёрдами билан индекснинг барча таркибий қисмларига юклама берилиши керак.

NB! *Компонентларнинг умумий юкламаси 100% ни ташкил этиши керак. Шундан сўнг, индексни тузиш учун зарур бўлган маълумотларни тўплашингиз, уни юкламага кўпайтиришингиз ва ҳосила йиғиндисини шкалага кўтаришингиз мумкин. Олинган сумма индекс кўрсаткичига айланади.*

Баҳолаш ҳеч қачон объектив бўлмайди. Баҳо баҳоловчига - яъни субъектга боғлиқ. Ўз хулқ-атвори ёки муносабатларини баҳолаётган субъект, ўзи эксперт сифатида ўртага чиқади. Масалан, театрни баҳолаш нафақат репертуарни, балки томошабинлар аудиториясининг структураси ҳақида билимни ҳам назарда тутади. Аудиториянинг бир қисми назари билан уни умум қамровли баҳолаш мумкин эмас - Аудиториянинг барча қисмларини қамраб олган ҳолда баҳолашга эришиш керак. Бинобарин, театрни фақат театр масалаларида, шунингдек, ижтимоий-маданий алоқалар масаласида малакаси бўлган мутахассисларгина баҳолай олади.

6.1. МУЛОҚОТ ВА ЎЗАРО ТАЪСИР

Мулоқот шундай жараёнлардан бирики, уларнинг аксарияти [*спонтан кечади*] ўз-ўзидан содир бўлади. Инсонлараро муносабатлар мулоқотдан туғилади, мулоқот эса муносабатларга боғлиқ. Баъзан муносабатлар мулоқот туфайли шаклланади, баъзан эса аксинча, мулоқот

муносабатлар орқали шаклланади. Ўзаро таъсир эса мавжуд бўлган ўзаро муносабатларга мувофиқ қурилади.



6.1.1. — чизма. Муносабатлар ва ўзаро таъсир

Муносабат ва мулоқотлар, бошқа ҳар қандай ҳодисалар каби, нарса ва жараёнлар, шунингдек, бошқа тизимлар яшаш муҳитида ва яшаш муҳитига боғлиқ ҳолда аҳамият касб этади (3 — *бандга қаранг*). Инсонлар - яшаш муҳитини, яшаш муҳити эса инсонларни шакллантиради. Одамлар вазиятга, ҳолатга ва ситуацияга мос келадиган ролда бўлган муҳит контекстидагина муносабатлар ва мулоқотни тушуниши мумкин. Шундай бўлса-да, яшаш муҳити - ҳам мақсад, ҳам восита, ҳам ресурс, ҳам фаолиятнинг шарти ҳисобланади. Муносабатлар ва мулоқот кўплаб омилларга боғлиқ, шу жумладан, шерикларнинг адекватлиги, амбициозлиги, хушмуомалалиги,

эътиборлилилиги, шунингдек, уларнинг ўз роллари чегараларидан ташқарига чиқмаслик қобилияти кабиларга ҳам боғлиқ.

Ҳаттоки инсон ўз баҳолашини ҳам ўзга назарлар призмаси орқали амалга оширади. Ўзига адекват баҳо бериш атрофдагиларга ҳурмат билан муносабатда бўладиган ва жамият манфаатларига чин дилдан хизмат қилишга ҳаракат қиладиган инсонларда бўлиши мумкин.

АНГЛАБ ЕТИШ МУМКИН БЎЛГАН АЛОҚАЛАР МАСШТАБИ

Қанча инсон принципиал жиҳатдан ўзаро юзага келадиган барча алоқаларни яхши ажратиб, бир-бири билан мулоқот қилиши мумкин? Англанган фаолият учун ҳеч бўлмаганда диада, триада ва кенгроқ мулоқот доираларида қандай алоқалар пайдо бўлишини тасаввур қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Учта субъект ўзлари ўртасида юзага келадиган муносабатларнинг (триада) барча алоқаларини бир вақтнинг ўзида қамраб олиши жуда ва жуда мураккаблиги билан аҳамиятлидир. Мулоқот гуруҳига ҳар бир янги аъзонинг қўшилиши манзарани сезиларли даражада мураккаблаштиради - бутунни идрок этиш учун соддалаштириш йўлини тутиш керак, бу эса кўп нарсаларнинг эътибор доирасидан четда қолишига олиб келади.

Бештадан кўп киши иштирокидаги гуруҳ ичидаги муносабатларни камдан-кам инсон англаб ета олади. Ташкилот бошқарувига беш-еттитадан ортиқ кишини киритиш тавсия этилмайди, акс ҳолда муносабатлар комбинацияси мураккаблиги билан боғлиқ риск пайдо бўлиши мумкин. Агар раҳбариятда еттидан ортиқ аъзо бўлса, у икки ёки ундан ортиқ норасмий гуруҳларга бўлиниш эҳтимоли кўпроқ бўлади ва барча фаолиятлар камроқ аъзоли гуруҳларга қараганда бутунлай бошқача тарзда давом этади.





6.1.2. — чизма. Триалогиядаги алоқалар

А Б га, Б эса А га тегишли. Ҳар бир инсон ўзрефлексияга эга (ўзбаҳолаш ёки ўзи ҳақида фикрга). Улар бир-бири билан мулоқот қилиши учун, Б ўзи ҳақида қандай фикрда эканини, А тасаввур қила олиши керак, Б эса А нинг ўзига берадиган баҳоси билан таниш бўлиши керак. Масалан, агар Б ўзига жуда юқори баҳо берадиган бўлса, у ҳолда Б билан мулоқот қилиш хавфлидир. Учинчи субъект (С) қўшилганда, ўзбаҳолашга бўлган муносабат ва уни тушунишнинг янги вариантлари қўшилади. Қўшимчасига С, А нинг Б га ва Б нинг А га қандай муносабатда эканини билиши керак. Бундан ташқари, А ва Б нинг биргаликда С га қандай муносабат билдириши ва С, А ва Б бирлигига қандай муносабатдалигини тушуниш керак ва ҳоказо. Диалогда тўртта, триалогда эса камида 24 та алоқа мавжуд.

Кўрсатилган (5 +/- 2) қийматга қўшимча равишда яна бир нечта рақамларни билиш тавсия этилади. Булар 11 +/- 1, 22 +/- 2 ва 320 +/- 20.

• 11 +/- 1 кишидан иборат гуруҳ қобилиятли, вазифалар ва мажбуриятларни бажаришга тайёр, раҳбар томонидан яхши бошқарилади. Улар бир-бирларини билишади, лекин ҳокимиятга даъво қилмайдилар. Улар итоаткор ва буйруқларга риоя қилишади. Ҳар бири алоҳида профессионал ва мустақил салоҳиятга эга, қолганлари эса бу ҳақда билади, ва ҳисобга оладилар, маслаҳат сўрашади, ортиқча эътироз билдиришмайди, баҳслашмайди ва шубҳала-

нишмайди. Улар ўз олдиларига қўйилган умумий мақсад ёки аниқ вазифани бажариш учун ягона жамоада ишлашга рози бўлишади.

Бунга армия отряди ёки футбол жамоасини мисол қилиб келтириш мумкин. Иккала гуруҳ ҳам 11 кишидан иборат. Бу рақам тасодифий эмас, у муносабатлар ва мулоқот қонуниятларига асосланади.

• 22 +/- 2 киши - бу гуруҳ аъзоларининг максимал сони бўлиб, бундай гуруҳлар раҳбари ҳали ҳам ўз жамоасини бир бутун сифатида идрок эттиб, ҳар бирини алоҳида кўра олади. Бундай гуруҳга бир-иккита инсон қўшилиши биланоқ, раҳбар—ташкилотчи учун гуруҳ қамровсиз бўлиб қолади. Бундай ҳолда, раҳбар гуруҳнинг фақат икки ёки учта аъзоси билан ҳамкорлик ва мулоқот қила олади. Масалан, синфда 24 тадан ортиқ ўқувчи бўлиб қолса, ўқитувчи ўқувчиларнинг ҳар бирини алоҳида кўриш қобилиятини йўқотади. У аудиторияга қарайди, лекин мулоқот қиладиган икки ёки учта ўқувчини кўра олади. Албатта, ўқитувчи ўз эътибор йўналишини ўзгартириши мумкин, лекин бир вақтнинг ўзида эътибори билан қамраб оладиган болалар сони ўзгаришсиз қолаверади.

Янги раҳбар ёки ўқитувчи 20 кишининг, тажрибалилар эса 24 кишининг реакциясини кузатиши мумкин ва бу кўплаб синовлар орқали исботланган. Агар мақсад болани ривожлантириш бўлса, ўқитувчи ўқувчи билан персонал мазмунли

алоқа ўрнатишга муҳтож. Боланинг тушунгани ёки тушунмаганлигини, умумий ижодий фикрлаш жараёнида ёки ундан ташқаридалигини унинг кўзидан ўқиш муҳимдир.

• 320 +/- 20 киши - бу сондаги чегараларда инсонлар ҳали ҳам исмлар ва юзларни солиштиришлари мумкин - ҳамма бир-бирини танийди. Агар кўпроқ инсонлар бўлса, уларнинг аксарият қисми бир-бирига аноним бўлиб қолади ва ижтимоий назорат шунчалик заифлашадики, у бутунлай йўқолиши ҳам мумкин.

Жамоаларнинг мақсадга мувофиқ ўлчамлари:

• стратегик қарорлар учун - 5 дан 7 кишигача.

• Вазифаларни тақсимлаш бўйича келишувга эришиш кўзда тутилган мажлислар учун —11 +/- 1 киши.

• Консенсусга эришиш мақсадида тушунтириш семинарлари, ўқув машғулотлари ва тегишли амалий машғулотлар шаклида муҳокамалар ўтказиш учун - 22 +/- 2 киши.

• Ижтимоий назоратни сақлаб туриш учун - 320 +/- 20 кишигача.

• Маълумотларни мақсадсиз тарқатиш учун инсонлар миқдорининг аҳамияти йўқ.

Илгари чалкашликлар юзага келганда: “Панама қилиб ташладик!” дейишарди. Бу

Панама канали қурилишига ишора бўлиб, унга дунёнинг турли бурчакларидан турли миллатлар ва маданиятларга мансуб кўплаб ишчилар жалб қилинган. Натижада, барча ижтимоий назорат йўқолган ва жиноятчилик даражаси жуда юқори бўлиб кетганлиги билан изоҳланади.

Турли маданиятларга мансуб бўлган кўп сонли инсонлар иштирок этадиган кенг кўламли жараёнларда (оммавий миграция, "аср қурилиши", кўчиш ва бошқалар) шуни ёдда тутиш керакки, бундай жамоаларда ижтимоий назоратни таъминлаб, тартибни сақлаш имконини берувчи ўзининг ҳаётийлик структурасига эга бўлиши зарур. Акс ҳолда, ҳалокатли оқибатлар жуда тез орада пайдо бўлиши мумкин.

6.2. ТЎҒРИ ВА ҚАЙТА АЛОҚА

Социологияда мулоқот - субъектларнинг ўзаро маълумотлашишини англатади. Муайян миқдордаги бошқа субъектлар билан алоқа ўрнатишни ният қилган субъект, биринчи навбатда, ўзи ҳақида бошқаларнинг етарлича оператив, тизимли ва аниқ маълумотлар олишини қандай таъминлаш ҳақида ўйлаши керак. Кейин эса у ўз муҳокамасида ва баҳоловида бўлиши кутилаётган инсонлар ҳақида етарлича ишончли маълумотни қандай олишни ҳал қилиши керак.

Шунчаки маълумотни эмас, балки талқин қилиш орқали информацияга айланадиган ало-

матларни тўплаш ва тарқатиш муҳим. Мавжуд вазиятда келиб чиқиб информацияни тегишли назария контекстида интерпретация қилиш мумкин (Қандайдир жараён ёки ҳодисага нисбатан фикрлаш модели, 7.3. — *бандга қаранг*). Бу ерда методология ва методикани эслаш ўринли бўлади (8.3. — *бандга қаранг*).

Баъзи мансабдор шахслар ва маслаҳатчилар тўғри ва қайта алоқа нима эканлигини тўлиқ тушунмайдилар. Улар қайта алоқани узатиш ва қабул қилиш, унинг олиниши ва тўпланиши ҳақида гапирса-да, улар бу билан фаолият ва унинг иштирокчилари, фаолият омиллари, натижалари ёки оқибатларини тавсифлаш учун мўлжалланган маълумотларни олиш ва узатишни назарда тутадилар.

Ҳозирча тўғри алоқа ҳақида жуда кам гапирилган.

Тўғри ва қайта алоқа ҳам жараённинг хусусиятлари ҳисобланади. Уларни узатиш ёки қабул қилиш мумкин эмас. Субъект нима истаётганини ёки эришишга мажбур эканлигини ва кимга (қаерда, қаерга, қандай, қачон ва ҳоказо) бу натижа ("жараёндан чиқиш") мос келишини тасаввур қилгандагина ("кириш" сифатида мос бўлганда) мақсадга йўналтирилган ҳаракатни амалга ошириши мумкин (2.10. — *бандга қаранг*). Тўғри алоқа шундан иборатки, субъект шундай натижага эришиш учун ҳаракат қиладики, бунинг натижасида ушбу жараённинг кейинги босқи-

чи ёки босқичлари, шунингдек, бутун жараён қониқарли ва мақсадга мувофиқ, самарадор ва интенсивлик билан ўтиш имкони туғилади. Ҳар қандай жараённинг “чиқиши” навбатдаги жараёнлар учун “кириш” сифатида мос бўлиши керак.

• Тўғри ва қайта алоқа бу жараённинг ўзига хос хусусиятидир.

• Тўғри алоқа - бу шахснинг алоқалар ва боғлиқликлар тизимини кўриш ва нимага эришиш кераклиги ҳамда эришилган натижа жараённинг кейинги босқичи учун “кириш” сифатида қандай мос келишини тасаввур қилиш қобилиятидир.

• Тўғри алоқа туфайли, аслида, нима ҳосил бўлганини кўриш мумкин.

• Қайта алоқа - бу инсон эришган нарсасини эришмоқчи бўлган нарсаси билан солиштириши, натижа ва ўз фаолиятини баҳолаши, шунингдек, керак бўлганда тузатишлар киритишидир.

Мисол учун, мактабда қониқарли тўғри алоқа йўлга қўйилган деб ҳисоблаш мумкин, агар педагоглар таркиби:

• жамият ва маданиятда шаклланаётган эҳтиёжларни, шунингдек, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари (оила)нинг кутилмалари, умидлари ва орзуларини етарлича аниқ кўра олса ва кўришни ҳоҳласа;

• Конституциявий қоидага кўра, ўқувчининг йўналишини таълим йўлини танлашда ҳал қилувчи сўз таълим соҳасидаги бирор бир мансабдор шахсга эмас, балки боланинг ота-онасига (қонуний вакилларига) тегишли эканлигини тушунса;

• фаолият тизими (7.0. — *бандга қаранг*), яшаш муҳити (3.0. — *бандга қаранг*), билиш тизими (8.0. — *бандга қаранг*), коммуникация ва интеракция тизимларида содир бўлаётган, шунингдек, яқин ва узоқ келажакда кутилаётган ўзгаришларни идрок этишга тайёр бўлса;

• ҳамма нарса, жумладан, жамият ва маданиятдаги чекловлар ва имкониятлар ҳақида етарлича маълумотга эга бўлса;

• ўқувчилар келажагини шакллантиришга оид қобилиятлари, қизиқишлари, эҳтиёжлари ва истаклари ҳақида билса ва тасаввурга эга бўлса;

• ўқув жараёнини шундай ташкил этадики, барча ўқувчиларнинг (ҳар бир ўқувчининг!) туғма иқтидори эътиборга олинади, уларнинг нафақат кейинги таълим муассасасига ўқишга бориши мақсад қилинади, балки: мустақил фикрлайдиган фаол ватандошлар — жамият аъзолари ва маданият намояндаларини шакллантириш ният қилинади.

• ҳаётнинг ҳар бир онида ўрганиш ва ўз-ўзини такомиллаштиришга очиқ бўлади;

• меҳнат қилишни, яратишни, маънавий ҳамда интеллектуал қадриятларни кейинги авлодларга етказишни мақсад қилади;

• уй кўтариш, оила қилиш ва уни авайлашни, шунингдек ота-оналарга ғамхўрлик қилишни сингдиради;

• ўзини ва лозим бўлганда бошқаларни ҳимоя қилишни; уйи, Ватани ва табиати, маданияти ва барча маданий қадриятларини, она тилини, эркинлигини, мустақиллигини ва бошқа шу каби юксак ғояларни ҳимоя қилишни истайди.

Агар педагогик персонал, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари (шунингдек, бобо ва бувилар!) билан биргаликда қуйидагиларга имконли бўлса ва хоҳласа, ўқиш қайта алоқага эга бўлади:

• биргаликдаги фаолият билан шаклланган ҳаракатларининг бевосита ва билвосита натижалари ва оқибатларини тушунишга;

• ўқув жараёнининг таъсирини кузатиш ва келгуси фаолияти учун хулосалар чиқаришга.

Юқорида айтилганларнинг барчасига эришиш учун педагогик персонал ҳар бир ўқувчи ҳақида қуйидагиларни билиши керак: унинг соғлиги ва муносабатлари, қизиқишлари, иродаси, эътиқод ва адолатни тушуниши, сўровлари, тамойиллари, у томонидан қабул қилинган меъзонлар, турли соҳалардаги баҳолаш-тутимлари, ва бошқалар.

Ўқувчининг ўсиши, фаолияти, муносабатлари ва ривожланишини кузатиш мумкин, агар у ҳақиқатан ҳам ким бўлишни ҳохлаётгани маълум бўлса. Талабалар қайси томондан кутилмаларни тўлиқ оқлаётганини (кутилмалардан ошиб кетаётганини!) аниқлаш ва улар нималар-

да орқада қола бошлаганларини тафтиш қилиш учун, нафақат уларнинг уйи ва мактабини - таълим муҳити сифатида, балки жамиятни — институционал, маданиятни эса голографик тизимлар сифатида тасаввур қила олиш керак. Фақат шу ҳолатдагина қандай шароитларда муваффақиятга эришиш мумкинлигини ва нима учун баъзи болалар ҳаёт сўқмоқларида қолиб кетаётганини тушуниш имконияти туғилади.

Ҳар бир инсон ҳеч қандай ташқи ёрдамларсиз, шуни тушуниб етиши керакки, фақат аллақачан яхши бўлиб улгурган нарсани эски усулда (мавжуд вазиятни фақат *[фрагментар]* майда-майдалаб ўзгартириш ва мукаммаллаштириб) давом эттириш мумкин. Самараси кутилган натижаларни бермаган фаолиятни тўхтатиш ёки тубдан қайта қуриб чиқиш керак. Албатта, биринчи навбатда камчилик ва муваффақиятсизликлар сабабини аниқлаш ва ушбу сабаблардан халос бўлиш чораларини ўйлаб кўриш, шунингдек, қониқарли натижаларга эришиш ва ушбу натижаларни сақлаб қолиш учун дастур ишлаб чиқиш керак.

ЖАМИЯТДАГИ ТЎҒРИ ВА ҚАЙТА АЛОҚА

Ижтимоий даражада фақат жамиятни дискрет структурали институционал тизим ва маданиятни голограмма структурали тизим сифатида, шунингдек, инсонни жамият аъзоси ва мада-

ният вакили сифатида кўра оладиган шахслар тўғри ва қайта алоқа жараёнларини ҳаракатга келтиришлари мумкин.

Давлатда ва давлат учун муҳим бўлган жараёнларда фақат маълум сифатларга эга бўлганларгина тўғри ва қайта алоқани йўлга қўйишлари мумкин. Бундай инсонлар етарлича билимли, информацияли ва тажрибали бўлиши керак, улар учун ижтимоий ва маданий алоқалар кўлами аниқ ва бегона эмас. Улар ўз ҳаракатларида маънавиятга, юксак ғоя ва идеалларга таянади, улар фидойи, ҳушёр, ростгўй, мувозанатли, ҳар хил камчилик ва ахлоқсизликка нисбатан муросасиз инсонлардир.

Давлат контекстида савол – парламент ва конституциявий институтлар асосан кимнинг манфаатларига хизмат қилиши масалаларида туғилади. Улар ўз мамлакати ва халқи манфаатларини кўзлаб иш тутяптими ёки қандайдир олигарх ёки ҳатто бошқа давлат, халқаро корпорация ёки бирон партия (балки, сайлов кампаниясининг ҳомийси) манфаатларини кўзлаб иш тутяптими.

6.2.1. — чизма. Информацияланганлик критерийлари

Алоқа, яъни тўғри ва қайта алоқа, ҳар қандай ўз-ўзини тартибга солувчи, шунингдек, ҳеч йўқ маълум даражада бошқариладиган тизимлар учун ҳам зарурдир.

Алоқа, шунингдек, тўғри ва қайта алоқага эга бўлмаган шахс ватандош сифатида ҳаракат қила олмайди. Давлат ва давлатнинг қуйи тизимлари, ташкилотлари ва идораларида тўғри ва қайта алоқалар мавжуд бўлмаса, қоида тариқасида бундай давлат оргаглари, бошқаришга ярамайди ва ўз-ўзини тартибга солиш асосида функциясини бажаролмайди, янгилана ва ривожлана олмайди.



6.2.2. — чизма. Маълумотлар, информация ва информацияланганлик

Давлат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларни, шунингдек, тўғри ва қайта алоқанинг ўсиш ёки пасайиш даражасини ҳар бир ватандош назорат қилиш имкониятига эга. Жуда ва жуда кўп нарса ватандошлик бурчининг ушбу қисми бажаришлишига боғлиқ.

6.3. ТИЛ

Тил билиш, шахсиятга хос хусусиятлардан бири ва фикрни ифодалаш (узатиш) воситасидир.

Озиқ-овқат тоза бўлиши керакми ёки йўқлигини тадқиқ қилишнинг ҳожати йўқ - бу ҳамма учун аллақачон тушунарли. Озиқ-овқатни

сарқитдан ажратиш унчалик қийин эмас. Худди шундай, тилдаги сарқитларни ажратиб олиш ҳам қийинчилик туғдирмайди. Тил сарқитини оқлаш ёки яшириш учун ҳеч қандай баҳона бўлиши мумкин эмас.

Тил ажойиб ва битмас-туганмасдир! Тилни моҳирона эгаллаган инсонлар таҳсинга сазовордир.

Академик таълим орқали эришилган ўз фикрларини тўғри ифодалаш қобилияти суҳбатдошлар нутқини тушуниб етишнинг асосий шартига айланади. Инсонларда (она) тилини ўзлаштириш истаги ёки имконияти бўлмаса, оғзаки [*вербал*] мулоқот қобилияти ҳам шаклланмайди. Она тилини ўрганиш ва ўзлаштиришга тўсқинлик қилаётган барча қарорлар маданий алоқаларнинг барбод бўлишига олиб келишини депутатлар ва мансабдор шахслар ҳисобга олиши керак.

ТИЛ РАВШАНЛИГИ — БАРЧА НАРСАНИНГ АСОСИ

Тил, фикрлаш жараёни ва фаолият ўртасидаги боғлиқлик асоси эканлиги ҳақидаги масала азалий ва абадий мавзудир. Ўзларини ватандошлар каби тутишга (*муҳокамаларда, қарор қилишда, қарорларни бажаришда ва натижаларни баҳолашда қатнашишга*) қодир бўлган инсонлар тилнинг равшанлигига эришишга ва тил софли-

ги учун ғамхўрлик қилишга ҳаракат қилишади. Сўзларга ноаниқ, ҳатто чалкаштирадиган маънолар берилган муҳокамалар энг яхши ҳолатда бемаъни, энг ёмон ҳолатда эса йўлдан адаштирувчи бўлади.

Сўзларга ноаниқ ва чалкаштирадиган маънолар берилган муҳокамалар энг яхши ҳолатда бемаъни, энг ёмон ҳолатда эса йўлдан адаштирувчи бўлади.

Масалан, жамиятда умумий ва анча эркин қўлланиладиган сўзларни олайлик: курс, мақсад, вазифа, мажбурият ва функция. Олдинги бобларда бу тушунчалар бир неча марта учраган, аммо - такрорда ҳикмат бор.

Бизнинг талқинимиз шундай:

Курс - бу субъектнинг доимо риоя қилиши керак бўлган мақсадли йўналиши ҳақидаги тасаввуридир.

Мақсад — субъект томонидан маълум бир вақт оралиғида эришилиши керак бўлган келажак ҳақидаги тасаввурдир.

Курсни танлаш ва унга риоя қилиш, шунингдек, мақсадларни белгилаш ва уларга эришиш — иродавий ҳаракат, қатъият, жасорат, билим, хабардорлик, тажриба, зарур шарт-шароитлар ва мумкин бўлган хавфларни тушунишни назарда тутади.

Мақсадларга эришиш учун субъектга дастаклар керак, акс ҳолда ҳаммаси орзулар даражасида қолиб кетади.

Бирор нарса фақат мақсадга нисбатангина восита вазифасини бажариши мумкин.

Нарсалар ва уларнинг хусусиятлари, матнлар, фаолият, қонунлар, муассаса ва корхоналар, ҳодисалар, ташрифлар, дарсларнинг мақсади бўлиши мумкин эмас; мақсад муаллифлар, ташкилотчилар — субъектларда бор. (агар бор бўлса!)

Мақсад — бу қарор; мақсадни субъектнинг ўзи белгилайди; мақсадга эришиш керак (2.10. — *бандга қаранг*).

Топшириқлар берилади, топшириқлар бажарилиши керак. Топшириқ ижро этилгач, уни берган шахсга ахборот бериб қўйиш лозим.

Мажбуриятлар *[бурчлар]* мақсадга эргашиб келади, мажбуриятлар ҳам адо этилиши керак.

Функциялар боғлиқликнинг объектив тизимларидир. (*11.0. — бандга қаранг*). Функциялар тизими орқали назар ташлай оладиган инсонлар функциялари очилган нарсаларнинг моҳиятини кўришлари мумкин бўлади.

Агар инсон бирор нарсага эришмоқчи бўлса ва шу мақсадда фаол ҳаракатни бошласа, вақт ва жойни танласа, воситалар, маблағлар (ресурслар)ни топса ва улардан фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни яратса, фаолият принципларини, шу жумладан, устуворликлар ва чекловларни ўрнатса, янги имконият ва

хавф-хатарларни олдиндан кўра олса, ҳамкорликка интилса, у мақсадли ҳаракат қиляпти дейишимиз мумкин.

Агар бирор киши маълум бир санага (бошлаш ёки тугатиш) бирор нарсани қилишни топширса (буйруқ ёки кўрсатма берса), бу ҳолда топшириқ олган инсон ўзига юклатилган вазифани бажараётган бўлади.

Агар расмий мавқега қараб худди шундай ишни қилиш керак бўлса, унда буйруқ ёки кўрсатмани кутиш шарт эмас - ўз ваколатингиздан келиб чиқиб вазифаларингизни бажаришингиз керак, холос.

ТИЛ БЕПАРВОЛИГИГА ЙЎЛ ҚЎЙИШ МУМКИН ЭМАС

Курс, мақсад ва воситаларни, топпшириқ, мажбурият ва функцияларни, натижалар ва оқибатларни ажрата олмайдиган ва боғлай олмайдиган инсонлар учун жамият ва маданиятда муваффақиятли ҳаракат қилиш учун ўз мияси билан ўйлаш қийин (имконсиз).

Агар инсоннинг фаолият тизими чалкаш бўлса, жумладан, мақсадга йўналтирилган ва тартибсиз, ситуатив фаолият бир-бирдан ажратилмаса, ҳаёт чидаб бўлмас ҳолга келиши мумкин. Мажбурлов шароитида ўсган инсонларда қуллар ёки диссидентлар тафаккури ривожланади. Барча ўқув-тарбиявий фаолият (парадигма) замонавий

бўлиши учун, энг аввало, тилни — унинг терминологик ва концептуал асосини тартибга солиш зарур.

Ажаблантирадигани, мамлакатимизда ишлар шундай моҳирлик билан йўлга қўйилганки, етакчилар ўрнига мардикорлар ўсиб чиқади. Агар ўз мияси билан тизимли фикрлайдиган ва мустақил кўзловга эга инсонлар ўрнига иродасиз ижрочилар, жаҳлдор ёлғончилар ва (ҳали мактабданоқ синфдошидан кўчирмачилик қиладиган) дангасалар тарбияланса, ишонинг, Эстониянинг порлоқ келажаги йўқ.

• Тилга нисбатан бепарволик - таназзул [*дегенерация*] белгисидир.

• Тилни кўз қорачиғидек асраш керак!

Беҳаёликнинг бир неча турлари мавжуд: урф-одатлар, хулқ-атвор, мулоқот, озиқланиш, кийинишга нисбатан беҳаёлик. Бундан ташқари, тилга оид беҳаёлик ҳам мавжуд. Тилни кўз қорачиғидек асраш керак!

Тилга нисбатан бепарволик дегенерация (таназзул бошланишининг) белгисидир. Бу ҳар бир ватандош, айниқса, ўқитувчилар билиши керак бўлган нарсадир.

Ўқитувчининг аҳамиятини баҳолаб бўлмайди! Халқнинг давлатни ва унда яшаётган инсонларни ҳимоя қилишга тайёрлиги, мустақил ва эркинлиги, вазмин ва оқиллиги, меҳнатсевар ва изчиллиги бевосита ўқитувчиларга боғлиқ; халқ-

нинг нафақат келажакни режалаштиришга, балки шу келажак йўлида ўзини енгиб ўтишга тайёрлиги ҳам устозларга боғлиқ. Ўқитувчининг ўзи ҳам ўз юрти ва халқи қудратига ишонса, бир нарсани ўйлаб, иккинчисини гапириб, учинчисини бажарадиган шубҳали кузатувчи бўлмаса, бола қалбида Ватанига сўнмас ва чексиз муҳаббат уйғота олади, йўқса инсонни, жамиятни ва маданиятни сақлаб қолиш учун ҳеч нарса қила олмайди.

Ушбу китобда биз раҳбарнинг муаллим (*11.1. — бандга қаранг*) сифатидаги ролига урғу берамиз ва бунда қарор беришга ҳуқуқли бўлган турли соҳа раҳбарларни назарда тутамиз. Шунингдек, китобда, боғчалар, мактаблар ва бошқа таълим муассасалари ўқитувчи ва мураббийларига ҳам тегишли бўлган бир қатор чизмалар (*11.1.1. — 11.1.8 — чизмаларга қаранг*) тақдим этилган.

7-БОБ. ФАОЛИЯТ ТИЗИМИ

7-БОБ. ФАОЛИЯТ ТИЗИМИ

Инсон ҳаракатлари фаолият тизимини шакллантиради, мазкур тизимларнинг ҳар бири маълум миқдордаги бошқа [инсон аралашивусиз содир бўладиган] ҳаракатларни ҳам ўз ичига олади.

Фаолият ҳам, хатти-ҳаракат каби, мақсад бўла олмайди, балки улар мақсадларга эришишга ёрдам берадиган воситалардир.

7.0. УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

Инсоннинг ҳаёти - уйда, мактабда, ишда ёки бошқа жойларда содир бўладиган - кўплаб хатти-ҳаракатлардан ташкил топади. Ҳаёт йўлидаги бу хатти-ҳаракатлар фаолият тизимини ташкил қилади.

Квалификация - структура ёки қонун эмас, балки инсон (шахсият кўринишида) ижтимоий ва ўзини бошқариш субъекти (кимнингдир манипуляция объекти эмас) сифатида ҳаракат қилади. Ҳар ким ёлғиз ҳаракат қилишга ҳақли, лекин муваффақиятга қоида тариқасида ҳамкорликда эришилади.

Барча хатти-ҳаракатлар ўзида фаолият тизимининг элементларини акс эттиради. Ушбу ўз-ўзини тартибга солувчи тизимнинг ҳар бир элементи маълум даражада фаолият тизимининг бошқа элементларини ҳам ўз ичига олади. Масалан, таълим - озроқ меҳнат, яратувчанлик, ўйин, тақлид ва бошқа фаолият белгиларини ўз ичига олса, меҳнат эса, ўз навбатида, қисман таълим, ижодкорлик, ўйин ва тақлиддан иборатдир. Фақат таълим ёки меҳнатни ният қилиб на таълим, ва на меҳнат бўйича ишончга сазовор билим ва кўникмага эга бўлиш мумкин.

Қайсидир фаолият турида қониқарли натижага эришиш учун барча ҳаракатлар тўпламига (бутун сифатида) асосланган тизим назарда тутилаётганини билиши лозим.

7.1. ҲАРАКАТЛАР

Заводда, далада, фермада, ўрмонда ва денгизда меҳнат қилишади, аммо жамиятнинг аксарият аъзолари бошқа таркибли фаолият учун маош оладилар. Аксарият инсонлар уйида ва боғида ишлайди, баргларни йиғиштиради, идишларни ювади ва ҳоказо. Аммо маош тўланадиган жойда, ўша инсонлар шунчаки ишлашдан кўра анча мураккаброқ вазифаларни бажарадилар - раҳбарлик қиладилар, бошқарадилар, алоқалар ўрнатадилар, даволайдилар, ўқитадилар ва ҳоказо. Ўқитиш ва даволаш - бу иш эмас, лекин ҳар қандай ишдан кўра кўп марта мураккаброқ жараёндир

(сапёрнинг ишини истисно қилиш мумкиндир, балки). Спорт билан шуғулланиш - бу моҳиятан меҳнат эмас, лекин шундай касблар борки, унда спортчилар ўйинчи, югурувчи, улоқтирувчи... бўлиб меҳнат қилишади. Гарчи принципиал жиҳатдан қарасак-да, ўйин бу меҳнат эмас, ўйин — бу ўйиндир.

Ҳар қандай ҳатти-ҳаракатнинг аҳамиятли жиҳатлари:

• мазмун ва шакл;

• аҳамияти ва ўрни;

• ритм ва зўриқиши;

• мақсадга мувофиқлиги, эффективлиги ва интенсивлиги;

• ресурслари ва шарт-шароитлари;

• имкониятлар ва хавфлари;

• соғломлиги ва хавфсизлиги;

• умумий ҳимояланганлиги;

• бевосита ва билвосита алоқалари ва боғлиқликлари;

• миқдор, сифат ва муддатларини бир вақтнинг ўзида ҳисобга олган ҳолда баҳолаш мумкин бўлган натижалари;

• ўз вақтида олдиндан кўриш, юзага келишининг олдини олиш ва уларнинг ўрнини қоплаш зарур бўлган оқибатлари;

• тўлов ёки бошқа компенсациялари.

Субъектнинг курси [*йўналиши*] ва мақсади, шунингдек, унинг роли ва мақоми ҳам аҳамият касб этади.

Мактабда ўқиш жараёни кечади, (ўқиш иши эмас!) унда меҳнат элементлари жуда кам. Магистрантлар ва докторантлар илмий иш билан эмас, балки тадқиқ ва ижод билан банд, тадқиқот ва ижодиётда - меҳнат унсурлари амалда йўқ. У ва бу жойдаги йиғилишларда қатнашаётган инсонлар жамоатчилик иши билан шуғулланаётгани йўқ, улар турли соҳаларда, ҳудудларда ва тартибга солиш даражасида ижтимоий ҳаётни йўлга қўймоқдалар.

НУҚТАИ НАЗАРЛАРНИНГ ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

Маълум бир хатти-ҳаракатни ўқитиб қониқарли малакага эришиш мумкин эмас. Бинобарин, таълимнинг объекти фаолият тизими бўлиши керак.

7.1.1. — чизма. Фаолият тизими

Инсон фаолият тизими мураккаб тузилишга эга. Уни кўриш учун инсонни узоқ вақт давомида турли шароит, ҳолат ҳамда вазиятларда, масалан, зиддиятли ва хотиржам вазиятда, танлов ёки мажбурлик вазиятида, реал ва ўйин вазиятида ўзини қандай тутишини кузатиш керак (3.2. — *бандга қаранг*).

Доминант (муҳимлиги ва аҳамияти жиҳатидан устун бўлган ҳаракатлар) хатти-ҳаракатларга эътибор бериш муҳим. Риск даражаси, ижодий зўриқиш ва хавфни сеза билиш муҳимдир. Ҳатто салфетка ёки папирус қутисига ёзиб қўйилиши мумкин бўлган фундаментал қонуниятни ёхуд қонунни кашф этган олимнинг (Эйнштейнни эсланг) кашфиёт натижасини ва унинг аҳамиятини, қоида тариқасида, ўлчаш ва баҳолаш имконияти бўлмаса-да, алоҳида эътирофга лойиқдир. Фақат айрим олимларгина Нобель мукофоти ёки шунга ўхшаш мукофотларни олишади.

Гарчи тадқиқот ва ижодий жараёнлар кўпинча расмиятчиликнинг зерикарли меҳнати билан кечса-да, олимлар, рассомлар ёки бастакорларга ҳақ, уларнинг меҳнати учун тўланмайди. Улар ижоди учун ҳақ оладилар.

Жуда кўп нуқтаи назарлар мавжуд. Ушбу китобда биз мақсадга йўналтирилган фаолиятнинг (2.10. — *бандга қаранг*) муҳимлигини урғулаймиз. Бироқ бу хаотик, ситуатив ва мажбурловчи каби фаолият турларини эътиборсиз қолдириш мумкин дегани эмас. Маълум даражада, у

ёки бу муддатга чўзилган хатти-ҳаракатлар юқорида тилга олинган барча турдаги ҳаракатларни ўз ичига олади.

Танловсизлик шароитида амалга ошириладиган ҳаракатлар мажбурий ҳаракатлар бўлиб, уларда муқобиллик йўқ. Мажбурлаш қанчалик кўп, танлов эрки қанчалик кам бўлса, яратувчанлик, тадқиқ этиш, эркин фикрлаш ва қарорларни мустақил қабул қилиш имконияти шунчалик паст бўлади.

Мажбурий амалга оширилган ҳаракатлар ҳам баъзида вазифа ва бурчларни бажариш имконини беради, лекин улар қувонч ва синергияга эмас, балки чарчоқ, иродасизлик, бефарқлик ва апатияга олиб келади. Яъни, аввало узоқлашиш, кейин бегоналашишни келтириб чиқаради. Шуни унутмаслик керакки, инсонда масъулият ҳисси ва фаоллик мустақил қарор бериш орқалигина шаклланади!

Кўпинча инсонлар зарур нарсани эмас, балки ўзлари ёқтирган нарсани қилишга интилишини кузатиш мумкин. Шундай бўладики, барча хатти-ҳаракатлар алоҳида, ярқ этиб кўринадиган ва жимжимадор фрагментларга қаратилади, турли хил метатизимлар контекстидаги тизимга ҳаракатни йўналтириш кам учрайдиган нодир ҳолатдир. Тизимларни тизимли ва комплекс кўриб чиқишнигина қониқарли деб ҳисоблаш мумкин.

Агар инсонга бирорта асос солувчи хатти-ҳаракат (ўқиш, меҳнат, ижод, ўйин ва ҳоказо,

7.1.1. — *бандга қаранг*) таниш бўлмаса ёки ўзак ҳаракатни атайлаб эътиборсиз қолдирса, у ҳеч бир фаолиятда яхшилар ичида яхшиси бўла олмайди. Тизимсиз ҳаракатлар билан дилетант даражасига етиш мумкин, аммо катта муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Гуруҳда муваффақиятга эришишнинг зарурий шарти - бу бир-бирини тўлдириш ва ўзаро эътибор натижасида шаклланадиган синергиядир. Бунинг асосида янги ғоялар пишиб етилади, инсон такомили юз беради. Шу билан бирга гуруҳ, ўз аъзоларини ботиний чуқурлаштиришга, изланишга, ўрганишга ва яратишга ундаши, адашишлар, юзакилик ҳамда тасодифий қўпол хатоларга йўл қўймасликка сабаб бўлиши мумкин.

ЎЙИН ФУНДАМЕНТАЛ ҲАРАКАТЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА

Ўйин нафақат инсоннинг асосий хатти-ҳаракатларидан бири, балки шахсни шакллантирувчи механизм ҳамдир. Ўйин — бу жуда мураккаб ва аҳамиятли ҳаракатдир. Аксарият ўйинлар, ўйинда эмас, балки реал вазиятда содир бўлади. Агар кимдир ўйинда “ўйин қилиб” бошласа (жиддий ўйнамаса), тартибга чақирилиши ёки ўйиндан четлатилиши мумкин. Инсон ҳаётида ўйин фундаментал аҳамиятга эга. Ўйин орқали инсон ижтимоийлашади (2.2. — *бандга қаранг*).

Ўйин орқали инсон ўзини танийди ва ўзгаларни кашф этади, муносабатлар боғлайди ва парваришлайди. Ўйин воситасида сиз бир-бирингизни билиб олишингиз, ролларни тез ва осон алмаштириш кўникмасини машқ қилишингиз, ўзлигингизни бошқаларга намоён этишингиз, жамоавий натижаларга эришишингиз, ғалаба қозониб, мағлубият аламини ҳам татиб кўришингиз мумкин.

Ўйин ҳақиқатга боғлансагина тарбиявий таъсир кўрсатиши мумкин.

Туғилган кунлар, никоҳ тўйлари, дискотека, қўшиқ ва рақс байрамлари, барча урф-одатлар, маросимлар ва анъаналар (5.1. — *бандга қаранг*) ҳам моҳиятан ўйинлардир. Ҳар бир ўйин ўз қоидаларига эга. Иштирокчиларнинг ўйин қоидаларини билиши ва уларга амал қилиш интизоми кимнинг ким эканлигини тушунишга ёрдам беради. Ўйин ўзаро шараф ва мутаносиблик туйғусини, маълум чегараларда собит бўлиш қобилияти кабиларни назорат қилиш имконини беради.

Ўйин (бошқа ҳаракатлар каби) фаолият тизимининг барча элементларини, шу жумладан, меҳнатни ҳам ўз ичига олади.

ҲАРАКАТЛАР МАҚСАД ҲИСОБЛАНМАЙДИ!

Кичкина бола учун, шунингдек, инфантиль [*боласифат*] катталар учун ҳаракатнинг ўзи мақсад бўлиши мумкин, аммо умуман олганда, ҳаракат асосан мақсадларга эришишга ёрдам берадиган воситадир. Ҳаёт ҳақида ўйлаш учун етарли вақтга эга бўлган инсонлар катта ва аҳамиятли нарсага фақат тизимли фаолият орқали эришиш мумкинлигини тушунадилар. Шундай экан, ватандош ҳам ўзини тизим яратувчиси ва ҳомийси сифатида кўра билиши керак. Агар бирор киши бирор тизимни ўйлаб топса ва унга мувофиқ ҳаракат қилса, ҳаракат самарали бўлиши мумкин.

Тизимли фикрлаш моделлари бўлмиш бочка тахталари ва лангар занжири, қонунтиятлари ёрдамида Эстон денгизчилари ва деҳқонлари қадим замонларда фикр юритишганлиги китобимизда бир неча бор эслатиб ўтилган. Ҳазил-ҳазил билан, лекин “бочка тахталари” ва “лангар занжири қонуниятларини” бугунги кунда эслаш ҳам фойдадан холи бўлмайди (1.0. — *бандга қаранг*).

7.2. ТАРТИБГА СОЛИШ ДАРАЖАЛАРИ

Жамият, ўзининг тузилиши нуқтаи назаридан, қатъий иерархик тизим эмас. Бироқ унда аниқ белгиланган тартибот ва раҳбарлик даражалари бор, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳар бир ватандош тушуниши мақсадга мувофиқдир.

Ҳар қандай муаммо - тартибот, раҳбарлик ва бошқарувнинг барча даражаларида ўзгача хусусиятга эга. Ҳеч бир муаммо бўй кўрсатган жой кўзлови билан ҳал этилмайди. Зўриқиш сабаблари ҳам синиш ёки дарз кетиш жойидан изланмайди. Қониқарли ечимларни излаш учун, болаларнинг олов атрофидаги рақсидаги каби ҳаракат қилиш тавсия этилади: елкаларга қўл ташлаб икки қадам ичкарига, икки қадам ташқарига (икки даражали зинадан юқорига ва пастга). Шу билан бирга, тартибот, раҳбарлик ва бошқарувнинг камида беш даражасини ҳисобга олиш керак (7.2.1. — *чизмага қаранг*).



7.2.1. — чизма. Тартибот даражалари

Индивид даражасидаги танловда максимал эркинлик ва минимал мавҳумлик бор. Ижтимоий даражада эса бунинг акси, яъни танловнинг минимал эркинлиги ва максимал мавҳумлик мавжуд. Улар ўртасида тартиботнинг бошқа барча даражалари, масалан, оила, жамоа, ташкилот, муассаса кабилар бор.

Ўқигувчига маълумки (4.3. - *бандга қаранг*), яшаш муҳити горизонтал ва вертикал тартиботлар бирлигида шаклланади. Институционал ва идоравийдан тортиб оилавий-индивидуалгача бўлган даражалар мавжуд. Шуни эсда тутиш керакки, ҳар бир даража ўзига хос хусусиятларга эга.

Масалан, давлат идораларига ишониб топширилган вертикал тартибот воситасида таъминланадиган давлатнинг фаолияти, транзити, ҳимоя функцияси ва тараққиёти учун зарурий олдшартларнинг ҳеч бири тескари эффект бермаслиги, шунингдек, ҳаётий муҳим соҳаларда алоқа узвийлиги йўқолмаслиги лозим.

Самарадорлик - тизимлилик функцияси эканлигини такрорлаш ўринли! Тартиботнинг барча даражаларида раҳбарият аҳоли олдидаги (барча!) мажбуриятларини бажариш ҳуқуқига эга (эга бўлиши керак) ва раҳбарлик фаолиятига эргашиб келадиган бевосита ва билвосита натижалар ва оқибатлар учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олиши шарт. Халқ — бу амалдорлар томонидан бирор-бир мақсадга (*бюджет балански ёки бошқа бўлсин*) эришиш учун восита

эмас; мақсад - халқ фаровонлиги, шунингдек, маданият ва барча маданий қадриятларни, шу жумладан, она тилини асрашдир.

ҲАР ҚАНДАЙ МУАММО ТАРТИБОТНИНГ ҲАР БИР ДАРАЖАСИДА ТУРЛИ ХИЛ ТАРКИБГА ЭГА БЎЛАДИ

Тартибга солишнинг маълум даражасидаги битта муаммо бошқа даражаларда фарқли мазмунига эга бўлади.

Масалан, транспортни муаммо сифатида кўриб чиқайлик:

Индивид даражасида қуйидаги танлов амалга оширилади: қайси транспортга чиқиш керак - велосипедда, машинада ёки жамоат транспортида? Автомобилни қаерга қўйиш керак, қаерда таъмирлаш керак ва ҳоказо?

Оила кесимида қуйидаги масалалар ўртага чиқади: ким қаерга кетяпти, ким кимни элтиб қўяди, қайси вақтда ва қаерга бориши керак? Логистика нуқтаи назаридан бир-бирининг манфаатларини қандай ҳисобга олиш керак?

Шаҳар ва волост даражасида транспорт масаласи: йўллар, қувурлар, кўприклар, туннеллар, жамоат транспорти, таксилар, светофорлар, пиёдалар ўтиш жойлари, велосипед йўллари даражасида кечади; қишда, юқорида айтилганларнинг барчасига қорни тозалаш қўшилади.

Давлат даражасида эса автомобил йўлла-

ри, темир йўл, денгиз ва ҳаво транспорти ўз функциясини қандай бажараётгани, автомобил йўллари тармоғининг ҳолати, ҳаракат жадвали талабларга жавоб берадими ёки йўқми, хавфсизликни қандай таъминлаш кабиларни назорат қилиш талаб этилади.

Халқаро миқёсда денгиз ва ҳаво транспорти хавфсизлиги, атроф-муҳит ифлосланишини камайтириш ва бошқалар билан шуғулланиш одатийдир.

Транспортни муаммо сифатида кўриб чиқиш учун алоҳида олинган бир даражани мўлжал қилиш ва фақат юзада кўринган нарсалар билан шуғулланиш етарли эмас. Муаммонинг ҳар бир даражаси ва унда нима содир бўлаётгани ҳақида гапириш керак ва ватандош муаммони кесмада кўра олиши лозим. Бирон- бир соҳа билан тегишли моделлар мавжуд бўлсагина тўлақонли шуғулланиш мумкин.

Биноларни лойиҳалаш учун юзлаб меъморлар, муҳандислар ва бошқа мутахассислардан иборат кўплаб бюролар мавжуд. Жамиятда эса юз бераётган жараёнларни бундай лойиҳалаш амалда йўлга қўйилмаган. Сиёсатчилар деб аталмиш кимсаларнинг баъзида фаолият юритиш учун фақат ҳокимиятга эга бўлиш ва ташаббус кўрсатиши кифоя, қолган ҳамма нарса иккинчи даражали ва кераксиз деб ҳисоблашади.

7.3. ПРОФЕССИОНАЛ ИНСОН МОДЕЛИ

Бутунни қамраб олиш қобилияти ўз-ўзидан, тасодифан шаклланмайди. Профессионал шахсни шакллантиришнинг зарурий шарти (*шу билан бирга - унинг инструментлари билан бирга*) (1.7. — *бандга қаранг*) бутунни, шунингдек, унинг қисмлари, қуйи тизимлари ва элементларининг аҳамиятини кўриш имконини берадиган моделлардир.

Моделлар ёрдамида нарсалар ва уларнинг умумлашмаларини, феноменларини, жараёнларини, омилларини, шунингдек, боғлиқликлари ва алоқаларини тавсифлаш мумкин бўлади. Моделлар ёрдамида мавжуд *[реал]* ва истакдаги ҳолат ўртасидаги қарама-қаршиликни муаммо сифатида шакллантириш ва уларнинг сабабларини аниқлаш ҳамда камайтириш ҳамда бартараф этиш учун зарур чоралар тизимини яратишга эътибор қаратиш мумкин.

МОДЕЛ ВА МОДЕЛЛАШТИРИШ

Модел - бу ўзга бир мураккаброқ объектни тавсифловчи (намоён қилувчи) ва унга мутаносиб равишда мос келадиган объектдир.

Қуйидагилар модел бўлиши мумкин:

- ўқув қўлланма;
- илмий тадқиқот учун шартлар;
- башорат;

• сценарий;

• аргумент.

Моделнинг аҳамияти контекстда шаклланади.

Моделлаштириш - бу мавжуд ёки тасаввурдаги объектлар, ҳодисалар ва жараёнлар, алоқалар ва боғлиқликларни билиш, аниқлаш, сақлаш ва узатиш методидир.

Моделлаштириш - моделларни қуриш ва улардан фойдаланишдан иборат.

Профессионал кишилар тизим билан, дилетантлар эса тизим элементларининг бири билан шуғулланади, профанлар эса — “Шундай ишларни қилсак яхши бўларди” дейишдан нарига ўтмайди.

Моделлаштириш бу замонавий:

• тадқиқот методи;

• ижод методи;

• таълим методи (ўрганиш ва ўқитиш методи);

• маслаҳат бериш методи;

• ўйин методи;

• иш методи;

• раҳбарлик методи,

• бошқариш, алоқа ўрнатиш, хўжалик юритиш ва бошқа мақсадга йўналтирилган жараёнларни ташкил этиш методидир.

МОДЕЛЛАР КИМЛАРГА КЕРАК?

Қуйидаги сифатларга эга бўлган инсонлар моделларга эҳтиёж сезади:

• билишга нисбатан чинакам ва чексиз *[синмас ва сўнмас]* қизиқиши борлар;

• бирор нарсани ўргатиш ёки ўрганиш истаги *[чанқоғи]* борлар;

• тушуниш ва чуқур англаш заруратини сезадиганлар;

• ўз фаолияти ва унинг якуний натижалари учун жавобгарлик масъулиятини зиммасига олишга тайёр бўлганлар.

Профанлар, дилетантлар (1.7. — *бандга қаранг*) ва тақлидчилар моделларга эҳтиёж сезмайдилар.

Модел - фикрнинг шакли ва мазмунини ёки уларнинг жамини; нарса, ҳодиса, жараён ёки уларнинг қисмларини; қуйи тизимлар, элементлар ва уларнинг хоссаларини, яратувчисини, фойдаланувчи ва модел баҳоловчисини; яшаш муҳити ва алтернатива кабиларни намоён қилиши мумкин.

• Аҳамиятли омиллар билан таъминлашга эришилса, ривожланишга (янги сифат босқичига ўтиш) туртки бериш мумкин.

• Самарадорлик - тизимлилик функциясидир.

Формал маънода модел кўриб чиқилаётган ҳодиса, жараён, предметнинг шакли ва структурасини, шунингдек, тадқиқот ёки ўрганишнинг ҳаракати, қоидалари, тамойиллари методларини қамраб олади. Бундай ҳолда моделнинг шакли ва мазмуни моделлаштирилган предмет, жараён ёки ҳодисадан сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин.

Модел ва унга асос бўлган объект айни бўлиши мумкин эмас. Модел қадрияти оддийликдир, лекин моҳиятни йўқотадиган даражадаги оддийлик эмас.

Моделда шундай хусусиятлар, алоқалар ва боғлиқликлар тақдим этилган бўлиши керакки, модел муаллифининг фикрига кўра, бошқалар томонидан эътибор қаратилиши, тан олиниши, тушунилиши, аҳамиятли, шакллантирилган, боғланган, асослантирилган деб эътиборга олиниши керак.

Агар биз моделларни оммабоп ва назарий табиатига кўра таснифласак, у ҳолда эвристик ва дидактик (изланиш ёки ўрганиш учун мўлжалланган) моделларни ажратиш мумкин. Таснифлашда асл ва модел ўртасидаги муносабатларга асосланиб аналогли, математик, геометрик ва бошқа моделларни ажратиш мумкин.

ЖАМИЯТ ҲАҚИДА ТАСАВВУР УЙҒОТАДИГАН МОДЕЛЛАР

Ижтимоий ҳодиса ва жараёнларни тавсифловчи моделлар қуйидагиларни намоён қилади:

• ҳолат, вазият ва шароитларни, яъни инсонлар ўзларини топадиган муҳитни;

• ўз даврида содир бўлаётган воқеа, турли талқиндаги реклама ва пропагандани; сиёсий, мафкуравий, иқтисодий прогнозлар ва иллюзияларни; тузувчиларнинг ўзлари, шу жумладан, уларнинг ривожланиши, қизиқишлари, даъволари, умидлари ва қўрқувлари, эркинлик даражаси, амбициялари, муқобил фикрлаш тарзи ва бошқаларни.

Баъзан жуда мураккаб туюлган фикрлар билан тўқнашганда моделлар қўл силтаб кетиш истагини сўндиради.

Кўпгина ҳолларда моделлар талқинни янада самарали ва сифатли етказишга имкон беради, инсонларни тизимлар ва метатизимлар, шунингдек, улардаги алоқалар ва боғлиқликлар, сабаблар ва оқибатларни ўрганиш ва кашф этишга ундайди; қизиқиш уйғотиш ва уни қондиришга эришилади.

Агар билим модел сифатида етказилса, ундан билиш қуроли (инструментал қиймат) сифатида фойдаланиш осонлашади. Яъни мураккаб

атамалар, қоидалар, қонунлар, формулалар, уларнинг юзага келиши ва таъсирини тушуниш осонроқ бўлади; ҳодисаларнинг сабаб ва боғланишлари, уларнинг натижалари ва оқибатларидан тизимни кашф этиш имкони туғилади. Моделлар ёрдамида баъзида жуда қийин туюлган фикрлар билан тўқнашганда тезда пайдо бўладиган ҳамма нарсага қўл силтаб кетиш истагидан қочиш мумкин.

Моделларни яратиш шунингдек уларни қуриш мантиғини ўзлаштиришга, шунингдек, эркинликни қўллаб-қувватлашга ва фикрлаш жараёнини ривожлантиришга ёрдам беради. Модел ёрдамида ҳар қандай абстраксия тушунарли ва муҳокама қилиш учун қулай шакл, тузилма ва таркибга эга бўлади.

Бизнинг замонамизда демократик сиёсий тизимни социалогик тадқиқотларсиз амалга ошириб бўлмайди, бу тадқиқот ўзида нимани намоён қилаётгани, қандай шароитларда амалга ошириш мумкинлиги, унинг ёрдами билан нимани аниқлаш мумкинлиги англаб етилган, факт нима, фактларнинг ишончлилиги ва тизимлилигини нима тавсифлаши аниқ шакллантирилган бўлиши керак (8.2. — *бандга қаранг*).

• Факт — бу ўринли, ҳақиқатда содир бўлган ёки содир бўлаётгани баҳслашилмайдиган ҳақиқатдир.

• Статистик фактлар аҳамият касб этиши

ва ахборотга айланиши учун уларни тегишли назариялар доирасида қайта талқин қилиш зарур.

• Ҳар бир фактнинг аҳамияти контекстда шаклланади. Ҳар қандай факт бир неча контекстда талқин қилиниши мумкин.

Жамиятда катта қарорларни шакллантириш учун қуйидагилар ҳақида маълумотга эга бўлиш керак:

• аҳолининг структураси қандай, инсонлар қандай яшаяпти, улар нимадан хурсанд, нимани кутади, нимага умид қилади, нимани яхши кўради, нимадан ва кимдан (ва нима учун) қўрқади ёки нафратланади, улар нимадан илҳомланади ёки қочишга ҳаракат қилади;

• жамиятнинг турли тоифаларига мансуб кишилар нимага эришмоқчи, ҳақиқий натижалар ва оқибатлар қандай;

• илмий тадқиқот натижаларидан қандай фойдаланиш керак.

7.4. ФАОЛИЯТНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

Назариялар (маъно моделлари) ҳар қандай у ёки бу даражада пухталик билан режалаштирилаётган фаолият учун зарурдир. Мураккаброқ ҳолатларда, шарҳлаш объектини (шахс, ташкилот, нарса, фаолият, ҳодиса, жараён) кўриб чиқиш учун кўплаб нуқтаи назарларни топиш

мақсадга мувофиқдир. Кейин қоғозни олиб, иложи бўлса, ушбу объектни тавсифловчи ҳамма нарсани ёзиш, у нимага боғлиқлигини ва ўз навбатида унга нима боғлиқлигини кўриб чиқиш керак (0.3.2. — *чизмага қаранг*).

• Ҳар ким машқ қилиши ва модел яратишни ўрганиши мумкин.

• Моделлаштиришни ўзингизга яхши таниш бўлган ва сиз учун унчалик қийин бўлмаган нарсалар, ҳаракатлар, ҳодисалар ёки жараёнлардан бошлашингиз керак.

Ушбу китобда фаолият тизимининг баъзи элементлари синчиковлик билан кўриб чиқилмоқда. Булар — меҳнат (10 — *бандга қаранг*) ва раҳбарлик (11 - *бандга қаранг*), ўқиш (9.1. - *бандга қаранг*), ўқитиш (9 — *бандга ва 11.1.1. — 11.1.8. — чизмаларга қаранг*), хўжалик юритиш ва алоқалар ўрнатиш (2.9. - *бандга қаранг*) кабилардир. Бу билан биз бошқа ҳаракатларни кам аҳамиятли демоқчи эмасмиз. Бу ерда бироз очиб берилган нарса, кейинги тадқиқотлар учун намуна бўлиб ҳизмат қилиши керак.

Бундан кейин ҳар бир киши ўзи мустақил ўйлаб, таниш ва оддий ҳаракатларни моделлаштиришдан бошлаб, аста-секин мураккаброқ ва кам маълум бўлган ҳаракатларга ўтади.

Ҳар бир ҳаракат феномен сифатида (статикада) ва жараён сифатида (динамикада)

кўриб чиқилиши муҳимдир. Статикада ҳар қандай ҳаракатни *Н* — ўлчовли фазо сифатида, динамикада эса - узлуксиз ҳодисалар занжирининг даврий кетма-кетлиги ва мантиқий боғланиши сифатида кўриш мумкин.

Моделлар ёрдамида ҳар қандай ҳаракатни муаммо сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Модел орқали аллақачон етарлича тушунарли бўлган ва ҳали унчалик тушунарли бўлмаган нарсаларни, нимани эскича усулда давом эттириш мумкинлиги ва нимани ўзгартириш кераклигини, нимани ёлғиз эплаш мумкинлигини ва нима учун кучларни бирлаштириш кераклигини аниқлаб олиш мумкин.

Профессионаллар (*1.7. - бандга қаранг*) тизимли тафаккур қилишади ва таснифлаш кўникмасига эга. Дилетантнинг билимлари тўлиқ эмас, бунинг устига унинг бошида тўпланган озгина билим ҳам кўпинча чалкашиб кетади.

Фақат тартибга солинган билимгина қадрият ҳосил қилиши мумкин. Инсон қандай фойдаланишни биладиган, умумий, ўртача ва хусусий даражадаги назарияларни тасаввур қила олгани, унинг маъноси ва аҳамиятини тушунгани учун илм қадрият касб этади.

Ҳар бир ҳаракатни ҳам статикада, ҳам динамикада (ҳодисалар ва жараён сифатида) кўриб чиқиш керак - акс ҳолда унинг моҳиятини тушуниш мумкин бўлмайди.

У ёки бу даражада қониқарли бўлган моделларни яратиш учун назариялар тўплами керак. Баъзи ўқувчилар китоблардан турли ҳаракатлар асосида тузилган моделларни топишлари мумкин. Агар тайёр моделларни топишнинг имкони бўлмаса, уларни яратиш керак.

Ҳар бир фаолият соҳасининг ўзига хос хусусиятлари бор ва унга мувофиқ равишда баъзи тамойиллар ҳам ҳисобга олиниши керак. Моделларни тузишда ҳам методология (тамойиллар тизими), ҳам мақсад ва воситалар тизими зарур. Амалда, моделлар (назариялар) методология ва методика билан бирга қиймат касб этади (8.3. - *бандга қаранг*).

8-БОБ. БИЛИШ ТИЗИМИ

8-БОБ. БИЛИШ ТИЗИМИ

Инсоннинг билиш тизими туғилишдан олдин шакллана бошлайди.

Билишнинг кўплаб йўллари мавжуд.

8.0. УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

Билиш назарияси, фалсафанинг бир қисми (қадимги юнон гносеологияси), инсон ва унинг муҳити ҳақидаги яхлит таълимотдир.

Билиш назарияси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- **билиш имконияти;**
- **билишнинг воқелик билан боғланиши;**
- **билишнинг манбалари, тамойиллари ва усуллари.**

Ўз-ўзини тартибга солувчи тизимлар объектив қонуниятлар ва уларнинг намоён бўлишига мувофиқ ишлайди, ўзгаради, ривожланади ва таназзулга учрайди - туғилади ва ўлади. Турли ҳодисалар ёки жараёнларга туртки, сабаб ёки олд шарт, шунингдек, тўсиқ сифатида ҳизмат қилиши мумкин бўлган алоқалар ва боғлиқликларни кашф этиш қизиқарли ва ҳаяжонлидир. Қонунлар ва қонуниятлар инсонларнинг хоҳиш ва иродасидан қатъи назар, ҳамма жойда амал

қилгани учун ҳам кашф этилиши, ўрганилиши ва ҳисобга олиниши керак. Инсон ўзини-ўзи тартибга соладиган жараёнларини бироз секинлаштириши, тезлаштириши, йўналтириши ва йўқ қилиши мумкин, лекин у кимнидир ёки ниманидир ривожлантира олмайди.

Олдинги бобда фаолият тизимининг умумий чизгилари гавдалантирилди. Мазкур бобда эса билиш тизимини кўриб чиқамиз.

Фаолият тизимига нисбатан қўлланилган қонуниятлар билиш тизимига ҳам татбиқ этилади. Бу шуни англатадики, билиш тизимининг ҳар бир элементи маълум даражада фаолият тизимининг барча бошқа элементларини ўз ичига олади.

8.1. БИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Биз билиш тизимини кўриб чиқишни инсон ўз она тили билан бирга эгаллайдиган кундалик билиш туридан бошлаймиз. Бироқ билишнинг бошқа турлари ҳам инсон ҳаётида муҳим роль ўйнайди, булар: бадиий, диний, фалсафий, илмий, интуитив билишлардир. Ҳар бир билиш тури ўз шаклланиш йўлига эга.

Билиш йўлларининг ҳар бири бошқа йўллар билан очиб бўлмайдиган нарса, ҳодиса ва жараёнларни кўриш ва тушуниш имконини беради.

- фалсафий билиш — ривожланиш ҳақида,
- диний билиш - абадият ҳақида,
- бадиий билиш - нафосат ҳақида таассуротлар беради.

Бу тушунчаларнинг барчасини, масалан, илмий билиш доирасида муҳокама қилиб бўлмайди. Агар бирор киши билишнинг бирор бир усулини эътиборсиз қолдирса ёки тушунмаса, қолганларида қониқарли даражага эришиб бўлмайди.

Билиш тизимининг доминантлари ҳаёт давомида ўзгариши мумкин, лекин айни пайтда унинг барча элементлари ўз функциясини узлуксиз бажаради. Масалан, янги туғилган чақалоқ, фалсафа сўқмайди, лекин маълум бир дақиқадан бошлаб бола ўйлашни, алоқаларни топишни, мантиқий хулосалар чиқаришни, сабаб ва оқибатларни кўришни, олд шартларга эътибор беришни бошлайди.



8.1.1. — чизма. Билиш тизими

Билиш тизимининг шаклланиши ҳатто бола туғилишидан олдин бошланади. Ушбу китобда бир неча бор таъкидланганидек, ҳаётнинг биринчи йилиданоқ “мен” ва “биз”, “меники”, “мумкин эмас”, “керак” каби тушунчалар шакллана бошлайди (5.2. — *бандга қаранг*). Адекват “Мен”нинг шаклланиши - “биз” (оила, жамоа) шаклланиши учун зарурий шартдир. “Биз” лояллик, гуруҳга мансублик, миллий ўзликни англаш ва бошқа идентитетларни англашнинг олд шартидир.

Кундалик билиш она тилини ўзлаштириш билан бирга шаклланади. Бунда инсон ўзини ва атрофидаги дунёни ҳис қилишни ўрганади. Тилни ўзлаштириш орқали у нарсалар номланишини, уларнинг таъсирланишини ва бир-бири билан қандай боғлиқлигини билиб олади.

Бадиий билиш уйғунлик ва гўзалликни, ритм ва зўриқишни, ранг ва шакл кабиларни илғаш қобилиятини уйғотади.

Диний билиш коинот ва абадий алоқаларни яъни рационал онг билан тушуниш мумкин бўлмаган нарсани кўриш қобилияти билан бирга келади.

Интуитив билиш сезги органлари иштирокисиз, яъни бевосита, табиий равишда, қалб нидоси билан юзага келади. Интуитив билиш ва интуитив хулқ-атвор - онг усти ва онг ости таъсирида юзага келади.

Фалсафий билиш ҳақиқатга етишни истаганларни ўзига жалб қилади. У фикрлашнинг

асосий тамойилларини кашф қилиш, тартибга солиш ва қўллашдан иборат. Фалсафий талқинда, илгари айтилган фикрларга чуқур қараш, сийрат ва суратни, умумий, тафовутли, ва яккалик ҳаракат ва сокинликни, бутун ва унинг қисмларини, қуйи тизимлар ва унинг элементларини ажратиш ва боғлаш имконини берадиган фикрлар тузилади.

Илмий билиш муаммоларни шакллантириш, сабаблар, натижалар ва оқибатлар ўртасидаги алоқани аниқ аргументлаш; ҳисобга олиш, ўлчаш, баҳолаш ва тавсифлаш; ҳар қандай объектлар, ҳодисалар ва жараёнларни тизимли ва комплекс кўриб чиқиш қобилияти билан тавсифланади.



8.2.1. — чизма. Илмий-амалий тадқиқот моделлари

8.2. ИЛМИЙ БИЛИШ

Биз китобда илмий билишга эътибор қаратамиз ва билишнинг бошқа турларини батафсил кўриб чиқмаймиз. Ватандош бўлишни истаган ҳар бир киши муаммони шакллантириш, факт келтириш, тадқиқот натижалари асосида таклиф ва тавсиялар бериш санъатини эгаллаши керак.

• Ҳар бир ватандош муаммони кўриш, шунингдек, унинг юзага келиши ва мавжудлиги сабабларини топиш қобилиятига эга бўлиши керак.

• Агар сабаблар тизимини қуролланмаган кўз билан аниқлаш имкони бўлмаса ва янглиш йўлда давом этиш хавфли бўлса, унда тадқиқот ўтказиш керак бўлади.

Қанчалик парадоксал туюлмасин, аммо илмий тадқиқот натижаларининг асосий истеъмолчиси — бу илмий тадқиқотларнинг ўзидир. Агар қулай шароитлар таъминлаб берилса, ишга яроқли илмий марказни шакллантириш учун 5—7 йил керак бўлади. Тадқиқот ҳар қандай тизимда ёки улар ўртасида шаклланган каузал ва функционал боғланишлар тизимини очишдан бошланади. Оддий қилиб айтганда, улар “Нега бундай?” деган саволга жавоб излашдан старт олади. Илмий тадқиқотлардан олдин тавсифлар, аввалги тадқиқотлар, сўровлар, алоқалар ва боғлиқликларни аниқлашга ҳисса қўшадиган барча нарсалар юзага чиқарилади.

АСОСИЙ ПОСТУЛАТЛАР

Воқелик таърифланишгагина имкон беради.

Муаммоларни тадқиқ қилиш мумкин.

Тадқиқот гипотеза (илмий асосланган тахмин) ёрдамида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Гипотезани текшириб кўриш керак. (исботлаш эмас!)

ТАДҚИҚОТНИНГ СУБЪЕКТИ ВА ОБЪЕКТИ

Тадқиқот объекти — бу маълум бир соҳада мавжуд бўлган муаммодир (0.3.3. — *чизмага қаранг*). Тадқиқот предмети эса бу муаммони ҳарактерловчи - тадқиқот доирасида ўлчаш, баҳолаш, ҳисоблаш ёки тавсифлаш мумкин бўлган барча нарсалардир.

Тадқиқот субъекти - тадқиқотнинг барча босқичларида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга, академик талаблар тўғри бажарилиши учун жавобгар бўлган шахс ёки шахслар гуруҳидир. Тадқиқот субъекти дастлабки маълумотларнинг ишончлилиги, етарлича тизимлилиги ва оперативлиги, уларнинг тўғри қайта ишланиши ва фактларнинг уларга асосланганлиги учун жавобгардир. Шунингдек, у тадқиқотга жалб қилинган инсонлар ва муҳит учун ҳам масъулдир.

Олим, ўзи амалга оширган тадқиқот амалиёти оқибатлари учун жавобгардир!

Бундан ташқари, ҳар қандай олим (у тадқиқотнинг субъекти ёки шунчаки иштирокчиси бўладими муҳим эмас) ушбу тадқиқот амалиётининг мумкин бўлган оқибатлари учун жавобгардир!

ТАДҚИҚОТНИНГ ОЛД ШАРТЛАРИ

Тадқиқотни ташкил этиш учун бир қатор шартлар, жумладан, академик эркинлик ва мустақиллик талаб қилинади.

Тадқиқот ўтказиш учун, назарий асос (умумий ва ўрта даражадаги аниқ назариялар, 8.3. — *бандга қаранг*), принциплар тизими, шунингдек, дастлабки маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш методологияси, уларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш керак бўлади.

Кўп ҳолларда тадқиқот илмий фактларни ўрнатиш билан якунланади. Тўғри, кўпинча кўзбўямачилик содир бўлади ва тадқиқот ўрнига сўров ўтказилади ёки баҳолаш ва фикрларга асосланган илмий тавсиф тайёрланади.

- **Сўров ўтказиш тадқиқот эмас, балки шунчаки бошланғич маълумотларни йиғиш усулидир!**
- **Сўров ўтказиш орқали муҳокама предметини эмас, балки асосан респондентларнинг ўзига хос бўлган фикрларини тўплаш мумкин.**

Қайта таъкидлаш керакки, тавсифлар фақат муаммони шакллантириш учун керак. Сўровно-

ма тадқиқот эмас, бу шунчаки бошланғич маълумотларни йиғиш усулидир! Сўровнома орқали муҳокама предметини эмас, балки асосан респондентларнинг ўзигагина хос бўлган фикрларни тўплаш мумкин. Албатта, респондент эксперт бўлиши ва унинг жавоби саволни очиб бериши мумкинлигини инкор этиб бўлмайди. Бироқ умумий ҳолатда тадқиқотчида профессионаллар фикрини дилетант ва профанларнинг фикридан ажратиб олиш имконияти йўқ (1.7. — *бандга қаранг*). Аноним жавоблар асосида фақат респондентларнинг структурасини аниқлаш мумкин.

Ўрганиш жараёнида аниқланган фактлар амалий қийматга эга бўлиши учун улар кейинги, янада юқори назариялар билан боғланиши керак, чунки фактларнинг аҳамияти контекстда шаклланади. Фактларга қиймат бериш учун аввало меъзонлар тизимини яратиш лозим; хулосалар қилиш учун эса принциплар тизими зарур. Мақсадлар, мажбуриятлар ва вазифаларни тадқиқотни бошлашдан, шунингдек, ҳар бир босқичдан олдин, шу тарзда, аниқланган фактлардан кейинчалик фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан олдин аниқлаштириб олиш зарур.

Илмий таклифлар маблағ, ресурс ва уларни татбиқ этиш учун шароит бўлишини назарда тутади. Шунингдек, кейинги фаолият тамойилларини ҳамда фаолиятни шу билан бирга унинг натижаларини ҳам баҳолаш меъзон-

ларини аниқлаш керак. Шундан кейингина тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган инновацион жараёнларни (11.3. — *бандга қаранг*) режалаштириш мумкин.

Тадқиқот жараёнида аниқланган фактлар амалий аҳамият касб этиши учун уларни кейинги, янада юқори даражадаги назариялар билан боғлаш зарур. Чунки фактлар аҳамияти контекстда [*метатизимларда*] шаклланади.

Илмий тадқиқот натижалари, шубҳасиз, муаммо келиб чиққан амалиётни такомиллаштиришдан анча кенг аҳамият касб этади. Илмий тадқиқотлар натижалари базасида янада чуқурроқ ва батафсилроқ тадқиқотлар ўтказиш имконияти очилади; илмий тадқиқот натижалари ўқув жараёнини такомиллаштириш, мақола ва монографиялар ёзиш, бошқа тадқиқотчилар билан мулоқот қилиш имконини беради.

• Олимнинг бурчи, терминологияни такомиллаштириш ва она тилининг маданий тиллар қаторида собит бўлишини таъминлашдир.
• Тилга бепарволикни ҳеч қандай баҳона билан оқлаб бўлмайди!

Илмий жамоатчиликда кенг тарқалган қоидага кўра, ҳар қандай тадқиқот натижаларини текшириб кўриш имконияти бўлиши керак. Жа-

мият ва маданиятда ҳамма нарса жуда тез ўзгариши мумкин ва барча омилларни узоқ вақт давомида барқарор ушлаб туриш имконсиздир.

Илмда мақсад бўлмайди. Мақсад инсонларда бўлиши мумкин. Илмий изланишлар ёрдамида инсонлар когнитив ва амалий жиҳатдан муҳим бўлган янги билимларни олишга, шунингдек, уларни қўллаш имкониятини топишга ҳаракат қилишади. Олимлар фаолияти - жумладан, олинган билимларни қайта ишлаш ва сақлаш ҳамда уларнинг асослилигини баҳолашда яққол намоён бўлади. Олимларнинг бурчи атамашуносликни такомиллаштириш ва она тилининг маданий тиллар қаторида собит туришини таъминлашдан иборатдир.

ҚАДАМ-БАҚАДАМ ТАДҚИҚОТ

Ижтимоий фанлар соҳасида тўлиқ миқёсли (идеал?) эмпирик (*8.2.1. — чизмага қаранг*) тадқиқот (*тадқиқот субъекти ҳар бир босқичда нимага эҳтиёж сезишини янада яхшироқ ёритиб бериш учун*) қуйидаги босқичларни ўз ичига олиши керак:

1. Эмпирик англашилган қарама-қаршиликни муаммо сифатида шакллантириш. Бунинг учун тадқиқот субъекти методология ва умумий назарияга эҳтиёж сезади.

2. Тадқиқот предметининг чегараларини аниқлаш. Тадқиқот предмети - бу тадқиқот объектини тавсифловчи ва ушбу тадқиқот доира-

сида ўлчашга, баҳолашга, қайд этишга ва тавсифланишга яроқли барча нарсалардир.

3. Муаммонинг умумий хоссаларини шакллантириш. Бунинг учун ўрта даражадаги методология ва назария талаб этилади.

4. Умумий хусусиятларнинг операцион даражадаги маълумотлари; конкрет ҳусусиятларни аниқлаш бу методология ва конкрет назарияларни талаб қилади.

5. Ўлчаш, баҳолаш, ҳисобга олиш - барча ўзига хос хусусиятлар бўйича маълумотларни фиксация қилиш. Бу дастлабки маълумотларни йиғиш методикасини талаб этади.

6. Маълумотларни мантиқий, статистик ёки математик қайта ишлаш. Бу маълумотларни қайта ишлаш методикасини талаб қилади.

7. Барча умумий ҳусусиятлар бўйича индексларни тузиб чиқиш. Бу яна, аниқ назариялар ва методологияни талаб қилади.

8. Индекслардан аниқ илмий фактларни ажратиб олиш. Бу яна ўрта даражадаги методология ва назарияларни талаб қилади.

9. Умумий илмий фактларни юзага чиқариш. Методология ва умумий назария яна талаб қилинади.

10. Якуний ҳулосалар қилиш, ҳисоботни расмийлаштириш, яқин ва узоқ келажак учун прогноз ва сценарийларни тузиш; мақолалар ва монографиялар ёзиш, академик илмий ҳисоботлар тайёрлаш, маъруза курсларини янгилаш ва ҳоказо.

Олинган ва кашф этилган янги билимлар туфайли муаммоларнинг сабабларини камайтириш (ёки бартараф этиш) бўйича чора-тадбирлар тизимини яратиш, шунингдек, глобал хулосалар, таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги аниқланса, шуни эсда тутиш керакки, олдинда камида яна шунча машаққатли меҳнат турибди.

11. Ўрганиш жараёнида аниқланган фактларни (муаммо сифатида қабул қилинган қарама-қаршиликларнинг сабабларини) баҳолаш. Бу меъзонлар тизимини талаб қилади.

12. Ҳозиргача бўлган амалиётга нисбатан хулосалар. Бу тамойиллар тизимини талаб қилади.

13. Курс ва мақсадларни шакллантириш. Бу вазифани тадқиқотчиларнинг ўзлари бажара олмайди. Йўналиш ва мақсадларни белгилаш ва аниқлаштириш келажак учун жавобгарлик билан боғлиқ қарорлар бўлганлиги учун бу давлат органи ёки бошқа буюртмачининг имтиёзли ваколати (ишониб топшириш мумкин бўлмаган ҳуқуқи) ҳисобланади.

14. Мақсадларга эришиш учун таклифлар ва маслаҳатларни шакллантириш. Кўпинча, бу вазифа ҳам тадқиқотчиларнинг иродасидан ташқаридаги масала ҳисобланади. Таклифлар бериш ўрнига, тадқиқотчилар мижозларга муқобил вариантни кўрсатишлари ва амалга оширилган танлов билан нима юзага келишини тушунтиришлари мумкин. Афзал вариантни келгуси фаолият учун масъулиятни зиммасига

олаётган буюртмачининг ўзи белгилаши керак. Бунинг учун тадқиқот субъекти буюртмачига муаммонинг фақат якка факторларини эмас, балки ушбу факторларнинг бутун тизимини тушуна оладиган даражага эришишга ёрдам бериши керак. Шунингдек, буюртмачи муайян қарор натижасида бошланган жараёнлар (тартибга солиш механизмлари) унинг турли даражаларида қандай ишлашини ҳисобга олиши ва қарор қилишда уларнинг натижалари ва оқибатларини олдиндан билиши керак.

Тажриба шуни кўрсатадики, кўпинча тадқиқотга буюртма берган амалиётчилар ҳам, тадқиқотчиларнинг ўзи ҳам унинг натижаларини якка ўзи талқин қила олмайди. Тадқиқотчилар тадқиқот натижалари асосида башорат ва сценарийлар қилишлари мумкин, аммо буюртмачилар тадқиқотчилар айтганларини тушунмайдилар ва тегишли тайёргарликсиз бутун тизимни қамраб олишга қодир эмаслар.

• Тадқиқотчилар таклиф ёки маслаҳат бермаслиги керак (уларда бундай ҳуқуқ йўқ).

• Тадқиқотчилар амалиётчилар етарлича сифатли ечим топиш даражасида бўлиш учун консультациялар беришлари мумкин (*Ёмон қарорлар ҳақида 11.2.3. – чизмага қаранг*).

• Нима, қачон ва қандай қилиниши лозим ёки нимадан қочиш кераклиги ҳақидаги қарорни у билан боғлиқ натижалар ва оқибатлар учун жавобгар шахс қабул қилиши керак.

Шунингдек, буюртмачиларнинг тадқиқотни тушуниб етишларида таржимон деб номланувчи кишиларнинг фаолияти маъно касб қилган бўлар эди. Бир вақтлар Тартус давлат университетининг социологик лабораторияси, агар буюртмачи тадқиқотнинг барча босқичларида иштирок этиш, ёхуд ҳеч бўлмаганда қандай қадамлар қўйилганлиги ва нима учун бундай тадбирлар амалга оширилганлиги тўғрисида хабардор бўлиб туриш мажбуриятини ўз зиммасига олган тақдирдагина тадқиқот шартномасини тузган. Умумий назоратга қўшимча равишда, буюртмачи раҳбарлар учун семинарлар ташкил қилишга мажбур эди. Семинарда илмий тадқиқот ўтказиш тўғрисидаги шартнома тузилишига сабаб бўлган ҳодиса ва жараёнлар ичидаги жиддийлашиб кетган қарама-қаршиликлар кўриб чиқилар эди. Таъкидлаш жоизки, бу чора-тадбирлар самарасини берарди.

15. Инновация дастурини тузиш (11.3. — *бандга қаранг*).

16. Буюртмачини инновациялар масаласида консультатциялаш. Буюртмачи томонидан ташкил этилган бизнес тренинглар ва семинарларда иштирок этиш (11.4. — *бандга қаранг*).

17. Конференциялар ташкил этиш, унда тадқиқотчилар ҳам, буюртмачилар ҳам, шу каби муаммолар билан шуғулланувчи таклиф этилган меҳмонлар ҳам иштирок этиши керак.

Илмий тадқиқотлар, айниқса, ижтимоий фанлар бўйича тадқиқотларни фундаментал

(яъни асосий) ва амалий (иккиламчи)га бўлиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки ҳар қандай тадқиқотни ўтказишнинг асосий сабаби уларнинг заруратидир. Тадқиқот натижалари кейинги тадқиқотларда қўлланилиши мумкин. Уларга янги муаммоларни очишда, назарияни, методологияни ва методикани такомиллаштиришда, амалиётни сақлаб қолиш ёки ўзгартиришда, шунингдек, таълимда, тил ижоди кабиларда таяниш мумкин.

ЖАМИЯТШУНОСЛИККА ОИД ТАДҚИҚОДЛАР МУРАККАБДИР

Илмий тафаккур, табиий ва аниқ фанларда ҳали ўрганилмаган жуда кўп саволлар мавжуд, чунки инсон деб аталмиш мавжудот бениҳоя мураккаб ва биз яшаётган жамиятда доимий деб ҳисобланиши мумкин бўлган ҳеч нарса йўқ. Кишилар ҳам жамият аъзоси, ҳам маданият намояндалари, айни пайтда жамоа вакиллари шунингдек, ўз оиласининг аъзоларидир. Бундан ташқари, инсонларга ўзига хос тарзда таъсир кўрсатадиган муассасалар, корхоналар, ташкилотлар ва норасмий бирлашмалар мавжуд.

Ижтимоий фанлар бўйича тадқиқотларда етарлича ишончли маълумотларни тўплаш ва ишончли статистик ва илмий фактларни аниқлаш ҳеч бўлмаганда бошқа соҳадаги каби мураккабликни ўзида акс эттиради.

Афсуски, жамият ҳақидаги билимлар суст тарқалган. Ватандошлар билим ўрнини фикр, инонмалар, узунқулоқ гаплар ёки таърифлаш билан алмаштириб қўймаслиги учун ҳамма нарсани қандай ташкил қилиш, бунга бепарво (бўлаверади, бошқаларда бу ҳам йўқ каби) муносабатдан қандай қочиш кераклиги ҳақида ўйлашлари керак.

Жамиятшунослик соҳасидаги тадқиқотлар сифатининг белгиларидан бири шундаки, тадқиқотчиларда (*ҳам ишончли маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш учун*, *ҳам олинган маълумотларни статистик ва илмий фактларга айлантириш учун*) асос сифатида олинган, оммага тақдим этишга тайёр бўлган назария, методология ва методиканинг мавжудлиги билан белгиланади. Агар тадқиқот олд шартлари яширин бўлиб қолса, унда биз ишончсиз тадқиқотларга дуч келган бўламиз. Тадқиқот буюртмачилари (дангасалик ёки қобилиятсизлик туфайли) тадқиқотда қатнашишни хаёлларига ҳам келтирмаса, ҳатто тушунчаларнинг маъносини ўзлари учун аниқлаб олишга ҳам эринса шубҳали ва ишониш мумкин бўлмаган илмий ишланмалар вужудга келади дейиш мумкин.

ИЛМИЙ МАЪЛУМОТ, МАСЪУЛИЯТ ҲАМДА ВАТАНДОШЛАР

Агар ватандошлар муаммоларни кўриш ва уларнинг сабабларини бартараф қилиш учун амалга оширилаётган чораларни тушуниш бўй-

ича етарли даражада билимга эга бўлсагина, ўтказилган сифатли социологик тадқиқотлар жамият учун фойда келтириши мумкин. Агар ватандошларнинг жамият ва маданият соҳасида тайёргарлиги бўлмаса, ижтимоий назорат қониқарли бўлмайди, бунинг оқибатида эса жамият турғунлик ҳолатига келиб қолиши мумкин.

Қарор қабул қилиш учун масъул бўлган шахслар ўз фаолияти ва унинг оқибатлари учун ҳақиқий (жиддий) персонал жавобгарлик масъулиятини ҳис қилган тақдирдагина жамият ва маданият соҳасидаги тадқиқотларга эҳтиёж сезадилар. Амалиёт шуни кўрсатадики, ўз фаолиятининг (ёки фаолиятсизлигининг) оқибатлари учун персонал жавобгарлик масъулияти йўқ бошлиқлар ҳеч қандай тадқиқотга буюртма бермайди, чунки улар соф илмий тадқиқотларга эҳтиёж сезмайдилар. Бундай ҳолларда фикр, инонма, орзу ва хомхаёл илм ўрнига тақдим қилинади. Тўғри ва қайта алоқа йўлга қўйилмаган жамиятларда социологик тадқиқотлар ўтказилмайди; бундай давлатлар жадал ривожланаётган демократик давлатлар билан бир қаторда тура олмайди, деб тахмин қилиш мумкин.

Амалиёт шуни кўрсатадики, ўз фаолиятининг (шунингдек, фаолиятсизлигининг) натижалари ва оқибатлари учун персонал жавобгарликни ҳис қиладиган бошлиқларгина илмий тадқиқотларга буюртма беради.

Илмий маълумотларга қуйидагиларда эҳтиёж сезилади:

• илм, фикр ва орзу кабиларни бир-биридан ажрата оладиганларда;

• факт, инфошовқин ва демогогия нима эканлигини биладиганларда;

• олинган маълумотлар ишончли бўлиши учун нимани ва қандай ўлчаш, баҳолаш, ҳисоблаш ва тавсифлаш кераклигини биладиганларда;

• билиш тизимини тушуниб, илмий билиш имкониятлари ва чегараларини, шунингдек, унинг бошқа билим турлари билан алоқасини биладиганларда;

• фаолият тизимини тушуниб, фаолият тизими элементларининг, шу жумладан, маълум (детерминистик) алоқа шароитидаги муносабатларини биладиганларда;

• жамиятда фаолият юритиш учун ҳам маъмурий (расмий, ижтимоий алоқалардан келиб чиқадиган), ҳам ахлоқий (норасмий, маданий алоқалардан келиб чиқадиган) ҳуқуқ зарурлигини, ҳуқуқдан фойдаланиш эса кейинги фаолият натижасида содир бўладиган ҳамма нарса учун жавобгар бўлиш мажбурияти билан бирга келишини тушунадиганларда;

• моҳият ва ташқи кўринишни фарқлайдиганларда;

• тизимли фикрлаш, тизимларнинг ишлаши, ўзгариши ва ривожланишини фарқлаш ва боғлаш қобилиятига эга ва бундан манфаатдорларда.

Илмий тадқиқотнинг роли, қиймати ва аҳамиятини муайян тадқиқотда шахсан иштирок этганларгина яхши тушунадилар. Худди шу нарса билишнинг бошқа йўллари учун ҳам тегишли. Масалан, ижодий жараёнда иштирок этмаган инсонлар ижодкорлик ва ижодкорларни тушунишда қийналади.

Амалий тадқиқотлар фундаментал ёки асосий тадқиқотларга қараганда қулай, бундай тадқиқотлар учун назарий, методологик ва методик асослар талаб қилинмайди, деган қараш нотўғри ва чалғитувчидир.

Қанчалик ачинарли кўринмасин, раҳбарлар фақат ижтимоий ҳаёт жар ёқасига келиб қолган инқирозли вазиятда, ёки ғалаба қозониш учун душмандан бир неча баробар кучли бўлиш талаб этиладиган уруш остонасида турганда олимлар ва илм-фанга жиддий аҳамият қаратганлиги билан боғлиқ мисоллар билан жаҳон тарихи тўлиб-тошиб ётибди.

ИЛМ НИМА УЧУН КЕРАК?

Жамиятда, энг аввало, илмий фикрлаш тарзи йўлга қўйилиши керак ва илмий тадқиқот ишининг билиш тизимидаги ўрни, илмий тадқиқотнинг олд шартлари ва тадқиқот жараёнида кашф этилган билим қадриятлари англаниши зарур.

Профан ва дилетантлар илм-фанни ҳам, олимларни ҳам ёмон кўришлари узоқ вақтдан бери маълум. Инсофсизлик (тақиқлаш-буйруқ бериш) билан юқори раҳбарлик лавозимларига келиб қолган шахслар кўпинча илм-фанни менсимайди ва олимларни масхара қилишади. Улар бу усулдан яккаҳукмронликни оқлаш учун фойдаланишга ҳаракат қилишади. Тажриба шуни кўрсатадики, нолойиқ йўл билан муносиб ва барқарор нарсага эришиш мумкин эмас.

Илм қуйидагилар учун зарур:

• бироз олдинни кўра билиш ва олдиндан ўйланган йўналишда камида бир неча қадам ташлай олиш учун;

• субъект учун тўғри (мос) йўналишда бориши муҳим бўлган жараёнларда тўғри ва қайта алоқанинг вужудга келишини таъминлаш учун;

• илмий тадқиқотлар воситасида муваффақият ва муваффақиятсизлик сабабларини аниқлаш учун;

• хорижий мамлакатларнинг стратегик ва кундалик фаолиятида олинган билимларни кашф этиш, таржима қилиш, узатиш, тарқатиш ва ҳисобга олиш учун;

• илмий фикрлаш тарзини шакллантириш учун, чунки фан нафақат олимлар, балки бошқа инсонлар орасида ҳам маърифатлилик, информацияланганлик ва тажриба мавжудлигини назарда тутади;

• ажойиб кашфиётларга йўл очиш ва янги нарсаларни қидириш учун;

• эскиликдан қутулиш учун.

Бундан ташқари:

• Илм - ёлғондан муҳофаза қилади.

• Фан ақлий конструксияларни эскирган тасаввурлардан, мафкуравий тузилмаларни фирибгарликдан, ташкилий тузилмаларни эса асослантирилмаган авторитетлардан ва уларга тасодифан кириб қолган инсонлардан тозалашга ёрдам беради.

• Илм-фан янги ечимларни топиш ва ҳимояга муҳтож бўлган ҳамма нарсани янада самаралироқ сақлаш эркинлигини беради.

Илм ўз-ўзидан ҳеч нарса қилмайди — илм қилиш инсонлар ишидир. Илмий изланишлар натижалари ва илмий фикр юритиш туфайли, билиш тизимига йўналтирилганлик сабабидан инсонлар янада мақсадга мувофиқ ҳаракат қилишлари мумкин.

Қарорларни ишлаб чиқувчилар ва уларни ижро этувчилар ўз фаолияти ва унинг оқибатлари учун жавобгарлик масъулияти борлигини тушунса, бундай давлатни билимга асосланган деб ҳисоблаш мумкин.

Агар конституцион институтлар [*қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти*] ўз фаолияти ва унинг натижалари тўғрисида ватандошларга мунтазам равишда ҳисобот беришга мажбур бўлса, ижтимоий тадқиқотларга зарурат туғилади ва улар маъно касб этади.

Агар конституциявий институтлар [*қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти*] ватандошларга ўз фаолияти ва уларнинг натижалари тўғрисида мунтазам равишда ҳисобот (жамият ва давлатдаги вазият, ҳолат ва ситуация тўғрисида доклад) беришга мажбур бўлса, ижтимоий фанлар зарурий, мантиқий ва хавфсиз (халқдан ажратилган ва бегона эмас) бўлади. Бундай ҳисобот расмий эълон [*мурожаатлар*] шаклида эмас, балки жамоатчилик мунозаралари шаклида ўтказилиши керак.

Илмий тадқиқот натижаларини ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш — нафақат олимлар, балки бутун ватандошлик жамияти фаоллигини талаб этади. Бунинг учун ҳар бир ватандошга билиш соҳасида тайёргарлик, шунингдек, ахборот ола билиш ҳуқуқи ҳамда давлат ва муниципал ҳокимият органлари фаолияти билан яқиндан танишиш (шахсий тажриба орттириш) имконияти зарур. Таълим, информацияланганлик ва тажриба бирлигисиз, ватандош олий ҳокимият ташувчиси бўлиш имконсиздир.

8.3. МЕТОДОЛОГИЯ ВА МЕТОДИКА

Эстонияда баъзан методологияни методлар ҳақидаги таълимот сифатида талқин қилиш одат тусига кирган. Бизнинг талқинимизда эса методология тамойиллар ҳақидаги фалсафий таълимот бўлиб, унга риоя қилиш инсон фаолиятининг бутун тизимига ҳамроҳ бўлган жараён-

ларга асосланади (0.3.2. — *чизмага қаранг*).

Эстония университетларида бакалавриат, магистратура ва докторантура номзодлари томонидан ҳимоя қилинадиган тадқиқотларда, одатда, назария ва методика озми-кўпми синчковлик билан кўриб чиқилади, аксарият ҳолларда эса методология асослари умуман ҳисобга олинмайди.

Илмий тадқиқотларда зарурий принциплар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш нима учун керак:

• объект ва предметни аниқлаш учун;

• тадқиқот натижасида “ўтмишига” назар ташлаш имкони бўлиши учун;

• алоқалар ва боғланишларни фикр қилиш, уларнинг аҳамиятини аниқлаш учун;

• тадқиқот натижаларини қўллаш соҳасини кенгайтириш учун.

Камида уч турдаги принциплар мавжуд:

• маданий-ижтимоий муносабатлардан келиб чиқадиган тамойиллар (масалан, инсонпарварлик тамойили, маданий узлуксизлик тамойили, яшаш муҳитини муҳофаза қилиш тамойили ва бошқалар);

• диққат марказидаги объектни кўриб чиқиш учун зарур бўлган тамойиллар (масалан, кўп нуқтаи назар принципи, шу жумладан, статика ва динамикани алоҳида ва биргаликда кўриб чиқиш принципи);

• ўқув жараёнини ташкил этиш тамойил-

лари (дидактика; масалан, узоқдан яқингача, танишдан нотанишгача, оддийдан мураккабга каби тамойиллар).

Методология - бу ҳаётнинг турли соҳаларида мўлжал олиш, ечимларни топиш, фаолият билан шуғулланиш, шунингдек, буларнинг барчаси билан бирга келадиган натижалар ва оқибатларни башорат қилиш, аниқлаш ва баҳолаш учун билиниши ва ҳисобга олиниши керак бўлган тамойиллар ҳақидаги фалсафий таълимотдир.

Методология бу профессионал фаолият, ишончли натижаларга эришиш ва баҳолаш учун зарурий, аммо ягона шарт эмас.

Ушбу китобда биз жамият ва маданият соҳасидаги илмий тадқиқотлар қониқарли деб топилиши учун эътиборга олиниши керак бўлган тамойилларнигина эслатиб ўтамиз. Шу билан бирга: қандайдир (ҳар қандай) тизимни (объектни, ҳодисани ёки жараённи) тушуниш ва кейинчалик унинг хусусиятларини иложи борича тўлиқ тасвирлай олиш ва уларни алоҳида (қисмларга ажратиб) ва бир-бири билан боғланган ҳолда (биргаликда) кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлаймиз.

• Нуқтаи назарларнинг кўплиги тамойили (0.3.1. — *расмга қаранг*).

• динамика ва статикани (жараёнлар, ҳодисалар ва объектлар) алоҳида ва биргаликда

кўриб чиқиш принципи (0.3.3 *ва* 0.3.4 — *расмларга қаранг*).

• Ўз-ўзини тартибга солиш ва мақсадли таъсирларни (раҳбарлик, бошқарув, хўжалик юритув, эгалик қилиш, алоқаларни шакллантиришни) алоҳида ва биргаликда кўриб чиқиш принципи (2.9.1. — *расмга қаранг*).

• тартибот ва раҳбарлик даражаларини алоҳида ва биргаликда кўриб чиқиш принципи (7.2.1. — *расмга қаранг*).

• жамоатчилик ва маданий алоқаларни алоҳида ва биргаликда кўриб чиқиш принципи.

• ўтмишни, бугунни ва келажакни алоҳида ва биргаликда кўриб чиқиш принципи.

• мақсадга мувофиқлик, самарадорлик ва интенсивликни алоҳида ва биргаликда кўриб чиқиш принципи.

• моддий (предметли), номоддий ва виртуал муҳитни алоҳида ва биргаликда кўриб чиқиш принципи.

• вазият, ҳолат ва ситуацияни алоҳида ва биргаликда кўриб чиқиш принципи.

• моҳият ва устқурмани алоҳида ва биргаликда кўриб чиқиш принципи.

• тизимлилик ва комплексliликни алоҳида ва биргаликда кўриб чиқиш принципи.

• умумий, махсус ва яккаликни алоҳида ва биргаликда кўриб чиқиш принципи.

• асосий, ёрдамчи, мажбурловчи, қўшимча, параллел каби жараёнларни алоҳида ва биргаликда кўриб чиқиш принципи.

• фаолият кўрсатиш, ўзгаришга юз тутиш ҳамда ривожланишни алоҳида ва биргаликда кўриб чиқиш принципи.

• курс, мақсад ва воситаларни алоҳида ва биргаликда кўриб чиқиш принципи.

• ҳуқуқ, бурч ва масъулиятни алоҳида ва биргаликда кўриб чиқиш тпринципи.

• энергия, ритм ва зўриқишни алоҳида ва биргаликда кўриб чиқиш принципи.

• субъективлик ва объективликни алоҳида ва биргаликда кўриб чиқиш принципи.

• фундаментал ва амалий муаммовийликни алоҳида ва биргаликда кўриб чиқиш принципи.

МЕТОДЛАР ВА МЕТОДИКА

Ҳар бир тадқиқот дастлабки маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш учун ўз методикасига эга.

Барча маълум методлардан фойдаланган ҳолда фақат миқдорий қийматларни ўлчаш мумкин (ўлчов ва бошқалар, 1.0. — *бандга қаранг*). Гуманитар ва социологик тадқиқотлар масаласида, тадқиқотчи асосан сифат хусусиятлари билан боғлиқ маълумотларни тўплаши керак, шунинг учун дастлабки маълумотларни тўплаш методлари, қоида тариқасида, тадқиқотчининг ўзи томонидан яратилади. Оғзаки ва ёзма сўровлар, кузатишлар ва эксперемент каби методлар орқали, тадқиқот ўтказиш учун зарур бўлган нарсаларнинг фақат “парчаларини” тўплаш

мумкин. Таҳлилнинг биринчи босқичида ушбу "парчаларни" индексларга бирлаштириш керак (6.0. — *бандга қаранг*).

• Метод — бу курсни сақлаш, мақсадларга эришиш, мажбурият ва вазифаларни бажаришга ёрдам берадиган йўлдир. Метод ҳар қандай профессионал фаолият учун восита бўлиб хизмат қилади.

• Методика — бу маълум бир фаолият турида қўлланилиши мумкин бўлган методлар мажмуидир.

Иккинчи даражали таҳлил, тадқиқот объектининг умумий хусусиятларини тавсифловчи индексларга асосланади. Гуманитар ва ижтимоий фанлар бўйича маълумотларни йиғишнинг бошланғич усуллари шунчалик ноаниқки, билим ёки фикр керак бўлган ҳар бир тафсилот учун камида иккита бир-биридан принципиал фарқ қиладиган метод ёрдамида маълумотлар тўпланиши керак.

Метод ўзида жуда катта илмий қадриятни жамлайди. Методларни ўзлаштирганликни моҳирлик ўлчови деб ҳисоблаш мумкин. Афсуски, бугунги кунда Эстонияда шундай методлар ҳам кенг қўлланилмоқдаки, уларнинг ёрдами билан тўпланган маълумотларни фақат қўшимча методлардан фойдаланган ҳолда изоҳлаш мумкин.

Масалан, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, формаллаштирилган анкеталаштириш ёки

интервьюда тўпланган маълумотлар тўғридан-тўғри қўйилган саволга тегишлими ёки у респондентнинг дунёқарашини, диспозиция тизимини, кайфиятни ва муносабатини кўрсатадими ёки йўқми, ҳеч ким аниқ билиш имкониятига эга эмас. Бундай ҳолда, мавжуд маълумотларни етарли ва ишончли маълумотга айлантириш учун қўшимча равишда эксперимент, кузатиш, кундаликлар таҳлилини ўтказиш керак бўлади.

Тадқиқотчи дастлабки маълумотлар ва натижаларнинг ишончлилигини таъминлаши шарт. Юқоридагиларга асосланиб, ёш тадқиқотчиларга дастлабки маълумотларни йиғишни бошлашдан олдин маълумотларни қайта ишлаш стратегияси ва методологиясини ишлаб чиқиш тавсия этилади. Бундан ташқари, бирламчи маълумотларни тўплашдан олдин индексларни тузиш алгоритмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

9-БОБ. ТАЪЛИМ

9-БОБ. ТАЪЛИМ

Таълим - бу нафақат таълим муассасалари тармоғи ва уларда амалга оширилаётган ўқитиш жараёни, балки том маънода ижтимоий институтларнинг барчаси (шу жумладан, мактаблар ҳам) таълимий мақсадга эга. Нормал инсон эса умри давомида ўқишни тўхтатмасликка ҳаракат қилади.

9.0. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Инсон ривожининг шу билан бирга турли жамоа, ташкилот, институциялар ва жамият тараққиётининг аҳамиятли белгиси ва шарти - таълимдир. Эстония маданиятининг бутун тарихий ривожланиш даврида, таълим қадрият ҳисобланган ва унинг зарурати ҳақида баҳслашиш ўринли бўлмаган. Ҳудди она ва она тили (*эстон тилида - "ema" ва "ema keel"*), табиат ва Яратувчи, шаън ва қадр-қиммат кабилар қаторида таълим ҳам олий қадрият ҳисобланган.

Эстония бир вақтлар мактаблар тармоғи билан тўлиқ қамраб олинганлигини ва XVII аср-

нинг ўрталарига келиб аҳолининг деярли барчаси саводхонликка эришганини вақти-вақти билан эслатиб туриш бизда одат тусига кирган.

XXI аср келди, лекин биз ҳали ҳам таълим тизими — бу биринчи навбатда мактаблар, таълимнинг ўзи эса мактабларда “бериладиган” ва амалга ошириладиган нарсадир, деган фикрга тўқнаш келмоқдамиз.

Таълим тизимини тасаввур қилиш учун кўплаб нуқтаи назарларни топиш лозим. Шуни тан олиш керакки, биринчи навбатда, уй ва оила, шу билан бирга барча институциялар таълимий аҳамиятга эгадир. Мактабдан ташқари, театр, музей ва кутубхоналар, черков [*масжид*], армия, спорт ва туризм ташкилотлари, шунингдек, ҳар қандай корхона, муассаса кабилар ҳам таълимда муҳим роль ўйнайди. Бунда оммавий ахборот воситалари - радио, телевидение, газета, журнал, адабиёт, санъат ва, албатта, социал тармоқлар ҳам улкан аҳамият касб этади.

Таълим бу:

• маданият функцияси;

• ўқиш, тарбия ва тажриба бирлигида шаклланган субъектнинг белгиси ёки хусусиятларидан бири;

• ватандош ва унинг виждонли ва масъулиятли фаолияти шаклланишининг асосий шарти;

• жамиятнинг замонавий фаолияти, ўзгариши ва ривожланиши омилидир;

• эркинликка эришиш, сақлаш, ҳимоя қилиш ва ундан фойдаланишнинг асосий шарти;

• курс, мақсад ва воситадир;

• Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқдир;

• лавозимга тайинланишнинг (депутатлик ваколатларини олиш) ва лавозимга мувофиқлик сақланишининг (аттестациядан ўтишнинг) зарурий шартидир;

• инсонни, ҳаёт босқичларига шайлигини шакллантиришнинг узлуксиз жараёнидир;

• мўъжизадир (!);

• ва ҳоказо.

Мактабга жамият ва маданиятдаги институция (мактаб - туб моҳияти бўйича) сифатида тизим ҳосил қилувчилик роли юклатилади. Таълим тизимида мактаблар қанча кўп аҳамият касб эта бошласа, оилалар танлаш эркинлигини шунчалик кам ола бошлайдилар [*мактаб таълимнинг қатъий вертикалига айланмаслиги кераклиги, ота-онада мактабдан ташқарида ҳам таълимий институтларни танлай олиш имконияти бўлиши лозимлиги назарда тутилмоқда*]. Олдинги бобларда таъкидланганидек, таълим тизимида мактабларнинг аҳамияти жуда юқори, лекин айни пайтда мунаввар инсонлар ва мунавварлар жамиятини шакллантиришда мактабнинг (барча мактабларнинг) ўрни 10 фоиздан зўрға ошади.

Билимларнинг аксарияти инсонларда тасодифий тарзда, бевосита мунавварлашиш ва

тажриба, ҳис-туйғулар ва фикрлаш, тадқиқот ва ижод, меҳнат ва ўйин, шунингдек, оддий мулоқот орқали тўпланади. Бунда шахсий ўрнак ҳам катта роль ўйнайди.

ТАЪЛИМ, ТАРБИЯ ВА ТАЖРИБАНИНГ ЯГОНАЛИГИ

Таълим - ўз-ўзидан қадрият бўла олмайди, балки умум маърифатлилилик, информацияланганлик ва тажрибанинг бирлиги қадрият саналади. Шунингдек, билим - ҳам ўз-ўзидан қадрият эмас, балки билим, маҳорат ва тушуниш бирлиги қадриятдир. Қизиқиш ҳам қадрият эмас, балки қизиқиш, ирода ва эътиқод бирлиги қадриятдир (*2.8. — бандга қаранг*).

Ҳеч ким ҳеч қаерда қандайдир тарзда ҳеч кимга таълим “бера” олмайди. Таълимни олиш, ҳарид қилиш, сотиш ёки айирбошлаш мумкин эмас. Таълимда ишлаб бўлмайди (ўқитувчилар таълим муассасаларида лавозимларни эгаллайди). Таълимга келиш ва уни тарк этиш имконсиздир.

9.0.1. — чизма. Мактаб - таълим соҳасида аҳамиятли роль ўйнайди, лекин ижтимоий институтларнинг барчаси ўзида таълимий функцияларни акс эттиради

9.0.2. — чизма. Таълим тизими функциялари

9.0.3. — чизма. Мактабга нисбатан институция сифатидаги кутилмалар

Инсон фақат маданий маконда — ўзи мансуб бўлган миллий ва умуминсоний маданиятнинг функцияси сифатида (*объектив боғлиқлик орқали, кўп омилларнинг ўзаро таъсирида*) маърифатли бўлиб етишиши мумкин (5.3.1. — *чизмага қаранг*).

Таълим - бу ўқиш, тарбия ва тажрибанинг бирлигидир. Бу жараёнларнинг аҳамиятлиси тарбия - субъектни ривожлантириш учун мос муҳитни яратиш ва сақлаш орқали улғайишни қўллаб-қувватлашдир.

Инсон хоҳлаган нарсасини хоҳлаган жойида ўқисин, аммо у маданий макондагина маърифатли бўлиши мумкин.

Таълим - бу маданиятнинг (маданий алоқалар ичида улғайишнинг объектив умум боғлиқлиги) функциясидир. "Маданият" тушунчаси жуда кўп маъноларга эга, аммо биз ушбу китобда қуйидаги талқин билан чекланамиз: маданият — бу инсонларнинг тутумлари ва муносабатлари, тафаккур ва хатти-ҳаракатларини тартибга келтирувчи - қадриятлар, меъёрлар, фазилатлар, афсоналар ва ясоқлари жамланмасидир (5 — *бандга қаранг*).

Таълим — аҳамиятли жараён сифатида бутун умр узлуксиз давом этади ва ҳар сафар инсонни ҳаётнинг кейинги босқичига тайёргарлигини шакллантиради. Ҳар бир маданиятда, турли вақтларда ўғил болалар ва қизлар, шунингдек, эркаклар ва аёллар маълум бир ёшда нимага тайёр бўлишлари кераклиги ҳақида маълум тасаввурлар бўлган. Шунга кўра, турли маданиятларда тегишли тайёрликни шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар, шунингдек, мақсадга мувофиқ деб ҳисобланиши мумкин бўлган йўл ҳақида ўз қарашлари шаклланган.

Ўзини маргинал деб ҳис қиладиган, яъни эски маданий алоқаларини йўқотган, лекин ҳали янги маданий алоқаларга эга бўлмаган инсонлар жуда кўп нарсаларни ўрганишлари, билишлари ва қила олишлари мумкиндир, аммо идентитет йўқлиги сабабли уларнинг маърифатли бўлиши жуда ва жуда қийин (2.3. — *бандга қаранг*).

БИЛИШ, ТАЖРИБА ҲОСИЛ ҚИЛИШ ВА МАЪНОЛАНТИРИШ МУҲИМДИР

Таълимни бошлаш ёки тугатиш мумкин эмас. Ўқишни бошлаш ва тугатиш ёки ҳар қандай нарсани ўрганиш, яратиш, тадқиқ қилиш, қуриш мумкин. Ҳар бир инсон биладики, ҳаётда муваффақиятга эришиш учун кўп нарсани билиш, шунингдек, қобилият ва тушуниш керак. Бу тўғри, лекин шуни эсда тутиш кераккки, қадрият ҳар уч компонентнинг тарқоқолиги эмас, балки бирлигидадир. Агар улар ҳақида алоҳида-алоҳида гапирсак, унда маънонинг саробга айланиш хавфи туғилади. Ахир бу билим, маҳорат ва тушунишнинг бирлиги билан маъно касб этади.

Матнларни механик равишда эслаб қолиш мумкин. Маҳорат - машқлар ва тажриба орқали шаклланади, тушуниш эса тафаккур қилиш ва маънолантириш воситасида келади. Инсон тажрибани фақат эмоционал қайғуриш билан кечадиган амалиёт ёрдамида тўплаши мумкин. Муваффақиятсизлик бўлган тақдирда, онг остида безовталаниш ҳисси ва энди бундай қилиш керак эмаслиги тушунчаси сақланиб қолади. Муваффақиятга эришган тақдирда, қувонч ҳисси ва келажакда ҳам шундай қилиш истаги мустаҳкамланади.

• Тажрибани фақат бевосита амалиёт орқали тўплаш мумкин, бу, албатта, эмоционал сиқинти билан бирга кечади.

• Шунинг учун ҳам тажриба алмашиш мумкин эмас. Фақат ўзингизнинг ёки ўзганинг тажрибаси ҳақида маълумот беришингиз, шунингдек, умумлаштиришингиз, конкретлаштиришингиз мумкин.

Аҳамият - контекстда (метатизимларда) шаклланади. Тушуниш учун ҳам бутунни, ҳам тафсилотларни, қуйи тизимларни, қисмлар ва элементларни, алоқалар ва боғлиқликларни, имкониятлар ва хавфларни билиш керак. Такрорлаш фойдадан холи бўлмайди: қадрият — билим, кўникма ёки тушунишнинг тарқоқлигида эмас, балки уларнинг бирлигидадир! Маърифатлиликнинг ўлчови - бу олдиндан кўра билиш ва таний олиш қобилиятидир.

9.1. ЎҚИШ

Ўқиш жараёнида қатнашмоқчи бўлганлар (қандай ролда бўлишидан қатъи назар) инсоннинг маърифатлилиги нима эканлигини ва у қандай шаклланишини, қандай қилиб маърифатли бўлиб қолиш мумкин (атрофдаги ҳамма нарса тез ўзгариб бораётган бўлса ҳам) ва ўз навбатида таълим ва маърифатли инсонга нима боғлиқлигини ўзлари учун аниқлаб олишлари керак.

Соҳа (1.7. — *бандга қаранг*) мутахассиси бўлиб шаклланишнинг зарур олд шартларидан бири

бу олдингидан анча чуқурроқ кўриб чиқиш, олд шартларнинг тузилиши ва таркибини очиб бериш ва уларни реал ҳолат билан солиштириш зарур.

ТАЪЛИМ ЎЗАРО БОҒЛАШ ВА ФАРҚЛАШ ҚОБИЛИЯТИ СИФАТИДА:

... БИЛИМ, МАҲОРАТ, ТУШУНЧА
... ҚИЗИҚИШ, ИРОДА ВА ИШОНЧ
... ТАЪЛИМ, ТАРБИЯ ВА ТАЖРИБА
... ЎҚИМИШЛИЛИК, ИНФОРМАЦИЯЛАНГАНЛИК ВА ТАЖРИБА
... ҲОЗИР, ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАК
... ҲОЛАТ, ПОЗИЦИЯ ВА ВАЗИЯТ
... ФАОЛИЯТ, ЎЗГАРИШ ВА РИВОЖЛАНИШ
... ИТЕЛЛЕКТУАЛ, ҲИССИЙ ВА РУҲИЙ
... ШАХСИЙ, ЖАМОАВИЙ ВА УМУМИЙ МАНФААТЛАР
... КУРС, МАҚСАД ВА ВОСИТА
... ҲУҚУҚ, МАЖБУРИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК
... АЛОҚА, ТЎҒРИ ВА ҚАЙТА АЛОҚА
... СТАТИКАДА ВА ДИНАМИКАДА
... ПРОДУКТИВ ВА РЕПРОДУКТИВ
... ТИЗИМЛИЛИК ВА КОМПЛЕКСЛИК
... МАВЗУ ВА РЕМА
... ҲАРАКАТ ВА ХОРДИҚ
... ЭРКИНЛИК ВА ТАРТИБ
... МОҲИЯТ ВА КЎРИНИШ
... ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ АЛОҚА
... ЖАМОАВИЙ ВА ОИЛАВИЙ АЛОҚА
... НАЗОРАТ ВА БОШҚАРУВ ДАРАЖАЛАРИ
... СУБЪЕКТИВ ВА ОБЪЕКТИВ
... ҚОНУН ВА АДОЛАТ
... НАТИЖАЛАР ВА ОҚИБАТЛАР

ҚУЙИДАГИЛАР БИЛАН БИРГА

КИМ ФАРҚЛАЙ ОЛМАСА, БОҒЛАЙ ОЛМАЙДИ.
КИМ БОҒЛАЙ ОЛМАСА, ТУШУНА ОЛМАЙДИ.

9.1.1. — чизма. Таний билиш ва алоқаларни топа олиш қобилияти

Шундай қилиб, сиз “муаммонинг илдизи қаердалигини” билиб олишингиз мумкин. Агар ушбу муаммони шакллантириш учун жасорат ва хоҳиш етарли бўлса (0.3.3. — *чизмага қаранг*), уни модел сифатида қоғозга тушириш ва ҳеч бўлмаганда дўстларга танитиш лозим. Шунда (казуал ва функционал алоқалар тизимини) зиддият муаммосининг юзага келиш (ва, эҳтимол, мавжуд бўлиш, чуқурлашиш ва кенгайиш) сабабларини аниқлаш имкони очилади. Кейин эса бўшлиқларни тўлдириш, шунингдек, илгари эришилган ҳамма нарсани сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун дастур яратиш нисбатан осон бўлади.

9.1.2. — чизма. Таълимнинг олд шартлари ва натижалари

Ватандошнинг ижтимоий-маданий ҳаётда фаол ва масъулиятли ҳаракат қилишга тайёр ту-

риши қандай шаклланади? Қандай қилиб шахс ўз ва ижтимоий бошқарув субъектига айланади, ўзини мустақил йўналтира оладиган, фикрлайдиган, таҳлил қилиб, умумлаштириб қарор бера оладиган, якка ва коллектив ҳаракатга имконли инсонлар сирасига киради, шу билан бирга, юлқиб-силтаниб, уриб-тепилиб манипуляция объекти даражасига олиб келинган шахсга айланмаслик масаласи ҳам муҳимдир (1.6.1. — *чизмага қаранг*).

Тез ўзгарувчан дунёда таълим тизимининг мазмуни ва ташкил этилишини ўзгартириб бориш долзарб бўлиб қолаверади. Шу билан бирга, бирор нарсани ўзгартириш учун - нимани сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш кераклиги, яъни мутлақо ўзгартирилмаслик ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлгандагина маънавий ҳуқуқ пайдо бўлади.

Ўқув жараёни - келажакни кўзлаш ва прогрессив ҳаракатчанлик қобилиятини шакллантириши керак. Шундай экан, келажакка мос мазмун ва моҳиятни излашга йўналтирилган ўқув жараёнини ташкил қилишда жуда кўп прогнозлар ва сценарийлар билан қуролланиш лозим. Проспективлик (келажак кўзлови) таълим жараёнига мазмун киритади.

• Ҳар қандай предмет, жараён ёки ҳодисани ўрганиш ретроспектив (ўтмишдан келиб чиқадиган) фаолиятдир.

• Келажакни кўзлаш, яъни проспективлик таълим жараёнига мазмун киритади.

Илгари яратилган матнларни (маъно билан тўлдирилган символлар ва белгилар тўплами) ўрганишингиз мумкин. Шу маънода ўқиш жараёни ретроспектив (ўтмишдан сизиб чиқадиган) фаолиятдир. Билимнинг қайсидир қисми фундаментал (табиат қонунлари, жамият қонунлари ва тафаккур қонунлари, шунингдек, уларнинг намоён бўлиш қонуниятлари) эканлигига шубҳа йўқ. Бундай матнлар асос солувчи матнлар бўлиб, унга мос билимлар эса асос солувчи билимлар дейилади. Асос солувчи билимлар ўзлаштирилиши керак, яъни ўрганиш, маънолантириш, илгари ўзлаштирилган билимлар билан боғланиши ва мустаҳкамланиши лозим (2.8. — *бандга қаранг*).



9.1.3. — чизма. Ўқиш жараёнига таъсир кўрсатади...

Таълим жараёнини ташкил этишда энг муҳими — бу аҳамиятли бўлган барча факторлар мавжудлигига ва уларнинг ҳеч бири бошқа факторларни маъносиз қиладиган даражада заиф бўлмаслигига ишонч ҳосил қилишдир (*9.1.4. — чизмага қаранг*).

Зарурат. Заруратсиз ташкил этилган таълим жараёни юзаки, фрагментар *[узуқ-юлуқ]*, анча маъносиз характерга эга бўлади. Агар вояга етган кишиларда билимдон мутахассис бўлишга эҳтиёж сезилмаса, унда ҳеч нарса уни зўриқиш ва ўзини енгиб ўтишга мажбур қилмайди.

Агар компетентлик принципи амал қилганда эди, муносиблигини исботлаган номзодларгина лавозимга талабгор бўлиши мумкин эди. Бу номзоднинг қуйидаги фазилатларга эга эканлигини англатади:

• аниқ, барқарор ва тизимли билимга;

• ушбу билимларни қўллаш қобилиятига;

• ўз хоҳиш-истакларини, раддияларини ва бошқа танловларини тушунтириш қобилиятига;

• ўзи профессионал бўлган соҳада кейинги фаолиятнинг тизимлилиги ва комплекслилигини таъминлаш қобилиятига.

9.1.4. — чизма. Ўқув жараёнининг факторлари

Профессионализмнинг ўзи етарли эмас, унга қўшимча равишда, шахсий ва ахлоқий мувофиқлик ва касбга мойиллик ҳам талаб қилинади.

Ҳаётда ҳар бир инсон шундай даражага чиқиши лозимки, у мустақил кўзлов ола билсин ва қўллашга яроқли, минимал оқибатли, кутилмаларга мос қарорларни шакллантириш учун нимани қандай бажариш ҳақидаги муҳокамаларда оқилона иштирок эта оладиган даражага етсин.

Мазмун. Таълим жараёнининг мазмуни - тизимли, комплекс ва замонавий бўлиши керак.

• Агар инсон билимдон мутахассис бўлишга эҳтиёж сезмаса, ҳеч нарса уни зўриқтирмайди ва ўзини енгиб ўтишга мажбур қилмайди.

• Агар компетентлик тамойили амалда

бўлса, маълум лавозимга даъвогарлар ўзларининг муносиблигини, билими мавжудлигини, ушбу билимларни тушунтириш, асослаш ва қўллаш қобилиятини, тизимлилик ва комплекслиликни таъминлай олишини исботлашлари керак бўлар эди.

Ташкил қилиш. Ўқув жараёнини ташкил этишда таълим омилларининг бутун тизимини ҳисобга олиш керак: вақт ва жой, ўқув шакли, ўқув материаллари, вужудга келган муносабатлар, таълим методлари ва дастурлари, ижтимоий ва маданий алоқалар, оила ва жамоа алоқаларини. Ўқув жараёнини ташкил қилишда инсонлар ўртасидаги субъектив муносабатлар марказий аҳамиятга эга - фақат субъектлар мулоқот қилишлари мумкин. Агар ҳамкорлик қилувчи томонлардан бири ёки иккала томон ҳам бир-бирини объект деб ҳисобласа, биз мурожаатга дуч келамиз (6.0.1. — *чизмага қаранг*). Таълим жараёнининг объекти шахс эмас, балки унинг ривожланишидир.

Методика. Таълим соҳасида методика - бу таълим фаолиятининг асосий мақсади - шахсни ривожлантиришга эришиш (ўз ичига турли хил йўсин ва усулларни олувчи) методлари йиғиндисидир. Методикани танлашда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш керак. Масалан, “читтак” (*эрта уйғонади ва эрта ётади*) ёки “бойқушлар” (*кеч уйғонади ва кечаси фаол бўлади*), чапақай ёки ўнгақай, “физиклар” ёки “лириклар”, индуктив ёки дедуктив тафаккур инсонлари эканлиги инобатга олиниши лозим.

ЎҚИГУВЧИЛАР ВА БИЛИМ

Шуни тушуниш керакки, ҳаётда фойдали бўлиши мумкин бўлган ҳамма нарсани ўргатиш ёки ўрганиш мумкин эмас. Мустақил кўзлов қилиш, фикрлаш ва маънолантириш қобилиятига эришиш мумкин. Тинглашни, итоат қилишни ва мустақил бўлишни ўрганишингиз мумкин. Назар ташлашни, ўлчашни, баҳолашни, ҳисоблашни, тасвирлашни, фарқлашни ва боғлашни ўрганиши мумкин. Тизимлар, маънолар, хавфлар ва имкониятларни тушунишга эришиш мумкин (*2.11. — бандга қаранг*).

Инсонлар реалликда яшайдилар, лекин келажакка тайёргарлик кўрадилар. Ҳар бир кейинги он таниш ёки нотаниш бўлиши мумкин. Гарчи янги бўлиб кўринганларнинг аксарияти унитилган эски нарсалар бўлса-да, фарқлаш ва боғлаш, қарор бериш ва татбиқ қилиш, унинг ишончлилигига амин бўлгунингизча шубҳа қилиш керак ва ҳоказо.

Ўқиш жараёнида доно бўла олмайсиз: ўқиш жараёнида билим олиш, бунинг натижасида эса янги билимларни тўплаш мумкин бўлади.

Ўқиш жараёнида доно бўла олмайсиз; ўқиш жараёнида билимга эга бўлишингиз, бунинг натижасида эса янги билимларни тўплаш мумкин бўлади. Бу билимларнинг қадри ва сифати алоҳида масала ҳисобланади (9.1.5. — *чизмага қаранг*).



9.1.5. — чизма. Билим қандай қилиб фаолият асоси бўлишини бир ўйлаб кўрайлик

Билимнинг ишончлилиги, яхлитлиги, мазмунлилиги, уйғунлиги, чуқурлиги ва диапазони, фундаменталлиги, қўлланилиши муҳимдир. Консентрацион тузилиш (ягона марказ атрофида тўпланиш ва янги қатламлар орқали тўлдирилиш имконияти) ҳамда билимлар керак бўлиб қолганда хотирадан осон ва тез топиладиган тарзда тартиблаш ҳам аҳамиятлидир. Билимнинг қатъийлиги ҳам муҳимдир - у шубҳаларни енгиш орқали шаклланади, бу эса ўз навбатида биз ҳали ишонч ҳосил қилмаган ҳамма нарсага шубҳа қилишимизга имкон беради.

Кўпгина билимлар инсонга фақат фон сифатида ҳамроҳ бўлади ва улар ҳеч қачон фой-

дали бўлмайдигандек туюлиши мумкин. Биз ҳар қандай билим қандайдир маънолантирилган конструкцияларни қуриш учун материал бўлиши мумкинлигини тушуниб етмаймиз ва қайси олинган билимимиз туфайли ниманидир тушуниш, тафаккур давомийлигига эришиш ва ўзини мақсадга мувофиқ тутиш бахтига муяссар бўлганимизни билмаймиз. Билим миқдорини (ҳажмини) ошириш, уни тартибга келтиришдан кўра осонроқдир.

9.1.6. — чизма. Билим муаммо сифатида

Тартиблашнинг асоси сифатида, классификация, бочка, рамка, жавон, чуқурчалар ва занжир каби умумтаниш предметлар мисолида тушунтириш мумкин бўлган структуралар хизмат қилади. Бу китобда “бочка” ёки “лангар занжири” қонунлари бир неча бор такрорланди (1.0. — *бандга қаранг*).

Билимнинг хусусиятларини ҳисобга оладиган моделни яратишдан бошлаш керак: унга кўра

бирор нарса ҳақида ҳамма нарсани билиш керак бўлган фундаменталлик ва қўллай билиш, ҳажм ва тартибга солинганлик, шунингдек, чуқурлик ва кенглик кабилардан ҳеч бўлмаганда нимани-дир билиш керак.

Билим сифати қуйидагиларга мувофиқлик билан тавсифланади:

- эҳтиёжларга;
- маданий стереотипларга;
- норма сифатида давлат ва халқаро стан-дартларга;
- идеалларга;
- келажак эҳтиёжларига.

УҚИШГА ҲАММА ЭҲТИЁЖ СЕЗАДИ

Ҳаётнинг ҳар қандай лаҳзаси ибратли, аммо чалғитувчи ва қўрқинчли, ҳайратланарли ва ёқимли ёки хавфли бўлиши ҳам мумкин. Ғурур билан яшаш, ижтимоий ва маданий ҳаётда фаол иштирок этиш учун бугун ҳар бир ватандош (бу-тун халқ!) янги билимларни ўзлаштиришга очиқ қолиши керак. Эстония Конституциясида ҳар бир ватандош ва хорижлик учун таълим олиш ҳуқуқи кафолатланган. Ҳеч ким буни бирор бир (айниқса, ҳар қандай) мактабга бориш зарурати сифатида изоҳлай олмайди.



9.1.7. — чизма. Ўқитиш стратегияси

Мактаблар ўртасидаги фарқ жуда катта бўлиши мумкин. Худди шу нарсани барча турдаги курслар, семинарлар, симпозиумлар, конференциялар, конгресслар ва бошқалар ҳақида айтиш мумкин.

Кенг маънода қўшимча машғулотларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

• турли дастурлар бўйича университетлар томонидан ташкил этилган қўшимча ўқитишлар;

• турли бўлимлар, депортаментлар, партиялар, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларида мунтазам равишда “ўқув кунлари” ва “ўқув ҳафталари” (аслида, конференциялар деб аталадиган йиғилишларда маърузалар ўқилади, улар одатда докладлар деб аталади);

• одатда йирик корпорациялар, уюшмалар, бирлашмалар, комиссиялар, Европа Иттифоқи,

НАТО, ЮНЕСКО ва бошқалар ташаббуси билан ўтказиладиган хорижий курслар;

• ўқув марказлари, ННТлар, Ишсизликдан суғурталаш жамғармаси томонидан ташкил этилган курслар;

• корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ички курслари;

• ва ҳоказо.

Бизда йўлга қўйилган таълим турларининг самарадорлиги ва мазмунига қандайдир баҳо бериш учун етарли даражада маълумотлар йўқ. Маълумки, қўшимча таълим олиш даражаси (жуда) кўп таркиблидир. Одатда схема қуйидагича бўлади: мавзу, жой, вақт, ўқиш муддати ва иштирокчилар сони режалаштирилади. Маърузачининг вазифаси ташкилотчилар томонидан дастурда кўрсатилган мавзуни ёритишдир.

Конституцияда назарда тутилган билим олиш ҳуқуқи нафақат болалар ва ёшларга, балки бутун аҳолига тааллуқлидир.

Мустақил таълимнинг улуши барқарор ўсиб бормоқда, чунки Интернет туфайли ўқув материалларининг ҳаммабоблиги кескин ошди. Афсуски, уларнинг бир-бири билан боғлиқлиги йўқ ва кўпинча ўзаро зид келади. Шу сабабли ўқиш ҳар доим ҳам квалификация, ориентация ва мотивацияга олиб келмайди. Имкониятлар кўп, аммо нафи кам!

Шундай курслар ҳам ўтказилмоқдаки, улар инсон квалификациясини ошириш имконияти сифатида тақдим этилмоқда. Бундай курсларда жуда борса квалификация талаблари шакллантириб берилади ва олинган билим ва кўникмаларнинг малака талабларига мувофиқ бўлишига эришиш учун ҳаракат қилинади.

Агар биз қўшимча машғулотларни ташкилотчи позициясидан эмас, балки амалиёт нуқтаи назаридан кўриб чиқсак, унда машғулот эмас, балки шайлик ва нафақат муносиб квалификация, балки нима мақсадга мувофиқ эканлигини ойдин тасаввур қилиш, шунингдек (*9.2.1. — чизмага қаранг*), бошқа зарурий унсурлар биргаликда инсоннинг зарурий натижаларга эришишга тайёрлигини шакллантиришини тушунган бўлар эдик.



9.1.8. — чизма. Ўқув-тарбиявий жараёнларнинг макрофакторлари

МАКТАБЛАРДАГИ АСОСИЙ ЖАРАЁН

Катта авлод (ҳатто ўрта авлод ҳам) баҳолашга йўналтирилган репродуктив фронтал таълим жараёни ҳукмронлик қилган умумтаълим мактабларига боришган. Бу “стил” бугунги кунгача унутилмаган. Ҳали ҳам дарс бериш, назорат қилиш ва баҳо қўйишни истайдиган ўқитувчилар бор. Шу аснода ўқувчиларнинг кўп (жуда кўп) қимматли вақти ҳавога совурилади.

Ушбу схема қанчалик кенг тарқалганлигини айтиш қийин, чунки бизда тегишли тадқиқот натижалари йўқ. Эстонияда илиқлик билан эсланадиган мактаблар, болалар боғчалари ва меҳрибонлик уйлари бор (уларни турли хил аташ мумкин), лекин шундайлари ҳам борки, эсласанг этинг жунжикиб кетади.

Бизнинг талқинимизга кўра, мактабда асосий жараён - ўқиш, ўқитиш, ўқув иши ёки давлат ўқув режасини бажариш эмас, балки боланинг ривожланишидир. Шунинг учун мактабда турли ёшдаги ўғил ва қизларнинг ривожланишига ҳисса қўшадиган нарсаларни мақбул деб ҳисоблаш оқилона бўлар эди. Оила (ота-она, бобо ва буви) кўмагида кучланиш бериладиган, қўллаб-қувватланадиган интеллектуал, ҳиссий ва маънавий интилишларни бир бутунликка бирлаштириш имконли бўлган мактаблардагина ўқувчилардан адекват ватандошлар етишиб чиқиши мумкин. Бундай мактабларда таълим

нафақат қадриятларга, балки, биринчи навбатда, фазилатларга асосланади.

Вазиятларнинг муваффақиятли комбинацияси таъминланса, таълим жараёнида нафақат ўқитиш ва ўқиш учун, балки турли хил фаолият учун вақт, жой ва эътибор етарли бўлади.

Лекин ҳамма жойда ҳам буни топавермайсиз. Эстония таянч мактабларининг ҳар бир синфида жуда қимматли бўлган вақт ҳавога совурилаётганини кўриш мумкин. Мактаблар кун бўйи нима биландир тинимсиз банд бўлган ўқувчилар билан тўла, лекин шу билан бирга улар бир дақиқасини ҳам асосий фаолиятлари - ўқишга бағишламайдилар.

Биз бу ерда талабалик ҳаётига батафсил тўхталмаймиз. Талабалар орасида, асосан, имтиҳонлар олдидан ўқишни бошлайдиган, кейин эса ёд олган ҳамма нарсасини иложи борича тезроқ унутишга ва кейинги фанни ўзлаштириш учун миясида кўпроқ жой бўшатишга ҳаракат қиладиганлар етарли. Шу тариқа йилдан-йилга, керакли миқдордаги балл тўплашга муваффақ бўлгунча бу жараён давом этаверади. Кафедралар фанларни ўқитиш учун жавоб беради, холос. Талаба шахс сифатида фақат қонун қоидани бузган тақдирдагина университет маъмуриятининг эътиборини жалб қилиши мумкин.

Болония декларациясига асосан, университетларда таълимнинг асосий қисми “3+2” тизими бўйича амалга оширилади. Бакалаврятда

ўқиш магистратурага тайёргарлик бўлиши керак эди, аслида. Афсуски, ҳамма нарса нотўғри кетди ва ҳозирда бакалавриятга "битирувчи талаба" дипломини берадиган (!?) мустақил таълим йўналиши сифатида қаралмоқда. Ҳар бир ўқув концентрацияси ва мактаб босқичларининг ўзига хос афзалликлари ва камчиликлари бор, аммо тугалланмаган *[чала]* тайёргарлик университетларда доминантлик қилса, вазият хавфли тус олиши ва ташвишланиш учун сабаб сифатида қабул қилиниши лозим.

• Академик интизомсизлик *[нопоклик]* жамият учун хавфлидир.
• Профан ва дилетантлар — профан ва дилетантларни урчитади.
• Мутахассислар ва генералистлар фақат мутахассис ва генералистлар билан бирга шаклланиши ва ўзини татбиқ этиши мумкин.

Агар вақт берилса, ҳозирги академик талабларни, масалан, ўттиз йил олдинги талаблар билан солиштириш ва нима яхши томонга ўзгарганини ва нима ёмонлашганини аниқлашлари мумкин. Ҳар бир университетда, Таълим ва фан вазирлигининг илмий бўлимида, Эстония олий ва касб-ҳунар таълими сифати агентлигида,

парламентнинг маданият бўйича комиссияси кабиларда мавжуд вазиятнинг камчиликларини тушунадиган, лекин бу ҳақда гапиришга журъати етмайдиган инсонлар бор. Табиийки, ҳар бир инсонда содир бўлаётган воқеаларни изоҳлайдиган кўплаб асослари ва тушунтиришлари мавжуд, аммо улар яқинлашиб келаётган фалокатли вазиятни оқлаш учун асос бўла олмайди. Ватандошлар бундай "тушунтиришлар" асосида "Бу бизнинг иш эмас" (ёки "бўлаверади") деган хулосага келишлари керакми ёки йўқ, буни айтиш қийин, балки, нишларни чиқариш керакдир.

Университет тўғрисидаги қонуннинг моҳиятида қуйидагилар ҳисобга олиниши лозим:

• Университетнинг фазифаларига - фан ва маданиятни ривожлантириш, илмий-ижодий фаолият ва таълим асосида жамиятга зарур хизматларни кўрсатиш, шунингдек, талабаларни - масъулиятли ва ташаббус кўрсатишга қобилиятли ватандош сифатида шакллантириш киради.

• Мутахассислик ўзини-ўзи қўллай олмайди! Амалда эса мутахассислик — касби ва лавозими бўйича тайёргарликка эҳтиёж сезган инсон томонидан қўлланилади!

• Авлодларни, метатизмлар кўзлови ва қарорларни шакллантиришга йўналтирилган зарурий тайёргарликсиз қолдираётган таълим – давлат ва халққа қарши қаратилган жиноятдир.

Мустақиллик қўлга киритилаётган йилларда, университетлар ҳимояси мустаҳкам, ташвишланилмайдиган маданият қўрғони деб ишонилган. Ўша пайтларда, бир кун келиб бу олий даргоҳлар она тилини ҳам, “Университет тўғрисида”ги қонунни ҳам четга улоқтириб, асослантирилмаган авторитет, ўжарлик, ёвузлик, очкўзлик ва тентакларча фикрлаш маданиятини ўзининг асосий мўлжалига *[кўзловига]* айлантиришини ақлга сиғдириб бўлмас эди.

Кўпчиликнинг фикрига кўра, шошқалоқлик билан амалга оширилган ва натижада муваффақиятсиз бўлиб чиққан ислоҳотлар натижасида касб-ҳунарга йўналтирилган ва ўрта махсус таълим муассасалари Таълим ва фан вазирлиги тасарруфига ўтказилди. Бугунги кунда улар чиройли таъмирланган ва етарлича жиҳозланган, аммо улардаги мазмунни ҳали ҳам яхши деб бўлмайди. Албатта, ҳаммасини бир қолипга солиш яхши эмас, лекин таълим муассасасининг эришган натижаси унинг ўзигагина маъқул келётган бўлса, хўрсиниб қўйиш эмас, чора кўриш керак.

ЎҚИШ ВА ЖАМИЯТ

Ўқув дастурдаги мавзуларни “ўтиш” тажрибали ўқитувчидан катта куч талаб қилмайди ва шунинг учун мактабда эскилик ва қолоқлик тобора кўпроқ тарқалмоқда. Бу масала бўйича жуда кўп гап бўлаяпти, лекин у ҳамон эскилигича

қолмоқда. Ўқитувчи қимматли вақтининг салмоқли қисмини ҳали ҳам берилган вазифаларни текшириш ва баҳолаш, шунингдек, ўқишдан чалғиганларга (*ўзини тўғри тутишга ҳаракат қилаётган ўқувчиларга халақит қилган ҳолда*) танбеҳ беришга сарфламоқда.

Болалар катталар сингари ўзининг мажбурланган абсурд ҳолатига тушиб қолганини сезса, қочиб қолишга ҳаракат қилади, ғазабланади ва ҳеч нарсани ўзлаштирмаслик ҳолатига тушиб қолади. Бунинг оқибатида ҳар йили бутун бир мактаб ўқувчилари сонига тенг бўлган болалар (асосан ўғил болалар) ўқув жараёнидан чиқиб кетмоқда. Эстонияда кўплаб ёшлар борки, ўқимайдилар, ишламайдилар, яъни ота-онасининг бўйнига ўтириб олиб, қандайдир курсларга кириш учун ишсиз сифатида рўйхатдан ўтишга “тайёрланиши” айтилади. Афсуски, ишсизлар учун ташкил этилган таълим бериш даражаси, юмшоқ қилиб айтганда, бир таркибли эмас. Касб-ҳунар мактабларидаги ўқув жараёни ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин (10 *ва* 11 — *бандларга қаранг*).

Таълим масалалари билан шуғулланганда фақат ўқитиш ва унинг тавсифи билан чегараланиб бўлмайди. Таълим боғлиқ бўлган ва ўз навбатида таълимга боғлиқ бўлган барча нарсалар билан шуғулланиш керак (0.3.2. — *чизмага қаранг*). Агар бутун парадигма тамоман нотўғри бўлса, у ҳолда косметик чоралардан наф бўлмайди.

Агар жамиятда компетентлик тамойиили ўрнатилмаган бўлса, юқори лавозимни эгаллаш, депутатликка сайланиш ёки давлат маслаҳатчиси лавозими учун Олий маълумотнинг бўлиши ёки бўлмаслиги аҳамиятли эмас. Айнан мана шунда барча ёмонликларнинг илдизи яширинган. Бундай вазиятда таълим тизимини текинтомоқ соҳа деб ҳисоблаш бошланади ва университетлар, ўқитувчилар, мураббийлар, уларни тайёрлаш, ўқув адабиётларини чиқариш ва жамиятнинг маърифатлилигини сақлаб қолиш учун зарур бўлган барча нарсалар ортиқча юкдай кўрина бошлайди.

Моддий нарсаларни ишлаб чиқаришда кўп ҳолларда яхши натижаларга минимал харажатлар билан эришишга ҳаракат қилинади. Номоддий “ишлаб чиқариш”да эса тубдан тескари йўл билан ҳаракат қилиш оқилона бўлар эди! Таълим, илм-фан ва маданият ривожи ҳисобидан тежамкорлик жуда қимматга тушиши мумкин. Таълим тизимига, жумладан, ўқитувчиларни тайёрлашга пухта ўйланган ҳолда сармоя қанчалик кўп киритилса, натижалар ҳам шунчалик салобатли бўлади.

• Моддий соҳада харажатларни камайтириш орқали муваффақиятга эришиш мумкин.
• Номоддий соҳада эса харажатларни ошириш орқали муваффақиятга эришиш мумкин!

Бу, албатта, нафақат болалар ва мактаб тармоғига тегишли, балки бутун таълим тизимига,

биринчи навбатда, катталар учун узлуксиз таълим ва ижодий жараённи ташкил этиш ва мазмунлантиришга тааллуқлидир. Университетларда жамият ва маданият соҳасидаги тадқиқотларнинг йўқлиги (*эҳтимол, кам молиялаштирилганлиги сабабли*) аллақачон вақт ўтиши билан тобора кенгайиб бораётган, оғриқли ва бутун таълим тизимида қоплаш қийин бўлган бўшлиқни қолдирди. Вақти келадики, тадқиқотларсиз-ўқитувчилар шаклланмаслигини, илмий алоқалар юзага келмаслигини ва ўқув жараёни учун зарур бўлган, актуал, тизимли ва ишончли маълумотлар олинадиган манба топилмаслигини тушуниб етишга мажбур бўламиз. Натижада, инновацион лойиҳаларни яратишда ёки амалиётчиларни консултациялашда иштирок этиш имконсиз бўлиб қолади.

Нолойиқ йўл билан (таниш-билишлари ёрдамида) "катта хўжайин"га айланиб қолган инсонлар кўпинча зиёлиларга, таълимга ва таълим тизимига, илм-фанга, илмий тизимга, маданият ва маданият тизимига беписанд муносабатда бўладилар. Бундай муносабат, бир қарашда, арзимас нарсадек туюлиши мумкин, лекин, аслида, бу жамият ва маданият учун катта хавф туғдиради. Ватандошлар бундай ишларга йўл бермаслик учун эҳтиёткор бўлишлари керак.

Агар, университетда йўлга қўйилган таълим жараёни, интелегент [*зиёли*], генералист ва ватанпарвар шахсни шакллантиришга эмас, бал-

ки умуман бошқа масалаларларга қаратилган бўлса - университет ҳам фирибгарлик схемасининг бир қисмига айланади. Агар университет, жамият ва маданият соҳасида ҳамда яшаш муҳитини муҳофаза қилиш, шунингдек, лавозимга йўналтирилган тайёргарлик имкониятини бермаса, унда олийгоҳ деворлари ортидан жуда борса малакали ишчи кучи *[малакали мардикор]* чиқади. Бизга эса зиёлилар керак! Ўз юртини, халқини асраб-авайлаш ва равнақ топтириш йўлида ҳаётини бағишлашга тайёр ва қодир бўлган ижодкорлар керак.

• Халқда шундай ҳикмат бор: Ерни бир марта алдасанг — у сени тўққиз марта алдайди.

• Таълим бағрида бутун бир авлодлар етишиб чиқади.

Қайта такрорлаш ва ёдда тутиш керакки, номоддий соҳада харажатларни тежаш самарадорликнинг ошишига олиб келмайди, балки мутлақо тескари натижа беради! Муваффақиятнинг зарурий шарти - бу (*имтиёз ва чекловларни олиб ташлаш*) харажатлар ва эркинликни оширишдир. Моддий ишлаб чиқариш ва кундалик майиший ҳаётда хираликка чидаш мумкиндир, номоддий соҳада эса - йўқ.

Ўз Ватани ҳақида қайғурадиган ватандош хиралик ва лоқайдликнинг ғалаба қозониши-

га йўл қўймаслик учун қўлидан келганини, ҳаттоки ундан ҳам кўпроғини қилади.

Маърифатли инсон ва мунавварлар жамиятни шакллантиришнинг (шунингдек, сақлаб қолишнинг) зарурий шартларини тушуниш учун маърифатли, информацияланган ва тажрибали инсоннинг шаклланиши боғлиқ бўлган тизимларни, шунингдек, олинган таълимни сақлаб қолиш, яъни изчил тизимли ўзини-ўзи такомиллаштиришни кўриб чиқиш керак. Таълимнинг маъноси ва аҳамияти намоён бўладиган тизимларни билиш ва ҳисобга олиш зарур.

Таълим - оқилона фаолият юритишнинг зарурий олд шартларидан биридир. Таълимдан ташқари, бахт ва ҳаётийлик ҳисси пайдо бўлишига ёрдам берадиган бошқа омиллар ҳам мавжуд.

Таълим ўз-ўзича фаолият кўрсатмайди, балки инсон - шахсият сифатида фаолият кўрсатади. Мўлжал олиш, қарорларни шакллантириш ва ҳамкорлик қилиш қобилиятига эришган инсон жамоалари — субъектлар сифатида ҳаракат қиладилар.

Таълим — фақат фан ва маданият билан боғлангандагина жамиятда муҳим роль ўйнаши мумкин - улар бир-бирининг олд шарти ва айни пайтда натижалари (яъни уларнинг биттаси қониқарсиз сифатда бўлса, оқибатлари ҳам шундай бўлади) ҳамдир.

9.2. ВАТАНДОШНИНГ ТАЪЛИМИ

Умумий таълим ёрдамида базавий саводхонлик, шунингдек, ўзидан ва атроф дунёдан мўлжал олиш *[кўзлов]* қобилияти шаклланади, бу ўзини самарали татбиқ этишга тайёргарлик кўриш ва ҳаётнинг ҳар бир дақиқасидан ўз-ўзини такомиллаштириш учун фойдаланиш имконини беради.

Бошланғич мактаб ва гимназияда тарихни ўрганиш туфайли вақт тушунчаси, география ёрдамида маконни идрок этиш, адабиёт орқали маданият ҳақида тушунча, мусиқа ва санъатшунослик туфайли бадиий билиш, физика, кимё ва биология ёрдамида табиат ҳақидаги билимлар шаклланади. Асосий таълим туфайли инсон мустақил таълим олишда давом этиши мумкин, аммо ўзини самарали татбиқ этишга ҳали тайёр бўлмайди. Ўз-ўзини татбиқ этиш учун профессионал бўлиш, яъни профессионал, касбий ва мутахассислик бўйича тайёргарликдан ўтиш керак — бу тайёргарликларнинг фақат биттасидан эмас, балки учтасидан ҳам ўтиш керак. Чунки улар биргаликда уч ўлчовли тайёргарликни тақдим этади.

Функционал саводхонлик ҳам талаб қилинади (2.7. — *бандга қаранг*), бунинг натижасида инсон кундалик ҳаёт ва иш юритиш билан шуғуллана олади, ўз уйи ва оиласини яратиши ва ҳимоя қилиши, болалари ва ота-онасига ғамхўрлик қи-

лиши, дўстлари ва жамоада мулоқот қилиши, ижтимоий ва маданий ҳаётда иштирок этиши ва хафа қилдириб қўйиш мумкин бўлмаган ҳамма нарсани ҳимоя қилиш, ўз умрини яшаб бўлган нарсаларни янгиси билан алмаштириш имконини беради.

Асосий таълим туфайли инсон мустақил таълим олишда давом этиши мумкин, аммо ўзини самарали татбиқ этишга ҳали тайёр бўлмайди.

- **Ўз-ўзини татбиқ этиш учун профессионал бўлиш керак.**

Шахсий ишонч ва дадиллик учун камида икки ёки учта мутахассисликни, шунингдек, икки ёки учта касбни эгаллаш керак. Бироқ бундай тайёргарлик ҳам етарли эмас. Ахир ўзни татбиқ қилиш қайсидир лавозимда юзага келади! Иш ҳақи эгаллаб турган лавозимига қараб тўланади, карьера пиллапоясида кўтарилиш лавозимга нисбатан содир бўлади ва, шунингдек, ишдан бўшатилганда ҳам лавозимдан озод қилинади. (мутахассислигидан эмас!) Агар профессионал ва мутахассислик бўйича тайёргарликка касбий тайёргарлик ҳамроҳлик қилмаса, унда мустақил равишда кўзлов қилиш, қарорларни шакллантириш ва ижро этиш, шунингдек, буларнинг барчаси учун жавобгарликни зиммага олишни талаб қиладиган ролда ўзни татбиқ қилиш мумкин эмас. Лавозим

тайёргарлигисиз қанчалик яхши махсус ва профессионал тайёргарликка эга бўлманг, тезда чарчаш ва тутаб кетиш эҳтимоли мавжуд.

Ватандош бўлиш учун ҳар бир кишига жамият ичида институционал, маданиятда эса голографик тизим (қадриятлар нуқтаи назарига боғлиқ бўладиган) сифатида мўлжал олишни осонлаштирадиган тайёргарлик лозим. Акс ҳолда, ижтимоий ва маданий ҳаётда мазмунли иштирок этиш имкониятига умид жуда кам бўлади. Аслида, ҳар бир киши фалсафа, психология, ижтимоий психология ва социология асосларини мустақил равишда ўзлаштириши мумкин, аммо амалда бу жуда камдан-кам ҳолларда содир бўлади.

Ҳар бир инсон ўзини ва ўзгани, уйи ва Ватанини, шаъни ва қадр-қимматини, озодлик ва мустақиллигини, табиати, маданияти ва барча маданий қадриятларини, жумладан, алоҳида аҳамиятга эга бўлган маданий мерос — она тилини ҳимоя қилишга тайёрланиши зарур.

Ҳар бир инсон ўзини ва ўзгани, уйи ва Ватанини, шаъни ва қадр-қимматини, эркинлиги, мустақиллиги, табиати, маданияти ва барча маданий қадриятларини, жумладан, алоҳида аҳамиятга эга бўлган маданий мероси бўлмиш она тилини ҳимоя қилишга тайёр туриши зарур. Бундай тайёргарлик, агар жиддий қабул қилин-

са, ҳеч қачон етарли деб ҳисоблаш имконини бермайдиган — соф таълим билан маромига етади. Таълим йўлининг якуний нуқтаси йўқ, бу йўлда ҳамма доимо идеаллик сари интилади.

Инсон қанчалик кўп билимга эга бўлса, у нима етишмаётганини ва нимани қўшиш кераклигини яхшироқ тушуниб боради.

НИМАГА ЭРИШИШ КЕРАК ЭДИ?

Қуйидаги қобилиятларга эга бўлиш керак:

• сўзловчини тушуниш, айтилган гапнинг маъносини илғаш ва сўзловчи нимани айтмоқчи бўлганини, нимадан қочишга ёки яширишга уринганини ҳис эта оладиган тарзда тинглай олиш;

• сукут сақлаш, сўзлашга лойиқ гап бўлгандагина сукунатни бузиш;

• бошқалар сизни тушунадиган тарзда гапириш;

• ўқиш (тез, аниқ, диққатни жамлаган ҳолда);

• ёзиш (маънили, аниқ, қисқа);

• фикр юритиш, маънолантириш, кўра билиш ва таний олиш;

• тизимлар, метатизимлар ва супертизимларни тушуниб етиш;

• ҳамма нарсани иложи борича тизимли ва комплекс кўриб чиқишга ҳаракат қилиш;

• ҳар бир нарсани статика ва динамикада ҳар томонлама кўриб чиқиш учун ҳар бир талқинда имкон қадар кўпроқ нуқтаи назарни топа олиш;

• ўзингизни ишингизга, лавозимингизга ва касбингизга шундай бағишлангки, ҳар ҳафтада ўқиш, изланиш, ижодкорлик, ўйин, меҳнат, ҳаракат, мулоқот ва ёлғиз қолиш учун вақт ва жой топа олинг;

• академик қадриятлар ва нормаларни ҳурмат қилиш;

• тўсиқларга қарамай, бу йўлнинг охири йўқлигини англасангиз-да, ҳақиқатни билишга интилиш;

• чексизлик бўйлаб ҳаракатланиш қувончини ҳис қилиш;

• ўз ва ўзгалар соғлигини муҳофаза қилиш;

• соф, шунингдек, кўчма маънода - сукунат ва ёруғликни қадрлаш;

• субъект бўлиш (субъектга ўхшаб кўринмаслик ва манипуляция объекти сифатидаги муносабатга йўл қўймаслик);

• ўзгалар билан мулоқот (мурожаат эмас) қилиш;

• ҳаётни профессионал бўлишга ва профессионал бўлиб қолишга бағишлаш;

• мустақил мўлжал олиш, қарор бериш ҳамда жавобгарликни зиммага олишга шай бўлиш, шунингдек, ҳали тайёр бўлмаган лавозим ва роллардан қочиш;

• тилларни эгаллаш ва уларни сақлаш, биринчи навбатда, бу она тилига тегишли;

• табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш;

• маданият ва маданий меросни муҳофаза қилиш;

• ўз ва ўзгалар ҳуқуқларини асраш ва ҳимоя қилиш, ташаббус кўрсатиш, ўз кучига ишонган, эркин ва мустақил бўлиш;

• ҳамкорлик учун муносиб, пунктуал, ҳалол, умид берувчи ва ишончга сазовор ҳамкор бўлиш;

• ҳамма яхши нарсалар учун очиқ ва сахий инсонгина бой бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш.

ЎЗ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАНГНИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАШ КЕРАК?

Ҳамма учун мутлоқо мос бўлган ягона рўйхатни тузиш мумкин эмас, лекин ўзингиз ҳақингизда бу масалада ўйлаб кўрсангиз бўлади. Фарқ ва ўзига хослигимизга қарамай, барчамизда қиёсий ва таққосланадиган фазилатлар ва ўхшашликлар бор. Қуйида ўз-ўзини билиш контекстида батафсил кўриб чиқишга арзийдиган баъзи тушунчалар келтирилган.

Адекватлик. Адекват инсон ўзини супермен деб ҳисобламайди, лекин шу билан бирга у ўзини ҳеч нарсани ҳал қилмайдиган “бўшлиқ” сифатида ҳам қабул қилмайди.

Индивидуал дақиқанинг давомийлиги. Индивидуал дақиқа (2.0. — *бандга қаранг*) қанчалик қисқа бўлса, шунча кўп муҳим воқеаларни ўз ичига олади. Индивидуал дақиқа қанчалик қисқа

бўлса, вақт шунчалик тез ўтади ва умр шунча узун бўлади. Умр кўриш узунлиги ва яшаган йиллар сони ўртасида корреляция мавжуд эмас.

Рефлекция қобилияти. Биринчи босқичдаги рефлекция қобилияти предметлар, инсонлар ва ҳаракатларни номлашни бошлаётган болаларда кузатилади. Иккинчи босқичда рефлекция қобилиятини эса олмошларни ишлата бошлаган болаларда кузатиш мумкин. Қуйидаги сўзларни айтадиган инсон рефлекциянинг қайси босқичида эканлигини ўзингиз ҳал қилинг: “Мен, сен ҳақингда нима деб ўйлаётганимни биласан деб ўйлайман”. Талабалар рефлекциянинг олтинчи-еттинчи босқичларида мулоқот ўрнатиш қобилиятига эга бўлишлари керак.

Фикр юртиш қобилияти. Осонлик билан аниқлик киритиш ва чегараларни белгилаш, фарқлаш ва боғлай олиш, тизимлаштириш ва классификациялаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, моделлаштириш ва экстраполяция қилиш қобилияти.

Ўзини ифода этиш қобилияти. Ўз фикрини оғзаки ва ёзма шаклда, фақат айтишга арзирли нарса бўлганда қисқа ва аниқ ифодалаш қобилияти.

Хушмуомалалик. Маданиятда қайд этилган яхши урф-одатлар ва маросимларга мувофиқ ўзини тутишга бўлган самимий хоҳиш.

Курашувчанлик — юрт ва халқ, табиат, маданият ва инсон қадр-қимматига хавф соладиган

ёлғон, бўҳтон, ҳирс, лоқайдлик каби пасткашликларнинг ҳар қандай кўринишларга муросасизликдир. Маънавий равшанлик, мўътадиллик ва ғамхўрлик орқали ифодаланган оқилона, тўғри, адолатли, ҳамма нарсани ҳимоя қилишга тайёрлик.

Матрица ёрдамида шахсий таҳлилни амалга ошириш ҳам мумкин (9.3.1. — *чизмага қаранг*).

Қандайдир предмет, ҳодиса ёки жараённи кўриш учун жуда кўп нуқтаи назарларни топиш кераклигини бир неча бор такрорладик (0.3.1. — *чизмага қаранг*). Маълум бир объектни турли хил нуқтадан тасвирлаш мумкин ва бу тасвирларнинг ҳаммаси тўғри (ёки нотўғри!) бўлиб чиқиш эҳтимоли ҳам бор. Фақат, битта нуқтадан қаралган тасвир эса тўғри ёки нотўғрилигидан қатъи назар етарли деб топилиши мумкин эмас.

Ҳар қандай тушунчага турли нуқтаи назардан операционал таъриф берилиши керак. Бунинг учун иложи борича ушбу тушунча қандай шаклланганлигини ва нимага боғлиқлигини англашга ёрдам берадиган омиллар ва таъсирларнинг тўлиқ рўйхатини тайёрлаш лозим. Табиийки, тушунчани дефинициялаш ҳам керак.

ЎҚИШ ТАЙЁРГАРЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ЖАРАЁН СИФАТИДА

Маданият ҳақида таълимот — бу ёзилмаган қоидалар тизими авлоддан-авлодга ўтиб

келаётган, қадриятлар ва меъёрлар, афсона ва ясоқлар, фазилатлар, урф-одатлар, маросимлар, анъаналарни ўз ичига олган донишмандлик ҳақидаги таълимотдир. Маданият ҳақидаги таълимот ёрдамида инсонлар ўзликни англаш ва ўзини ҳурмат қилиш даражасига етадилар. Улар голографик тизим қандай ишлашини ўрганадилар, унинг ифодаси ва вакили ушбу маданиятда ўсган ва бу маданиятни ўзида олиб юрган ҳар бир киши бўлиши мумкин (5 - *бандга қаранг*).

Тушуниш ва фаҳмлаш билан:

• Сабаб ва оқибатларни, алоқа ва боғлиқликни; тизимлар ва уларнинг ишлаши, ўзгариши, ривожланиши кабиларни тушуниб етиш мумкин.

• Бир субъект иккинчи бир субъектни фаҳмлаши мумкин.

Жамият ҳақидаги таълимот — ёзиб қўйилган қоидалар тизими ҳақидаги таълимотдир. Жамият ҳақидаги таълимот ёрдамида, жамиятда яшовчи ва шу жамиятни билган ҳар бир шахс ўзи аъзоси бўлган институционал тизим қандай фаолият кўрсатиши ва ўзгаришини билиш мумкин (4 — *бандга қаранг*).

Оила ҳақидаги таълимот - тарбиянинг бирламчи муҳити ҳақидаги таълимотдир. Айнан оилада жинсий ўзига хослик ва тегишлилик туйғуси шаклланиши мумкин, бу эса кейинча-

лик лояллик ва садоқат асосларига айланади. Конституцияга кўра, оила — халқни сақлаб қолиш ва уни кенгайтиришнинг асосидир, ва кўпайишининг асоси, шу билан бирга оила жамиятнинг тамал тоши сифатида давлат томонидан муҳофаза қилинади. Оила жамият ва маданиятнинг бир қисмидир.



9.2.1. — чизма. Таълим олиш натижалари

Жамоа ҳақидаги таълимот — жамоа шахсни шакллантириш жараёнида кенгроқ таъсир доирасига эга. Бир киши бир вақтнинг ўзида бир нечта жамоаларга тегишли. Масалан, мактаб, черков [*масжид*], қишлоқ, спорт, миллий (диаспора) жамоалар.

Яшаш муҳити ҳақидаги таълимот - инсон ва у билан боғлиқ ҳамма нарса яшаш муҳитида

содир бўлади. Яшаш муҳити моддий, номоддий ва виртуал бўлиши мумкин (3 — *бандга қаранг*).

Мулоқот ҳақидаги таълимот - инсонлар бир-бири билан турли алоқалар орқали боғланишади. Булар, масалан, оилавий ва жамоавий, идоравий, партиявий, минтақавий, расмий (лавозимга оид), норасмий, оммавий ва яширин, мажбурий ёки ихтиёрий алоқалардир. Мулоқотдан коммуникация ва интеракция ажралиб чиқади (6 — *бандга қаранг*).

Саломатлик ҳақидаги таълимот - ҳар бир киши ўзининг ва бошқаларнинг соғлигини, шунингдек, соғломлик омилларини билиши ва ғамхўрлик қилиши керак. Соғликни йўқотиш эвазига фаолият кўрсатиш мумкин эмас! (2.4. — *бандга қаранг.*)

Инсон ҳақида таълимот - бу ерда ҳам жисмоний, ҳам маънавий, ижтимоий, эмоционал ва интеллектуал ривожланишни, шунингдек, дунё манзараси ва ахлоқий тутумлар, фазилатлар, иродалар, юксак ғоялар, идеаллар, барча турдаги альтернативалар, гуманистик дунёқараш асослари кабиларни ҳисобга олиш керак.

9.3. КОМПЕТЕНТЛИК

Бизда таълим ҳақида кўп гапириш одат тусига кирган, аммо компетентлик масаласи камдан-кам ҳолларда муҳокама қилинади. Эстонияда бугунги кунда ҳам компетентликни ҳеч ким

давлат тамойили сифатида ўрнатишга қодир эмас. Қоидага кўра, компетентлик масаласи кимнингдир лаёқатсизлиги аниқланса ёки қайсидир соҳада тартибсизлик бошлансагина кўтарилади.

Биз компетентлик ҳақида гапиришни кимгадир баҳо бериш учун эмас, балки ўқувчиларнинг ватандошлик тарбияси соҳасидаги билимларини аниқлаштириш ва ўз-ўзини (шунингдек, ўзгалар билимларини) таҳлил қилишга ёрдам бериш учун бошламоқдамиз. Ҳаётнинг ҳар бир соҳасида замонавий ва самарали фаолият юритиш учун етарлича юқори квалификация талаб қилинади. Бироқ квалификация фақат тўғри кўзлов ва кучли мотивация мавжуд бўлгандагина аҳамият касб этади. Яқиндан ўрганиб чиққач, биринчи, иккинчи ёки учинчининг тарқоқлиги эмас, балки уларнинг бирлиги қадрият эканлиги аён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, агар учтадан бири заиф бўлса ёки умуман бўлмаса, қолганлари ўз аҳамиятини йўқотади. Шунинг учун фақат квалификацияни оширишни мақсад қилиб олиш кулгили бўлар эди.

Ватандош ушбу учта компонентликдан ташқари, тартибот даражалари ўртасидаги алоқаларни, фаолият соҳалари ўртасидаги алоқаларни, ўтмиш, бугун ва келажак ўртасидаги алоқаларни, шунингдек, табиий, инсоний ва ижтимоий алоқаларни тушуниш учун етарли даражада эрудицияга эга бўлиши керак.

• Ҳар бир соҳада етарлича юқори квалификация талаб этилади.

• Тўғри ориентация ва кучли мотивация бўлгандагина квалификация аҳамият касб этади.

Инсонга аффилиация — самимийлик, меҳрибонлик, инсоний ғамхўрлик, инсонийлик ҳам керак.

Амалиёт шуни кўрсатадики, муҳимлигини ҳамма тушунадиган, аммо мазмуни ва шаклланишини ҳеч ким (шу пайтгача) яхши тасвирлаб бера олмаган яна бир омил бор - бу интуициядир. Аҳмиятли қарорлар инсон томонидан, қоида тариқасида, рационал фикрлаш, моделлаштириш, экстраполяция, классификациялаш ва тизимлаштириш орқали эмас, балки интуиция асосида шакллантирилади.

Диплом ёки сертификат - квалификацияни [*малакани*] эмас, балки шайликни - ҳатто ундан ҳам кўпроғини кўрсатади. Агар бирор-бир лавозимни эгаллашни депутат ёки маслаҳатчи бўлишни истасангиз, таълим муассасасида ўтказган йиллар ёки дипломлар сони эмас, балки шуғулланиш кўзда тутилаётган фаолиятга тайёр бўлиш муҳимлигини унутманг. Шундай қилиб, ўтмишдаги таълимдан эмас, балки келажакдаги фаолиятдан келиб чиқиш керак.

Самарали фаолият учун мутахассислик, касб ва лавозим бўйича тайёргарликнинг бирлиги зарур;

• квалификация — бу билим, малака ва тажрибанинг бирлигидир;

• ориентация — бу тўғри ва нотўғри йўналишни, ахлоқий ва ахлоқсиз тафаккурни, ҳиссиётни тушунишдир;

• мотивация — бу мотивлар мажмуидир;

• эрудиция — бу кенг дунёқараш, маърифатлилик, контекстни қамраб ола билиш қобилиятидир;

• аффилиация — бу самимийлик, меҳр-оқибат, инсоний ғамхўрлик, инсонпарварликдир;

• интуиция — онг ости идроки, ишончга сазовор сезгидир.

Мувофиқлик тўғрисидаги қарор депутат, маслаҳатчи, шунингдек, ҳар қандай лавозимда масъулиятли фаолиятга шайлик шаклланганлигига қараб қабул қилиниши мумкин. Шайлик моҳиятини, танлов ёки сайловга ариза топширишдан анча олдин ўйлашни бошлаш лозим. Етарлича тайёргарликка эришиш учун йиллар талаб этилиши мумкин. Амалда мавжуд бўлган тайёргарлик қўйилган талабларга қанчалик жавоб беришини таҳлил қилиш учун эса ҳар бир кишида етарли ақл бўлиши керак.

Бу ерда гап ҳам профессионал, ҳам ахлоқий масалалар ҳақида кетмоқда.

Бошқа барча давлатларда бўлгани каби Эстонияда партия раҳбариятини оқилона қарор қабул қилишга чақира оладиган ягона куч бор. Бу куч

олий ҳокимият эгаси бўлмиш халқдир. Ватандошлар ўз Ватанига ким ва қандай қайғуришини сайлов орқали кўрсатиб қўйишлари керак.

Демократик ҳуқуқий давлат ватандошларга таянади, лекин тасодифан, йўл-йўлакай шунчаки ватандош бўлиб қолишнинг имкони йўқ. Бунинг учун ғайрат кўрсатишингиз ва хусусий таълим олишни тўхтатмаслигингиз керак. Керагидан ортиқча ватандош бўлиб қолишдан *[ажралиб, "назар"га тушиб қолишдан]* қўрқманг. Аксинча, кимдир бир нарсада кучли, кимдир эса бошқасида - бу яхши нарса; жамоавий фаолиятдаги бундай хилма-хиллик қимматлидир.

Инсонлар бир-бирларини тушунишлари, мукаммалликка интилишлари ва бундай интилишлардан ҳайратга тушмасликлари ёки истеҳзо қилмасликлари муҳимдир. Ватандош ўз Ватанини ҳимоя қилади, юртига ўзини бағишлайди, Ватанига зарар етказиши мумкин бўлган ҳаракатларни беихтиёр қилмайди.

Гап ҳар бир кишининг барча соҳаларда профессионал бўлиши ҳақида эмас, балки инсоннинг ҳамма нарса ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, ўз ролини бутуннинг бир қисми сифатида кўра олиши, шунингдек, йирик тизимларда турли соҳаларнинг ролини тушуниши ҳақида бормоқда.

Қадрият - бу тизимли фикрлаш ва тизимли ҳаракат қилиш истагидир.

Қуйида эса, шайлик шаклланишига ҳизмат

қиладиган компонентлик турларининг қисқача рўйхати келтирилади. Ушбу рўйхатни тўлиқ дейишдан йироқмиз ва уларнинг ҳар бири, ҳар кимда ўзига хос хусусиятларда намоён бўлади. Ҳар қандай инсон ўзи учун, нима кун тартибида эканлигини ва нима ҳали тўлиқ эмаслигини, қайси компонентлар етишмаётганлигини ва қайсилар керагидан кўра ортиқча эканлигини ўзи ҳал қилиши керак. Ўқувчи ўзини таҳлил қилиши, агар истак бўлса, кейинги хусусий таълим учун ўз дастурини тузиши мумкин.

НИМА УЧУН / ТАЙЁРГАРЛИК	А. ҲАЁТ УЧУН	Б. ҲИМОЯ УЧУН	С. КОМИЛЛИК УЧУН	Д. ЎРГАНИШ УЧУН	Е. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧУН	Ф. БОШҚАРИШ УЧУН	Г. ЎЙИН УЧУН	...
1. КВАЛИФИКАЦИЯ								
2. ОРИЕНТАЦИЯ								
3. МОТИВАЦИЯ								
4. ЭРУДИНАЦИЯ								
5. АФФИЛИАЦИЯ								
6. ИНТУИЦИЯ								
7. УСЛУБ								
8. САЛОМАТЛИК								

9.3.1. — чизма. Ватандошнинг компетентлигини анализ қилиш жадвали

Жадвал квадратлари ёрдамида соҳангиз бўйича тайёргарлик ва муваффақият даражангиз-

ни баҳолашингиз керак. Кейин ҳисоб-китобларни вертикал ва горизонтал равишда қўшишингиз лозим. Шундай қилиб, сиз нималар ўз жойида ва нималар эътиборталаб эканлигини билиб олишингиз мумкин.

Қуйидагиларга тайёр туриш керак:

• Яшашга — ўтган кунлар ва йиллар учун афсусланмаслик, ҳаёт оқилона бўлиши ва қувонч келтириши учун; инсон ўзи бахтли бўлиши ва бошқаларнинг бахтли ҳаёт кечириши учун шароит яратишига имконли бўлсин.

• Яратувчанлик — ижодкорлик инсон ва жамият тараққий этишининг шартидир.

NB! *Ўқиш эмас, ижодкорлик тараққиётга туртки беради.*

• Билишга интилиш - яшаш муҳитини (*табиий ва сунъий, жисмоний, руҳий, ижтимоий ва виртуал муҳитни. Қаранг:* 3.0) билиш учун ўзингиз ва ўзгаларни тушуниш ва ҳис қилишни ўрганиш. Билиш жараёнлар ва ечимлар тўғри ва қайта алоқага эга бўлиши, ишончли маълумотларни тўплаш, уни фойдали маълумотларга айлантира олиши учун зарурдир.

• Раҳбарлик қилиш - турли жараёнларни онгли равишда йўналтириш ва ўзтартибнинг зарурий олд шароитларни яратишдир. Раҳбарликка тайёргарликни қониқарли деб ҳисоблаш мумкин, агарда раҳбарда ижрога тайёргарлик мавжуд бўлса.

• Ижрочилик - бошқарув қарорларини ижро этиш учун зарур. Агар ҳеч ким қарорларни қан-

дай амалга оширишни билмаса, ҳоҳламаса, қодир бўлмаса, куч топа олмаса ёки ижро этишни ўйламаса, қарор қабул қилишдан маъно йўқ. Ижро этиш соҳасидаги тайёргарлик, раҳбарлик соҳасидаги тайёргарликдан аҳамиятсиз эмас.

• Курашувчанлик — ҳаёт курашдан иборат. Асосий кураш инсон ботинида кечади! Бефарқ бўлмаганларгина курашувчан бўладилар. Тиришқоқ, изчил, пунктуал, оқилона мувозанатли, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлар; шу билан бирга, эътиборли, самимий, адолатли ва ҳалол бўлганларгина ғолиб бўладилар. Кураш нафақат ташқи душманга қарши ва қўлда қурол билан амалга оширилади, балки кеpакли пайтда қуйидагилар ҳам асқатади: Ҳар бир инсон табиатни ва барча маданий қадриятларни асраш, ҳақиқат ва адолат учун ҳам курашиш керак. Эркин ва мустақил бўлиш ҳуқуқи учун курашиш керак. Конституциявий ҳуқуқлардан фойдаланиш, янги нарсаларни яратиш ва ўзгартириб бўлмайдиган нарсаларни ҳимоя қилиш ҳуқуқи учун курашиш керак.

• Ҳимоя қилиш — ўзингни, яқинларингни, уй ҳамда Ватанни, озодликни, мустақилликни, инсон ҳуқуқларини, ватандошлик ҳуқуқларини, табиатни, маданиятни, она тилини, заифларни ҳимоя қилиш керак. Мудофаага шайлик курашга тайёрлик каби муҳимдир. Сиз ўзингизни ва бошқаларни ёвуз ва қўпол инсонлардан, ёлғончилардан ва бошқа шунга ўхшаш озчиликлардан ҳимоя қилишингиз керак.

• Ўйинларни ташкил қилиш - ўйин фундаментал фаолият бўлиб, унинг ёрдамида инсонлар ўзини ва ўзгаларни ҳис қилишни, яшаш муҳити ва фаолият тизимини англашни ўрганадилар. Ўйин ёрдамида кимнинг кимлигини кўриш, маълум бир инсон қай даражада диққатини жамлаши ва ўзини ишга бағишлай олиши, ишончли, ҳалол ёки ахлоқсизлигини кўриш мумкин. Агар бирор киши, масалан, худди "ўйнагандек" *[ўйинда ўйин қилса]* ўйнаса, у бошқа фаолият доирасида ўйин қилмаслигига кафолат қаерда? Жамиятда, сиёсат ва реал ҳаёт билан боғлиқ барча нарсалар қанчалик кўп ўйинга айлантирилса, дастлаб ўйин ролини бажариш учун ўйлаб топилган фаолият турлари, масалан, спорт ва театр шунчалик аҳамият ва жиддийлик касб қила бошлайди.

Табиийки, нон топиш учун ҳам тайёргарлик зарур. Инсон ўз мутахассислиги бўйича ҳам, касби ва лавозими бўйича ҳам тайёргарликка эга бўлса, ўзини сермаҳсул татбиқ этиши мумкин. Биринчи, иккинчи ёки учинчиси тарқоқ эмас, балки жам бўлиб аҳамиятлидир! Шуни ҳам унутмаслик керакки, ўйлайдиган, ҳис этадиган ва ҳаракат қиладиган - тайёргарлик эмас, балки шахсятдир.

9.4. ТАЪЛИМ СИЁСАТИ ҲАҚИДА

Ижодий уюшмалар ва жамоалар таълим соҳасида банд бўлган инсонларнинг сермаҳсул, интенсив ва самарали фаолиятга тайёрлиги қандай бўлиши кераклигини ва ҳақиқатда қандай эканлигини аниқлаши керак.

Шундай вазият вужудга келдики, таълим (суст таълим) Эстония (ва нафақат Эстония!) ривожланишидаги кечикишнинг муҳим сабаби бўлди.

NB! *Ҳозир, болалар боғчалари, умумий мактаблар ва гимназияларда нима содир бўлаётгани ҳақида гап кетмаяпти.*

Бизнинг кулфатимиз шундаки, таълим муассасалари ўртасидаги кўплаб асосий тушунчалар ва алоқалар ўзининг аниқ чегараларига эга эмас. Шу боисдан кимдир ҳақиқатда бўлаётган воқеаларнинг аксини айтса ҳам, айнан нима ҳақида фикр юритилаётганини тушуниб бўлмайди. ПИСА тестини (ОЭСР — Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан ўтказиладиган ўқувчиларни баҳолаш дастури) ўтказиш орқали таълим сифатини ўлчаганлиги ва ўлчовларга кўра, Эстония таълими дунёда юқори ўринларда эканлиги жамоатчиликка эълон қилинди. Бироқ бу муболағадир. Шунга қарамай, таълим мутасаддилари орасида бундай эълонлар асосида барча "таълимда" ҳамма нарса бенуқсон деган хулосага келиши керак, деган умидда юрганлар ҳам бор. Ҳар ким биладики, агар ташвишланиш учун ҳеч қандай сабаб бўлмаса, фаолиятни шу руҳда ишонч билан давом эттириш мумкин.

Заиф таълим Эстония (нафақат Эстониянинг!) тараққиётининг кечикишига олиб келган аҳамиятли сабаблардан бири бўлди.

NB! *Жамиятда ҳамма нарса ўзига муқобил ҳодисалар, ҳолатлар ёки жараёнларга нисбатан*

сокинлик ҳолатида бўлиши мумкин! Ўз даражасини ҳамма ҳайратга тушиши талаб этиладиган идеалдир, деган тасаввурга келиб қолган киши, беихтиёр шундай вазиятни юзага келтирадики, унда олдинга интилиш ўрнига мавжуд даражани сақлаб қолиш синдроми ҳукм суради. Бундай ҳолда, бошқалардан орқада қолишни (турғунлик ва таназзул) ифодалайдиган оқибатларнинг юзага келиши фақат вақт масаласи бўлиб қолади. Жамият барча тизимларни доимий равишда такомиллаштиришга муҳтож (4.0.3. — чизмага қаранг), биринчи навбатда, ҳар доим ўз давридан олдинда бўлиши талаб этиладиган таълим тизимини такомиллаштиришга эҳтиёж сезади.

АДАШТИРУВЧИ МАЪЛУМОТЛАР ВА ФИКРЛАР

ПИСА тестлари атрофидаги гап-сўзларда бир қанча қўпол хатолар бор. Шу муносабат билан иккита муҳим нарсани урғулаймиз:

• Тест ҳеч нарсани ўлчашга қодир эмас. Тест - бу метод ҳисобланади. Тест ёрдамида тегишли соҳа экспертлари ўз баҳоларини беришига асос бўладиган маълумотларни тўплашингиз мумкин.

• ПИСА тести ёрдамида 9-синф ўқувчиларининг баъзи кўникмаларига оид маълумотлар тўпланди. Ушбу маълумотларга асосланиб, на таълим, на ўқувчиларнинг ривожланиш даражаси, на мактаб, таълим ёки таълим тизими, ўқиш ёки тарбия даражаси ҳақида хулоса чиқариш мумкин эмас.

Турли миллат вакилларининг янги муҳитга интеграцияси ҳақида кўп гапирилади. Кўпчилик интеграциянинг асосий омили тил деб ҳисоблайди. Тилни ўргангандан сўнг инсонлар интеграция ва адаптациялашадилар, деган фикр юради (2.2. — *бандга қаранг*).

Тил мулоқот қила олмайди. Инсонлар (агар ҳоҳласалар), аниқроғи, шахсиятлар ўз ва ижтимоий назорат субъектлари сифатида мулоқот қилишлари мумкин. Тил эмас, балки тилга, мамлакатга, унинг маданиятига йўналтирилганлик бирлиги қадриятга айланади. Маданий ва ижтимоий алоқаларни тобора кўпроқ тушуниб борадиган, ҳис қиладиган ва бироз янгича фикрлайдиган, ҳамма нарсани тўғри қилганига ишонадиган ва умид қиладиган инсон қадриятга айланиб боради. Муҳожирларда янги Ватанга нисбатан муҳаббат пайдо бўлиб қолишини кутиш керак эмас. Аввалида, тушунмовчилик ва нафратдан ҳимояланиш имкони топилса ҳам катта гап.

• Тил эмас, балки тилга, мамлакатга, унинг маданиятига йўналтирилганлик бирлиги қадриятдир.

• Маданий ва ижтимоий алоқаларни тобора кўпроқ тушуниб борадиган, ҳис қиладиган ва бироз янгича фикрлайдиган, ҳамма нарсани тўғри қилганига ишонадиган ва умид қиладиган инсон — қадриятдир.

Ушбу бобнинг бошида айтилганларни такрорлаш ўринлидир: таълим - эстон, рус ёки инглиз тилли ... бўлиши мумкин эмас, таълим жараёни талабалар ва ўқитувчилар яхши биладиган ҳар қандай тилда амалга оширилиши мумкин. Инсоннинг билимли бўлиши умуман тилга боғлиқ эмас.

Таълимда ишлаш мумкин эмас - мактабда ёки бошқа таълим муассасасида ишлаш мумкин. Таълимни тугатиб бўлмайди — қайсидир мактабни тугатиш мумкин. Ўқув программаси бўйича эмас, ўқув программаси асосида фаолият юритадиган университетда ўқиш мумкин. Таълим бериш эмас, қўл сиқиш орқали мактаб ўқув дастурини муваффақиятли тугатганлик тўғрисида сертификат ёки диплом бериш мумкин. Таълимни молиялаштириш мумкин эмас - таълим муассасаларини, шунингдек, таълим, ижодий ва тадқиқот дастурларини молиялаштириш мумкин.

Таълим соғлиқ каби ҳар доим ягонадир. (уларнинг бир нечтаси бўлиши мумкин эмас!) Бир киши бир нечта таълим муассасаларига қатнаши ва бир нечта диплом ёки битирув сертификатларини олиши мумкин. Мактабда ўтказган йиллар ва билим даражаси ўртасида ҳеч қандай корреляция йўқ.

ЧАЛКАШЛИКЛАРНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРУВЧИ СЎЗЛАР

Юқоридагилардан шуни англаш кераккки, “мактаб таълими”, “қизиқишлар асосидаги

таълим", "профессионал-техник таълим" каби иборалар маъно-мазмунга эга эмас.

Ҳеч ким айнан нимани уйда ёки бошқа жойда ўзлаштирганини тахмин қила олмайди. Турли хил мактаб фанлари доирасида нима ўрганилганлигини билиб олишингиз мумкин, аммо кимдир қандай қилиб (ким ёки ниманинг шарофати билан) шахсият ва субъект бўлиб шаклланганлиги ёки манипуляция объектига айланганини тахмин қилиш имконсиздир.

Қизиқишларга келсак, қизиқиш - бу курс ва мақсадга эга бўлган фаолиятнинг муҳим олд шартидир. Лекин билимли инсон бўлиш учун фақат қизиқишнинг ўзи етарли эмас, балки қизиқиш, хоҳиш ва ирода бирлиги керак (*2.12.2. — чизмага қаранг*).

Масалан, саломатлик ва касалхонада эришилган саломатлик ҳақида гапириш кулгили бўларди. Ҳудди шундай, мактаб таълимини умумий таълимдан ажратиб тасаввур қилиш ҳам бутун жиддийлиги билан маъносиздир. Агар қизиқишлар бўйича таълим ҳақидаги гапни чўзадиган бўлсак, кимдир ҳиссий таълим, англаш таълими ёки тафаккур таълими ҳақидаги гапларни бошлаб қолиши мумкин. Билимли инсонлар бундай мантиқий хатоларга йўл қўймаслигига ишонгинг келади.

Такрорлаймиз: таълим масалаларини муҳокама қилишда фақат мактаблар, боғчалари ва уларга қатнайдиган болалар ҳақида фикр кетмаслигини биринчи ва охирги марта ўзимиз учун

аниқлаштириб олишимиз керак! Барча институциялар таълим мақсадига эга бўлиб, бутун умр давом этадиган таълим жараёнида барча аҳоли иштирок этади. (иштирок этиши шарт!)

9.5. ОЛТИН ҚОИДАЛАР ЖАМЛАНМАСИ

Кейинчалик мулоҳаза юритиш учун қуйида ривожланиш муҳитини яратиш ва қўллаб-қувватлашнинг олтин қоидалари тўплами келтирилган:

• Бошқалар ўзлари англаб етишлари лозим ва шарт бўлган нарсаларни сиз айтманг!

• Ўзлари ечим топишлари лозим ва шарт бўлган нарсаларни бошқалар учун ҳал қилманг; яхшиси, йўналтирувчи саволлар ва маслаҳатлар билан ёрдам беринг!

• Ўзлари бажариши лозим ва шарт бўлган нарсаларни бошқалар учун бажариб берманг!

• Суҳбатлашишнинг ўзи кифоя деб ўйламанг! Инсонларга билдирилган фикрлар тўғри, маърузачи эса етарлича ақлли, ҳалол ва хайрихоҳ эканлигига - ўзининг тажрибаси орқали ишонч ҳосил қилиш ва ҳаракатга келиш имкониятини беринг.

• Масъулият ва фаоллик ҳисси ўз-ўзидан пайдо бўлиши мумкин эмас; масъулият ва фаоллик қарорларни шакллантиришда чинакам (ҳазил эмас) иштирок этиш имкониятига эга бўлганда пайдо бўлади.

• Тарбиявий эффектлар фақат реал вазиятда шаклланишини инобатга олинг; ўйин ҳолатида барча даккилар ва мақтовлар алоҳида из қолдирмайди.

• Ижодкорлик — субъект (индивид, гуруҳ кабиларнинг) ривожланишининг механизми вазифасини ўтайди. Ижодкорликнинг олд шарти эркинлик ва мустақиллик, эркинликдан фойдаланиш шарти эса интизом ва интизомни ҳурмат қилишдир. Интизомсизлик шароитида ижоддан ҳеч нарса чиқмагани етмагандай, тартибсизлик орқасидан ижодкор инсонлар нобуд бўлишлари мумкин.

• Асосий миллий бойлик — бу инъом (истеъдод)дир. Афсуски, кўпинча шундай бўладики, агар Яратган кимгадир бирор нарсада жуда сахий бўлса, бошқа нарсада кам имконият бериши мумкин.

• Таълим ва тарбиянинг энг муҳим олд шартлари - ишонч, ҳурмат, киришимлилик, муҳаббатдир. Уларни яратиш ёки айирбошлаш мумкин эмас.

• Ҳар бир бола ва катталарнинг аксарияти ўзига хос ва ноёбдир! Ҳар ким ҳайратга лойиқ бўлиб улғайиш ҳуқуқига эга.

Юқоридаги олтин қоидаларнинг марказида таълим соҳаси туради, аммо принципиал жиҳатдан бу қоидалар ҳаётнинг ҳар қандай жабҳаси учун амал қилади.

ВАТАНДОШ УЧУН МАШҚЛАР

Ватандошнинг фаолияти учун зарур тайёргарлик қониқарлими ёки йўқлигини ўз ички оламингиз учун билишингиз керак.

Бирор нарса (ва айнан нима?) қуйидагиларга таҳдид соладими ёки йўқлигини ўйлаб кўришингиз керак:

• она тилимизга;

• халқимизнинг яшовчанлигига;

• университетларимизга;

• миллий элитамизга;

• давлатичилик ва маданий эркинлигимизга;

• ҳар бир ватандошмизнинг шахсий эркинлигига;

• миллий ва давлатчилик қадр-қимматига;

• бизнинг алоқа маконимизга (ватандошларнинг информацияланган бўлиш қобилиятига);

• бизнинг сўз эркинлигимизга (ватандошларнинг ўз фикр ва ҳис-туйғуларини жамоатчилик учун тушунарли тарзда етказиш имкониятига эга бўлиш ҳуқуқига);

• бизнинг таълим маконимизга (ватандошлар учун билимли инсон бўлиш ва билимли бўлиб қолиш имкониятига);

• иқтисодий маконимизга;

• маданий маконимизга;

• авторитетлик маданиятимизни (сайловлар, тайинлашлар орқали) шакллантиришга;

• ижодий потенциалимизга;

• истеъдодларимизга;
• маънавиятимизга;
• фазилатлар тизимимизга;
• саломатлигимизга;
• соғлиқни сақлаш тизимимизга;
• табиатимизга;
• давлатимизга.

Ушбу рўйхатдан фойдаланиб, юқорида айтилганларнинг барчасини сақлаш, ҳимоя қилиш ва ривожлантириш учун қандай чоралар кўриш кераклигини ўйлаб кўришга арзийди.

NB! *Чоралар — бевосита ва билвосита, оммавий ва яширин, маҳаллий ва глобал, тизимли ва фундаментал бўлиши мумкин. Ушбу чора-тадбирларнинг таъсири муҳим аҳамиятга эга. Хавфлардан самарали ҳимояланиш, шунингдек, янги муваффақият омилларини яратиш ва қўллаш учун куч топа билиш керак.*

ТАЪСИР / ДАРАЖА	НАТИЖАЛАР ВА ЭРАШУВЧИ НАТИЖАЛАР +								ОҚИБАТЛАРИ −							
	ОШКОРА				ЯШИРИН				ОШКОРА				ЯШИРИН			
	ШУ ОНДА		КЕЙИН		ШУ ОНДА		КЕЙИН		ШУ ОНДА		КЕЙИН		ШУ ОНДА		КЕЙИН	
	ШУ ЕРДА	БАРЧА ЕРДА	ШУ ЕРДА	БАРЧА ЕРДА	ШУ ЕРДА	БАРЧА ЕРДА	ШУ ЕРДА	БАРЧА ЕРДА	ШУ ЕРДА	БАРЧА ЕРДА	ШУ ЕРДА	БАРЧА ЕРДА	ШУ ЕРДА	БАРЧА ЕРДА	ШУ ЕРДА	БАРЧА ЕРДА
ИНДИВИД																
ОИЛА																
ЖАМОА																
ТАШКИЛОТ																
ИНСТИТУТЦИЯ																
ДАВЛАТ																
Х, У																

9.5.1. — чизма. Қарорлар натижалари ва оқибатларини баҳолаш жадвали

10-БОБ. МЕҲНАТ

10-БОБ. МЕҲНАТ

Меҳнат - экзистенциал қадрият ҳисобланади, ҳар бир инсон меҳнат қилиши керак.

Эркинликка асосланган меҳнатгина ҳузур-ҳаловат келтириши мумкин.

10.0. УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

Бир қатор тилларда *[масалан рус тилида]* “меҳнат” *[работа]* сўзи “қул” *[раб]* ва “қуллик” *[рабство]* каби тушунчалар билан умумий илдизга эга бўлишига қарамай, деярли ҳамма жойда - меҳнат шараф, меҳнатсеварлик эса фазилат саналади. Усталар юксак қадрланиб, ношуд ва дангасалар масхара қилинади.

Меҳнат — бу бирор нарсанинг юзага олиб чиқилиши, бажарилишидир. Меҳнатни - фикр етаклайди. Меҳнат эса миннатдорчилик ва қониқишни ... ёки умидсизлик ва уятни етаклайди.

Меҳнат — бу истеъмол қийматига эга моддий ёки номоддий маҳсулот ишлаб чиқариш, шунингдек, яшаш муҳитини тартибга солиш ёки хизмат кўрсатишга йўналтирилган мақсадли фаолиятдир.

Меҳнат — истеъмол қийматига эга моддий ёки номоддий маҳсулот ишлаб чиқариш, шунингдек, яшаш муҳитини тартибга солиш ёки хизмат кўрсатиш бўйича мақсадли фаолиятдир. Агар юқорида айтилган учта натижадан камида биттасига эришиш истаги бўлмаса, бу фаолиятни меҳнат деб аташ мумкин эмас.

Меҳнатни баҳолаш орқали алоҳида ажратиб олинган иш операцияларини баҳолашингиз мумкин. Агар биз умуман меҳнат ҳақида гапирадиган бўлсак, унда меҳнатнинг натижаси ва ушбу натижани истеъмол қиладиган, ўз мақсадларига эришиш ёки мажбурият ва вазифаларни бажариш учун фойдаланадиганлар учун қанчалик мос келишини аниқлашдан бошлашимиз керак. Бунда албатта меҳнатнинг бевосита ва билвосита оқибатларини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади.

Меҳнат қилиб бойиб кетмайсиз, бойлик - фикрлаш, ижодкорлик ва савдодан келади. Албатта, сотишга яроқли нарсани яратиш даражасида фикр юритишни билиш ва исташ ҳамда меҳнат қилишга тайёр бўлиш керак. Бирор нарса, шу жумладан, меҳнат ва ишлаб чиқариш натижаси - кимгадир керак бўлгандагина сотилиши мумкин. Агар сотиш нархи таннархдан юқори бўлса, сотиш маъно касб этади.

Жамиятда меҳнат экзистенциал маънога эга - меҳнатга ва меҳнаткаш инсонга ҳурмат бўлмаган жамият турғунликка маҳкумдир. Самарали меҳнат қилиш учун бир қатор шартлар талаб этилади.

Ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ, етарли даражада самарали ва интенсив ташкил этилгандагина меҳнат давлат фаровонлиги манбаи ҳисобланади. Меҳнат ва ишлаб чиқариш бир-бирига мослашиши учун меҳнат ва ишлаб чиқаришга шароит ҳозирлайдиган тизим (шу жумладан, инфратузилма ҳам) яратилиши керак.

Кўпгина давлатларда камбағаллар, кўплаб мамлакатларда эса қашшоқлар талайгина, чунки бу давлатлар қониқарли таълим тизими, самарали меҳнат ва мавжуд билим ва тажрибадан адолатли фойдаланиш учун шароитларни ярата олмади ва қўллаб-қувватлай билмадилар (*13.1. — бандга қаранг*).

МЕҲНАТ МАЖБУРИЙ ФАОЛИЯТ СИФАТИДА

Меҳнат таълими — меҳнатга ўқитиш, меҳнат тарбияси ва меҳнат тажрибаси бирлигида шаклланади деган фикр юради. Ҳунарманднинг шаклланиши учун бу етарли бўлиши мумкиндир. Ватандош учун эса етарли эмас. Фаолият тизимида, мажбурий бўлган асосан иккита фаолият мавжуд. Бу ўқиш ва ишлашдир. Болада оқилона ва ўзига тўқ яшашга бўлган эҳтиёжнинг шаклланиши, бунинг учун эса унинг тафаккур қилиш, кўриш, тинглаш, тадқиқ қилиш, яшай олиш, яратиш ва меҳнат қилиш кераклигини англаш бахтига муяссар бўли-

ши, бола ҳаётида муҳим ўрин тутадиган ота-она, ўқитувчи ва мураббий кабиларнинг донолигига боғлиқ. Акс ҳолда бола ўқишни қандайдир мажбурий иш (ўқиш иши) сифатида кўради.

Эстония *[Ўзбекистон]* тез ўзгарувчан дунёда омон қолиш учун, аҳолиси кўпроқ бўлган давлатлар қила олиши мураккаб ҳисобланган нарсага эришиши керак — **сиёсий елвизаклардан** *[проектлардан]* панага олинган таълим, фан ва маданият тизимларини интеграция қилиш имконини берадиган (Мудофаа кучлари ва Мудофаа лигаси (Кайтселийт) каби) давлат қўмитасини яратиш керак. Акс ҳолда, бу соҳаларнинг ҳеч бирини қониқарли поғонага кўтариб, унинг асосида мамлакат келажагини қуришга имкон берадиган даражада ислоҳот ўтказиб бўлмайди.

Меҳнат бу:

• ҳаракат (фаолият тизимининг элементи);

• жараён (даврий кетма-кетлик ва мантиқий боғлиқликдаги узлуксиз ҳодисалар занжири);

• ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган ҳодиса (ижтимоий-маданий ҳодиса);

• жамият ва маданиятнинг нормаси ва қадрияти;

• субъект ривожланиш даражасининг кўрсаткичи;

• қўшилган қийматни шакллантириш манбаи;

• ўз-ўзини татбиқ этиш йўли;

• иш ҳақи ва эътиборга тушиш, эътирофга эришиш имконияти;

• узлуксиз ўз-ўзини такомиллаштириш шакли;

• ва шу кабилардир.

Эстонияда меҳнат ҳақида жуда кўп гапирилади, аммо муаммо сифатида меҳнат мавзуси ҳали очиб берилмаган. Ҳозиргача меҳнат мавзуси бўйича дарслик сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бирорта ҳам қўлланма нашр этилмаган. Иш техникаси ва воситалари ҳақида айрим адабиётларгина мавжуд, холос. Вояга етган ватандошлар, қандай шароитларда мақсадга мувофиқ, самарали ва интенсив бўлишини англаш имконини берадиган даражада меҳнат омиллари тизимига шўнғиш имкониятига эга эмаслар. Бундай ўқув қўлланма иш берувчилар учун ҳам, ходимлар учун ҳам, ўқитувчилар ва ота-оналар, депутатлар ва мутасаддилар учун ҳам жуда қўл келар эди.

Инсон қаердалигидан қатъи назар, доимий алоқада қолиши мумкин бўлган ҳозирги вақтда, масъул шахс ҳам иш кетаётган жойда шахсан ўзи бўлиши шарт эмас. Меҳнат мазмуни, шакли, аҳамияти ва маъноси, зўриқишлари ва бошқа нарсалар йилдан-йилга кўпдан-кўп ўзгаришларга юз тутиб бораверади. Шундай бўлса-да, меҳнат меҳнатлигича, бошқарув бошқарувли-

гича, қарорларни шакллантириш ҳам ўз ўрнида қолаётганини таъкидлаш зарур.

Кекса авлод вакиллари эсласа керак, Совет Иттифоқида, яъни “меҳнаткаш халқ давлати”да меҳнат унумдорлиги бошқа кўплаб мамлакатларга қараганда икки-уч баравар паст эди. Хўш, нега? Бу масала бўйича турли фикрлар билдирилган, аммо юқоридаги саволга жавоб топишга ёрдам берадиган социологик тадқиқот ҳали ҳам ўтказилмаган.

МЕҲНАТ НИМАГА БОҒЛИҚ?

Ишчи - нима қилиш, шунингдек, қаерда, қандай ва қачон ишлаш, дам олиш ёки бирор бошқа нарса билан шуғулланишни айрим ҳоллардагина ўзи ҳал қилиши мумкин. Аммо кўпинча, айнан иш берувчи иш жойини яратади, шунингдек, иш тартиби ва шартларини белгилайди, хавфсизлик қоидаларини тузади, соғлиқни сақлашни, қўшимча ўқитишни, меҳнат натижалари ҳисобини, иш ҳақини ва бошқа компенсацияларни, шу жумладан, лавозимда кўтарилишни ва ҳоказоларни таъминлайди.

Муваффақиятга эришиш учун меҳнат ва профессионаллик боғлиқ бўлган ҳамма нарсани - квалификация, мотивация ва ориентация бирлигини, эркинлик, тартиб (тартибга нисбатан етарлича ҳурмат бор бўлса) ва ижодкорлик бирлигини ҳисобга оладиган тизимни яратиш керак.

Меҳнат ва унинг натижалари, кутилмалар ва талабларга мувофиқ бўлиши учун иш берувчи ва ходим, биринчи навбатда, меҳнат маҳсулоти, мумкин бўлган истеъмолчилар доираси ва истеъмол ҳақида билимга эга бўлиши керак. Албатта, меҳнат муҳити, яъни ўзаро муносабатлар ва ўзаро таъсирни, соғлиқни сақлашни, ишнинг шакли ва мазмунини, меҳнатни ташкил этишни, тозалик, дам олиш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тизими, яъни меҳнатга зарурий тайёргарлик ва ҳақиқий меҳнат ҳиссасини қўшиш учун талаб этиладиган ҳамма нарсани билиш керак.

Меҳнат самарали бўлиши учун фақат ишлашнинг ўзи етарли эмас. Асл масала меҳнатга яратилган шароитларда эмас, балки меҳнат ва унинг натижалари боғлиқ бўлган ҳамма нарсани иложи борича таъминлаш заруратидадир.

10.1. МЕҲНАТ ҲОДИСА ВА ЖАРАЁН СИФАТИДА

Ҳодиса сифатида меҳнат — инсоннинг фаолият тизими элементларидан бири бўлиб, фаолият тизимининг бошқа барча элементларини (*бошқа ҳаракатлар, Қаранг: 7.0.*) маълум миқдорда ўз ичига олади. Қандайдир “ўртамиёна” меҳнат бўлмайди. Ҳар бир иш ўз спецификаси билан бажарувчисига алоҳида талабларни юклайди. Меҳнат классификаторининг бир

томонида оғир, жисмоний, зарар етказувчи иш, иккинчи томонида эса кичик юкламали енгил иш туради. Уларнинг орасига бошқа барча турдаги ишларни жойлаштириш мумкин.

Заводда, далада, фермада, ўрмонда, денгизда меҳнат қилишади... Касалхонада санитарлар, ошхона ходимлари ва ишчилар меҳнат қилишади. Мактабда ҳам фаррошлар ишлайди. Мактаб ва шифохонадаги қолган ходимларнинг аксарияти меҳнатдан ҳам кўра мураккаброқ нарса билан шуғулланади.

Қандайдир иш ҳамма жойда, шу жумладан уйда ҳам бор, лекин бу турдаги ишлар параллель, йўл-йўлакай бажарилади. Мисол учун, тозаловчилик ҳам меҳнат, аммо кам сонли инсонларгина фаррош сифатида расмийлаштирилади. Кўпчилигимиз ўзимиз ва яқинларимизнинг бошқа фаолиятлари учун қулай шароит яратиш мақсадида тозалик билан шуғулланамиз.

Меҳнат ҳам бошқа барча ҳаракатлар сингари унинг ижрочиси фаолият тизимининг бошқа элементларини билиш билан қанчалик кўп қуролланса (меҳнат билан бир қаторда) шунчалик яхши кечади.

Меҳнатни тавсифлаш учун қуйидагиларни тушуниш (кашф қилиш) керак:

• меҳнатнинг шакли ва мазмуни, шунингдек, уларнинг мувофиқлигини;

• ишнинг аҳамияти ва моҳияти, шунингдек, уларнинг долзарблигини;

• меҳнат учун зарур бўлган ресурслар, шунингдек, уларнинг мувофиқлигини;

• меҳнат ритми ва зўриқишлари, шунингдек, уларнинг мувофиқлигини;

• натижа ва иш ҳақи, шунингдек, уларнинг мувофиқлигини;

• хавфсизлик чораларининг меҳнатдаги хавф-хатарларга ва амалдаги қонунларга мослигини;

• таътил ва бошқа компенсацияларнинг жамият ва маданиятда шаклланган меъёрларга мувофиқлигини.

Ҳар бир аниқ меҳнатни қуйида кўрсатилган барча векторлар мавжуд бўлганда *Н*-ўлчовли кенглик сифатида кўриб чиқиш мумкин (аниқлик учун кўриб чиқиш лозим).

Меҳнат қуйидагилар билан тавсифланади:

• жисмоний, интеллектуал ва руҳий юклама;

• танлаш эркинлиги, вақт етишмаслиги, ўта юқори масъулиятда юзага келадиган зўриқиш;

• бир хиллик ёки хилма-хиллик;

• ҳуқуқлар, бурчлар ва мажбуриятларнинг табиати ва мутаносиблиги;

• эркинлик ва тартиб ўртасидаги муносабат;

• иштирок этиш имконияти:

- стратегик қарорларни шакллантиришда;
- натижаларни баҳолашда;
- даромад ва бошқа моддий бойликларни тақсимлашда;

• ва ҳоказо, чунки ҳамма жойда ўзига хосликлар ва фарқлар мавжуд.

Ҳар бир иш операцияси ва босқичи маълум кўникмалар, пунктуаллик ва билимларни талаб қилади. Бунда маҳсулот, хизмат ёки муҳит яратиладиган жараённи давом эттириш учун биринчи босқичдан иккинчисига ўтишлар, меҳнат натижаларининг топширилиши ва қабул қилиниши айниқса қийин ҳисобланади.

Меҳнатнинг талқини билан шуғулланиб, унинг у ёки бу маънода қониқарли тавсифини бериш мумкиндир (энг яхши ҳолатда), аммо бу ҳақда аниқ тасаввурга эга бўлиш, меҳнатда ҳукм сураётган вазият, ҳолат ва ситуациянинг шаклланиши сабабларини тушуниш имкони йўқ.

Иш жойи ҳам, аттестация ҳам меҳнатни тавсифламайди. аттестациядан инсонлар ўтадилар. Саломатлик ёки ахлоқ инсонда бўлади, меҳнатда эмас.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ўқувчи шуни тушуниб етиши керакки, ҳар бир фаолият ҳам меҳнат эмас, ҳамма ҳам ишга олинавермайди (баъзилари сайланади ёки бирор лавозимга тайинланади), демак, айрим инсонлар ишга бормайди, бирор лавозимни эгаллайдилар. Масалан, депутатлар ва уларнинг маслаҳатчилари ишга бормайдилар ва лавозимларни эгалламайдилар - улар ўз мақомларига мос келадиган фаолиятни амалга оширадилар.

ИШ ЖОЙИ ВА МАНСАБ

Ишчилар одатда иш ўринларини ярата олмайдилар ёки ишни ташкил этолмайдилар. Бу иш берувчининг вазифаси. Ҳар бир янги иш ўрни яратилиши тегишли тизим мавжуд бўлгандагина ўзини оқлаши мумкин бўлган сармоядир.

Қуйидагилар мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

• барча иш жойлари ва лавозимларнинг паспортларини тайёрлаш;

• ҳар 3—4 йилда барча ходимлар ва мансабдор шахсларни аттестациядан ўтказиш;

• ҳар 4—5 йилда ташкилотнинг таркибий бирликларини аккредитациядан ўтказиш;

• мансаб ва карьера даражаларида кўтарилиш принципларини ишлаб чиқиш ва эълон қилиш.

Хусусий тадбиркорлик учун бу қоидалар мажбурий эмас - тадбиркор самарали фаолиятни қандай таъминлашни ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига эга.

Кўп такрорланувчи операциялар роботлар томонидан тобора кўпроқ бажарилмоқда. Робот фақат иш инструменти эканлигини ҳисобга олиш керак. Робот масъулиятни зиммасига ола билмайди, уни роботдан фойдаланадиган инсон ўз зиммасига олади.

Ходим ва мансабдор шахснинг бир нечта иш жойларида ишлашга тайёрлиги мақсадга мувофиқ. Бундай ҳолда, ушбу потенциал мавжудлиги учун у қўшимча тўловга лойиқ бўлади. Нор-

мал ҳолатда эса ҳар бир ишчига материалдан оқилона фойдаланиш, энергияни тежаш, тозаликни сақлаш ва иш анжомларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш учун етарли даражада билим олиш, етарлича маърифатли ва маълумотли бўлиш имконияти берилади. Бундан ташқари, хавфсизлик техникаси, ёнғин хавфсизлиги ва стандартларни билиш учун ўқиш керак.

Сурункали вақт етишмаслиги нокомпетентлик оқибатидир.

Иш вақтидан мақсадга мувофиқ, самарали, интенсив фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Вақтни ўғирлаш ва беҳуда сарфлаш энг катта зиёндир.

Сурункали вақт етишмаслиги нокомпетентнлик оқибатидир.

Бунинг сабаби, яширин бўлиши мумкин, чунки инсон:

• ўз лавозими доирасида қарорларни қандай шакллантиришни ва ижро этишни билмайди; шубҳаланиб, типирчилаб, вақтни беҳуда сарфлайди;

• қарор беришга журъат этамайди; қарор нотўғри бўлиб чиқишидан қўрқади, бирор нарса содир бўлади ёки раҳабриятнинг бу масалада бошқа қарашлари бор деб ўйлайди.

Бир жойда туриб қолиш ва сансолорликнинг сабаби олдиндан кўра билмаслик, суст мотивация, нотўғри ориентация, тажрибада шаклланган эҳти-

ёткорлик кабилар бўлиши мумкин. Ҳеч нарсани ҳал қилмайдиган инсон хато ҳам қилмайди. Қарангки, хато қилмаган *[мустақил қарор бермаган]* ходимларга лавозимда кўтарилиши осон бўлади. Аввалига нокомпетент амалдорларнинг бундай ҳаракатлари инсоннинг кулгисини қистатади, бироқ орадан маълум вақт ўтгач, бундай *[нолойиқ]* кишилардан ташкил топган бутун раҳбариятнинг авторитети асосланмаган бўлиб қолса, атрофдагилар кулиши эмас, йиғлаши керак бўлади.

Ҳар бир муассаса ёки ташкилотнинг ўз шартлари, ўзининг локал одатлари, маросимлари, анъаналари шаклланиб, жамланиб боради. Муҳими, инсонлардаги *[ходимлардаги]* - оқиллик, ўринлилик, инсонпарварлик, адолат ва тўғрилик ҳақидаги тасаввурлари, меҳнатни ташкил этиш тамойилларига мос келишидадир. Бу эса кейинчалик ҳар бир ватандош ўзи учун актуал бўлган соҳада фаолият турларини мустақил ўйлаб топиши, моделлаштириши ва бу фаолиятни зарурий деб топилган нарсалар билан қиёслаши, хулосалар чиқариши, баҳо, маслаҳат ва тавсиялар бериши мумкин бўлади.

Шахсий код (мамлакат ҳар бир яшовчисининг индивидуал рақами) аналогияси асосида, келажакда стратификацион код (2.7. — *бандга қаранг*) ва ўз-ўзини татбиқ қилиш кодидан ҳам бемалол фойдаланиш мумкин. Бунда ҳар бир ватандош ўз мавқеини ҳам стратификацион индекси асосида, ҳам ҳаракатлар классификатори асосида билиб оларди.

МЕҲНАТ ШАРТЛАРИ

Меҳнат шароитлари бир бутун тизим сифатида ишлайди. Улардан баъзиларини ўлчаш, баъзиларини эса тавсифлаш ва баҳолаш мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам уларни кўриб чиқиш учун тажрибадан олинган назария, методология, методика ва иш амалиёти керак. Шуни эсда тутиш лозимки, моҳият деталларда яширииндир (1.0. — *бандга қаранг, бочка қонуни*). Тегишли меҳнат шароитларини яратиш, сақлаш ёки ўзгартириш учун, биринчи навбатда, иш берувчи, шу жумладан юқори, ўрта ва қуйи раҳбариятнинг тайёргарлиги керак. Ишчилар янги иш ўринлари яратмайдилар ёки ишни ташкил қилмайдилар Меҳнатнинг барча омилларини яхшилаш учун раҳбариятнинг эшиклари ишчилар учун доимо очиқ бўлиши керак.

Меҳнат шароитлари — бу меҳнат учун зарур бўлган ресурслардан фойдаланишни белгилайдиган ҳамма нарсадир.

Аксарият ҳолларда корхона раҳбарияти тизим сифатида меҳнат шароитлари ҳақида оддий тушунчага ҳам эга эмас, меҳнат шароитларини баҳолашни тушуниш, ёки нималар хавфли, норматив, оптимал ва идеал эканлигини тасаввур қилишини гапирмаса ҳам бўлади. Асосан, шовқин, ҳарорат, локал ва умумий ёритиш, ҳаво

тозалиги, шу жумладан чанг, елвизак ва радиация билан боғлиқ жисмоний шароитлар (чегаралар ва меъёрлар) нима эканлигини билишади ва тушунадилар.

Меҳнатнинг шарти - мустақиллик, эркинлик, тартиб ва тартиботга нисбатан ҳурмат бирлиги, шунингдек, ҳуқуқ, мажбурият ва масъулият мувофиқлигидир; Бундан ташқари, меҳнат шартларига ишни адолатли олиб бориш, меҳнат жараёни иштирокчиларининг эътиборлилиги, инсоний мушфиқлик, ёрдамга шайлик, эътиқод ва ишонч, меҳнат ва иш ҳақи ўртасида ўзаро тушунарли алоқа; ўз-ўзини татбиқ қилиш ва такомиллаштириш имконияти, юқори малакани талаб қиладиган ишга тайёрлик кабилар киради.

10.2. МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Ишни бошлаш ёки лавозимни эгаллашдан олдин нима ўйлаб олинган бўлиши керак? Ўқувчи ўзи учун яхши таниш бўлган воқелик билан таққослаш ва ўйлаб кўриш имкониятига эга бўлиши учун етарлича узун рўйхатни келтирамиз.

Қуйидагиларни ўйлаб кўриш керак:

• бу меҳнатнинг натижаларига ким, қаерда, қачон ва нима учун эҳтиёж сезади;

• нимани, қанча миқдорда, қандай сифатда қилиш керак, кимга ва нимада ёрдам бериш ёки маълум бир санага қадар қандай ҳолатга (муҳитга) эришиш керак;

• ишни ташкил этиш (унинг бошланиши, ўзгариши, тугаши) тўғрисида қарор қабул қилишга ким ҳақли ва шу билан бирга меҳнат ва, унинг натижалари, инсонлар ва меҳнат муҳити учун ким жавобгар бўлиши керак;

• фаолият ва натижалар, ташкилотнинг салоҳияти, шунингдек, моддий (предметли) ва номоддий муҳит, кутилмаларга, умидга, шунингдек, ёзилган ва ёзилмаган қонунарда назарда тутилган талабларга мос келиши учун иш берувчи ва ходим нимани билиши, уддалаши ва тушуниши керак;

• иш берувчи, ташкилотчи, бажарувчи ва меҳнат натижасини баҳоловчи нимани тушуниши, нимани олдиндан кўра билиши ва ўз вақтида таниб олиши керак;

• иш берувчи ва ҳодим ўртасидаги одамийлик ва касбдошлик қандай бўлиши керак;

• қачон ва қандай кетма-кетликда мақсадга мувофиқ ҳаракат қилиш керак;

• маҳсулотни қандай хомашёдан тайёрлаган мақсадга мувофиқ;

• қандай иш ва ҳимоя инструментларини (воситаларини) ҳисобга олиш ёки қўллаш мақсадга мувофиқ (зарур);

• корхона, муассаса, ташкилотнинг коммуникация ва интеракция тизими қандай бўлиши керак;

• барчани (барча персонални) фаол ижодий изланишга жалб қилиш ва ҳар қандай бепарволик, адолатсизлик, зулм кабиларга йўл қўймаслик учун горизонтал ва вертикал йўналишларда

субъект-субъект муносабатларини қандай таъминлаш керак;

Ходимлар (барча персонал) қуйидаги ишларни амалга оширишни ҳоҳлашлари учун қандай чора-тадбирлар тизимини йўлга қўйиш керак:
- хусусий таълим олиш, ўз ва ўзгалар билим ва кўникмаларини ошириш, бир вақтнинг ўзида бошқа соҳалар ва бошқа лавозимларда фаолият кўрсатиш учун профессионал равишда тайёргарлик кўриш.

- иш ва бўш вақтдан рационал фойдаланиш;

- материал, ресурс ва энергияни тежаш;

- ўз ва ўзгалар соғлигини асраш;

- иш жойи, меҳнат анжомларини тартибда сақлаш;

- умумий муваффақият ва фаровонликка эришиш учун ўзаро зарур олд шартларни яратиш;

- ташкилот репутациясини авайлаш ва мустаҳкамлаш;

• иш давом этаётганида (ва тўхтаганида) нима содир бўлиши мумкин ва қандай хавфсизлик талабларига изчил риоя қилиш керак;

• ҳар бир ходимга ҳақиқий ва мазмунли иштирокчи бўлиш имкониятини берадиган коммуникация (формал ва шунчаки номига эмас), шунингдек, муҳим муҳокамаларда ва қарорларни шакллантиришда иштирок этиш учун зарур бўлган барча нарсалар ҳақида етарли даражада тизимли ва тезкор маълумот олиш қандай бўлиши керак;

• Мақсадни инсон ўз олдига қўяди. Мақсадларга эришиш керак.

• Топшириқ бошқа бировга берилади. Вазифа бажарилиши лозим. Одатда, топшириқнинг бажарилиши ҳақида хабар берилиши керак.

• Мажбурият эргашиб келади.

• Функциялар (объектив боғлиқликлар) яққолнамоён бўлмасада улар мавжуддир (бор).

• кўриб чиқилаётган иш ёки бошқа ҳаракатлардаги тўғри алоқа (*тизимнинг элементи сифатида*) қандай бўлиши керак;

• кўриб чиқилаётган иш ёки бошқа ҳаракатлардаги қайта алоқа (*тизимнинг элементи сифатида*) қандай бўлиши керак;

• инсонларнинг ҳолдан тойишидан, уларнинг меҳнат ва ижоддан узилиши, бегоналашувидан қандай сақланиш керак;

Меҳнатга мажбурлаш мумкин, лекин ҳамкорликка мажбурлай олмайсиз!

• Бир-бирини ҳурмат қиладиган ва қўллаб-қувватлайдиган алоҳида шахсиятлар ва гуруҳларгина ҳамкорлик қилишлари мумкин.

• ходимларнинг меҳнатга, меҳнат шароитлари ва унинг ташкил этилишига (шу жумладан, таътилга), меҳнат муҳитига, меҳнат самарадор-

лигига, иш ҳақи ва бошқа компенсацияларга тааллуқли масалаларни кўриб чиқишда фаол иштирокини қандай таъминлаш керак;

• ходимларнинг қадр-қимматини сақлаш (таҳқирлашнинг мавжуд эмаслиги), шунингдек, ҳуқуқлар, мажбурият ва жавобгарликнинг жам бўлиб келиши ҳақида ходимлар, ишчиларни қандай хабардор қилиш мумкин;

• Ишлашга мажбурлаш мумкин, лекин ҳамкорлик қилишга мажбурлаш мумкин эмас!

• Бир-бирини ҳурмат қиладиган ва қўллаб-қувватлайдиган, ишонадиган шахсиятлар ёки гуруҳлар ҳамкорлик қилиши мумкин;

• персоналнинг, шу жумладан, ишчиларнинг қониқарли квалификациясини (мутахассислиги, касби ва лавозими бўйича билим, кўникма ва тажриба бирлиги) қандай таъминлаш керак;

• иш ва ишдан ташқари вақтлардан, шунингдек, бошқа ресурслардан фойдаланганда ходимларнинг, шу жумладан, ишчиларнинг тўғри ориентацияси ва барқарор мотивациясини қандай таъминлаш керак;

• мансабдор шахсларга - ишчи аввало шахс — актив бошланиш (субъект), ўз фикр ва ҳис-туйғулари, қизиқишлари, иродаси, тутумлари ва муносабатлари, фазилатлари, қадриятлари ва меъёрлари, афсоналари ва ясоқлари, идеаллари ва юксак ғояларлари борлигини, шунингдек, Конституцияга кўра ҳар бир ватандош бошқалар билан тенг ҳуқуқ, бурч ва масъулиятга эга эканлигини қандай англатиш мумкин.

МЕҲНАТДА ТЎҒРИ ВА ҚАЙТА АЛОҚА

Кўпинча, фаолият тизимининг бошқа элементлари каби Эстонияда йўлга қўйилган меҳнатда ҳам тўғри ва қайта алоқа мавжуд эмас (6.2. — *бандга қаранг*). Тўғри ва қайта алоқага эга бўлмасдан туриб ҳаракатларга раҳбарлик қила олмайсиз. Агар кимдир меҳнат унумдорлигининг пастлиги сабабларини излаётган бўлса, унда сабабларнинг камида биттаси бу бўлимда кўрсатилган.

Агар меҳнат субъекти (*қарор бера оладиган, меҳнатни ташкиллаштирадиган ва бу учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган актив бошланиш*) дастлаб тўғри алоқани шакллантирган бўлса, яъни у нима қилишга бурчли ёки нима қилишга мажбур эканлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилган бўлса, меҳнат қайта алоқага эга бўлиши мумкин. Меҳнат натижаси кейинги жараёнларга "кириш" сифатида мос бўлиши, бирор нарса учун зарурат туғдириши ва талабгир бўлиши керак. Қайта алоқа вужудга келиши учун ҳамма нарса кутилганидек содир бўлганига ишонч ҳосил қилиш лозим. Ушбу кузатиш натижаси эса меҳнатни кейинги ташкил этишда ҳисобга олиниши керак.

Қайта алоқа фақатгина маълумотларни тўплашдан иборат эмас!

- **Агар тўғри алоқа дастлаб шакллан-**

ган бўлса, шунингдек, ижрочи олинган маълумотларни кейинги ҳаракатларида ёки уларнинг корректировкасида ҳисобга олсагина ҳар қандай хатти-ҳаракат (барча фаолият тизими каби) қайта алоқага эга бўлиши мумкин.

Тўғри ва қайта алоқанинг йўқлиги фақат меҳнат учунгина хос нарса эмас. Бу камчилик ҳаётнинг барча соҳалари, шунингдек, тартибот ва бошқарувнинг барча даражаларига хосдир. Ватандош учун бундай амалиёт қониқарли бўлиши мумкин эмас. Бу ерда мулоҳаза қилиш мумкин бўлган масала ва нималарни тартибга келтиришда активлик кўрсатиш ҳақида маслаҳатлар бор.

Қайта алоқа мавжуд бўлмаса, тизимлар ўзбошқариш функциясини бажара олмайди ва ўзгармайди, шунингдек, ривожлана олмайди.

МЕҲНАТНИ БАҲОЛАШ

Меҳнатни баҳолашда нафақат меҳнатнинг ўзи, балки унинг натижаси, сифати, миқдори, ўз вақтидалиги, вақт ва бошқа ресурс харажатлари, муҳитга ва ижрочига таъсири ҳам кўриб чиқилиши керак.

Бунинг учун жуда кўп ишончли маълумотларни тўплаш, зарур бўлган нарсалар билан солиштириш, шунингдек, ижтимоий ва маданий контекстга асосланган бошқа маъноларда олинган натижанинг яроқлилигини солиштириш керак. Ҳар қандай баҳолашда баҳоловчи ва жамоатчилик қуйидаги маълумотга эга бўлиши зарур:

- нима баҳоланяпти;
- қайси мезон тизими асосида баҳолаш амалга ошириляпти ёки қиймат бериляпти;
- баҳолаш маълумотларини ким, қаерда ва қачон инобатга олиши керак;

Меҳнат субъекти қуйидагиларни истаса ва имконли бўлса меҳнат натижаларини баҳолаши мумкин:

- бажаришнинг сифат, миқдор ва муддат бирлиги талабларига риоя қилиш;
- натижани ҳам, оқибатларни ҳам инобатга олиш;
- меҳнат натижаси истеъмолчининг эҳтиёжларига қанчалик мос келишини кузатиб бориш;
- ушбу меҳнатнинг ҳаёт муҳитига таъсирини ҳисобга олиш;
- инсон саломатлиги, табиат ва маданият ёрдами биланми ёки саломатлик, табиат ва маданият ҳисобидан *[зарар бериш орқали]* натижага эришилдими;
- ушбу фаолият орқали етказилиши мумкин бўлган зарарни қоплаш.

Баҳолаш - баҳоловчилар профессионал ва ҳалол бўлса ва баҳолашлар ишончли, етарлича тизимли ва тушунарли бўлса; агар ушбу баҳолашлар асосида қарорлар учун масъул бўлган раҳбарлар ва ташкилотчилар ҳам баҳоланиши мумкин бўлса; агар ушбу баҳолашлар асосида келгуси фаолиятда ҳисобга олинадиган хулосалар чиқарилиши мумкин бўлса (инсонларнинг иш ҳақи - фаолият ва карьера шароитларига боғланган бўлиши керак) маъно касб этади.

Агар меҳнат ёки бошқа фаолият учун олинган тўлов муносиб яшаш имкониятини бермаса, унда ходимлар ўзларини бутун вужуди билан ишлашга - ўрганишга, иш операцияларини такомиллаштиришга инструментлар ва ресурсларга эҳтиёткор бўлишга, ва бир-бирининг муваффақияти учун олд шартларни яратишга интилишини кутиш учун ҳеч бир асос мавжуд бўлмайди. Аксинча, ишчилар ўзини четга олиши, узоқлашиши (3.3. — *бандга қаранг*) ва имконият бўлиши билан ишдан бўшаб кетишга ҳаракат қилиши мумкин.

Агар яшаш ва меҳнат муҳити таназзулга эмас, балки инсон тараққиётига ва ривожланиш салоҳиятини сақлашга ёрдам берса, давлат янада мустаҳкамланади.

Ҳар бир инсон яшаш муҳитига қўшган ҳиссаси учун муносиб ва адолатли эътироф этилиш ва мукофот олиш ҳуқуқига эга. Иш ҳақи бу меҳнат орқали ўзни татбиқ этиш тизимини тартибга солувчи ягона омил эмас. Иш ҳақи нафақат инсоннинг қандайдир тарзда яшаб қолишига [*очликдан ўлмаслигига*] имкон бериши, балки унинг оиласи учун нормал яшаш шароитларини яратиши, уй-жой сотиб олиш ва таъмирлаш учун пул йиғиш, шунингдек, бахтсизлик ва қариликда ҳам асқатадиган даражада баракали бўлиши керак. Фақат энг ўткир маиший эҳтиёжларини қондиришга имкон берадиган иш ҳақи етарли мотивацияни келтириб чиқармайди.

Баъзилар, жамият фақат иқтисодиётдан иборат, шунинг учун иқтисодиёт билан шуғулланишимиз керак, деб ўйлашади. Иқтисодиёт билан шуғулланиб жамиятни ривожлантириш мумкиндек туюлади. Бироқ бу етарли эмас. Иқтисодиёт жамият тараққиётининг биттагина олд шарти, шунингдек, натижа ва кўрсаткичларидан биридир.

Нима учун Эстониядаги маошлар ҳали ҳам барча Шимолий Европа мамлакатларига қараганда бир неча баравар паст эканлигини асослантирадиган тушунтириш йўқ. Айримларнинг фикрича, бундай ачинарли ҳолатга корхоналарнинг камтарона ҳажми ва экспорт имкониятларининг заифлиги сабаб бўлмоқда. Бошқалар эса муаммо раҳбарлик, хўжалик юритиш ва ташкилотчилик даражасининг пастлигида деб ҳисоблашса, яна кимлардир қашшоқлик сабаби маҳаллий субпудратчиликнинг паст қўшимча қийматга эга эканлигида кўради. Маълумки, деталларини ишлаб чиқариб, истеъмол қийматига эга бўлган яхлитликни яратувчига арзонга сотишга мажбур бўлганлар, тайёр маҳсулотни истеъмолчига сотганлардан кўра кам даромад олади. Субпудратчилик - бу қашшоқлик туфайли пайдо бўлган (“дўстлар” томонидан ўйлаб топилган) қашшоқлик тузоғидир.

МАОШ ТУЗОҒИ ВА ҚОНИҚАРСИЗ ИНФРАТУЗИЛМА

Маълум миқдордаги иш ўринларини яратадиган хорижий инвесторларни жалб қилиш истаги Эстонияга етарли даражада таъсир кўрсатди. Бу эса кутилган самарани бермади. Чунки сармоядорлар арзон субпудратларни ташкил қиладилар, бош компанияларга солиқсиз кредитлар бериш орқали, барча илмий муассасаларни астойдил четлаб ўтиб ўз даромадларини чиқариб олиб кетадилар. Ўз пулларини “ўзга чўнтакларда” (хорижий банклар филиаллари) сақлашга устунлик берилганда ҳам худди шундай манзара пайдо бўлади. Шу билан бирга, хорижий банкларнинг даромадларини камайтирадиган, маҳаллий ташаббускорликнинг пайдо бўлиши ва кучайишига имкон берадиган маҳаллий жамғарма-молия институтлари ташкил этилишига йўл қўймаслик учун ҳамма нарса қилинмоқда.

Бошқарув оқилона ташкил этилган деярли барча давлатларда ўз бозорини, яъни ишлаб чиқарувчисини ҳимоя қилишнинг самарали усуллари яратилган. Баъзи мамлакатларда ҳукуматлар ўз саноати учун ҳеч бўлмаганда бошқалар билан тенг шароит яратиш муҳимлигини эътиборсиз қолдирадилар. Европа Иттифоқининг директив социалистик тафаккур тарзи ҳам қашшоқликка ҳисса қўшади, унга кўра ҳозир-

ги вақтни лойиҳалар ва дастурлар даври деб ҳисоблаш ва кимгадир ажратилган ресурсларни ёрдам деб аташ керак.

Агар иш берувчи ўзини иш ҳақ тўлаётгандек кўрсатса [*ойлик жуда кам бўлса*], у ҳолда ходим ҳам ўзини ишлаётгандек кўрсатади, лекин у фикр юритмайди, ўқиб ўрганмайди, атрофидаги нарсаларга ғамхўрлик қилмайди.

Иқтисодчи Хейдо Витсур Эстония тушиб қолган вазиятни маош тузоғи деб атади.

Ҳеч нарса яратмайдиган ёки ишлаб чиқармайдиган, лекин бошқа инсонлар, табиат ва маданият ҳисобидан яшайдиган ташкилотларда ишлайдиганлар озми-кўпми қониқарли яшайдилар.

Баъзи инсонлар маош тузоғида яшайди, кўплари эса уй-жой тузоғида, яъни инсонлар ҳеч қаерга кета олмайдилар ва уларнинг кўчмас мулки жойлашган ҳудудда эса иш йўқ. Иш ўринлари яратишга ҳам умид йўқ, чунки инфратузилма вайрон бўлган — дўкон, мактаб, почта бўлими энди йўқ, кутубхона ҳам анчадан бери ёпилган. Отларни ҳам йўқотишди, бензин олишга эса пул йўқ.

Самарадорлик инфратузилма функцияси эканлигини бир неча бор такрорлаш ва эслаш керак. Агар инфратузилма етарли бўлмаса, қониқарли эффективликка эришиб бўлмайди. Ин-

вестициялар, шунингдек, давлат бюджети ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бюджетининг муҳим қисми инфратузилмани яхшилашга йўналтирилиши керак. Акс ҳолда, ортда қолиб кетиш фақат вақт масаласидир.

10.3. МЕҲНАТ ТАЙЁРГАРЛИГИ

Оддий ҳолатда, меҳнатга тайёргарлик эрта болаликдан бошланади. Болалар меҳнат ўйинини ўйнаши мумкин, лекин меҳнат бу ўйин эмас. Меҳнат ҳузур олиб келиши мумкин, лекин иш ўз вақтида бажарилиши керак! Меҳнат бу шундай фаолиятки, унинг натижаси зарурийдир. Бу тамойил ўзининг хос мажбуриятларига эга бўлган болалар учун ҳам амал қилади, масалан, чангни артиш керак, столга емак келтириш, шкафдаги идиш-товоқларни саранжомлаб қўйиш керак. Меҳнатсеварлик, пунктвуаллик, тартибга ҳурмат, мустақиллик, ишни якунига етказиш ва бошқа кўплаб шахсий фазилатлар инсоннинг болалик даврида мунтазам куч сарфлаш натижасида шаклланади.

Агар юқорида айтилган хусусиятлар ўз вақтида шакллантирилмаса, инсонга бутун умри давомида қийин бўлади, унинг атрофдагилар учун эса бундан ҳам қийинроқ бўлади.

Меҳнатни мажбурлаш, буйруқ ва тақиқлар билан қадрият даражасида шакллантириш мумкин эмас.

Фарзандига жазо сифатида қандайдир ишни бажариш мажбуриятини юклайдиган ота-оналар аҳмоқона йўл тутадилар. Нотўғри хатти-ҳаракати учун жазо сифатида иш қилишга мажбурлайдиган мансабдор шахслар ҳақида ҳам худди шуни айтиш мумкин. Натижаси ҳеч кимга керак бўлмаган меҳнат хор қилувчи таъсирга эга.

Ота-оналар ва ўқитувчилар одатда меҳнат қилишни ўрганиш мустақил ҳаётга, ўз-ўзини татбиқ қилишга тайёргарлик эканлигини тушунишади. Қандай фикрлашни биладиган ва қарор қабул қилишга қодир бўлганлар учун меҳнат қилиш мос келади деган тушунча мавжуд. Ишнинг аҳамияти ва мураккаблиги ҳақида гапириш ҳам зарур, аммо ҳақиқий таъсирни меҳнатнинг ўзи кўрсатади.

Меҳнат ва таълим жараёни бошқа фаолиятлар каби ҳеч қандай мақсадга эга эмас; мақсад инсонларда бўлиши мумкин. “Таълим иши” атамаси бемаънидир. Таълим натижаси ўқувчининг ўзида шаклланиши, меҳнат натижаси эса меҳнаткашдан ташқарида шаклланиши керак. Қизиқ, “таълим ишининг” натижаси қаерда жамланиши мумкин?

Мақсадлар, масалан, ўқитувчида ва талабада, шунингдек, таълим билан алоқада бўлган ҳар бир кишида бўлиши мумкин, лекин фаолиятда эмас, мавзуларда, матнларда эмас, ҳодисаларда эмас.

Жамият гуллаб-яшнашининг зарурий шарти бу инсонларнинг меҳнаткаш халққа,

шунингдек, меҳнатга — эҳтиром ва эътирофга лойиқ фаолият сифатида ҳурмат ва эътиборли муносабатидадир.

Меҳнат экзистенциал қийматга эга эканлигини, ҳар бир инсон меҳнат билан шуғулланиши кераклигини ва ҳар бир ишчи эътироф, эътибор ва ҳурматга лойиқ эканлигини англаш ва ҳисобга олиш муҳимдир.

МУТАХАССИСЛИК, КАСБ ВА МАНСАБ

Минглаб мутахассисликлар, юзлаб касблар мавжуд, аммо лавозимга тайёргарлик ҳамма учун бир хил, яъни бу: қарорларни шакллантириш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш, масъулиятни ўз зиммасига ола билиш заруратидир. Мазкур бирлик ҳар қандай лавозимда ва ҳар қандай ташкилотда - фабрикада, касалхонада, мактабда, армияда ва ҳоказоларда мажбурий бўлган нарсадир.

Мутахассислик — эстончада “ериала”, инглизчада эса “speciality”; касб - эстончада “кутсе”, инглиз тилида эса “profession”; мансаб - эстончада “амет”, инглиз тилида эса “position”.

Биз касбий, лавозим ва мутахассислик тайёргарлиги ҳақида алоҳида гапиришимиз мумкин, аммо уларнинг бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги ҳақиқий аҳамиятга эга (9.2. — *бандга қаранг*).

Эстониядаги касб-ҳунар ўқув юртларида касб, мутахассислик ва лавозим бўйича тайёргарликни

бир-бириդан ажратмагани каби, касб, мутахассислик ва лавозимни ҳам ажратмайдилар. Шунингдек, улар кўпинча ўқиш ва таълимни ҳам бир биридан ажрата олмайдилар. Мутахассисликка хос кўникмаларга куч берилади. Жамиятда шаклланган эҳтиёжлар эмас, балки ўқув дастурлари ҳаракат нуқтаси сифатида қабул қилинади. Касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқувчиларга ўз боши билан фикр юрита оладиган шахс сифатида қарамаслигини қониқарли деб бўлмайди. Уқувчи меҳнатнинг зарурий усуллари мажмуасини эгаллаши ва фақат ўзига юкланган ишни тўғри бажара олиши етарли деб ҳисобланади.

Малакали ишчи (касб-ҳунар мактабини тугатган деб ҳисобланадиган шахс) муқобил имкониятларни солиштириш, афзал ечим топиш, асослаш, тушунтириш, мақсадларни белгилаш ва воситаларни танлаш, фаолият тамойилларини белгилаш, уларга риоя қилиш, ўз ва ўзгалар иши сифатини баҳолаш меҳнатининг натижаларини улар мўлжалланган жараёнлар учун дастлабки материал сифатида мувофиқлигини баҳолаш қобилиятига эга бўлиши керак. Ўз-ўзини доимий равишда такомиллаштириш - малакани, йўналишни, мотивацияни ва касбий фаолияти учун бошқа шартларни изчил ошириб бориш керак (9.3. — *бандга қаранг*).

Агар касб-ҳунар билим юртларида фақат мутахассислик бўйича малака, олий ўқув юртлари ва университетларда эса фақат мутахас-

сислик бўйича билимлар таълимнинг марказига қўйилган бўлса, унда ҳаммани оёққа турғазиш керак! Аслида эса касбнинг ўзи ишга бормайди ва лавозимга кирмайди. Иш ва лавозимга мутахассислик бўйича кўникма ва билимларга қўшимча равишда фаол ва масъулиятли ватандош сифатида ҳаракат қилиш қобилиятига эга бўлиши керак бўлган шахс боради.

Масъулиятли ватандош қуйидагиларга қодир ва ҳоҳлайди:

• қарорларни шакллантиришга кўзлов қилиш ва иштирок этиш;

• ўз фаолиятини ўзгалар фаолияти билан боғлаш;

• ўзи ва ўзгалар учун хавфсиз меҳнат муҳитини яратиш;

• умри давомида ўқиш ва ўрганиш;

• ўзини такомиллаштириш учун ҳар бир имкониятдан фойдаланиш, яъни олдинги мажбуриятларга нисбатан янги, янада масъулиятли ишларни бажаришга тайёргарлик кўриш.

Ишчилар ишга, амалдорлар эса мансабга олинади.

Мутахассислиги ва касби, шунингдек, лавозим бўйича ҳам тайёргарликдан ўтган номзодларга устунлик бериш табиий бўларди. Лавозим компетентлигига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайдиган таълимни қониқарли деб ҳисоблаш мумкин эмас. Ҳар қандай бўғиннинг техник ходими ёки

раҳбари каби малакали ишчи учун ҳам - мулоқот қилиш, мунавварлашиш, тадқиқ этиш, ўз ва ўзгалар фаолиятида ҳам тўғри ва қайта алоқа ўрнатиш, рискларни ўз зиммасига ола билиш учун тайёргарлик зарур (11 — *бандга қаранг*).

Ишчи — бу четдан туриб кузатувчи эмас, балки у ҳурматга лойиқ профессионалдир деган умумдавлат позициясини шакллантириш керак. Биз Финляндиядан ёки бошқа жойдан мутахассисларни олиб келишга ишониб қолмаслигимиз керак. Иммигрантлар интеграцияси масаласини кўтараётганлар ўзлари нима ҳақида гапираётганини тушунмасликлари аён бўлган инсонларнинг ташаббуси бўлиши мумкин.

Ишчи бу четдан туриб кузатувчи бўлиши керак эмас, унинг ҳурматга лойиқ профессионал эканлиги ҳақида умумдавлат позициясини шакллантириш лозим.

Ўқиш учун зарур олд шартлар шу ерда, Эстонияда, ўзимизнинг маданий ва ижтимоий муносабатларимизда, ҳозирги ва келажакдаги эҳтиёжларимизни ҳисобга олган ҳолда шакллантирилиши керак. Қониқарли меҳнат тайёргарлиги учун ўқишни амалиёт билан боғлаш зарур. Меҳнатсеварлик, жонкуярлик, қатъиятлилик, пунктуаллик, изчиллик кабилар, кўп даражада меҳнат ўйини билан эмас, балки жонли ўрнаклар ва ҳақиқий амалий ишлар орқали шаклланади.

Ҳеч қачон меҳнат қилмаган ва ишлай олмайдиганлар меҳнат моҳиятини ва меҳнаткашларни тушуниши қийин.

Бугунги кунда таълимда катта ҳажмда фойдаланилаётган ахборот технологиялари, мобил иловалар ва бошқалар, ҳақиқий иш ёки меҳнат таълими ўрнини боса олмайди, лекин бундай технологиялар меҳнат жараёнини замонавий воситалар сифатида тўлдириши керак. Меҳнат таълими инсонларнинг ижтимоийлашуви, уларнинг жамият билан бирлашиб кетиши (2.1., 2.2. — *бандга қаранг*) ва авлодлар давомийлигини сақлаш омилидир.

10.4. ИШЧИ КУЧИ

Чала раҳбарлик асосидаги меҳнат маъносиз бўлгани каби, раҳбарликни талаб этмайдиган меҳнатга раҳбарлик қилиш ҳам бемаънидир. Ишни завод, идора ёки муассаса бажармайди. Иш шахс томонидан бажарилади. Иш онгли ҳаракат ёки роботлаштирилган, дастурлаштирилган ҳаракатлар тўпламидир. Робот фаолиятнинг мазмуни ёки натижасига аҳамият бермайди. Робот дастурда назарда тутилган нарсани бажаради.

Агар инсон бирор бир ҳаракатни бажаришга мажбурланса, сиз ундан юқори сифатли натижани талаб қила олмайсиз. Бундай ҳолда, инсон буюрилган нарсани қилади, натижанинг қандай бўлиши эса буюрувчининг ташвиши. Агар маълум бир санага қадар эришилиши керак бўлган

натижа олдиндан белгиланган бўлса, ижрочи муайян ҳаракатларнинг мақсадга мувофиқлиги, ўз фаолияти учун ҳам, унинг натижаси учун ҳам жавобгар бўлиши ҳақида ўйлашни бошлайди.

Эркин, ўйланган ва имконли меҳнатгина ёқимли ва илҳомлантирувчи бўлиши мумкин.

Худди шундай алоқа қандайдир борлиқ ва унга эришиш жараёни ўртасида ҳам мавжуд бўлади. Ижрочига маълум бир жараённи (ҳаракатлар тўплами ва кетма-кетлигини) олдиндан белгилаб бериб, натижада, раҳбар кутган ҳолат бўлишини талаб қилиш мумкин эмас. Агар натижа (эришилиши керак бўлган ҳолат) талаб қилинса, у ҳолда ижрочи белгиланган натижага эришиш учун жараённи қандай қилиб энг яхши тарзда ташкил этишни ўзи ўйлашни, яратишни, ўрганишни бошлайди (2.10.1. — *чизмага қаранг*).

10.4.1. — чизма. Ишчи кучи сифатининг факторлари

Меҳнат натижаси олди-сотди объекти бўлиши мумкин. Истеъмолчининг эҳтиёжларини қондириш учун истеъмол структураси ва конъюнктурани билиш керак. Профессионал даражани қувватлаб туриш ва доимий равишда назорат қилиб бориш керак. Корхонадаги барча инсонлар (нафақат раҳбар ва унинг ўринбосарлари) фақат сотув таъминлангандагина нимадир ишлаб чиқариш мантиқий эканлигини унутмасликлари керак.

Ишчи кучининг сифати турли даражада ва турли ролларда бўлган инсонларнинг тизимли фикрлаш қобилиятига эгами ёки йўқми, уларнинг мотивацияси етарлича кучлими, ориентацияси тўғрими, квалификацияси юқорими, эрудицияси кенгми, интуицияси тиниқми, аффилиацияси мустаҳкамми, услуби фарқли ва яроқлими, соғлиги қониқарли ҳолатдами деган саволлар билан аниқланади (9.3. — *бандга қаранг*).

ИНКОР ҚИЛИШ ЎЗ ОРТИДАН ЗЎРИҚИШНИ ЕТАКЛАБ КЕЛАДИ

Одатда иш берувчилар мақсадлар ва воситаларни, чекловлар ва имкониятларни, фаолият тамойилларини ва баҳолаш асосларини тушуниш учун етарли даражада таълим олган ва маълумотга эга бўладилар. Бироқ, инсонлар билан мулоқотга киришиш анча қийинроқ.

Агар ишнинг ижрочиси ҳақиқатан ҳам меҳнатни ташкил этиш масалалари бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаса, ходимга мулоқот эмас мурожаат қилинса; агар у информацияланиш имкониятига эга бўлмаса ва ҳеч ким иш қандай кетаётгани билан қизиқмаса, унда инсонлар меҳнатдан узоқлашиши (3.3. — *бандга қаранг*), бефарқ ва эътиборсиз бўлиб қолиши, материалларга, энергия, инструментларга ва яшаш муҳитига, ўзига ва ўзгаларга эҳтиёткорона муносабатда бўлмаслиги мумкин.

Агар инсон ўз меҳнати натижаларидан фойдаланишда иштирок эта олмаса ва унинг иш ҳақи ўз меҳнати натижасига боғлиқ бўлмаса, иши ўзига қарши чиқиб, ёв кучга айланишини ҳис қилиши мумкин. Бегоналашувдан кўра даҳшатлироқ нарсани тасаввур қилиш қийин (3.3. — *бандга қаранг*).

Эстония маданиятида етишиб чиққан ишчиларни бошқа маданий муҳитда шаклланган кишилар билан алмаштиришга уринишлар дадил ғоялар бўлса-да, умуман олганда танқидга дош беролмайди. Кулгили маош оладиган, манипуляция объекти бўлган ишчилар қанча кўп бўлса, малакали ишчи кучининг кўпайишига умид шунчалик камаяди.

11-БОБ.
РАҲБАРЛИК

11-БОБ. РАҲБАРЛИК

Раҳбарлик моҳиятан қийин иш, лекин тизимни ўз-ўзини тартибга солиш даражасига етказиш, яъни раҳбарлик қилишга эҳтиёж қолмайдиган даражага олиб келиш янада қийинроқ.

Ватандош раҳбарлик қилиш қобилиятига, шу билан бирга раҳбарсиз ҳам ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлиши керак.

11.0. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Баъзида инсон нима ҳақида гап кетаётганини яхши тушунмаганлиги сабабли қийинчиликларга дуч келади. “Раҳбарлик” сўзи, шунингдек, “бошқарув” ёки “хўжалик юритиш” (ва маълум бир йўналиш ва мақсадларга эга бўлган ҳаракатларни билдирувчи бошқа сўзлар) кўп маънога эга, баъзан бир-биридан тубдан фарқ қилади. Тартибга солиш ва раҳбарликнинг ҳар бир даражасида (7.2.1. — *чизмага қаранг*) бу ҳаракатларнинг барчасини иккинчи таркибий қисми билан бирга билиш керак, бунинг натижасида улар маънога эга бўлади. Раҳбарлик ижро этиш билан, бошқарув - бўйсуниш билан, хўжалик

юритиш - хизмат кўрсатиш билан биргаликда маъно касб этади (2.9.1. — *чизмага қаранг*).

Раҳбарлик ва бошқа мақсадга йўналтирилган тизимлар кўзловидаги ватандош ишни инсонлардан, тўғрироғи - ўзидан бошлаши керак. Агар бу *[ўзини-ўзи бошқариш]* қўлидан келса, унда, албатта, бошқа субъектлар билан шундай ўзаро таъсир ва муносабатларга эришиш истаги вужудга келади ва тартибга солиш учун ҳам етарлича фазилатлар мавжуд бўлади. Бундай ҳолда, раҳбарлар яшаш муҳити ва келажак ҳақида қайғуришлари, тўғридан-тўғри раҳбарликдан ва иложи борича бошқаришдан қочишлари лозим. Бунинг учун генералист бўлиш керак (1.7. — *бандга қаранг*).

Жараёнларнинг тўғри йўналишда, мақсадга мувофиқ ва мақбул суръатда бориши муҳимдир. Энг қийини, қайси йўналиш барча маъноларда тўғри ва қайси ҳаракат етарли даражада мақсадга мувофиқлигини аниқлашдир. Самарадорлик қоида тариқасида алоҳида куюнчакликни талаб этади. Аммо қадрият — самарадорлик, интенсивлик ва мақсадга мувофиқлик бирлиги деб ҳисобланиши керак.

Жамиятда кўпинча шундай бўладики, шу ерда ва ҳозир оммавий равишда кўриб чиқилаётган нарса жуда ижобий бўлиб туюлаверади, лекин айнан шу масала узоқ муддатли ва глобал миқёсда яширин хавф туғдириши мумкин (9.5.1. — *чизмага қаранг*).

Жамият гомоген эмас. Баъзиларни ҳайратлантирган нарса бошқалар учун номақбул бўлиши мумкин. Кўп инсонлар ўзгаришлардан хавфсирашади, чунки улар мумкин бўлган номаълум оқибатлардан қўрқишади.

Раҳбарликни тушуниб етиш учун иложи борича раҳбарлик ва ўз-ўзини тартибга солиш боғлиқ бўлган ҳамма нарсани, шунингдек, раҳбарлик ва ўз-ўзини тартибга солишга боғлиқ бўлган ҳамма нарсани аниқлаб олиш керак (0.3.2. — *чизмага қаранг*).

Шунингдек, ўз-ўзини тартибга солиш бирламчи, раҳбарлик эса иккинчи даражали эканлигини тушуниш керак. Ушбу даражага эришиш учун қониқарли касбий тайёргарлик талаб этилади, бу ҳозирда мактаблар томонидан таъминланмаган.

- **Мақсадга йўналтирилган фаолият ва ўқиб ўрганиш орқали ўз-ўзини тартибга солишнинг устувор эканлигини тушунишга етиб келиш керак.**
- **Раҳбарлар учун компетентлик, биринчи навбатда, раҳбарликдан тийилиш учун керак; шунингдек, компетентлик бирор нарсани корретивлаш, бошлаш ёки тўхтатиш, янги нарсаларни синаб кўришда ҳам керак.**

Раҳбарликнинг объекти - жараёнлардир. Жараёнларнинг фақат кичик бир қисми мақсадга

йўналтирилганлик характерига эга ва бошқарилишга мойил. Раҳбарлик субъекти - бу қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки инсонлар жамидир. Нормал ҳолатда раҳбарлик субъекти, барча ҳаракатларининг бевосита ва билвосита натижалари ва оқибатлари — фаолият юритиши, ўзгариши ва ривожланиши, шунингдек, шахс, муҳит ва ташкилотнинг тараққиёти, зарур шарт-шароитларни таъминлаш учун жавобгардир.

Шуни эсда тутиш керакки, фақат ўз-ўзини тартибга солувчи тизимлар ривожланиши мумкин. Бошқарув, хўжалик юритиш ва ўз-ўзини тартибга солиш нормал ишламаса ёки нотўғри йўналишда, узуқ-юлуқ, самарасиз ва хавфли ишлаётган бўлса раҳбарлик қилиш керак. Раҳбарлик зарурати тизим ўз ҳаётийлик кучини йўқотган ва энди мустақил ишлашни давом эттира олмайдиган ҳолатларда ҳам пайдо бўлиши мумкин. Агар ички ва ташқи зўриқишлар хавфли ўлчамларга кўтарилган бўлса ва тизимда таназзул сабабларини аниқлаш имконияти бўлмаса, Қадимги Римда маълум бўлганидек, тартибни мустаҳкамлаш эмас, балки эркинлик чегараларини кенгайтириш керак.

РАҲБАРЛИК, ИЖРО ЭТИШ, ҚАРОРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Бирор нарсага раҳбарлик қилиш ҳуқуқига эга бўлган инсон бир вақтнинг ўзида ижро этишга ҳам мажбурдир. Ҳар бир инсон раҳбарлик

ва ижронинг натижалари ва оқибатлари учун жавобгар бўлиши керак.

Инсон ҳам раҳбарлик, ҳам ижро этиш борасида қониқарли тайёргарликка эга бўлса, ўзини ватандошдек тута олади!

Инсонлар қуйидагиларни англаб етса, жамият ҳаётини идрок этиши ва ўзини ватандошдек тутиши мумкин (*1.6. — бандга ва 2.9.1. — чизмага қаранг*):

• ижро мавжуд бўлмаган жойда раҳбарлик қилишдан маъно йўқлигини;

• олдиндан шакллантирилган қарорларнигина ижро этиш мумкинлигини;

• раҳбарликнинг марказий босқичи қарорларни шакллантиришда эканлигини;

• қарорни шакллантиришда асосий масала қарорнинг ўзи эмас, балки унга эргашиб келадиган барча оқибатлар эканлигини англаш;

• қарорларни шакллантириш, иштирокчи инсонларнинг масъулият ҳисси ва фаоллиги билан (NB! қарорларни шакллантириш ўйини билан эмас) бирга келади;

• қарорни шакллантириш алоқалари контекстидаги барча инсонлар, қарорлар муаллифи ва айни пайтда ижрочиларидир;

• ўз қарорларингизни ҳам, бошқа инсонлар (вазифа ёки топшириқ сифатида қабул қилинган) қарорларини ҳам ижро этишингиз керак;

• инсонлар раҳбарлик қилгани учун эмас,

балки ижрочилиги учун эътирофга эришадилар ва мартаба поғонасида кўтариладилар;

• бинобарин, ўзини самарали татбиқ этиш ва ўз давлати, она юрти, муассасаси, корхонаси, ташкилотининг гуллаб яшнаши ва равнақига ҳисса қўшиш истагида бўлган барча инсонлар раҳбарлик соҳасида ҳам, ижрочилик соҳасида ҳам тайёргарликка муҳтож.

Қарорларни шакллантиришда иштирок этиш орқали масъулият ҳисси ва фаоллик тарбияланади — бунинг бошқа йўли маълум эмас!

Раҳбариятни ҳаракатлар занжири - ҳам бевосита ҳам билвосита натижа ва оқибатлар асосида баҳолаш мумкин. Яшаш муҳити ва яширин жамоат боғлиқликлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Раҳбариятнинг функциялари тизими (объектив боғлиқлик) орқасида унинг моҳиятини кўриш мумкин. Сифат, яъни раҳбариятнинг кўринадиган томони истеъмолчининг талабларига қанчалик жавоб беришида, маданиятда шаклланган стереотиплар ва ўрнатилган стандартларга, идеалларга, шунингдек, келажакнинг мумкин бўлган эҳтиёжларига мос келишида намоён бўлади.

• Функциялар субъектнинг хоҳиш-истакларидан қатъи назар мавжуд бўлиб, у ҳар қандай фаолиятга ҳамроҳ бўлади.

• Принциплар (келишув нуқталари) истиқболга (келажакка қаратилган) йўналтирилгандир.

• Критерийлар (баҳолаш асоси) — ретроспективдир (ўтмишга йўналтирилган).

• Прерогативалар — бу бошқа шахсга топшириш мумкин бўлмаган ҳуқуқлардир.

КИМ РАҲБАРЛИК РОЛИ УЧУН МОС КЕЛАДИ?

Ўқувчи фикр юритиши ва мустаҳкам асосга эга бўлиши учун узун рўйхат келтирамиз.

Маълум бир раҳбар ролига мос келади, агар у:

• бошланғич нуқтани (режалаштирилган фаолият бошланишидан олдин Н-ўлчамли фазодаги жойи ёки ҳолатини) билади;

• нимага эришмоқчи эканлигини, нимага етиб келишини ва нима бўлишини, қандай шароит, вазият ва ҳолат яратмоқчи эканлигини тасаввур қила олади;

• мақсадга мувофиқ йўналиш (курс) ва раҳбарлик объектини (жараён) бошланғич нуқтадан белгиланган манзилга (ҳолатга) йўл сифатида, босқичлар ва ўтишларнинг кетма-кет занжири сифатида тасаввур қилади (0.3.3. ва 0.3.4. — *чизмаларга қаранг*);

• ушбу йўлдаги яшаш муҳитини тасаввур қила олади (3.0.1. — *чизмага қаранг*);

• курсни ушлаб туриш ва мақсадга эришиш учун зарур бўлган воситаларни (воситалар тизимини), шу жумладан, ресурсларни ва улардан фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ажратиб олиш, сақлаш имкониятига эга бўлади;

NB! *Агар керакли ресурслардан бирортаси этишмаётган бўлса, бошқа навбатдаги ресурслардан фойдаланиш учун тегишли шароит йўқ ҳисобланади. Шу сабабли жараён тўхтатилади ёки кескин секинлашади ёки қимматроқ бўлади, чунки етишмаётган (жуда заиф) ресурс қандайдир тарзда компенсация қилиниши керак. Бирмунча вақт ичида ҳамма нарсани палапартиш компенсация қилиш мумкин, лекин ҳамма нарсани ҳар доим ҳам компенсация қила олмайсиз.*

Ўз-ўзини тартибга солиб турган тизимларни устига-устак бошқаришга ҳаракат қилинса, бунинг устига раҳбарият тизимли фикрлаш ва фаолият қобилиятига эга бўлмаса, мазкур тизимлар қурийди ёки ўлади.

• ташкилот маданияти тамойиллари тизимини, мазмуни ва шаклини бунёд қила олади;

• яшаш муҳитига, ижрочиларга, фаолиятга, натижалар ва оқибатларга баҳолаш мезонларини жорий қилишга қодир, билим, эътибор, адолатли иш юритиш ва мувозанатли вертикал муносабатларни таъминлай олади;

• оператив ва тизимли равишда хабардор бўлиш, ўзини дахлдор ҳис қилиш учун ўзаро имко-

ният яратадиган алоқаларни ўрнатишга қодир;

• ўз ва ўзгалар фаолияти ўртасида тўғри алоқани таъминлай олади, яъни ҳар бир босқичнинг “чиқиши” кейинги босқичнинг бошланишига мос келишига ва ҳар бир жараённинг “чиқиши” (натижаси) бошқа (у мос келиши керак бўлган) жараёнлар учун мос келишини таъминлайди;

• ўз ва ўзгалар фаолияти ўртасида қайта алоқани таъминлай олади, бу нимани англатади: - ҳар бир босқич ва, умуман, бутун жараён, шунингдек, уларнинг натижалари ва оқибатлари бўйича маълумотларни тўплаш, бу маълумотларнинг интерпретацияси (ахборотга айлантириш), фаолиятни, шу билан бирга ижрочилар, яшаш муҳити, натижалар ҳамда оқибатларни баҳолай билиш;

- хулосалар чиқариш ва уларга кейинги фаолиятда эътибор қаратиш;

• устуворликларни (асосий омилларни ажратиб кўрсатиш ва ҳаракатлар кетма-кетлигини шакллантиришга) белгилашга қодир;

• ҳамкорлик учун зарур олд шартларни яратишга қодир, жумладан, масъуллик доираси, аниқ масъулиятни ва субординацияни, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, жавобгарлик, ҳисобдорлик, ижод асосларини, тадқиқот асосларини аниқлаштира билиш;

• прерогативаларни (ўзининг мутлақ, бошқага юклаш мумкин бўлмаган ҳуқуқлари, қарорлари ва мажбуриятлари соҳасини) белгилашга қодир;

• ўзгартириб бўлмайдиган, сақланиши, ҳимояланиши ва мустаҳкамланиши керак бўлган барча нарсани сақлаш тизимини яратишга қодир;

• яроқсиз ҳолга келган (маънавий ва жисмоний эскирган) ҳамма нарсани етарлича оператив ўзгартириш тизимини яратишга қодир;

• самарадорлик инфратузилма функцияси эканлигини ва фақат замонавий стандартлар бўйича тўлиқ деб ҳисобланган инфратузилмани қониқарли деб ҳисоблаш мумкинлигини инобатга олиб, энг яхши инфратузилмани таъминлаш;

• Самарадорлик - инфратузилма функциясидир.

• Ҳақиқий эҳтиёжларга жавоб берадиган яхлит инфратузилмани (замонавий стандартлар бўйича) қониқарли деб ҳисоблаш мумкин.

• ташкилот ва институциялар муваффақияти, энг аввало, персоналга (инсонларнинг маданий-ижтимоий алоқаларининг бирлигига, мотивациясига, ориентациясига, квалификациясига, эрудициясига, интуициясига, аффилиациясига (9.3. — *бандга қаранг*), ҳамкорлик қилиш қобилияти ва истагига) боғлиқлигини ҳисобга олишга қодир;

• фақат тизимли фаолият қониқарли бўлиши мумкинлигини билади.

11.1. РАҲБАРЛИКНИНГ СУБЪЕКТИ ВА ОБЪЕКТИ

Ўзини-ўзи етарли даражада англаш ва ўз-ўзини идрок қилишга (мен); гуруҳий англаш ва идрокка (биз); маданий англаш ва идрокка (идентитет); ижтимоий англаш ва идрокка (ватандошлик ҳиссига) эга бўлган индивид ёки шахслар раҳбарликнинг субъекти бўлиши мумкин. Қарор муаллифлари ҳар доим формал ва маънавий жавобгарликни ўз зиммаларига олишлари, шунингдек, мажбуриятларни бажариш учун жавобгарлик билан бирга келадиган расмий ва маънавий ҳуқуқларга эга бўлишлари керак. Бу ерда биз ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳақида ҳам, жавобгарлик ҳақида ҳам алоҳида гапиришимиз мумкин, аммо ҳаётда уларнинг барчаси биргаликда ва бир вақтнинг ўзида ишлайди. Агар ушбу компонентларнинг камида биттаси (бирортаси) топилмаса ёки етарлича кучли бўлмаса, қолган иккитаси ўз маъносини йўқотади.

Раҳбарлик субъекти — бу биргаликда ҳаракатланишини йўлга қўядиган, қарорлар қабул қилиб жавобгарликни ўз зиммасига оладиган, шунингдек, қуйидаги сифатларга эга бўлган индивид ёки индивидлар жамидир:

- **ўз-ўзини адекват англаш ва идрок қила билиш;**
- **гуруҳий англаш ва идрок қила билиш;**
- **маданий англаш ва идрок қила билиш;**

• ижтимоий англаш ва идрок қила билиш;

• замонавий касбий тайёргарликка эга бўлиш;

• қарорларнинг ҳам муаллифи, ҳам ижрочиси сифатида ҳаракат қилиш имконини берадиган йўналишларни топа билиш;

• таълимда улуксиз қолиш истагини (ўқиш ўйинини ўйнамаслик) сақлаб қолиш;

• олий вазифани тушуниш (*2.12. — бандга қаранг*).

Бошқарув субъекти - бу қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган, қарорларнинг ижросини ташкил этувчи ва олинган натижа ва оқибатлар учун жавобгар бўлган шахс ёки шахслар гуруҳидир. Раҳбарлик ҳаракат сифатида ўзида абадий дилеммани яширади. Агар у ёки бу қарорга таъсир кўрсатадиган барча инсонлар уни шакллантиришда иштирок этган бўлса, унда якуний қарорни ким аниқ шакллантирганини айтиш мумкин эмас ва жавобгарликни ҳамма биргаликда ўз зиммасига олиши керак бўлади. Аслида, бу ҳолда ҳеч ким ҳеч нарса учун жавобгар бўлмайди. Агар раҳбар (директор, вазир ва бошқалар) ҳамма учун ёлғиз қарор қабул қилса, у ҳамма нарса учун жавобгар бўлиши керак. Амалда эса бундай бўлиши мумкин эмас. Чегара қаерда ва мувозанат даражаси қандайлигини ҳар сафар хос билиб олиш керак бўлади. Худди шундай дилемма бошқа мақсадга йўналтирилган жараёнларда ҳам учрайди.

КИРИШИМЛИЛИК АСОСИЙ МАСАЛА ҲИСОБЛАНАДИ

Асосий масала жамоатчиликни (ташкилотдаги барча персонални) ўзгаришларга олиб келадиган жараёнларга мазмунли киришиб кетишини таъминлашдир.

Биринчидан, кўпчиликни (барчани) инновациянинг ўзи (11.3. — *бандга қаранг*) ҳақида эмас, балки шаклланган ҳолатлар ва вазият, шунингдек, бу ўзгаришларнинг амалга оширилиши ва ҳатто муқаррарлиги ҳақида қониқарли информация олишига эришиш керак. Бунинг учун ҳар бир киши зарядланаётган қарама-қаршиликларнинг маъносини тушуниши учун туртки бўладиган маълумотлар билан таъминланиши керак. Инсонлар янгиланишлар зарурлигига ишонч ҳосил қилишлари учун прогнозлар, шунингдек, уларга асосланган яқин ва узоқ келажакка йўналтирилган сценарийлар самарали далил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Агар персонал янгиланишлар зарурлигини ва зиддиятларга тоқатли бўлиш оқибатларини тушунмасалар, инновацияларнинг силлиқ ривожланиши хавф остида қолади.

Инсонларни қўрқитиш ёки аксинча, уларни ширин сўзлар билан алдаш керак эмас. Уларга яланғоч рақамларни ёки контекстдан олинган маълумотларни эмас, балки яхлит бир манзарани тақдим этиш керак. Нафақат ҳозирги шароит ва вазият тўғрисида хабардор бўлиш имкония-

тини бериш, балки бундай ҳолатлар нима учун юзага келганлигини ва инновациялар орқали нимага (қайси позицияга) эришиш кераклигини ҳалол тушунтириш керак.

АСОСИЙ ЖАРАЁН ВА ЁНДОШ ФАОЛИЯТ

Биз нимани тавсия қилган бўлар эдик? Бошланишида шароит ва ҳолатни статика ва динамикада моделлаштириб олиш керак. Бундан кейин бугунни - ҳам ўтмиш, ҳам келажак билан солиштириш, шунингдек, инновацияга сабаб бўлган қарама-қаршиликни муаммо сифатида шакллантириш мумкин. Шундан сўнг, бу ва у ердаги мавжуд ҳолатни тушунтириш, ҳолатни ўзгартириш йўналишларини ва ўзгаришларнинг интенсивлигини кўрсатиш мумкин бўлади. Шундай бир тўхтамга келиш керакки, бизда ўз кучимизга бўлган ишонч шакллансин ва сақланиб қолсин, шунингдек, муаммоларимиз сабабларини ўзимиз ҳал қилишимиз зарур деган кўникма шаклланиши керак. Қониқарли деб ҳисобланадиган тизимлиликнинг муаммолари сабабларини ва бошқа боғлиқликларини қониқарли изчиллик билан тезда аниқлаш учун анализ қилиш керак. Бу анализ фақат тегишли тайёргарликдан ўтган инсонлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Муаммоларнинг бевосита ва билвосита, оммавий ва яширин, маҳаллий ва глобал сабабларини аниқлаш, улардан тизим яратиш ва очиқлаш,

имконли бўлса, кейинчалик умумлаштириш, баҳолаш ва адекват хулосалар чиқариш мумкин бўлади.

Асосий жараён билан шуғулланаётганда қуйидагилар ҳақида ҳам ўйлаб олиш керак:

• ҳар қандай ҳолатда эҳтиёткорона муносабат ва муҳофазани талаб қиладиган нарсага қандай қилиб жуда нозик шаклда эътибор беришни;

• қандай қилиб муқобил ечимларни шакллантиришни (ўзининг плюс ва минуслари билан);

• муқобил ечим, янги ва қарши далил излаётганларни қандай қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилиш ва илҳомлантириш мумкинлигини;

• келгуси инновацияларнинг барча босқичларига персонални тайёрлашга қандай ёрдам бериш мумкинлигини;

• персонални ва зарурат туғилганда кенг жамоатчиликни инновацион жараённинг бориши тўғрисида қандай хабардор қилиб туриш мумкинлигини;

• инновациялар туфайли қийин аҳволга тушиб қолганларни қандай қўллаб-қувватлаш ва руҳлантириш мумкинлигини;

• инновация жараёнларида, айниқса, тиришқоқ ва иштиёқ билан ҳаракат қилаётган кишиларни қандай эътироф қилиш кераклигини;

• жараённи яхлит акс эттирувчи кенг қамровли хулосани қандай шакллантириш, келажакка йўналтирилган баҳо бериш ва хулосалар чиқаришни.

Шундай қилиб масала, ечим учун энг яхши йўл қандай кўринишда бўлиши кераклигида эмас, балки қарорга дахлдор бўлган инсонларнинг ушбу қарорлар туб моҳиятини ишлаб чиқишда иштирок этиш учун етарли даражада компетентликка эга бўлишини таъминлашга қандай эришиш мумкинлигидадир.

Агар раҳбарият мутахассислик бўйича унча-мунча қониқарли тайёргарликка эга бўлса-ю, лекин профессионал ва лавозимий тайёргарликка эга бўлмаса, унда қарорлар сифати заиф бўлади, профессионаллар кераксиздай туюлади ва масъулият ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Бошқа масалалар билан бир қаторда, қарорга дахлдор бўлган инсонларнинг ушбу қарорлар туб моҳиятини ишлаб чиқишда иштирок этиш учун етарли даражада компетентликка эга бўлишини таъминлаш муҳимдир.

ЖАМОА БЎЛИБ КАТТАРОҚ ЮТУҚЛАРГА ЭРИШИШ МУМКИН

Ўз ва ижтимоий бошқарув субъекти - кўзловга, мустақил қарор беришга, ижро этишга, алоқаларни ўрнатишга, анализ ва корректировкага тайёр, барча кўникмаларни ҳаётда ҳақиқатан ҳам амалга оширишга қодир, фактик ва юзага келиши мумкин бўлган оқибатлар учун жавобгар бўлади деб тахмин қилинади. Тайёр бўлишнинг ўзи етарли эмас, лекин тайёргар-

ликсиз фаолият ҳам ҳеч қандай яхшиликка олиб келмайди.

Албатта, баъзида муваффақиятга ёлғиз эришиш мумкин, лекин каттароқ муваффақияларга ўзаро ишонч ва ҳамкорлик (12 — *бандга қаранг*), ғамхўрлик ва ҳурмат руҳи мавжуд бўлган жамоалар эришади. Инсонларни синергия илҳомлантиради. Айниқса, ҳамма учун эркинликни таъминлайдиган, яратувчанлик ва маънавий қадриятларни асраб-авайлаш имкониятини берувчи тартиб ҳукмрон бўлган жамоалар самарали ва таҳсинга лойиқдир. Қадрият - бу эркинлик, тартиб ва ҳимояланганлик бирлигидир. Мазкур таркибий қисмлардан бири бўлмаса, қолганлари ўз маъносини йўқотади!

Маълум бир натижаларга эришмоқчи бўлган раҳбарлик субъекти, жараён ёки жараёнлар тизимига эга бўлиши керак. Раҳбарликни амалга оширишда муваффақиятга эришиш учун нима ҳисса қўшишини ва нима тўсқинлик қилишини билиш керак, шунингдек, раҳбарликка нима эргашиб келиши мумкинлиги ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлиш керак.

Бу ерда раҳбарлик ва ижрони тушуниш мақсадида муҳокама қилинадиган нарсаларнинг аксарияти универсалдир. Ҳар бир инсон мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар контекстида қандай йўл тутиш қанчалик оқилона бўлишини ўзи ўйлаши мумкин (2.10. — *бандга қаранг*). Нима бўлганда ҳам кўзлов қилиш, қарор бериш,

тадқиқ этиш, алоқаларни топиш, натижалар ва оқибатларни баҳолаш ва (агар керак бўлса) амалга оширилаётган фаолиятни корректировкалаш, шу жумладан, ўз фаолиятингизни тўғри ва қайта алоқа билан таъминлай олишингиз керак. Шуни эсда тутиш лозимки, шаклланган қарорлар, шунингдек, беқарорлик ва масъулиятга – ишонч, эътиқод, ҳурмат, умид, севги, мувозанат кабилар ҳам эргашиб келади (қадрсизланиши ҳам вужудга келиши мумкин).

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА УЗВИЙЛИК

Ҳақиқий раҳбарлик ҳам қийин ва муҳим, аммо раҳбарликка эҳтиёж қолмайдиган ва жараёнлар ўз-ўзини тартибга солувчи даражага эришиш ундан ҳам қийинроқ ва муҳимроқдир. Ушбу даражага эришиш учун раҳбарлик, шунингдек, раҳбарлик жараёни иштирокчиларининг мулоқоти ва муносабатлари яхши ҳолатда бўлиши керак.

Раҳбарлик ва ўзини-ўзи бошқариш олд шартлари қуйидагилардир:

• муаммолар ва уларни юзага келтирган сабабларни ҳар томонлама тушуниш;

• тартибга солишнинг турли даражаларидаги ва турли контекстдаги муаммоларнинг аҳамиятини англаш;

• башоратларга эга бўлиш;

• курс ва мақсадларни белгилаш;

• манбаларни (ресурслар ва улардан фойдаланиш учун зарур бўлган шароитларни) топиш;
• фаолият тамойилларини белгилаш;
• аниқ ва тўғри алоқани яратиш;
• ўзаро боғлиқликка эришиш;
• баҳолаш меъзонлари тизимини яратиш;
• қайта алоқа ўрнатиш;
• оммавий ҳисобдорлик;
• ҳамкорлик руҳини ва ижодкорлик лаёқатини (шу жумладан, синергия учун зарур олд шартларни) сақлаб қолиш.

РАҲБАР ВА РАҲБАР ХОДИМ

Раҳбар — бу раҳбар сифатида тан олинадиган инсон, раҳбар ходим эса (мансабдор шахс) тайинланади, сайланади, эълон қилинади. Раҳбар - норасмий мақом, раҳбар ходим эса - формал. Ижобий ҳолатда раҳбар ходим раҳбар деб ҳисобланади.

Ҳар бир раҳбар ходимнинг, раҳбар ва ижрочи каби кўп роллари бор (1.5. — *бандга қаранг*). Инсон ҳаётда қанчалик кўп ролларга эга бўла олса, бу ролларни осонлик билан ўзгартирса ва моҳиятини тушунса, шерикларининг ролларини қанчалик яхши ҳисобга ола билса шунча кўп эҳтимол билан ҳаётнинг олдида бўлади.

Раҳбарнинг репутацияси ва муваффақияти нафақат у бажарадиган ролларга, балки у ўз ролларини қандай эплай олаётганига боғлиқ. Баҳолаш, шунингдек, ҳамкасблар, дўстлар,

танишлар ва оила аъзоларининг кутишлари ва умидлари, баҳолари ва эътиқодларига, раҳбарнинг турли роллар контекстида бошқаларнинг қайғу ва қувончини қандай тушунишига боғлиқ.

Раҳбарлик лавозимини эгаллаган инсон, ихтиёрий-мажбурий равишда, кучайтирилган эътибор марказида бўлади. Раҳбар, ғоялар генератори, касб эгаси, таҳлилчи, ечимлар муаллифи, илҳомлантирувчи, бошқаларга ўрнак, курашчи, ўз халқи ҳимоячиси ва устоз-мураббий экани билан жамоатчилик кузатувида бўлади (11.1.2.—11.1.8. — *чизмаларга қаранг*).

• Раҳбар - норасмий мақом, раҳбар ходим эса - расмий.

• Ижобий ҳолатда раҳбар ходимни раҳбар деб ҳисоблашади.

Турли роллар контекстидаги хатти-ҳаракатлар, ўз навбатида, инсоннинг раҳбар бўлишни ҳоҳлашини (ва бўла олишини) ёки у фақат раҳбар ходим эканлигини белгилайди. Лавозим, ҳокимият, пул ва ҳоказолардан қатъи назар – инсон, ҳам ота-онасининг фарзанди, ҳам кўп ҳолларда ўз оиласида турмуш ўртоқ ва ота-онадир. Деярли ҳамма дўст ва ҳамкасб ролида ҳаракат қилади. Дўст ва мансабдор шахс ролларини қориштириб ташламаслик керак. Мансаб муносабатларида манфаатлар тўқнашуви вужудга келиб "дўстни қандай қилиб ишдан бўшатиш" ҳақидаги ўйлар пайдо бўлмаслиги учун бироз масофа сақлаш оқилона ишдир.

Ватандошнинг мақоми ва унга ҳамроҳ бўлган роллар эътиборга лойиқдир.

Авторитет — контекстда шаклланган роллар ва статуслар симбиозидан ташкил топади. Авторитет ойнага ўхшайди. Уни яратиш ва сайқаллаш учун кўп вақт ва куч, изчиллик, ҳалоллик, машаққатли меҳнат талаб этилади. Чилпарчин бўлган ойнани қайта тиклаш мумкин бўлмаганидек, йўқотилган авторитетни қайта тиклаш ҳам мумкин эмас.

Репутация кўп омиллар таъсирида шаклланади. Ҳам шахсий, ҳам ролли омиллар, инсонийлик, хушмуомалалик, хулқ-атвор, кийиниш, профессионал фаолиятнинг мақсадга мувофиқлиги, фаровонлик ва бошқалар ўзига хос аҳамиятга эга. Тинглай олиш ва гапириш қобилияти, берилган сўзга содиқлик, изчиллик ва адолатлилик айниқса муҳимдир.

Юқори доирадаги раҳбарлар ва раҳбар ходимлар мулоҳазакорлигининг кўрсаткичи, асосан, ходимларнинг энг яқин доирасини танлаш тамойили билан белгиланади. Ақлли раҳбарлар бирор масалада ўзидан яхшироқ бўлганлари билан ҳамкорлик қилади. Оқил раҳбарлар семинарлар ташкил этишдан хурсанд бўлишади ва турли хил ўқув жараёнларида фаол иштирок этадилар. Ақлли раҳбарлар шахсий фикр ва билимни чалкаштирмайди. Улар ўз таъкидларини аргументлар билан тақдим этадилар ва бошқалар ҳам худди шундай йўл тутади деб тахмин қиладилар.

Биз бу ерда раҳбарнинг ўқитувчи сифатидаги ролини очиб беришга бағишланган бир қатор чизмаларни тақдим этамиз (11.1.1. - 11.1.8. — *чизмаларга қаранг*). Уларнинг кўп қисмида раҳбарнинг ўқитувчи сифатидаги компетентлигига эътибор қаратилади. Биз раҳбарлар деганда нафақат директорларни, балки ҳаётнинг барча соҳасидаги раҳбарларни (қарор муаллифларини) тушунамиз. Тақдим этилган чизмалар мазмуни мактабда, болалар боғчасида ёки бошқа жойларда ишлайдиган барча ўқитувчиларга ҳам тегишли.



11.1.1. — чизма. Раҳбарни муаллим сифатида кўриб чиқиш учун нуқтаи назарлар

11.1.2. — чизма. Раҳбарнинг муаллим сифатидаги компетентлиги (I).



11.1.3. — чизма. Раҳбарнинг муаллим сифатидаги компетентлиги (II).

11.1.4. — чизма. Муаллимнинг раҳбар сифатидаги интилишлари

11.1.5. — чизма. Раҳбарнинг муаллим сифатидаги тайёргарлиги.

11.1.6. — чизма. Раҳбарнинг муаллим сифатидаги интилишлари.

11.1.7. — чизма. Раҳбар муаллим сифатида қуйидагилардан узоқ бўлиши керак:

РАҲБАР ХУДДИ УСТОЗДЕК ЎТКИР КЎЗЛАР БИЛАН КЎРАДИ

РАҲБАР УСТОЗ КАБИ КЎРАДИ

СТАТИКАНИ: ПРЕДМЕТЛАР, ҲОДИСАЛАР, МУҲИТНИ
ТАФСИЛОТЛАРНИ
Х ИЖРОЧИЛАРНИ
МОҲИЯТЛАРНИ
ОҚИБАТЛАРНИ
ФУНКЦИЯЛАНИШНИ
ХАВФЛАРНИ! ОШКОР ВА ЯШИРИН, ЛОКАЛ ВА ГЛОБАЛ, БИРЛАМЧИ ВА ИККИЛАМЧИ
МИҚДОР, СИФАТ ВА МУДДАТ БИРЛИГИНИ
ОДАМЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎХШАШЛИКНИ
ДИНАМИКАНИ, ЖАРАЁНЛАРНИ
У ЯХЛИТЛИКНИ
ОБЪЕКТИВ ВА СУБЪЕКТИВ
ОЙДИНЛАРНИ
ТАШҚИ АНГЛАМНИ КЎРИНИШИНИ (ТАҚЛИДИЙ КЎРИНИШ)
НАТИЖАЛАРНИ
ОЁҚҚА ТУРИШ ЖАРАЁНИНИ
ИМКОНИЯТЛАРНИ
МАҚСАДГА МУВОФИҚЛИКНИ
ОЛД ШАРТЛАРНИ
ОДАМЛАР ЎРТАСИДАГИ ФАРҚЛАРНИ

11.1.8. — чизма. Раҳбарнинг муаллим сифатидаги дунёқараши

КИМНИ РАҲБАР ҲИСОБЛАШАДИ?

Ўз ишининг фидойиси бўлган ва ҳақиқий лидер бўлишни истайдиган ва лидер бўлган (лидерлик ўйинини ўйнамайдиган), ўзини-ўзи татбиқ этиш намунаси бўлиб хизмат қиладиган шахс раҳбар ҳисобланади. У ишончга сазовор, содиқ, ҳалол ва адолатли, ғамхўр, эътиборли ва профессионал - қайсидир соҳада мутахассис ва албатта генералист. Профан ва дилетантларни раҳбар сифатида қабул қилишмайди (1.7. — *бандга қаранг*).

• Мутахассис юқори малакали ишчи (ижрочи) ҳисобланади.

• Йирик ташкилотларнинг бошида (ҳар қандай йирик тизим каби) ижодий руҳиятга эга бўлган ва тан олинган амалиётчилар,

яъни генералистлар муваффақиятга эришадилар, улар ташкилот ходимлари томонидан “ўзимиздан бири” деб қабул қилинади, аммо деярли ҳамма нарсада бошқалардан устун ҳисобланади.

Қуйидаги сифатларга эга бўлган инсонлар раҳбар саналади:

• қандай яшаш ва қай йўсинда кўриниш ҳақида буйруқ ва кўрсатма бермайди ёки амр қилмайди, танқид ёғдирмайди ва ўзидан кетмайди, нолимайди, балки имкониятлар, хавф-хатарлар, сабаблар ва оқибатларни илғашга, вазифа ва мажбуриятларни, мақсад ва воситаларни, тамойил ва критерийлар тизимини аниқлаштириб олишда бошқаларга ёрдам беради;

• ўзига ва касбдошларига, умумий фаолият кучига, келажакка ишонади;

• табиийлик, ҳалоллик, фидойилик ва меҳнатсеварликни қадрлайди;

• у ёки бу ҳамкасби билан содир бўлган воқеани бегоналарга айтмайди ва уларнинг заиф томонларини омма олдида муҳокама қилмайди, балки ўз ҳамкасбларини ҳимоя қилади ва мақтайди, уларни тадқиқотларга, ижодга, оптимал ечимлар топишга руҳлантиради;

• бошқалар билан бир хил, лекин шу билан бирга пунктуал, ўзига ишонган, меҳнатсевар, жасурроқдир;

• ҳамкасбларининг ютуқларини ўзлаштирмайди, бошқаларнинг муваффақияти эвазига шахсий манфаат олишга интилмайди;

• муваффақият фақат меники, бошқалар эса ҳар томонлама ёрдам беряпти деб ўйламайди ва гапирмайди;

• мунозараларда тингловчи ролини афзал кўради;

• айтиш учун яроқли сўзи бўлсагина гапиради;

• қарашлар, ғоялар, таклифлар, хулосалар ва ҳоказоларни танқид қилади (агар танқид қилса), лекин уларни ифодалаганларни эмас;

• ўз ҳамкасбларини қобилиятли, меҳнаткаш, ривожланувчи, муваффақиятга эришувчи, хатолардан қочувчи, бир-бирини тўлдирадиган, ўзаро бойитадиган ва бир жамоа бўлиб ҳаракат қилиш қобилиятига эга деб ҳисоблайди;

• ўз-ўзини енгишга, ирода кўрсатишга, доимий ўрганишга, изланишга, яратишга илҳомлантиради.

Раҳбар ўз ҳамкасбларидаги мустақиллик, ўзига танқидий муносабат, ишона олиш, ижодкорлик, дўстлик ва ўзаро талабчанлик каби хусусиятларни қадрлайди. Раҳбар ходимлар аксинча, одатда инсонларда итоаткорликни, бўйсунишни, қулсифатликни, раҳбарлар фикрига розиликни, буйруқларни бажаришда аниқликни (пунктуалликни) қадрлашади.

Раҳбар ҳамкасблари учун биринчи навбатда шахсий намуна кўрсатиши билан муаллим ва тарбиячидир. Муваффақиятнинг асосий шартлари - бу муносабатларнинг самимийлиги ва табиийлиги, бир-бирига ишона олиш ва ишонч ҳамда ҳурматдир.

Раҳбар ва раҳбар ишчи турлича йўллар билан шаклланади: раҳбар — маданият контекстида (норасмий муносабатларда), раҳбар ишчи эса жамият контекстида (расмий муносабатлар) шаклланади. Бу иккала рол бир шахсда жамланганда айниқса қимматлидир.

Бир неча ўн йиллар давомида биз жуда кўп кузатувларни тўпладик, улар энди ҳақиқий лидернинг хусусиятларини қуйидаги формулалар билан ҳам тўлдиришга имкон беради:

• инсон маънавияти олий қадрият деб билади, шу билан бирга инсонга, маданиятга ва табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиб ўрнак кўрсатади;

• ўйлаганини айтади ва айтганини қилади;

• гапиришдан олдин ўйлайди, билмаганини гапирмайди;

• у назария, методология, методика ва амалиётни бир бутунликка боғлашни хоҳлайди ва буни қила олади;

• у маданий ва ижтимоий алоқаларни кўради, танийди ва инобатга ола билади;

• у оммавий ҳокимиятдан фақат жамоат манфаатларини кўзлаб, қонун асосида фойдаланади;

• халққа хизмат қилишни ҳоҳлайди, аксинча эмас;

• у инсонлар ва ташкилотларга юксак мустақилликка эришиш имкониятини берадиган нарсагина чинакам қадрият эканлигини тушунади;

• ўз фаолиятининг Конституцияга, шунингдек, яхши урф-одат ва маросимларга мос келишини кузатиб боради;

• у тайинлаш, сайлаш, лавозимга таклиф қилиш фақат қарорларни шакллантиришда иштирок этиш ҳуқуқининг расмий томони эканлигини, қарорларни қабул қилишда чинакам иштирок этиш учун эса маънавий ҳуқуқ ҳам керак бўлишини тушунади.

• Тайинлаш, сайлаш, лавозимга таклиф қилиш фақат расмий ҳаракат қилиш ҳуқуқи билан бирга келади.

• Расмий ҳуқуқдан фойдаланиш учун маънавий ҳуқуқ ҳам керак!

Қуйида раҳбарнинг (ва раҳбар ишчининг) даражасига таъсир қилувчи баъзи деталлар келтирилган. У қуйидагиларни тушунадими ёки йўқ:

• ҳар доим ва ҳар қандай ҳолатда ҳам, қарор қабул қилган шахс жавобгарликни ўз зиммасига олади;

• бошқалар қарор қабул қила олмасагина (ҳуқуқи бўлмаса) ўзингиз қарор қабул қилишингиз мақсадга мувофиқдир;

• вазифани, ҳамкасблар ўрнига бир дақиқада ўзи бажаргандан кўра, бир соат вақт ажратиб ҳамкасбларига вазифани ўзлари мустақил бажаришларига ёрдам бериш яхшидир;

• билим, фикр ва иномна қимматли бойликдир, лекин бу тушунчаларни ўзгаларга чалкаштириб тақдим этмаслик керак;

• компетентлик тайёргарликнинг қуйидаги компонентларини бирлаштирган амалий фао-

лиятда шаклланади: мутахассислик, касб ва лавозим бўйича тайёргарлик;

• тўғри ва истиқболли қарорлар камдан-кам ҳолатда оммабоп бўлади;

• тизимсиз талқин ва қарорлар заиф ёки бутунлай нотўғридир;

• фақат ходимлар ёки халқнинг хайрихоҳлигини қозониш учун ўйлаб топилган нутқ ва қарорлар бумеранг эффектига эга бўлиб, муаллифнинг ўзига жазо сифатида қайтади;

• демократия - маданият ва таълимнинг функцияси (объектив ўзаро боғлиқлик) ҳисобланади, лекин у бесўнақай *[ноқулай]* ва қимматдир;

• "Худо ақлни мансабга қўшиб беради", деган гап алдамчидир.

Яхши раҳбар, малакаси бўлмаган ишларда ўзини профессионал қилиб кўрсатиш уятли эканини тушунади. Беманилик ва такаббурлик – раҳбар бўлишни истаган инсонга кўзлов бўла олмаслигини англайди ва заиф қарорларнинг жуда яхши бажарилиши вазиятни янада оғирлаштиришини билади.

Агар ўзингизда салоҳият ва куч етарли бўлмаса, қарор қилишни кечиктириш, муваффақиятсиз бўлган қарорларни яшириш ёки уларни чексиз тузатишларга дучор қилиш ўрнига, маслаҳатчи ёки мутахассисларни таклиф қилиш арзон тушади.

Қанчалик кўп инсонлар муҳокамага жалб қилинса ва улар қанчалик кўп ўзларининг эши-

тилаётганини ва ҳисоблашилаётганини кўрса, шунча яхши бўлади. Бинобарин раҳбар халқ таълими билан кенг маънода шуғулланиши керак.

АСОСЛАНТИРИЛГАН ВА АСОСЛАНТИРИЛМАГАН АВТОРИТЕТЛАР СТРУКТУРАСИ

Асослантирилган авторитет мақомига ўз қобилияти, ақл-заковати, меҳнатсеварлиги, изчиллиги ва юқорида тилга олинган кўплаб фазилатлари туфайли эришган шахс эга бўлади.

Шу жойда бироз тўхтаб, 30—40 йил олдин, Эстонияда раҳбариятнинг авторитетини ошириш учун тизим яратишга ҳаракат қилинган ўтмишни кўриб чиқамиз. Ушбу тизимга кўра номзод камида тўрт йиллик (муваффақиятли) бошқарувчилик тажрибасига эга бўлса ва камида олти ойлик касбий тайёргарликдан ўтиб шахсий ва намунавий хулқ-атвор олд шартларига эга бўлса раҳбарлик лавозимига тайинланиши мумкин эди. Бунга қўшимча равишда, директорлар ва уларнинг ўринбосарлари (барча юқори бўғиндагилар), шунингдек, ўрта бўғинлар ҳар тўрт йилда бир марта малака ошириш курсларидан ўтишлари шарт эди. Мазкур курслар юқори раҳбарлар учун икки ой, ўрта бўғин раҳбарлари учун бир ярим ой давом этарди. Курслар охирида, имтиҳон топшириш ва комиссия олдида мустақил ишини ҳимоя қилиш керак эди.

• Агар инсон маълум бир мақомга ўз қобилияти, ақл-заковати, меҳнатсеварлиги, изчиллиги туфайли эришган бўлса, унинг авторитети асослантирилган ҳисобланади.

• Агар инсоннинг ҳақиқий билими, кўникма ва малакалари, шунингдек, шахсий хусусиятлари инобатга олинмасдан - фирибгарлик, нуфузли танишлар ёки яширин келишувлар йўли билан мансабга қўйилган тақдирда авторитет асослантирилмаган ҳисобланади.

• Авторитетларнинг асослантирилмаган тузилмаси ошкораликнинг бузилишига олиб келади ва ноаниқликни келтириб чиқаради, бу - ҳам ижтимоий, ҳам маданий алоқаларга салбий таъсир қилади.

Бу даврда бошқа масалалар қаторида, малака ошириш тизими яратилиш ва такомиллаштириш босқичида эди. 1980 йилларнинг биринчи ярмида, деярли барча соҳаларида малака ошириш институтлари ташкил этилди. 1979—1988 йилларда Эстония ССР халқ хўжалиги раҳбарлари ва мутахассислари малакасини ошириш институти фаолият кўрсатган. 1989—1992 йилларда худди шу муассаса Эстония раҳбар ходимлар малакасини ошириш институти номи билан фаолият юритган. Тиббиёт, маориф, қишлоқ хўжалиги ишчиларининг ўз таълим марказлари бўлган. 1992 йилдан лавозим компетентлиги талаби бекор қилинди.

Таллин Малака ошириш институти ва Таллин Педагогика университети (халқ орасида Ласнамя академияси деб аталарди) мактаб директорлари малакасини ошириш бўлимидан ўтган инсонлар Эстонияда шундай коммуникацион маконини яратишга ёрдам бердиларки, натижада, иқтисодий суверенитет дастурининг қоидалари жамоатчиликка тушунарли тилда ишлаб чиқилди. Мазкур институтдан ҳар йили иқтисодий соҳа ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган 600 нафарга яқин киши малака оширишдан ўтарди. Ўшанда умумий кўтаринкилик туфайли истиқлол ғоялари алангаланди.

Шубҳасиз, 80-йиллардаги воқеаларга юқорида тилга олинган институтда икки-уч марта икки ёки бир ярим ойлик малака ошириш курсларидан ўтган инсонларнинг таъсири катта бўлган. Партиявий мулозимлар бундай малака ошириш курсларида қатнашмаган, хўжалик раҳбарлари ва партия мулозимлари интеллектуал савияси ўртасидаги тафовут шу даражада ошиб кетганки, ҳаттоки партия мулозимлари масхара объектига айланиб қолдилар.

Ўша пайтда Эстония иқтисодиёти профессионал даражадан узоқ эди, аммо ўқитувчилар вазиятни тўғрилаш учун қўлларидан келганини қилдилар. Турли корхона ва ташкилотларнинг раҳбар кадрларини танлашда ҳам компетенция тамойилини амалга оширишга ҳаракат қилинди.

Бугунги Эстонияда авторитетларнинг асослантирилган тузилмасини шакллантириш ва

қўллаб-қувватлаш тизими мавжуд эмас, демак, ватандошлар бунга жиддий эътибор қаратишлари лозим.

Одатда, асослантирилмаган тарзда бирор-бир лавозимга кирган инсон тушунмаётганлигини тушунмайдиган даражада аҳмоқ эмас. У мавжуд вазиятнинг шармандали эканлигини жуда яхши билади ва шунинг учун бу камчилик сезилмаслиги ва барчаси аксинча кўриниши учун ҳамма нарсани қилишга киришади. У ўз ҳаракатлари, уларнинг сабаблари ва албатта, муваффақиятсизлигини, ҳақиқий “мен”лигини, тайёргарлик даражасини ва ҳоказоларни яширишни бошлайди.

Агар ҳамма нарсани яширин сақлаш имконини топа олса, у профессионаллардан халос бўлишни ва уларнинг ўрнига ўзига ўхшаган ёки ўзидан-да аҳмоқ инсонларни олиб келади. Бундай услуб одатда жуда тез тарқалади, кенгаяди ва чуқурлашади. Таълим кераксиз бўлиб қолади, ўқитувчилар ортиқча ҳисобланади, илмий изланишлар пулни беҳуда сарфлашдек туюла бошлайди.

КОМПЕТЕНТЛИК ТАМОЙИЛИ

Ватандошнинг иши - ҳаётнинг барча соҳасида, ҳар бир даражада ва ҳар бир минтақада компетентлик тамойилига риоя этилишини назорат қилишдир. Ҳар қандай лавозимга фақат ушбу лавозимда қониқарли ишлаш учун зарур бўлган тайёргарлиги, шунингдек, шахсий, жисмоний

ва маънавий фазилатларга эга бўлган шахслар ариза беришлари ва сайланиши ёки тайинланишини ҳақида қайғуриш керак (9.3. - *бандга ва* 6.0.5. — *чизмага қаранг*).

Номзод ўз тайёрлигини исботлаши, қарор бериш учун масъул шахслар эса зарур мезонлар тизимини ишлаб чиқишлари, уни оммага эълон қилишлари ва қарорларни шакллантириш жараёнига етарли миқдордаги профессионалларни жалб қилишлари керак. Компетенция принципига риоя қилган ҳолда, ҳеч ким тасодифий бирон бир лавозимга тайинланмаслиги керак. Фақат шу тарзда асослантирилмаган авторитетлар тузилмаси тарқалишининг олдини олиш мумкин.

ҲАМКОРЛИК ВА ИНФОРМАЦИЯЛАНГАНЛИК АҲМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

Структуравий бўғин сифатида раҳбарият шунчаки инсонлар йиғиндиси эмас, балки аъзолари бир-бирини юксалтирадиган ва жипслаштирадиган сифатли қийматга эга бўлган гуруҳдир. Раҳбарият стратегия ва тактикани яратади ва ишлаш натижалари (ва оқибатлари) учун тўлиқ жавобгар бўладиган тизимни ташкил қилади. Раҳбариятнинг ўзини интеграциялаш ва такомиллаштириш учун доимий ҳаракатлар қилиш керак. Раҳбарларнинг раҳбарлик субъекти сифатида шаклланиш мантиғини 11.1.9. — *чизмада* кўриш мумкин.

Умид қиламизки, компетенция тамойилининг ғалабаси билан, ўрганиш ва хусусий таълим олиш бутун аҳоли турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланади.

Раҳбарлик соҳасидаги такомиллаштириш фақат юқоридан пастгача қониқарли тарзда давом этиши мумкин, аммо жараённинг тескари йўналиши — яъни пастдан юқорига ҳаракатланиши - имкон қадар оператив амалга оширилган тақдирдагина ўз мантиғига эга бўлади. Масалан, раҳбариятнинг қарорига кўра инновация жорий этилади (бу юқоридан пастгача сизади, *1-расм*), лекин инновация татбиқи билан раҳбарият эмас, персонал шуғулланади (*2-расм*), демак, режалаштирилаётган инновациянинг барча тафсилотлари, унинг сабаблари, зарурий шартлари, хавфлари ва натижаларининг оқибатлари тўғрисида персонални имкон қадар тезроқ хабардор қилиш керак. Шу билан бирга, ташкилотнинг сифат жиҳатидан яхшиланиши муносабати билан иш ҳақи ошиши кутилаётгани ҳақида хабардор қилиниши керак.

Мувофиқликка эришиш учун горизонтал (*3-расм*) ва вертикал (*4-расм*) йўналишларда ҳаракатларни кучайтириш керак. Бошқача қилиб айтганда, персонал тартибга солишнинг барча даражаларида ва фаолиятнинг барча йўналишларида (техника, технология, жиҳозлар, таъминот, бухгалтерия ҳисоби ва бошқаларда) тенг

равишда хабардор қилиниши керак. Раҳбарият-нинг етарли даражада интеграциялашувига эри-шиш керак (5-*расм*), агар якдиллик бўлмаса, ҳеч бўлмаганда консенсус ҳукмрон бўлсин 6-расм ва ҳар хил хуружлар ва бошқа хавфлардан ҳимояла-ниш, шунингдек, ташкилот боғланган ва таш-килотга боғлиқ бўлганларнинг барчаси ўртасида алоқа (ўзаро хабардорлик) бўлиши керак. Шундан сўнг, бирдам фаолият учун етарли даражада куч борлигига ишонч комил бўлиши мумкин.



11.1.9. — чизма. Инновацияларга уқувлилик стратегиясини шакллантириш

Инновацияларни ривожлантиришнинг зару-рий шарти - бу раҳбарлик ва ижро, шунингдек, бошқарув ва бўйсунишнинг мувозанатидир. Агар ташкилот раҳбарияти ёки мулкдорлари (давлат корхоналари бўлса, мулкдор вакиллари) қарши-

лик кўрсатса ёки бу процедура нима учун зарурлигини тушунмаса, ташкилотни ўзгартириш имконсиздир.

Раҳбарият метатизимни ташкил этувчи барча тизимлар ҳақида ташкилот ходимларининг маълумотга эга бўлишини таъминлаши керак (7-расм). Шунда инсонлар бизга ўзимиз ҳоҳламаган нарса бериляпти ёки хоҳлаган нарсамиз берилмайди деб қўрқмайди. Аҳамият ва репутация бир неча контекстда шаклланади (8-расм).



11.1.10. — чизма. Натижа ва чигал вазифаларни ҳал қилиш жараёнини ташкил этиш ўртасидаги боғлиқликни ўрнатиш эксперименти

Чигал вазифаларни ҳал қилиш жараёнини ташкил қилиш учун тўртта вариантдан фойдаланилди:

А. Раҳбар алоҳида ўтиради: буйруқ беради, камчиликларни кўрсатади, баҳо беради ва қарор беришга илҳомлантиради.

В. Иштирокчилар давра столида ўтиришади, раҳбар эса вақти-вақти билан ўз жойини ўзгартиради ва бу билан барча жойлар бир хилда аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди.

С. Экспериментнинг барча иштирокчилари алоҳида хоналарда ўтиришади. Ҳеч ким ҳеч кимни кузатмайди, назорат қилмайди ёки шошилтирмайди.

D. Ҳамма бир хонада, лекин алоҳида ўтиришади. Ҳамма билади, кимдир ҳаммани кузатяпти, иштирокчиларнинг ҳар бири ҳақида маълумот тўплаяпти ва кейинроқ кимгадир яширинча ҳисобот беряпти.

Баҳолаш учун вазифани ҳал қилишнинг тезлиги ва аниқлиги ҳисобга олинди. Бажариш тезлигига кўра гуруҳлар қуйидаги ўринни эгаллашди: А, В, Д, С. Бажаришнинг аниқлигига кўра: С, В, А, Д (NB! Д гуруҳи шунчалик кўп хатоларга йўл қўйганки, натижа умуман қониқарли эмас эди). Айлана стол (В) ҳам тезлик, ҳам аниқлик бўйича иккинчи ўринни эгаллаган бўлса-да, умумий ҳисобда энг яхши натижани кўрсатди.

МАТРИЦАЛИ АНАЛИЗ

Агар бирор нарсани ўзгартирмоқчи бўлсак, унда бизни қизиқтирадиган соҳа нимага боғлиқлигини ва ўзгаришлар бўлса нимани ҳисобга олиш кераклигини аниқлашимиз лозим. Одатда, омиллар шунчалик кўпки, уларнинг ичидан аҳамиятли-

сини ажратиб олиш ва приоритетларни белгилаш осон эмас. Ушбу тўсиқни енгиб ўтиш учун матрицали анализ амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Матрицали анализ босқичлари (*11.1.11. — чизмага қаранг*):

Биринчи қадам. Иложи борича ушбу соҳа, ҳодиса ёки жараён боғлиқ бўлган ҳамма нарсани ёзиб чиқиш. Муваффақият омилларини ўзингиз ўйлаб топишингиз ёки тегишли маълумотномалар ёрдамида, мутахассисларни жалб қилиш ёки ақлий ҳужумни ташкил этиш орқали аниқлаш мумкин (11.4. — *бандга қаранг*).

1. ИЧКИ ВА ТАШҚИ ОМИЛЛАР МАТРИЦАСИ

ИЧКИ ОМИЛЛАР

	A	B	C	...
A		+3 ↑	-2 ↓	
B	+4 ↑		-1 ↑	
C	+4 ↓	-3 ↑		
...				

ТАШҚИ ОМИЛЛАР

	A	B	C	...
A		+4 ↑	-1 ↓	
B	+2 ↑		+1 ↑	
C	-3 ↓	-2 ↑		
...				

2. МАТРИЦА АСОСИДА ЖАДВАЛ ТУЗИШ МУМКИН

ТАШҚИ ОМИЛЛАР
ИНОВАТГА ОЛИШ ВА МОСЛАШТИРИШ КЕРАК
ИЧКИ ОМИЛЛАР
ЎЗГАРТИРИШ МУМКИН

	A	B	C			
A						
B						
C						

11.1.11. — чизма. Приоритетни юзага чиқариш матрицаси

Факторлар рўйхатини тузишда принципиал муҳим нарсаларни ўтказиб юбормаслик ва шу

билан бирга ортиқча нарса бўлмаслигини ҳам таъминлаш керак. Матрицани тузаётганда майда нарсаларни ҳам унутмаслик керак. Акс ҳолда, бир қарашда аҳамиятсиз кўринадиган деталлар муваффақиятсизликнинг асосий сабаби бўлиши мумкин.

Факторларни икки турга бўлиш мақсадга мувофиқ бўларди - ички факторлар ва ташқи факторлар. Ички факторлар — бу биз ўзимиз ўзгартиришимиз мумкин бўлган омиллардир. Ташқи факторлар бизнинг иродамизга бўйсунмайди ва уларни муқаррар деб ҳисоблаш керак.

Иккинчи босқич. Устунлар ва қаторлар бир хил омилларни ўз ичига оладиган матрица яратинг, масалан, А, Б, С. Биринчи ёндашувда омилларнинг бир-бирига таъсирини баҳолаш мумкин бўлади (қандай қилиб А, Б ва С га таъсир қилади ва ҳоказо; кейин Б, А ва С га қандай таъсир қилади ва ҳоказо). Матрица катакларига "плюс", "минус" ёки "ноль"ни киритинг. Бу ҳисса қўшувчи, тўсқинлик қилувчи ёки нейтрал (ноль) таъсирларни англатади.

Иккинчи ёндашувда таъсир кучини, масалан, 1 дан 10 гача бўлган шкала бўйича баҳолашингиз мумкин. Қўшимча равишда, таъсирнинг ўсувчанлигини, камайувчанлигини ёки барқарорлигини баҳолаш мумкин - юқорига, пастга ёки горизонтал стрелкаларни матрицанинг ҳар бир катагига қўшиш керак.

Кейин горизонтал ва вертикал равишда балларни қўшишни бошлаш ва омилларнинг қайси

бири бошқаларга (умуман) кўпроқ таъсир қилишини, шунингдек, таъсир рейтингини аниқлаш мумкин.

Энг кучли ижобий таъсир кўрсатганидан тортиб, кучли салбий таъсир кўрсатганларга қадар омиллар таблицасини тузиш мумкин. Кейин энг кўп таъсирга дучор бўлган омиллар учун ҳудди шундай бошқа жадвални тузиш мумкин.

Учинчи босқич. Худди шундай матрицани ташқи омиллар учун ҳам тузиш керак.

Тўртинчи босқич. Ички ва ташқи омилларнинг тартибланган занжирли жадвали стратегия ва тактикани яратиш учун хулосалар чиқаришга имкон беради. Тўғридан-тўғри эришиб бўлмайдиган ўзгаришларни яратиш учун синдромлар ёки тармоқларни (омиллар тўпламини) яратиш имкониятини кўриб чиқиш мумкин.

Матрицали таҳлил жуда кўп вақт ва катта кучни талаб қилади (агар айрим компютер даҳолари инсонларни бундай таҳлил учун мос бўлган дастур билан хурсанд қилса, мақтовга сазовор бўлар эди). Матрица таҳлилини ўтказгандан сўнг равшанлик пайдо бўлади, турли инсонларда муваффақият учун зарур олд шартлар ва мавжуд бўлган тўсиқлар ҳақидаги тушунчалар мувозанатланади, шунингдек, приоритетлар ҳақида балансланган тушунчалар пайдо бўлади.

• Ривожланиш - бу ўз-ўзини тартибга солувчи тизимни такомиллаштириш йўлидаги сифатли ўтишлар занжиридир.

• Ривожланиш объективдир. Биз бирор нарсани ёки кимнидир ривожлантира олмаймиз.

• Биз ривожланиш учун зарур олд шартларни яратишимиз ва қўллаб-қувватлашимиз мумкин.

Ушбу китобда биз фақат ҳаётнинг барча соҳалари учун умумий бўлган масалаларни кўриб чиқамиз, аммо ҳар бир муассаса ва ҳар бир ташкилот уникалдир, ҳамма жойнинг ўзига хосликлари, кучли ва заиф томонлари, турли хил кутилмалари, хавфлари, эҳтиёжлар, мақсадлари мавжуд. Бу ерда айтилганлар, энг яхши ҳолатда, изланиш йўналишларини аниқлашда қўлланма бўлиб хизмат қилиши мумкин, лекин бундан ортиғи эмас. Бироқ изланиш масаласида мустақил бўлишингиз керак!

БАРЧА ЎҚУВ КУРСЛАРИ БИРДЕК ФОЙДАЛИ ЭМАС

Ҳар қандай таълим фойдали ва зарур деб ҳисобланади. Афсуски, ўқув курслари зарарли бўлиб чиқишининг камида учта сабаби бор:

• Курслар фақат маълум қисмларга йўналтирилган бўлиб, бутунни қамраб олмайди. Ҳар бир қисм эса контекстга [*умумга*] қараб маъно касб этади. Бундай курсларни ўташ натижасида контекст йўқ қилинади ва уларни тугатгандан сўнг, инсон аввалгидан ҳам кўпроқ саросимада қолади.

• Турли жойларда курсларга қатнашиш чалкашликни вужудга келтиради. Турли курсларда ва турли мамлакатларда терминология ва концептуал талқинлар ҳар хил бўлганлиги сабабли, бу кейинги ҳамкорликдаги ишларни мураккаблаштириши мумкин.

• Курсларда қатнашувчилар турли жойлардан келган бўлса, маданиятлар, институциялар, шунингдек, ташкиллаштириш кабиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишнинг имкони мавжуд эмас. Агар дарслар маълум бир жамият, маданият ва ташкилотда мавжуд бўлган ёзма ва ёзилмаган қоидалар билан боғлиқ бўлмаса, унда фақат умумий тамойилларни кўриб чиқиш мумкин, аммо бундай абстракт билимларни амалиётда қўллаш қийин.

Бошқарувни яхшилашга қаратилган тренингларни иштирокчилар контекстини ва оғишларнинг сабабларини аниқ тушунадиган ташкилотда ўтказиш фойдалидир. Агар техника, энергетика, технология ва бошқалар ҳақида гап кетаётган бўлса, унда ҳеч қандай муаммо йўқ, лекин агар ташкилотчилик ва раҳбарлик ҳақида гап кетса, унда муносабатлар, субординация, анъаналар ва инсонларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш керак. Бунда тадқиқот, лойиҳалаш, консултация, ахборот хизмати ва ўзаро алоқа элементларига эга бўлган ташкилот ичидаги ўқув курслари самарали бўлади.

11.2. ҚАРОРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Қарорларни шакллантириш — ватандош бўлиш, ватандошлик ҳуқуқларидан фойдаланиш ва ватандошлик бурчини бажариш нима беришини англатувчи ғоянинг ядросини ташкил этади. Қарорларни шакллантириш жамият ҳаётининг ҳар бир соҳасида ва тартибга солишнинг ҳар бир даражасида асосий масаладир. Қарорларни якка тартибда ёки биргаликда ва коллегиал тарзда шакллантириш мумкин. Ҳар бир вариант ўзининг ижобий ва салбий томонларига эга.

МАҚСАДГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ФАОЛИЯТ ВА ЖАРАЁНЛАР

Қарорларни шакллантиришнинг барча босқичлари ҳам статикада, ҳам динамикда очиб берилиши керак. Иккаласини ҳам муаммо сифатида кўриш мумкин. Бунинг учун иложи борича қарорларни шакллантиришда муҳим бўлган барча хусусиятларни топиш ва анализ асосида уларнинг мавжуд ва истакдаги даражасини фиксациялаш керак. Кейинчалик ушбу даражаларни таққослаш орқали муаммоларни аниқлаш, яхши ҳолатда эса муаммоларнинг сабаблари ва юзага келиши мумкин бўлган асоратларини камайтириш (ёки йўқ қилиш) усулларини юзага чиқариш мумкин (11.2.5. — *чизмага қаранг*).

11.2.1. — чизма. Қарорларни шакллантириш факторлари

Кейин, чизмалар ёрдамида биз қарорни шакллантириш, уни қабул қилиш ва ижро этиш нимани аниқлаб беришини ва қандай давом этишини кўриб чиқамиз. Барча рақамлар номаълум X ва Y ни ўз ичига олади, яъни бу рақамлар тўлиқ эмас ва тўлиқ бўлиши мумкин эмас. Вақт ва шароитлар ўзгаради, у ёки бу нарса қўшилади ва баъзи омиллар аввалги маъносини йўқотиши мумкин.

Ушбу китобда келтирилган моделлар фақат кириш ва сизнинг изланишингиз учун бошланғич нуқта сифатида тақдим этилган.

Биринчи чизмада (11.2.1. — *чизмага қаранг*) қарорларни шакллантиришнинг баъзи омил-

лари кўрсатилади. Юқорида айтилганларнинг қайси бири аллақачон ўйлаб топилиб эътиборга олинган, қайси бири текширилиши ва ўйлаб кўрилиши кераклигини ҳар ким мустақил равишда аниқлаши мумкин.

Қарор шакллантириш — бу ижодкорликдир ва ижодкорлик бўлиб қолаверади, детерминация, шунингдек, доимий ва барча ҳолатларда амал қиладиган нормаларни изламаслик керак.

Катта қарорлар асосида тизимли анализ натижалари ётади. Аммо ушбу қарорлар қандайдир фаолиятнинг асосини ташкил этиши учун мазкур қарор бошқа шу каби қарорларнинг ичида энг яхшиси эканлигига ишонч ҳосил қилиб, танловни амалга ошириш ҳуқуқи ва масъулиятига эга бўлганлар томонидан эшитилиши ва қабул қилиниши керак. Қуйидаги (11.2.2. — *чизмада*) бир қатор меъзонлар кўрсатилган, улар асосида гап тўғри қарор ҳақида кетаётганлиги ёки йўқлигини назорат қилиш мумкин. Айнан шу чизмада, ҳар эҳтимолга қарши, ёмон қарорларни кўрсатиб берувчи версиямиз ҳам (11.2.3. — *чизмада*) тақдим қилинган.

11.2.2. — чизма. Қарорларни қабул қилиш факторлари

11.2.3. — чизма. Ёмон қарорлар характеристикаси.

Яхши қарорлар қабул қилинган тақдирда, уларни ижро этишни бошлаш керак (*11.2.4. — чизмага қаранг*). Қарорларни ижро этиш учун зарур бўлган олд шартларнинг аксарияти 11.2.2-чизмада кўрсатилган ва биз улар ҳақида батафсил тўхталмаймиз.

ҚАРОРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ҲАМИША ЖАВОБГАРЛИК ЭРГАШИБ КЕЛАДИ

Ўқувчи олдинги боблардан эсласа керак, у ёки бу қарор кимга тегишли бўлса, келажакда шу қарордан сизиб чиқадиган нарсага ҳам шу инсон жавобгар бўлиши таъкидланган эди. Мазкур масъулият қуйидаги саволлар орқали аниқланади: ким, нима, қандай, қаерда ва қачон амалга оширади, нимага эришилади ёки нимани йўқотади. Қарор қабул қилиш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлган ҳамда ҳар қандай сабабга кўра бу ҳуқуқ ва имкониятдан фойдаланмаган инсонлар ҳам ўзининг бундай танлови учун жавобгар бўлиши керак.

11.2.4. — чизма. Қарорларни ижро этиш

Мақсадни белгилаш, воситаларни танлаш, баҳолаш, хулосалар қилиш кабилар ҳам қарор беришдан бошқа нарса эмас.

Шуни эсда тутиш керакки, танлов вазиятидагина қарор бериш мумкин (3.2. — *бандга қаранг*). Мажбурланганлик вазиятида танлаш эркинлиги йўқ ва инсон ё буюрилган нарсани қилиши ёки умуман ҳеч нарса қилмаслиги керак.

Қарор беришнинг олтин қоидалари:

• Ўзлари мустақил ҳал қилиши мумкин ва лозим бўлган қарорларни ўзгалар ўрнига қабул қилманг.

• Ҳамкасб ва бошқа инсонларга сифатли қарорлар ишлаб чиқа олиш ва бунга қодир бўлиш даражасига кўтарилишига ёрдам беринг.

• Ҳамкасбларни қарор бериш юзасидан консультациялашга сарфлаган вақтингизни худди шу қарорни уларнинг ўрнига ўзингиз қабул қилиш учун сарфлаган вақтдан кўра муваффақиятлироқ фойдаланилган деб ҳисоблаш мумкин.

Қарор - бу энг мақбул имкониятни (аниқлаштирилган вазият, ҳолат ва ситуацияни) излаш ва ижрога йўналтирилган иродани ифодалаш ҳаракатидир.

Ҳар қандай қарор унинг иштирокчилари учун нафақат кейинги фаолият, шунингдек, оқибатлари учун жавобгарликни, балки ушбу қарор таъсирига тушадиган яқин ва узоқ келажакдаги яшаш муҳити учун ҳам жавобгар бўлиш мажбуриятини вужудга келтиради.

Сифатли қарорларни шакллантириш учун бутунни қамраб олиш керак. Бу шундай бутунликки, қабул қилинаётган қарор унинг элементларидан бирини ташкил этади. Акс ҳолда, нимага эришиш кераклигини ва қарорни қандай ижро этишни, шунингдек, қарорга яна нима эргашиб келиши мумкинлигини етарлича тасаввур қилиш қийин (*11.2.5. — чизмага қаранг*). Чизмада келтирилган тафсилотларга чуқурроқ кириб, инсон ўзи учун фақат билимли ёки фақат информацияли бўлишининг ўзи етарли эмаслигини англаши лозим, сизга билимлилик, информацияланганлик ва тажриба бирлиги зарур. Шунингдек, ҳуқуқлар, бур-

члар ва мажбуриятлар бирлиги керак, уларнинг алоҳида олинган бир қисми эмас. Шуни ёдда тутиш лозимки, юқорида тилга олинган ҳар учала компонент ҳам маъмурий (расмий), ҳам ахлоқий (норасмий) маънода ишлайди.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир қарорнинг уч босқичи бор: қарор шакллантирилиши (ишлаб чиқилиши), қабул қилиниши (қарорнинг зарурийлигини англаш) ва ижро этиш. Қарорлар ўзидан кўра аҳамиятлироқ иккита муҳим ҳодисани келтириб чиқаради. Бу ҳодисалар - масъулият ҳисси ва қарорни шакллантиришда иштирок этганларнинг фаоллигидир.

Шуни ҳисобга олиш керакки, қисман мақсадли тартибга солиш билан (раҳбарлик, бошқарув кабилар билан) ва қисман ўзини-ўзи тартибга солиш билан реализация қилинадиган қарорлар яхши қарорлар ҳисобланади. Бунда ўз-ўзини тартибга солиш асос бўлиб хизмат қилиши керак. Ўқувчига маълумки, том маънодаги раҳбарлик ёрдамида ўз-ўзини тартибга солиш учун зарур шарт-шароитларга эришиш, шунингдек, раҳбарлик ва раҳбар ишчиларга бўлган эҳтиёжни камайтириш мумкин.

Мавжуд шароит, ҳолат ва вазиятларда қарорни шакллантириш - бу энг мақбул имкониятни танлаш, ўз хоҳишини тақдим этиш ва уни ижрога ўгириш билан кечадиган иродавий актдир.

Мақсадга йўналтирилган жараёнларда ҳар доим (!) натижаларга қўшимча равишда оқибатлар ҳам вужудга келади — оқибатларни ҳеч ким ҳоҳламайди, лекин улар барибир пайдо бўлаверади. Масалан, ишлаб чиқаришдаги чиқиндилар ва ифлосланишлар, амортизация, бахтсиз ҳодисалар ва бошқалар. Шунинг учун оқибатлар имкон қадар камроқ пайдо бўлиши йўлида ҳаракат қилиш керак. Шу билан бирга, уларга қандай муносабат билдириш ва қандай чоралар кўриш кераклигини олдиндан жиддий ўйлаб қўйиш керак.

Яхши қарорлар — бу қисман мақсадга йўналтирилган бошқарув ва қисман ўзиниўзи тартибга солиш билан кечадиган қарорлардир.

БАҲОЛАР, КОМПРОМИСС

Қарорга унинг ижроси ҳамда натижалари ва оқибатларига асосланиб баҳо берилади.

Ҳар бир қарор кимгадир маъқул келиши ва шу билан бирга кимгадир номақбул бўлиши мумкин. Муросага эришиш учун (*12.2. — бандга қаранг*), барча ижобий ва салбий аргументларни тарозига тортиб кўриш керак. Аргументлар бевосита ва билвосита, оммавий ва яширин (латент) бўлиши, шу ерда ва ҳозир ёки кейинроқ ва бошқа жойда бўй кўрсатиши, маҳаллий ёки глобал тарзда пайдо бўлиши мумкин (9.5.1. — *чизмага қаранг*).

Муросага эришиш учун томонлар дастлабки режанинг исталган бир (улар керакли ёки зарур деб ҳисоблаган) қисмидан воз кечишлари керак. Кўпинча инсонлар ахлоқий дилеммага дуч келишади, яъни ўзларининг идеаллари ва юксак ғоялари, афсоналари ва ясоқларидан мурoса мақсадида воз кечиш керакми, шу билан бирга, нафас ростлаш ва ресурсларни қайта тиклаш, ўзини таҳлил қилиш, тизгинланиб олиш керакми ёхуд ахлоқийлик зарарига муросага келиш нолойиқ, қабул қилиб бўлмайдиган ишми. Афсуски, жамиятимизда ғайриахлоқий асосларда муросага келиш билан – ғурурни ва қадр-қимматни сақлаб қолиш имконлими, деган масала етарлича муҳокама қилинмаяпти.

Муроса асосан вақтинчалик ечимдир, чунки улар ҳеч кимни қониқтирмайди. Одатда, мажбурланиш ёки кучсизлик ҳисси туфайли муроса қилинади.

Жамиятнинг куч манбаси — муқобилликдир.

Катта қарорларга киришишдан олдин, камида учта сценарийни (*“пушти”*, *“яшил” ва “қора”*, 2.10. *— бандга қаранг*) ишлаб чиқиш ва қабул қилиниши мумкин бўлган қарорлар ижроси учун муқобил стратегияларни яратиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, муросага кўникиш, қурбон қилинган қадриятларнинг ўрнини қоплаш учун компенсацияларни, мағлуб томоннинг ўзига бўл-

ган ҳурматини тиклаш каби масалаларни ўйлаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ғалаба қозонишни истаганлар, мағлубларнинг чекиниши учун олтин кўприк қуриб қўйишлари керак дейишади хитойликлар. Бу жуда тўғри ҳикмат, акс ҳолда қарама-қаршилик фақат чўзилади, холос.

• Жамиятда масъулият ва фаоллик туйғусини генерация қилишнинг бизга боғлиқ бўлган ягона йўли бу инсонларга мустақил қарор қабул қилиш, ўзини-ўзи бошқариш ва ижтимоий раҳбарлик субъекти бўлиб шаклланишида ёрдам беришдир.

• Бошқача айтганда, бу ҳар бир шахснинг ватандошга айланиши, ўзини ватандош сингари тутиши учун шароит яратиш демакдир.

ҚАРОР ТАРКИБИ ВА СТРУКТУРАСИ

Қарор ҳар доим ирода ифодаси ёки аксинча, муқаррар нарсага рози бўлиш белгисидир. Қарор — бу мураккаб структурали ҳужжатдир.

Қарор, биринчи навбатда, қарор муаллифи, унинг қизиқишлари ва ғоялари, таълими ва информацияланганлиги, умидлари, қўрқувлари кабиларни, шунингдек, давр, ҳолат, шароит, вазият ва ташкилотни тавсифлайди.

Қарорни фақат қисман баҳолаш мумкин. Баҳолашда қарорни ижро этиш билан боғлиқ натижалар ва оқибатлар йиғиндиси катта аҳамиятга эга.

Қарорнинг кириш қисмида: қарорнинг муаллифи ким, бу қарор нима учун ва кимга кераклиги; ушбу қарор ёрдамида нимани тартибга солиш ният қилинган; қарор қандай қисмлардан иборат; ушбу қарор лойиҳасини ким тузган; ким ва қандай ўзгартиришлар киритган ёки қисқартирган; қарор муаллифлари кимдан миннатдорлиги тушунтирилади (амалда эса кўпинча яширилади). Баъзи ҳолларда, бу ерда кўрсатилган баъзи қисмлар йўлланма хатларида келтирилади.

Йўлланма хатда вазият, ҳолат ёки ситуациянинг тавсифи ҳамда уларнинг шаклланиши ва мавжуд бўлиш сабаблари, шунингдек, ўзгариш тенденциялари келтирилган бўлиши мумкин.

Қарорда қарорнинг субъекти; мақсадларга эришиш учун зарур бўлган (кафолатланган) воситалар; татбиқ этиш босқичлари ва уларнинг бошланиш ва тугалланиш муддатлари; субординация (иштирокчи ўз фаолиятини ким билан ва қандай мувофиқлаштириши, ким кимга қандай шаклда ва нима ҳақида ҳисобот тақдим этиши керак); иштирокчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги; фаолият тамойиллари; ресурслар сарфи, (бюджети) ва ресурслардан фойдаланиш шартлари; молиялаштириш тартиби ва манбалари; тан олиш ёки жазо қўллаш меъзонлари аниқлаштирилган бўлиши керак.

Қарорнинг сифати, алоқадор инсонларнинг қандай йўналишни тутганлигига ва ўз олдига қандай мақсад қўйганлигига боғлиқ. Мақсад примитив ва формал бўлиши ҳам мумкин. Ҳеч бир яхши

томонини кўрсатиш мумкин бўлмаган мақсадлар, қоида тариқасида, оғишиш, сарф-харажат, иқтисод қилиш ва бошқа шунга ўхшаш фаолият ҳисобланади (*2.10.1. — чизмага қаранг*). Мақсад сифатида натижа ёки ҳолат белгиланса, бу анча яхши. Натижалар ҳаракатлар орқали, ҳолатларга эса жараёнлар (ҳаракатлар мажмуи) орқали эришилади. Шунинг учун ҳаракат ёки жараёнларни мақсад сифатида белгилаш мантиқий эмас.

ҚАРОР ИЖРОСИНИНГ СУБЪЕКТИ ВА ОБЪЕКТИ

Қарорни амалга ошириш субъекти қуйидагилар ҳақида аниқ тушунчага эга бўлиши керак:

• бошланғич ва керакли ҳолат ҳақида;

• мақсадга эришиш йўллари, ҳар бир йўлнинг яширин хавф-хатарлари ва имкониятлари ҳақида;

• бутун жараён ва унинг босқичлари ҳақида;

• ҳар бир босқичдаги муаммолар ва уларнинг сабаблари ҳақида;

• муқобиллар ва сценарийлар ҳақида;

• фаолият тамойиллари ва баҳолаш асослари ҳақида;

• ижодкорлик ва уни амалга ошириш учун зарур эркинлик ва тартибни таъминлаш ҳақида;

• меҳнат ва ҳамкорлик ҳақида;

• процедура сифатида (ким, қаерда, қачон ва қандай баҳолайди) баҳолаш ҳақида;

• натижаларни тақдим этиш процедураси ҳақида;

• алоқа, шунингдек, бевосита ва қайта алоқа ҳақида;

• курсга риоя қилинувчи ва мақсадли фаолият нисбати, шунингдек, ситуатив, мажбурловчи ва тартибсиз ҳаракатлар нисбати ҳақида;

• шахсий, маданий ва лавозимий маънодаги жавобгарлик ҳақида.

Қарорнинг объекти тизим ёки унинг баъзи қисмлари, уларнинг хусусиятлари, омиллари, шу жумладан ҳамкорлик, қуйи тизимлар ва метатизимлар; тизимнинг ишлаши, ўзгариши ёки ривожланиши омиллари; барқарорлик, мақсадга мувофиқлик, самарадорлик ва интенсивликни таъминловчи омиллар; тизимнинг моддий, номоддий ёки виртуал муҳити бўлиши мумкин.

Қарор учун масъулларнинг диққат-эътиборида қуйидагилар бўлиши мумкин:

• инсонларнинг маълум сони, уларнинг умидлари, қизиқишлари, эҳтиёжлари, муносабатлари, мулоқоти, ҳаёти ва унинг тузилиши, фаровонлиги;

• яккаликдаги ҳаракатлар, фаолият мазмуни ва шакли, ритми ва зўриқиши, муҳимлиги ва аҳамияти, вужудга келган шароитлар ва мавжуд шартлар, натижалар, тўлов ва бошқа компенсациялар;

• фаолият тизими;

• фаолият маданияти;

• жараён ёки жараёнлар тизими;

• муваффақиятга эришишнинг олд шартлари;

• стратегия ва тактика;

• баҳолаш меъзонлари ва уларни қўллаш тизими;

• хулосалар чиқариш учун тамойиллар ва тамойиллар тизими;

• таклифларни тақдим этиш учун мақсадлар, эҳтиёжлар ва вазифалар тизими;

• маслаҳатлар тақдим этиш учун ресурслар тизими ва улардан фойдаланиш учун зарур шарт-шароитлар;

• ўзаро информациялашувга эришиш учун алоқа;

• мақсадга мувофиқлик ва самарадорликка эришиш учун тўғри ва қайта алоқанинг зарур олд шартлари;

• фаолият мантиқийлигини таъминлаш учун тартибга солиш механизмлари ва уларнинг аҳамияти;

• таъсир кўрсатиш механизмлари ва уларнинг натижа ҳамда оқибатлар шаклланишига таъсири;

• керакли интенсивлик ва самарадорликка эришиш учун - бошлаш механизмлари ва уларнинг таъсири;

• тизимнинг ишлаши, ўзгариши ва ривожланишига ёрдам берувчи ва тўсқинлик қилувчи омиллар.

Қарор қуйидаги мақсадларда шакллантирилиши мумкин:

• тизимнинг ишлашини таъминлаш, ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш учун;

• ўзгаришларнинг мақсадга олиб келиши, мустаҳкам жойлашиши ва ортга қайтмаслик эҳтимолини ошириш учун;

• сифат ўтишларини таъминлаш, яъни ривожланиш учун олд шартларни шакллантириш мақсадида.

Ўзгаришлар курсни сақлаш ва мақсадларга эришиш имконини беради.

МАСЛАҲАТЧИНИНГ РОЛИ ҲАҚИДА

Баъзи ҳолларда ҳар ким бир ўзи масалани ечишни эплашга қодир, баъзиларида эса биргаликда ҳаракат қилиш керак; баъзан тадқиқот ўтказиш талаб қилинади, баъзан эса маслаҳатчиларнинг ўзи кифоя. Мавжуд даражасини яшириш учун профанларга маслаҳатчилар зарур бўлади.

Маслаҳатчилар қуйидагилар учун керак бўлиши мумкин:

• ишонч туйғусига эришиш учун;

• кенгроқ хабардорликни таъминлаш учун;

• муқобил вариантларни муҳокама қилиш учун;

• талқинларнинг комплекслиги ва тизимлилигини таъминлаш учун;

• тартибга солиш даражаларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш учун;

• узоқни кўра билиш ва аниқ таниб олиш учун;

• ўзаро муносабатлар ва ҳаракатларнинг хос

хусусиятларга йўналтирилганлигини таъминлаш учун;

• имкониятлар ва чекловларни ҳисобга олиш учун;

• вақт ва макондан оқилона фойдаланиш учун;

• юзакилик, мундир шаъни ҳақидаги ғоялар ва қўрқув кабилар туфайли юзага келадиган шошқалоқликни тўхтатиш учун.

Маслаҳатчи - мавжуд ижтимоий ва маданий алоқалар шароитида тарбияланган, профессионал, қўли тоза ва катта қалбли (майдачи, очкўз, кибирли эмас ва ҳоказо) инсон бўлса фойдали бўлиши мумкин, шунингдек, у:

• ҳалол, ёрдам беришга тайёр, ғамхўр ва эътиборли бўлса;

• маслаҳатлари билан бурнини тиқавермаса, балки имкониятларни, хавфларни олдиндан кўра билиш ва таниб олишга ёрдам берса;

• хатолардан қочиш ва мақбул ечимларни топишга кўмаклашса;

• кўп нарсани билса мақсадга мувофиқ бўлади.

NB! У *ўзининг билими етмайдиган масала ва соҳаларни ҳам билади ва бу ҳақда бошқаларга ҳабар беришга журъат этади. Мукаммал билимга эга бўлмаган соҳаларида ўзини профессионал сифатида кўрсатмайди*;

• билимни – фикр ва инонмалардан сўзсиз ажрата олади (уларни бир-бири билан аралаштириб юбормайди ва бошқаларнинг ҳам адашиб

кетишига йўл қўймайди);

• ўтмиш, ҳозирги ва келажак алоқаларини англайди, шунингдек, уларни ҳисобга олишни билади;

• ҳаддидан ошмайди ва ҳад чегаралари қаердан ўтишини тушунади.

Маслаҳатчи, нозиктаъб, бошқаларнинг камчиликлари ва адашишларини урғуламаса; сирларни ошкор қилмаса, кимга ва қандай масалаларда маслаҳат берилаётганини ҳеч кимга айтмаса фойдали бўлиши мумкин. Маслаҳатчи фақат ўз вақтини пуллайди (агар у пулласа), бошқа ҳеч нарсани эмас! Маслаҳатчи муваффақиятга эриша олмайди; муваффақиятга уни маслаҳатчи сифатида таклиф қилган киши эришади.

• Маслаҳатчи фақат вақтини пуллайди (агар пулласа), бошқа ҳеч нарсани эмас!

• Маслаҳатчи муваффақиятга эриша олмайди; муваффақиятга уни маслаҳатчи сифатида ёллаган киши эришади.

Маслаҳатчи мижозлари ўз ишларини, келажакда маслаҳатларсиз ҳам мустақил эплай олишлари учун барча саъй-ҳаракатларни қилиши керак. Амалиёт шуни кўрсатадики, агар маслаҳатчи ушбу талабларнинг барчасини истисносиз ҳисобга олса, унинг хизматларига талаб катта бўлади.

КАТТА ВА КИЧИК, ЯХШИ ВА ЁМОН ҚАРОРЛАР

Қарорлар ўз вақтида, тезлик билан, етарли даражада тизимли ва ҳар томонлама чуқур ҳамда кенг ўйланган, маданий ва ижтимоий контекстдаги кутилмаларга мувофиқ, шунингдек, ушбу қарор бевосита таъсир кўрсатадиган шахслар иштирокида қабул қилинган бўлиши керак. Қарорни шакллантиришда унинг ижроси — инсон саломатлиги, табиат ва маданиятга зарар келтирмаслигига ишонч ҳосил қилиш керак.

Ҳеч бир қарор аҳоли сонининг кўпайиши учун зарур олд шартларни торайтирмаслиги, оилалар, оналар ва болалар, шунингдек, ёшларнинг улғайиш муҳитига, ота-оналик бурчини бажаришга ва болаларнинг ота-оналарига ғамхўрлик қилиш қобилиятига путур етказмаслиги керак. Аҳоли сони ва унинг ўсиши Эстония учун экзистенциал аҳамиятга эга. Бошланғич нуқта сифатида парламент ва ҳукуматнинг барча ҳуқуқий актларини аҳолишунослик бўйича экспертлар тасдиғидан ўтказишни сўраш мумкин. Шунга ўхшаш маслаҳат 1930 йилларнинг охирида Бош вазир Каарел Эенпалу томонидан берилган: унга кўра, ҳар бир қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда асосий эътибор қонунларнинг аҳоли ўсишига тўсқинлик қилмаслиги, балки ҳисса қўшишига қаратилиши керак эди.

Яхши қарорлар жамоа бўлиб тайёрланади, лекин мазкур қарорлар охир-оқибат уларга эргашиб келадиган натижалар ва оқибатларга жавобгар бўлган шахслар томонидан шакллантирилади. Қарор муаллифини (масъул шахсни) яширишга бўлган ҳар қандай уринишлар эртами-кечми бюрократизацияга (12.3. — *бандга қаранг*) ва жамият учун хавфли бошқа оқибатларга олиб келади.

Қарор муаллифини (масъул шахсни) яширишга бўлган ҳар қандай уриниш эртами-кечми бюрократизация ва жамият учун бошқа хавфли оқибатларга олиб келади.

Ташкилотларда қарорлар жамоалар томонидан бажарилади, лекин натижалар ва, айниқса, оқибатларга юқори тоифадаги раҳбарлар жавобгардирлар. Шундай қилиб, ташкилот оралиқ ҳисоботнинг қандайдир шаклини юритиши керак.



11.2.5. — чизма. Қарор, қарорни қабул қилиш, қарорни ижро этиш

- №1. Қарорнинг шаклланиши, уни қабул қилиш ва ижро этиш ўртасидаги фарқларни ажратиш керак. Юқорида назарда тутилган уч босқичнинг ҳар бири ўзига хос олд шартларга, натижалар ва оқибатларга эга.

Ҳар бир мансабдор шахс ва депутатга тўланадиган маошнинг салмоқли қисми улар ўз зиммасига таваккалчилик асосида маълум бир рискларни олганлиги (қарор қабул қилиш қатъияти, критик фикрлаш, яратувчанлик, ижодий жараённи стимуллаш) учун ажратилади.

• **Ижронинг бир босқичдан иккинчисига ўтиш даври қарорлар учун алоҳида хавф туғдиради.**

• **Масалан, қарор бир овоздан шакллантирилган, лекин уни амалга оширишга ҳеч ким шошилмайди. Бошланган нарса ярим йўлда ташлаб қўйилади, чунки қарор кейинги босқич талабларига жавоб бермайди.**



11.2.6. — чизма. Қарор, уни қабул қилиш, қарорни ижро этиш

- №2. Қарорнинг олд шартлари, — бу бир томондан, 1) билимлилик, 2) информацияланганлик ва 3) тажрибанинг бирлиги бўлса, иккинчи томондан, 4) ҳуқуқ, 5) бурч ва 6) масъулиятнинг бирлигидир.

NB! *Барча олтитаси - ҳам формал, ҳам маънавий жиҳатдан муҳим. Қарорни амалга ошириш мақсадга йўналтирилган* (*бошқариладиган*) *ёки ўз-ўзини тартибга солиш билан давом этади. Қарорларни амалга оширишда эришиладиган натижаларга қўшимча равишда*, *эргашувчи натижалар* ва *оқибатлар юзага келиши мумкин.*

Фақат танлов вазиятидагина қарор қабул қилиш мумкин (3.2.1. — *чизмага қаранг*).

Хулоса сифатида ва бу ерда келтирилган мулоҳазаларнинг янада уйғунлиги, шунингдек, ўтишлар ҳақида фикр юритиш учун биз яна битта чизма тақдим этамиз (11.2.5. — *чизмага қаранг*).

Биз қарорни шакллантириш босқичларини ва уларни амалга оширишни кўриб чиқдик, аммо оралиқ ўтишлар ҳар қандай қарорнинг "тобутига охирги мих" бўлиши мумкин. Масалан, қарор шакллантирилган, лекин ҳеч ким уни ижро этишга шошилмаяпти; қарор ижро этилди, лекин ҳеч ким унинг натижалари ва оқибатларини баҳолашни ўз зиммасига олишни хоҳламаяпти; натижалар ва оқибатлар баҳоланяпти, лекин ҳеч ким улар билан ҳисоблашмаяпти ва тузатишлар киритмаяпти; бирор нарса ўрганилса-да, лекин олинган билимлардан фойдаланилмаяпти ва ҳоказо.

11.3. ИННОВАЦИОН ЖАРАЁН

Кундалик ишларда баъзи ўзгаришлар доимий равишда содир бўлади. Бу ерда биз принципиал аҳамиятга эга ўзгаришларни кўриб чиқамиз.

Аввало шуни ёдда тутиш кераккки, бирор нарсани ўзгартиришга маънавий ҳуқуқ фақат шу муносабатлар доирасида ўзгартириш мумкин бўлмаган нарса яхши ҳимояланган ва сақланиб қолганда пайдо бўлади. Қадриятларни йўқ қилиш уни яратишга қараганда анча осон кечади, жавобгарлик принципи ишламаса бузғунчилик фаолияти осонлик билан содир этилиши мумкин.

Инновация жараён сифатида - бу даврий кетма-кетлик ва мантиқий боғлиқликдаги воқеалар занжири бўлиб, улар орқали тизимда принципиал аҳамиятга эга ўзгаришларга эришилади ва мустаҳкамланади, инновациядан сўнг тизимнинг аввалгидан кўра мураккаброқ ва ишончлироқ фаолият кўрсатишига эришилади.

• Инновация — маълум бир курс ва мақсадга йўналтирилган янгиланиш, ўзгаришларга қаратилган функцияналлаштирилган тизимдир.

• Тизимнинг янги сифат босқичига кўтарилиши тараққиёт дейилади.

• Ривожланишни рағбатлантириш учун кўплаб инновацияларни режалаштириш мумкин.

Инновациялар раҳбарлар томонидан олд шартлар яратилган тақдирда инсонларнинг ўзлари ёки корхона ходимлари томонидан амалга оширилади. Инновациялар ўз-ўзини тартибга солувчи эмас, балки бу тартибга солинадиган жараёндир.

Биринчи навбатда раҳбарият муаммони шакллантириб олиши керак (0.3.3. — *чизмага қаранг*). Ишлар қуйидаги ҳолатга келиб қолган бўлса, инновацияни зарурий деб ҳисоблаш мумкин:

• Янгиланишлар йўқлиги учун ортда қолиш хавфи мавжуд бўлса.

• Дунёда рўй бераётган конъюктура ва истеъмол тузилмасидаги ўзгаришлар ҳақида далиллар мавжуд бўлса.

• Мавжуд вазият қониқарли бўлмаса, ўзгариш тенденциялари ташвиш уйғотса, сабаблар ҳақида эса фақат баъзи тахминлар мавжуд бўлса.

• Бир қанча ғоялар бор, лекин уларнинг қайси бири ўзгартиришлар учун энг яхшиси эканлиги маълум бўлмаса.

• Инновацион жараённи ким режалаштириши ва тайёрлашга қодирлиги маълум бўлса.

• Инновациялар амалга оширилса, оқибатларини назорат остида ушлаб туришга умид бор бўлса. Қайтариб бўлмайдиган хавфли жараёнлар юзага келмаса, ўз-ўзини тартибга солиш асослари бузилмаса ва тизимнинг ҳаётийлиги хавф остида қолмаса.

МУҲИМИ, ҚУЛАЙ ФУРСАТНИ ҚЎЛДАН ЧИҚАРМАСЛИК

Одатда, инновациялар жараённинг пастлаши билан бирга келади, чунки фаолиятни эски усулда давом эттириш мумкин эмас, шу билан бирга, янги усулда давом эттиришга уқув йўқ. Ушбу пастлаш жуда чуқур ва узоқ давом этмаслигини таъминлаш учун, дастлабки [*инновацияни қўллашдан олдинги*] босқичда ресурсларни тўплаш ва кутилган ўсиш босқичига кўтарилиш керак.

Амалиёт шуни кўрсатадики, агар инновацияларни жорий қилиш кечиктирилса, қулаш жуда чуқур бўлиши мумкин.

Инновацияни, ташкилот ҳали ҳам кўтарилиш босқичида бўлган, аммо инқирознинг дастлабки белгилари бўй кўрсата бошлаган пайтдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Инновацияни бошлаш учун тўғри вақтни топиш осон иш эмас. Кўп сонли қарама-қарши омиллар ҳисобга олинган стратегик қарорни шакллантириш керак. Инновацияни, ташкилот ҳали ҳам кўтарилиш босқичида бўлган, аммо инқирознинг дастлабки белгилари аллақачон бўй кўрсатган пайтида бошлаш мақсадга мувофиқдир (11.3.1. — *чизмага қаранг*).



ИННОВАЦИЯ ЎСИШ ФАЗАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ КЕРАК, ПАСАЙИШ ФАЗАСИДАГИ ИННОВАЦИЯ ЧУҚУРРОҚ ПАСАЙИШНИ ЮЗАГА КЕЛТИРАДИ.

11.3.1. — чизма. Инновацияни татбиқ этиш вақтини акниқлаш

Яшаш муҳитининг сифат ўзгаришлари сабабли инновацияларга талаб ортади. Иккинчи асосий сабаб бозор конъюнктураси ва истеъмол структурасидаги ўзгаришлар бўлиши мумкин. Учинчи сабаб, илмий кашфиётлар ва унга эргашиб келувчи техника ва технологиядаги ўзгаришлардир. Албатта, инновациянинг сабаби асбоб-ускуналар, бинолар ва бошқаларнинг амортизацияси, кўчириш, фаолият йўналишини тубдан ўзгартириш ва бошқалар бўлиши ҳам мумкин.

Инновациялар - ижтимоий тараққиётнинг зарурий ва мутлақо табиий таркибий қисмидир. 2009 йил Европа Иттифоқида инновациялар йили деб эълон қилинди. Шу муносабат билан Европа Иттифоқига аъзо барча давлатларда кўплаб семинарлар ва конференциялар ўтказилди. Шунга қарамай, инновацион жараёнлар ҳали ҳам

бир хил кечмаяпти. Агар 2017 йилда Эстониядаги маъмурий ислоҳотларнинг ташкилотчилари инновациялар соҳасида қандайдир тайёргарликка эга бўлсалар эди, биз гувоҳи бўлган барча чалкашлик ва палапартишликлар содир бўлмасди.

ҲАР БИР ИННОВАЦИЯ ТАКРОРЛАНМАСДИР

Кичик, ўрта ва йирик инновациялар мавжуд. Бу ерда маълум бир стандарт бўлиши мумкин эмас - ҳар бир янгилик такрорланмасдир. Қуйида биз фақат бир нечта принципиал саволларни кўриб чиқишимиз мумкин.

Ватандош инновациянинг мақсадга мувофиқлигига, уни амалга ошириш учун барча олд шартлар мавжудлигига, инновация туфайли на бу ерда, на бошқа жойда аҳмоқона нарса содир бўлмаслигига ишонч ҳосил қилишга интилиши табиий. Агар раҳбарият бўрттириш ёки сохталаштириш билан шуғуллана бошлагани сезилса, юқори ҳокимиятнинг ваколатли вакили (яъни ҳар бир ватандош!) аралашувга, аниқлик талаб қилишга нафақат ҳақли, балки мажбурлигини тушуниши керак. Раҳбарият бундай талабларга эътибор беришни истамаслиги ва шу билан ишончни йўқотиши мумкин ва ижрочилар ўз навбатида, ҳамкорлик қилиш истагини йўқотади.

Агар иштирокчиларга инновацияларнинг сабаблари ва мақсадлари тўғрисида маълумот берилмаса ва мотивация етарли бўлмаса, инсонларга янгиланишлар улар билан ҳамкорликда эмас, балки уларнинг ҳисобидан амалга

оширилаётгандек туюлса, иш юкламаси кундан -кунга ошиб борса, риск даражаси кўтарилиб иш ҳақи камайиб борса, унда инновация муваффақиятсиз бўлишининг эҳтимоли катта.

Инсон предметли ёки моддий муҳитни принципиал ўзгартиришга қодир. Номоддий муҳит ҳақида эса бундай дейиш мумкин эмас. Фақат воқеъликни шакллантирувчи факторларни аниқлаш ва омиллар тизимининг ўзгариши таъсирида фойдали бўлиши кутилган нарсанинг шаклланишини умид қилиш мумкин, бу олдин мавжуд бўлганидан кўра яхшироқ ва янада такомиллашувга очиқроқ бўлади.

Инноватика фан сифатида янгиланиш мантиғи, турлари ва тамойилларини, янгиланишни ҳодиса ва жараён сифатида, шунингдек, янгиланишга ёрдам берувчи ва янгиланиш жараёнини мураккаблаштирадиган ҳолатларни ўрганади. “Ўқиб чиқ - ўрган — амалга ошир” услубида инновация тушунчасини ўзлаштиришга умид қилмаслик керак. Инновация - бу ижодкорликдир! Бу ерда биз уларнинг аҳамиятини таъкидлаш учун бир нечта тафсилотларни тезда кўриб чиқишимиз мумкин ва ҳар бир инноваторга ўз изланишлари контекстида мазкур тафсилотлар ҳақида яхшилаб ўйлаб кўришни маслаҳат берамиз.

Инновация муваффақиятли бўлиши учун қуйидагилар талаб қилинади:

• ҳисоблашишни тақозо қиладиган, ҳамкасбларига суянчиқ бўла биладиган ишончли лидер;

• ҳамкорлик тўлқинига мослашган жамоа, бунда ҳамма қуйидагиларни истайди:

- профессионал бўлишни;

- меҳрибонлик асосидаги талабчанлик ва қўллаб-қувватлашга тайёр бўлишни;

- ишга чин юракдан садоқатлиликни;

- ҳар жиҳатдан ҳалол, адолатли ва ишончга лойиқ бўлишни.

Инновацияларни жараён сифатида режалаштириш ва бошқариш мумкин, лекин инновациядан натижа ҳам бўлиши керак, бунинг ёрдамида тизим янада жипс ишлаши, ишончли ва аниқроқ бўлиши мумкин. Ташкилий инновациялар аввалгидан кўра мақсадга мувофиқроқ тузилмага, меҳнат ва масъулиятнинг аниқроқ тақсимланишига, ўзаро талабчанлик ва ҳамкорликка тайёрлик устун бўлган жамоанинг шаклланишига олиб келиши мумкин.

Яна ва яна бир-биримизга эслатиб ўтишимиз керакки, инсонлар ҳаёти ва соғлигига, табиат ва маданиятга дахлдор бўлган ҳар қандай муҳим инновацияни амалга ошириш учун формал ҳуқуқ билан бир қаторда маънавий ҳуқуқ ҳам зарур. Жамоа ўз-ўзидан инновацияни амалга оширмайди бу раҳбариятнинг ёрдами ва қўллаб-қувватлови билан содир бўлади.

Янгиланиш мажбурият эмас, балки имконият сифатида қанча тушунарли талқин қилинса, инновация шунча яхши амалга ошади. Агар бирор киши эскича услубда давом этишнинг асоссиз

эканлигини, янгиланиш пухта ўйланганлигини ва натижа талабгир ва ёқимли эканини тушунса, у янгиланишдан хурсанд бўлиши мумкин. Албатта, раҳбарият инновациялар билан бевосита шуғулланувчилар шижоатларини сарфлашлари учун шароитларни яратиши ва янгиланишларга эргашиб келадиган кўнгилсизликларнинг бартараф этилиши учун ҳамма нарсани қилишлари керак. Инновациялар туфайли иш ҳажми ортиб, масъулият доираси кенгайиши мумкин. Алоҳида таъкидлаймизки, ҳар қандай янгилик иш ҳақининг ошиши билан бирга кечиши керак.

СИФАТ БОСҚИЧИГА ЎТИШ УЧУН ИННОВАЦИЯ

Катта ташкилотдаги инновацияга мисол сифатида бир вақтнинг ўзида бир нечта университетларда ўқув дастурининг ажралмас қисми бўлган (11.3.2. – *чизмага қаранг*) модел[5] мисол сифатида келтирилган. Эҳтимол, бу талқин ватандошларни академик муассасалар доирасидан ташқарида ҳам фикрлашга ундайди.

Қандайдир тизимнинг ичида бўлиб, энг яхши ҳолатда, тизимнинг фақат маълум бир қисмларини, қуйи тизимларни ва элементларини кузатишингиз мумкин. Тизимни бир бутун сифатида кўриш учун унга ташқаридан қараш ва бунинг учун жуда кўп нуқтаи назарларни топиш керак.

[5] Ушбу модел учун китоб муаллифи ВДНХ медали билан тақдирланган.

Мажозий маънода, уйнинг ичидан туриб уни тасвирлаб бўлмайди бунинг учун сиз ташқарига чиқиб, уни бир неча томондан текширишингиз керак.

Ҳеч бўлмаганда ўнта босқични босиб ўтиш зарур.



11.3.2. — чизма. Инновация жараён сифатида

1. **Дастлабки босқич.** Бунда хавотирни уйғотаётган камчилик ҳам статикада, ҳам динамикада муаммо сифатида шакллантирилади. Амалиёт шуни кўрсатадики, бунинг учун тегишли моделлар яратилиши керак.

2. **Тадқиқот босқичи.** Бунда инновацияларни амалга ошириш қарорининиг қабул қилинишига олиб келган зиддиятлар сабабларини аниқлаш мақсадида тадқиқотлар қилинади. Аниқ қилиб айтганда, казуал (сабабий) ва функционал (бир-бирига боғлиқ) алоқалар тизими-

ни аниқлаш, шакллантириш ва нашр этиш талаб этилади. Улар топилганда “3 + 5” қоидасига эътибор қаратиш керак (13.4. — *бандга қаранг*).

3. **Проектлаш босқичи**. Бунда қарор шакллантирилади. Қониқарли қарорда камида қуйидагилар ўз аксини топиши керак:

• Жорий ҳолат, вазият ва ситуациянинг (А) статика ва динамикадаги тасаввури.

• Ҳозирги онда исталаётган ҳолат ҳақидаги тасаввур (вазият ва ситуация, (Б).

• Нима учун А ва Б ўртасидаги қарама-қаршиликка чидашда давом этишнинг иложи йўқлигини (мумкин эмаслигини) асослаш.

• Тадқиқот босқичида аниқланган ва шакллантирилган муаммо сабабларининг аҳамиятини (устуворликларини) кўрсатувчи рўйхатни тузиш.

• Курс ва мақсадни (муайян вақт давомида эришиш керак бўлган тегишли йўналиш ва ҳолат) белгилаш.

• Ўзининг ижобий ва салбий томонлари билан муқобил йўлларни аниқлаш.

• Кейинги фаолият учун асос сифатида ушбу танловга туртки бўлган далиллар билан биргаликда афзал кўрилган қарорларни шакллантириш.

• Мақсадга эришишда ва изчил, тўғри алоқани таъминлаш босқичларини аниқлаштириш.

• Фаолият тамойилларини белгилаш.

• Фаолиятни, унинг иштирокчилари ва

натижаларини баҳолаш меъзонларини аниқлаш.

• Узлуксиз қайта алоқани таъминлаш чораларини кўриш.

• Ким нима қилаётганини, шунингдек, натижа қачон ва кимга топширилиши кераклигини тавсифловчи фаолият режасини ишлаб чиқиш.

• Янги (Б) ҳолатга эришиш ва оғир оқибатлар эҳтимолини камайтириш учун қандай ҳаракат қилиш кераклигини тавсифловчи истакларни муҳокама қилиш.

• Бевосита ва билвосита жавобгарлик ва дастур иштирокчиларининг мустақил фаолият юритиши ва ўз масъулият соҳасидаги мажбуриятларини бажариш ҳуқуқларини аниқлаш.

• Ҳисобдорлик.

4. **Синов босқичи.** Бунда ғоянинг ўзини ҳам, уни реализация қилиш процедурасини ҳам синаб кўриш мумкин. Эҳтимол, ғоя ҳар томонлама мос келиши, лекин процедура нотўғри режалаштирилган бўлиши мумкин. Ёки аксинча. Иккала ҳолатда ҳам, бошига қайтиб, янги қарор шакллантириш керак.

5. **Мотивация босқичи**. Бунда ушбу янгиланишга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатадиган инсонлардан фаол дўстона ва қўллаб-қувватловчи муносабатларга эришиш керак.

Аниқ мотивацияга эга бўлган инсонларгина иштирок этиши, қўллаб-қувватлаши, такомиллаштириши, муҳофаза қилиши мумкин. Мотивациянинг мавжудлиги дастлаб кўринганидан

ҳам муҳимроқ аҳамият касб этади. Агар амалга оширувчилар ҳамкорликка тайёр бўлмаса ва ўзгаришларни қўллаб-қувватламаса, ҳатто ажойиб ғояга асосланган инновация ҳам чўзилиши ёки муваффақиятсизликка учраши мумкин.

• Мотив — ҳаракатга туртки берувчи кучдир.

• Мотивация — бу келажакка қаратилган ва истиқболли мотивлар мажмуйидир.

• Аллақачон бажарилган ва ретроспектив бўлган нарсаларни рағбатлантиришингиз (тушунтириш, асослаш, оқлаш) мумкин.

6. **Тайёргарлик босқичи.** Инсонларнинг билим ва кўникмаларини янгилаш, фаолият тамойиллари ва ҳамкорлик учун зарур шарт-шароитларни аниқлаштириш имкониятини назарда тутади. Шунда янгиланган фаолиятга тайёргарлик юзага келади. Агар лозим топилса, тузилмага ўзгартиришлар киритилади, янги жиҳозлар ва моделлар (назариялар) сотиб олинади — буларнинг барчаси умумий компетенция (мустаҳкамлик) ва хабардорликка эришиш, шунингдек, тўғри ва қайта алоқа юзага келишида барча зарур шарт-шароитларни яратиш учун амалга оширилади. Эскирган, лекин шу кунгача тўхтатиш имкони бўлмаган айлана боғлиқлик туфайли сақланиб қолинаётган (яроқсиз бўлиб қолган) нарсадан халос бўлиш шарти билан инновацияларни амалга ошириш мумкин бўлган ҳолатлар

алоҳида кўриб чиқишни талаб қилади. Эскиликдан қутулиш шу даражада қийин бўлиши мумкинки, ҳатто бу алоҳида дастур ёки параллел ташкилот тузишни талаб қилади.

7. Ўзгаришлар босқичи. Барча керакли тайёргарлик ишлари бажарилгандан сўнг бошланади. Ўзгариш бир соат ёки бир кун давом этиши ёки йилларга чўзилиши, ҳатто ўнлаб йиллар давом этиши мумкин.

8. **Мослашиш босқичи.** Халқ мақолига кўра, жўжалар кузда саналади. Инновацияларни баҳолашда типирчилаш ярамайди. Янги шароитларда муносабатларнинг мослашиши ва ўзини-ўзи тартибга солишнинг шаклланиши учун бироз вақт талаб этилади.

9. **Назорат босқичи.** Муваффақият ва муваффақиятсизликларни таҳлил қилишни назарда тутади (нима яхши амалга ошди ва нима мўлжалдагига мос келмади). Назорат натижани ҳисобга олишдан иборат эмас. Бундан ташқари, фақат хато ва камчиликларни қидириш ҳам эмас! Назоратни амалга оширишда нима муваффақиятли бўлганини, шунингдек, нима ва қандай сабабларга кўра муваффақиятсизликка учраганлигини аниқлаш ва шакллантириш керак. Ушбу инновация ҳеч қандай тарзда дахл қилмаган нарсаларни, яъни репутация, потенциал, яшаш муҳити кабиларни ҳам ҳисобга олиши керак.

10. Корректировкалашда назорат жараёнида аниқланган камчиликларнинг сабабларини

камайтириш (ёки бартараф этиш), шунингдек, зарур ресурсларни мустаҳкамлаш, шароитларни ўзгартириш ёки фаолият учун зарур олд шартларнинг янги тизими яратилади.

Атрофдаги ҳамма нарса тез ўзгариб бормоқда. Адекват кўзлов қила олмайдиган ёки ўзгаришларга сезгир бўлишни зарур деб билмайдиган инсоннинг келажаги йўқ. Йўлда давом этишнинг шарти — нарсаларга етарлича кенг назар ташлай олиш қобилияти ва олдиндан кўра билиш кўникмасидир. Проактив ҳаракат қилиш, ўзгаришлар аниқ бўлиб улгуришидан олдин чоралар кўрилиши керак. Аллақачон содир бўлиб улгурган ўзгаришларга реакция билдириш - кечикишни, кейин эса умидсиз равишда ортда қолганликни англатади.

Шу ўринда қўшимча қиламизки, эришилган ютуқлар, ўзини енгиб ўтганлик, шунингдек, жамият манфаати йўлидаги фаолият учун рағбатлантириш, эътироф этиш, мукофотлаш жадал ривожланаётган ташкилотларда аллақачон тизимли йўлга қўйилган.

ҲАР БИР ИННОВАЦИЯ КЕЙИНГИСИ УЧУН ОЛД ШАРТ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Инновация ортидан инновация келади. Уларни жуда интенсив ёки жуда секин амалга оширмаслик керак. Агар бир вақтнинг ўзида бир нечта инновациялар билан шуғулланишга киришилса, шунчаки чалкашиб кетиш мумкин. Шуни

ёдда тутиш керакки, инсонларда ишонч ҳиссига эҳтиёж бор. Фақат “Биз нима қиляпмиз, нима қилдик ёки нима қилишни режалаштирмоқдамиз?” деган савол эмас, балки “Биз нимага эришдик, нимага эришмоқчимиз ва бунинг учун нима қиляпмиз?” деган савол ҳам муҳим.

• Фақат принципиал яхши бўлган нарсани такомиллаштириш ва сақлаб қолиш жоиздир.
• Яроқсиз нарсани ва ахлоқсизликни такомиллаштириб бўлмайди!

Давлатнинг барча ислоҳотлари принципиал ва ҳар бир ватандошга тааллуқли инновациялардир, шунинг учун ҳар бир киши вазиятдан хабардор бўлиб туриши шарт.

Тизимлар фаолият кўрсатади, ўзгаради ва ривожланади, фаолият кўрсатиш бирламчи ҳисобланади.

Таъсири Конституцияга тўғри келадиган ўзгаришларга очиқ бўлиш, жамият, маданият, табиат, бутун ҳаёт ва яшаш муҳити учун хавф туғдирувчи ўзгаришларга эса кескин ёпиқ бўлиш зарур.

ИГНА ҚАДАШ МУОЖАЛАСИ МАНТИҒИ

Муаллифнинг Хитой халқ табобатида қадим замонлардан бери маълум бўлган акупунктур тамойиллари билан танишиши игна санчиш таъсирининг мантиғи жамият учун ҳам мос були-

ши керак деган фикрга олиб келди. Ушбу кузатув амалга оширилган пайтдан бери 40 йилдан ортиқ вақт ўтди ва шу вақт ичида ҳақиқатан ҳам шундай эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун бир нечта воқеаларнинг гувоҳи бўлдим.



11.3.3. — чизма. Игна санчиш мантиғига асосланадиган инновация стратегияси

Бу талқиннинг асосий қоидаларини келтириб ўтамиз.

Игна санчишдан фойдаланишнинг зарурий шарти инсон организмидаги турли регуляцион механизмларнинг энергия каналлари ва биоактив нуқталарни билишдир. 12 та игна ишлатила-

ди (6 жуфт игна, ҳар бир игна санчиш такрорланади). Биринчи жуфтлик танани уйғотиш учун мўлжалланган, иккинчи жуфтлик асосий тартибга солишнинг салбий таъсирининг олдини олиш учун мўлжалланган, учинчи жуфтлик асосий таъсирга эга, тўртинчи жуфтлик асосий тартибга солишнинг ижобий таъсирини кучайтиради, бешинчи жуфтлик юзага келиши мумкин бўлган негатив таъсирни компенсация қилади, олтинчи жуфтлик тананинг умумий мустаҳкамланиши ва тетиклашувига ҳисса қўшади.

Худди шу мантиққа кўра, жамиятда, ташкилотда, институцияда ва бошқа ўз-ўзини тартибга солувчи тизимда ҳаракат қилиши мумкин.

ҲУДУДИЙ РЕГУЛЯЦИЯ МАРКАЗИНИНГ СТРУКТУРАСИ

Инновациялар билан боғлиқ йўналиш Пиргу қишлоғида (Раплама округи) пайдо бўлган ғояга асосланади. У ерда агросаноат мажмуаси (АПК) даврида минтақавий ривожланишни қўллаб-қувватлаш бўйича ўқув маркази ташкил этилган. (11.3.4. — *чизмага қаранг*) Марказ фаолиятининг асосини илмий тадқиқотлар, шунингдек, миллий ва хорижий тажрибани умумлаштириш ташкил этарди.

Тадқиқотлар ва изланишлар ўтказиш билан бир қаторда тўртта бўлим ташкил этилди: бири лойиҳаларни тайёрлаш, иккинчиси консулта-

циялаш, учинчиси ахборот хизматлари ва тўртинчиси алоқаларни ўрнатиш учун. Ушбу фаолиятлар орқали ўқиш учун салоҳият шаклланди, ўқиш туфайли эса инновацион жараёнлар учун потенциал пайдо бўлди. Шундай қилиб, тартибга солиш даражалари ва фаолият соҳалари бўйича табақалаштирилган етарлича тизимли ўқишни ташкил қилиш имконига эга бўлинди.

Номи тилга олинган бўлинмалар номинал равишда мавжуд бўлиб, ҳар бири ўз раҳбарига эга эди, лекин матрицавий тизим фаолият кўрсатарди. Асосан, ҳар бир киши бирор нарсада бошқалардан кўра кўпроқ профессионал бўлиши ва керакли дақиқаларда ва у таклиф қилинган ёки жалб қилинган даражада барча уринишларда қатнашиши керак эди. Натижалар олтита (*тадқиқот*, *проектлаш*, *консультациялаш*, *ахборот хизматлари*, *алоқаларни ўрнатиш*, *ўқув курслари*) йўналиш бўйича сўралган ва эришилган.

Алоқаларни ўрнатишга ихтисослаштирилган бўлинмада асосий юклама хотира секторига тушарди. Бу ғайриоддий фаолиятни эслаб ўтишга арзийди. Хотира сектори инсонларнинг хотиралари ва уларнинг ҳаёти ҳақидаги ҳикояларини тўплаш, сақлаш ва тартибга солиш билан шуғулланган. Қизиғи шундаки, асосий фаолият билан бир қаторда, тўпланган маълумотларга таянган ҳолда, ўтган асрнинг 80-йилларида сектор ходимлари бир неча давр-

ларни қамраб олган спектаклни саҳналаштиришга муваффақ бўлишди.

Урушдан олдинги Эстонияда яратилган Елла Кальяснинг кундаликлари урушдан олдинги даврни, Сибирдаги ҳаётни ва Сибирдан қайтгач, бу ерда — ўз Ватанида бўлган воқеаларни эслаш ва мулоҳаза юритишга асос бўлди. Спектакл формати нафақат авлодлар узлуксизлиги тасвирини қайта тиклашга имкон берди, балки оғриқли нарсаларни эслаш, ўйлаш ва омма олдида гапириш учун жасорат бахш этди. Халқнинг ҳаётий кучини ва эътиқодини ташқи таъсир билан тиклаб бўлмайди: у умумий манфаатлар йўлида хизмат қилишни ҳоҳлайдиган, шахсий фаровонлиги машаққатларидан қўрқмайдиган ва халқнинг ҳамма нарсага қодирлиги ўзида деб ишонадиган инсонлар пайдо бўлганда тикланади.

Тарту университети ва Пиргудаги социология лабораториясида тўпланган тажрибага асосланиб шуни ишонч билан айтиш мумкинки, тадқиқот йўқлигида ўқув курслари етарлича аниқ ва самарали бўлмагани каби, тадқиқот, консультациялар, проектлаш ва алоқаларни ўрнатиш ҳам бундай ўқув курсларисиз алоҳида маънога эга бўлмаган бўлар эди. Фақатгина ривожланиш тизими самарали бўлиши мумкин, лекин унинг алоҳида қисмлари эмас.



11.3.4. — чизма. Пиргу ривожланиш марказидаги фаолият мантиғи. Инновацион фаолият олд шартлари

Ички ўқитишга асосланган ўқув марказларидаги катта инновациялар бўлса, қуйидагиларга эътиборли керак: Мисол учун, ҳар бир маҳаллий ҳокимиятда, умумдавлат ташкилот ва муассасаларида бундай ривожланиш бўлими мавжуд бўлиши мумкин. Агар ҳақиқатда ҳеч қандай тайёргарлик бўлмаса ва инновация маъмурий усуллар воситасида (мажбурлаш, босим, порахўрлик билан) амалга оширилса, унда тизим қурийди, идентитет дарз кета бошлайди ва ҳеч ким жавобгарлик ҳақида эшитишни ҳам хоҳламайди.

11.4. ИЗЛАНИШНИНГ АЙРИМ МЕТОДЛАРИ

Синергиянинг пайдо бўлиши, инсонлар ўзларини енгиб ўтиши, илгари кўринмаган янги ғоялар генерацияси учун тегишли методлардан фойдаланиш мумкин. Методлар корректив фойдаланилгандагина улкан қиймат касб этади. Агар маълум бир методда баъзи деталлар ўтказиб юборилган бўлса, унда уринишлар беҳуда кетиши ва ҳеч нарсага олиб келмаслиги эҳтимоли катта.

АҚЛИЙ ҲУЖУМ

“Ақлий ҳужум” тушунчаси аллақачон эскирган ва кўпинча оддий мунозаралар ва оммавий гурунг даражасига тушиб қолган. Уларнинг самарадорлиги синергия эффектига асосланган ҳақиқий ақлий ҳужум самарадорлигидан сезиларли даражада паст (таққослашга арзимайди). Ҳар бир инсоннинг йўлида тўсиқлар мавжуд бўлиб, уларни фикрлаш жараёни билан енгиб ўтиш қийин ва кўп вақт талаб этади. Ҳар бир инсоннинг турли хил тўсиқлари бор ва бир киши учун енгиб бўлмайдиган тўсиқни бошқа инсон осонгина енгиб ўтади.

Ақлий ҳужум давомида иштирокчилар шундай ақлий ўзаро таъсирни ривожлантирадиларки, бунда уларнинг “жамоавий мияси” ҳар қандай тўсиқларни четлаб ўтишга қодир бўлиб, ўсиб бораётган қор тўпи каби ғоялар оқимини

келтириб чиқаради ва том маънода фикрлаш инерциясини синдириб ўтишга қодир бўлган кўчкига айланади. Ақлий ҳужумни ижодий метод сифатида ишлатганда, бундай синергияни қандай яратишни билишингиз керак.

Инобатга олиниши керак бўлган ташкилий тафсилотларни кўриб чиқамиз:

• Ақлий ҳужум учун камида тўрт соат вақт талаб этилади;

• Ақлий ҳужум ўтказиладиган хонада тоза ҳаво бўлиши, сокинлик ҳукм суриши ва эътиборни тортувчи нарсалар истисно қилиниши керак. Қулай ўриндиқлар, ёруғлик, столда иштирокчиларга керак бўлган ҳамма нарса бўлиши лозим.

• Ташкилотчилар маиший ташвишлар билан шуғулланадилар, иштирокчилар эса уйга қандай етиб бориш, меҳмонхона қаерда жойлашгани, тушлик қачон берилиши ва ҳоказолар ҳақида ўйламаслиги керак.

• Ақлий ҳужум пайтида ҳеч ким бинони тарк этмаслиги зарур. Чекувчилар ва чекмайдиганлар гуруҳи алоҳида шуғулланиши лозим.

Ақлий ҳужум бошида иштирокчилар қўл сиқиш билан муҳрланган олижаноблик келишувини тузадилар. Бундай муҳокамаларда иштирокчилардан бирининг оғзидан бехосдан учиб чиққан сўзни ҳеч ким, ҳеч қаерда, ҳеч қачон эсламаслиги шарт. Бошқалар жим турганда ва қисқа гапириш керак.



11.4.1. — чизма. Тўрт соатлик ақлий ҳужум пайтидаги ғоялар оқими

Ғояларнинг туғилиши график кўрсаткичларининг энг юқори нуқталарига тўғри келади, абсолют максимум, ақлий ҳужумнинг сўнгги соатида кузатилади. Фикр графиги икки ўркачли туяга ўхшайди. Агар жараён биринчи ўркачда якунланса, унда қимматли фикрларнинг аксарияти туғилмаган ҳолда қолади.

Вақти-вақти билан ақлий ҳужум иштирокчиларидан бири дирижёр ролини ўз зиммасига олади ва агар керак бўлса, кимнинг фикр билдириш гали келганлиги ишорасини бериб туради. Агар кимдир мунозаранинг ёзиб олинишига мутлақо қарши бўлса, унда албатта ёзиб олиш

мумкин эмас. Бироқ кейинги столдан бир неча метр масофада ўтирган инсонлар қийматга эга бўлган ҳамма нарсани ёзма равишда рўйхатдан ўтказишлари керак. Ҳақиқий қимматли фикрлар туғилган тақдирда ақлий ҳужумнинг барча иштирокчилари шоҳона мукофотга лойиқдир.

Ақлий ҳужум давомида кашф қилинган топилма (аъло ғоя) тенг равишда ғояни генерация қилган гуруҳга тегишлидир.

Ақлий ҳужум - масъулиятни ўз зиммасига олиши кераклигини тушунадиган ва ҳақиқатан ҳам қийин ва хавфли вазиятдан чиқиш йўлини топиши керак бўлганлар томонидан ташкил этилади.

Агар мияга тўғри юклама берилса, у ўз имконият даражасидан ошиб кета бошлайди. Ижодкорлик ва ижодий олов инсонни атрофдаги ҳеч нарсани сезмайдиган, вақт ҳисобини унутиб, кейинчалик мўъжиза бўлиб туюлиши мумкин бўлган фикрларни келтириб чиқарадиган ҳолатга олиб келиши мумкин.

Агар фикр топилса, энди уни амалда қўллаш масаласи ўртага чиқади.

ҚИДИРУВ ЎЙИНИ

Қидирув ўйини тизимли ечимни топиш учун ташкил этилади.

Одатда ўйин икки гуруҳ ўртасида ўтказилади. Гуруҳни сардорлар бошқариб боради ва қолган иштирокчиларни ўз жамоаларига таклиф этади.

Ўйинда иштирок этиш таклифи муҳокама қилинаётган масалаларни яхши биладиган ва биринчи навбатда ўзига, шунингдек, турли талқинларга нисбатан очиқ ва талабчан инсонларга билдирилади. Шу билан бирга, улар бошқаларнинг нуқтаи назарига нисбатан мувозанатли ва эътиборли бўлиши керак. Қидирув гуруҳларига кўриб чиқилаётган муаммога алоқадор бўлмаган бошқа соҳалардаги ижодкор инсонларни жалб қилиш тавсия этилади.

Ўйинни бошловчи олиб боради, сўз беради, қоидаларни унутганларни тартибга чақиради, вақт регламентига риоя қилмаганларни чеклайди. У йиғилишни аниқ белгиланган вақтда бошлайди ва тугатади, танаффуслар эълон қилади ва бошқа тезкор маълумотларни тақдим этади. Барча таклифлар, истаклар ва буйруқлар ҳам бошловчи орқали тақдим этилади.

• Қидирув ўйинининг бошланғич нуқтаси муаммо бўлиб, уни шакллантириш ўйинга таклиф қилинган томонларнинг биринчи мажбурияти ҳисобланади.

• Қидирув ўйинининг биринчи йиғилиши муаммони тушунишни умумлаштириш учун мўлжалланади.

Ўйинда ҳакамлар ҳайъатининг ҳам ўз функциялари бор. Ҳакамлар ҳайъатида содир бўлаётган воқеаларнинг тўғрилигини кузатадиган

иккала иштирокчи гуруҳдан вакиллар бўлиши тавсия этилади. Ҳар ким ўзи билан ҳар қандай маълумотни олиб кетиши мумкин, интернетдан фойдаланишга ҳам рухсат берилади. Қидирув ўйини бўлиб ўтадиган хонада турли соҳа экспертлари (залнинг бир томонида жойлашадилар), шунингдек, турли манфаатдор томонларнинг позицияларини ифодаловчи инсонлар (залнинг қарама-қарши томонида ўтиришади) ҳозир бўлиши керак (11.4.2. — *чизмага қаранг*).

Қидирув гуруҳлари турли қараш эгалари шу билан бирга, экспертлар билан ҳам консультациялар ўтказиши мумкин. Ҳар бир босқич учун экспертлар ва манфаатдор гуруҳ вакиллари ўзларининг кенгайтирилган кузатув баҳоларини аргументлари билан биргаликда ифодалайди. Иккала қидирув гуруҳи ҳам протест билдириши мумкин.



11.4.2. — чизма. Қидирув гуруҳи иштирокчилари

Қидирув ўйинининг бошланғич нуқтаси муаммо бўлиб, уни шакллантириш ўйинга таклиф қилинган томонларнинг биринчи рақамли мажбурияти ҳисобланади. Муаммони ҳам статикада, ҳам динамикада шакллантириш керак. Ортга назар ташлаш, шунингдек, бошқа ташкилотлар, давлатлар ёки халқларга эътибор бериш тавсия этилади.

Тайёргарлик вақти муаммонинг катталиги ва жиддийлигига қараб белгиланади. Бунга бир йил, балки бир ҳафта ёки ундан камроқ вақт кетиши мумкин.

Муаммо модел кўринишида тақдим этилиши муҳим ва қидирув ўйинининг биринчи учрашуви (сессияси) муаммо тўғрисида умумий тушунчаларга эга бўлиш учун ўтказилади:

• Ўйиннинг биринчи сессиясида кейинги фаолият учун ягона асос (модел) шаклланади. Нима ҳақида фикр кетаётганлигининг ягона умумий тушунилишига эришилади. Иштирокчилар қидирув ўйини асосида ётган ҳодиса ёки жараённинг хусусиятлари қандай эканлиги тўғрисида келишиб оладилар. Муаммони шакллантириш учун муҳитни, шунингдек, муҳитнинг ривожланишига ёрдам берадиган ёки унга зарар етказадиган факторларни шакллантириш керак бўлиши ҳам мумкин.

• Иккинчи сессияда қидирув ўйинида иштирок этаётган томонлар, ҳақиқий ҳолат, вазият ва ситуация ҳақида ўз англамаларини тақдим этадилар. Томонлар нуқтаи назари икки баллдан кўпроқ фарқ қиладиган ҳолларда (10 балли шкала бўйича), аргументларни тақдим этиш, тушунтиришлар бериш ёки мутахассисларни ёрдамга чақириш керак, чунки бошланғич позиция етарлича яқин бўлиши зарур.

• Учинчи сессияда ҳолат қандай бўлиши кераклиги ҳақида фикр шакллантирилади. Ўз нуқтаи назарларини асослаш, ўтмиш ва қўшни ташкилот, мамлакат ва ҳоказоларда содир бўлаётган воқеалар билан солиштириш назарда тутилади.

• Тўртинчи сессияда томонлар мавжуд ва, истакдаги ҳолатни таққослаш жараёнида юзага келадиган қарама-қаршилик сабаблари тўғрисида ўз қарашларини тақдим этадилар.

• Бешинчи сессияда қарама-қаршилик сабабларини бартараф этиш (енгиб ўтиш, камайтириш) учун қандай чоралар (чоралар тизими) қўлланилиши мумкинлиги тўғрисидаги таклифлар кўриб чиқилади.

• Олтинчи сессияда томонлар бир-бирларини яқин ва узоқ келажак ҳақидаги тасаввурлари, шунингдек, кейинги ҳаракат йўналишлари билан таништирадилар. Бошқача айтганда, фаолиятнинг курслари ва мақсадларига аниқлик киритилади. Буларнинг барчасини аниқ саналар, ижро-

чилар, зарур ресурслар ва улардан фойдаланиш шартлари, фаолият тамойиллари ва раҳбарлик ва ўзини-ўзи бошқариш учун зарур бўлган барча нарсаларни кўрсатадиган дастур шаклида тартибга солиш тўғри бўлади.

Ҳар бир сессия давомида, кўрган ва эшитган нарсаларга асосланиб, ҳакамлар ҳайъати ўйинда иштирок этаётган ҳар икки томонга баллар шаклида баҳо беради. Ҳисоблашда талқиннинг изчиллиги, аниқлиги, аргументацияси, муҳокаманинг валидлиги, баёнотларнинг қамрови, шунингдек, эксперт ва манфаатдор гуруҳлар вакилларининг баҳолари ҳисобга олинади.

Ўйинни кузатиш учун икки-уч нафар жамоат арбоби, олимлар ва камида битта журналистни таклиф қилиш тавсия этилади (танқидий кўз билан кузатиб боришлари учун). Қидирув ўйини оммавий ахборот воситаларида ёритилиши, филмга олиниши ва турли роллардаги иштирокчилар билан интервью уюштирилиши мумкин.

Мавзу ёки муаммодан келиб чиқиб, қидирув ўйини 3—4 кун ёки ундан ҳам кўпроқ давом этиши мумкин. Ўйин давомида иштирокчини чалғитадиган ва вақтини оладиган бошқа ташвишлардан халос бўлиш тавсия этилади. Ўйинда иштирок этиш учун катта гонорар берилиши керак.

Қидирув ўйини — бу ўйин шаклида ташкил этилган жамоавий ижоддир.

Ўйиндан кейин бундай муаммоларни кўриб чиқиш учун алгоритм яратиш мақсадга мувофиқ.

Қидирув ўйини билвосита натижаларга ҳам олиб келади. Ҳар бир ўйинда 50—60 киши турли ролларда иштирок этиб, улар ўйин тугагандан сўнг ҳам ўз изланишларини давом эттирадилар. Ўйин давомида инсонлар янада профессионал бўлишга эришади. Қидирув ўйини — бу зарур муҳокама ҳароратини, шунингдек, самарадорлик инфратузилмасини яратиш учун ўйин сифатида ташкил этилган жамоавий ижоддир. Айтишимиз мумкинки, қидирув ўйини бир вақтнинг ўзида тадқиқот ва таълим методидир.

Қидирув ўйини ёрдамида: транспорт тармоғидан тортиб ҳукумат ислоҳоти, табиатни муҳофаза қилиш, ёғочни қайта ишлаш, ўқитувчилар малакасини ошириш, университетни модернизация қилиш, маҳаллий ўз-ўзини бошқаришни тиклаш, халқ таълими тизимини яратиш ва қандайдир одамлар гуруҳи интеграциясини таъминлашгача турли хил объектлар ва тизимлар учун мукаммал ечимларни яратиш мумкин.

ДИСПУТ

Диспут — бу маълум қоидалар билан чегараланган, у ёки бу тарзда қатъий йўналтирилган полемикадир. Диспут ўрнига инсонлар кўпинча оддий суҳбатлар билан чекланишади. Диспут, эга иштирокчилар тубдан фарқ қилувчи нуқтаи назарларда эга собит бўлганда, аста-секин ўсиб бораётган баҳс юзага келган ҳолларда ташкил

этилади. Мажозий маънода диспут - бу жуда камдан-кам ҳолларда дуранг билан якунланадиган дуелни эслатувчи фикрлар курашидир. Бу ерда биз муҳим бўлган барча тафсилотлар методини тасвирлаймиз.

Бошланишига иккала позициядан ўз нуқтаи назарининг тўғрилигига ишонган вакиллардан бири сардор сифатида танланади. Кейин сардорлар ҳамфикр инсонлардан иборат жамоани шакллантиради ва улар ўз позицияларини омма олдида ҳимоя қилишади ва рақибнинг нуқтаи назарини рад этиш учун тайёргарлик кўришни бошлайдилар.

Ташкилотчиларнинг ташаббуси билан томонлар диспутнинг вақти, жойи ва давомийлиги, саволлар сони, саволлар ва жавоблар ҳақида ўйлаш учун ажратилган вақт, нотиқларнинг сони ва нутқ давомийлиги ҳамда бошқа техник ва ташкилий тафсилотларни келишиб оладилар.

Баҳсга тайёргарлик кўраётган иккала томон ҳам саволларни шундай тузадиларки, жавоб бериш жараёнида қарама-қарши томон ўз нуқтаи назарининг нотўғрилигини пайқаш имкони, шунингдек, рақибларининг ҳужумларини қайтаришга тайёрланишга имкон бўлиши талаб этилади. Бундан ташқари, улар ўз позицияларини (асос солувчи қоидаларини) ҳимоя қилиш ва қарши томоннинг асосий қоидаларини рад этиш учун 4—5 та қисқа (одатда уч дақиқадан кўп бўлмаган) нутқ тайёрлайдилар. Махсус ҳолат-

ларда баҳс томонлардан бири ўз ҳукмларининг нотўғрилигини тан олмагунча давом этиши мумкин. Диспут оммавий ахборот воситаларида ёки бошқа форматдаги нашрлар орқали узоқ муддатли фикр алмашишни бошлаб бериши мумкин.

• Диспут - бу муайян қоидалар билан чегараланган, у ёки бу тарзда қатъий йўналтирилган полемикадир.

• Диспут - бу барча деталлари аҳамиятли бўлган методдир.

Тайёргарлик босқичида иккала гуруҳ ҳам ўзлари хоҳлаганча инсонни жалб қилишлари мумкин, аммо охирида фаол полимикага кириша оладиган 4 тадан 6 тагача инсонни танлаш керак. Улар саҳнага чиққан вакилнинг ўрнини тўлдириб, баҳс генерациясининг узлуксизлигини таъминлайди. Иккала жамоани ҳам қуръа ташлашда қатнашадиган сардорлар бошқаради, керак бўлганда шарҳ беради ва протестлар келтиради. Айнан капитан баҳс давомида қайси стратегияни танлашни, қайси саволга гуруҳ номидан ким жавоб беришини, ким сўрашини, ким гапиришини ва ҳоказоларни ҳал қилиши керак.

Диспутнинг формати ҳакамлар ҳайъатининг мавжудлигини назарда тутади, унинг вазифаси полемикага қандай баҳолар берилишини аниқлаштиришдир. Ҳакамлар ҳайъати барча

саволлар, жавоблар, чиқишларни диққат билан кузатиб, қайси томон иккинчи ўринга лойиқ, қайси бири биринчи ўринни эгаллаши ҳақида бир хулосага келиши керак.

Диспутда ўз нуқтаи назарининг тўғрилигини ишончлироқ ва тизимли равишда исботлашга муваффақ бўлган киши ғолиб ҳисобланади. Камдан-кам ҳолларда диспут пайтида томонлардан бири тўсатдан рақибнинг ғалабасини тан олади ва таслим бўлади. Ғалаба қоидага кўра талқиннинг тизимлилиги, аргументларнинг ишонарлилиги, нутқ маданияти ва фикр уйғунлиги кабилар инобатга олинган ҳолда баллар асосида аниқланади.

• Бошланишида ҳар бир томон ўз нуқтаи назарини эмас, балки рақибининг нуқтаи назарини баланд овозда баён қилиши керак, шунда барча (жумладан, ҳакамлар ҳайъати ва томошабинлар ҳам) ҳамма нарсани тўғри тушунганлигига ишонч ҳосил қилиши мумкин. Шундан сўнг бошловчи томонлар вакилларини қуръа ташлашга таклиф қилади ва танга ташлайди; кимга омад кулиб боқса, баҳснинг биринчи босқичида жамоаларнинг саволлар бериш навбатини танлайди.

Иккинчи қуръа иккинчи босқичдаги чиқишлар қандай кетма-кетликда бўлишини аниқлаштиришга имкон беради (аслида, ким охирги бўлиб чиқиши аниқланади).

• Диспут барча процедурали масалалар ҳал қилингандан кейин бошланади. Бошловчи тинч-

лик сақлашни сўрайди ва қуръа натижаларига кўра, биринчи сўз ҳуқуқини олган томонга ўз саволини бериш имкониятини тақдим этади. Кейин бошловчи қарама-қарши томонга юзланиб, савол тушунарлими ёки йўқлигини сўрайди. Агар савол аниқ берилмагани маълум бўлса, бошловчи ҳакамлар ҳайъатига мурожаат қилиши керак. Агар ҳакамлар ҳайъатининг фикрига кўра, савол чалкаш тарзда тузилган бўлса, унда бошловчи уни қайтадан беришни сўрайди ва бундай хатога йўл қўйиган жамоа биринчи жарима балига эга бўлади.

Диспутдаги савол - бу сўроқ белгиси билан тугаган содда гапдир. Бир сўз билан "ҳа" ёки "йўқ" деб жавоб бериш мумкин бўлган саволни яхши савол деб бўлмайди.

NB! *Диспут форматида савол баёнотларни ўз ичига олмаслиги ва бир нечта сўроқ гаплардан иборат бўлмаслиги керак.*

Агар жавоб берувчи савол аниқ деб топса, бошловчи муҳокама учун вақтни эълон қилади, вақт тугаши билан жамоа жавоб беради.

Жамоа нутқидан сўнг, бошловчи рақиб жамоадан саволга жавоб олинганми ёки йўқлигини сўраши керак. Агар савол берувчи жавобни қониқарсиз деб даъво қилса ва унда мавзуга тааллуқли бўлмаган маълумотлар мавжудлигини иддоа қилса, бошловчи ҳакамлар ҳайъатининг фикрини сўрайди. Агар ҳакамлар ҳайъати ҳам жавоб саволга мос келмаслигини аниқласа,

сўровчилар янги савол бериш ҳуқуқига эга бўладилар ва хатога йўл қўйган жамоа босқични ўтказиб юбориб, ўз жарима балини олади. Агар жавоб қабул қилинган бўлса, у ҳолда савол бериш ҳуқуқи бошқа томонга ўтади.

Жавоб беришга тайёргарлик кўриш ва жавоб бериш учун бир ярим дақиқадан кўпроқ вақт бериш ноўрин, акс ҳолда диспут чўзилиб кетади. Аксинча, узоқ жавоблардан кўра кўпроқ саволлар беришга рухсат бериш ўзини оқлайди. Лекин бу қоида эмас. Жиддий академик диспутлар бўлса, жавоб қатъий асослантирилган бўлиши мумкин.

• Диспут — бу аниқ қоидалар асосида ташкил этилган интенсив полемикадир.

• Дискуссия ҳам бошқа шаклда кечадиган полемикадир.

Барча савол-жавоблар тинглангач, чиқишлар бошланади.

Охирида реплика чиқишлари бўлиб ўтади. Реплика бир неча сониядан ортиқ давом этиши мумкин эмас ва гуруҳлар навбатма-навбат чиқиш қилади.

Диспут интернетдан фойдаланган ҳолда ёзишмалар шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин. Бу ҳолатда, шунингдек, бошловчи ҳакамлар ҳайъати ва барча баҳслашаётган томонларга маълум бўлган ва диспут иштирокчилари аниқ риоя қилишга ваъда берадиган қоидалар мавжуд бўлади.

Полемика маданияти текис жойда ўз-ўзидан шаклланмайди. Полемикада мағлуб бўлиш уят эмас, ғоялар кураши абадийдир.

Аргументация тизимли бўлиши ва тизимли равишда тақдим этилиши муҳимдир. Кўпинча биринчи, иккинчи ва учинчи таъкидлар урғуланади, лекин ҳеч қандай аргументларсиз.

Диспут полемикасида иштирок этгаётганларга ҳамфикр бўлган инсонлар жараённи кузатишлари мумкин. Тажриба шуни кўрсатадики, диспут икки-уч соат давом этади.

Масалан, жамиятнинг бир қисми тўлиқ механизациялашган ҳолда дарахтларни кесиш ўрмон хўжалигини юритишнинг энг мақбул усули деб даъво қилса, иккинчи қисми эса бу усулни қўллаш принципиал жиҳатдан мумкин эмас деб ҳисобласа, диспут ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

12-БОБ. ҲАМКОРЛИК

12-БОБ. ҲАМКОРЛИК

Ҳаётни рақобат эмас, ҳамкорлик олдинга ҳаракатлантиради.

Ҳар бир инсон якка ҳаракат қилишга ҳақли ва имконли, аммо жиддий натижаларга фақат ҳамкорликда эришиш мумкин.

12.0. УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

Қишлоқлардаги барча йирик ишлар толока *[ҳашар]* форматида амалга оширилган пайтларни кекса авлод ҳамон эслайди. Толокага бутун қишлоқ йиғилган. Инсонларнинг бир қисми толока иштирокчиларига овқат тайёрлаган, яна бир қисми болаларга қараган, қолганлари толока учун режалаштирилган ишлар билан шуғулланишган, уй ёки йўл қуришган, гўнг ташишган, буғдой янчишган ва ҳақазо.

Бугунги кунда ҳам инсонлар бир ўзи ҳал қилиб бўлмайдиган ишни зудлик билан қилиш керак бўлган ҳолларда бир ерга жамланадилар, агар керак бўлса, ресурсларни, шу жумладан пул, таниш-билишлар, билим ва кўникмаларни бирлаштирадилар.

Баъзи ҳолларда ҳамма нарса яхши кетади, лекин, афсуски, кўпинча ҳамкорликдан кўзланган мақсад амалга ошмайди. Кўпчилик бирон нарсага эришиш учун ғайрат қилишга одатланмаган. Баъзилар нима учун бошқаларнинг муваффақият қозонишига шароит яратиш кераклигини тушунмайди ва кимдир уларнинг ғояларини ўғирлаши ва натижада, бошқалар бойиб кетишидан қўрқишади. Яна кимлардир шунчаки гап нима ҳақида кетаётганини ёки атрофдагилар қаерга интилаётганини тушунолмайди.

Ҳамкорлик — бу муваффақиятга эришиш учун ўзаро шароит яратиш демакдир.

Муҳими, инсонларни бир-биридан ажратиб турадиган эмас, балки уларни бирлаштирадиган умумийликдир — яъни куч-ғайратини сарфлашга, диққатни жамлашга халақит берадиган ва чалғитадиган ҳамма нарсадан воз кечишга мажбур қиладиган нарсадир.

12.1. ҲАМКОРЛИКНИНГ ОЛД ШАРТЛАРИ

Ўқувчига маълумки, инсонлар орасидаги муносабатлар субъект ва субъект ўртасидаги, шунингдек, субъект ва объект ўртасидаги муносабатларга бўлинади (6.0. — *бандга қаранг*). Биринчи ҳолатда ҳар икки томон ҳам бир-бирини субъект сифатида кўради. Иккинчи ҳолатда

эса бир томон ўзини субъект, шеригини эса объект сифатида кўради. Мулоқот фақат субъектлар ўртасида вужудга келиши мумкин. Агар бошқа шахсни объект деб ҳисоблайдиган субъект ҳақида гап кетаётган бўлса, унда биз мурожаатга дуч келган бўламиз.

Қобилият, шу жумладан, ҳамкорликка бўлган қобилият фақат субъектларда мавжуд. Предметлар, ҳодисалар, жараёнлар кабиларнинг қобилияти бўлиши мумкин эмас.



12.1.1. — чизма. Ҳамкорлик учун керак бўладиган умумий тасаввурлар

Ҳамкорлик — интилишлар мослигини, ўзаро тушуниш ва адаптацияни назарда тутади. Яхши муносабатлар ҳамкорликнинг олд шартидир. Ўз

навбатида, муносабатларнинг зарурий шарти бўлиб томонларнинг бир-бири билан ҳисоблашиши, ўртадаги ишонч ва ҳурматнинг мавжудлиги ҳисобланади. Бу зиддиятнинг йўқлиги эмас. Масала зиддиятни қандай расмийлаштириш, уларни тушунтириш ва ҳеч бир томонни жабрланувчи ҳолатига келтирмайдиган ечимларни топишдадир.

12.1.2. — чизма. Ҳамкорлик учун келишувларга эришиш талаб этилади

Ҳаммани ютуққа етаклайдиган ечимларни топиш осон эмас, лекин айнан шундай ечимлар мувофиқлаштирилган ҳамкорлик орқали изланиши керак. Барча томонлар ўзларини ғолиб сифатида ҳис қилишлари учун ҳамкорликка таъсир этувчи омиллар билан тизимли равишда шуғулланиш керак.

Ҳамкорлик муваффақиятли бўлиши учун қуйидагиларга изчил ҳаракат қилиш керак:

• масалани тушуна олиш, шу жумладан, соҳа тилини (терминология ва концепция аниқлигини) билиш;

• бир-бирини тезкор, тизимли ва ишончли алоқа билан таъминлашга ўзаро хоҳишнинг мавжудлиги (ҳамкорлар биз ҳақимизда хабардор бўлишлари ва биз ҳам улар ҳақида хабардор бўлишимиз керак);

• қуйидагилар ҳақида бир хил тушунчага эга бўлиш лозим:

- курслар ва мақсадлар, шунингдек, курсни ушлаб қолиш ва мақсадга эришиш воситалари ҳақида;

- ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва жавобгарлик ҳақида;

- фаолият тамойиллари ҳақида;

- баҳолаш меъзонлари ҳақида;

- тўғри ва қайта алоқа ҳақида;

- моҳият ва ташқи кўриниш ҳақида;

• қуйидаги шартларга риоя қилиш лозим:

- томонларнинг (умумий ишга) ўзаро ҳиссасини тан олиш;

- натижаларни адолатли тақсимлаш;

- юзага келиши мумкин бўлган оқибатлар учун умумий жавобгарлик.

12.1.3. — чизма. Ҳамкорликка асос бўладиган факторлар

Ҳар бир инсон якка ҳаракат қилишга ҳақли ва имконлидир, лекин ҳамкорликда бир-бирини тўлдириб, илҳомлантириб ва рағбатлантириб, муваффақиятга зарур шароитларни яратиб ҳамда ишонч туйғусини бериб, жиддий натижаларга эришиш мумкин.

• Ҳамкорликнинг олд шарти — бу яхши муносабатлардир.

• Ўзаро ишонч, ҳурмат, эътибор, ҳалоллик, адолат, аниқлик, ўзига хослик ва профессионализмга асосланган мулоқот - муносабат ўрнатишнинг олд шартидир.

Ҳаётни рақобат эмас, ҳамкорлик ҳаракатлантиради. Ҳамкорлик қилиш қобилияти ва истаги ривожланишнинг асосий олд шартларидан биридир.

12.1.4. — чизма. Ҳамкорликнинг таъсир доираси

Ўқувчи чизмалар ёрдамида ҳамкорликнинг зарурий шартлари, омиллари ва таъсирини мустақил равишда ўрганиши мумкин, аммо биз бу мавзуга батафсил тўхталмаймиз.

12.2. РАҚОБАТ ЁКИ ҲАМКОРЛИК?

Курашни мусобақадан фарқлаш керак. Рақобат курашнинг бир шакли - бунда бошқаларни сиқиб чиқарадиган, уларни кучсизлик ва банкротликка олиб келадиган киши ғолиб бўлади. Кураш ресурсларни барбод этиш ва шароитларни йўқ қилиш эвазига амалга оширилади. Рақобат - бу “катта болаларнинг ўйини”, урушнинг суррогати, рақобат баъзилар учун нормал ҳолат, аммо ватандошлик жамияти учун кераксиз нарсадир.

Ҳамкорликка интилиш керак. Мисол тариқасида, корхоналар кластерларини келтириш мумкин. Уларда бир-бирига ўхшаш ташкилотларнинг бутун гуруҳи ўз фаолиятида бир-бирларининг муваффақияти учун олд шартларни яратади - бунинг натижасида ҳамма бойиб боради ва яккаликда эришгандан кўра кўпроқ фойда олади.

Мусобақа, энг яхши натижага эришиш мақсадида ўтказилади.

Кураш рақибдан қутулиш мақсадида амалга оширилади.

Ҳурмат ва ишончга қўшимча равишда, ҳамкорлик учун бир қатор умумий тасаввурлар талаб этилади (12.1.1. — *чизмага қаранг*). Матрицали тузилишга эга тизимни қўллаш жамиятда ҳамкорлик учун самара бериши мумкин (11.3.4. — *чизмага қаранг*).

Ватандошлар рақобат ўрнига бир-бирларига керакли хизматларни кўрсатишга қандай эришиш мумкинлигини ўйлаб кўришлари керак. Ишнинг муваффақиятли кечиши раҳбариятнинг маънавий ва профессионаллик даражасига боғлиқ; бу шахс, ташкилот, институцияларга ва умуман давлатга ҳам тегишли.

Уруш - бу давлатлар ўртасидаги рақобатнинг экстремал шаклидир. Урушдан мақсад барбод қилиш бўлиб, ғолиб томон мағлуб ҳисобидан ўзи хоҳлаган ишни қилишини кузатиш мумкин. Аммо ғолиб аниқ бўлган тақдирда ҳам, қоида тариқасида, урушда қайси давлатлар энг кўп йўқотишларга дучор бўлганини тарих яққол кўрсатиб турибди. Уруш - бу глобал бахтсизлик ва бузғинчиликдир, ҳар қандай йўл билан урушнинг олди олиниши керак. Урушдан энг кўп жабр кўрадиган қатлам - бу оддий халқдир.

Ҳар қандай қарама-қаршилик компромисс билан якунланиши мумкин. Компромисс - бу ҳар бир томон дастлаб режалаштирилган нарсанинг фақат бир қисмига рози эканлигини расмийлаштирувчи қарордир. Компромиссга эришиш учун конфликт томонлари бир неча қадам орқага қайтишлари керак.

Атрофидаги тизимларнинг ҳаётийлик кучини мақсадли йўқ қилишга қаратилган бошқа бир тизимни яратиш - бу ахлоққа зид танловдир. Йўқ қилишнинг рафинирланган [*нозик*] усули “ёрдам қўлини чўзиш” [*ўзгалар давлатида денацификация, демилитаризацияни амалга*

ошириш] ҳисобланади. Яна бир бор таъкидлаш жоизки, мустақилликни оширишга туртки берадиган нарсанигина ҳақиқий ёрдам деб қабул қилиш мумкин. Қарамликни вужудга келтирадиган, ҳаёт мантиғи ва тузилишини бузадиган ҳар қандай нарса ҳалокатлидир.

• Компромисс - бу ҳар бир томон ўзи ҳоҳлаган нарсанинг фақат бир қисми билан қаноатланишини англатувчи қарор.

• Компромисс ҳеч кимни тўлиқ қониқтирмайди, акс ҳолда ҳеч бир натижа чиқмаслиги сабабли томонлар ўзлари хоҳлаган ёки керакли нарсани қисман олишга рози бўлишади.

• Савдо ва сиёсий келишувларнинг аксарияти компромисс ҳисобланади.

Ҳаёт мантиғи инсонлар учун ҳам, корхоналар учун ҳам, бошқа ўз-ўзини тартибга солувчи тизимлар учун ҳам бир хил амал қилади: туғилиш, ўсиш, навқиронлик, сўниш ва ўлим. Ташкилотнинг ҳаётийлигини узайтириш, ўзгаришлар учун тўғри вақтни топиш ва тизимни сифат жиҳатидан янги ҳолатга чиқиши учун етарлича радикал бўлиш муҳимдир (11.3. — *бандга қаранг*).

Молиявий ёрдамга боғланган тизим ёки лойиҳаларнинг яратилиши ҳаёт мантиғини бузади, шахсий ғараз ва қашшоқликка туртки беради. “Япроқдай тўкиладиган пул” мавжуд бўлганда, янги нарсаларни ихтиро қилиш ёки амалга оширишга ҳеч қандай имконият бўлмайди ва ҳатто

бунда маъно ҳам йўқ. "Тушлик текин бўлмайди" деган гап бор. Албатта, текин тушлик бор, лекин ҳамма учун эмас ва абадий эмас. Қарамликка асосланган муносабатлар ўз давлатидан мосуво бўлиш ёки эмиграция каби турли бахтсизликлар билан якунланиши мумкин.

Агар бирор бир минтақада кимдир бутун ёз давомида қушларга дон бериб турса-ю, совуқ тушиши билан буни тўхтатса нима бўлишини бир тасаввур қилиб кўринг. Ташқи кўмакка асосланган иқтисодий модель - бу ёрдам оқими тўхташи биланоқ қулаб тушадиган нотўғри йўлдир.

Бир қанча халқлар ва давлатлар аллақачон бундай тузоққа тушиб бўлишган.

• Ҳамкорлик фақат ишлаб чиқариш ва транспортга тааллуқли эмас.

• Ҳамкорлик ҳаётнинг барча жабҳаларида, шунингдек, давлат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, парламент ва бошқа конституциявий институтларда бирдек муҳим аҳамиятга эга.

ҲИРС – КЎЗЛОВ БЎЛИШИ МУМКИН ЭМАС

Иқтисодиёт нима? Табиат, технология, инсонлар каби ҳамма нарса ўз тузилишига (элементлар, қисмлар, қуйи тизимларнинг бир-бирига нисбатан жойлашиши) эга. Академик Уно Мерестэ таъкидлаганидек, иқтисодиёт — бу турли тузилмаларни, уларнинг фаолияти, ўзгариши ва ривожланишининг самарадорлиги, интенсив-

лиги ва мақсадга мувофиқлигини тавсифловчи нисбий рақамлар тизимидир.

Очкўзлик ва қўполлик, табиат, маданият ва бошқа инсонлар ҳисобидан бойиш инсон учун кўзлов бўлмаслиги керак. Эҳтиёткорлик, инсонпарварлик, келажак авлодлар учун ғамхўрлик, ҳаёт ва яшаш муҳитини муҳофаза қилиш ва асраш кўзлов бўлиши мумкин. Ўтган асрдаги уруш қўзғатувчилар ахлоқий компасга эга бўлмаган, инсонларнинг азоб-уқубатларига ва яшаш муҳитининг вайрон бўлишига бефарқ бўлган социопатлар эди. Ватандошлар - социопатлар ҳокимиятга келмасликлари учун ҳушёр туриши лозим. Ҳокимиятга келган социопат инсон эътиқоди ва ҳаётини йўқ қилиш имкониятини қўлга киритади.

Мазкур ҳолатда чиқиш йўли - бу ҳамкорликдир. Ҳамкорлик фақатгина моддий соҳага - ишлаб чиқариш, транспорт ва ҳоказоларга тегишли деб ўйлаганлар хато қилади. Ҳамкорлик жамиятнинг барча жабҳаларида, шунингдек, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, парламент ва бошқа конституциявий институтларда бирдек муҳим аҳамиятга эга.

Сайлов даврида сиёсий кураш қизғин давом этади, сўнг эса ҳамкорликка навбат келади. Коалиция бирлашмаларининг асосий мақсади мухолиф партияларни қоралаш ва қонун ижодкорлиги жараёнидан четлаштириш бўлмаслиги керак; бунда, муаммо ечими учун ҳамкорлик қилиш ва барча интеллектуал салоҳиятни жалб қилиш устувор бўлиши керак.

12.3. ҲАМКОРЛИККА ТЎСИҚЛАР

Ҳамкорлик - бу чиқиш йўлидир, лекин бу йўлда муваффақиятга эришиш учун бюрократия ва демагогияни енгиб ўтиш керак. Жиддий ташвишлар (13 — *бобга қаранг*) фақат ҳалол меҳнат билан бартараф этилади.

Бюрократия аввалги бобларда муҳокама қилинган бўлса-да, келинг, бу мавзуга яна тўхталиб ўтамиз. “Бюрократия” атамаси бир неча, баъзан қарама-қарши маъноларда қўлланилади. Бюрократия - бу расмий иш юритиш, ҳужжатлар билан қатъий белгиланган тартибда муомала қилиш, ишлов беришдир. Шу билан бирга, “бюрократия” атамасининг яна бир маъноси бор — бу икки оёқ устидаги колосс, улардан бири авторитетларнинг асослантирилмаган структураси, иккинчиси эса сирлиликдир.

Бюрократия — бу ғайриинсоний қудратга эга бўлган ёвузликдир. Тарихда буюк ва кичик халқларнинг бюрократия олдида ожиз қолганлигини кўрсатувчи мисоллар етарли. Дарҳақиқат, агар халқ бирмунча вақт бюрократиянинг тарқалишига кўз юмса, тез орада унинг кейинги тарқалишига самарали қаршилик кўрсатишга кучлари қолмайди.

Бунда, давлат институтлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг - уятсиз ғаразгўйлик, “катталарга” нисбатан лаганбардорлик, “пастдагиларга” нисбатан такаббурлик, профессионалларни сиқиб чиқариш, маълумот-

ни яшириш, аҳмоқлар бирдамлиги ҳамжамиятини вужудга келтириш билан кечувчи формализм ботқоғига ботиш фақат вакт масаласидир. Бюрократга билимнинг ҳам, олимнинг ҳам қизиғи йўқ.

Бугунги кунда халқ журналистлар билан биргаликда бюрократиянинг тарқалишини назоратда ушлаб, унинг босимини жиловлай оладими ёки бюрократия халқни бурчакка сиқиб бораверадими деган савол очиқлигича қолмоқда. Агар бу содир бўлса, демогогия гуллаб-яшнайди.

Жамият ва ватандошларнинг энг шафқатсиз ва ҳалокатли душмани бўлган бюрократияни таниб олиш учун биз унинг асосий хусусиятларини яна бир бор келтирамиз:

• расмиятчилик ва қоғозбозликка асосланган фаолият, "юридик жиҳатдан, бизда ҳамма нарса тўғри" схемаси бўйича ишлаш;

• махфийлик, сирлилик ва яширинлик;

• ёлғон ва демагогиянинг гуллаб-яшнаши;

• сайлов ва танловларни "керакли инсонларни" ҳокимиятга олиб келадиган сохта схемалар билан алмаштириш.

ДЕМОГОГИЯ ЎЗИ НИМА?

Демагогияни тушуниш учун, халқ демогогларни таниши ва демагогларнинг ўз хатти-ҳаракатларидан уялишларини таъминлаш учун унинг усулларидан хабардор бўлиш керак.

Агар инсон ўзини қандай тутишни билмаса, бирон нарсани эплай олмаса, ўқиб-ўрганиш-

га дангасалик қилса, лекин шу билан бирга лавозимни тарк этишни ҳам истамаса, ўзининг борлигини кўрсатишни мақсад қилиб, ўрнини сақлаб қолиш учун демагогияга мурожаат қилади. У бошқалар ўз ишларини эплай олмаётгани, диққатни жамлашни ҳоҳламасликларини, ўрганиш истаги йўқлиги, ҳаракатчан эмаслиги ва ўзгалар муваффақияти учун шароит ярата олмаслиги ҳақида гапира бошлайди.

Бошқаларни қоралаш - бу ўзингиз ва ўртоқларингиз ҳақида энг яхши “таассурот” қолдириш учун қадим замонлардан бери бизгача етиб келган, яхши сақланган ва фаол қўлланилган демагогия усулларидан биридир. Демогогиянинг энг кўп қўлланиладиган усуллари мазкур бобнинг охирида келтирилган.

Ўзининг етарли билимга, маълумотга эга эмаслиги, бу борада тажрибаси йўқлиги каби оддий сабабларга кўра қандайдир муҳокама ёки қарор қабул қилишда иштирок эта олмаслигини ошкора эълон қиладиган амалдор ёки депутатни учратганмисиз? Ёки у ўз фаолиятининг мумкин бўлган оқибатларини олдиндан етарлича кўра олмаслигини ва шунинг учун бошқа иш билан шуғулланиши кераклигини тан оладими?

Агар бирор киши формал кўринишда лавозимга эга бўлса, лекин ўз фаолияти натижалари учун жавобгарлик мажбуриятига эга бўлмаса, бу қанчалик даҳшатли туюлмасин, у бирон нарсани тушунишга мажбур эмас.

Демогогия:

• инсонларни қасддан чалғитишга йўналтирилган усуллар тўпламидир;

• демогогия ҳақиқатни бузиб кўрсатишнинг шундай методлар тизимики, улар ёрдамида:

- фаолиятнинг реал мотивлари ва иштирокчиларини яшириш мумкин;

- воситани мақсад сифатида кўрсатиш мумкин;

- ишонч, умид ва севги туйғуларини сўндириб, ишонч ўрнини шубҳа ва қўрқув эгаллайдиган - абсурд ҳолатини келтириб чиқариш мумкин.

Маълум бир лавозимни асоссиз равишда эгаллаган инсонлар қоида тариқасида, ўзларининг кимлигини, нима қилаётганини ва фаолияти натижасида нима бўлишини ўзгалар тушуниб қолмаслигига қайғура бошлайди. Нопрофессионал ишчи ўз лавозимида қолиш учун атрофига ўзига ўхшаган ёки ўзидан-да нодонроқ нусхаларни йиғишни бошлайди (11.1. — *бандга қаранг*). У икки юзли ва айёр бўлиши билан бирга демогогия усулларини ҳам эгаллаши керак бўлади.

НОПРОФЕССИОНАЛЛИКНИ НИҚОБЛАШ

Демогогия, инсонларда қуллик зеҳнияти тарбияланадиган мамлакатларда кўп қўлланиладиган кучли усулдир. Ўз мияси билан фикрлай олмай-

диган, қадриятлар шаклланишига асос бўладиган тизим, қуйи тизим ва метатизимларни кўрмайдиган ва тушунмайдиган, заиф таълим олган ва информацияланмаган инсонлар ҳаётий вазифаларни мустақил равишда ҳал қила олмайдилар.

Боғланиш ва боғлиқликни, сабаб ва оқибатларни, тартибга солиш ва раҳбарлик даражаларини, жараёнлар ва ҳодисаларни, фаолият, ўзгариш ва ривожланишни, аҳамиятлилик ва аҳамиятсизликни, қисм ва бутунликни ажрата олмайдиган инсонлар имконият, чеклов ва хавфларнинг моҳиятига назар ташлай олмайдилар. Ватандошлиги, лавозими, мандати билан боғлиқ расмий ҳуқуқларидан қатъи назар, бундай инсонларнинг қарорларни муҳокама қилиш ва шакллантиришда иштирок этиши ахлоқсизликдир.

Совет даврида демогогия тақиқланган мавзу бўлиб, унга фақат “лаънати империалистлар” фаолиятини тавсифлашда мурожаат қилишга рухсат бор эди. Қайта қуришдан олдинги даврда сиёсий-партиявий матнлар демогогия билан қанчалик тўлдирилган бўлса, жамиятдаги умумий вазият шунчалик ёмон эди.

Қандайдир лавозимни асоссиз эгаллаган инсонларнинг аксарияти ё партия аскари ёки бошқа турдаги югурдак ҳисобланади ва уларнинг шахсий фикри бор бўлса-да, бу фикрларнинг жиддий вазни йўқ эди. Уни оммавий равишда ифодалаши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бундан 50—60 йил олдин демогогик хат-

ти-ҳаракатлар фақат тоталитар жамиятда яшовчи инсонларга хос бўлади деган тасаввур бор эди. Энди, анча узоқ амалиёт ва тўғридан-тўғри кузатиш тажрибасига асосланиб бундай эмаслигини айтишимиз мумкин.

• Қандайдир лавозимни эгаллаб олган инсонлар кўпинча партия иродасини ифода этувчилар ёки бошқа турдаги югурдаклар бўлиб, уларнинг фикри жиддий аҳамиятга эга эмас.

• Демогогия, шунингдек, турли ваъдаларни ўз дастурларига киритган, уларни ким, қаерда ва қандай амалга оширишини ва бундай фаолиятга эргашиб келиши мумкин бўлган оқибатлар ҳақида умуман ўйламайдиган партиялар учун қутқарув ёстиқчасидир.

Пиар-агентликлари кўмагида “ғалаба қозонган” сиёсатчилар сайловдан сўнг ҳақиқатни бузиб кўрсатиш техникасини қўллашдан бошқа чораси қолмайди ва ҳеч ким аввалроқ ваъда қилинган нарсаларга чуқурлашмайди ва жиддий таҳлил қилишга журъат эта олмайди, деб умид қилишади.

Демогогияга таянадиган инсонлар, ўзларидан қўнгли тўлиб фаолият юритиши мумкин, агар атрофдаги инсонлар:

• ўзларининг устида нима қилинаётганини ва келажакда нима қилиш режалаштирилганини мукаммал тушунишларини кўрсатишга журъати етмаса;

• ўз ва ижтимоий назорат субъекти эмас, балки манипуляция объекти бўлишга (ёшликдан) кўникиб қолган бўлса; ва имкон бўлди дегунча ўзга инсонларни манипуляция қилишга киришса;

• айтилган ва ёзилган ҳамма нарсага кўр-кўрона ишонадиган ва ҳар қандай матнни олий ҳақиқат деб билиш даражасида тўнкалаштирилган бўлса;

• тарқатилаётган матнларни таҳлил қилишни ҳоҳламаса, билмаса ва бунга қодир бўлмаса; улар ҳамма нарса жонига теккан, чарчаган ва ўзларини ҳеч нарсага қизиқмайдиган қилиб кўрсатишса;

• улар қачондир ҳокимият эгалари билан ҳамтавоқ бўлишга умид қиладилар ва ҳокимиятга қанчалик алоқадор бўлса, ўзини шунчалик аҳамиятли ва муҳим ҳис қиладилар;

• улар демогогия ва демогоглар фаолиятининг оқибатларини англаб етиш қобилиятига эга эмаслар.

ДЕМОГОГ АТРОФДАГИЛАРНИ МАНИПУЛИЯЦИЯ ҚИЛИШНИ ИСТАЙДИ

Демогогия шуниси билан ёмонки, унга асосланадиган инсонлар, моҳиятига кўра тўғри ва қимматли бўлган баёнотлардан фойдаланадилар. Демагогларнинг режалари ва интилишларини, нархларнинг (аксиз солиғини) кўтарлиши каби осонлик билан тушуниш мумкин эмас. Оммавий ахборот воситаларида нархларнинг

кескин ошишини муҳокама қилиш ўрнига ҳукумат вазир билан (ёки усиз) кечаю кундуз нарх ошишини пасайтириш имкониятларини излаётгани ҳақидаги мақолалар, интервьюлар билан тўлдирилмоқда. Натижада, кўпчилик нархлар “юқоридан” эълон қилинганидек кўтарилмаганидан хурсанд бўлиб юраверади.

Ўзингизни ва бошқаларни манипуляция қилишига йўл қўймаслик учун демагогия усулларини билишингиз керак.

ДЕМОГОГИЯНИНГ 100 ТА МИСОЛИ ВА БЕЛГИЛАРИ

1. Ёрлиқ ёпиштириш. Масалан, рақибни “жосус”, “югурдак”, “хоин”, “душман”, “нацист” ... деб эълон қилиш.

2. Пафосли [*манипуляцион, дабдабали*] нутқ. Мурожаатдаги баландпарвоз сўзлар, қўрғошин таъмли овоз, драматик имо-ишоралар ва такрорий таъкидлар шундай фон яратадики, баҳслашиш ўринсиздай кўринади.

3. Жамоатчиликка ёки кўпчиликка апелляция қилиш [*ҳамма уни қўллаб-қувватлаётганлик ҳиссини ҳийлакорлик билан тақсимлаш*]: “Биз ҳаммамиз бир тану бир жонмиз...” ёки “сафимизни елгилаб олайлик” қабилида.

4. Мақсад билан воситанинг ўрнини алмаштириб талқин қилиш.

5. Ёрқин, аммо ноаниқ атамалардан фойдаланиш, бу шундай атамаларки, улар ижобий-

лик ва ҳамма учун мақбуллик ҳиссини уйғотади. Масалан, “демократия”, “Европа қадриятлари”, “гуманизм” ва бошқа “измлар”.

6. Миллий қаҳрамонлар, классиклар, анъанавий байрамлар, махсус кийимлар каби эски, тарих синовидан ўтган рамзлардан фойдаланиш. Қадимги рамзлар янги ғоялар билан шунчалик чамбарчас боғланганки, уларни ажратиб олиш деярли мумкин эмас ва қарабсизки, баҳс яна ноўрин бўлиб қолаверади.

7. Тингловчи, рақиб ёки шерик эътиборини улар олаётган фойда ёки манфаатга қаратиш. Демогогнининг ўзи оладиган фойда билан солиштирганда уларнинг фойдаси кулгили бўлса ҳам.

8. “Оралиқ вагон”. Нотўғри баёнот тўғри гаплар орасига жойлаштирилади ва аудиторияга тўғри баёнотлар каби бир хил ритм ва тезликда узатилади. Бунда, ёлғон баёнотга эътироз билдиришга улгурилмаслигига ёки умуман сезилмай ўтиб кетишига умид қилинади.

9. Халқчиллик. Инсонлар “ўзларидан бири бўлган” кишининг фикрини эшитишни яхши кўради ва бу фикр билан ҳисоблашишади.

10. Умумий хотираларга эътибор қаратиш. Агар ҳикоячи бир пайтлар ростгўй, яхши инсон сифатида танилган бўлса, у ҳозир ҳам шундайман деган таассуротни атайлаб яратишга ҳаракат қилади.

11. Фирибгарлик. Била туриб ёлғон фактлардан фойдаланиш. Ҳақиқат юзага чиққанда,

эса кўзини лўқ қилиб - қарорни ўзгартириш учун жуда кеч бўлганлиги - поезд аллақачон жўнаб бўлганлиги таъкидланади.

12. Қайсидир авторитетнинг маслаҳати асос қилиб олинади, лекин бу маслаҳатлар бошқа даврга тегишли эканлиги ва умуман бошқа контекстда кўриб чиқилиши кераклиги парда ортида қолади.

13. Сўзловчининг ёки бошқа ягона шахс тажрибасига таяниш. Битта кишининг тажрибасига асосланиб умумлаштириш мумкин эмас. Умумий тажриба (кўпчилик тажрибасидан олинган хулоса) нодемогогик аргумент сифатида ишлатилиши мумкин.

14. Масхара қилиш.

15. Жиддий талқинни ўйинлисига алмаштириш.

16. Таҳдид.

17. Огоҳлантириш.

18. Кўриб чиқилаётган масаланинг муҳимлигини сингдириш ёки аксинча, ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигига ишонтириш.

19. Жамоатчилик эътибори рақибнинг иқтисодий, маъмурий, сиёсий, оилавий қарамлигига қаратилади.

20. Хулқ-атвор стереотипларини шакллантириш ёки йўқ қилиш учун рамзлар, атрибутлар, анъаналар ва маросимлардан фойдаланиш.

21. Сирланиш.

22. Ўта субъектив баҳолар (ҳеч бир далилсиз) бериш.

23. Кўриб чиқилаётган масалага чалкашлик киритиш, масаланинг аҳамияти кенг тарқалганлигини кўриб чиқишни чалкаштириш, наваторлик қилиш.

24. Бошқа инсонларнинг фикрини ўзлаштириш, манфаат ва баҳоларни ўзгаларга дахлдор қилиб кўрсатиш.

25. Муаммонинг пайдо бўлиши ва кенгайиши сабабларини излаш ўрнига, айб ва айбдорни аниқлашга интилиш.

26. Умумий ноқулай вазият контекстида қаҳрамонларни намуна сифатида келтириш.

27. Ҳозирги ночорлиги ва бефарқлигини яшириш учун ўтмишдаги қийинчиликлар ёки ютуқларни (аргумент сифатида) эслатиш.

28. Раҳбариятнинг хатолари ва оғир келажакдан эътиборни чалғитиш учун ёруғ келажакни тавсифлаш.

29. Бошқаларнинг чуқур таҳлили ва реал хулосаларидан қочиш мақсадида - ўзини юзаки танқид қилиш.

30. Болға эффектига эришиш учун бирор нарса ҳақида узлуксиз суҳбат қилиш. Когнитив диссонансни келтириб чиқариш умидида маъносиз ёки ахлоқсиз нарсаларни қайта-қайта қилишга ёки айтишга билвосита мажбур этиш (2.6. — *бандга қаранг*).

31. Суҳбат предмети [*кўтарилаётган муаммо*] ҳақиқатан ҳам кўриб чиқилади ва керакли ҳаракатлар амалга оширилади деган таассурот яратиш учун қандайдир мавзуни чексиз муҳокама қилиш.

32. Соғлом ақлга мурожаат: “Ҳар бир ақлирасо инсон буни тушунадики ...” каби жумлаларни кўп ишлатиш.

33. Шахсий аҳамияти ва ўрнини урғулаш учун хизматлари, лавозими, “унвони”, мукофотларини эслатиш.

34. Овозни баландлатиш.

35. Тик турган ҳолда (ҳамма ўтирганида) ёки баландликда гапиришга интилиш.

36. Қарама-қарши томонни назарга илмаслик [*игнор қилиш*]. Саволларни қулоқнинг ёнидан ўтказиб юбориш, тасодифий, куракда турмайдиган жавоблар бериш.

37. Келтирилган фактга, муҳокама предметига алоқадор бўлмаган дуч келган соҳадан, тасодифий фактни қарши қўйишга ҳаракат қилиш. Рақиб келтирган фактларнинг маъноси йўқдек таассурот пайдо қилишга уриниш.

38. Умумий, муайян мазмунга эга бўлмаган маъносиз нутқ оқими ёрдамида манипуляция қилиш.

39. Ўз тезисини муҳокаманинг бошига ва финалига олиб чиқиш. Мунозарани биринчи бошлаш ва охирида яна ўзи тугатиш.

40. Кўриб чиқилаётган масалага жуда катта эътибор қаратаётганига урғу: “Мен узоқ вақт давомида ташвиш билан кузатдим ...” каби жумлаларни ишлатиш.

41. Савол берувчини мақташ орқали кўриб чиқилаётган масаланинг алоҳида аҳамиятини

таъкидлаш: “Бу жуда яхши савол бўлди. Унинг кун тартибига чиққани айни муддао!” каби таъкидлардан ўринсиз фойдаланиш.

43. Эришилмаган натижалар ва оқибатлар эмас, балки ўз фаолиятини тавсифловчи деталлар билан тўлиб-тошган тақдимот. Ҳеч қандай натижа йўқлиги кўпикли сўзлар орқасига яширилади.

44. Ўзининг профессионаллиги ҳақида таассурот қолдирадиган алоҳида олинган таъсирли фактларнинг байроқ қилиниши. Шу билан бирга, ҳеч қандай таҳлил йўқ, сабаб ва хулосалар ошкор этилмасдан қолдирилади.

45. Фактлар ўйини. Далил сифатида алоҳида олинган фактларни тақдим этиш. Масалан, битта тасодифий фикр умумий фикр сифатида тақдим этилади.

46. Таққослаб бўлмайдиганни таққослаш. Қайсидир мисол бир даврдан, бошқаси эса бутунлай бошқа даврдан олинади.

47. Ноўрин аралашиш, кўплаб саволлар ва такрорий нутқлар орқали ўзининг манфаатдор эканлигини таъкидлашга интилиш. Бу тактика инсонни саросимага соладиган омил бўлиб, босим сифатида ишлатилади.

48. Муҳокаманинг асосий мавзусини алмаштириб қўйиш. Аслида, ҳимояга муҳтож бўлмаган ва муаммосиз нарсаларни ҳимоя қилишни бошлаш. Бундай найрангдан кейин қилинган барча танқидлар ортиқча бўлгандек таассурот қолади.

49. “Idem per idem” *[айнан шундай бўлгани учун, айнан шундай]*, ёки таъкиднинг ўзи таъкиднинг исботи бўлиб хизмат қилади.

50. “Argumentum ad hominem” *[аргументни четлаб, шахсиятга ўтиш]*. Масалани муҳокама қилиш ўрнига, оппонентнинг қизиқишлари, характери, ташқи кўриниши ҳақида баҳс бошлаш.

51. Гапда ёлғон ва ҳақиқат шундай ўзаро аралаштириб ташланадики, ҳатто айтилганларнинг ҳаммаси ростдай таассурот пайдо бўлади.

52. Баҳолар шундай бериладики, у мисол тариқасида ёки танқид тариқасида берилаётгани тушунтирилмайди. Баҳолар фақат ҳиссий таъсир учун мўлжалланади: “бу жуда яхши” ёки “бу жуда ёмон” каби.

53. Рақибнинг даъволари оёғи осмондан қилиб ташланади, рақиб ўзининг фикрига ўзи қарши чиқаётгани таъкидланади. Бу таҳқирловчи қуйидаги ремаркалар билан бирга келади: “Ҳамма ҳам жиддий масалаларда профессионал бўла олмайди ...”

54. Баъзи арзимас тафсилотлар ёки ҳиссий нюанслар мисли кўрилмаган даражада шишириб юборилади.

55. Ўзининг махсус маълумотларга эга эканлигини намойиш этиш. Шу билан бирга, ўзларида бор билимларнинг фақат бир заррасинингина баҳам кўргандек таассурот яратишга ҳаракат қилинади. Информацияли бўлиш обрў- эътибор манбаи сифатида кўрсатилади.

56. Контекстдан юлиб олинган иқтибослар ўз таъкидларини ҳақиқат сифатида кўрсатиш учун қўлланилади.

57. Баҳсда иштирок этмаётганларни [*шу жойда йўқларни*] танқид қилиш, улар табиийки, ўзларини ҳимоя қилиб чиқа олмайдилар.

58. "Ёлғон шу даражада катталигидан, ҳақиқатга ўхшаб кўриниши керак" тамойили бўйича ёлғон гапириш, "кўринг лекин йиғламанг" каби.

59. Фикрни ифодалашдан олдин унга баҳо берилади. Масалан: "ҳозир жуда қимматли таклиф бераман ...".

60. Шундай саволлар бериладики, унга фақат "ҳа" ёки "йўқ" деб жавоб бериш мумкин. Бериладиган савол оппонентнинг "йўқ" деб жавоб бериши ноқулай бўлишига асосланади.

61. Фикрнинг манбаи шахссизлаштирилади. "Учрашувни тугатиш таклифи тушди..." бу таклиф кимдан тушгани очиқланмайди.

62. Рақибнинг лаёқати шубҳа остига олинади ёки фикрлаш қобилиятининг сустлиги урғуланади ёхуд хотирасининг муаммоли эканлиги айтилади. "Сиз гапни эшитмаяпсиз-ку" ёки "Сизнинг миянгиз ишламай қолди" каби жумлалар қўлланилади.

63. Ўзини муассаса, корхона, ташкилот билан [*масалан, куч ишлатар тузилмалар ёки махсус хизматлар билан*] айни кўрсатиш, корхона ёки бутун жамоа номидан фикр билдириш.

64. Бир вақтнинг ўзида бир нечта саволлар беради, шундан сўнг берилган жавоблар қуйидаги услубда шарҳланади: “Аслида, масаланинг моҳияти бошқа жойда...”.

65. Унинг сўзларини тингловчилар орасидаги ёки бошқа жойдаги ҳурматли кишилардан бири тасдиқлашини айтади. Бу томошабинларда ишончни уйғотади ва шубҳаларни аритади.

66. Рақамлар, процедуралар ва коэффициентлар билан тез суръатларда “жонглёрлик” қилинади. Тингловчи англаб қолиш қобилиятини йўқотади ва демогог ўз мулоҳазаларида уларга таяниб, ўзбошимчалик билан рақамлар тақдим этиш имкониятига эга бўлади.

67. Ўз нокомпетентлигини яширишга уриниб - айбни қўл остидагиларнинг елкасига юклаш.

68. Бўйсунувчи инсонлар ичидан бир ёки бир нечтаси ажратиб кўрсатилади. Уларнинг мисолида қолган ҳаммага дарс ўтилади. Номлари тилга олинган ходимларга хўжайин ўзини қаттиққўл мураббий ролида кўрсатиш имкониятига эга бўлиши учун босим қилинади.

69. Ташкилот - танқид ёки мақтовга сазовор бўлган шахс билан умумийликда эсланади. Аниқ бир шахс ҳақида гапирилади, лекин бутун бир ташкилот, фаолият ёки ишлаб чиқариш соҳаси назарда тутилади.

70. Анъанавий камчиликларни ажратиб кўрсатиш. Ҳар доим ва ҳамма жойда кўзингизни юмиб айтишингиз мумкин бўлган “режалашти-

риш яхши ўйланмаган, информация етарли эмас, назорат қониқарсиз, қарорлар заиф ва ноаниқ" каби камчиликлар қаторлаштириб айтилади.

71. Жиддий камчиликларни танқид қилишдан олдин, майда ва аҳамиятсиз нарсалар учун мақталади. Бу эса танқид қилувчи томоннинг (раҳбариятнинг) объективлиги ҳақидаги таассуротни уйғотади.

72. Бир вақтнинг ўзида бир нечта савол бериш орқали чалкашликлар келтириб чиқарилади ва суҳбат ҳужумкор характер касб этади. Буларнинг барчаси жавоб берувчининг ожизлиги ва ғазаби билан бирга кечади. Савол берувчи эса бемалол жавоб йўқлигини даъво қилиши мумкин.

73. Келажакнинг даҳшатли ёки ёрқин сурати чизилади. Хулоса қилиш эса томошабинларга қолдирилади: даҳшатдан қутулиш ёки яхшиликка эришиш учун маърузачини тинглаш, уни ҳурмат қилиш ва талабларини бажаришингиз керак бўлади.

74. Бажарилган ёки бажарилмаган ишларнинг шунчалик катта рўйхати ёки камчиликларнинг шундай батафсил рўйхати келтириладики, ҳеч ким эслашга, солиштиришга, ҳисобга олишга, мазмунли таҳлил қилишга қодир бўлмайди.

75. Суҳбат катта муаммо контекстидан юлиб олинган бир ёки иккита тасодифий саволлар атрофида узоқ вақт давомида айлантирилади. Натижада, шундай дейилади: "Мунозаралар етарли! Пухта таҳлил шуни кўрсатдики..." Шун-

дан сўнг, ўзларининг эҳтиёжларига мос келадиган қарор шакллантирилади.

76. Ўз-ўзини танқид қилишни симуляция қилиш.

77. Ахлоқийлаштириш, танбеҳ бериш, аллақачон яхши маълум бўлган нарсани янгилик деб тақдим этиш, ҳамма учун таниш бўлган фактларнинг изчиллигига ишонтиришга уриниш. Буларнинг барчаси ўзини асоссиз равишда олдинга олиб чиқиш мақсадида амалга оширилади.

78. Муаммони кўриб чиқиш учун нотўғри вақт танланганлигини кўрсатиш. Аввало улар: "Ҳали эрта, қарорларни шакллантириш вақти пишиб етилмаган", деб баёнот беради. Кейин эса мўъжизавий тарзда: "Аввал қаерда эдингиз? Қарор аллақачон ишлаб чиқилган ва бошқа ҳеч нарсани ўзгартириш мумкин эмас..." дейишади.

79. Муаммони табиий ҳал қиладиган, ўзининг махсус имкониятларига ишора қилади.

80. Ўз камчиликларини яшириш учун бўйсунувчиларнинг камчиликларига ноадекват тажовузкор муносабатда бўлинади.

81. Мураккаб вазиятлар тўсатдан янада мураккаблаштирилади (мақсадли таъсир қилиш туфайли). Кейинроқ эса, дастлабки ҳолат қайта тиклангандa, мавжуд [*мураккаб*] вазият ҳаммага қониқарлидек туюлади.

82. Аҳамиятсиз нарса ваъда қилинади ёки умуман ҳеч нарса ваъда қилинмайди, бу ноқулай ташқи шароитлар билан оқланади. Бу билан улар

ўзларининг олдинни кўра билмаслигини яширади ва норозилик портлашини бирмунча кечиктиради.

83. "Фантастик ғилдиракни айлантириш" ("Орзулар айланаси"). Фантастик режалар тузилади ва уларнинг бажарилишига тинимсиз аниқлик киритилади, лекин, аслида, ҳеч қандай натижа бўлмайди. Назорат қилувчи органларнинг сабри тугамагунча фантастик ғилдирак айланаверади.

84. Илмий-тадқиқот билан қувватлантирилган асос келтирилади, лекин тадқиқот ёки эксперимент амалда ўтказилмаган бўлади.

85. Конформизмга асосланган стратегия. Ҳар ким белгиланган тарзда ўйлайди ёки ҳаракат қилади, деб ишора қилади: "Сиз бошқалардан ажралиб қолишни ҳоҳламайсиз-ку ахир?" Ёки улар: "Менинг айбим нимада? Ҳамма жойда инсонлар ўзини шундай тутишади", деб вазиятни асослантиради. Бир вақтнинг ўзида бир нечта ораторлар таклиф қилинади, улар олдиндан келишилган нарсаларни такрорлайдилар. Кейин шундай муҳит пайдо бўладики, фарқли фикрни тақдим этиш уятли саналади.

86. Бошқаларнинг ҳам иштирок этаётганлиги ҳақидаги таассуротни шакллантириш учун инсонлар қарор қабул қилиш жараёнига таклиф қилинади, улар таклиф қилинган инсонлар тайёрланмаганлиги, маълумотларининг этишмаслиги туфайли муҳокамада тўлақонли иштирок

эта олмаслиги ва олдиндан келишилган қарорлар учун овоз беришларини кутишади.

87. Бир ёқадан бош чиқаришга чақириш. Ҳатто Қадимги Римда ҳам бир овоздан қабул қилинган қарорлар ортида одатда деспот ёки ёлғончи яширинишини билишарди.

88. Агар раҳбар, қўл остидагиларнинг барча таклифларини рад этишга муваффақ бўлса, у хато қилишдан ёки нотўғри иш қилишдан (қилишга рухсат беришдан) қўрқмаслиги мумкин. Агар қўл остидаги ходимларнинг таклифи таъқиқланганига қарамай муваффақиятли амалга оширилса, унда "жамоамизнинг ютуғи" деб эътироф этилади. Муваффақиятсиз бўлиб чиқса, рухсатсиз амалга оширилганлиги эслатилади. Бундай раҳбарият "ҳар доим ҳақ" бўлгани учун, ўз ўрнида қатъий ёки ишонч билан ўтиради ва мартаба зинапоясида юқорига кўтарилади.

89. Демогог қайси фаолият соҳасида ишлашидан, бажарадиган вазифасидан ва қаерда меҳнат қилишидан қатъи назар, у ўзи тутган йўлнинг тўғрилигига ишонадиган бошқарувчи ходимдир. У ўзининг қобилиятсизлигини яшириш учун ҳар қандай йўл билан ҳаракат қилади. Суҳбатни четга тортади, тафсилотлардан қочади ва "Бу мен учун жуда паст (примитив) даража" деб даъво қилади. Йиғилишлар ташкил этади, узоқ маърузалар қилади. Ташқаридан кузатаётган кишида у ғайратли, ташаббускор, тиришқоқ ва принципиал шахс сифатида таассурот қолдиради. Қобилиятсизлиги ва нормал меҳнат

жараёнига халақит бериши, ахлоқсизлиги ва инсонларни бузаётгани, бузуқ йўналишларни шакллантираётгани соя ортида қолади.

90. "Жангчи учувчи" — ҳар қандай баҳона билан иш жойидан узоқлашишга ҳаракат қиладиган бошқарувчи ходим. У доимий равишда йиғилишларда бўлиш учун комиссиялар, кенгашлар, қўмиталарга аъзо бўлишга интилади, у ерда ҳеч бир масъулиятни зиммангизга олмай, нималарнидир ғўлдирашингиз ёки жим ўтиришингиз мумкин. Комиссияларда эса ўзининг фикрий бепуштлигини иш юкининг кўплиги билан оқлайди. Ишда эса у, ўзининг яроқсизлигини жамоатчилик юкининг оғирлиги билан *[бир нечта комиссиянинг аъзоси эканлигига ишора қилиб]* изоҳлайди.

У вақти-вақти билан ўз ташкилотида пайдо бўлганида, ҳамма нарсани муҳокамасиз "юзинг кўзинг демай, шариллатиб айтиб ташлайди" ва яна ғойиб бўлади. Унинг ортидан кўз ёшлар ва хафагарчиликдан бошқа нарса қолмайди. Демогогик таъсир туфайли четдан кузатувчида, бу ходим кучли шахс, у тезкор иш олиб боради ва қатъий чоралар кўришга қодир деган фикр шаклланади.

91. Асослантирилмаган мақтов. Ушбу техника икки усулда ишлайди. "Аҳмоқни мақта - у янада ғайрат қилади". Ғалати, лекин ҳатто силлиқ ва уятли мақтовлар инсонларни юмшоқ ва эътиборли қилади. Кимнингдир асоссиз мақталганини кузатган инсонлар ўзи учун буни танбеҳ сифатида қабул қилади.

92. Асоссиз танбеҳ. Сабабсиз, тўсатдан ташланиш, ҳужум қурбонига номаълум бўлган

айблов уни талвасага солиб қўяди. Жабрланувчи ўзига келгунга қадар ташланиш тугаган бўлади, жамоатчилик фикри шаклланади, имтиёзлар тақсимланади, кимдир ишдан бўшатилади, кимдир ҳамма нарсадан маҳрум этилган бўлади. Шундан сўнг, ушбу услубни қўллаган киши ўзининг ҳимояси сифатида “Туяни шамол учирса эчкини осмонда кўр” каби мақоллардан фойдаланади ёки ҳеч нарса бўлмагандай, “Хатолик юз берибди” деб эълон қилади.

Инсоннинг шахсий хусусиятларини қайта-қайта танқид қилиш жароҳатлидир. Бу йўл билан уни шунчалик йўқ қилиш мумкинки, у на ўз қобилиятига, на келажагига ишонмай қўяди, меҳнат қилиш иштиёқини йўқотади. Натижада, демогог унга бармоғи билан ишора қилиб, бундай ходим ўз лавозимига мос келмаслигини ва мансабини кўтариш ҳақида гап бўлиши мумкин эмаслигини тушунтиради.

93. У ёки бу ҳаракатлар юқори раҳбариятнинг буйруғи ёки кўрсатмаси бўйича амалга оширилиши айтилади. Шу сабабли, ижрочилар натижа учун ҳеч қандай жавобгарликни ўз зиммаларига олмайдилар (керак бўлса раҳбариятнинг ўзи жавоб берсин).

94. Камчиликлар ҳақида эмас, балки оқибатлар юзага келса, захира яратилганлиги ҳақида гапирилади.

95. Иш ёки ютуқ ва камчиликлар ҳақида эмас, балки келажакдаги режалар ҳақида гапирилади. Аввалги режалар янгиси билан алмаштирилади,

кейин олдинги ғоялар ҳамда ваъдаларни эсга олиш ва уларни амалга оширишни муҳокама қилиш ғалати туюла бошлайди.

96. Анъанавий (объектив) қийинчиликларга мурожаат қилиш. Масалан, “бошлиқлар масалага етарлича эътибор бермаяпти”, “моддий-техника томони кўп нарсани талаб қилмоқда”, “аниқ ёрдам етарли даражада кўрсатилмаган”, “меҳнат шароитлари қониқарсиз”, “самарадорлик йўқ”, “малакали ходимлар етишмайди”.

97. Раҳбариятни такрор ва такрор эслаш. Ўзининг раҳбариятга яқинлиги ҳақида таассурот яратишга ҳаракат қилиш. Ҳамманинг кўз ўнгида ялтоқилик қилиб юрган бошлиқнинг лаганбардорлик остига яширинган фикрлари шубҳа остига қўйиш ва унга қарши бирор нарса айтиш қийин бўлади.

98. Аввало, арзимас нарсалар учун ўзини танқид қилади, кейин эса барча ютуқларни ўз ҳисобига ёзиб қўяди.

99. Назорат қилувчи томоннинг нокомпетентлиги, нообъективлиги, юзакилиги ва тизимли фаолият юрита олмаслигига ишора қилиш.

100. Кутилмаганда ҳамма айбни ўз зиммасига олади. Бу барча қуроллари яроқсиз ҳолга келган айбловчини карахт аҳволга солиб қўяди, кўнглини юмшатади, ҳамдард қилади. Ётган инсонни тепишмайди ахир.

Ва ҳоказо.

13-БОБ.
ХАВОТИРЛАР

13-БОБ. ХАВОТИРЛАР

Давлатга тегишли хавотирлар халққа ҳам тегишлидир.

Халқ ўз хавотирларига чора кўра олади, ҳукумат бунга муносиб шароит яратса бас.

13.0. УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР

Эстонияда кўпинча давлат ва унинг алоҳида қисмларига тегишли бўлган жиддий хавотирлар ва қарама-қаршиликлар ҳақида гапиришади. Афсуски, бу гап-сўзларнинг барчаси битта умумий хусусиятга эга - улар муаммо сифатида шакллантирилмаган хавотирли гап-сўзлар бўлиб (0.3.3. — *чизмага қаранг*), қуйидагиларни ўз ичига олади: қашшоқлик, паст туғилиш даражаси, эмиграция ва иммиграция, меҳнат ва ишчи кучи етишмаслиги, коррупция, бюрократия, демогогия ва бошқалардир.

Миллий телерадиоэшиттириш тармоғида тақдим этилаётган муаммоли кўрсатувлар кўнгилочар форматга эга бўлиб, бундай эфирларда муаммо ва уларнинг сабаблари очиб берилмайди.

Муаммо сифатида тилга олинган ҳодиса ва жараёнларни дарҳол бартараф этиш ёки камайтириш мумкин эмас. Уларнинг пайдо бўлиши, чуқурлашиши ва кенгайиш сабабларини очиб бериш орқали мазкур муаммоларнинг ўзгаришига эришиш мумкин. Бундан кейин эса сабабларни камайтириш (ёки бартараф этиш) ва бунинг учун зарур шарт-шароитларни гавдалантириш ва мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тизими яратилиши мумкин.

13.0.1. — чизма. Давлат ва халққа нима таҳдид қилади?

2000 йилда Президент Леннарт Мери қуйидаги саволни ўртага ташлаган эди: “Нега бизнинг шижоатимиз пасайди?” ўшанда бу саволга ҳеч

қандай жавоб йўқ эди, ҳозир ҳам йўқ. Ўз нутқида Президент Мери қуйидагиларни таъкидлаган: "Эстонияда миллий капиталнинг аккумуляциясига XIX асрнинг иккинчи ярмида Европанинг бошқа қисмида ва Қўшма Штатларда содир бўлганидек бепарволик қилинди. Бу жараённи ватандошлик жамияти ва черков ёрдамида ёки яқинларга нисбатан муҳаббат билан мувозанатлаш имкони бўлмади. Энг даҳшатлиси, ўзининг шаффофлиги нуқтаи назаридан Эстония бу — нафақат давлат, шу билан бир қаторда - катта оила эканлигини англаб етиш орқали баланс сақланмади".

ҲАВОТИРЛАРНИ ТАҲЛИЛГА ДУЧ ҚИЛИШ КЕРАК

Дарҳақиқат, "нимадир қилиш" баъзида ҳеч нарса қилмасликдан кўра ёмонроқдир. "Нимадир қилиш" орқали жамоатчиликка уларнинг ташвишлари муҳим вазифа сифатида қайд этиб қўйилган ва у тезда ортда қолади деган таассурот қолдириши мумкин. Аслида эса бекорчи фаолият зарар келтирмаса хурсанд бўлиш керак. Айниқса, бекорчи ва маъносиз мунозаралар "муҳим давлат масалаларини муҳокама қилиш" деб номланади. Бундай мажлислар ўтказиш учун кўп вақт ва ресурс сарфланади. Муаммони шакллантиришга қодир бўлмаган ёки бундай машаққат билан ўзини қийнашни истамайдиганлар томонидан

бошланган мунозаралар маъносиз бўлиб, ҳафсалани пир қилади ҳамда ватандошларнинг аста-секин бундай полемикалардан чарчаши фақат вақт масаласи бўлиб қолади.

Давлат, ватандошлар ва жамият биргаликда керакли аниқликка эришиш учун жамиятшуносликка оид таҳлилий ишларни амалга ошириши лозим. Бу бироз тайёргарликни талаб қилади. Марсга инсонларни кўчириш ёки Ойда ҳаётни сақлаб қолиш имкониятлари ҳақида хоҳлаганча оғиз кўпиртириш мумкин, аммо Эстониянинг қишлоқларида йиллар давомида ҳаёт кечириш имкониятини сақлаб қолиш учун ҳақиқатан ҳам бирор нарса қилиш керак деб ҳисобланса, унда ҳаёт ва яшаш муҳитини моделлаштириш лозим бўлади, қишлоқ ва шаҳар ҳаётининг ўзига хос хусусиятларини тасвирлаш, сўнгра қарама-қаршилик сабабларини очиқлаш талаб этилади.

Шундан кейингина бу сабабларни нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлашни бошлаш мумкин. Тизимни асос сифатида олиш ва мазкур тизимни тартибга солиш ва бошқарувнинг барча даражаларида етарлича тизимли ва ҳар томонлама кўриб чиқиш зарур (7.2. — *бандга қаранг*).

Хўжакўрсинлиги туб моҳиятидан устун бўлган ва фақат таассурот қолдиришга қаратилган муҳокамаларни қониқарли деб бўлмайди.

Масала нима қилиш, ким қилиши, қачон бошланиши, қанча маблағ сарфланиши каби-

ларда эмас. Масала, тегишли ўз-ўзини тартибга солиш жараёнлари бошланиши учун қандай позиция ҳамда вазиятга эришиш, қандай чора-тадбирлар тизимини яратиш кераклигидадир.

Хавотир сабаблари маълум бўлса, қандайдир амалий натижага (функционал ва каузал алоқалар тизимига) эришиш мумкин. Масала, нима қилиш керак, буни ким қилади, қачон бошланади, қанча маблағ сарфланади ва ҳоказоларда эмас. Масала шундаки, тегишли ўз-ўзини тартибга солиш жараёнлари бошланиши учун қандай позиция ва вазиятга эришиш керак, қандай чора-тадбирлар тизимини яратиш зарур.

Бинобарин, ёмон вазиятнинг сабабларини аниқлаш билан бир қаторда, мақсад сифатида кўриб чиқилган курс ва қониқарли позиция ҳақидаги тасаввурларни ҳам яратиш керак. Хавотирлар - хоҳ қишлоқ ҳаёти, хоҳ бошқа нарса бўлсин - ҳам статикада ҳам динамикада муаммо сифатида шаклланмагунча, бу сабабларни юмшатиш ва ҳақиқатда керакли ҳолатни моделлаштириш дастурини яратиш мумкин эмас.

Биз мисол тариқасида бир нечта хавотирларни батафсил кўриб чиқамиз ва, натижада, ҳар бир ватандош бошқа ташвишларни қандай аниқлашни ўзи мустақил ўйлаши ва излаши мумкин бўлади.

Ҳукумат ва парламент, (умуман олганда,) давлатда шаклланган қарама-қаршиликларни

бартараф эта олмайди. Мазкур сиёсий институтлар бундай қарама-қаршиликларни бартараф этиш учун зарур олд шартлар тизимини яратиши ва бу тизим чоралари ҳақиқатда қўлланилишига ғамхўрлик қилиши мумкин. Халқнинг хавотирлари бор, агар бу хавотирлар муаммо сифатида шакллантирилса ва ҳукумат бу муаммоларнинг сабабларини бартараф этиш учун шароит яратса, халқнинг ўзи уларни ҳал қилиши мумкин.

13.1. ҚАШШОҚЛИК

Қашшоқлик — бу пайдо бўлиш ва таъсир қилишнинг ўта мураккаб механизмига эга бўлган ҳодисадир. Аниқлик учун камида қуйидаги саволларга жавоб бериш керак:

• Моддий (предметли) ва номоддий (маънавий, интеллектуал, ижтимоий) маънода қашшоқликка қандай таъриф берилади?

• Қашшоқлик, бойлик ва бадавлатликни ҳодиса, шароит ва жараён сифатида нима тавсифлайди?

• Қашшоқ инсонни нима характерлайди?

• Қандай ва қайси шароитларда қашшоқлик сабаблари ва бойликка (бадавлатлиликка) ёрдам берувчи шароитлар ҳақида ишончли маълумот тўплаш мумкин?

• Ўз навбатида, қашшоқликнинг оқибатлари қандай?

• Бадавлатликнинг ошишига нима эргашиб келиши мумкин?

Қашшоқлик деб аталадиган ҳодисанинг нима эканлигига ойдинлик киритишга ҳаракат қиламиз. Кейин, қашшоқлик нима билан шартланганини кўриб чиқамиз. Бундай уринишлар илгари бўлмаган дея олмайман. Аммо умумий манзара ҳали ҳам ноаниқ деб айтишга асослар бор.

Агар халқ маълумотларга эгалик қила олса, юқоридаги саволларга профессионал ўйланган жавоблари бўлса, улар асосида қашшоқлик сабабларини камайтириш (ёки бартараф этиш) ва бадавлатлик ҳамда бойлик омилларини кучайтириш (ёки шакллантириш) бўйича чора-тадбирлар тизимини моделлаштириш мумкин бўлар эди.

Бугунги кунда эса оила, маъмурий ҳудуд ва жамиятнинг қашшоқлашувига олиб келувчи факторларни аниқлаш, шакллантириш ва эълон қилиш учун ўткир эҳтиёж пишиб етилди.

Қашшоқлик билан шуғулланиб уни қисқартириш мумкин эмас.

Одамлар фақат инсон ҳуқуқлари соҳасида тенгдирлар. Бошқа барча маъноларда инсонлар тенг эмас. Ҳар ким такрорланмас ва ўзига хосдир. Ҳар бир инсон қандайдир умумий сабабга кўра жуда бахтли, лекин бошқа сабабга кўра ўзича бахтсиз бўлиши мумкин. Бир жиҳатдан бадавлат, бошқа томондан эса камбағал, қобилиятли ва ночор, баъзан эса ҳайратга лойиқ, шу билан бирга, афсуски, баъзан очкўз, такаббур, бефарқ, танбеҳ ва нафратга лойиқ бўлиши мумкин.

Қашшоқлашиш ёки бойликнинг ўсиши нимага боғлиқ бўлиши мумкин?

• Туғма олд шартлар ва қобилиятлар (ирсий олиб ўтилган фазилатлар) роль ўйнайди;

• Қуйидагилар ҳам туғма олд шартлардан кам аҳамиятли эмас:

- улғайиш муҳити ва контекстида шаклланган тутумлар;

- одатлар, англамалар ва тан олишлар;

- фикрлаш қобилияти ва атрофдаги яқин инсонларнинг фикрлаш тарзи;

- ишонч, умид ва севги;

- ҳис-туйғу ва ирода кучи;

- дунё манзараси;

- ишонч ҳисси.

Камбағаллик қуйидагилар оқибатида юзага келиши мумкин:

• тарбия ва таълим тизимининг нобоблиги оқибатида;

• муайян шахснинг эртани кўра олмаслиги оқибатида;

• жамиятда, жамоада ва оилада ҳукм сураётган лоқайдлик (ўзибўларчилик) оқибатида;

• маккор (тобеликни вужудга келтирадиган) “кўмак дастурлари”га тобелик оқибатида;

• табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар ёки сиёсий беқарорлик оқибатида;

• қандайдир мафкуравий оқим ёки бошқа ёлғон таълимотлар оқибатида;

• узоқлашиш ёки бегоналашиш оқибатида.

Қашшоқлик, шунингдек, инсоннинг маълум шароит ҳамда вазиятда субъектнинг *[ўзининг ва ўзгаларнинг]* ҳолати ва салоҳиятини баҳолай олмаслиги билан ҳам белгиланади.

Маълум бир нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, қашшоқлик узоқ вақт давом этиб келаётган нотенг *[адолатсиз]* муносабатлар (ҳуқуқий, сиёсий, мафкуравий, маданий... тартибот) оқибати эканлигини кўрамиз (ёки шундай тасаввур уйғотиши мумкин). Боланинг орқада қолиши табиат қонуниятларига кўра юзага келиши керак бўлган ҳис-туйғуларининг ўз вақтида шаклланмаслигидан бошланади.

Агар маълум бир ёшда пайдо бўлиши керак бўлган элементар билим, кўникма ва тажрибалар ўзлаштирилмаса ва алоқалар занжири шаклида мустаҳкамланмаса, боланинг сўз бойлиги кам бўлиб қолса, нутқи ва мустақил фикрлаши ривожлантирилмаса, унда қашшоқликдан сақланиш қийин бўлади.

13.1.1. — чизма. Қашшоқлик факторлари

Агар ҳолат шу даражага етган экан, энди ҳеч нарса ёрдам бермайди дейиш ўринсиз бўлар эди. Носозликни тузатиш учун ҳар доим имконият бор! Баъзи болалар кўпчиликка қараганда бошқача тарзда етукликка эришиши ҳам бор нарса. XX юзйилликда аср инсони сифатида тан олинган Альберт Эйнштейн 9 ёшида шундай аҳволда эдики, ота-онаси уни ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун махсус мактабга юборишни ўйлаганлар.

ҚАШШОҚЛИК ОМИЛЛАРИ

Қашшоқлик омиллари:

• ҳаётдан ва эртанги кундан қўрқув, ўзига бўлган ишончнинг заифлиги, асосий ҳаётий ғоянинг ноаниқлиги;

• нотўғри кўзлов ҳамда вақтдан фойдаланишга бепарво муносабат;

• йўналиш ва мақсадларни белгилаш, воситаларни танлаш ва ўзи учун қоидалар ўрнатиш қобилиятининг йўқлиги;

• қийинчиликлардан қочиш, спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар ёки бошқа суррогатларнинг асири бўлиб яшаш одати;

• пессимизм синдроми, ҳамма нарсага қора кўзойнак орқали қараш одати;

• фаолият юритиш ва муваффақиятга эришиш имкониятларини қидириш ўрнига, фаолиятсизлик учун сабаб излаш ёки қарор бериш ва фаолиятга киришни келажакка қолдириш ёки уни бошқаларга юклаш одати;

• муваффақиятга эришишга нисбатан мотивациянинг заифлиги.

Манипуляция объекти сифатида тарбияланган инсонларда ютуқларга интилиш ўрнига, муваффақиятсизликдан қочиш мотиви ҳукмронлик қилади ва улар қилган ҳамма нарса юзаки, қўл учида амалга оширилади. Бирор нарсага чуқур муносабатда бўлиш учун бундай инсонларда хоҳиш ҳам, имконият ҳам бўлмайди.

• ҳаётни адекват тушуна олмаслик. Маълум бўлишича, Эстонияда, меҳнат қилмайдиган ва ўқимайдиган, ота-онаси ҳисобидан кун кечираётган 30 000 дан ортиқ ёшлар яшайди. Улар нима хоҳлашини ва ҳақиқатда нимага эҳтиёжи борлигини ҳам билишмайди. Ушбу қатламдаги ёшларнинг аксариятида ўзлари ҳақида, ҳаёт ва яшаш муҳити, фаолият ва билиш тизими, инсонларнинг муносабатлари ва ўзаро таъсири ҳақида ноадекват тасаввурлар шаклланган;

• ишга уқувсизлик ва маҳнат қилишни истамаслик. Кўпчилик камбағал инсонлар катта эҳтимол билан камбағал бўлиб қолаверади. Чунки улар ўз ҳаётида зўриқишни ҳосил қила олмайди ва ишлашни хоҳламайди. Эстонияда меҳнат кўникмаларига ўқитиш шармандали даражада заиф ва тизимсиздир;

• ўз-ўзини нотўғри идентификациялаш ва унга эргашиб келадиган инфантиллик ва стрессга чидамаслик;

• қарор бера олмаслик. Кўпчилик қарор беришга қодир эмаслиги сабабли камбағалдир. Чунки уларнинг ўрнига ҳар доим ўзгалар қарор қилади, камбағаллар эса ижрочи бўлиб қолаверадилар. Баъзилари орзу қилади ва шубҳаланади, баъзилари қарор қилишга журъат этмайдилар, чунки улар берилган қарорга эргашадиган масъулиятни ҳис қилишади ва қарорларни кечиктиришади ёки уларни бошқа инсонларга юклашга одатланганлар;

• тушуниш қобилиятининг йўқлиги. Баъзиларга "етиб бориши" шунчалик қийинки, улар - нимага, нима учун ва қандай амалга ошириш кераклигини тушунмайдилар, у ёки бу қарорнинг бажарилиши билан бирга келиши мумкин бўлган нарсаларни оқилона вақт ичида олдиндан кўра олмайдилар;

• вақтни қадрлай олмаслик. Инсон вақтнинг энг катта қадрият эканлигини, ҳар бир кун ва соат қайтмас бўлиб тарк этишини қанчалик тез англаб етса, унинг адашиб кетмаслик эҳтимоли шунчалик юқори бўлади;

• соғлиқнинг ёмонлиги;

• руҳий зўриқишлар. Қашшоқликнинг сабаби инсон руҳиятининг тартибсизлигидан ҳам бўлиши мумкин. Бунда инсон ҳали касал эмас, шу билан бирга соғлом дейишга ҳам имкон бермайдиган чегара назарда тутиляпти. Бундай инсонларда кўпинча ташвиш приступи ва кайфият бекарорлиги, чарчаш, стресс, депрессия ва бошқалар мавжуд бўлади.

Инсонлар сифатсиз улғайиш муҳити, ўртамиёна тарбия, нотўғри ташкил этилган таълим ва тажриба етишмаслиги туфайли ҳам камбағал бўлиб қолишади. Шундай дейиш одат тусига кирган, лекин инсонларни ташвишга соладиган аниқ ҳолатларга назар ташласангиз, гап умуман билим ва малака етишмаслигида эмаслиги маълум бўлади. Билим мавжуд, лекин тизимли эмас ва у мактабдан ташқаридаги ҳаётда реал ҳисоб-

га олиниши ва доимий ҳисоблашиш керак бўлган қимматбаҳо бойлик эканига ишониш билан боғланган эмас.

Қашшоқлик юзасидан ўтказилган тадқиқотлар қашшоқликнинг сабабларини тушунишга ва қашшоқликнинг олдини олиш усулларини яратишга, шунингдек, мавжуд қашшоқликни камайтиришга ёрдам бериши мумкин деган фикр мавжуд. Бундай тадқиқот натижаси бир вақтнинг ўзида бой бўлишнинг ўсишига ҳам тадбиқ этилиши мумкин деб ҳисобланади. Лекин бу ҳамиша ҳам шундай эмас.

Қашшоқликни ўрганиш ўрнига, инсонларнинг шахси ва жамоалари, ҳаёти ва яшаш муҳити, шахслараро муносабатлар, мулоқот ва алоқа қилиш учун зарурий шартлар, ижтимоий ва маданий алоқаларнинг мустаҳкамлиги ва аҳамияти, шунингдек, жамоа ва оила ришталари бўйича тадқиқотлар олиб бориш керак.

Қашшоқлик ва камбағаллашувни кўриб чиқаётганда инсонни, инсон жамоаларини, уларнинг ўзаро муносабатлари ва ҳаётини кўриш учун етарлича нуқтаи назарларни топиш керак.

Қашшоқликни камайтириш учун қашшоқлашиш жараёни ва қашшоқликдаги инсонларнинг ҳаёти боғланган ҳамма нарса (!) билан шуғулланиш керак. Худди шу нарса вилоятлар ва давлатлар учун ҳам амал қилади.

Аҳоли давлатманд бўлиб бошлаши учун таълим тизими ва фикрлаш тарзида кардинал ўз-

гаришлар қилиш керак! Охир-оқибат биз бу кулгили соддалаштиришлардан халос бўлишимиз керак, унга кўра: таълим болалар боғчаси ва мактабга бориш билан чекланади, умр бўйи давом этадиган таълим ва компетентлик гўё керак эмас.

Ватандошлар бунга чидаш лозимми ёки қотиб қолган тушунчаларга ўзгартириш киритиш керакми деган саволни қатъий қўйя билиши муҳим — қашшоқликдан фақат шу йўл билан қутулиш мумкин.

ҚАШШОҚЛИК МУАММО СИФАТИДА

Қашшоқликни муаммо сифатида кўриб чиқиш учун биринчи навбатда қашшоқликнинг бевосита ва билвосита сабабларини, шунингдек, бадавлатликнинг ўсиши олд шартларини аниқлаш, шакллантириш ва очиқлаш керак. Қашшоқликни муаммо сифатида аниқлаш учун инсонларнинг ёки минтақанинг турмуш шароити ва салоҳиятини ҳам статикада (ҳодиса сифатида) ва динамикада (жараёнлар тизими сифатида) моделлаштириш лозим.

Ижтимоий ва маданий контекстга эга бўлмаган тизимсиз, юзаки ва дифференсациялашмаган талқинлар қашшоқликнинг айрим омилларини кўрсатиш учунгина мос келади. Шундай тадқиқотлар зарурки (8.2.1. — *чизмага қаранг*), йиғилган маълумотларни информация шаклида умумлаштириш ва ижтимоий тартибга солишни бойитиш учун фойдаланишга яроқли бўлсин.

Қашшоқлик ва бойлик омиллари ҳақида алоҳида гапиришимиз мумкин, аммо улар лабил тузилишга эга бўлган синдром сифатида ишлайди. Тартибга солиш ва раҳбарликнинг барча даражаларида ҳар бир синдром турли хил мазмун ва маънога эга. Исталган вақтда, исталган жойда "энг муҳим" бўлиб қоладиган нарсани излашнинг маъноси йўқ.

Агар энг муҳими изланаётган бўлса, унда биз қуйидаги максима билан ҳисоблашишимиз керак бўлади: энг муҳими, биз бу ҳаётда ҳеч нарсани кам аҳамиятли деб ҳисобламаслик ва талқин этишда иложи борича тизимли бўлишга ҳаракат қилишимиз лозим.

• Камбағаллик омиллари алоҳида муҳокама қилиниши мумкин, лекин улар лабил тузилишга эга бўлган синдром сифатида, яъни ўзаро таъсирда ишлайди.

• Ҳар бир синдромнинг таркиби ва таъсири диққат билан аниқланиши, шакллантирилиши, тизим кўринишида тузилиши ва барча мамлакатлар, минтақалар ва жамоаларда эълон қилиниши керак.

Ҳар бир синдромнинг таркиби ва таъсири диққат билан аниқланиши, шакллантирилиши, тизим кўринишида тузилиши ва барча мамлакатлар, минтақалар ва жамоаларда эълон қилиниши керак. Акс ҳолда, қашшоқлик атрофидаги барча гаплар аҳамият ва муҳимлик касб этмайди.

Қашшоқлик ва бойлик синдромлари ўзгаришларга таъсирчан бўлса-да, баъзи ўзаро боғлиқ хусусиятларни топиш мумкин. Ўртача омиллар мавжуд эмас, лекин умумий, ўзига хос ва ягона омиллар мавжуд бўлиб, улардан баъзилари моҳиятни, баъзилари эса ташқи кўринишни ифодалайди.

Энди қашшоқликни муаммо сифатида шакллантириш учун барча омилларни ҳисобга олган ҳолда, ҳозирги ҳолат ҳақиқатда қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги тасаввурларимиз билан солиштириш керак. Ва мақсадни белгилаш учун, худди шу асосда, яқин (5 йил) ва узоқ (15 йил) келажак ҳақида тасаввурни шакллантириш лозим.

ҚАШШОҚЛИК ВА БОЙЛИК

Кўпчиликнинг фикрига кўра, қашшоқлик ва бойлик кўрсаткичлари бу субъект ўз хоҳишига кўра фойдаланиши мумкин бўлган нарсалар, кўчмас мулк, пул ва бошқа эквивалентлардир. Бироқ предметли ёки моддийлик билан боғлиқ қисм бу муаммонинг чорак қисмидан кўпини ташкил этмайди.

Бойликни мақсад деб биладиган ва “ўзи” аллақачон ўз мақсадига эришиш воситасига айланганини сезмайдиган ёки парво қилмайдиганлар, камбағалликни моддият ёки пулнинг камлиги деб биладилар. Дунёда шундай халқлар ва минтақалар борки, уларда бошқаларга қараганда

ҳашаматли уйи, заргарлик буюмлари, пойабзаллари, кийим-кечаклари, транспорт воситалари, озиқ-овқатларига эга бўлган киши бой эканлиги ҳақидаги тушунча ҳукмронлик қилади. ***Лекин шундай халқлар ва инсонлар ҳам борки, уларнинг фикрича, моддиятга кўмилиш аҳмоқлик, очкўзлик ва хасислик белгисидир.***

Нотўғри стереотиплар кўпинча барча ёмонликларнинг илдизидир. Бадавлат инсонларга айрим ҳолларда эгалик қилаётган бойликлари етарли эмасдек туюла бошлайди. Истеъмолчи (чексиз ишлаб чиқариш ва истеъмолга асосланган) тафаккури ҳаёт тарзини исрофли ва ифлослантирувчи қилиб қўйди. Табиат ва маданият ҳисобига бойиган инсон айнан унинг хатти-ҳаракатлари туфайли атрофидагилар камбағал ва бахтсиз эканлигидан камдан-кам ҳолларда ташвишланади. Кўпинча табиат ҳисобидан бойиб кетганларнинг ўзлари табиатни менсимайдилар.

Бундай инсонларнинг ичида ҳақиқатан ҳам ўз фаолиятининг оқибатларини кўрмайдиган ва ўзаро боғлиқликни тушунмайдиганлари камдан-кам учрайди. Улар кўради ва тушунади, лекин когнитив диссонанс ахлоқсиз хатти-ҳаракатларни оқлаш учун ёрдамга келади (2.5-*бандга қаранг*). Ахлоқсизлик йўлини тутган инсонлар ҳеч қандай даҳшатли нарса йўқлигини, ҳамма нарса шундай бўлиши кераклигини ва, умуман олганда, бундан ҳам баттар бўлиши мумкинлигини ва камбағалларнинг ўзлари қашшоқ-

лик учун айбдор — буни уларнинг дангасалиги ва аҳмоқлиги кўрсаткичи сифатида тушунтиришга ҳаракат қилишади.

Қашшоқликнинг предметли ёки моддий томони муаммонинг тўртдан бир қисмини ташкил қилади, холос.

Қашшоқлик каби, ҳар бир киши бойлик мезонларининг аҳамиятини турлича тушунади. Бизнингча, биринчи ўринда саломатлик, кейин вақт, шахслараро муносабатлар, эркинлик ва ишонч туйғуси, вазминлик, маънавий қадриятларга йўналтирилганлик, ҳурмат, ҳаёт ролларидаги мавқе, қадр-қиммат, матонат, интеллектуал ва жисмоний қобилиятлар муҳим ҳисобланади. Донолик эса юқоридагиларнинг барчасини бир-бирига боғлаб туради.

Қуйидаги фазилатларни бадавлатлик омили дейиш мумкин (5.3.4. — *чизмага қаранг*): мўтадиллик, қадр-қиммат, камтарлик, мардлик, изчиллик, берилган сўзга содиқлик.

Бахт туйғуси мол-дунёга эгалик қилиш билан боғлиқ эмаслиги узоқ вақтлардан бери таъкидлаб келинади.

1974 йилда Тартус давлат университетининг социология лабораторияси томонидан ўтказилган сўров жуда таъсирли натижа берган. Унда респондентларга тўртта сеҳрли қутини тасаввур қилиш таклиф қилинган, улардан бирида чексиз

ҳокимият, иккинчисида чексиз миқдордаги пул, учинчисида мукаммал ақл, тўртинчисида эса ҳар қандай вазифани бажаришга қодир олтин қўллар борлиги айтилган. Танлов шартига кўра, ҳар ким ўзи учун энг муҳимини танлаши керак эди. Кавказ минтақасида ёш ва катта авлод — чексиз пулни, Ўрта Осиёда — чексиз ҳокимиятни, Эстония ёш авлоди мукаммал ақлни, катталар эса кўпинча моҳир қўлларни танлаганлар.

Танловни асослаш учун, қўллар — бу инсоннинг бахтга эришиши ва бахтли бўлиб қолишига сабаб бўлувчи ягона нарса эканлиги таъкидланди. Қолган ҳамма нарса инсонларни бахтсиз қилиши урғуланди. Бир рус бувиси ўзини ғайриоддий тутди. У вариантлардан ҳеч бирини танламади ва бешинчи қутини қўшишга рухсат сўради. Бешинчи қути хаёлий қўшилганида, у айнан бешинчи қутини танлашини, чунки у бўш экинлигини айтди. У ўзининг узоқ умри давомида ҳар қандай ўзгаришлар фақат ёмон томонга бўлишини тушунганини таъкидлади.

ТАВСИФЛАШ ЕТАРЛИ ЭМАС

Қашшоқликни тартибга солиш ва бошқарувнинг барча даражаларида ҳодиса ва жараён сифатида кўриб чиқсак, унинг кўпроқ ёки камроқ адекват тавсифига келиш мумкиндек кўринади. Бироқ тавсифлар тадқиқотдан олдин келади ва фақат муаммони шакллантириш учун керак.

Қашшоқлик ҳам, бойлик ҳам барча жойда ўзига хос хусусиятларга эга. Инсонларнинг қониқиши ва бахт ҳисси, биринчи навбатда, уларнинг таассуротларига, яъни: нимага эга бўлиши, нимага ҳукмронлик қилиши, нимани бошқаришини тасаввур қилишга боғлиқ. Ушбу таъкиднинг иллюстрацияси сифатида роҳибаларни мисол келтириш мумкин. Уларнинг ҳеч нарсаси йўқ ва бирон бойлик орттиришга ҳам интилмайдилар, лекин бахтли ва қувноқдирлар. Улар маънавий жиҳатдан бой ва бундан хурсанд, шунингдек, бахтни зулматлаштирадиган ҳолатлар йўқлигидан шодлар.

Аввало, қашшоқликнинг пайдо бўлишига ҳисса қўшадиган ва ундан чиқиш имкониятидан маҳрум қиладиган тафаккур тарзидан халос бўлишимиз керак.

Қашшоқликнинг асосий сабаби — биринчи навбатда интеллектуал ва маънавий қашшоқлик, ироданинг етишмаслиги ва бефарқлик бўлган, ҳозир ҳам шундай ва келажакда ҳам бу ўзгармайди.

Қашшоқликдан чиқиб олиш қийин. Қашшоқликка қарши кураш ҳақидаги бўш гаплар натижа билан қизиқмайдиганлар учун қизиқарли бўлиб туюлиши мумкин. Камбағалликнинг сабаблари тизимини аниқлайдиган, шунингдек, ушбу сабабларни бартараф этиш дастурини яратишга қаратилган масалалар муҳокама қилиниши керак.

Жамият, шунингдек, мамлакат раҳбарияти ва маҳаллий ҳокимият органлари нафақат қашшоқлик, балки бойлик омилларини ҳам билиши керак. Бусиз мустақилликни камайтирадиган ва қарамликни оширадиган, ишонч, қизиқиш, ирода ва эътиқод туйғуларини сиқиб чиқарадиган ҳамма нарсани қамраб олиш мумкин эмас. Алоҳида олинган ҳар бир детал бемаъни бўлиб туюлади, лекин улар биргаликда англаш борасида шундай ишлайдики, унинг ёрдамида инсонларнинг катта қисми аллақачон қашшоқлашиб бўлганини ва тобора қашшоқлашиб бораётганини аниқлаш мумкин.

Ҳар доим муаммони ҳал қилиш учун алоҳида олинган бирор нарса қилишингиз мумкин, лекин фақат тизимли талқин қониқарли натижага эришишга имкон беради. Далада ҳар доим иш бор, лекин умумни қамраб олишга қодир бўлганларгина мўл ҳосил олади.

Агар, кўрилган тайёргарлик ҳали ҳам етарли даражада тизимли тарзда ўйлаш ва ҳаракат қилиш имконини бермаса, натижа ҳам ҳеч кимни қониқтирмайди.

“МУАММОНИ ҲАЛ ҚИЛИШ” МУМКИН ЭМАС

Албатта, қашшоқлик ва бойликнинг барча омилларини енгиш истаги елкангизга оғир юк бўлиб туюлиши мумкин. Ижтимоий фанлар соҳасида тайёргарликка эга бўлмаганлар

учун бу жуда қийин бўлиб кўриниши табиий. Бу ҳақиқатан ҳам осон эмас, лекин тизимлиликка интилиш ўзини оқлайди ва етарли даражада тизимли фикрлаш ва ҳаракат қилиш учун тайёргарлик бўлмаса, натижа қониқарсиз чиққанига ҳайрон қолмаслик керак.

НИМАЛАР ҚИЛИШ КЕРАК...

ВАТАНДОШЛИК БУРЧИ / ҲАЁТ МУҲИТИ	САҚЛАШ	ЎЗГАРТИРИШ	ҚЎШИШ	НИМАДАН ҚУТИЛИШ КЕРАК	ИЗОҲЛАР
1. ДУНЁДА					
2. ЕВРОПАДА					
3. ДАВЛАТДА					
4. ҲУДУДДА					
5. ТУМАНДА					
6. ШАҲАРДА					
7. ҚИШЛОҚДА					
8. ХОНАДОНДА					

13.1.2. — чизма. Сақлаб қолиш ва ўзгаришлар қилиш модели

Камбағалликни камайтириш учун нафақат қашшоқлик омилларининг бири билан, балки омилларнинг бутун тизими билан шуғулланиш керак. Шунингдек, мустақил ҳаракатланиш ўсиши учун мустақилликка боғлиқ бўлган нарсалар билан шуғулланиш зарур. Бунинг учун давлат томонидан амалга оширилаётган стратегия ва ватандошларнинг таълим даражаси – ижтимоий шартнома тузиш имконини бериши керак. Унга кўра:

• Конституциянинг бирор бир бандини сафсата деб ҳисоблашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ;

• Раҳбарлик ва тартиботнинг турли даражаларида барча ватандошларнинг ўз конституциявий ҳуқуқларидан чинакам фойдаланишини таъминлаш чоралари кўрилади;

• Жамиятда персонал жавобгарлик тамойили қарор топади.

Қашшоқлик ҳам бошқа муаммолар каби бир хил бўлиб, уни тўғридан-тўғри ҳал қилиб бўлмайди; фақат ўз-ўзини тартибга солувчи чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш билан сифатли ечим топиш мумкин. *13.1.1.* — чизма буни тушунишга ёрдам беради.

Ҳар доим эсда тутиш керакки, ҳеч қандай муаммо унинг намоён бўлиш жойи кўзлови билан ҳал етилмайди!

Бу ерда, биринчи навбатда, қашшоқлик ва индивиднинг бой бўлиш омиллари ҳақида гапирилди, лекин юқорида таъкидланганидек, бу масалани оила, жамоа, минтақа, давлат, шунингдек, жамият, институция ва ташкилотлар даражасида янада чуқурроқ кўриб чиқилиши керак. Бунинг учун академик муҳит ва ҳеч бўлмаганда 1970 йилларнинг биринчи ярмида Тартус давлат университетида фаолият кўрсатган социологик лаборатория сингари тадқиқод маркази жуда фойдали бўлар эди.

Агар давлат нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, унда фақат раҳбарлик ва тартиботнинг

беш даражали омиллар тизимини ўз ичига олган талқинини мақсадга мувофиқ ва самарали деб ҳисоблаш мумкин.

Агар давлат нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, унда фақат раҳбарлик ва тартиботнинг беш даражали омиллар тизимини ўз ичига олган талқини мақсадга мувофиқ ва самарали бўлиши мумкин. Ҳар бир даражада камбағаллик ва бадавлатликнинг ўзига хос факторлари бор, лекин тартибга солиш даражаларининг ҳеч бирида қашшоқликни бартараф этиш ёки тўқликка эришиш учун барча зарур омиллар мавжуд эмас.

Бошқа парадокслар ҳам бор: қашшоқлик омилларининг ҳеч бири шунчалик кучли эмаски, уни бартараф этиш орқали қашшоқликдан қочиш ва тўқликка йўл очиш мумкин бўлса; аммо қашшоқликнинг ҳар бир омили қашшоқликка олиб келадиган ва ўзига тўқ бўлишни имконсиз қиладиган даражада кучли.

Ушбу изланишлар доирасида амал қилиш тавсия этиладиган тамойилларни шакллантиришга ҳаракат қилиш керак. Илмий тадқиқотлар йўқлиги туфайли, бундай изланишлар афсуски ҳозирча, асосан интуитив бўлиб келмоқда. Юқорида муҳокама қилинган тартибга солиш ва раҳбарлик даражаларида алоқаларни ажратиб олиш ва ўрнатиш тамойилига қўшимча равишда, методологиянинг барча бошқа таркибий қисмлари ҳам ҳисобга олиниши керак (8.3. — *бандга қаранг*).

Л. Толстой ибораси билан айтганда: ҳамма бир хил бахтли, лекин ўзича бахтсиз ва камбағалдир.

Инсоннинг реал ҳаёти мактабда ўргатиладиган ҳаёт ҳақидаги билимлардан анча мураккаб. Ҳаёт кутилмаган ҳодисалар ва вазиятлар, имкониятлар ва хавф-хатарлар билан тўлиб-тошганки, улар ҳақида ҳеч ким олдиндан сабоқ бера олмайди. Ҳаётда кўзлов қилиш, қарорлар бериш ва актив фаолиятга тайёр бўлиш учун ўз бошингиз билан мустақил фикр юрита олишингиз ҳамда журъатли, ишбилармон, талабчан ва изчил бўлишингиз (шундай бўлиб кўринмаслигингиз) керак.

13.2. ТУҒИЛИШ КЎРСАТКИЧИ

Эстонияда кўп йиллар давомида туғилиш ўсиши таъминлаб берилмаган. Парламентда аҳоли масалалари бўйича инқироз комиссияси тузилди, аҳоли сонининг кўпайиши ҳукуматнинг устувор йўналиши деб эълон қилинди. Аммо шу кунгача ҳеч нарса ўзгармади. Нега ўзгармади? Аслида, биз юқорида муҳокама қилганимиз қашшоқлик муаммосига қандай муносабат йўлга қўйилган бўлса, туғуруқ муаммоси ҳам шу даражада ҳал қилинаётганини англатади.

Эстонияда демографик хатти-ҳаракатлар бўйича жуда кўп статистик маълумотлар мавжуд, аммо парламентда ҳам, президент девонхонасида ҳам, университетларда ҳам, парти-

яларда ҳам туғилишнинг пастлиги сабаблари ҳақида ҳеч қандай билим йўқ. Шу боис аҳолининг муҳофазаланганлик туйғуси, шу жумладан, оилага нисбатан хулқ-атвор ва муносабатларда намоён бўладиган ахлоқий асосларга самарали ва сезиларли таъсир кўрсатадиган чора-тадбирлар тизими ҳақида гап ҳам бўлмади.

Туғилиш — ҳаёт сифати ва ишонч ҳиссининг функциясидир.

Қандайдир "чоралар" ёрдамида туғилишни ошириб бўлмайди. Буйруқ бериб эркак ва аёлнинг қадр-қиммати, салоҳияти ва масъулиятини ошириш мумкин эмас.

Аҳоли инқирози объектив муқаррарлик эмас, бу раҳбарлик ва бошқарув даражасида йўл қўйилган хатолар, жумладан, нотўғри кўзлов оқибатидир.

Туғуруққа тўғридан-тўғри ва бевосита таъсир қилиш мумкин бўлмаса-да, уни йўналтириш ва ошириш мумкин.

Туғилиш пастлиги сабабларини англаш ва адолатли очиқлаш аҳоли билан боғлиқ жараёнларни тўғри йўлга қўйишнинг биринчи шартидир.

Агар биз туғилишнинг нимага боғлиқлигини ва нима учун бу қадар паст эканлигини билсак, унга таъсир қилишимиз мумкин бўлади. Буни билиш учун туғилишни статика ва динамикада муаммо сифатида тасвирлаш керак.

Кейин туғилиш омиллари рўйхатини тузиш, матрица таҳлилини ўтказиш (11.1.11. — *чизмага қаранг*) ва ушбу омилларнинг устуворлигини аниқлаш мумкин.

Кейинги қадамда эса аҳоли ўсишини таъминлаш бўйича Миллий дастур қабул қилиш мумкин бўлади.

ТУҒУРУҚ ФАКТОРЛАРИ

Қуйида туғилишнинг мумкин бўлган омилларига бир нечта мисоллар келтирилган.

13.2.1. — чизма. Туғуруқ факторлари

Биз биламизки, туғуруқ ишонч туйғуси билан чамбарчас боғлиқ. Бинобарин, иложи борича бу туйғу турли ёшдаги қизлар ва ўғил болаларга, қишлоқ ва шаҳарлардаги қизлар ва ўсмирлар, эркаклар ва аёлларга боғлиқ бўлган омилларнинг тўлиқ рўйхатини тузиш керак.

Шуни ёдда тутиш лозимки, “ўртаҳол яшовчи” деган тушунча мавжуд эмас!! Демак, аҳоли таркибини аниқлаш ва типологиясини тузиш зарур. Унинг асосини тутумлар, муносабатлар, фазилатлар, қадриятлар, меъёрлар, афсоналар ва ясоқлар, шунингдек, ҳақиқий хулқ-атвор алоқалари ва боғлиқликлари ташкил қилади (5.3.3. — *чизмага қаранг*).

Туғуруқ таълим ва тарбия тизимининг таъсирига боғлиқ. Бинобарин, ривожланишнинг турли босқичларида ўғил ва қизлар, ўсмирлар, эркаклар ва аёллар шаклланишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омилларни иложи борича санаб ўтиш керак. Улар қуйидагилар бўлиши мумкин:

• манипуляция субъекти ёки объекти бўлган шахсият омили;

• жамиятнинг адекват аъзоси, маданият вакили, жамият аъзоси ва вакили, оила аъзоси ва вакили каби омиллар.

• табиатни, Яратгувчини ва бунёдкорликни ҳимоя қилишни хоҳлайдиган инсон омили;

• маърифатли, билимли ва тажрибали бўлишни хоҳловчи, бирор нарса ҳақида ҳамма нарса ва ҳамма нарса ҳақида ниманидир билишга интиладиган, меҳнат ва ҳамкорликка тайёр бўлган инсон омили;

• ҳар бир лаҳзани ижод, билим ва ўз-ўзини такомиллаштириш учун ишлатадиган, ўз уйи ва оиласини яратишни, шунингдек, буларнинг барчасини хавф-хатарлардан асрашни истаган инсон омили;

• янгилик ва инсонийликка очиқ, лекин шарафсизликка ёпиқ, атрофдагилар бахтли бўлгандагина бахтли бўлиш мумкинлигини тушунадиган инсон омили.

Биринчи боланинг туғилишини кечиктириш туғилиш даражасига зарар етказади. Шунинг учун эрта туғиш билан боғлиқ хавфларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар тизимини кўриб чиқиш лозим. Фарзандли ёшларга олий ўқув юртларига ўқишга киришда имтиёзлар бериш, оилавий ётоқхоналар қуриш, таълим муассасаларида болага қараш (ясли ва боғча кабиларни ташкил қилиш) имкониятини яратиш керак. Шунингдек, ёшлар ва ёш оилаларнинг уй-жой топишини осонлаштириш учун қандай чора-тадбирлар кўриш зарурлигини аниқлаштириш лозим.

Агар туғилишга имкон яратидиган ва тўсқинлик қиладиган (зарарли) омиллар бўйича кўплаб ишончли ва тизимли маълумотларни тўплаш мумкин бўлса, бу фақат биринчи қадам бўлади. Кейинги қадам, туғилиш бўйича олинган маълумотларни қандай қилиб бирлаштириб информацияга айлантириш ҳақида ўйлашдир. Сўнгра навбатдаги босқичларга ўтиш мумкин.

Эстонияда ижтимоий масалалар бўйича давлат институти ташкил этилиши мумкин, унда аҳоли муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб бориш ва дастурларни ишлаб чиқиш, шунингдек, мансабдорлар, маслаҳатчилар, депутатларни ўқитиш, малакасини ошириш, консултациялаш учун интеллектуал салоҳият тўпланади.

13.3. ҚЎРҚУВ

Инсонни эҳтиёжлар ва қизиқишлар, шу билан бирга қўрқувлар бошқаради. Қўрқув ишонч ҳиссининг йўқлигини англатади, аммо қўрқувнинг йўқлиги ишонч борлигини англатмайди.

• Қўрқув ишонч ҳиссининг йўқлигини англатади.

• Қўрқув ҳиссининг йўқлиги эса ишончнинг борлигини англатмайди.

Ўтган асрда жамият шу қадар даҳшатли воқеаларни бошдан кечирдики, инсонлар ҳали ҳам қўрқувни ҳис қилишади. Урушлар, оммавий қочқинлар, депортациялар, қишлоқ ҳаётини вайрон қилиш, коллективлаштириш ва ҳоказолар — буларнинг барчаси миллий ўзига хосликда чуқур из қолдирди, шунингдек, генетик кодни қаттиқ азоблади.

13.3.1. — чизма. Қўрқув манбалари

Қўрқув манбалари қуйидагилар бўлиши мумкин:

• Заиф таълим олганлик, бунинг натижасида инсон атрофида нима бўлаётганини тушунмайди, ҳаётга хавф туғдирадиган, шунингдек, комилликка ҳисса қўшадиган ёки тўсқинлик қилувчи омилларни ажрата ола билмайди, шунингдек, улар ўзаро таъсирланиши оқибатида (синдром сифатида) қандай ишлашини тушунмайди. Фақат кейинги босқич таълими учун ҳизмат қиладиган таълим, тақдирнинг ўзгаришларини олдиндан билиш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам бермайди, хавф сабабларини таниб олиш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Келажак олдидаги қўрқув авлоддан-авлодга ўтиши мумкин.

• Заиф информацияланганлик. Тасодифий хабарлар ва ғийбатлар орқали инсонлар қониқарли даражада информацияланган субъектга айлана олмайди. Узуқ-юлуқ маълумотга эга бўлган шахс алданади. Маълумотларга эга бўлишингиз мумкин, лекин инсон унинг моҳиятини кўра билмаса, унинг фундаментида тизим қуриб контекстга жойлаштирмаса, у ҳолда маълумотлар информацияга айланмайди ва кераксиз бўлиб қолаверади.

• Инсонлар тасодифий янгиликлар ва ғийбатлар орқали қониқарли даражада информацияланган субъектга айлана олмайди.

• Узуқ-юлуқ информацияланган инсон — алданади.

Маълумотларни шарҳлаш учун назария ақлий моделлар керак бўлади, уларнинг баъзасида

турли контекстлар ҳақида тасаввур шаклланади ва маълумотларнинг маъноси ойдинлашади. Бундай ҳолда, моделлар яратиш ва муаммоларни шакллантириш учун маълумотлардан фойдаланиш мумкин бўлади. Маълумотларнинг ишончлилиги ва изчиллиги тобора муҳим аҳамият касб этмоқда, чунки ёлғон хабар ва ахборот урушлари тобора кенгайиб бормоқда.

Маълумотларга эга бўлишингиз мумкин, лекин инсон унинг моҳиятини кўра билмаса, мазкур маълумотлар асосида тизим қуриб контекстга жойлаштирмаса, маълумотлар информацияга айланмайди ва кераксиз бўлиб қолаверади.

• Тажрибанинг етишмаслиги. Агар инсонда етарли тажриба бўлмаса, у қандай қилиб олдиндан кўришни ва таниб олишни билмайди. Олдиндан кўра билиш қобилияти маърифатлилик, информацияланганлик ва тажрибанинг бирлигида шаклланади.

• Тизимлар ва кодларни билмаслик (2.3. — *бандга қаранг*). Агар инсон ўзини ва яшаш муҳитини кўришни билмаса, статика ва динамикада моделларни яратишни, уларнинг ёрдами билан ривожланиш факторлари ўзгаришини тушунишни, тартибга солинадиган ва ўзини-ўзи тартибга солувчи тизимлар ишлаши ва ўзгаришини билмаса, бу кейинги англанган фаолият учун зарур олд шартлар ҳали етарли даражада яхши эмаслигини кўрсатади. Нисбатан ташқари таъсир

асосида тартибга солинадиган тизимлар, уларни ким ёки нима тартибга солаётганини, у билан нима эргашиб келишини, шунингдек, агар улар регуляция қилинмаса ёки нотўғри бажарилса нима содир бўлишини тушуниш керак.

• Сўзлар маъносидаги чалкашлик (қониқарсиз валидлик). Нутқлар мазмунини (рема, курс ва мақсадлар, матности ва бошқалар) муҳокама қилиш ва тушунишда иштирок этиш учун фақат маълум бир контекстдаги сўзларнинг маъносини тўғри билиш имкони бўлиши керак (6.0.2. — *чизмага қаранг*).

• Инсонларни билмаслик. Бошқа инсонлар нимага интилаётгани, нима учун одамлар у ёки бу тарзда ўзини тутиши ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаганлар кўпинча ўзларининг ҳолати ва хавфсизлиги ҳақида қайғурадилар. Хулқ-атворнинг сон-саноқсиз омиллари мавжуд. Барқарор, реал ёки ўйинли муҳитнинг фақат биттасида ҳаёт тажрибасига эга бўлган инсон бошқа шароит ва вазиятларда қандай яшаши мумкинлигини ва бундай ҳолларда инсонлар нимага интилишларини тасаввур қилмайди. Шунинг учун кўпчилик бирор нарса қилишга журъат этмайди.

Жамиятдаги бўлиниш ҳамиша ҳам қарама-қаршилик бўлавермайди, биринчи навбатда, бу тарқоқлик, яъни контактлар, муносабатлар, алоқалар ва бирдамлик ҳисси йўқлигида намоён бўлади.

• Бегоналарга нисбатан ишончсизлик. Улар хатти-ҳаракатларини олдиндан айтиб бўлмай-

диган ва ҳар қандай ўзаро тушуниш ва мослашиш мумкинлигига ишониш қийин бўлган инсонлардан қўрқишади.

Бошқа инсонлар нимага интилаётгани, нима учун у ёки бу тарзда ўзини тутиши ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаганлар кўпинча ўзларининг статуси ва хавфсизлиги ҳақида қайғурадилар.

Шуни эсда тутиш кераккиb, ҳеч кимни интеграциялаш мумкин эмас. Ҳамкорликни яратиш ва қўллаб-қувватлаш мумкин, бунинг шарти тил ва муносабат бирлиги бўлади. Аввало, адаптация учун шароит яратиш керак, кейин эса социализация учун. Шундан сўнггина интеграция ёки ассимиляция ҳақида гапириш мумкин (2.2. — *бандга қаранг*).

• Форс-мажор ҳолатлари. Чақмоқ, қурғоқчилик, бўрон, тошқин ва бошқалар инсоният тарихи давомида қўрқувга асос бўлиб хизмат қилган. Табиат қонунларини биладиганлар ҳам, уларнинг намоён бўлиш қонуниятлари ҳақида тасаввурга эга бўлмаганлари ҳам турли хил катаклизмлардан қўрқишади.

• Абсурд вазияти. Агар бирор киши бундай давом этиши мумкин эмаслигини ҳис қилса, лекин қониқарли чиқиш йўлини кўрмаса, қўрқув пайдо бўлиши, бу ҳатто ўз жонига қасд қилишга ҳам олиб келиши мумкин (3.3. — *бандга қаранг*).

• Жиддий ҳодисалар, зўравонлик, ҳалокат. Масалан, уруш.

• Ёлғизлик.

• Хулқ-атворнинг бузилиши ва депрессия. Ҳар хил — “мания”, - “изм”, - “филия”лар ўз навбатида, қўрқувни келтириб чиқаради.

• Психикадаги бузилишлар. Қўрқув билан боғлиқ ҳолда, айниқса, параноя (хавфни оғриқли ҳис қилиш) ва апатияни тушуниш муҳимдир (*3.3. — бандга қаранг*).

Муаммо шундаки, ҳаёт жуда чигал ёки шунчалик шиддатли бўлиб қоладики, қўл силташ ва зарба ўртасидаги фарқ йўқолади, яъни индивидуал дақиқа (2.0. — *бандга қаранг*) жуда чўзилиб кетади ёки шунчалик қисқарадики, диққатни жамлашнинг иложи қолмайди.

Ҳаёт етарлича хилма-хил ва қизиқарли бўлмаса, қўрқинчли бўлади. Агар ўйга толдирадиган ҳеч нарса бўлмаса, изланишлар ортиқча бўлиб кўринса, ижодкорлик имконсиз, бекорчилик эса ахлоқсизлик даражасига етса, унда инсон ҳаётдан ва ўзидан қўрқишни бошлайди.

Руҳий бузилишлар қанчалик кўп бўлса, уларга нисбатан реакция шунчалик кам бўлиб боради. Психика нозик ва нафис - уни ҳимоя қилиш керак. Кўпинча руҳий бузилишнинг сабаби билимнинг етишмаслигида эмас. Алкоголик ҳам ўз жигарига зарар етказаётганини ва атрофидаги инсонларни қайғуга солаётганини билади, лекин у спиртли ичимликларни суиистеъмол қилишда давом этади, чунки акс ҳолда қочиб қутуладиган жой қолмайди ва ҳеч бўлмаганда маълум муддат ўзини хавф-хатар, масхара ва ахлоқийлаштириш зонасидан ташқарида ҳис қилади.

13.4. ЎЗГАРИШЛАР ИМКОНЛИДИР!

Жамиятдаги ўзгаришларга эришиш учун у ёки бу детални ўзгартириш етарли эмас. “3+5” қонуни қадимги Римда икки минг йил аввал ҳам ишлаган. Ўша пайтдан маълум эдики, агар бирор бир камчиликдан халос бўлиш ва қониқарли натижага эришиш керак бўлса, камида учта шартнинг мавжудлиги ва яна камида бешта омилни ўзгартириш талаб этилган.

Зарурий учта олд шарт қуйидагича:

1. Сабабларини аниқлаш учун етарлича ақлли бўлишингиз керак — нима учун ишлар ёмон кетаётганини аниқлаш.

2. Бу сабабларни қисқа, аниқ ва тўғри баён қилиш учун сизда етарлича маҳорат бўлиши керак.

3. Бу сабабларни оммага ошкор этиш учун жасорат бўлиши керак — уларни баланд овозда эълон қилиш ёки қоғозга тушириш лозим.

Ўзгаришларга эришиш учун бешта омилни ўзгартириш керак:

1. Таркибни — ҳамма нарсани расво қилган инсон ўзини бошқа жойда синаб кўрсин ва бизни тинч қўйсин.

2. Структурани — инсонлар, ташкилотлар, бўлим кабиларнинг бир-бирига нисбатан жойлашишини.

3. Мақсадларни (мақсадлар тизимини).

4. Фаолият тамойилларини.

5. Баҳолаш меъзонларини.

Икки минг йил анча узоқ муддат бўлганлиги сабабли, бугунги кунда ҳар бир ватандош ўзини юқорида санаб ўтилган беш нуқта билан чеклаш ёки ушбу рўйхатни тўлдиришни ўйлаб кўриши мумкин. Масалан, мақсадларнинг ўзгариши манбаларнинг ўзгаришига олиб келиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак.

Жамиятдаги самарадорлик инфратузилма функцияси эканлигини ҳисобга олиш ҳам асослидир. Агар замонавий тушунишда инфратузилма етарлича тизимли бўлмаса, унда амалга оширилган барча саъй-ҳаракатларга қарамай мағлубиятни қабул қилиб олиш мумкин.

МУНДАРИЖА

6-БОБ. МУЛОҚОТ

7-БОБ. ФАОЛИЯТ ТИЗИМИ

8-БОБ. БИЛИШ ТИЗИМИ

9-БОБ. ТАЪЛИМ

10 – БОБ. МЕҲНАТ

11-БОБ. РАҲБАРЛИК

12-БОБ. ҲАМКОРЛИК

13-БОБ. ХАВОТИРЛАР

Юло Вооглайд

ВАТАНДОШЛИК ДАСТУРИ

Нашриёт раҳбари
Нўъмон Абдулмажид
Муҳаррир
Абдурауф Зокиров
Чизмалар муаллифи
Файзуллоҳ Рустамжон ўғли
Мусаҳҳиҳ
Ойбек Ҳайдаров
Дизайнер
Муҳриддин Ҳамроев

Тасдиқнома рақами №6732
Босишга 2023 йил 10 мартда
рухсат этилди.
Бичими 84х108 $^{1}/_{32}$.
"*Lora*" гарнитураси.
Офсет босма усулида босилди.
44 босма тобоқ.
Адади 2 000 нусха.
192 сон буюртма.
Баҳоси келишилган нархда.

"**Azon kitoblari**"
нашриётида тайёрланди.
Тошкент шаҳри, Қатортол
2-муюлиш, 1-а уй.

"**Azon kitoblari**" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Юнусов кўчаси, 3-уй.
www.azonkitoblari.uz
Электрон почта: azonkitoblari@gmail.com
Тел.: (+99890) 347-96-00